



Шарк қаламузи

Ойлик адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи



51-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

МУНДАРИЖА

Шароф Рашидов. Дил амри. Қисса	3
Ҳусниддин Шарипов. Жонажоним ҳаёт. Шеърлар	127
Шукур Холмирзаев. Қил кўприк. Роман. Давоми	133

ПУБЛИЦИСТИКА

Рўздат Ғойибов. Қўриқ воҳа истиқболи	164
--	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Наим Каримов. Теранлик	176
----------------------------------	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Адиб Собир Термизий	178
Залилий	180
Мухаммад Али. Шоир ҳақида бир оғиз сўз	181
Галактион Табидзе. Тегирмон тошлари	182
Раззоқ Абдурашид. Навқирон шеърят	183

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Уткир Ҳошимов, Умарали Норматов. Қалб инқилоби	185
Омон Матжон. Бор бўл, ёруғ безовталиқ	194
Норбой Худойберганов. Қаҳрамоннинг маънавий олами	199

ГУЛҚАЙЧИ

Мейлибек Норбоев. Хонанда	205
Конвертларни қайчилаганда	205
Маданий ҳаёт	206
Адабий журналлар ноябрь ойида	207



Шароф Рашидов



ДИЛ АМРИ

ҚИССА

I

Иван Иванович саҳар палласида уйғондию ювиниб, кийиниб олгач, қудуқдан сув тортиш ниятида ҳовлига чиқди. Кекса ўқитувчининг ҳовлиси ҳамиша покиза, ҳамиша саранжом, ҳамиша гулзор ва гўзал бўлиб, қайин дарахтлари билан қопланган эди. У ташқарига чиқиши биланоқ анвои хил гулларнинг шабнам аралаш анқиган ҳиди гуп этиб димоғига урди. Кўм-кўк майсалар, қадди-қомати келишган қайин дарахтлари ҳам эрта тонг шабнамида ювилиб-таралиб кўзга ташланди. Ҳовлидаги ҳар

бир туп гул, ҳар бир туп қайин ва майсалар кекса ўқитувчига таниш ва ардоқли эди. Негаки у буларнинг ҳаммасини ўз қўли билан эккан, пешона тери билан суғорган, меҳр қўйиб, зўр иштиёқ билан парвариш қилиб ўстирган.

Иван Иванович қўлидаги пақирни ерга қўйиб, жонажон қишлоғининг тонг-сахардаги ҳусни жамолига мафтун бўлган ҳолда ширин хаёлотга берилди, гуллар, майсалар, дарахтларни суқ-ҳавас билан, меҳр-муҳаббат билан, фахр-шукроналик билан кўздан кечирди. Нигоҳи қайин танасидан юқорилаб, кўкка тикилди, шу лаҳзада киндик қони тўкилган қишлоқ бор савлати, кўрки-камолу билан унга пешвоз чиқиб, бағрига олгандай, эркалагандай бўлди.

Берёзовка унча катта қишлоқлардан эмас. Унда янги мактаб, томи тунука, черепица, кўпроқ похол билан ёпилган уйлари бўлган тахминан уч юзта хонадон яшайди. Қишлоқнинг тақдири кекса ўқитувчининг тақдири билан чамбарчас боғланганки, ҳар бир хонадонда унинг ўқувчилари бор: баъзилари аллақачонлар унинг қўлида таълим олган, баъзилари ҳозир мактаб ёшидаги ўқувчилар бўлса, ҳадемай мактаб ёшига етиб, қўлига келадиган болалар ҳам анча... «Эҳ, Берёзовка, Берёзовка... нақадар гўзалсан, жонажон қишлоқ. Поёнсиз ўрмонларнинг, экинзорларнинг, майсазорларнинг, қишин ва ёзин мусаффо ҳаволаринг нақадар ҳузурбахш, нақадар ёқимли, нақадар ширин, нақадар гўзал, она қишлоғим. Эҳ, Берёзовка, Берёзовка, ҳамиша мафтунингман, ноёб юртим...»

Тонг салқини дилга ором берарди-ю, бари бир ҳадемай ҳаво қизиб, нафасни қайтарадиган даражада исиб кетиши сезилиб турарди — бу йил ёз ҳаддан ташқари иссиқ келганди. Қишлоқ атрофидаги Сухая дарёси аллақачон қуриб қолганди, эҳтимол шу сабабдан ҳам унга исми жисмига монанд деб Сухая — қоқ дарё номи берилгандир. Фақат Тихая дарёси қишлоқнинг пастки томонидан гоҳ қияликлар орқасидан кўзга ташланиб, гоҳ чуқур жарликлар тагига яшириниб, аввалгидек бир маромда сокин ва жимир-жимир оқардики, бунисининг Тихая — сокин деган исми жисмига жудаям ярашиб тушган эди. Мамнунлик, таъби равшанликдан қушдай енгил тортган ўқитувчи мусаффо тонг ҳавосини сувдай шимириб, Тихая дарёси бўйига яқинлашди. Дарё лим-мо-лим, теран бўлса ҳам мулойим оқарди. Поёнсиз ўрмонлар ўртасидан кесиб ўтган ва хаёлчан оқими билан ҳаммани ўзига мафтун этган ўша ўрмонларнинг кумуш камари эди, бамисоли. Иван Иванович она қишлоғининг тонг сахарги ҳуснига, дарёнинг сирли оқишига маҳлиё бўлиб қолди.

У кумушдай оқ ва ҳурпайган сочларини, ўзига ярашиб турган эчки соқолини узун-узун бармоқлари билан тараб, тутамлаб силаб, қишлоқ манзараси, дарё оқимидан кўз узолмас, баҳри-дили очилиб, қалбини тўлдирган севинч ва фахр ҳис-туйғусига ғарқ эди.

Бирдан кўзи дарёнинг нариги томонидаги изғирин шамол, ёмғир ва қиш совуғидан уриниб, асл кўркини олдириб қўйган кекса қайин дарахтига тушди-ю, чўчиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Қафтига қўниб турган бахт қуши ҳозироқ учиб кетадигандай туюлди, юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳотки, наҳотки шулар бари топталса, оёқ ости бўлса, одамлар хўрланса. Мактаб-чи, ўқувчиларим-чи? Ахир уч ҳафтадан кейин ўқув йили бошланади-ку...»

Мана икки ойдирки, уруш алангаси катта фронт бўйлаб тобора мамлакат ичкарисига кириб борар, Россиянинг марказига яқинлашиб қолганди. Берёзовкада ҳам йироқ-йироқлардан бомба портлаганига ўхшаш овозлар эшитилиб турар, ваҳима соларди.

Қўшинларимиз кўпдан-кўп талафотлар эвазига бўлса ҳам Смоленск ва Ельня районларида немис армиясининг ҳужумини тўхтатдилар. Натижада душмanning «Марказ» группаси мудофаага ўтишга мажбур бўлди. Фашист армияси қўмондонлиги асосий жанг ҳаракатларини фронтнинг марказий участкасидан ён томонларига кўчирди.

Вазият ниҳоятда оғир эди. Немис самолётлари Берёзовкага биринчи марта ҳужум қилганларига бир ҳафта бўлди. Учта уй бомба тагида қолди. Ушанда қадрдон дўсти, қишлоқдагилар Миша бобо деб атайдиган темирчининг неваралари Серёжа билан Иринанинг онаси Анна Владимировна Есинанинг уйи ҳам ёниб кетди.

Иван Иванович кўнгли ғаш, кўкка қараб олди-да, қудуқдан сув тортди. Осмоннинг майин, осойишта мусаффолиги унинг юрак ғулғуласини янада оширарди.

Шу пайтда осмон гумбурлади. «Бу нимаси,— ўйлади у,— момақалди роқми ё самолётмикан?» У ўз саволига жавоб топмасданоқ осмонда немис-фашист самолётлари пайдо бўлди. Ғув-ғувлаган овозлар қишлоқ жимлигини, эрта тонг сокинлигини бузди. «Яна ўша «Юнкерс»лар, халқимиз бошига ажал уруғини сепиш учун келмоқдалар» — кўнглидан ўтказди у. Самолётлар баланд учиб Берёзовка қишлоғи устидан ўтиб кетди ва шарқ томонда кўринган булутлар ичига кириб кўздан ғойиб бўлди. Кекса ўқитувчи бомбардимончи самолётлар изидан қараб қоларкан, ҳозирги руҳия ҳолати, қалб тўла ҳузур-ҳаловати ўрнини ғамглик қамраб олди, юрагида оғир ташвиш пайдо бўлди: «шаҳар, қишлоқларимизни вайрон қилади, саноат корхоналаримизни портлатади, қанча мусибат, қанча қон тўкилади-я! Лаънатилар», — у жаҳл ўтида ёниб орқасига ўгирилди ва уйи томон йўл олди.

Иван Иванович уйига етмасданоқ яна ваҳимали ғув-ғув товуши эшитилди. Фашистлар энди овчидан қўрққан қуёндай ўша булутлар орасидан орқага қайтар эди. Немис самолётлари мўлжаллаган нишонини бомбардимон қилолмай, энди бомбаларни йўл-йўлакай дуч келган жойга — қишлоқларга, машиналар ва одамлар қатнаб турган йўл ва кўприкларга, биноларнинг устига ташлаб, ғарбга қочарди. Қанотида қизил юлдуз порлаб турган бизнинг самолётларимиз газандаларни ўқ ёмғири ёғдириб қувиб келардилар.

Самолётлар Берёзовка устидан пастлаб учиб, жон талвасасида қолган-қутган бомбаларини қишлоқ устига ёғдирди, портлаш овозлари қишлоқни ларзага солди. Бир бомба портлади, иккинчиси, учинчиси, бешинчиси. Қадим замонларда кенг сой устига қурилган кичкина эски кўприкнинг ёғочлари кўкка совурилди. Иккинчи ва учинчи бомба қишлоқнинг қоқ марказига тушди. Бомбалардан бири Иван Иванович яшаб турган уйга тушиб портлади. Дарвоза ва уйнинг ёғоч-тахталари худди бўронда тўзгиган қоғоз варақларидек парча-парча бўлиб, осмонга кўтарилди. Бомбанинг бир адашган парчаси кекса ўқитувчига тегиб, елкасини куйдирди. Қандай қилиб яраланганини сезмай қолган Иван Иванович бомба тўлқини билан уйдан анча нарига бориб тушди, аъзойи бадани қип-қизил қонга беланиб ҳушидан кетди. Сал ўтмай бир зумгина ўзига келганида, уйини аланга ичида кўрди. «Яхшиям якка ўзимман, яхшиям уйда ҳеч ким йўқ» — хаёлидан ўтказди кекса ўқитувчи ва яна ҳушини йўқотди.

Самолётлар ғарб томонга учиб кетди. Бурқсиган тутун эрталабки соф ва сокин ҳавони бузиб, бутун Берёзовкани қоплади. Қишлоқда кўтарилган қий-чув, бақир-чақир, йиғи овозлари, сигирларнинг қўрқиб маърашлари итларнинг бетартиб вовиллашига қўшилиб, ҳаммаёқни даҳшатга солди. Кимдир халойиқни ўт ўчиришга чақириб жар соларди.

Одамлар Иван Ивановичнинг уйи томон югуришарди.

— Иван Иванович қани? — дея ховлиқиб суриштира бошлашди одамлар. — Наҳотки ўт ичида қолиб кетган бўлса.

— Иван Иванович! Қаердасиз, Иван Иванович!

Ўқитувчи яна ўзига келди. Бу овозлар унга узоқ-узоқлардан келадигандек туюларди. Мана, энди равшан эшитила бошлади. Бири йўғон, дўриллаган, иккинчиси болаларнинг овози.

— Иван Иванович!

Мана у қадрдон дўсти, колхоз темирчиси Миша бобонинг «Нафасингни ўчир!» деб бақирган йўғон овозини таниди, болаларнинг овози

Ира билан Серёжанинг овозига ўхшади. Яна кўзлари жимирлашиб, ҳушидан кетди.

Чопиб келган одамлар ўқитувчи беҳуш ҳолда қип-қизил қонга беланиб ётганини кўришди.

Миша бобо бақувват қўллари билан ўқитувчини авайлаб кўтариб, ўз уйига олиб кетди. Серёжа билан Ира кўз ёшлари юзларини ювган ҳолда боболари орқасидан борардилар. Одамлар — аёллар, қариялар, болалар ўқитувчининг буруқсаб ётган уйи олдида тўпланганларича, нималарнидир ҳомуш муҳокама қилишарди.

Темирчининг уйига етганда Иван Иванович кўзларини очди.

— Қийналдинг-а, Михаил?

— Жим, жим бўл,— деди Миша бобо, уни авайлаб ётқизаркан,— яхши бўлиб кетасан.

— Бунисига имоним комил, энди кўраётганим йўқ,— шивирлади Иван Иванович.

Ҳа, Иван Иванович дастлаб бир минг тўққиз юз... йилда, биринчи жаҳон урушида яраланганди.

Кейин гражданлар уруши бошланиб кетди.

...Иван Иванович жаҳон уруши фронтларида жон олиб, жон берган, қон кечиб баҳодирона жанг қилган, кўпни кўрган одам. Гражданлар уруши жангларида актив қатнашган. Олдинига Оренбург фронтда, сўнгра Урта Осиёда босмачилар тўдаларига қарши олиб борилган жанглarda иштирок этган. Иван Ивановичнинг отлиқ аскарлар полки Будённый қисмлари билан биргаликда Бойсун тоғларида, Шеробод чўлларида, Боботоғ остоналарида бўлган шидатли жанглarda босмачиларга қирон келтирган. Иван Ивановичнинг ўзи душман ўқидан бир неча бор ярадор бўлишига қарамай, жангдан чиқмаган, ёш совет ҳокимиятини ҳимоя қилган. Империалистлар ташкил этган босмачи тўдалари узил-кесил тор-мор этилгандан кейингина ғалаба билан, ёруғ юз билан она қишлоғи Берёзовкага қайтиб келган эди. Кейинчалик ўқиди, ўқитувчи бўлди.

Аввалига болаларни наридан-бери мактабга мослаштирилган саройда ўқитди. Уттизинчи йилларнинг бошида қулоқ қилинган Бодровларнинг икки қаватли ҳашаматли уйи мактабга берилди. Уруш бошланишидан икки йил аввал область архитекторининг лойиҳаси асосида катта итальянча деразали синфхоналари кенг-кенг янги мактаб биноси қурилди. Иван Иванович энди мактаб мудирини бўлиб ишлайди ва рус тили, адабиёт ва тарихдан дарс беради.

Мана энди, йиртқиқ немис-фашистлари тинч юртимизга қўққисдан, хиёнаткорона бостириб кириб, захарли илон мисоли жонажон шаҳар ва қишлоқларимизга ўрмалаб келарди. Ана шу газанданинг бошини мажақлаб ташлаш — ҳар бир совет кишининг — ёшу қари, эркагу аёл, ҳар бир ватандошимиз, кўп миллатли аҳил оила аъзоларининг муқаддас бурчи, дил амри эди.

Бир ҳафта муқаддам коммунистлар Дурасовода, район партия комитетида йиғилиш ўтказдилар.

Йиғилишда фронт яқинлашиб келаётгани ҳақида, фермадаги моллар ва техникани эвакуация қилиш ҳақида, бу ерда рўй бериши эҳтимол бўлган оккупация шароитида кимлар қолиши лозимлиги ҳақида гап бўлди. Аммо активлардан ҳеч ким шарққа кетишни истамасди.

— Бошқаларни билмадиму,— деган эди ўшанда Иван Иванович,— аммо мен партизан бўламан. Тажриба деса менда ҳам, бошқаларда ҳам етарлик. Бахтсизлик юз бериб қолгудек бўлса, эвакуация ҳақида эмас, партизанларнинг манзилгоҳларини қаерларга жойлаштириш, ўрмонларда озик-овқат ва ўқ-дори омборларини қандай ускуналаш ҳақида, қурол-аслаҳа ҳақида ўйлашимиз керак...

Иван Ивановичнинг фикрига ҳаммалари қўшилишди.

Миша бобо уч кеча-ю уч кундуз Иван Ивановичнинг ярасини кунига бир неча марталаб авайлаб боғлаб турди. Ўқитувчи кўп қон йўқотганидан ўзини билар-билмас ҳолатда бир неча соатлаб кўзларини

очолмай ётарди. Серёжа билан Ира ҳам унинг бошида парвона эдилар.

— Михаил, ҳо, Михаил,— деб қолди Иван Иванович,— Дурасовога, райкомга бориб келиш зарур эди...

— Бориб келамаи, Ваня, хотиржам бўл,— ишонтирди Миша бобо.

— Бизлар борақолсак-чи,— деди Ира.

— Жон деб борамиз,— қувватлади уни Серёжа.

— Бўтам, болалар қиладиган иш эмас бу,— деди Иван Иванович Серёжанинг бошини силаб.

Болалар хафа бўлгандек, ерга қараб қолишди.

Ира билан Серёжа Иван Ивановичнинг ёнидан жилмасдилар. Болаларнинг иши, ташвиши ҳозир бошидан ошиб ётибди. У партизанлар отряди учун аслаҳа-анжомлар тайёрлаш билан банд. Шундай бўлгандан кейин ўқитувчига улар қарамаса ким қарайди.

Иван Иванович ўзини узоқ ва оғир касалдан турган кишидай бедармон, ҳорғин сезарди. Қўл-оёқлари увушган, карахт эди. Куч-қуввати йўқлигидан кўзларини очолмасди, ҳамма нарса хира кўринарди, овоз чиқариб бирор нарсаи сўрагундай бўлса, худди шивирлагандай бўларди. Ёниб кетган уйини кўп ўйларди.

Миша бобо унинг дилидагини сезиб тургандек далда берди:

— Мен сенга айтсам, Ваня, ўз уйингдасан, буёғини ўйлама. Қараб тур ҳали, немисларни енганимиздан кейин сенга шундоқ бир уй қуриб берайликки, мунақаси тушингга ҳам кирмаган, Аслида-ку аллақачон қуриш керак эди. Яшаб турган уйинг ўзи хароба эди-ку. Ўқитувчи, директор бўла туриб шунақа уйда яшаш, мен сенга айтсам, уят эди сенга. Қани, мана буши ичворгинг, дўстим, қайноққина, тезроқ дармонга кирасан. Мен сенга айтсам, ўзинг ҳам уч кундан буён туз тотмадинг-да, азизим, дўстим, ичақол,— илтижо қилди темирчи бобо қайнатиб, ичига асал солинган, буғи чиқиб турган стакандаги сутни унга тутаркан.

Бир неча йил муқаддам Миша бобонинг ўғли ўзига уй қуриб бўлак бўлиб чиқиб кетган эди. Хотини Анна ва иккала фарзанди Серёжа ва Ира билан яшарди. Берёзовка биринчи марта бомбардимон қилинганда худди ўша уйга фашист бомбаси тушиб портлади. Анна том тагида қолиб ҳалок бўлди. Яхшиям ҳаво ҳужуми вақтида Серёжа билан Ира уйда эмас эдилар. Миша бобо келишини дафн этгач, невараларини ўз уйига олиб келган эди.

Миша бобо Иван Ивановичга ҳар кун асал солинган сут ичириб турар, иложи борича ўзи новвойхонага бориб янги ёпилган нон олиб келар, пнэздоқда картошка қовуриб берарди.

Улар йнгирманчи йиллардан буён бир-бирларига жудаям қадрдон, суяниб қолишган, бир-бирларини жондан зиёд кўришар, ҳурмат қилишарди. Темирчи билан ўқитувчининг бу иноклиги, ҳамфикр, ҳамдард-лигини ҳамма биларди, билганлар «Иваи Иванович жудаям камсуқум одам-да, димоғ деган гапни билмайди, темирчи билан улфатчилик қилди» деса, билмаган, оғзига кучи етмаганлар: «Зиёли, ўқитувчи, кекса коммунист бўлатуриб, тенгини тополмаганига хайронсан, қаёқдаги темирчи билан улфат, ўз обрўйини тушириб юради» дерди.

Иван Иванович бундай гапларга эътибор бермасди, «майли, гапир-раверишсин, қанча гапиринса, шунча гуноҳим тўкилади» дея қўл силтаб, кулиб кўярди. У ҳаммасидан ҳам Миша бобонинг гапни ҳаминша «азизим...» деб бошлашини ёқтирарди. Бўлмаса ўқитувчи ўз ҳаётида бу сўзни жуда кўп марта эшитган, ҳозир ҳам эшитади, аммо темирчининг талаффузи жуда ўзгача бўларди. Нимага, нимаси билан ёқишини, ўзгача бўлишини билмасди-ю, аммо жуда яхши кўрарди. Ўзи ҳам Миша бобо бирон марта «азизим»сиз гап бошлаганини эслолмайди. Айниқса икковлари отамлашганларида, умуман бирга бўлишганда темирчининг «азиз дўстим» деб аташи дил-дилнинг энг нозик ерига етиб борар, меҳрини ошириб юборар, ҳар гал шу сўзни айтганида баданлари жи-мирлашар, қучоқлаб олгиси келардию, ўзини босарди. Назарда ёруғ дунёда шу сўзни — «азиз дўстим» иборасини Миша бободек дилдан

чиқариб, бутун меҳру муҳаббатини шунга жо қилиб айтадиган одам йўқдай эди. Ҳатто Иван Иванович ўзи ҳам шундай қилиб айтолмасам керак деб юрарди. Бироқ кўп марта оғзини жуфтладию, бирон марта ҳам «ҳой, Миша, шу сўзни жуда боплаб айтасан-да» деб ўзига иқроор бўлмайди. Дилдан айтилган сўз дилга бориб жой олса, тилга ҳожат қолмайди. Бу ҳам шундай кечарди. Ҳозир, шу азобда ҳам Миша бобонинг «ич, азизим, дўстим» деганигина ўқитувчига кифоя қилди, қалтираган қўлида стаканни ушлаганича, оҳиста сутдан хўплади. Узоқ-узоқ нафас олиб, охиригача ичди. Бир ҳафтадан сал ошиқ вақт ичида Иван Иванович темирчи бобо, унинг неваралари парваришида анчагина кучқувватга кириб, тетиклашиб, яраси ҳам тузалиб қолди.

Бир гал улар алламаҳалгача фронт хабарлари ҳақида гаплашиб ўтиришди. Гитлерчиларнинг яшин тезлигида ғалаба қозониш плани барбод қилинган бўлса-да, фронтдан келаётган хабарлар унча қувончли эмасди. Қўшинларимиз катта талафот кўриб чекинардилар, лекин фашистларга ҳам катта талафот етказардилар.

Миша бобо Иван Ивановичга райкомга бориб келганини айтиб берди.

— Энди, азиз дўстим, тезроқ тузалишинг керак. Қиладиган ишларимиз ҳам жиддий, ҳам кўп. Қани эртага бир тоза ҳавога чиқиб кўрайлик-чи. Ҳолинг келармикин?

— Нима деяпсан мени, аллақачон соғайганман, Михаил!

— Келишдик бўлмаса, энди ухлаймиз! Яхши ётиб тур, азизим!

Эрталаб ҳаво дим, ҳаммаёқни туман қоплаган эди.

— Ҳа, бундай ҳавони тоза ҳаво деб бўлмайди,— ҳазиллашди Миша бобо,— зарари йўқ, азизим, бари бир нафи тегади.

Иван Иванович дўстининг қўлига суяниб, Серёжа билан Ира ёрдамида уйдан чиқди. Қуюқ туман қуёшни тўсиб турган бўлса-да, кўзлари қамашиб кетди.

— Раҳмат, азизларим! Жуда яхши, қаранглар, мен яна оёққа турдим! Назаримда анча дурустман шекилли,— ўқитувчи мамнун кулиб қўйди.

Улар аста-секин юриб, Тихая бўйига тушишди, ҳаммалари қачонлардир арраланган, устини йўсин босиб кетган тоғтерак устига ўтиришди.

— Соат неча бўлди, Михаил?— сўради Иван Иванович.— Ҳали барвақтга ўхшайди, ҳеч ким кўринмаяпти.

— Олти бўлаяпти,— деди Миша бобо.— Одам камлиги рост. Колхоз моллари аллақачон шарққа жўнатилган, подачи бўлса Қизил Армияда. Қолган сигирлар ҳар кимнинг уйи олдида ўтлаб юрибди. Одамлар ҳам кам қолган. Сен билан менга ўхшаган қариялару аёллар, болалар. Бор аҳоли шу...

Улар жим қолишди.

Серёжа билан Ира дарё бўйлаб уйга қайтиб кетишди. Миша бобо уларнинг кетидан қараб қоларкан, деди:

— Ешларга ҳавасим келади.

— Уруш бизлардан кўра ёшлар учун тағинам даҳшатлироқ,— эътироз билдирди Иван Иванович.— Ҳавасинг келмай қўя қолсин!

— Эҳтимол...

— Мана, сенга менинг ҳавасим келади, Миша. Биласанми, кўзларинг бургутнинг кўзидай ўткир, ҳамиша ёниб туради, юзларинг қипқизил, ҳалигача ажин ҳам тушмаган. Соқолинг кўкрагингга тушса ҳам, оппоқ тишларинг нуқрадай ялтираб туради. Овозинг-чи, овозинг, ў-ҳў, йўғон, тиниқ, ёқимли, ҳамиша жаранглаб туради, ёшлар ҳавас қилса арзийди. Мактабда узоқ вақт дарс берганим учунми ёки онадан шундай тугилганим учунми — менинг овозим юмшоқ, бўғиқ, таъсирсиз. Ҳайронман, қандай қилиб граждандар урушида шу нимжон овозим билан полкка командирлик қилганман...

— Куч овозда эмас, азизим, характерда,— деб қўйди Миша бобо.— Дўстим Ваня, мени ҳадеб мақтайверма, гашимга тегади. Мен сенга

айтсам ўзингни ҳам кўпам камситаверма, азизим, овозинг бўғиқ бўлса ҳам ширали, ёқимли.

— Сихат-саломатлигинг жойидами, қудратинг, кучинг-қувватинг ҳам шунда,— Иван Иванович темирчининг сўзларини эшитмагандай дарё сувларига термулган ҳолда сўзида давом қиларди.— Биласанми, темир проданг, жасурлигинг бир томондан ҳавасимни келтиради, иккинчи томондан юрагимни фахр билан тўлдиради. Айниқса, дўстим, мана шундай мусибатли кунларда сихат-саломатлик ҳам, куч-қувват ҳам, темир ирода ҳам зарур. Ахир, ўзинг ўйла, Миша. Немис тиш-тирноғига-ча қуролланган.

Миша бобо унинг сўзларини оғзидан юлиб олди:

— Мен сенга айтсам, Ваня, тиш-тирноғигача қуролланган немис ўз ажали билан келаяпти бу ерларга.

— Миша, мендан кўра яхшироқ биласанки,— деди Иван Иванович бўғиқ овоз билан,— унинг олдида бошқалар тиз чўкди, ваҳима ичида таслим бўлишди, ҳам қўрқоқлик, ҳам хоинлик қилишди. Биласанми, Миша, иродаси йўқ, ор-номуси йўқ, виждонини амалпарастлик ва порахўрлик билан, бойлик ва фойда билан алмаштирган буржуа корчалонлари бир ҳамлага тоқат қилолмадилар. Биз-чи, Миша, биз таслим бўладиган, тиз чўкадиган халқ эмасмиз, биласанми? Сен айтгандай, немис ўз ажали билан келаяпти. Немис фашизми машинасини мажақлаб ташлайдиган кучимиз ҳам, қувватимиз ҳам мавжуд, иродамиз ҳам, ишончимиз ҳам бор. Ахир биз совет кишиларимиз, Миша, совет кишилари сира-сира энгилмайдилар. Гапларимга ишонавер, дўстим!

Кекса ўқитувчи бир зумда дўстининг кўз олдида ўзгариб кетди, ўтирган жойида қадди-қоматини ростлади, бошини кўтарди, кўзлари ўтдай чақнади, кучига куч қўшилди, ғайрати жасоратга айланди. Энди у алоҳида бир беқиёс қатъият ва метин ирода касб этган эди. У темирчи дўстининг кучи ва иродасига ҳаваси келганини айтдиш шу билан унинг кучига яна куч, иродасига ирода, ишончига ишонч қўшди.

Улар душманнинг кучи, ўзларининг ғалабага бўлган қатъий ишончлари ҳақида анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Ҳатто немис характери билан рус характерини таққослаб ҳам кўришди. Ўқитувчи ўзининг энг сеvimли мавзусига — тарихга тушиб кетди.

Қачонлардир эшитган бир мақолни эслади:

— Руслар прусларни кўп савалаган, руслар Берлинда ҳам икки бор бўлган.

— Уғлимдан хат-хабар йўқ, юрагим ғаш. Бир ойдан ошди,— деб қолди тўсатдан Миша бобо.— Анянинг ҳалок бўлганини ҳам билмайди ҳали.

— Билмай тургани маъқулдир?

— Эҳтимол, шундайдир, азизим!..

Узоқ-узоқлардан, дарёнинг нариги томонидан, ўрмонлар орқасидан тўп отишмасининг гумбурлаган овозлари эшитилди.

— Фронт яқинлашмоқда, азизим,— деди Миша бобо.

Иван Иванович индамади. Фронт яқинлашаётганини ўзи ҳам биларди.

Шу пайтда, ҳамдард, ҳамфикр дўстининг қалби бир маромда ураётган пайтда, ёнларида Серёжа билан унинг ўртоғи Тарас пайдо бўлганини ҳам пайқашмади. Миша бобо сеvimли неварасига меҳри тўлиб назар ташлаган эди, Серёжа кексаларни мулойимлик билан уйга таклиф қилди:

— Овқат тайёр. Ира сизларни дастурхонга таклиф қияпти.

— Баракалла, болам.

— Бу бола ким бўлди?— сўради Иван Иванович дўстидан, болаларнинг орқасидан тикилиб қоларкан,— мактабда кўрардиму...

Миша бобо дарё оқимини кузатган ҳолда эътиборсизлик билан жавоб берди:

— Қўшнининг ўғли, Серёжанинг ўртоғи, танимайсанми?

— Қайси қўшнининг?

Иван Иванович тўхтаб, хаёл суриб қолди.

— Шульга, Шульга... Ҳов қулоқ қилинган, кечаси қишлоқ совети раисини чавақлаб кетган қотилга алоқаси йўқми?..

— Мен сенга айтсам, азизим, ўшанинг певараси.

— Герасим Шульганинг ўғлими? Ахир Герасимнинг ўзи ҳам учига чиққан муттаҳам-ку. Унинг кирдикорлари ҳақида кўп эшитганман.

— Ҳа, ўша. Аммо Тарас, худога шукр, яхши бола,— деди ишонч билан Миша бобо,— отасига ҳам, бобосига ҳам ўхшамайди.

Миша бобо дўстини эҳтиёткорлик билан ўрнидан суяб турғазди. Белидан қўлини ўтказиб, суяганича битта-битта қадам ташлаб йўлга тушишди, оҳиста юриб уйга келишди. Ичкарига киришлари биланоқ иштаҳани қитиқлайдиган таом ҳиди гуп этиб димоққа урилди. Қўллари ювиб стол атрофига ўтиришлари ҳамона Ира тарелкаларга сузилиб, юзига қаймоқ солинган, буғи чиқиб турган чучварани келтириб қўйди. Дўстлар чучварани зўр иштаҳа билан ейишди.

— Мана кўрдингми, азизим, мен сенга айтсам, очиқ ҳавога чиқини билан иштаҳанг ҳам очилди,— деди бобо дўстининг юзларига мамнун термиллиб.

— Серёжа билан Тараснинг ҳам иштаҳалари чакки эмас, Миша,— жавоб берди Иван Иванович, болаларнинг овқат ейишларини завқ билан кўздан кечираркан ва қулги аралаш сўзида давом этди:— Аммо ошпазга балли, қўли ширин экаи, Ирага офарин! Қизим, бундай ширин овқат пиширишни кимдан ўргандинг?

Ира уялиб ерга қаради, онаси эсига тушиб кетди, ўпкаси тўлиб келди, томоғига нимадир қадалгандай туюлди. Буни сезган Серёжа дарҳол сингисининг ёнига яқинлашиб ўтирди ва ҳурматли ўқитувчисига ўзи жавоб берди:

— Онамиздан ўрганган.

— Онаси биринчи бомбардимон вақтида...— деганича тўхтади Миша бобо дўстининг ингоҳини илгаб.

Ўқитувчи билиб туриб, бехосдан сўраб, қизнинг ярасини янгиллаганини фаҳмлаб қолди, ич-ичидан койинди-ю, энди гапни чалғитиш фойда бермаслигини сезиб Иранинг сочларини силаб, эркалади:

— Биласанми, қизим, онанг учун ҳам, ҳамма оналар ва етим-есир қолган болалар учун ҳам қасос оламиз. Йиғлама, қизим.

...Уруш бошлангандан икки ҳафта ўтар-ўтмас, Берёзовка қишлоғи ёнидан ўтган катта йўл серқатнов, гавжум бўлиб қолди. Кечаю кундуз тинмай машиналар ўтарди. Фроннга янгидан-янги ҳарбий қисмлар, артиллерия, қурол-яроғ, аслаҳалар, озиқ-овқат, кийим-кечак жўнатиладди. Ҳаво айғоқчилари орқали буни пайқаб қолган немислар қишлоқни ҳам, йўл-кўприкларни ҳам, машиналар, от-уловни ҳам тўхтовсиз бомбардимон қиларди. Ана шу кунларда Берёзовка қишлоғининг қанчадан-қанча уйлари вайрон бўлди, қанчадан-қанча қон тўкилди, қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Берёзовканинг бир чеккасидаги эски мозорда янги қабрлар кўпаяберарди. Ҳар уч хонадондан биттаси мотам тутарди.

Уруш даҳшатини бошидан ўтказган, ҳали дард кўрмаган мурғак қалби жудоликка учраган болалар ақлан ва фикран тез улғаядими ёки Ира табиатан гўдаклигидан шундаймиди, ҳар қалай ўн икки ёшида бобосининг катта уйини бир ўзи эплаб олган, кўпни кўрган аёллардек рўзгор юритар, йиғиб-терар, овқат пиширар, кир ювар, ҳамма ишларни билиб-билиб, чаққон ва дид билан қиларди. Миша бобо назарида қизи тирилиб келгандай бўларди. Иранинг фаросати ва энчиллиги айниқса ўқитувчининг ярасини даволашда, парвариш қилишда асқатди. Бамисоли ҳамшира бўлди-қўйди.

Ира чой келтирди. Тарас ҳаммадан олдин стаканига бирданига тўрт чақмоқ қанди солиб, ҳовлиқиб чойдан хўплаган эди, оғзи куйди, ўрнидан туриб, югурганича эшикка чиқиб кетди. Орқасидан Серёжа ҳам чиқди. Боланинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб турган ўқитувчи Миша бобога бир қараб қўйди. Кўп ўтмай болалар киришди, ҳеч нарса

бўлмагандай яна ўз жойларига келиб ўтиришди, оҳисталик билан чой ича бошлашди. Тараснинг чой хўплашига разм солиб ўтирган Иван Иванович мулойимлик билан ундан сўради:

— Отанг қаерда, Тарас?

Тараснинг кўзлари бир зумда олайиб кетгандай бўлди ва пешонасида тер ялтиради. У қўққисдан берилган саволга нима деб жавоб қайтаришни билмай саросимага тушди, олдин Миша бобога, сўнгра Серёжага тикилди.

— Қамоқда,— деди шивирлагандай.

— Билмагандим, эшитмагандим. Очигини айтсам, унчалик ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Орага жимлик чўкди. Жимликни биринчи бўлиб Иван Ивановичнинг ўзи бузди:

— Ота учун бола жавобгар эмас, Тарас,— деди кекса ўқитувчи уни юпатиб,— Ватан олдида сенинг виждонинг пок бўлса, ҳақиқий инсон бўлсанг бас.

Худди шу пайтда самолётларнинг ғув-ғувлаган хунук овози эшитилди.

Ҳаммалари айвонга чиқишди.

— Бомбардимончи...

— Ун саккизта...

— Яна вайроналик,— Иван Иванович тобора дарғазаб бўларди.

— Яна ўлим, яна қон, лаънати фашистлар... Мен сенга айтсам, азизим Ваня, ҳали қараб тур, ҳамма кирдикорлари учун немис фашистлари тиз чўкиб жавоб берадилар,— деди Миша бобо.

II

Серёжа билан Тарас қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган йўл бўйидаги баландликда ўтириб, ўтган-кетган машиналарни томоша қилишарди. Томоша деб бўлармикан? Йўқ. Булар гўдаклик кўзларига томоша бўлиб кўринардию аслида кўнгиллари, диллари ғамгин, катталардек фронт ташвиши, юрт ташвиши билан банд бўларди. Акс ҳолда, томоша бўлганида лоақал унинг қувончи юзларида, сўзларида сезиларди. Қани улар?

Фронт Берёзовка қишлоғига яқинлашган сари машина ва от-арава-ларнинг қатнови кўлайиб қолди. Шу топда Серёжа ана шу серқатнов йўлнинг ғарб томонида — жанг авжига чиққан жойларда меҳрибон дадажониси қонхўр немис фашистларни қираётганини кўнглидан ўтказиб ўтирарди, фикри-ёди отасида эди. Тарас-чи? У ҳам отасини ўйлар, онасини кўз олдига келтирар, ҳаммасидан ҳам ўқитувчининг сўзлари кўпинча уни ўйлантириб қўярди, эзарди, азоб берарди. Болаларнинг шу ҳолатларини томоша қилаётганлар ҳолатига ўхшатиб бўлармиди?

Шу пайтда йўлнинг нариги бетига юк машинаси келиб тўхтади, кабина эшиги очилиб, ундан қотмадан келган йигит ерга сакради. Солдат кийимидаги бу йигит камарини ечиб, гимнастёркасини текислаб, бошқатдан боғлаб олди-да, атрофни кўздан кечирди, тепаликда ўтирган болаларга кўзи тушиб, уларни ёнига чақирди. Серёжа билан Тарас югурганларича пастга тушиб, бир зумда солдатга рўпара бўлдилар, олдинма-кетин салом бердилар. Юзлари қоп-қорайиб кетган, соқол-мўйловлари ўсган, кўзлари ич-ичига тушиб, қизарган қовоқлари солқинлашган шофер йигит болаларнинг ёқимтой саломидан чехраси ёришиб кулди, оппоқ тишлари ярқираб кўринди.

— Салом,— деди у болаларга бир-бир тикилиб, қўлини узатаркан.

Серёжа билан Тарас ҳам шофернинг бошидан оёғигача кўз югуртириб чиқишди. Эгнидаги терга ботган гимнастёркаси, эскириб кетган ботинкаси ва обмоткасини, кир босган пилоткасини кўриб, ҳам тааж-жубландилар, ҳам солдатга раҳмлари келди.

— Қишлоқнинг номи нима?— сўради шофер болаларга мамнун илжайиб. Унинг садафдек тишлари қорайиб кетган юзларига ярашиб

турарди. Серёжа олдинга бир қадам ташлаб, фахрланиб жавоб берди:

— Берёзовка!

— Есинларнинг уйи ҳам шу қишлоқдами?

Дадил туриб, мағрур жавоб берган Серёжанинг боши шилқ этиб тушди, ерга қараб қолди, гавдасиям букчайгандек бўлди.

— Есинлар?— Негадир қайтариб сўради у.

— Есинларнинг уйи биринчи бомбардимондаёқ ёниб кетган,— деди Тарас ва у ҳам хомушланиб бошини қуйи солди.

Шофер чаккаларидан, бўйинларидан оқиб тушаётган терни рўмол-часи билан артиб, сумкасидан иккита хат олди, бирининг адресини ўқиди:

«Берёзовка, Анна Владимировна Есинага» деб ёзилган эди. Хатни ўқидию бошларини қуйи солиб турган болаларга ўйчан тикилиб қолди. Орага оғир сукунат чўкди. Болаларнинг маъюс ва ғамгинлигидан таажжубланган ва бу ҳолат бежиз эмаслигини фаҳмлаган шофер мулозимлик билан сўради:

— Анна Владимировнани танийсизларми?

Серёжа бир сесканиб тушди, тишларини тишларига шундай қаттиқ босдики, гижирлаганини ўзи эшитди.

— Серёжанинг онаси...— деди Тарас унга яқинлашиб,— бомбардимон вақтида ҳалок бўлган, айтдим-ку, уйлари ҳам ёниб кетган.

Шофер дарҳол бошидан пилоткасини олиб панжалари орасида гижимлаганича, Серёжанинг олдида бошини эгиб бир зум туриб қолди, кейин унга чуқур таъзия билдирди.

— Мени кечир, Серёжа, кечир, дўстим— деди шофер маъюс оҳангда ва бир нафас сукут сақлаб қолди.

Шундагина Серёжа солдатнинг талаффузи бошқача эканлигини пайқаб олди.

— Биласанми, Серёжа,— деди солдат сўзида давом этиб.— Даданг командирлик қилган ўқчи батальон чегарадан бошлаб жанг қилиб келди, бундан уч кун муқаддам эса қуршовга тушиб қолдик. Қуршовдан чиқдигу яна қулай маррани эгаллаб, яна жангга кирдик. Даданг мени ўқ-дорн олиб келишга юборди ва йўл-йўлакай Берёзовка яқинида бўлишимни билиб, хабар олиб ўтишни сўраган эди... Мен Омонов бўламан. Фамилиям Омонов,— деди солдат хатни қандай тутқазишни билмай.

— Сиз татармисиз?— сўради Тарас.

— Йўқ, оғайни, ўзбекман.

— Мени ҳам олиб кетинг, ўртоқ Омонов, илтимос қиламан, ёлбораман.— Шофернинг ўнг қўлидан ушлаб олган Серёжанинг илтижолли кўзлари жиққа ёш эди. Омоновнинг бардоши етмади, боланинг кўзларига тик қаролмади, ўзини зўрға босиб, бошини қуйи солганича вазминлик билан сўради:

— Қаёққа олиб кетай?

— Дадамнинг олдига.

— Дадамнинг? Ахир у олдинги маррада, ажал ёмғири ёғилиб турган ўт-олов ичида жанг қилаяпти-ку!

— Майли, дадамга ёрдам қиламан.

— Нима билан?

— ...

— Серёжа, дўстим! Олдинги маррада кеча-кундуз отишма, портлаш, жанг тинмайди, жуда хавфли, дўстим.

— Сиз учун, дадам учун, жангчиларимиз учун хавфли эмасми?

— Жуда хавфли, бироқ...— У Серёжанинг сап-сарик жингалак сочларини сийпалаб эркалади.

— Соғиниб кетганимни билсангиз эди...— у хўнграб йиғлаб юборди, Омонов уни қанча юпатса ҳам бўлмади, бошини шофернинг кўкрагига қўйиб пиқиллаб йиғлашда давом қилди. Омонов унга раҳми келди, юзларидан ўпиб:

— Ундан кўра мана бу хатни ўқи, Серёжа, дадангдан!

— Дадамдан?..— у хатни олдию шофернинг чанг ва тер босган юзларидан қайта-қайта ўпди ва баттарроқ унга ёпишиб қолди, дадамнинг олдига олиб кетасиз, деб қаттиқ туриб олди.

— Менга қаранглар, дўстларим. Бир пасгина сизларникига кириб чиқай. Бир оз вақт бор, бу ёқда томоғим ҳам қақраб кетди,— деди солдат.

Омонов Серёжа билан Тарасни машинасига ўтқазиб олди. Улар Миша бобоникига келишди. Табиатан сермулозамат Миша бобо Омоновни очиқ юз билан кутиб олди, меҳмон қилди. Дастурхон устида улар узоқ отамлашиб ўтиришди. Омонов фронтдаги аҳвол, қуршовдан чиқишдаги қаттиқ, даҳшатли жанглар тўғрисида, ўз командири капитан Ёсиннинг маҳорати ва жасорати ҳақида гапириб берди. Миша бобо ҳам, Иван Иванович ҳам уни саволга тутиб, фронтдаги аҳволни чуқурроқ билиб олишга интилишарди. Миша бобо солдатнинг кўзларида ўғлини кўраётгандек, сўзларида овозини эшитаётгандек ҳаяжонда эдию сездирмасди.

Суҳбат давомида кекса ўқитувчи Омоновнинг ҳаракатлари, гапиришлари, рус тилидаги талаффузига зимдан разм солиб ўтирди. Қорамағиздан келган юзлари, кулганида ярқираб кетадиган, бир текис садафдек тишлари, қоп-қора, қуюқ қошларининг чимирилиши, чақнаган кўзларидаги зийраклик — булар ҳаммаси унга ўзининг йигитлик даврини эслатди. Шеробод чўлларида, ёзининг ҳолдан тойдирувчи жазирамасида, Бойсуннинг тоғ ораларида ўтган суронли йиллар, худди шу йигитга ўхшаган иссиқ юзли ўзбек, тожик жанговар дўстларининг самимийлиги, одамгарчиликлари бирма-бир кўз олдидан ўтаберди. Бу йигит ҳам ўша томонлик, Қайроқсой сувини ичиб, Бойсун тоғларини кечиб катта бўлганлиги кўриниб турибди, фамилияси ҳам айтиб турибди, бунисига шубҳа қилмасди Иван Иванович. Аммо ҳали бу тўғрида гап очгани йўқ, «аввал фронт маълумотларини билиб олай, шуниси муҳим...» деган хаёл билан ўзини босиб ўтирарди. Ўқитувчи яна шунини ҳам яхши билардики, солдат дам олгани сайрга келганмас, вақти зиқ бўлиши керак. Худди ўйлаганидек, йигит безовта бўлабошлади, қарияларнинг ҳурматини сақлаб, буни сездирмасликка уринардию кўзларининг бежоллиги билдириб қўярди. Иван Иванович дарров буни илғаб олди.

— Уғлим, айбга қўшмайсиз, исмингизни сўрамадим-а?

— Бобоёр.

— Шошманг, шошманг,— ўқитувчи бир нарса эсига тушгандай кўзларини йигитга тикканча хотирлай кетди. Миша бобо ҳам, болалар ҳам унга қараб қолишди,— бу, бобо деганингиз бува дейилганимиди?

— Ҳа, отахон. Қаёқдан биласиз?— қизиқди Омонов.

Болалар «ўқитувчимиз шунақа, билоғон» деган маънода фахрланиб бир-бирларига қараб олишди.

— Мабода Қайроқсойдан эмасмисиз?

— Топдингиз,— солдат таажжубда эди.

— Ер дегани, бу ҳалиги, хаҳ... Тилимнинг учиди турибди-я...

— Ер дегани,— тушунтира кетди Омонов,— паноҳ, ҳамроҳ, мурабий, дегани экан. Болалигимда бувамлар шундоқ дердилар. Бобонг ҳаммиша сенинг паноҳинг, ҳамроҳинг, мурабийинг бўлсин деб шундай исм қўйдик дегандилар. Бобомлар ҳақиқатан ҳам шунақа одам эдилар. Граждан урушида қатнашганлар, босмачиларга қарши курашганлар, кейинчалик у кишини колхозимизга раис қилиб сайлашган.

— Эҳтимол бобонгни учратгандирман,— деди Иван Иванович.— Тақдирларимиз бир-бирига ўхшаб кетади.

— Демак, биз томонларда бўлган экансиз-да?— сўради Омонов.

— И-е, бўлганда қандоқ, ўғлим, жанг қилганман, жанг. Қайроқсой ҳам, Бойсун ҳам эсимда...

— Бобомлар оламдан ўтдилар, бу кунларни кўриш насиб қилмади у кишига,— деди Омонов.— Бундан чиқди сиз бобом билан бирга бўл-

гансиз, бобомнинг қуролдош дўстисиз, бу деган гап ўзбекларнинг дўстисиз. Сизни бобо десам майлими?

Иван Иванович пешонасини тириштириб, унга тикилиб қолди. Эсига тушгандек бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам Омоновни билардим. Отлиқ аскарлар полкида Омонов бор эди. Исмлари нима эди? Раҳмат эмасми?

— Топдингиз, Раҳмат,— деди тағинам таажжуби ортиб Омонов.

— Ана холос, ўғлим экансан-ку, асли...— Иван Иванович ҳаяжон ичида Бобоёрнинг олдига келди:— Қани, ўғлим, бир бағримга олайчи,— ўқитувчи Бобоёрни қаттиқ қучоқлаб, юзларидан ўпди,— қаранглар, мана бу учрашувни қаранглар, антиқа-а?...— дерди хурсанд бўлиб Иван Иванович Бобоёрни қучоғидан бўшатаркан. Юзлари ёниб, кўзлари чақнаган Бобоёр гимнастёркасини, камарини текислади, пилоткасини кийди, қарияларга честь бериб, қовоқлари ўйилган ҳолда, жиддий:

— Отахонлар, кетишга рухсат беринглар. Ортиқча қолишга ҳақим йўқ,— деди-да, автоматини елкасидан ўтказиб олди.

— Баракалла, азамат!— деди Иван Иванович. «Баракалла» сўзини у ўзбекча айтган эди, Бобоёр беихтиёр ўқитувчини яна қучоқлаб олди. Бу гал унинг кўзлари ёшланди. Упкаси тўлиб келди. Болалар ҳам, Миша бобо ҳам қандай сўз айтилдию нега солдат кўзига ёш олганини билишолмади.

Бобоёр қариялар, Серёжа ва Тарас билан бирма-бир хайрлашиб, ташқарига чиқди.

Иван Иванович Омоновнинг орқасидан қараб қоларкан, хаёл суриб кетди: «Мана, неваралик ҳам, йўғ-е, ўғиллик ҳам бўлдим. Бутун умримни болаларга бағишлаган бўлсам ҳам, бўйдоқ ўтдим. Ёшлигимда уйланоладим, кейин бўлса иш-иш... Ўқитувчилик касбига бошлаб келган нарса ҳам ана шу фарзанд орзуси эмасми, аслида. Бефарзандман дейишим ҳам жудаям тўғримас. Э-ҳа, қанчадан-қанча ўқувчиларим қаерларга тарқалиб кетган. Буёқда, мана, Бобоёр Омонов...»

Кўчадан Ира югуриб келди, дадасининг олдидан келган солдатни кўролмаганидан хафа бўлди.

— Мана хатлар,— деди Серёжа.— Ҳозир ўқиб бераман. Бунисини олдин ўқисам майлими?

У онаси номига ёзилган хатни кўрсатди.

— Уқийвер, ўғлим, ўқийвер,— деди Миша бобо.— Ҳечқиси йўқ, ўз онангники...

«Анечка, азизим!— ўқирди Серёжа.— Узоқ вақт хат ёзолмаганим учун мени кечир. Ҳозир аҳволим яхши. Жуда оғир жанглар бўлиб ўтди...»

Серёжа онасига ёзилган хатни охиригача ўқиб чиқди.

Орага оғир сукунат чўкди. Ира пиқ-пиқ йиғларди.

Ниҳоят Миша бобо деди:

— Афсуски, бу хушхабарни эшитиш Анечкага насиб қилмади. На чора... Ўқи, ўғлим, иккинчисини ўқи.

«Дада, Ирочка, Серёжа! Омон-эсон юрибсизларми, азизларим? Ҳозирда бутун фронт бўйлаб жуда оғир жанглар бормоқда. Вазият жуда оғир. Мен қўмондонлик қилаётган батальон чегарадан бошлаб жанг билан, душманга қақшатқич зарбалар бериб, чекиниб бормоқда. Душман босиб олган она юртимизнинг ҳар бир қаричи эвазига катта талафотлар кўрмоқда. Жангчиларимиз ичида кўпни кўрган тажрибали кишилар ҳам, кечагина қақирилган қалби олов ёшлар ҳам бор, аммо ҳаммалари жон олиб, жон бериб, жонажон мамлакатимизни ҳимоя қилмоқда. Жангчилар орасида руслар, ўзбеклар, украинлар, татарлар, ёқутлар, молдаванлар бор — хуллас, интернационал батальон!

Ҳа, Ватанимиз бошига оғир кунлар тушди. Душман кучли ва бешафқат, аҳмоқ эмас, аммо маккор, шундай бўлса ҳам, бари бир биз ундан кучлимиз, чунки бизнинг ишимиз ҳақ иш, биз ўз жонажон она еримиз бағридамыз, уни кўз қорачиғидай севамыз, ардоқлаймыз.

Бизлар билиб турибмизки, фронт орқасида ҳам халқимиз фронт

учун, ғалаба учун жонини фидо қилиб, мардонавор меҳнат қилишмоқда. Ана шу халқнинг кичик бир қисмини ташкил этган сизлар, азизларим, Ватаннинг энг юксак талабларига лойиқ бўласизлар, албатта! Бунга менинг имоним комил, сизлардан кўнглим тўқ.

Уртоқ И. В. Сталин айтганидек, душман ер билан яксон қилинади, биз албатта ғалаба қозонамиз!

Ҳаммаларингни ўпиб, бағримга босаман».

Серёжанинг дадаси уруш бошланишидан бир йил бурун Қизил Армияга чақирилган эди. Армиягача у Берёзовкада Калинин номли колхоз агрономи бўлиб ишларди. Қирқ биринчи йилнинг июнь ойигача ундан тез-тез хат келиб турарди, уруш бошлангандан кейин мана бу унинг иккинчи хати эди. Биринчи хат июль бошларида Каунас остоналаридан келган эди.

Хат ўқилиб бўлгач, орага оғир жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

«Бизда Есинга ўхшаган азаматлар кўп,— ўйларди Иван Иванович.— Бунда менинг меҳнатим ҳиссаси ҳам бор, албатта. Улуғ Октябрдан кейин ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда совет Ватанига чексиз садоқатли, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турган янги авлод ўсиб етишди. Бундай халқни енгиб бўлармиди, ахир? Йўқ, албатта. Мана, Есин хатида Сталиннинг сўзини келтирибди. Унинг 3 июлдаги нутқи бутун мамлакатни немис-фашист босқинчиларига қарши адолатли курашга отлантирди, бу курашда ҳар бир совет кишиси олдига конкрет вазифа қўйди. Қизил Армия жангчилари олдига, фронт орқасидаги меҳнаткашлар олдига, партизанлар олдига вазифалар қўйди. Ҳар бир киши ғалаба қозониш учун ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Ҳар бир киши!..»

— Дадаларинг билан фахрлансанглар арзийди, болаларим!— деди Иван Иванович.— У ҳақиқий инсон, ҳақиқий жангчи, ҳақиқий ватанпарвар! Ҳамқишлоғимиз Қизил Армиянинг муносиб командири бўлиб етишибди...

Иван Иванович бу сўзларни айтarkan, Тарас бошини қўйи эгиб ўтирганини кўриб, унга раҳми келди.

Уқитувчи ўрнидан турди, ҳаммаларига қандайдир тантанавор назар ташлаб олди-да, бирдан шеър ўқий бошлади:

Тонгда мени уйғот эртароқ,
Меҳрибоним, мунис онажон!
Мен йўлларга кўз тутай муштоқ,
Бизнинг уйга келмоқда меҳмон.

Урмон ичра бугун, онажон,
Ғилдиракнинг изларин кўрдим.
Еллар уни айлаб зар камон,
Тортқилаган кезларин кўрдим.

Эрта тонгда меҳмон келади,
Ой — қаппоғин бошга қўйиб дол.
Учқур оти равон елади,
Кокиллари товланади ол.

Мени саҳар уйғот, онажон,
Чироқларни ёқиб қўй ҳозир.
Дейдиларки, бўлмоғим аён
Россияда шўҳратли шоир...

— Эсингдами, Серёжа?— сўради у.

... Бундан икки йил бурун мактаб клубида улуғ Октябрнинг шонли 22 йиллиги муносабати билан бўлган тантанали мажлисга ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар қатнашган эди. Мажлис охирида мактаб ҳаваскорлари катта концерт кўрсатишди. Концертда Серёжа Сергей Есениннинг «Тонгда мени уйғот эртароқ» шеърини берилиб, овозини гоҳ баландлатиб, гоҳ шивирлагандай пасайтиб, нфодали ўқиб берди. Саҳнанинг ўртасида туриб, бошини баланд кўтариб, сатрлар маъносига қараб ҳаракат қилишлари — гоҳ илжайиб, гоҳ жиддийлашиб, гоҳ ёришиб, гоҳ силтаниб қўлларини баландга кўтариши, қулочини очиб, кенг

бағрига олаётгандай ҳаракатлари бутун зални ўзига маҳлиё қилиб қўйганди. Шу зайлда ҳаяжон билан ўқиладиган шеърнинг охириги сатрлари айниқса таъсирли жаранглади.

Серёжа шеърни тугатдию залда гулдурос кўтарилган қарсақ са-доларидан гангиб қолди, қарсақ ҳадеганда босилмади, қий-чув, ҳатто қичқирган, ҳуштак чалган овозлар эшитилди. Анчагача ўзига келолмаган Серёжа «қочиб қутулмасам бўлмайди» дедими, ҳар қалай биров қувлагандек чопқиллаб саҳнадан тушиб кетди. Унинг бу ҳаракати «гурр» кулги кўтарди, дадаси билан онасининг ўртасига келиб ўтирган-да ҳам зал тинчимасан эди. Шу-шу бўлдию уни мактабда ҳам, қишлоқда ҳам Сергей Есин эмас, «Сергей Есенин» деб чақирадиган бўлишди.

— Дуруст, эсингдан чиқмабди, Сергей Есенин?..— кулиб қўйди Иван Иванович.

— Менга мана бу шеър кўпроқ ёқади...

**Ҳей Русь, ўлкам, онажон,
Похоллик уй, токча, бут...
Қайга боқма — йўқ поён,
Кўзни эмар мовий юрт.**

**Мисли сайёҳ бир диндор
Сигинаман даланга,
Теракларинг жарангдор
Қурир тегра — ялангда.**

**Сочар олма, бол бўйин
Черков аро айёмлар,
Ёнбағирда рақс, ўйин,
Қўшиқ тинмас оқшомлар.**

**Сўқмоқларда бор яланг —
Оёғимнинг излари.
Сирғасидек сержаранг
Кулар дала қизлари.**

**Табарруклар деса: «Бас —
Жаннатни ол, Русни бер.»
Дейман: «Жаннат керакмас,
Менга керак она ер!»**

— Яхши шеър,— маъқуллади ўқитувчи.— Мана бу сатрларни биласанми?

**Шоир бўлсам дейман
Ҳам гражданин,
Фахр, ўрناق бўлгудек
Элнинг барига.
Угай ўғил эмас,
Фарзанд бўлсам чин
Мен буюк СССР штатларига.**

— Йўқ билмайман,— деди Серёжа ва қўшиб қўйди.— Есениннинг шеърлари яхши.

— Ешлигида,— деди Иван Иванович,— Есенин шўх ва уришқоқ бўлган дейишади. Сизларнинг ўрталарингдаги фарқ ҳам шунда бўлса керак, Серёжа. Сен бошқачасан...

— Нима, ёмонми?— уялинқираб сўради Серёжа.

Иван Иванович жавоб бериб улгурмасданоқ, ташқаридан Иранинг қичқирган овози эшитилди.

— Мактабимиз ёняпти!

Ҳамма эшикка чиқди. Иван Иванович билан Миша бобо каттаю кичик қишлоқ аҳолисини ўт ўчиришга чақирди. Улар мактаб томон югурдилар. Серёжа билан Тарас ҳовлидаги пақирларни кўтариб, уларнинг орқасидан чопишди. Улар қарсиллаб ёнаётган мактаб биносига етиб боришганда, катталар ва қишлоқ болалари ҳам йиғила бошлашган эди. Миша бобо уларни ёнма-ён турғазиб дарё қирғоғига туширди. Бир неча дақиқа ичида дарё билан мактаб ўртасида икки қатор болалар тизмаси пайдо бўлди. Дарёдан тўлдирилган пақирлар қўлма-қўл узатиб

турилди. Ўтга сув сепиш ишини катталар бажарар, бўшаган пақирлар иккинчи қатордаги болалар қўлидан ўтиб, кўз очиб-юмгунча дарё бўйига етиб борарди.

Иван Иванович касалини ҳам, ярасини ҳам унутиб ўт ўчиради. Миша бобо бўлса «тезроқ-тезроқ» дея бақириб-чақириб ҳаммани шоширар, ғайратга соларди.

Ўт ўчиришда юздан ортиқ киши қатнашди, лекин олов чекинмаёди. Яна самолётларнинг ғувиллаган овози эшитилди.

— Келишяпти, лаънатилар!— деди кимдир.— Қани, тез ерга ётиб олинглар.

Шарқ томон учиб ўтган самолётлар орқаларига қайта бошлашди. Энди улар қишлоқ тепасига келганда пастлаб, ўт ўчираётган одамлар устига пулемётлардан ўқ ёғдирарди. Бу сафар уларнинг орқасидан бирорта ҳам самолётимиз қувиб келмади. Қўли-қўлига тегмай ўт ўчираётган, фикри-хаёли осмонда бўлган Серёжа бу ҳолатни сезди ва ич-ичидан ўртаниб кетди, аламини ўтдан олмоқчидай пақирлаб сув сепарди, ўт ўчиришдан тўхтамасди.

Енғинни ўчириш анчагача давом этди. Иван Иванович пешонасидан оқиб тушаётган терини артишга ҳам дармони етмай, Серёжа тўнтариб қўйган пақирнинг устига ўтирди. Шу пайтда пастдан, дарё томондан Иранинг чинқирган овози эшитилди:

— Тарас ўлаяпти!

Ранглари ўчиб кетган, чарчаб ҳолдан тойган Иван Иванович сапчиб ўрнидан туриб кетди, Серёжага деди:

— Югур, болам, ёрдам қил!

Серёжа шамолдай учиб пастликка тушиб кетди, бир зумда ҳушидан кетган Тараснинг ёнида пайдо бўлди. Пулемётлардан ёмғирдай ёққан дайди ўқлардан бири Тараснинг курагини тешиб, кўкрагидан чиқиб кетган эди. Иранинг айтишича, у ўқ тегиши биланоқ қум устига ўтиргани кўзлари пирпираб, бошлари чайқалиб турган-да, шилқ этиб орқасига йиқилган ва ҳушдан кетган. Ёнида турган Ира жон ҳолатда юзларига сув сепса ҳам, Тарас кўзларини очмаган. Шундан сўнг қўрқиб кетган қиз овозининг борича йиғи аралаш «Тарас ўлаяпти» деб чинқириб юборган.

Унинг тепасига йиғилган болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам кўзларига қаҳр-ғазаб ёши йилтираб турарди. Миша бобо билан Иван Иванович дарҳол етиб келишди, Тарасни эҳтиётлик билан ағдариб кўришди, у икки жойидан яраланган эди — бири ўнг курагининг остида, иккинчиси кўкрагида эди.

— Биласанми, ўқ суякка текканга ўхшамайди — орқасидан кириб, кўкрагидан тешиб чиқибди,— деди Иван Иванович.

Миша бобо дарҳол устидаги оқ кўйлагини ечиб, кенг-кенг тасма қилиб йиртди. Уқитувчи кўйлак парчаси билан қон кетишини тўхтатишга уринди.

— Аттанг, нашатир бўлганда эди!— деди Иван Иванович.

— Йод керак,— қўшиб қўйди Миша бобо.— Ҳеч кимда йўқми?

Кимдир қишлоққа чошиб кетди. Бир неча дақиқа ўтмасдан пахта ҳам, йод ҳам, нашатир ҳам топиб келишди. Ира нашатирли пахтани Тараснинг димоғига тутган эди, у сесканиб кетди.

— Оғрияптими?— сўради Ира.

Тарас жавоб ўрнига қаттиқ инграб қўйди.

— Бардош қил, Тарасик!

Иван Иванович Тараснинг бўйнидан ушлаган ҳолда:

— Миша,— деди дўстига,— сен гавдасини кўтариб тур, мен ярасини боғлайман, қон кетишини тўхтатиш керак.

Кейин Миша бобо Тарасни кўтариб олди ва ҳаммалари қишлоққа йўл тутдилар.

— Тарасни биронтамиз олиб кетганимиз маъқул. Онаси оғир касал-ку, кўтаролмайди.

— Биламан,— деди Миша бобо.— Меникида бўлади.

Ш. РАШИДОВ ◆ ДИЛ АМРИ ◆ ҚИССА



Уйга етиб келгач, Тарасни яқиндагина Иван Иванович ётган каравотга ётқизишди.

— Қутлуғ жой,— ҳазиллашди Миша бобо.— Лекин ҳеч бўлмаганда фельдшерни топиш керак. Яраси оғир.

Ира фельдшерни қидириб кетди.

Тарас сабр-тоқат билан оғриққа бардош берар, фақат «Ҳозирча ойнамга айтманглар», деб илтимос қиларди.

Кўчага қўшнилар йиғилишган, баъзилари ваҳима ичида ойнадан мўралаб қарашарди. Улар бошларини қуйи солиб, шундай бир шикаста, мотамсаро ҳолатда турардиларки, уларга бефарқ қараб бўлмасди.

Тараснинг соғлиғи тўғрисида қайғуриш уларни бир жон-бир тан қилиб жипслаштирган эди. Бу ҳол кекса ўқитувчини қаттиқ ҳаяжонга солди, тўлқинлантириб юборди.

Ира фельдшер Матвей Семеновични бошлаб келди.

— Мен асли ветеринарман,— деди фельдшер,— майли қараб кўрай-чи.

У Тарасни синчиклаб кўрди, яраларини яна тозалаб, янгидан боғлади

— Тузалиб қолар деб ўйлайман. Яраси оғиру лекни хавfli даражада эмас.

Иван Иванович бу хабарни кўчада турганларга айтди. Шунда темирчининг уйи олдида ўз-ўзидан йиғин бошланиб кетди. Одамлар Ва-

танга муҳаббат, фашизмга нафрат ҳислари ҳақида сўзлардилар. Уларни ҳеч ким бу ерга йиғмаган, чақирмаган эди. Лекин улар юракларидаги ҳамма гапни бир-бирларига айтиб беришни ўзларининг бурчлари деб билардилар.

Уларнинг нўноқ, лекин самимий сўзларида газетада ўқилган, радиода эшитган гаплар кўп эди. Баъзан ўз сўзлари билан ифодалашга ожизлик қилиб қолишар ва дарҳол илгари ўқиган ва эшитган сўзларни такрорлардилар. Аммо қайта-қайта такрорланган бу сўзларда ҳозир уларнинг қалб ҳаракати сезилиб турар, шунинг учун ҳам ҳаяжонли ва таъсирли жаранглади.

Иван Иванович бошқаларнинг сўзларини эшитаркан, ўзи ҳам одамларга, ҳамқишлоқларига, ўртоқларига нимадир дейиши лозимлигини хаёлидан ўтказарди.

Мана,— у сўз бошлади, ҳаяжон билан, тўлқинланиб гапирди:

— Қадрдон ҳамқишлоқларим, тенгқурларим, менинг азиз ва ширин болажонларим, бу ерда жуда яхши гапларни айтдинглар, Россия миқёсида, мамлакат миқёсида олиб кўрганда Берёзовка қишлоғимиз катта эмас, лекин у ҳам Ватан деган буюк тушунчани ўз ичига олади. Ватанимиз хавф-хатар остида ва бу хавф-хатар бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келди. Немислар қишлоғимизни бомбардимон қилишди — биз бардош бердик! Немислар қонимизни тўкди — сабот билан чидаш бердик! Йўлимизда қанча қийинчиликлар, машаққатлар бўлмасин, биз, албатта, ҳаммасига сабот билан бардош берамиз, душманни ер билан яксон қиламиз.

Боя қишлоғимизга фронтдан Бобоёр Омонов деган солдат келиб кетди. Жанг майдонидаги ҳамқишлоғимиз капитан Есиндан келтирган хатни ўқидик. Имонимиз комилки, бизнинг жангчиларимиз ва командинрларимиз, шавкатли Қизил Армиямиз энгилмасдир, жонажон юртимиз душман оёғи остида қолиб, поймол бўлмаслиги йўлида жонларини қурбон қилишга тайёр турибдилар.

Ҳали олдимизда оғир мусибатлар, синовлар турибди, ким билади дейсиз, эҳтимол душман билан юзма-юз учрашиб ҳам қолармиз. Фашистлар совет кишининг табиатини, маънавий қиёфасини, метин иродасини билмадилар. Бутун Европани забт этиб, ғалаба марши билан ўтган фашистлар бизларни ҳам бир зарбда тиз чўктирмоқчи, қаршиликимизни синдирмоқчи бўлган эдилар. Лекин мақсадларига эришолмадилар! Ҳеч қачон эришолмайдилар ҳам! Бизнинг халқимиз охиригача курашадиган ва ғалаба қиладиган халқ. Ленинча авлоднинг табиати шундай, дўстларим! Уруш оловини ёққанларнинг ўзлари шу оловда куйиб, кул бўладилар, фашизмнинг ҳалокати ана шу бўлади. Адолатнинг ҳукми, тарихнинг ҳукми шу!

Менинг содиқ дўстларим! Ҳозир ҳаммамиз урушнинг бешафқат қонунлари асосида яшайпмиз. Ҳар биримиз ҳар кун и ўзидан ва бошқалардан «Фронт учун бугун нима қилдинг? Немис-фашист босқинчилари устидан ғалаба қозониш учун нима қилдинг?» деб сўрамоғи лозим.

Қани, азиз дўстларим, ана шу саволларга ҳамиша оқ юз, пок виждон билан жавоб бера оладиган ишлар қиламиз, ҳақиқий совет кишиси деган номга лойиқ яшаймиз, деб қасамёд қилайлик!

Иван Иванович жим қолди ва шу заҳотиёқ:

— Қасамёд қиламиз! Қасамёд қиламиз! Қасамёд қиламиз!— деган овозлар жаранглади.

Берёзовкаликларнинг қасамёди эди бу. Катталар ва ёшларнинг қасамёди эди. Ира билан Серёжа, Миша бобо билан Иван Ивановичнинг ўзлари қасамёд қилдилар. Йиғинда бўлаётган гапларни эшитиб турган Тарас ичида такрорлади:

— Қасамёд қиламан!

III

Август охирида ҳам фронтда аҳвол оғир эди. Немис-фашист қўшинларининг ҳужумига жавобан бизнинг Ғарбий Фронт қўшинлари-

миз душманнинг «Марказ» группасига қарши актив жанг ҳаракатлари бошлаб юбордилар. Ғарбий Двина дарёсининг бошидан то Смоленск областидаги Ярцево шаҳригача бўлган масофада 30, 19 ва 24-армияларнинг қўшинлари 9-немис армиясининг ён томонидан зарбаларни кучайтириб юбордилар. Душман Ярцево яқинидаги Воль дарёсининг Шарқий қирғоғи бўйлаб кучли мудофаа иншоотлари барпо этди.

Душман ўз қўшинларини қайтадан группалаб олгач, 22 ва 29-армиялар қўшилган жойга қаттиқ зарба берди, Великие Луки районини мудофаа қилаётган қўшинларимизнинг орқа томонига ўтишга уринди, 22-армиянинг асосий кучларини қуршаб олишга муваффақ бўлди. 29-армия қўшинлари ҳам чекиндилар.

Совет Олий Бош Қўмондонлиги Ғарбий фронт, Розерв ва Брянск фронти қўшинлари олдига актив мудофаа жанглари олиб бориш ва сентябрнинг бошларида қарши ҳужумга ўтишга тайёрланиш вазифасини қўйди.

Бари бир немислар Берёзовкага яқинлашиб келардилар.

Районда ташкил этилган партизан отряди ўрмонларга кириб кетган эди. Эвакуациядан қолган қорамоллар, озиқ-овқат, илгари ҳарбий комиссариат ва милиция ихтиёрида бўлган қурол-яроғлар ҳам ўша жойга жўнатилди. Район партия комитети отряд учун анчагина янги қурол-яроғлар ҳам олди.

Калинин номли колхоз раиси Шахов партизан отрядининг командири қилиб тасдиқланди. У Холхин-Голдаги урушнинг қатнашчиси, «Жасорат кўрсатгани учун» медали билан мукофотланган. Константин Петрович раис қилиб сайланганидан кейин колхозни, айниқса чорвачиликни ривожлантиришда яхши натижаларга эришди. Шу ютуқлари учун ферма қирқинчи йилда Москвада, Қишлоқ хўжалик виставкасида биринчи мукофотга сазовор бўлди. Ушанда Шахов Ленин ордени билан тақдирланди.

Бир сафар, кечки пайт, Серёжа билан Ирани тўсатдан қишлоқ Советининг секретари Федотовнинг уйига чақириб қолишди.

Серёжа ҳам, Ира ҳам Василий амакини яхши билишарди. Бутун қишлоққа таниқли одам у. Секретарлигидан ҳам кўра граждандар урушида қатнашганини, ёш совет ҳокимиятини қимом қилишда фидойилик кўрсатганини кўпроқ ҳурмат қилишарди. Самара яқинида бўлган шиддатли жангларда ротага командирлик қилган капитан Федотов оғир ярадор бўлиб, икки оёғидан айрилган эди. Ёғочоёқларда юрарди. Яқинроғида бораётган одам ғичирлашидан сезмаса, билмаганлар ёғочоёқлигини пайқамасди ҳам. Фақат сал салмоқлаб, бамайлихотир одимлаётгандай қадам ташларди, холос. Аммо ўзи серғайрат, ҳар қандай ишни тез бажарар, шошиб-шошиб гапирарди. Ёши анча жойга бориб қолган бўлса ҳам қоп-қора жингалак сочлари, қотмадан келган юзлари, ҳаминша чақнаб ва кулиб турган кўзлари, қолаверса, доим гимнастеркада юриши уни анча ёш қилиб кўрсатарди.

Федотовнинг уйида Иван Иванович, колхоз шофери Мартинов, яна икки нотаниш одам ўтиришарди.

— Чақиртирган экансиз, Василий амаки, келдик.— деди дадил Серёжа.

— Баракалла!— деди кескин ва шиддатли оҳангда Федотов ва столдаги шамни қўлига олиб, болаларга яқинлашди.

— Хўш, партизан бўлишни хоҳлайсизларми?

Серёжа қўққисдан берилган бу саволга нима деб жавоб беришини билмай, олдинга Ирага, кейин Иван Ивановичга қаради. Бир дақиқалик сукунат орасида ақли-ҳушини йиғиб олгач, ёқасининг тугмасини солиб, ўрнидан туриб жавоб берди.

— Хоҳлаймиз!

— Баракалла! Шахов билан алоқа боғлашимиз зарур. Сизлар анчадан буён жангга отилиб турибсизлар деб эшитдик, айниқса сен, Серёжа. Тўғрими?

— Ҳа,— маъқуллади Серёжа.

— Сизларга бир топшириқ бермоқчимиз. Лекин олдин вазиятни тушунтириб берай,— деди Василий амаки.— Немислар яқинлашиб қолишди. Эҳтимол унча-мунчаси атрофимиздаги ўрмонларни оралаб ҳам югандир. Шаховни биласизлар, албатта?

— Бўлмасам-чи! Биламиз!— дейишди бир овоздан Ира билан Серёжа.

— Шахов ҳам ўзининг одамлари билан ўрмонда. Мана, харитага қаранглар,— деди у, харитани Серёжага яқинроқ суриб.— Тахминан мана шу жойда. Шаховни топиш керак.

— Тушунарлими?

— Тушунарли,— дейишди ака-сингил бараварига.

— Кечаси эмас, азонда йўлга чиқинглар, кечаси адашиб қолишларинг мумкин,— сўзида давом этди Федотов.— Топшириқ ҳақида ҳеч кимга лом-мим деманглар. Немисларга дуч келиб қолгудек бўлсаларинг, йўқолган сигиримизни қидириб юрибмиз денглар. Тушунарлими?

— Тушунарли!— деди Ира.

— Худди шундай!— ҳарбийчасига рапорт берди Серёжа.

Улар ташқарига чиқиб, қоронғилик қўйнига шўнғиб кетишди. Ёнмаён боришаркан, деярли гаплашишмасдию бари бир ўй-фикрлари битта эди: садоқат, сафарбарлик, метиндек ирода. Шу хаёллар билан уйга етиб келишди.

— Қаёқда юрибсизлар?— сўради Миша бобо.— Тарас билан биз сизларни пойлаб ўтирибмиз...

— Шундай, ўзимиз...— дея ноаниқ жавоб қилди Серёжа.

Ира келасолиб кечки овқатга уннаб кетди.

Бир нарса сизди шекилли, неварасини бошқа гапга тутмади бобо.

— Аҳволинг қалай?— сўради Серёжа Тарасдан.

— Яхшимас, ҳадеганда туриб кетолмасам керак. Бошим айланади,— иқрор бўлди Тарас.— Ҳозирча бирон топшириқни бажаришга ҳолим келмас, дейман.

«Бизга топшириқ берилганини қаёқдан билибди?— ҳайрон бўлди Серёжа.— Ўзича айтди-қўйдими ёки менга шундай туюлдими?..»

Тарас бошқа нарса ҳақида гап бошлагандан кейингина кўнгли жойига тушди.

Ира дастурхон ёзди.

— Столга ўтирасанми ё олдинга олиб бориб берайми?— сўради у Тарасдан.

— Ўзим,— деди Тарас ва қийналиб каравотдан тушди. Унинг рангларида ранг қолмаган, нимжон эди, оёқлари қалтирарди. Ира дарҳол уни қўлтиғидан суяб стулга ўтқазаркан, болаларнинг бир-бирига меҳрибонлигини кўрган Миша бобонинг кўнгли анча кўтарилди.

— Сводкани эшитдингизми, бува?— сўради Серёжа.

Уларнинг уйида радио йўқ эди, Миша бобо радио эшитгани қўш-ниларнига чиқиб турарди.

— Эшитдим, айтарлик гап йўқ, ўзгаришсиз,— деди у.— Артиллерия гумбур-гумбури бўлса борган сайин яқинлашиб келяпти. Айниқса эрталаб ва кундузлари кўп гумбурлайди. Ё немислар кечаси жанг қилишдан чўчишармикан? Нима дейсизлар?

— Билмадим,— иқрор бўлди Серёжа.

— Эсимда бор, граждон урушида кечалари жанг бўлмасди,— сўзида давом этди Миша бобо.— Бўлса ҳам камдан-кам, кўпинча душман кечалари дам олар, афтидан куч йиғарди...

— Ҳозирги уруш унақа бўлмаса керак,— гапга аралашди Ира.

— Ҳа, бу уруш ҳамма урушлардан ҳам оғир бўладиганга ўхшай-

ди,— Миша бобо қаддини зўрға кўтариб ўрнидан турди.— Қани, энди ухлаш керак, алламаҳал бўлди.

Лекин Серёжа ҳам, Ира ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Уйқу келмади, тонг отгунча мишжа қоқмай ҳаёл дарёсига фарқ бўлдилар. Тонг ёриши билан ўринларидан турдилар. Миша бобосини, инграб-инграб ухлаётган Тарасни ва тун ярмидан оққанда қайтиб келган Иван Ивановични уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб, оҳистагина уйдан чиқиб кетдилар.

— Харитада кўрганларингни эслаб қолдингми?— сўради. Ира.

— Бўлмаса-чи!— тасдиқлади Серёжа.

Август ойининг охирига келиб, кунлар ҳаддан ташқари қизиб кетди. Атрофдаги ботқоқлар қуриган, яқиндагина чақавериб ҳамманинг жонига теккан чивинлар ҳам йўқолган. Ой бўйи бир томчи ҳам ёмғир ёлмади.

Бугун ҳам қуёш ўрмонлар орқасидан олов сочиб чиқди. Дарахтларнинг сўлғин барглари маъюслик билан бошларини қуйи солгандек секин-секин шитирларди. Иван Ивановичнинг уйи, мактаб, яна душман бомбасидан ёниб кетган бир неча уй ўрнида қолган култепалар қорайиб кўзга ташланарди. У ер, бу ердаги майсалар, ўтлар сарғайганди. Иссиқдан ҳатто дарё бўйидаги қияликлар ҳам қовжираб кетганди. Дарё қирғоқлари эса саёзланиб, соҳилдаги суви қайтган қум устида қовжираган сув ўтлари, сув тагидаги тўнкалар қолганди. Дарёнинг нариги томонида, баландликда қурий бошлаган ингичка қиёқ тиккайиб кўринар, жигарранг, сариқ қамишлар тебраниб турарди. Қайин дарахтларининг ости бемаҳал тўкилган хазон билан қопланганди.

Серёжа билан Ира дарё бўйлаб тез-тез юриб борардилар.

— Хурсандмисан?— қўққисдан сўраб қолди Ира.

— Нимадан?

— Нимаданмиш! Ахир биринчи жанговар топшириқ берилди-ку сенга...

— Дадам олдида, фронтда бўлганимда хурсанд бўлардим,— деди кескин оҳангда Серёжа.

Ҳақиқатан ҳам у, айниқса Омонов билан учрашгандан буён, отасига жуда-жуда ҳаваси келарди. Кечалари тушига отасининг батальони иштирок этган жанглар кирар, Серёжа бўлса батальон командирининг, Бобоёр Омоновга ўхшаган жангчиларнинг мардлигига қойил қоларди.

Қишлоқда Серёжани ҳамма мулойим, босиқ, ақлли, мулоҳазали бола деб биларди. Аслида у бутунлай бошқача эди. Унинг қалбида Есенин поэзиясига, Пушкин ва Лермонтов, Блок ва ҳали унча машҳур бўлмаган Исаковский шеърларига бўлган ҳавас романтик жасорат билан қўшилиб кетган эди, лекин унинг назарида бундай жасорат ўтмишда — революция курашлари, граждан уруши фронтларида, чегара заставаларида, Хасан кўлида ва Холхин-Голда, Карелия бўйида ва Испанияда бўлгандек эди. Мана энди, ўзингни кўрсатадиган пайт келганда, яна у эмас, унинг отасига ўхшаган минг-минглаб катталар фашистларга қарши жанг қилмоқда, у бўлса ўша-ўша Берёзовкасида қолиши керак. Тўғри, бу ерда ҳам осонмас, бомбалар ва ёнғинлар, ҳалок бўлганлар ва ярадорлар... Лекин Серёжа ҳаммиша ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиш мумкин бўлган жойда бўлишни орзу қиларди.

Дарё бўйидаги ёлғизоёқ йўл юқорилаб борарди. Мана, улар ям-яшил арчазор, қайинзор, мевалари тўкилган малиназорни кесиб, эни иккита тахтадан иборат эски кўприк орқали дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, қуриб қолган барглар билан қопланган йўлга чиқдилар. Йўлда билинар-билинимас филдирак излари кўринарди.

Ира бўлса ўзини жуда бахтиёр сезарди.

«Ахир бу, шунчаки топшириқ эмас,— ўйларди у,— партия топшириғи. Район партия комитети энди деярли яширин ҳолатда иш олиб борапти. Демак, бизга берилган топшириқ ҳам яширин, ҳам махфий

топшириқ, Федотовнинг «Ҳеч кимга лом-мим деманглар!» дегани бежиз эмас!»

Ҳаво дим. Қуёш кўтарилган сари ҳарорати ҳам кучайиб борарди. Пешин вақтида эса худди Берёзовка устига келиб таққа тўхтагандай, ҳамма нури ва ҳароратини шу қишлоқ атрофидаги ўрмонларга инъом этгандай туюлди. Ҳаво худди иссиқ ҳаммомдай қизиди. Серёжа ҳам, Ира ҳам юра-юра ҳориб-чарчашди. Бутун вужудлари терга ботган, кўйлаклари жалада қолгандек ҳўл эди. Куннинг иссиғидан, ҳавонинг димлигидан, ҳаддан ташқари узоқ йўл босиб, ҳолдан тойганликларидан тиллари оғизларига тиқилиб, нафас ололмай, кўзлари тинарди, гандираклаб боришарди. Юриш тугул, қимирлашга ҳоллари қолмаган эдию, муҳим жанговар топшириқнинг жавобгарлиги уларни ушлаб, суяб борарди.

Назёрларида Серёжа ҳам, Ира ҳам Берёзовка ўрмонларини яхши билишарди. Лекин ҳозир ўрмон уларга бошқача бўлиб кўринди.

— Бу ўрмонда фашист тугул, бўри ҳам қўрқса керак,— деди Ира.

Қуёш ҳарорати тобора забтига оларди. Серёжа билан Ира бир пасгина ўтириб, нафас ростлаб олгач, яна йўлга тушишди. Сал ўтмай, селгиган кўйлаклари яна нам бўлди, қавариб кетган оёқлари энди баттар зирқираб оғрирди. Шундай бўлса ҳам муҳим топшириқни адо этиш масъулияти голиб келарди. Улар ўн километрдан ортиқ йўл босиб ўтсалар ҳам, ҳали манзил кўринмасди.

— Адашиб қолмадикми?— ташвишланиб сўради Ира.

— Йўқ, Федотов худди мана шу йўлни кўрсатганди,— унга тасалли берди Серёжа.

— Сен нима дейсан, Серёжа, Тарас соғайиб кетармикин?— сўраб қолди Ира улар яна дам олишга ўтиришганида. Дарахтларнинг тепасига термилиб, Тараснинг яраланишини, ўқ тегиб, бир зумда шилқ этиб йиқилганини эслади Ира.

Фикри-зикри, бутун вужуди муҳим ва шошилинч топшириқни бажариш ташвиши билан банд бўлган Серёжанинг аччиғи иқди.

— Ҳозир Тарасни ўйлайдиган вақтми?

— Нима-э, шунчаки сўрадим-да.

Ира акасидан хафа бўлди. Орага жимлик чўкди.

Кўп ўтмай улар ялангликка чиқишди. Баланд-баланд дарахтлар тепасидан қуёш ўзининг заррин нурларини шу ялангликка сочиб турарди.

— Қара,— хурсанд бўлиб қичқириб юборди Ира.

— Кўраяпман, жим!

Серёжа ялангликда ўтлаб юрган яғрини сержун, ёлғиз чавкар отни ўзи ҳам кўрган эди.

Улар тўхтаб, катта эман дарахти орқасига яшириндилар.

Бир минут ўтди, икки минут, лекин ҳеч ким кўринмади.

— Миямга бир фикр келди,— деди Серёжа.

— Қанақа фикр?— тушунолмади Ира.

— Сени отга миндираман.

— Эсинг жойидами?

— Оёқларингга қара, қавариб кетган.

— Қаварса нима бўпти!

— Ҳеч нима. Отга минсанг анча енгил бўлади.

— Ўзингнинг ҳам оёқларинг қаварган-ку...

— Мен қиз бола эмасман.

Шу пайт улар отдан анча нарида ўтлаб юрган чавкар тойчани ҳам кўриб қолдилар.

Серёжанинг кўнгли сал жойига тушгандай бўлди: «Қолхоз отлари бўлса керак. Ахир отларимиз ҳаммаси чавкар-ку»,— дея хаёлидан ўтказди у.

Бирдан дарахт устида ниманингдир шарпаси эшитилди. Улар қўрқув аралаш ялт этиб юқорига қарадилар.

Эман дарахтининг шохлари орасида ёш бир йигит ўтирарди. Ира қўрққанидан қичқириб юборди — қизнинг бутун вужуди электр токи урилгандай зириллаб кетди. Кўзини чирт юмиб, ўрмалаган ҳолда буталар ичига кириб олди.

— Каламушнинг ўзи экансан-ку,— деди дарахт устидан сакраб тушган йигит.

Қадди-қомати келишган, юзлари оппоқ, соқоллари олинган, кўзлари кўм-кўк бу йигит фуражқасини бостириб кийиб, оч-яшил чит кўйлагининг тугмаларини томоғигача қадаган эди. Қўлида тўппонча. У қизга қараб кулиб турарди. Ира ўтирган жойида бошини кўтариб, йигитнинг этигидан то шапкасигача кўздан кечирди.

— Ўзингиз каламуш,— деб жавоб берди-да, шартта ўрнидан турди ва тўрт томонга аланглаб, акасини қидирди. «Наҳотки қочиб кетган бўлса, йўғ-е, мени ташлаб кетармиди?»— кўнглидан ўтказди Ира қадди-қоматини ростлаб, кўйлақларини қоқиб, уёқ-буёғига қараркан. Сўнг дарахтдан тушган йигитга дадил хўмрайди.

— Ерда жой қуриганмиди, нега дарахтнинг устига чиқиб олдингиз? Ўзингиз кимсиз?

— Яна саволлар борми?

— Кимсиз?

Буталар орасидан бошини кўтарган Серёжа синглисига қараб: «Бақирма!» деб жеркиди-да, номаълум йигитга яқинлашди.

— Ўзларинг кимсанлар?— сўради йигит.

— Сиз отрядданмисиз?— саволга савол билан жавоб қилди Серёжа.

— Шундай деб фараз қилайлик,— мужмал жавоб қилди йигит.— Ҳарҳолда нима қилиб юрибсизлар ўзларинг бу ерда?

— Йўқолган сигиримизни қидириб юрибмиз,— деб қолди Ира.

Серёжа ўзини тутолмай хохолаб кулиб юборди.

— Вой довдир-э, нималар деяпсан ўзинг, Ира!

— Есинларнинг фарзандларимисиз?— сўради йигит.— Танигандек бўляпман.

— Есинлармиз,— деди Серёжа. «Бу йигит ўзимизникига ўхшайди-ю, ҳамма гапни айтиш мумкинмикин?..»— Хаёлидан ўтказди у. Лекин ҳеч қанақа гапга ўрин қолмаганди.

— Қани, менинг кетимдан юринглар,— деди йигит.— Дадаларинг Илья Семёновични болалигимдан биламан,— деди у орқасига қайрилиб.— Армияга кетмасидан олдин, колхозда бош агроном бўлиб ишлаган кезларидан буён танийман. Анна Владимировнани ҳам яхши танирдим. Қабрларига нур ёғилсин.

Улар билинар-билинемас из тушган ёлғизоёқ йўлдан борардилар. Икки жойда уларни ғойибдан келган овоз тўхтатди.

— Заряд!— деди йигит кўринмай панада турган дозорларга жавоб бериб.

Энди болалар бўлаётган гапларнинг нақадар муҳимлигини янада чуқурроқ ҳис эта бошладилар. Ниҳоят уларга ялангликда ертўлалар ва одамлар кўринди. Серёжа билан Ира жуда кўп таниш ҳамқишлоқларини кўришди. Ертўлаларнинг биридан Шахов чиқиб келди. Ҳарбийча кийиниб, белини камар билан боғлаган, сочлари бежирим таралган Шахов яшариб кетгандай кўринди кўзларига.

— Есинларми?— ҳайрон бўлиб сўради у.

— Сизнинг олдингизга келишаётганга ўхшайди, Константин Петрович!— деди уларни бошлаб келган йигит.

Болалар Шахов билан саломлашишди. Серёжа бўлса унга пакетни топширди:

— Бу сизга.

— Қани, менинг ертўламга кирайлик-чи,— таклиф қилди Константин Петрович.— Чарчадингларми?— сўради у.

— Унча эмас,— жавоб берди Серёжа.

— Кўриб турибман, унча эмаслигини,— деди Шахов,— оёқларинг чатнаб, қонаб кетган-ку...

Константин Петрович болаларни столга ўтқазди, уларга нон, ёғ, чой олиб келишди. Командирнинг ўзи хатни ўқишга киришди.

Болалар ҳамма нарсага тез кўникканлариданми ёки раиснинг салобати босдими, ё топшириқнинг (энди бажарилишига биринчи топшириқнинг деса бўлади) бажарилишини писанда қилмаслик учунми, ҳар қалай, икковлари ҳам йўлда чеккан азобларини, ҳолдан тойгунча чарчаб, оёқлари қабариб, чатнаб зирқираб оғриганини сездирмасликка уринишарди.

— Ҳаммаси тушунарли,— деди ниҳоят Константин Петрович.— Бизда ҳам муҳим янгиликлар бор. Мен ҳозир ёзаман, сизлар озгина ухлаб олинглар. Бир-икки соат бўлса ҳам ҳарна, йўл узоқ...

Серёжа олдин кўнмай турди-ю, бироқ юмшоқ сўрига ўтиши билан шилқ этиб тушди, қаттиқ уйқуга кетди. Ира ҳам дарров ухлаб қолди. Узоқ ётиб қолишибди шекилли, уйғонганларида ертўлада ҳеч ким йўқ, кун алламаҳал бўлиб қолганга ўхшарди.

— Константин Петрович қаерда?— деди Серёжа безовта бўлиб.

Партизанлар лагери ўз кўйи, сираси билан яшарди. Ялангликни гир айлана бежирим-бежирим ертўлалар ўраб олганди, ҳаммаси — олтита ертўла. Одамлар милтиқларини тозалаш, ўтин ёриш, тикиш-ямаш, овқат пишириш билан банд. Иккита кўчма ошхонадан атрофга ёқимли ҳид таралмоқда. Нарироқдаги ялангликларда сигир ва отлар ўтлаб юришибди. Буталар соясида қатор-қатор аравалар.

Серёжа билан Иранинг олдига Шаховнинг ўзи кириб келди.

— Ширин ухлаган экансизлар, уйғотмай қўя қолдик. Яхши дам олдиларингми?

У болаларга йўлда ейиш учун емиш берди. Серёжанинг қўлига конверт тутқизди.

— Немислар яқинми?— қизиқиб сўради Серёжа.

— Сақиз километр нарида, Бобино станциясида,— тушунтирди Шахов.— Ўтган кунни улар бизга жуда яқин жойга десант туширишган эди, биз уларни қириб ташладик. Ҳавотир олмасдан кетаверинглар, немисларга дуч келмасаларинг керак...

Серёжа билан Ира яна йўлга чиқишди. Энди юриш анча осондек туюлди. Шошилмасдан қадам ташдаб боришарди, кеч кира бошлаган, куннинг иссиғи қайтган эди. Улар ўн етти километр, демак тахминан уч соатлик йўл босишлари керак. Йўл-йўлакай қўзиқорин ва ўрмон меваларидан теришди. Саватча олиб келганлари жуда иш берди.

Болалар Тихая дарёси бўйлаб Берёзовкага чиққанларида қуёш ўрмон орқасига ботиб борарди. Улар ҳайрон бўлиб тўхтаб қолишди. Қишлоқ қизил крест шакли туширилган машиналар билан тўлиб кетган эди. Катта йўлнинг ҳув нариги томонида иккита катта палатка ўрнатилган бўлиб, уларнинг атрофида оқ халатли врач ва ҳамширалар югуриб юришарди.

Ўрмон жимжит эди, бу ерда бўлса фронт Берёзовкага яқинлашиб келаётгани сезилиб турарди. Тўхтовсиз эшитилаётган тўп ва пулемётларнинг овози худди дарёнинг нариги қирғогидан келаётгандек туюларди. Мана, ёнгиналаридан бир неча юк машинаси, улар кетидан тўплар, енгил танклар, қандайдир юклар ортилган аравалар ўта бошлади, от-аравалар шу қадар кўп эдики, уларнинг охири йўқдек туюларди.

— Шу ерликмисизлар?— сўради кимдир улардан.

Болалар ўгирилиб, ҳарбий кийим устидан оқ халат кийиб олган, қадди-қомати келишган, сап-сариқ, жингалак сочлари юзларига тушиб, кўм-кўк кўзлари кулиб турган жувонни кўрдилар.

— Шу ерликмиз,— жавоб берди Ира. Кейин саватчасини унга тутди:

— Олинг, малинадан татиб кўринг.

— Раҳмат.

— Олинг, олақолинг...

Жувон қизнинг кўнгли учун малинадан бир-икки дона олиб оғзи-га солди.

— Мунча чиройлисан, қизим?

— Ўзингиз чиройлисиз.

— Отинг нима?

— Ира.

— Отинг ҳам чиройли экан.

Она меҳридан бевақт жудо бўлган кўнгли ярим қиз юмшоқ ва ёқимли сўзлардан эриб кетдию шу заҳотиёқ ҳушёр тортгандек ўзини тутиб олди-да, ўзига ёқиб қолган, истараси иссиқ жувонни қандай қилиб уйга меҳмонга чақирганини ҳам билмай қолди.

— Юринг, бизникига. Бир минут бўлса ҳам дам оласиз...

— Бир минут дедингми, майли...

— Шу баҳона, балким, Тарасни ҳам кўрарсиз.

— Тарас деганинг ким?

— Ўртоғимиз. Фашистлар қишлоқни самолётдан ўққа тутганлари-да ярадор бўлди.

— Албатта кўраман,— рози бўлди жувон,— ҳа, айтгандай, менинг исмим Валентина Кирилловна, шундоқ Валя хола десанг ҳам бўлабе-ради.

Жувон қизнинг гапини икки қилолмади. Қалин ва жингалак соч-ларини юзидан орқасига олиб ташлади-да, халати тугмаларини ечиб, камарини сиқиброқ боғлади, «кетдик» дегандай қилиб, кўзини қисиб қўйди. У ҳозир жуда соғинган ўз қизини кўриб, уни бағрига босган-дек бахтли эди, ихтиёрини ҳам унга бериб қўйганди. Шу важдан ҳам оналик соғинчи ҳарбий интизом қондаларидан устун чиқди.

Улар ёнма-ён боришаркан, жувон бурро-бурро сўзлайдиган қиз-ни гапга тутарди. Боя «чиройлисан» деганида талтайиб кетмай шарт-та «ўзингиз чиройлисиз» деб дадил жавоб бергани унга жуда ёқиб қолган эди. Ҳозир ҳам қиздан нима сўраса, ўзи ҳақидамас, ўртоғи Та-расга меҳрибонлиги, куюниб, ачиниб гапириши жувоннинг меҳрини тағинам ошириб юборди, яна қизини эслатди. Ҳозир Валентина Кирил-ловна болаларга қўлидан келганича ёрдам бергиси, уларни бағрига босиб, ўз болаларидек эркалагиси келарди...

— Сиз санинструктормисиз?— сўради Ира.

— Тўғри топдинг.

Улар уйга келганларида Миша бобо билан Иван Иванович йўқ эдилар. Жувон кириши биланоқ қўлларини совунлаб ювиб, бажонидил ишга киришиб кетди. Тараснинг яраларини спирт билан тозалаб, дори қўйиб, яхшилаб боғлади. Ирага нималар қилишни тушунтириб, ан-чагина пахта, бинт, дори-дармонлар қолдирди.

— Мен ҳозир,— шивирлади Серёжа Ирага ва уйдан чиқиб кетди. Ира фаҳмлади: акаси Федотовнинг олдига шошиляпти.

Серёжа ҳақиқатан ҳам елдек учиб, қишлоқнинг нариги бошига, қишлоқ совети секретарининг уйига югурди. Федотов уни кўриб, қуво-ниб кетди. Шаховнинг хатини ўқиб чиқди.

— Баракалла,— деди у.— Лекин, афсуски, улар немислар ҳақида-ги ҳамма гапдан хабардор эмас. Ахир, немислар Берёзовкага бошқа томондан ёпирилиб келишмоқда. Биз бугун шошилиш равишда қирув-чи отряд тузиб, Веселовский ўрмонига, Қизил Армияга ёрдамга юбор-дик.

— Мени ҳам олиб кетинг,— деди ёлвориб Серёжа.

— Қаёққа олиб кетаман сени?— деди Василий амаки.— Сен би-лан мен шу ерда ҳам керакмиз. Мен ҳам жангга киришни жуда иста-ган эдим шу ерда қолишга буйруқ берилган. Ҳали Берёзовкада бизни кўп ишлар кутиб турибди, оғайни...

Серёжа Федотов билан хайрлашиб, чиқиб кетди. Уйга қайтиб келганида Валентина Кирилловна ҳамма ишни тугатган эди.

— Дўстингиз тузалиб кетади,— деди у.— Фақат уни яхшироқ оврақатлангириб туринглар, тоза ҳаводан маҳрум қилманглар. Унинг хонасидаги дераза ҳамиша очиқ турсин.

Кейин улар биргалашиб ўтириб чой ичишди. Ғира-шира қоронғи туша бошлаган эди.

— Мен борай,— деди Валентина Кирилловна.— Кечаси навбатчилик қиладиганман. Эҳтимол, яна ярадорлар ҳам келгандир.

Ира санинструкторни кузатиб чиқди. Аммо улар госпиталь палаткаларига етиб бормаслариданоқ, команда эшитилди:

— Машиналарга!

— Демак, фронтга жўнайсизми?— сўради Ира.

— Аксинча,— деди маъюслик билан Валентина Кирилловна.— Фронтдан узоқроққа, орқага, олдинги маррада қололмаймиз, ишимиз шунақа, қизим.

Ира бўлса тушида кўрингандек, ғойибдан пайдо бўлиб, унга жуда-жуда ёқиб қолган санинструктордан сира-сира ажралгиси келмасди. Ҳарбий кийимлари бўй-бастига ярашиб, чиройига чирой қўшаётганига бир ҳаваси келса, шундай ёш жувон уруш олови ёниб турган хавфли-хатарли жойларда ярадорлар жонига ора кириб, улар хизматини адо этиб юрганига, иродасига, довюраклигига, қўрқмаслигига ўн чандон ҳаваси келар ва тан берарди.

— Сизга омад тилайман!— деди Ира Валентина Кирилловнани маҳкам қучоқлаб.

— Сенга ҳам омад тилайман, азизим,— деди Валентина Кирилловна Ирани яна бағрига босиб, шошиб-шошиб юзларидан, пешоналаридан, бўйинларидан ўпар экан.— Ота-онанглар ҳақида сўрай олмадим ҳам...

— Дадамлар фронтда, оймлар ҳалок бўлдилар,— деди Ира бошини қўйи эгиб.

Валентина Кирилловна ҳеч нарса демади.

— Ойим бомба тагида қолиб ҳалок бўлдилар,— қўшиб қўйди Ира.

— Сабр-бардош тилайман, қизим,— Валентина Кирилловна қизни яна маҳкам бағрига босди-ю, кўнгли бир хил бўлиб кетди. Шошиларкан, орқасига ўгирилиб, қизга қўл силкиди:

— Хайр, Ира.

— Менга жуда-жуда ёқиб қолдингиз,— деганича Ира ундан ажралмай ёнида кетаберди.— Яна қачон кўришамиз?

— Ғалаба кунларида!

— Ғалаба кунлари қачон бўлади?

— Бўлади, қизим, албатта бўлади,— деди Валентина Кирилловна ва мулойимлик билан қўшиб қўйди:— Худди менинг қизимга ўхшайсан. Соғ бўл, Ирочка! Яқинда қайтиб келаемиз...

Ана шу бир жумланинг ўзи қизнинг ёш қалбини бир олам қувонч ва умидга тўлғади. Бутун чарчоқларини ҳам унутган Ира «Валя хола оймга жудаям ўхшаркан-а?» деган хаёл оғушида хурсанд бўлганича, Серёжага ҳам қарамай, уйига югурди.

Уй олдига келиб, дераза тагида таққа тўхтаб қолди. Ичкарида Иван Иванович билан бобоси қандайдир иш устида баҳс қилишарди. Тортишув тобора кескинлашиб борарди. Ира қулоқ солди.

— Йўқ, Ваня, йўқ, азизим,— деди Миша бобо йўғон овозини чўзиб. Унинг овози ҳамиша йўғон бўлгани билан, тиниқ эшитиларди. Аммо бирор киши билан тортишса, овози ундан ҳам йўғонлашиб, қуюқлашиб кетарди. У жон-жаҳди билан ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилишга уринарди:— мен сенга айтсам, хато қилиясан!

— Бақирма, Миша,— Иван Иванович ётиги билан сўз бошлади. Унинг овози юмшоқ ва ширали бўлиб, сўзлари мантиқ жиҳатидан кучли эди. У мулойимлик билан сўзида давом этди:— Нега бақирасан, қулоғим кар эмас-ку, нариги хонада касал борлигини унутма. Би-

ласанми, Миша, масала мураккаб. Қизиққонлик қилиш ярамайди. Халқимизда етти ўлчаб, бир кес деган ҳикмат бор.

Аmmo Миша бобо яна қизишиб кетди ва овозини салгина пасайтириб, дўстига жавоб берди:

— Мен сенга айтсам, Ваня, темирни қизиғида ур, деган мақол ҳам бор. Масалани бугун ҳал қилмасак, эртага кеч бўлади. Сен етти марта ўлчайман дегунингча, немис Берёзовкани ҳам ишғол қиладию коммунист бўлганинг учун энг олдин сени дорга осади.

«Ой туйнукка, арава эшикка келиб қолибдию ивирсиган бу чол етти ўлчаш тўғрисида эзмалик қилади-я,— ўзича жиғибийрон бўларди Миша бобо.— Ҳозир зудлик билан иш тутадиган пайт, фақат темирни қизиғида урмоқ зарур».

Иван Иванович фикрини бир ерга йиғиб, жавоб учун энди оғзини жуфтлаганда дераза орқасида қандайдир шарпани сезиб, бошини кўтарди ва Серёжа билан Ирани кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Эшикни очиб, уларга пешвоз чиқди, олдинма-кейин кириб келган болаларни бағрига босди, кўзларида ёш йилтиради, хатарли йўллардан соғ-омон келганларидан ич-ичидан мамнун бўлди. Миша бобонинг ҳам қувончи ичига сигмасдию бари бир одатига кўра хўмрайиб, таъна қилди:

— Бунча кечикмасаларинг, меҳмонга борувдиларингми? Мен сизларга айтсам, болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур деганлари бежиз эмас экан. Хавотир олиб Ваня билан орқаларингдан бормоқчи ҳам бўлдик. Қани, гапиринглар.

Бир неча минут ўтмасдан уйга Федотов кириб келди.

— Сизга гапим бор, Иван Иванович...

Улар қўшни хонага чиқиб кетишди, нималарнидир шивир-шивир гаплашиб, яна қайтиб чиқишди.

— Мана, баҳсимиз ҳам тугади,— деди хурсанд бўлиб Иван Иванович.— Қани, йўл тараддудингни кўравер, дўстим Михаил!

— Қанақа йўл тараддуди?

— Сен билан мени Шахов кутяпти.

— Рост,— тасдиқлади Федотов.

— Ира билан Серёжа нима бўлади?— саросимага тушиб сўради Миша бобо Иван Иванович билан Федотовдан.

Ира билан Серёжа ҳам савол назарида Василий амакига тикилишди.

— Сизлар ҳозирча қишлоқда қоласизлар,— деди қатъий оҳангда Василий.— Мен билан!

— Ана сенга, етти марта ўлчаш!— ҳазиллашди Миша бобо.

— Ана сенга, темирни қизиғида босиш!— бўш келмади Иван Иванович ҳам.— Буйруқ олмасдан, ўрмонга қочиб кетсам яхши бўлармиди...

IV

Тарас онасини кўп ўйларди. Ўзига қараб, бошида парвона бўлаган Ира онасидан хабар олиб турган бўлса ҳамки, кўнгли тинчмасди. Зоя Андреевна анчадан буён оғир касал ётарди. Бу касалга у эри судга тушгандан кейин йўлиқди. Заиф юраги дардга чалинди, қўлоёқлари бўшашди. Врачлар юраги ниҳоятда суст ишлаяпти деб уни касалхонага ётқизмоқчи ҳам бўлдилар. Зоя Андреевна йўқ деб туриб олди, кўнмади.

Кейинги кунларда касали оғирлашгани устига буёқда Тарасдан хабар тополмагани дард устига чипқон эди.

Буёқда Ирага ҳам қийин бўлди. Зиммасида уйинга ҳамда Тарасга қараб туришигинамас, Зоя Андреевна ҳам бор. Ҳар кунни иссиқ-совуғидан хабар олиб, бир луқма оғзига ёқадиган таом тайёрлаб бериши, устига ўғлининг оғир ярадорлигини ундан яшириб туриши ҳам керак эдики, Ирани шуниси кўпроқ қийнарди.

Зоя Андреевна яккаю ягона ўғлидан дарак тополмай дард ва интизорлик азобини чекарди, хавфсираб, ваҳимага тушарди, Тарас ёзиб берган хатни Ира ўқиб берса ҳам ишонқирамас, хаёллари узоқ-узоқларга етаклаб, ташвиш дарёсига фарқ этарди. Ўғлининг ярадорлигидан мутлақо беҳабар она ҳар куни Ирани ёнига ўтқазиб, Тарас тўғрисида суриштирар, Ира бўлса ер чизиб, жавоб кайтаролмай азоб чекарди.

Ўзи-ку азоб чеккани майли-я, Зоя Андреевна кейинги кунларда, Тарасни кўрмаганидан буён жудаям ўзгәрди, юраги ўйнаб, нафас қишишлари тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Ана шуниси Ирани кўпроқ ўйлантриб қўярди. Зоя холага жуда-жуда ачиниб, раҳми келарди. Кунларнинг бирида «Елғоннинг ҳам чегараси бор-да» дея ўзини-ўзи койиди-да, акасига маслаҳат солди. Серёжа шу захотиёқ ўрнидан туриб, синглиси билан бирга касални кўришга чиқди.

— Ирочка, Серёженка, сизлардан жуда-жуда миннатдорман,— деди у ниҳоят.— Эрим мунақа бўлиб кетгандан кейин, ўзи кўплар мени унутиб ҳам қўйишди. Уларни айбситаётганим йўқ. У, ҳақиқатан ҳам аблаҳ! Нечук шундоқ одамга кўнгил қўйган эканман, тушунолмаيمان. Қўли эгрелигини сезардим. Тўғри, уйга ҳеч нарса олиб келмасди. Аллақайларда санқиб юрарди. Жононлари ҳам бор деб эшитардим... Суд бўлдию ҳаммаси очилди-қолди. Қанча мол ўғирлагани ҳам, қанча пора берганлари ҳам. Қилмишига яраша олти йилга кесилди.

Серёжа билан Ира бу ҳақда орқаворатдангина эшитишган эдилар. Улар Тарас билан дўст бўлсалар ҳам, ўртоқлари отаси ҳақида ҳеч нарса гапирмасди. Ёки ўзи беҳабар бўлган, ё бўлмаса дўстларидан уялган.

Эри ҳақида гапираркан, Зоя Андреевна хафа бўлди, яна юрагини ушлади. Ира дарров дори томизиб ичирди.

Серёжа унинг пешанасига ҳўл латта қўйди.

— Ўлиб ўлмайман, тузалиб тузалмайман. Юрак сиқади... хасталик жонимга тегди, Серёжа, кундан-кун баттар азоб чекаман, кундан-кун оғирлашаяпман. Қанийди, осмондан тушаётган бомбаларнинг бири уйимга тушса-ю, шу азобдан фориг бўлсам, шу мусибатли дунёдан абадий кўз юмсам. Мени деб Ира ҳам эзилиб кетди. Серёжа, болагинам, Тарасик қайда? Нега ном-нишонсиз?...— Кўзларидан оққан ёш томчилари кўрпага томди.

— Асло хавотир қилманг, Зоя хола, Тарас соғ-саломат.

— Ахир, соғ-саломат бўлса нима учун хаста онасидан хабар олмайди? Йўлларига кўзим тўрт, эшик тиқ этиб очилса, Тарас кириб келаётгандай. Кутавериб чарчадим, болам, тинкам қуриди. Ундан бўлса ҳалигача дом-дарак йўқ.

Боши қотган Серёжа Зоя Андреевнани юпатиб, «Нима қиламиз?» дегандай Ирага ўғирилган эди, у нима дейишни билмай ерга қаради. Серёжа Зоя холанинг касали кундан-кун оғирлашиб бораётганини чуқур ҳис этиб, унга раҳми келди ва рост гапни айтишга қарор қилди. У, «Мен, ҳозир!» деди-ю, Ирани имлаб, эшикка чиқди.

— Сен шу ерда бўл. Мен Тарасни опичиб олиб келаман. Зоя холани юпатиш зарур. Ахир, касали кун сайин оғирлашиб, ўлим билан олишаётган онадан биттаю битта фарзандини яшириб бўладими?

Хийла вақт ўтгандан кейин Серёжа Тарасни опичиб олиб келди ва хонага, онаси олдига киришдан олдин ўртоғининг сочларини бежирим тараб, кийимларини тузатиб қўйди-да, онаси олдига бошлаб кирди.

— Ойижон,— деганича Тарас бошини онасининг бағрига қўйиб, йиғлаб юборди. Зоя Андреевна ёстиқдан бошини кўтариб, ўғлининг сочларини нимжон қўллари билан силаб, юзларидан ўпди, ўпкаси тўлиб йиғлади:

— Болагинам, наҳотки хаста онангни кўргинг келмаса...

Тараснинг кўзлари жиққа ёш билан тўлиб, онасига айтмоқчи

бўлган сўзларидан биттасини ҳам айтолмади, нимадир томоғига тикилгандай бўлди.

— Зоя хола,— Серёжа вазмин гапира бошлади,— бомбардимон вақтида мактабимиз ёнган куни ҳаммамиз ёнғинни ўчиришга бордик. Ана шунда Тарасингиз шундай ғайрат кўрсатдики, ҳамма қойил қолди. Унинг жасорати болаларга намуна бўлди. Бироқ, ёнғин энди ўчирилганда тепамизда яна немис самолётлари пайдо бўлди, бу гал пулемётдан ўқ ёғдирди. Тарас шу пайтда ярадор бўлди. Миша бобо билан Иван Иванович ҳушдан кетган Тарасни қўлларида кўтариб келдилару, дарҳол сув қайнатиб, яраларини ювдилар, авайлаб боғладилар. Шундан кейингина қон кетиши тўхтади. Буёғига мана Ира қараб турди. Энди анча тузалиб қолди, хола.

Серёжа сўзини бўлди. Зоя Андреевна сал ўзига келгандан кейин ўқитувчи Иван Иванович ҳақида, Миша бобо ҳақида, улар Тарасни парвариш қилганлари, санинструктор Валентина Кирилловна, фельдшер Матвей Семёновичлар ҳақида гапириб берди.

Зоя Андреевнанинг юзларига қон югургандай бўлди. У энди йиғламас, диққат билан болаларнинг сўзларини эшитарди.

— Менга бор гапни очиқ айтиб, тўғри қилдинглар, болаларим,— икром бўлди у.— Узимни анча яхши сезаяпман. Анча яхшиман. Ростини айтсам, не хаёлларга бориб, қанақа азоблар тортмадим, дейсиз. Мана, ҳамма шубҳалар баргараф бўлди, бу жуда яхши...— У хаёл суриб қолди. Кейин ниманидир эслагандек, сўзида давом этди:— Фашистларнинг уруғига қирон келсин, ёш болаларни ҳам аямайдилар. Шунча мусибат. Мамлакатимизга қўққисдан ҳужум қилсалар, шаҳарларимизни, қишлоқларимизни вайрон қилсалар! Район марказидаги церковни ҳам бомбардимон қилишибди деб эшитдим...

— Ҳа,— деди Ира.— Мен касалхонага дорига бораётганимда кўрдим. Поп ҳам ҳалок бўлган дейишди.

— Поп эмас, вали дегин, азиз авлиё дегин,— тузатди Зоя Андреевна.— Поп десанг гуноҳга ботасан. Тушуниб турибман, Ирочка, сен худога ишонмайсан. Ҳарҳолда...— деб чўқиниб қўйди.

«Қизик,— ўйлади Серёжа.— Зоя холанинг художўйлигини билмас эканман».

— Ира, Ира... биздан қайтмаса, худодан қайтсин. Менинг ҳам, Тарасимнинг ҳам хасталиги сенинг бўйнингга тушди, болам. Худоё худовандо сени икки дунёда кам қилмасин.

— Ҳамма оғирлик акам Серёжанинг устига тушди, холажон.

— Бизни кечиринг, Зоя хола,— деди Серёжа одоб билан гап бошлаб, — Тараснинг ярадорлигини сиздан яширдик. Миша бобо билан Иван Иванович «беморнинг дардига дард қўшманглар», дедилар. Мана энди ўғлингиз тузалиб, ўзи олдингизга келди. Дийдор кўришдиларингиз. Тарас, қани, кўйлагингни еч, яраларинг тузалганини ўзлари кўрсинлар.

Тарас ўрнидан туриб, чап қўли билан кўйлагини ечиб (ўнг қўли ҳали ҳам ишламасди), «Яра ҳам орқамда, ҳам кўкрагимда», деди онасига.

Зоя Андреевна ўғлининг ўнг елкасидан қорнигача танғиб боғланган ярасини кўз олдига келтириб, ўпкаси тўлиб кетди:

— Эй худо, бу қандай кўргулик, бу қандай хўрлик, бу қандай мусибат. Отанг бўлса тирик мурда, онанг бўлса касалдан кўз очолмайди, сен бўлсанг она сутинг оғзингдан кетмай, ярадор бўлиб ўтирсанг, ўнг қўлингдан ажралабсан. — У пиқ-пиқ йиғлади.

Серёжа Зоя Андреевнага стаканда сув тутиб, уни юпатди:

— Йиғлайверманг, хола, Тарас оз ўтмай тузалиб кетади, сиз ҳам.

— Айтганинг келсин, болам. Бизларга шунчалар яхшилик қиляпсизлар, Ира ҳам, сен ҳам, Миша бобо ҳам, илоҳим, биздан қайтмаса худодан қайтсин.

Серёжа ҳовлига чиқиб, сув тортиш учун қулуқ бўйига келиши би-

ланоқ ҳовлиннинг дарёга туташиб кетган ерларида юрган қизил аскарларга кўзи тушиб ҳайрон бўлди. Улар жуда кўп, икки юздан ошарди. Дарёнинг ўнг қирғоғи жуда баланд бўлиб, ундан қараганда чап қирғоқ кафтдек яққол кўриниб турарди. Серёжа қизил аскарлар томон бир неча қадам ташлади-ю, ўтлар устига ўтириб, уларнинг ҳаракатларини кузатди. Қизил аскарлардан бири пилоткаси билан икки чаккасидан оқиб тушаётган терни артатуриб, Серёжага кўзи тушиди ва илжайди. Серёжа ҳам унга тикилиб илжайиб қўйди.

- Салом,— деди қизил аскар кулумсираб.
- Салом,— деди Серёжа ирғиб ўрнидан туриб.
- Ичишга сув борми?

Серёжа дарров қудуқдан бир пақир ширин сув тортди, қизил аскарга узатган эди, у пастда ишлаётганларни кўрсатиб, «уларга ҳам сув керак» деди. Серёжа қудуқдан яна сув тортди. Улар қизил аскар билан биргаликда кўприк атрофида қўли қўлига тегмай ишлаётган жангчиларга сув етказиб беришди. Икки пақир сув бир зумда ичилди. Пулемёт ротасининг командири ёшгина лейтенант Серёжага қўлини узатди:

- Танишайлик, оғайни — лейтенант Темиров.
- Сергей, — жавоб берди у командирга.
- Сув учун катта раҳмат. Нечанчи синфда ўқийсан?
- Олтинчида. Мактабимиз бомбардимон вақтида ёниб кетган.
- Ёшинг нечада?
- Ўн учга етдим!
- Ўн уч, ўн уч...— деди командир унинг сўзларини такрорлаб.
- Яна чекинасизларми? — сўради Серёжа ўзини туголмай.
- Нима десам экан... Аниқроғи, янги марраларда маҳкамроқ ўрнашиб олаяпмиз. Мана шу дарё бўйида.

Лейтенант жим қолди.

— Чегарадан чекиниб келаяпмиз, ҳамма шу саволни беради. Нима жавоб бериш керак? Ҳозирча немислар кучли. Солдатлари ҳам, танк ва самолётлари ҳам, тўп ва пулемётлари ҳам кўп. Шунинг учун ҳам у устун. Аммо, дўстим, бу вақтинча. Яқинда устунлик бизнинг қўлимизга ўтади.

- Қачон қўшинларимиз ҳужумга ўтади?
- Яқинда. Совуқ тушиши билан.
- Совуқнинг нима алоқаси бор?
- Биринчидан, резерв кучларимиз йўлда келяпти. Иккинчидан, душман бизнинг қишимизни ҳисобга олмаган. Биринчи зарбадаёқ мажаклаб ташламоқчи бўлган. Учунчидан эса, жангларнинг ҳар бир кунини — бизлар учун жуда муҳим, тажрибамизга тажриба қўшмоқда. Масалан, мен ўнинчи синфдан кейин ҳарбий билим юртини тамомладим. Билим юртида ўқиганимизда ўтмаган машқларни мана шу икки ойда билиб олдим.

- Яхши бўларди, — деди хаёл суриб Серёжа.
- Нима яхши бўларди? — тушунмади лейтенант.
- Немисларни тўхтатсаларинг яхши бўларди.
- Эҳтимол мана шу маррада тўхтатармиз ҳам.
- Немислар яқинми?
- Бу ердан уч-беш километр.
- Яқин экан...
- Узинг нима қилмоқчисан, бирон гап бўлса, шу ерда қоласанми?— сўради лейтенант.
- Албатта, шу ерда қоламан. Шундоқ топшириқ олганман.
- Қимнинг топшириғи экан, сир бўлмаса.
- Партия топшириғи.
- Эҳ-ҳа, шунақа катта одамсан деб ўйламагандим!
- Ҳозир ҳар бир киши душманга қарши жанг қилиши керак, — деди Серёжа чертиб-чертиб.
- Бу гапинг тўғри, — унинг фикрига қўшилди лейтенант. — Кек-

са ҳам, ёш ҳам, ҳарбий ҳам, граждандан ҳам. Душман билан юзма-юз учрашишдан қўрқмайсанми?

— Ростини айтайми?

— Албатта, ростини айт.

— Ростини айтсам, қўрқаман. Немисдан эмас, уни енголмайман деб қўрқаман. Мана, менинг дадам капитан, батальон командири, у ҳеч нарсадан қўрқмайди, чунки у ҳарбий киши. Қўлида қуроли бор. Менинг қуролим йўқ. Қўрқоқликка нафрат ўқийман.

— Баракалла, ўғлон, асл ота ўғли экансан. Ҳалоллигинг учун раҳмат. Отанг тўғри тарбия берибди.

— Истеҳком қураяпсизларми?— сўради Серёжа.

— Ҳа, Тихая дарёсининг чап қирғоғида. Эрталабгача тамомлашимиз керак!

— Менам ёрдамлашсам майлими? Фақат, уйга сув олиб бориб берай.

Серёжа пақирни Тараснинг уйига олиб бориб қўйди-да, дарҳол солдатлар олдига қайтиб келди. Тун бўйи у қизил аскарларга ёрдамлашди, окоплар, алоқа йўллари қазиди. Тонг ёришганда унинг ёнига таниш лейтенант келди.

— Отишни биласанми?

— Кичик калибмли милтиқдан отаман.

— Ҳақиқий милтиқдан-чи?

— Йўқ, отиб кўрмаганман.

— Отиб кўришни истайсанми?

— Бўлмасам-чи!

Лейтенант Серёжага олдин милтиқдан отишни кўрсатди, кейин пулемёт олдига бошлаб келди.

Серёжа отишни тез ўрганиб олди.

— Ҳозирча ўзимизнинг автоматимиз етишмаяпти, — деди лейтенант, — мана бу ўлжа олинган немис автомати. Ке, кўрсатаман.

У Серёжага немис автоматини тутқазди:

— Мана, қара...

Кейин Серёжа автомат стволини осмонга тўғрилаб, кетма-кет ўқ узди. Қўли алланечук ёқимли титрарди.

— Энди ўзингни жангга тайёр деб билсанг бўлади, — мақтаб қўйди лейтенант.

— Раҳмат сизга, ўртоқ лейтенант, энди жангда менинг ҳам фойдам тегиши мумкин, — Серёжа ўзи билганича честь берди.

V

Тихая дарёси бўйида истеҳкомлар қуриш ишлари эрталабгача тугалланмади.

— Олдимизга қўйилган вазифа янада мураккаблашди, — тушунтирди лейтенант. — Артиллериячилар билан биргаликда тўп-замбаракларнинг позицияларини, пулемёт нуқталарини тайёрлашимиз, танкка қарши отадиган милтиқлар ўрнатишимиз керак.

Серёжа уйига кетмади, куни бўйи ва кечаси пулемётчилар билан бирга бўлди, уларнинг айтганини бажариб, дастёрчилик қилиб юрди. Энди у ўзини ҳақиқий фронтчи-жангчи деб ҳисоблар, бу ҳақда отасига, бобосига, Иван Ивановичга хабар қилиб мақтанмоқчи ҳам бўларди-ку, аммо бунинг иложи йўқ эди-да. Отаси узоқда... Бобоси билан Иван Иванович бўлса бир кечада ғойиб бўлиб, ўрмонга жўнашди. Эҳтимол, ҳозир бобоси темирчилик устахонасини ишга тушириб, отларга тақа қоқаётгандир. Эҳтимол, кекса ўқитувчи партизан отрядида писарлик хизматидадир.

Бир гал Темиров билан гаплашиб туриб, лейтенант шеър ўқишни жуда яхши кўрганини айтиб қолди.

— Биласизми, илгари мени ҳатто Сергей Есенин деб ҳам чақирди-шарди... — деди ўшанда Серёжа уялинқираб.

Темировга бу гап ёқиб тушди шекилли.

— Қани, Есенин, дурбинни олиб, уёққа, дарёнинг нариги қирғоғига қара-чи, — деди у бўйнидаги дурбинини Серёжага тутиб.

— Қани, ахборот бер, нималарни кўраяпсан?

Серёжа Тихая дарёсининг нариги томонига тикилди.

— Урмон яқинида тўпларни кўраяпман. Танкка қарши тўпга ўхшайди.

— Баракалла!

— Уч қайин ёнида пулемётни ва қизил аскарларни кўраяпман.

— Тўғри. Бу сержант Никоновнинг пулемёт расчети.

— Жарликда жангчилар чуқур қазнётганларини кўраяпман.

— Тўғри, — тасдиқлади Темиров. — Биз жардан мудофаа учун фойдаланишга қарор қилдик. Ҳам тез бўлади, ҳам мустаҳкам, жарнинг анча чуқурлиги ҳам яхши.

— Сиз қайси ротага командирлик қилаяпсиз?— сўради Серёжа.

— Ўзи, артиллериячиларни ҳисобга олмаганда, бу ерда учта рота. Мен иккинчи ротанинг командириман.

— Урушда жуда қўрқинчлими?

— Нима десам экан сенга? Ростини айтсам, қўрқинчли, албатта, чунки ҳеч кимнинг ўлгиси келмайди. Аммо душманни енгиш, она юртимизни ҳимоя қилиш истагимиз қўрқишдан минг марта кучли. Менинг ротамда ҳаммаси бўлиб ўн бир қизил аскар қолди. Бошқалари жангларда ҳалок бўлди. Улардан биронтаси ҳам тасодифан, дайди ўқдан ҳалок бўлгани йўқ. Ҳаммалари онгли равишда, тушуниб жангга киришди ва жонажон юртини ҳимоя қилиб, онгли равишда, тушуниб туриб ҳалок бўлди.

Темиров дарё томонга тикилиб, кимнидир чақирди.

— Сафаров, менга ўлжа дурбинни олиб келинг! Ильинскийда олинган эди.

Оёғига катта ботинка кийиб, ранги ўчиб кетган обмотка ўраб олган қизил аскар командирнинг олдига келди:

— Ўртоқ лейтенант...

— Раҳмат, Сафаров!— миннатдорчилик билдирди Темиров ва у келтирган дурбинни Серёжага узатди.— Бу сенга мендан совға! Хизматларинг учун ва дўстлигимиз ифодаси.

— Оҳ! — деб юборди Серёжа.

— Ол! Олабер! Биз бу дурбинни асир тушган немис оберидан олганмиз. Сенга яраб қолар... Шунақа, ўртоқ Есенин! — деди лейтенант кулимсираб ва Серёжанинг жингалак сочларини силаб туриб, сўзида давом этди: — Энди, ўртоқ Есенин, уйингга марш, маза қилиб ухла! Мунча узоқ уйқусиз дам олмасдан юриш ярамайди!

— Лекин...— эътироз билдирмоқчи бўлди Серёжа.

— Ҳеч қанақа «лекин»и йўқ! Буни жанговар буйруқ деб қабул қил!

— Сиз-чи?

— Бизларга бу маррадан кетиш мутлақо мумкин эмас. Ким биларди, бордию немислар ёпирилиб келса...

Серёжа истар-истамас уйига кетди. Эндигина у елка суяклари зирқираб, оёқларининг ости оловдек ёниб оғриётганини сизди. «Нимадан экан?— дерди ўзига-ўзи.— Қасаллик аломатими ёки чарчаганликданми?» Бари бир қанчалик чарчаган, оёқ-қўллари, суяклари зирқираб оғриётган бўлса ҳам, у сира нолимасди. Чунки оз бўлса-да, сеvimли отасининг наказини адо этди, фронтга ёрдам қилди. Эртасига-чи? Эртага ҳам азонда туриб яна шавкатли жангчилар ёнига келади, чарчаш нималигини билмай фронтга ёрдам қилади. Шу билан Тарас олдида, Ира олдида, ҳатто бобоси билан сеvimли ўқитувчиси олдида иззат-обрўси ошади. Энди унга ҳам ҳавас қиладиган болалар отилиб чиқади.

Уйига кириб келганида Ира билан Тарас шамчироқ ёруғида домини ўйнаб ўтиришарди. Берёзовкада кейинги кунларда тез-тез чироқ ўчиб турарди.

— Бормисан? — унга ташланди Ира. — Қорнинг очдир?

— Йўқ. Уйқудан бошқа нарса керакмас, — деди Серёжа. — Чарчадим.

— Ира билан биз сени қизил аскарлар қисмига қабул қилишдими деб ўтирибмиз, — ҳазиллашди Тарас.

Серёжа ҳазилни тушунмади:

— Қанийди, жон дердим!.. Бобом билан Иван Иванович кетишдим — сўради Серёжа ўринга ёта туриб.

— Кетишди, — деди Ира. — Бобом ҳам, ўқитувчи ҳам. Сени эҳтиётлашни илтимос қилишди.

— Ҳазилни ўзим ҳам эҳтиётлайман, — жеркиб берди Серёжа ва эсига тушиб, дурбинни кўрсатди. — Яхшиси, манавини қараглар! Рота командири совға қилди. Немисники, офицерники. — У дурбинни Ирага узатди-да, ўзи шу ондаёқ уйқуга кетди.

Тушида траншея ва алоқа йўллари қазилиб, ўйлиб кетган дарё соҳиллини, узунасига тизилган қизил аскарлар сафини, артиллерия позицияларини, пулемёт уяларини, шуларнинг ҳаммаси устига ёпирилиб келаётган кўппакларни кўрди, кўппаклар худди «Александр Невский» кинофильмидан чиқиб келган рицарларни эслатарди. Узундан-узун найзалар, қалқонлар ва жиринг-жиринг, қийқироқ галати бир ёт марш овозлари, кўппаклар келишяпти, келишяпти, нимагадир бир метр ҳам силжишмаяпти, худди бир жойда марш қилиб туришгандек. Қўшинларимиз уларни битта ҳам ўқ узмасдан кутиб олишди. Мана кўппаклар қаторидан биттаси ажраб чиқди, у энди бир жойда депсиниб турмасдан, тез-тез қадам ташлаб юриб кетди. Серёжа уни дарҳол таниди — бу Тараснинг отаси Герасим Шульга эди. Шу пайт тўдадан Тарас отилиб чиқдию «Ўлдираман уни!» деганича отасига ташланди. Серёжа: «Ўлдира кўрма! Ўлдира кўрма!» дея бақириб юборди ва уйғониб кетди. Уй қоп-қоронги, Берёзовка ваҳимали тун оғушида эди. Узоқ-узоқлардан артиллерия гумбури, кетма-кет отилган пулемёт овозлари эшитиларди. Серёжа ўйлади: «Қим айтган эди немислар кечаси жанг қилишмайди деб?» У қулоқ солди. Дарё бўйидан одамларнинг эшитилар-эшитилмас овозлари, белкураклар, мисрангларнинг зарби қулоғига чалшди. «Демак қизил аскарлар ишни давом эттиришмоқда».

Серёжа яна уйқуга кетди, лекин узоқ ухламади. Портлаш овозидан уйғониб кетди. Ира ҳам сакраб ўрнидан турди. Улар кўчага чиқишди.

Душман Берёзовкани узоққа отадиган тўплардан ўққа тутарди. Уйлар вайрон бўлиб, ёнғин чиқарди, ҳар бир уйда қий-чув кўтарилар, бутун қишлоқ ўт алангасида ёнарди.

— Мен Тарасларникига кетдим! — деди-да, Ира уйлар орқасида кўздан ғойиб бўлди. Серёжа дарё томон физиллаб кетди. Унинг тепасидан ғувиллаб ўтган бир снаряд бўм-бўш колхоз фермасининг қоқ устига тушдию яқинда қурилган бинонинг ёғоч-тахтаси ва темир-терсаги осмонга кўтарилди, фермада ёнғин чиқди. «Яхшиям Шахов сигирларни ўрмонга яширибди» — деб қўйди ичида Серёжа. Лейтенант Темиров Серёжани кўриб қолди ва узоқдан қичқирди:

— Тез кет буёқдан! Эшитяпсанми, тез кет!

Серёжа Тарасларнинг уйи томон ташланди. Кўчага чиққан Ира билан Тарас уни кўриб, қичқириб юборишди:

— Қара! У ёққа қара!

Серёжа ўгирилиб, немислар асосан дарёнинг ўнг қирғоғига ўт ёғдираётганларини кўрди, ундаги қизил аскарлар ерга ётиб олишганди

— Фермани вайрон қилишди, — деди тўсатдан негадир Серёжа.

— Вайрон қилишга қилишгандир, бари бир моллар фронт орқасида ёки ўрмонда-ку, — деди Ира.

Портлаш овозлари сал тиниши биланоқ Ира билан Тарас Зоя Андреевнадан хабар олишга югурдилар.

Зоя Андреевна бўлса ўзидан эмас, болалардан хавотир олиб, қўриқиб, ранглари қув ўчиб ётарди. Эшикдан кириб келган Ира билан Тарасни соғ-омон кўрдию, кўнгли тинчиб, бошини шилқ эткизиб ёстиққа ташлади.

— Худога шукр, болаларим, парвардигор сизларни ўз паноҳида асрабди. Ахир, ўша лаънати босқинчиларга ҳам қараб турган бало бордир, таъзирини берар...

Тарас онасининг бағрига бошини қўйди. Эшик олдида ранги ўчиб турган Ира Зоя Андреевна билан саломлашди-да, нонушта тайёрлагани ошхонага кириб кетди.

Зоя Андреевна ўғлини эркалаб, юзларидан, пешонасидан ўпди, кафтлари билан бинтланган яраларини силади, ҳол-аҳволини суриштираркан, қўққисдан сўраб қолди:

— Серёжа қани?

— Жангчилар ичида, — жавоб берди Тарас ғурур билан.

— Қандай жангчилар?

— Жангчилар дарё бўйида истеҳкомлар қуришяпти. У ҳам ўша ерда.

— Худога шукр, — деди Зоя Андреевна чуқур хўрсиниб, — бизни ҳам қўриқлайдиган, ҳимоя қиладиган жангчилар бор экан-ку. Ўзи соғми ахир, ёки сенга ўхшаб ўқ еганми?

— Хавотир қилманг, Зоя хола, — деди эшикдан кириб, дастурхон тузаётган Ира уни юпатиб, — нонушта тайёр.

У ҳамиша гапирганида ширин табассуми юзларини ёритиб турарди. Қизнинг бу ёқимтойлиги Зоя холани мафтун этар ва у «омон бўлсам, бўй етгач Тарасга қиламан» деган фикрни кўнглининг бир учига тугиб қўйган эди.

Шу пайт қизил аскарлар душман снарядларидан зарар кўрган окопларни, артиллерия позицияларини тузатиш билан банд эдилар. Ўққа тутиш натижасида битта тўп зарарланган, уни бир чеккага судраб олиб бориб қўйишди.

— Душман ҳадемай ҳужумга ўтиши мумкин, — деди лейтенант Серёжага, улар Тихая дарёсининг тикка қирғоғига етганларида, немислар қишлоқни тасодифан ўққа тутишмади. Афтидан улар бизнинг бу ерда янги истеҳкомлар қураётганимиздан хабар топишганга ўхшайди. Лейтенантни кимдир чақирди.

— Кечир, Серёжа! — деди у кетаётиб. Лейтенантни яқиндаги окоплардан бирида телефонга чақиришган эди. Серёжа Темировнинг трубкага «Есть! Есть! Худди шундай!» деганини эшитиб турарди. Ниҳоят лейтенант окопдан чиқди.

— Ўртоқ Есенин, балки уйингга борарсан?

Серёжа командирнинг ҳазил аралаш «ўртоқ Есенин» деганидан руҳландию, «Балки уйингга борарсан» деганидан ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима учун?

— Ҳайрон бўлма, Серёжа, — деди Темиров, — қисмларимиз янги қулай марраларга жойлашиб олдилар. Фашистлар бўлса бу марралар Берёзовкада деб ўйлаб, Берёзовкани ўққа тутдилар. Эндиги ҳужум жангга тайёр турган катта қисмларимизга эмас, балки Берёзовкага бўлади. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ командир.

— Тушунган бўлсанг, уйга марш!

Серёжа бир зум ерга тикилиб қолди, «бу нима, ишончсизликми?» деган фикр кўнглидан ўтди, лейтенантнинг кўзига тик қараб сўради.

— Ишончингизни қозониш учун нима қилай, ўртоқ лейтенант?

Темиров боланинг кўнгли ич-ичидан ўксиганлигини сездиди-да, вазиятни юмшатиш мақсадида жавоб берди:

— Ўртоқ Есенин! Қонли жанг пайтида бирор фалокат юз берса нима бўлади? Ахир, ҳали ёшсан-ку?

— Сиз қариб қолгансизми?!

— Мен солдатман!

— Мен пионерман, ўртоқ лейтенант.

— Пионерлар қасам ичгани йўқ, ўртоқ Есенин!

— Бўйнимизга таққан қизил галстугимиз сиз ичган қасам билан барабар.

— Офарин, ўртоқ Есенин! Мақсадинг нима?

— Мақсадим фронтга ёрдам қилиш, дадамга ёрдам қилиш, ёнин-гизда жанговар сафда бўлиш. Ахир энди мен отишни биламан-ку! Ўзин-гиз ўргатгансиз!

— Ёш бола бўлсанг ҳам, — командир унга жилмайиб, анча юмша-ди, — сендай пионерга ишонмай бўладими, майли, ёнимда қол. Окопга бор. Ҳозир айтаман, сенга милтиқ беришади. Лекин шартим бор, жанг пайтида буйруқсиз окопдан чиқмайсан.

— Есть, ўртоқ лейтенант! Буйруқсиз окопдан чиқмайман!

Шу-шу Серёжа олдинги маррада қолди.

Лейтенант окопга тушиб, алоқа йўлларидан қаёққадир шошилар-кан, қизил аскарлардан бирига буйруқ берди:

— Соколов, бу болага милтиқ бер!

Қун нотинч кутиш билан ўтди. Ҳаво дим, иссиқ тинкани қуритарди. Қизил аскарлар галма-гал дам олишарди.

Кеч кириб, қуёш қўшни Игнатовка қишлоғи томон ботиб борган пайтда ўрмондан гуруҳ-гуруҳ ва якка ҳолда чекинаётган жангчилари-миз — қизил аскарлар ва командирлар чиқа бошлашди. Қўплари яра-дор эди.

— Қишлоқда медсанбат ёки госпиталь борми? — сўрашарди улар. Қишлоқда на медсанбат, на госпиталь бор эди. Серёжа уларга тушун-тирди:

— Бор эди, кетиб қолган, қайси томонга кетганини айтолмайман.

Ярадорлар мудофаадаги қизил аскарлар билан ёнма-ён окопларга жойлашиб олишди. Улар олдинги марралардаги аҳвол ҳақида суҳбат-лашар эдилар.

— Немис ёпирилиб келяпти!

— Қўп талафот кўраяпмиз.

— Полкимиздан иккита рота қолди, улар ҳам тўла эмас.

— Жангчиларимиз охириги томчи қонигача қаттиқ қаршилиқ кўр-сатишяпти.

Тун бир қадар тинч ўтди. Лекин тонг отар-отмас немис қўшинла-рининг олдинги қисми ўрмондан очиқ далага чиқиб, Берёзовкага олиб келадиган йўлдан шиддат билан ёпирилиб кела бошлади. Машина ва мотоциклларнинг чироғлари тонг қоронғилигида илондек ўрмалаб ке-ларди. Босқинчилар бир ҳамла билан Берёзовкани ишғол қилиб, сўнг-ра сал наридаги темир йўл станциясига чиқмоқчи эди. Улар катта йўл-дан дарёга яқинлашиб қолсалар ҳам, ўт очишга буйруқ берилмаган эди. Душманнинг ҳар бир қадами тўпчиларимиз, пулемётчиларимиз ва танкка қарши ўт очувчиларнинг қаттиқ назорати остида эди.

Сал-пал тонг ёришди. Тап-тап этиб қодам ташлаётган ҳисобсиз фа-шист солдатлари ҳам, гумбир-гумбир қилиб келаётган танк ва бронет-транспортёрлар, мотоцикллар ҳам энди бемалол кўрина бошлади. Ко-лоннанинг олдинги қисми колхоз фермасига яқинлашганда, телефонда ўтирган навбатчи лейтенантга трубкани тутди. Лейтенант телефонда бе-рилган буйруққа бир оғиз сўз билан «Есть!» деб жавоб қилдию, дарҳол пулемётчиларга «Огонь!» деб буйруқ берди. Пулемётлар бир меъёрда сайрай кетди. Худди шу пайтда тўпларимиздан ўқ узилди, танкларга қарши ўқ отувчилар қизгин ишга киришиб кетдилар. Тўплардан отил-ган снарядлар кўзланган жойга тушиб портлар, душманнинг солдат-ларини ҳам, техникасини ҳам қийратар эди. Тонг ёриши билан ўт ичда ёнаётган танклар, тўплар, бронетранспортёрлар кўзга яққол кўринарди.

Айниқса, пулемётлардан ёғилиб турган ўқ очиқ даладаги йўлдан келаётган немис-фашистларни қийратарди. Чиндан ҳам ўқ тиним билмай, ёмғирдай ёғарди. Атрофда бирор пана жой тополмаган немислар ер бағирлаб ётардилар. Серёжа ертўла-окопдан очиқ далада ер тишлаб ётган солдатларни ҳам, ёнаётган танклар, транспортёрлар, мотоцикл ва машиналарни ҳам кўриб, ич-ичидан қувонарди.

Кутилмаганда осмонда фашист самолётлари пайдо бўлди. Самолётлар жанг майдони устидан пастлаб учиб, аскарларимиз ўрнашган жойларни бомбардирмон қила бошлади. Ўнг қирғоқдаги ҳамма нарса хирмондай совурилди, фақат дарахтларнинг шилинган таналари тиккайиб турарди. Узоққа отадиган тўплар ҳам қирғоқдаги жангчиларимизни нишонга олиб ота бошлади. Кўп талафот берилди. Бироқ азамат жангчиларимиз душманга қақшатқич зарба беришни тобора кучайтирарди, жанг тобора қизиб борарди.

— Огонь! — команда берди Темиров.

Серёжа ҳам икки марта ўқ узди, лекин тахминлаб отди, немислар анча узоқда эди. Тўпларимиз, танкка қарши отадиган милтиқларимиз, пулемётларимиз ўқ ёғдиранди.

Душман майдон бўйлаб тўзғиб кетди. Катта йўлда ҳаракат анча сусайиб қолди. Бронетранспортёрлар ва танклар ўрмалаб йўлдан чеккага чиқардилар. Мотоциклчилар бесаранжом нари-бери югуришиб қолишди.

Серёжа яна бир марта ўқ узди. Назарида ундан юз метрча нарида чопиб кетаётган немис ағдарилиб тушди. Сал нарироқда икки немис ўтирган мотоцикл кўринди. Серёжа уни нишонга ола бошлади. Лекин нима сабабдандир қўллари титрар, нишон титрарди. Ниҳоят у ўқ узди ва мотоцикл бирдан тўхтаб, ён томонга оға бошлади. Мотоциклдан йиқилиб тушган немислар автоматларидан ўт очишди.

Немисларнинг артиллерияси ўрмон ёқасидан Берёзовкани ўққа тутишди.

— Қани, ёндаги окопга, пулемётчилар олдига югур! — қичқирди лейтенант Серёжага. — Кўп талафот кўришди. Ёрдам қил!

Серёжа қўшни окопга ташланди. Биринчи пулемётга етиб олдию бирдан ҳамма овозлар аллақаяёққа йўқолиб, ҳаммаёқни зимзиё қоронғилик босди.

У ағдарилиб тушди.

— Яхшиямки осколка суякка тегмаган, ёмон бўларди, — деди сочлари мош-гуруч оқарган, паст бўйли, тўладан келган ўрта ёшлардаги ҳамшира. — Буёғидан қўрқма, ҳаммаси жойида бўлади.

— Мен қаердаман? — тушунолмасди Серёжа.

— Жим ёт, уйдасан, — деди ҳамширанинг орқасида турган Ира.

— Қандай қилиб уйга келиб қолдим?

— Қандай бўлмасин келибсан-да, уёғини ўйлама, — деди ҳамшира. — Сонингдан яраланибсан, хавфли эмас, осколкани олдим. Бир икки-кунда тузалиб кетасан. Энди мен борай. Отишмалар тобора зўрайяпти, ярадорлар ҳам кўндир. Вазият оғир, эҳтиёт бўлинглар, — деди-да, санитар сумкасини қўлига олди, хайрлашиб чиқиб кетди.

Ира нима бўлганини Серёжага айтиб берди. У жанг вақтида қизил аскарларга сув олиб берганида лейтенантни кўриб қолибди. «Есенинларнинг уйи қаерда?» деб сўрабди у, «эхтимол Есинлардир», — дебди Ира. «Есинлар бўлса, Есинлардир, бари бир эмасми? Узинг ким бўласан?» деб сўрабди лейтенант. «Мен ҳам Есиноман», дебди Ира. «Еси-на бўлсанг мен билан юр», дебди лейтенант. Ира билан лейтенант дарё қирғоғига тушиб, кичкина бир ертўлага киришибди. Ўша жойда Ира плашпалаткада ётган Серёжани кўрибди. «Ҳамшира сизларни кузатиб боради, ярасини ҳам боғлайди. Бу ердан тез кетинглар, бирон кор-қол бўлмасдан...» дебди лейтенант. Ира билан ҳамшира Серёжани уйга олиб келишибди.

— Шунча вақт ҳушимга келмадимми?

— Йўғе! Аксинча! Нуқул сўкинабердинг,— уни овути Ира.
 — Қизиқ. Ҳеч нарсани эслолмайман.
 Дераза орқасида Тарас кўринди.
 — Кирсам майлими?
 Тарас кириши билан Серёжа буёқда қолиб, Ирага юзланди.
 — Серёжага нима бўлди?
 Ира ҳаммасини айтиб берди.
 — Тарасик, — деди Серёжа бошини кўтариб, — энди иккаламизнинг ҳам танамизда фашистлар отган ўқнинг изи бор.
 Тарас дарҳол унинг каравотига энгашди:
 — Демак, фашистлар ўқидан сенга ҳам, менга ҳам насиб қилибди-да.
 — Бу уларга қимматга тушади, — деди тетик оҳангда Серёжа. — Зоя холамнинг соғлиқлари қандай?
 — Ёмон, жуда ёмон, дори-дармонлар ҳам наф бермаяпти, — деди маъюслик билан Тарас.
 — Ҳарҳолда онангни яхши врачга кўрсатиш керак,— деди Ира.
 — Ҳозир яхши врачни қаёқдан топасан?
 — Ҳа-я.
 Тарас Серёжанинг ёнига ўтирди.
 — Немисларни ўз кўзинг билан кўрдингми?
 — Кўрдим. Жуда кўп. Биласанми, назаримда биттасини ўлдирдим ҳам шекилли...
 — Ростми! Зўр-ку!
 — Аммо қандай ярадор бўлганимни сира эслолмаяпман.
 Серёжа ярадор бўлганидан ич-ичидан хурсанд ҳам бўларди. Ҳарҳолда у ҳақиқий жаңгда қатнашиб ярадор бўлди-да. Яраси бўлса, ҳамшира айтгандек, хавфли эмас, тезда тузалиб кетади.
 — Қўлинг қалай?
 — Ҳозирча яхши эмас, — иқроор бўлди Тарас. — Кўтариш қийин. Букиш ҳам.
 — Сен, оғайни, қўлингни машқ қилдир, зўрма-зўраки машқ қилдир. Оғриқ берса ҳам, бари бир машқ қилавер... Биласанми, сув солинган пақирни кўтариб машқ қилиб кўр-чи... Олдинига ярмидан кам сув солинган пақирни кўтаравер, кўтаравер, кейин ярим пақир... Сўнгра тўла қилиб кўтар. Ҳар куни машқ қилавер, мана мени айтди дерсан, қўлинг ишлаб кетади.
 — Ҳозир, сизларникида машқ қилиб кўрсам майлими? — сўради Тарас.— Пақир қаерда?
 Ирина ошхонадан пақир олиб келди.
 — Мен қудуқдан сув олиб келай, — деди Тарас.
 Узоқ қолиб кетди. Хомуш кириб келди.
 — Нима, бўлмаяптими?— сўради Серёжа.
 — Йўқ, бўлаяпти, ҳатто оғримаяпти ҳам. Бошқа нарса...
 — Нима бўлди?
 — Немислар ҳужум бошлашди. Қўшинларимиз чекиниб, дарёнинг бу қирғоғига ўтиб олишди.
 — Юр, кўрамиз, — деди Серёжа.
 — Туришинг мумкин эмас-ку,— деди Ира.
 — Нега мумкин эмас? Бўлмаган гап! Ўзимни жуда яхши сезаяпман, — Серёжа каравотдан сакраб тушди ва оёғини полга босди.
 — Оғрияптими?
 — Асло!— деди Серёжа тетиклик билан. Аслида эса оғриқдан кўзлари тиниб кетганди.
 Остонадан ҳатлаб ташқари чиқишди. Бу ердан дарё қирғоғининг катта бир қисми яққол кўриниб турарди. Гоҳ уёқдан, гоҳ буёқдан отиш-малар, снарядларнинг портлаши, пулемётлардан кетма-кет отилган ўқ овозлари эшитилиб турарди. Осмонни қоп-қора тутун қоплаб олгандек эди.

— Мен оймнинг олдига борай, — деди бўшашибгина Тарас.

— Бизлар ҳам борамиз, — деди Ира унинг ёнига ўтиб.

— Менам... — дудуқланди Серёжа.

— Сенга мумкин эмас-ку, майли юриб кўр-чи, — деди Ира. —

Эҳтимол, менга район марказига бориб келиш зарур бўлиб қолар, Тарас билан икковинг Зоя Андреевнанинг олдида бўлиб турарсизлар.

Улар кириб келишганда Зоя Андреевна нафаси бўғилиб, энтикиб ётарди. Лабларигача кўкариб кетганди.

— Мен ғизиллаб касалхонага бориб келай, — деди Ира. — Бу аҳволда врачсиз бўлмайди... — у дарҳол уйдан чиқиб кетди.

Тарас Зоя Андреевнанинг бошини сал баландроқ кўтариб, ўнгайроқ қилиб ётқизди. Кейин сут ичирди. Бемор сал енгил тортгандек бўлди. Лекин кўп ўтмай яна йўтал бошланди, яна нафаси бўғилди. Касалнинг хуружи яна такрорланди. Шундай хуружлардан бирида у чуқур энтикиб, бошини ўнг томонга ташлади-да, ҳушидан кетди. Тарас беихтиёр додлаб юборди.

— Нашатир борми? — сўради Серёжа.

— Қаердадир бор эди. Ҳозир...

Ниҳоят Тарас нашатирни топди. Серёжа тиқинини очиб, шишачани Зоя холанинг юзига тутди. Унинг қовоқлари сал титраб кетди, сўнгра огир ва астагина нафас олиб, кўзларини очди.

— Раҳмат, ўғлим!

Ира уч соатлардан кейингина қайтиб келди ва шилқ этиб стулга ўтираркан, умидсизларча деди:

— Ҳаммаси тамом, кеч қолибмиз. Касалхона эвакуация қилинаёпти. Врачлар ҳам, ҳамширалар ҳам беморлар билан бирга араваларга тушиш билан банд. Юракларига қил сиғадиган эмас...

— Бўлмагани ҳам яхши, — деди секингина Зоя Андреевна. — Ҳеч касалхонага боргим йўқ.

Хайриятки, кечасига бориб унинг аҳволи анча тузук бўлиб қолди.

— Худога шукр, — деб қўйди у. Эрталабдан бери биринчи марта овқат егиси келиб қолди.

— Кўчага қаранглар! — бирдан қичқариб юборди Серёжа. — Бу нима ўзи?

Учаласи ҳам югуриб кўчага чиқиб кетишди. Уй олдидан бошларини қуйи солган қизил аскарлар, уларнинг орқасидан тўплар ортилган иккита юк машинаси ва аравалар ўтиб борарди.

— Қаёққа? — деди Серёжа йўлга тушиб.

Қизил аскарлар чурқ этмасдан қадам ташлаб боришарди, ҳеч ким жавоб бермади.

— Лейтенант Темиров қаерда? — қичқирди Серёжа. — Ким биларди, қаерда лейтенант?

Яна ҳеч ким жавоб бермади. Серёжа солдатлар кетаётган йўл бўйлаб югурди:

— Темиров! Уртоқ Темиров! Уртоқ!..

— Лейтенант йўқ бу ерда. Қидирма, — деди кимдир. — Командиримиз ярадор. Медсанбатга юборишди.

— Медсанбат қаерда?

— Ким биларди дейсан ҳозир медсанбат қаердалигини. Ҳамшира уни аравада олиб кетди.

Тунни ҳаммалари бедор ўтказишди. Қисмларимиз Берёзовка қишлоғидан чекиниб, Сухая дарёсидан то район марказигача чўзилган, далани кесиб ўтадиган чуқур жар бўйлаб мудофаа маррасини эгаллаб олганларидан Серёжа ҳам, Ира ҳам, Тарас ҳам беҳабар эдилар.

— Немислар қаерда? — сўради Серёжа ёши анчага бориб қолган аравакашдан.

— Ҳозирча нариги қирғоқда, — тушунтирди аравакаш, — лекин эрталаб бу ерга келиб қолишса керак...

Эрталаб қишлоқ жимиб қолди. Кўчада қимир этган жон йўқ эди.

— Эҳтимол, немислар мадад кутишаётгандир?— деди ўзича Серёжа. Ира ҳам, Тарас ҳам унинг тахминига ҳеч нима дейишмади. Зоя Андреевна ҳам чурқ этмади. Саҳарга бориб унинг кўзи илинганди.

Немислар қишлоққа эрталаб соат тўққизда кириб келишди. Болалар ташқаридан немис тилида гаплашаётган ёқимсиз овозларни эшитдилар. Ҳамма нарсани туман қоплагандек эди. Қишлоқ кўчалари немис кўшинлари билан лиқ тўлиб кетган. Устидан брезент тортилган обозлар, машиналар, танклар, мотоцикллар галаси, артиллерия қуроллари, ҳар хил калибрли тўплар, от-аравалар... булар ҳаммаси катта йўл, унинг ён-вериларига, қишлоқ кўчаларига, майдон ва чорраҳаларга шу қадар бетартиб жойлашган ва тикилиб кетган эдики, булар ҳаммаси тун қоронғисиди, бир кечанинг ўзиди бўлганига ақл бовар қилмасди.

Берёзовкани ваҳимали жимлик чулғаб олганди. Пешинларда қишлоққа душманнинг янги қисмлари кела бошлади. Уларнинг охири кўринмасди. Серёжа билан Ира уйларига кетишга журъат этолмай, Тарасларникида қолиб кетишди. Кечқурунга бориб Берёзовкага танк батальони етиб келди.

Қишлоқни чулғаб олган ваҳимали жимжитлик Серёжага сира тинчлик бермасди. Шу йўсинда бир кун ўтди, иккинчи кун ўтди, мана учинчи кун ҳам ўтиб борарди. Бирдан Тарасларнинг уйи олдига коляскали мотоцикл келиб тўхтади.

Болалар деразага ташланишди.

— Наҳотки?.. — дея олди холос Тарас.

— Нима? — тушунолмади Серёжа.

— Қара... — даҳшат ва кутилмаган ҳолдан Тараснинг нафаси ичига тушиб кетди.

Мотоциклдан бўйнига автомат таққан немис, коляскадан эса қўлида тугунча кўтарган граждан кийимидаги бир киши тушди. Уларнинг олдига икки офицер келди. Ҳаммалари нималарнидир гаплашиб қолишди.

Тарас онасига ташланди:

— У ерда...

Эшик очилиб уйга Герасим Шульга кириб келди:

— Салом! Кутмаган эдиларингми?

Орага оғир сукунат чўкди.

— Ё келишимдан хурсанд эмасмисизлар? — деди ранжиб Шульга.

— Бизлар борайлик, — деди биринчи бўлиб Серёжа. — Ира... — У сал оқсоқланиб уйдан чиқиб кетди. Кетидан Ира ҳам чиқди.

— Хўш, қанақасан? — совуққина сўради Герасим, Зоя Андреевнанинг каравотига яқинлашиб. — Тирикмисан ҳали?

— Мана ётибман, — секингина шивирлади Зоя Андреевна. — Сен бутунлай қайтиб келдингми? Муддатинг тамом бўлмаган эди шекилли.

— Совет қонунларига кўра тамом бўлмаган, немис қонунларига кўра айни пайти, — деди у заҳархандалик билан.

Герасим беш йил турмада ўтириб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди. Қарилик нуқси ўриб, қалин соқоли оппоқ оқарган, юзлари бурушиб, пешоналарини ажин босган эди.

Эндигина унинг кўзи ўғлига тушди:

— Катта бўлиб қолибсан...

— Тарасик, бу ёққа кел жоним, бу отанг, Герасим бўлади, — ўғлини чақирди Зоя Андреевна нимжон кўзларини зўрға очиб. У ғамгин кўшиб қўйди:— Немислар уни оғир ярадор қилишди...

Герасим унинг сўнгги сўзларига эътибор бермади.

— Турмайсанми?— деди у хотинига.

— Туролмайман, — иқрор бўлди Зоя Андреевна.

— Уғлим, сен отанг билан саломлашмадинг ҳам-а? — қовоғини солиб, таъна қилди Герасим Тарасга.— Упиб-кучоқлашга арзимадимми, шунча турмада ётганимда ҳам бирон марта мenden хабар олмадинг-а.

— Салом!— деди зўрға Тарас.

— Бу болалар ким эди?

— Қўшнимизнинг болалари. Эсингда йўқми? — деди Зоя Андреевна.

— Қайси қўшни?

— Есиннинг. Оталари фронтда. Анна Владимировнани бўлса немислар бомба ташлаб ўлдиришди.

— Сергей билан Ирками?

— Ушалар... Менга қилган яхшиликлари учун мен улардан ўла-ўлгунимча миннатдорман.

— Миннатдор бўлавер ўша лаънатиладан!— жаҳл билан деди Герасим.— Бу, Совет ҳокимиятидан миннатдор бўлиш билан бир.

— Совет ҳокимияти сенга нима ёмонлик қилди? — ғазабланди Тарас.

— Жим тур, менга ақл ўргатишга ҳали ёшлик қиласан!..

Герасим қўшнисини кўргани кўзи йўқ эди. Есиннинг кўп ишларини сира-сира кечиролмасди. Шульганинг район матлубот жамиятидаги ножўя ишларини биринчи бўлиб фош қилган ўша Есин эди. Шульга ҳақида райкомга Шахов билан биргаликда ахборот берган, Герасимнинг иши билан прокуратура шуғулланишига сабабчи бўлган ўша Есин эди. Судда гувоҳ сифатида унга қарши чиққан ўша Есин билан Шахов эди. Бошқа гувоҳлар ҳам қатнашган бўлса-да, асосий гувоҳлар Есин билан Шахов эди. Ундан олдин, район матлубот жамиятигача Шаховнинг қатъий талаби билан Шульга колхоз аъзолигидан чиқарилганда биринчи бўлиб шу таклифни қувватлаб овоз берган Есин эди. Шунисига чидолмасди Шульга, шуниси алам қиларди. Ҳозир ҳам Есин номини эшитди-ю, қишлоқдан чиқиб кетиши вақтида юз берган жанжални эслади.

...Колхознинг умумий мажлиси давом қиларди. Мажлисида колхоз ишига чиқмай ҳамини савдогарчилик қилиб юрган, маст-аласт ҳолда безорилик қилиб, тўғри келган кишини ҳақоратлаган, ундан иш талаб қилган бригадирга пичоқ олиб югурган Герасим Шульгани колхоз аъзолигидан чиқариш масаласи кўриларди. Унинг ножўя ишлари тўғрисида кўпгина колхозчилар ғазаб билан сўзладилар. Шулар қаторида колхознинг бош агрономи ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Есин ҳам сўзга чиқади. У сўзини бошлашдан олдин Шульгага: «Отанг ким бўлган?» деб савол беради. Шульга бўлса унга хўмрайиб: «Отанинг кимлигини билсанг айтавер», деб зарда билан жавоб қайтарганди. Шундан кейин Есин мажлис аҳлига Шульганинг отаси қулоқ қилинганини, совет тузумига қарши курашганини, қишлоқ совети раисини бўғизлаб ўлдирганини, суд қилиниб, олий жазога ҳукм этилганини гапириб беради ва Шульгага қараб: «Сен ҳам отангнинг изидан бораяпсан», дейди. Нафратланган, ғазабга тўлган халқ бир оғиздан «колхоздан ҳайдалсин», деб талаб қилади. Мажлисга раислик қилувчи Шахов клубда кўтарилган шовқин-суронни босиб, охириги сўзни Шульгага беради. У бўлса ўрнидан ҳам турмай, ўтирган жойида: «Колхозсиз ҳам куним ўтади», деб тўнғиллаганича мажлисдан чиқиб кетади. Шу-шу бўладию, Герасим дом-дараксиз йўқолади. Орадан бир неча йил ўтгач у район матлубот жамиятининг мол сақлайдиган омборига шофер бўлиб ишга киради ва тўрт ой ўтмасданоқ ўғирланган мол билан қўлга тушиб, қамалиб кетади.

Кечаси Зоя Андреевнанинг аҳволи яна оғирлашди. Тарас биринчи бўлиб уйғонди ва онасининг олдига югурди. Герасим қаттиқ ухларди. Тарас уни ёрдамга чақирмоқчи бўлганида зарда билан сўкиб берди.

Уч кун ўтгач Герасимни уйга келган фашист қаёққадир чақириб олиб кетди. Герасим кўп ўтмай ширакайф, шод-хуррам ҳолда, ихчам кийиниб уйга қайтди, енгига оқ боғич тақиб олган эди.

...Тарас бошини қуйи солиб, саросимага тушган ҳолда Есинларни-кига кириб келди.

— Тинчликми? — сўради Серёжа.

— Биласизларми... Дадамни... Биласизларми, дадамни староста қилиб тайинлашибди. Уни турмадан бўшатган ҳам немислар экан.

— Энди нима бўлади?

— Билмадим, — Тарас ғужанак бўлиб олган, бутун вужуди қалт-қалт титради.

VII

Партизан отрядининг командири Федотов келтирган муҳим ахборотлар билан танишарди.

Сентябрнинг бошларида қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтишлари керак эди. Ставкининг режасига кўра Ғарбий фронт Смоленскнинг шимоли - ғарбий томонида актив ҳаракат бошлаб, шу райондаги душман группасини тор-мор қилиши ва Резерв фронти қўшинлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, саккизинчи сентябрда Велиж-Демидов-Смоленск линиясига чиқишлари лозим эди. Резерв фронтга Осташков-Селизарово-Олснине-Днепр дарёси — Спас-Деминск-Киров маррасида истеҳкомлар қуришни тўхтатмаган ҳолда, чап ён томондаги икки армия билан биргаликда ҳужумга ўтиш, душманнинг Ельня группасини тор-мор этиш, Ельняни озод қилиб, Починек ва Рославльга қараб ҳужумни давом эттириш ҳақида буйруқ берилди. Брянск фронти иккинчи сентябрда ҳужумга ўтиши, Печен-Сураж районида душман группасини яқсон қилиб, Петровичи-Осмоловичи-Белая Дубрава-Гута-Корецкая маррасига чиқиши лозим. Шу вазифаларнинг ҳаммасини бажариш Ғарбий фронтда вазиятни ўзгартириши ва Марказий фронтда душманнинг ҳужумини барбод қилиши керак эди.

Худди шу пайтда партизанлар душманга орқа томондан бир неча жойда қақшатқич зарба беришлари лозим эди. Шахов группа комиссарларини ертўласига чақириб, ўз фикрларини баён этишларини илтимос қилди. Биринчи бўлиб Иван Иванович сўз олди:

— Ўртоқлар, гарчанд ёш бўлмасам ҳам, шундай таклиф киритмоқчиман. Маълумки, немислар хаш-паш дегунча район марказини ишғол қилдилар, энди у ерда истеҳкомлар қурмоқдалар. Бу табиий, чунки унда темир йўл станцияси, тош йўллар ва тош терилмаган йўллар тугашади. Агар...

Район маркази Дурасово деган ғалати ном билан аталарди. Ғалати ном бўлса ҳам, аммо унинг тарихини билганлар бу номни ҳурмат билан тилга олишарди.

Утган асрнинг бошларида Дурасово ўрнида қандайдир помещчикка қарашли ер-мулклар ва қишлоқ бўлган. Ҳозирда қишлоқнинг номини ҳам, ер-мулклар хўжайинининг номини ҳам ҳеч ким эсламайди. Фақат шуни билишадикки, у қаттиққўл, ғаразғўй киши бўлган, ўзига қарашли крепостнойларни раҳмсиз равишда эксплуатация қилган. Ниҳоят крепостнойлар исёп кўтаришган. Бу қўзғолонга Дурасов деган ёш деҳқон бошчилик қилган. Крепостнойлар помещчикнинг, унинг қариндошлари ва яқин кишиларининг жазосини берганлар, иш бошқарувчиларини қириб ташлаб, ер-мулкларини ўз қўлларига олганлар. Помещчик ўрнига Дурасовни ўтқизганлар. У уч ҳафтадан кўпроқ вақт давомида, то чор қўшинлари келиб, қўзғолонни бостирганларигача қишлоққа ҳокимлик қилган. Қўзғолон кўтарган деҳқонларнинг бошиги нима бўлгани маълум эмас, лекин бу жойни ўша вақтдан бошлаб Дурасово деб аташадиган бўлишибди.

Шаховга Иван Ивановичнинг фикри маъқул тушди:

— Ҳақиқатан ҳам немислар ҳали Дурасовода мустаҳкам ўрнашиб олганларича йўқ. Бу — бир томони. Масаланинг иккинчи муҳим томони шундаки, Дурасовога ўрмонлар орқали ўтиб бориш мумкин. Бу ҳам аҳамиятга эга. Ниҳоят, биз у ерда гарнизонни тор-мор қилишгана эмас, станциядаги эшелонларни ва юрадиган ҳамма составни ер билан яқсон қилишимиз мумкин.

— Айт-чи, Иван Иванович, бу операцияга неча киши керак бўлади? — сўради Константин Петрович.

— Назаримда эллик кишидан кам эмас.

— Бу кўп. Бутун отрядимизда ҳозирча икки юз киши. Бир эмас, биратўла бир неча операция ўтказишимиз керак.

— Кам бўлса қийинроқ бўлади. Бу ёқда станция ҳам бор, — ўз айтганида туриб олди Иван Иванович.

Бир фикрга келиб, қирқ киши ажратишга қарор қилишди.

Яна икки операциянинг планини ишлаб чиқишди. Бири Берёзовкага олиб борадиган катта йўлда ўтказиладиган операция. Бу йўлда душманнинг қўшинлари ва техникаси бетўхтов қатнаб турарди. Иккинчи операцияни Игнатовка қишлоғида ўтказиш мўлжал қилинди. Бу ерда немислар ҳарбий асирлар учун лагерь ташкил этишган эди.

Учала операцияни бир кунда — биринчи сентябрда ўтказишга қарор қилинди. Дурасоводаги операцияга суворийлар группасини юборишадиган бўлишди. Иван Иванович Дурасово операциясида шахсан ўзи қатнашиш истагини билдирди.

— Ҳарҳолда мен отлиқ аскар бўлганман, бу менга мос иш,— деди у.

Шахов Иван Ивановичнинг раъйини қайтаришга уринди:

— Ахир, яраиғ тузалмаган-ку, ҳали.

— Тузалганми, тузалмаганми бари бир бораман. Операция планини ўзим ўйлаб топдимми, демак бу худди менбоп иш,— деди кекса ўқитувчи.

Биринчи сентябрь саҳар пайтида қирқ отлиқдан иборат группа ўрмонлар оша район маркази гомон йўл олди. Дурасовогача йигирма беш километрдан мўлроқ эди. Дастлабки ўн беш километр тинч ўтди. Лекин ўн олтинчи километрда кутилмаган ҳолрўй берди: ўрмонни кесиб ўтадиган тош терилмаган йўлдан немисларнинг отлиқ обози ўтаётганди. Ҳамма маълумотларга кўра бу йўл одамсиз бўлиши керак эди.

Партизанлар отларидан тушиб, ерга ётиб олдилар. Иван Иванович ўтаётган обозларни санай бошлади: ўттиз арава, қирқ арава, обознинг охири кўринмасди. Биратўла обозга ҳам ҳужум қилиш фикридан қайтишга тўғри келди. Обозни мотоцикллар ва танкеткалар қўриқлар, уларнинг бири обознинг бошида, иккинчиси охирида борарди. Кўриниб турибдики, обоз Дурасовога кетяпти. Шу сабабдан партизанлар маршрутни ўзгартиришга мажбур бўлдилар.

— Обоз ўтишини бир-икки соат кутиб турганимиз маъқулмикин? — таклиф қилди Иван Иванович группа командири Мешковга.

— Вақт бекор кетади,— эътироз билдиришга уринди Мешков.

— Бошимиз кетгандан кўра, вақтимиз кетгани яхшими, дейман. Нима дейсан?

— Майли,сизнинг тажрибангизга тан бердим,— истар-истамас рози бўлди командир.

— Бошқа вариант ҳам бор,— деди Иван Иванович.— Сал чапга қараб юрсак-чи. Шуниси ҳам борки, уёқ ботқоқлик, ундай деса ҳозир қуриб қолган бўлиши ҳам керак. Малковога чиқиб, Загорьега ўтиб олсак, уёғига яна ўрмонлар орқали юриш мумкин. У ердан Дурасово жуда яқин.

— Бордию Малковода ва Загорьеда немисларнинг гарнизонлари жойлашган бўлса-чи?

— Разведка қилиш мумкин.

— Бунга вақт кетади-да.

— Ҳар қалай, хавф-хатардан олисроқ бўлганимиз яхшидир? Ахир, бу йўл ўрмонлар оша тўппа-тўғри Дурасовога олиб боради-ку.

Партизанлар ўрмон ичкарасига кириб, атрофи қалин малина бутазори билан ўралган катта ялангликка жойлашиб олишди. Немис обозларини кузатиб туриш учун икки жангчини йўл ёқасида қолдиришди. Бир соат ўтди, бир ярим соат ўтди. Бирдан йўлда яна қандайдир овозни эшитишди.

— Бориб кўрай-чи,— деди группа командири. Кўп ўтмай ҳаяжонланган ҳолда қайтиб келди.

— Қани тезликда уч киши мен билан юрсин!

Талабгорлар кўп чиқдию командир фақат уч кишини танлаб олди.

— Қани, тезроқ бўлинглар! Ҳар эҳтимолга қарши гранаталарни ҳам тахт қилиб қўйинглар.

Ҳаммалари диққат билан йўл томонга қулоқ солишарди. Ниҳоят кучсиз отишма, портлаш овозлари эшитилиб, дарҳол жимиб қолди. Партизанлар ўлжа билан қайтиб келишди.

— Буни қаранглар! Иккита офицер, деншчик, шофер ва бир даста ҳужжатлар.

Группа командири иккита планшеткадан хариталар ва қоғозлар чиқариб, деди:

— У ерда ҳали машина ҳам бор, уни ўрмонга олиб кириб қўйиш керак. Қайтишда олиб кетамиз. Яп-янги «Мерседес-бенц» кунимизга яраб қолади.

Кўп ўтмай улар яна йўлга тушишди, пешинда Дурасовога етиб келишди. Район маркази атрофида, партизанлар турган ўрмон томонда ҳеч ким йўқ эди.

— Ҳужум яшин тезлигида бўлиши керак! — уқтирди ўртоқларига Мешков.— Токи фрицлар эс-ҳушини йиғиб олишга улгуролмасин. Бир группа — марказга. Иккинчи группа — станцияга. Шишаси борлар ҳаммаси станцияга.

Мешков Иван Ивановични иккинчи группага раҳбар қилиб тайинлади.

— Сизга станция топширилади,— деди у.

Мешковнинг командаси билан партизанлар ўрмондан отилиб чиқишди ва қишлоқ томон елдек югуриб кетишди.

Қишлоққа кираверишдаги биринчи уйдан саросимага тушган учта қуролсиз немис чопиб чиқди. Уларни дарҳол ер тишлатишди. Фақат марказий кўчадагина душман партизанларга қаршилиқ кўрсатди — бир уйнинг муйилишидан иккита қўл пулемёти ўт очди. Мешков ўша муйилишга граната ташлаган эди, пулемётлар дарҳол жимиб қолди.

Майдонда, немислар комендатурасининг икки томонида, пулемёт ўрнатилган иккита хандақ ва иккита енгил тўп ўрнатилган эди. Лекин партизанлар уларнинг қаршилигини анча тез бартараф қилдилар.

— Қани, станцияга! — қичқирди командир Иван Ивановичга.

Иван Иванович ўз группасини бошлаб, шитоб билан ўнг томондаги тераклар ўтқазилган кўчага кириб кетди. Станция майдонга яқин эди. Иван Иванович станцияга ҳужум қилиш осон бўлмаслигини дарҳол тушунди: вокзал биноси олдидаги майдонда у юздан ортиқ немисни кўрди.

Партизанлар ўт очган ҳолда майдонга ёприлиб кириб, шитоб билан платформага ва темир йўл изларига ташландилар.

Станцияда бензин цистерналари состави тиркалган паровоз бурқиратиб тутун чиқариб турарди, сал нарида товар-пассажир состави кўринди. Цистерналар ва вагонларга гранаталар ва ёнилғи солинган шишалар отилди, паровозга даста қилиб боғланган учта граната ташланди. Эс-ҳушини йўқотган немислар станцияда автоматлардан кетмакет отилган ўқ ёмғири остида йиқила-тура уёқдан-буёққа югуришардилар. Беш минут ҳам ўтмасдан ҳаммаси жимиб қолди. Иккала состав ҳам бурқсаб ёнарди.

— Орқага! Орқага, ўртоқлар! — қичқирди Иван Иванович. Қишлоқдан якка-якка отишма ва портлаш овозлари эшитиларди, афтидан Мешков группаси ҳам ўз ишини охирига етказётганди. Иван Иванович партизанларни станциядан тўғри далага, у ердан эса ўрмонга олиб чиқди. Мешковнинг партизанлари ҳам шу ерда эди.

— Талафотингиз қанча! — сўради Мешков.— Бизда уч киши ҳалок бўлди, икки киши енгил ярадор.

— Бизда ҳалок бўлганлар йўқ,— Иван Иванович ўз партизанларига бир-бир кўз югуртириб чиқди.— Ярадорлар ҳам йўқ. Буни қаранг, ажойиб-ғаройиб ишлар-а!

— Афсуски, ҳалок бўлганларнинг жасадини олиб кетишга улгур-

мадик,— деди алам, изтироб билан Мешков.— Петровчиков, Кудасов, Солоницин... Уларнинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади!

Икки соат ўтар-ўтмас улар лагерга етиб келишди. Кечқурунга бориб бошқа группалар ҳам топшириқни бажариб қайтишди.

— Бу сизга, Константин Петрович, биздан совға,— ҳазиллашди Мешков.— Буниси калити, буниси — машинанинг ўзи. Энди парад қабул қилсангиз ҳам бўлади!

— Сендан жуда хурсандман, дўстим,— деди Миша бобо Иван Ивановичга,— Ҳавасим келади! Мени бўлса топшириққа юборишмайди. Партизан устахонасидан чиқмай қурол-аслаҳаларни ремонт қилиб ўтирганим-ўтирган!..

10 сентябрда Шаҳов партизанларни йиғиб митинг ўтказди.

— Биринчи сентябрь куни биз анчагина иш бажардик,— деди у.— Сизларга яширин партия райкоми ва Қизил Армия қўмондонлиги номидан ташаккур эълон қиламан. Энди фронтдан олинган хабарларни эшитинглар: 16-армия Вось дарёсини жанг билан кечиб ўтган, Духовщина районида душманга қақшатқич зарба берган. Душман катта талафот кўрган: 130 га яқин танки, 100 дан ортиқ автомашинаси, жуда кўп ўқ-дорилари, кўплаб қуролли кучларини йўқотган. 24-армия Ельня районида душманининг қаршилигини синдириб, уни ғарб томонга улоқтириб ташлаган. Ельня устида яна совет қизил байроғи ўрнатилган. Ғарбий фронт қўшинлари Великие Лукидан то Мозирьгача бўлган катта фронтда немис-фашист босқинчиларини ўз кучларини бўлиб-бўлиб юборишга мажбур этилган. Рогачево, Жлобин, Ярцево районидаги Қизил Армия гитлерчиларга катта талафот етказган.

Қизил Армиянинг сентябрь бошларидаги қарши ҳужуми душман учун сира қутилмаган зарба бўлди.

VIII

Отасининг қўққисдан қишлоққа кириб келиши Тараснинг бошига осмон ўйилиб тушгандай бўлди. Келганда ҳам қандай келди денг, ўз қишлоғи, киндик қони тўкилган, ўсиб-улғайган, уйли-жойли, болачақали бўлган она қишлоғига таъзим қилиб, салом берибмас, душман бўлиб, жонажон юргимизга бостириб кирган йиртқич фашистларнинг ювиндихўри бўлиб, амалдори бўлиб, староста сифатида кириб келди. Ана шунисига чидолмасди Тарас. Бу ҳол бемор хотини учун ҳам, бўй чўзиб, ақлини таниб қолган ўғли учун ҳам ор-номус, шармандалик эди. Энди қишлоқ аҳолиси уларни «сотқиннинг хотини, сотқиннинг ўғли» деб аташади ва ҳар бирининг босган қадамига, ҳар бирининг оғзидан чиққан сўзига шубҳа билан қарайди. Тарас-чи? Энди Тарас ким? У қишлоқдаги ўртоқларига ҳам, айниқса, ўзи учун ардоқли бўлган Серёжа билан Ирага ҳам қайси юз билан қарайди? Тарас энди кўчага ҳам чиқолмай қолди. Таниш-билишлар билан юзма-юз бўлишдан қўрқарди. Мана, бир ҳафтадан бери Серёжа билан ҳам, Ира билан ҳам кўришгани йўқ. Айниқса, севимли дўсти, онасининг паноҳгоҳи Иранинг «Энди сен кимсан, Тарасик?», деб таъна билан айтадиган сўзлари унинг қулоғи остида муттасил эшитилиб турарди. Ахир, бу саволни ўртоқлари ҳам, барча таниш-билишлари ҳам бериши мумкин. Бундай сўроқда нима деб жавоб берсин? Оғриқ азобини чекаётган онасининг олдида ўтириб, даҳшатли ўй-хаёлга чўмарди ва ҳар замонда ўтин сақланадиган саройга кириб, пиқ-пиқ йиғлаб оларди. Унсиз, беҳол ётган онаси бир куни «Бу қандай қисмат, бу қандай мусибат», дея чуқур уҳ тортиб шундай нолиш қилдики, бу сўзлар Тараснинг юрагига ханжар бўлиб қадалди. Отасидан қанчалик нафратланса, онасига шунчалик раҳми келарди.

Нима қилишини билмай, ўй-хаёл қоронғилигига шўнғиб кетган Тарас қўққисдан Иван Ивановичнинг «Ота учун бола жавобгар эмас», деган сўзларини эслади. Қани энди, Иван Иванович қишлоқда бўлса-ю, Тарас унга юрагига кечаётган тугённи, бошига тушган мусибатларни айтиб, маслаҳат сўраса. «У ҳам Миша бобо билан тил бирикти-

риб, партизанларга қўшилиб кетган. Қаёқдан топиб бўларди. Бари бир, мен сотқиннинг ўғлиман,— деди у ўкинч ва алам билан саройда кўз ёшлари юзларини ювиб ўтираркан.— Уруш пайтида сотқиннинг жазоси битта — ўлим!» у хўрлиги келиб, ўпкаси тўлиб, яна йиғлади. Шу пайтда ичкаридан отасининг қўпол овози эшитилди:

— Тарас... Ҳимм... Тарас дейман!

Тарас кўз ёшларини артиб, чопиб чиқди, отасига яқинлашди. Герасим шапкасини бурнининг устига тушириб кийиб, кўча эшик томонга йўл олди. Кетатуриб, ўғлига буйруқ маъносиди деди:

— Ҳимм... Онангни пастки хонага кўчир, уйни йиғиштир. Кечқурун олий мартабали меҳмонлар келади.

Тарас отасининг совуққонлик билан қилган буйруғи ўзи учун хўрлик, онаси учун ҳақорат ва зулм бўлса ҳам оғзини очолмай, ёғочдай қотиб қолди. У нима қилишини билмай, бир нафас хаёл суриб турдида, Серёжанинг олдига чиқди ва ор-номус азобида ундан маслаҳат сўрамоқчи бўлди.

Серёжа ҳам, Ира ҳам уни совуққина кутиб олишди, юзига ҳам қарашмади, Серёжа қўлидаги журнални варақлаш билан овора, Ира қандайдир йиртиқ-ямоқ билан банд бўлди. Орага ўзаро шубҳа аралаш жимлик чўкди.

-- Балким бекор келгандирман? — дудуқланди Тарас.

— Нимаси бекор, ўтир,— тўнғиллади бошини кўтармасдан Серёжа.

— Маслаҳатлашмоқчи эдим...

— Нимани?

Серёжанинг қалбини турли-туман шубҳалар тимдаларди. Уртоғи Тарасни қанчалар яхши кўрса-да, унга қанчалар суяниб қолган бўлса-да, Герасимнинг қайтиб келиши, староста бўлиб тайинланиши Серёжани ўртоғидан тобора узоқлаштирарди. Нимаси биландир ёқмай ҳам қолган эди унга. Бир чеккаси «Сен сотқиннинг ўғлисан», деб уни нафрат билан кўкрагидан итаришни ўзига эп кўрмасди, «Тарас айбдор эмас-ку»,— дерди ўзига-ўзи. Гап фақат ундагина эмас. Немиснинг ишончли вакили Шульганинг ўғли Тарасга муносабатини ўзгартирса, Герасим ҳукмрон бўлган қишлоқда ўзининг, сингисининг тақдири не кечади? Шульганинг қўлидан ҳамма нарса келади. Уларни коммунистнинг болалари, партизаннинг неваралари деб отишдан ҳам, осишдан ҳам тоймайди.

Иккинчидан, Тарас билан юзаки бўлса ҳам илиқ муносабатни давом қилдириб, шу билан старостанинг ва староста орқали немис қўмондонлигининг планларини билиб туриш ҳам фойдали.

Серёжа узоқ ўйлади. Миясига келган икки фикрни қайта-қайта синчиклаб таққослади.

— Кечқурун дадамнинг олдига олий мартабали меҳмонлар келади. Овқатларига бирон нарса солиб, жонларини жаҳаннамга юборсам-микин?

— Эсингни еб қўйибсан! — деб юборди Серёжа.

— Нега? — Гушунмади Тарас.— Биратўла дадамдан ҳам қасдимни олардим.

— Ўзингнинг ҳам бошияг кетади, бошқаларнинг ҳам бошига етасан,— бу фикрга қатъиян қўшилмади Серёжа.— Ҳақиқий ватанпарварнинг иши эмас бу! Сабр-тоқат, дадиллик, қолаверса ҳийла ҳам керак. Бирон ишни бошлашдан олдин ҳамма нарсани ўйлаб-чамалаб кўриш зарур.

— Менимча, Тарас, Серёжа ҳақ,— акасини қувватлади Ира.— Эҳтимол баъзи нарсаларга ақлим етмаётгандир-у, аммо, менимча, ишимиз учун отангдан фойдаланиш керак.

— Қандоқ?

— Бу ёғини ўйлаб кўриш керак,— мужмал жавоб берди Серёжа.— Ҳозирча шундоқ қиламиз. Сен онангни пастки хонага кўчирасан, бегона одамлардан узоқроқ бўлгани яхши. Стол тузатиб, отанг билан меҳмонларни кутиб оласан. Ира сенга ёрдам беради.

— Мен-а? — жаҳли чиқди Иранинг.
— Ҳа, сен тортишма, қаршилик қилма,— сўзида давом этди Серёжа.— Кечқурун меҳмонлар ким эканини, ўртада қандай гаплар бўлганини билиш керак. Буларнинг ҳаммаси яраб қолиши мумкин.
— Йўғ-е?— ишонқирамай, лекин хурсанд бўлиб сўради Тарас.
— Ишончим комил! — деди Серёжа.— Гап тамом, ишга кириша-вер.

Тарас ўрнидан туриб, уйига шошилди.

— Кетингдан мен ҳам ётиб бораман,— деди Ира.

Отаси уйда йўқ эди. Тарас онасини безовта қилгиси келмади, ҳозирча унга ҳеч нарса демади.

Ниҳоят, отаси кириб келди:

— Ҳимм. Бу нима гап? Нега айтганимни қилмадинг?

— Ойимга раҳмим келаяпти,— деди Тарас.— Ахир, қандай кўнглингиз бўлади. У оғир касал ётибди-ку.

— Кўз ёши қилишингни қара-я,— кулиб юборди отаси.— Ким сени эр-йигит дейди.— «Ҳозир бажарасан» дегандек ўкрайди Герасим.

Тарас ноилж бошини эгиб пастки хонани ҳозирлашга кетди. Ҳаммасини тайёрлаб, онаси олдига келди.

— Ойижон, сизни пастки хонага кўчирай, у ер холироқ, тинчроқ... Хуллас, дадамдан нарироқ.

— Майли, болам, кўчириш зарур бўлса...

— Зарур, ойижон, зарур...

У ёстиқни, кўрпани, чойшабни пастки хонага олиб тушди, жой солди, сўнгра онасини турғизишга ёрдамлашди.

— Секин, секин!

— Хавотир олма, ўғлим, тузукман, анча дурустман...

Ҳаммасини тугатгач Тарас бўшаб қолган хонани супириб-сидириб йиғиштирди, столни хонанинг ўртасига суриб, атрофига стуллар, курсиларни қатор қилиб қўйди.

Ира кириб келди:

— Қани, нима қилиш керак, айт.

— Ҳозир дадам келади, ўзи айтади, ҳозирча сен билан стол тузаймиз.

— Меҳмонлар кимлар экан, билдингми? — сўради Ира.

— Йўқ ҳозирча. Улгурмадим. Яна ўйлаб қолдим...

— Тентак экансан! — жаҳли чиқди Иранинг.

Ира ичиди ўйларди: «Агар Тарас меҳмонлар кимлигини билганида эди, Василий амаки билан маслаҳатлашиб олиш мумкин бўларди. У қанақа маълумотлар муҳимлигини айтиб берарди...»

— Уша олий мартабали меҳмонлар фашистлар бўлса-чи? — сўради Тарас.

— Жуда соз! — деди Ира.— Наҳотки, тушунмаяпсан?

Улар стол ясатишди, ликопчалар, стаканлар, рюмкалар қўйишди, қудуқдан икки пақир сув олиб келишди.

Кеч кираяпти. Ёзнинг жазирама иссиғи алақачон ўтиб кетган. Сентябрьнинг ўрталари. Кечалари анча салқин ва зах. Тез-тез майда-лаб, жонга тегадиган ёмғир ёғиб туради.

Соат етти бўлмасдан отаси ёшгина ва силлиққина, сартарошга ўхшаган бир аёлни бошлаб кириб келди. Ҳамма иш ўзи айтганича таппатайёр қилиб қўйилганини кўриб, қувонди.

— Ҳаммаси тайёрми? Жуда соз! Офарин! Энди боринглар, ўйнанглар. Мария билан биз... Мария холаиғ овқат пиширади.

Герасим Мария билан район матлубот жамиятида ишлай бошлаган кезлариданоқ яқин алоқада эди.

... Район матлубот жамияти омборининг мудир Прохоровнинг биттаю-битта арзандаси Маша ҳусн-жамолда тенгқурларидан ажралиб турарди. Билмаганлар уни Прохоровнинг қизи деса ишонмасди. Чунки отасининг бесўнақай гавдаси, бадбашара, ҳамиша сўлғин, сап-сарик

юзларига, милклари қизариб юрадиган кўзларига ҳеч қаери ўхшамасди. Маша онасига тортган эди. Қўғирчоқники сингари кулча юзлари ҳамиша ёниб турадиган оҳу кўзларига қўшилиб, чақнаб турарди. Бўйи етиб ҳали мактабни тамомламаган кезларидаёқ турли хил кўйлак кийиб, товланиб, йигитларнинг ҳаловатини бузадиган бўлиб қолди. Мария етти синфни тугатиб, сартарошхонада ишлай бошлаган кезларда Герасим омбор атрофида гирдикапалак бўла бошлаган эди. Албатта, у ўзини бўйдоқ кўрсатиб, қизга муҳаббат изҳор этди. Ишга жойлашиб олгач, отаси билан яхши тил топишди. Ҳеч кими йўқлигини айтиб, ичкуёв қилса, бир умр унга ўғиллик қилажагини изҳор этди. Кейинчалик Герасим Машаларникида ётиб қоладиган ҳам бўлди. Маша росмана унинг ниқоҳсиз хотини бўлиб яшар, шунга кўникиб ҳам қолганди. Шу кезларда ичкиликка берилиб кетган Прохоров ё қизи билан Герасим ўртасидаги муносабатни билиб-билмасликка оларди, ё ўзининг моддий жиҳатдан батамом Герасимга қарамлигини ўйларди. У омбордаги молларни Шульгага етказиб берар, Герасим эса уни чайқовчиларга ошириб пуллар, Прохоровнинг чўнтагига ўздан-ўзи пул оқиб келарди. Бироқ бу узоққа бормади. Сал ўтмай Герасим қўлга тушди. Маша афтидан унинг айбсизлигига, қамоқдан чиқишига ишонар ва отаси берган овқатларни унга олиб борарди. Тергов Прохоровни четлаб ўтди, Герасим унинг сирини очиб бермаганидан миннатдор эди.

Немислар Шульгани турмадан озод қилганларида у Берёзовкага, ўз уйига эмас, тўғри Прохоровларникига келиб тушган эди. Прохоров ҳам, ўзини анча олдириб қўйган қизи ҳам Герасимни меҳрибончилик билан кутиб олишди.

Герасим Берёзовкага староста қилиб тайинлангунгача бир ҳафта уларникида яшаган эди.

Тарас отасига бўлган ғазабидан сира қўли ишга бормасди. Наҳотки, одам шунчалик бераҳм, бешафқат бўлса, ахир, отаси бемор онасининг олдига киришни, ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутса-я? Бу хўрлик ва ҳақорат етмагандек, Марияни етақлаб келибди. Тарас жўрттага отаси билан Марияга кўрсатиб, Зоя Андреевнанинг ёнига кетди. Ира кўчага чиқди.

— Ким келди, ўғлим? — сўради Зоя Андреевна.

— Дадам билан қанақадир... — Тарас нима дейишини билмасди.

— Аёлми? — онаси унча ажабланмади.

— Аёл шекилли...

— Ўзим ҳам ўйлагандим. Шунинг учун ҳам у мени бу ёққа кўчирибди-да. Кўздан нарироқ...

— Безовта бўлманг, ойижон! — илтижо қилди Тарас.

— Безовта бўлаётганим йўқ. Тарасик, тинчман, — у дастрўмоли билан юзларини артди. — Бор, айланиб кел, Ирочка уёқдаку?..

— У...

— Шу қиз менга жуда ёқиб қолди-да, барака топкур, — деди Зоя Андреевна, — келишган, эпчил, меҳнатсевар.

Тарас қўшни хонанинг эшигини очган эди, диванда Марияни қучоқлаб ўтирган отасига кўзи тушди.

— Ҳимм... Ҳали ҳам шу ердამисан? — жаҳл билан қичқирди у ўрнидан сапчиб туриб.

Тарас лип этиб кўчага чиқиб кетди.

Берёзовка қишлоғига кеч салқин тушди. Қоп-қора булутлар осмонни қоплади. Фарбдан қандайдир изғирин келарди. Қишлоқ аста-секин ўрмалаб келаётган қоронғилик оғушида сукунат сақларди.

Ўйдан тотимли таом ҳиди димоғга урарди.

— Нима тайёрлашаяпти? — сўради Тарас.

— Менимча қовурилган чўчқа боласининг ҳиди келаяпти, — деди Ира. — Ё менга шундоқ туйилаяптими?

— Эҳтимол, чўчқа боласидир, — деди эътиборсизгина Тарас.

Ира жим қолди. У ниманидир ўйларди.

— Биласанми, Тарас, мен бир жойга бориб келаман. Узоқ эмас.

Кейин учрашамиз. Хўпми? Лекин меҳмонлар ҳақида ҳамма нарсани билиб ол...

--- Хўп, бўлади,— деди Тарас,

Ира югурганича уйга кириб кетди.

— Серёжа!— қичқирди у остонаданоқ.— Зарур иш чиқиб қолди!

— Қанақа иш? — Серёжа эшик олдида турарди.

--- Юр, Федотовнинг олдига бориб, маслаҳатлашайлик. Шульганикига эътиборли меҳмонлар келадиган, лекин кимлигини билмаймиз, балким бирон нарсани аниқлаш зарурдир, деймиз. Биз ҳаммасини Тарасдан билиб олардик...

— Гапингда жон бор,— маъқуллади Серёжа.— Юр, кетдик!

Федотовникига кетаётиб улар йўлда ҳадеб машиналар ва аравалар ёнида ивирсиб юрган немисларга дуч кела беришди. Ниҳоят Василий амакининг уйга етиб олишди. Эшикни тақиллатишди. Ҳеч ким жавоб бермади, тортиб кўришди, эшик берк эди.

— Тушунмадим,— Серёжа ҳайратда қолиб, Ирага қаради.

— Юр, Мартиновникига борамиз,— таклиф қилди Ира.— Эсингдами шофер, Василий амакиникида учратган эдик. У уйда бўлиши керак. Яқинда хотинининг кўзи ёриган...

— Юр...

Мартинов қўшни ҳовлида яшарди. Эшикни ўзи очди.

— Тинчликми? — деб сўради-да,— Василийдан хавотир олманглар,— деди у гап нимадалигини билгач.— Икки кунлардан кейин қайтиб келади. Герасимнинг меҳмонлари ҳақида билиб олишни тўғри ўйлабсизлар, офарин! Албатта, у ерда нима гаплар бўлишини билиб олиш зарур. Агар келган меҳмонлар немис бўлса, уларнинг қайфиятлари қанақалигини билиб олинглар. Ўзларингдан қолар гап йўқ, кейинги вақтларда Қизил Армия ўхшатиб уларнинг таъзирини берди. Назаримда, Федотов ҳам сизлардан шуларни илтимос қилган бўларди.

Серёжа билан Ира қайтиб кетишди.

— Сен уйга боравер,— деди Ира ўз кўчаларига етганда.— Мен Тараснинг олдига борай. Хўпми?

— Ҳа, ҳозирча у ерда менинг керагим йўқ,— маъқуллади Серёжа.

Ира югурганича Тарасларникига кириб кетди. Меҳмонлар ҳали келмаган экан, Тарас остонада турарди.

— Келишгани йўқми?

Қоронғу тушганда кўча эшик олдига қора машина келиб тўхтади. Ундан жуда шинам кийинган икки киши чиқди. Уларнинг бири жан-дармерия бошлиғи, оберлейтенант Клаус бўлса, иккинчиси жазо отрядининг бошлиғи Эберт эди. Эшик олдида уларни Шульга иззат-ҳурмат билан кутиб олди.

Аллақаёқдан илгариги немис тили ўқитувчиси, ҳозирда полицей бўлиб ишлаётган Кудимов пайдо бўлди. Меҳмонларга таъзим қилиб, немис тилида нималарнидир гапирди.

«Мактабда мунақа хушомадгўйлигини кўрмагандим,— хаёлидан ўтказди Ира.— Савлат билан, кибор юарди. Энди бинойидек лаганбардор бўлибди-қўйибди... Кўриб нафратинг қайнайди, киши!

Герасим Кудимовга машинада ўтирган ефрейторни кўрсатиб имлади-ю, ўзи меҳмонлар билан бирга уйга кириб кетди.

Меҳмонлар ўлгудай қоринлари оч қолиб келишган экан, ўтиришлари қамона, дарҳол стол тўла овқатга ёпирилишди. Уларнинг шу пайтдаги қиёфаси ўлаксага ташланган қузғунларни эслатарди. Герасим ярим литрлик шишадан олдин ўзига, сўнгра меҳмонларга арақ қўйди. Биринчи қадаҳни Фюрернинг енгилмас армияси учун ичдилар. Сўнгра Фюрер қўшинларининг Шарқий фронтдаги ғалабаси учун ичилди. Герасимнинг буйруғи билан шу бугун сўйилган чўчқа боласининг гўшти тамом бўлгунча, улар бир-бирларининг соғлиғи учун ичдилар.

Герасим хушомад қилиб, немисларга яхши кўринишга уринарди. Бир неча рюмка ичишганларидан кейин у патефон қўйди.

— Бўлмайди, буниси бўлмайди! — таржима қилди Кудимов жан-дармерия бошлиғи, оберлейтенант Клауснинг сўзларини ва физиллаб кўчага чиқиб кетди. Бир минут ўтмасдан машинадаги пластинкаларни кўтариб кириб келди. Клаус билан жазо отрядининг бошлиғи Эберт патефонга ўзлари янги пластинкалар қўйдилар. Немис марши оҳанглари янграб кетди. Меҳмонлар столни бир чеккага суриб қўйишиб, танца бошлашди. Баланд бўйли, ориқ, юзлари буришган, истараси совуқ Клаус Марияни танцага таклиф қилди:

— Битте, фрау!

Паст бўйли, кўзойнаги бурнигача тушган Эберт ҳаёсиз кўзларини танца қилаётганлардан ўзмасди. Герасим билан Кудимов бўлса бепарво, нималар ҳақидадир суҳбатлашарди.

Бир пластинкани айлантириб қўйишди, иккинчисини айлантириб қўйишди, Клаус бўлса ҳамон Мария билан танца қиларди. Унинг қулоғига нималардир шивирларди. Шунда Тарас Клауснинг рус тилини билишини пайқаб қолди.

Афтидан у одатдаги тартибга риоя қилиш юзасидангина Кудимовни таржимон қилиб олиб юрарди.

— Ҳимм... жаноб Клаус — менинг халоскорим! Ўз қўлингиз билан мени турмадан чиқардингиз, староста қилиб катта ишонч билдирдингиз. Сизнинг соғлигингизга ичман. Ўла-ўлгунимча...

— Яхши-яхши,— сал дудуқланиб унинг сўзини бўлди оберлейтенант.— Ичамиз!

Мария стол устига торт келтириб қўйди ва қайнаб турган самовардан ҳаммага чой қўйиб узатаркан:

— Қани, жаноблар, олинглар, ўз қўлим билан пиширдим, марҳамат, жаноблар,— деди ноз билан кўзларини сузиб, Клаус унинг чиройли қўлларидан ўпиб, тортни ея бошлади. Оз ўтмай каттакон тортдан ушоқ ҳам қолмади. Клаус хонани бир кўздан кечириб олди-да, Шульгага буйруқ қилди:

— Эртадан бошлаб... Тишш... тишш...— Худди саҳарда атрофга аланглаб тумшуғи билан гўнг титаётган қарғадек шивирлаган овоз билан махфий топшириқни уқтирарди: — келишиб қўйганимиздек қишлоқдаги барча коммунистлар, яҳудийлар, барча активларнинг рўйхатини тузинг. Бу ишда ишончли одамлардан фойдаланинг. Биламан, кўпларини ўзингиз ҳам биласиз. Ҳарҳолда...

— Фюрернинг буйруғи асосида,— деди кайф аралаш Эберт кўзларини очиб-юмиб, Клауснинг сўзларини ошкора давом қилдириб,— ҳаммаларини жаҳаннамга жўнатамиз.

— Ҳимм. Тушундим, жоним билан,— ҳовлиқиб ишонтирди Герасим.— Ҳаммаси жойида бўлади!

— Қани,— таклиф қилди Клаус,— охирига яна биттадан кўтарайлик!

Ҳаммалари рюмкаларини тўлдиришди, уриштиришди.

Меҳмонлар маст-аласт, тургиниб-сургиниб ўринларидан туришди. Кийиниб, ўзларига оро бериб, кетишга отланишаркан, эшик олдида Марияни галма-гал қайта-қайта ўпиб, ташқарига чиқишди. Герасим уларни кўчада икки букилиб турган ҳолда машинага чиқариб қўйди, анчагача орқаларидан қараб қолди.

Тарас ҳам кўчага чиқди.

— Ҳмм... Қаерда эдинг? — жиддий оҳангда сўради отаси.

— Ойимнинг олдида...


Шульга уйга кириб кетди, Тарас бўлса кўчада қолди, Ирани пойладди.

— Хўш, нима гап?

Тарас эшитганларини айтиб берди.

— Яшавор! Бу жуда зарур гаплар!

* Ира югурганича уйга кириб, Серёжани бошлаб чиқди, улар биргалашиб Мартиновникига кетишди. Уйга ярим кечада қайтиб келишди.



Шу кечаси улар деярли мижжа қоқмай чиқишди. Соат учда Ира билан Серёжа олис сафар тарадудини кўра бошлашди. Тўғри, энди бу йўл уларга яхши ганиш эди.

Мартинов ҳақ, албатта. Дарҳол Шахов отрядига бориб, Тарасдан билиб олган ҳамма гапни айтиб бериш зарур. Мартиновнинг айтишича, Федотов ҳам, яширин партия райкомининг секретари Колосов ҳам ўша ерда.

Барвақт бўлишига қарамай, қишлоқда немислар изғиб юришарди. Гарчанд Берёзовкада ҳозирча улар ўзларини осойишта, ёвузликлар қилмаётгандек тутсалар ҳам, вазоҳатларида итнинг ҳаракатини эслатадиган нимадир сезилиб турарди — ирғиб, қўлга тушириш учун мўлжалланган ўлжага ташланиш олдидан ҳаммаёқни искаб диққат билан кўздан кечиришаётгандек, вазиятни ўрганишаётгандек эди...

Ҳозир ҳам немислар Ира билан Серёжани тўхтатмаган, қаёққа боришларини суриштирмаган бўлсалар-да, уларни диққат билан кузатиб қолишди.

Қишлоқдан чиққанларидан кейин улар ўзларини анча хотиржам сездилар. Катта йўлдан ҳар замонда битта-яримта машинаю, анча ёшга бориб қолган, кителлари эскириб кетган аравакашлар ҳайдаб бораётган араваларгина учраб турарди.

Мартинов уларга янги пароль берганди: «Осечка», жавоби «Биринчи эмас».

Катта йўлдан ўтиб, ўрмонга чиқишди. Биринчи марта ўрмонга ҳам уруш нуқси урганини кўришди. Дарахтларнинг кўпини снарядлар ағдариб ташлаган, таналарида снаряд парчалари ва ўқ излари, ҳар қадамда бомба ёки тўп ўқи тушган жойлардаги чуқурлар, портлашлар натижасида ағдар-тўнтар бўлиб кетган ерлар кўзга ташланарди.

«Уруш дастидан ўрмоннинг ҳам ҳоли хароб бўлибди» кўнглидан ўтказди Ира.

— Тараснинг отаси староста бўлгани бир ҳисобда яхши ҳам...

— Эҳтимол...

Ўрмон ичи зах ва совуқ эди. Оёқ остидаги ҳўл барглардан қабатма-қабат бўлиб кетган, намиққан ўргимчак инининг толаси ҳадеб юзларга ёпишади. Ўрмон меваларининг палласи ўтиб бўлган, аммо қўзиқорин беҳисоб. Ҳозир Серёжа ҳам Ира ҳам уларга аҳамият беришмасди. Олдиларида, буталар орасида ниманингдир шарпаси кўриниб кетди.

— Қара!

Боалар таққа тўхтаб қолишди.

— Бўри эмасми?— чўчиб тушди Ира. Бирдан акиллаган, сўнгра фингшинган овоз эшитилди.

— Ит-ку, бу — қувониб кетди Серёжа.— Қани, кўрайлик-чи!

Улар тоғтеракзор ёнида ўсган бир туп ёнғоқ дарахти тагига боришди, қуриб қолган шохларни икки томонга ёриб, ҳайрон бўлишди.

— Вой, сени қара-е! Қандай қилиб буёққа келиб қолдинг, ўзинг?

Барг тўшама устида тўқ сариқ рангли ит, ёнида учта боласи билан уймалашиб ётарди.

— Овқат берсак яхши бўларди-ю, нимани берамиз? — Ира Серёжага қаради.

— Ёнимизда ҳеч нарса йўқ-ку,— деди Серёжа қўлларини икки томонга ёзиб.

— Биласанми,— деди Ира,— уйга қайтаётганимизда овқатлантирамиз. Тўрт соатлардан кейин қайтамиз-ку. Отряддан бирон нарса сўраб олармиз, ахир.

— Шундай қилишга тўғри келади,— Серёжа энгашиб итни эркалаб силади: — Сабр қил, озгина сабр қил. Тезда сенга овқат олиб келамиз...

Улар яна йўлга тушишди, ит бўлса уларнинг кетидан маъюс қараб қолгандек бўлди.

— Шеър ўқиб берайми? — деди Серёжа эсига тушиб.

— Уқи.

— Мана, эшит:

**Оқшом чўкар, меҳмонхонада
Кампир тўқиб ўлтирар пайпоқ.
Пахмоқ укпар ёстиқ ёнида,
Оёғида кучук ҳам пахмоқ.**

**Кампир юмшоқ ёстиққа сингиб
Тўқир эди, гоҳ мудрар эди.
Бир пайт унинг кўзи илиниб
Калаваси юмалаб кетди —**

**Ва кучукка тегди бехосдан,
Кучукча «ванг» этиб юборди.
Чўчиб тушган кампир билмасдан
Пахмоқвойни тепиб юборди.**

**Пахмоқвой ҳам вангиллаб қочиб
Деразага ўзини урди.
Кампир дод дер: «Дарчани очиб
Солдат менинг хонамга кирди!**

**Ёрдам беринг, ёрдам беринг оҳ!
Халос этинг молу жонимни».
«Одамларни чақир — деб — тезроқ!»
Тепиб ҳайдар хонадан мени.**

**Йиғилади халойиқ:— «Ким!» «Ким!»
«Нима бўлди!» «Нима фалокат!»**

**Фарёд қилар кампир: «Кучугим!»
Олиб қочди уни бир солдат!
Воҳ кучугим, эвоҳ, кучугим!
Олиб қочди уни бир солдат!**

— Қизиқ экан-а,— деди Ира кулимсираб.

— Бу — Толстой.

— «Петр Биринчи»ни ёзган Толстойми?

— Йўқ, Алексей Константинович, Шоир ва драматург.

— Бари бир қизиқ.

Шу пайт уларни кимдир чақириб қолди.

— Осечка,— деди Серёжа.

— Биринчиси эмас. Ўтавер!— жавоб қилишди унга.

Икки юз метрча ўтгач, бу овоз яна такрорланди. Қўп ўтмай улар партизанлар лагерига кириб келишди. Шахов банд, у оперативка ўтказибган экан. Кутиб туришга тўғри келди.

Ертўладан Федотов ва кўзойнакли яна бир киши билан Константин Петрович чиқди.

— Мана бизнинг ёш қаҳрамонларимиз,— деди Шахов болаларни нотаниш киши олдига бошлаб.

— Улар ҳақида эшитганман,— деди нотаниш киши.— Есиннинг болалари худди шундоқ бўлишлари керак ҳам.

— Бу Колосов, райком секретари,— тушунтирди Шахов.— Хўш, қанақа шошилинич иш билан келдиларинг?

Серёжа гапира кетди. Унинг сўзини ҳеч ким бўлмади, фақат Константин Петрович «хўш», «хўш» деб такрорларди...

— Диққатга сазовор гаплар,— деди Федотов Серёжа сўзини тутатгач.— Биринчидан, биз Берёзовкада жандармерия ва жазо отряди жойлашганини билишимиз муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан эса, Шульганинг рўйхатига кирган одамларни қутқозишимиз лозим.

— Шошилинич равишда, болалар билан бирга қишлоққа қайти-

шинг керак деб ўйлайман,— деди Шахов Федотовга. — Яна, Василий, Шульганинг рўйхатини қандай қилиб қўлга киритишни ўйлаб кўр? Балки сизлар ёрдам берарсизлар? — у болаларга юзланди.

— Ҳаракат қиламиз,— ишонтирди Серёжа.— Эҳтимол, Тараснинг ўзини ишга солармиз...

— Бўлмаса тезгина тамадди қилиб олинглар-да, йўлга отланинглар,— деди Шахов.— Қани, менинг ертўламга марҳамат.

Улар бошқа, кичик ертўлага тушишди. Ертўлада чоққина ёғоч стол ва бурчакда пичан устига ўрин тўшаб қўйилган эди:

— Бобомиз тинчмилар?— сўради Серёжа.— Иван Иванович яхшимилар?

— Бобонгизни ҳозир чақирамиз. Лекин Иван Ивановични бориб кўриш керак. Ҳеч парсадан ҳеч нарса йўқ, тўсатдан безгак бўлиб қолди,— тушунтирди Шахов ва кимгадир буюрди:— Есинни бу ёққа чақиринглар!

Бир неча минут ўтмасдан, ертўлага Миша бобо кириб келди. У ёшариб кетгандай кўринарди, ихчамгина кийинган, брезент этак тутиб олган эди.

— Ё пирим-е, — Миша бобо қўлларини ёзиб Серёжа билан Ирани қучоқлаб олди.

— Невараларингнинг иши беш,— тантанавор оҳангда деди Константин Петрович.— Иккинчи жанговар топшириқни бажаришди. Айтгандай иккинчигина эмас, учинчи.

— Ораларингда фақат мен топшириқсизман, холос,— нолиди Миша бобо.

— Хафа бўлма, ҳали ҳаммаси олдинда.

Болалар овқатланиб бўлгач, боболари билан санитария ертўласига кетишди. Бу ертўла анча кенг бўлиб, икки қатор сўри ўрнатилган эди. Сўриларда ярадорлар, тўрдаги бурчакда эса Иван Иванович ётарди.

— Мана, азизим, ўқувчиларингни бошлаб келдим. Уларни қаҳрамон дейишяпти! — деди Миша бобо.

Иван Иванович ўзини олдириб қўйган, ранглари заъфарон эди.

— Болажонларим...— қучоқлаб олди у болаларни.

Ҳаш-паш дегунча вақт ўтиб кетди, тезда болаларни олиб кетгани Федотов келди.

— Вақт бўлди!...— деди у. Федотов елкасидан ўтказиб немис автоматни тақиб олган эди. Серёжа билан Ира уни биринчи марта қўлида қурол билан кўришлари. Федотов уларнинг таажжубланганликларини тушунди:

— Фақат йўлга тақиб олдим. Уйда қуролсиз юраман. Ўзларинг биласизлар, қурол билан юришим мумкин эмас.

Улар таниш ёлғизоёқ йўлга чиққанларида, Серёжа ниманидир эслаб, таққа тўхтади.

— Нима бўлди, бирон нарсанг эсингдан чиқдимми?— сўради Федотов.

— Ҳа...

Серёжа ит тўғрисида қандай гап бошлашни билмасди. Ира иккаласини енгилтак деб ўйлашидан чўчирди. Ира жонига ора кирди.

— Василят амаки, биз ўрмонда болали бир итни учратдик, оч ётибди. Овқатлантириш керак эди. Эҳтимол, шу ердан бирон нарса олиб кетармиз?...

— Бу жиддий иш, албатта,— ҳазиллашди Федотов.— Бирон йўлини топармиз. Қани, ошхонага борайлик-чи!...

Х

Ҳар эҳтимолга қарши улар лагерга борганларини Тарасга билдиришмади.

— Нафратланаман ундан! Юзига қаролмайман!— иқроп бўлди

Тарас Серёжа билан Ирага.— Ойимнинг кўз олдида ўша сартарош аёл билан... Бу нима деган гап-а. Ҳайвондан баттар-а. Уни кўришим билан титрайман, қўлим беихтиёр муштга айланади, бўғиб ташлагим келади.

— Ўзингни бос! — насиҳатомуз деди Серёжа.— Шошилиш ярмайди. Отаннинг ҳали бизга фойдаси тегиб қолиши мумкин. Тушундингми? Эсингдами сен рўйхат ҳақида гапирган эдинг.

— Эсимда, хўш, нима гап? У ҳали рўйхатни тузганича йўқ.

— Қаёқдан биласан?

— Биладан-да.

— Тузмаган бўлса, жуда соз. Шу рўйхат тайёр бўлганда уни қандай қилиб ўғирлаб олиш мумкин? — деди Серёжа.— Яхшиси ўғирламасанг, балки кўчириб олсанг, ўғирлаганда билиниб қолади. Шунини қила оласанми?

— Уйлаб кўриш керак...

— Уйла! Кечқурунгача ўйла, кейин айтасан. Мен кутаман.

Тарас секин-секин қадам ташлаб уйга чиқиб кетди.

— Юр, чўмилиб келамиз,— деди Серёжа Ирага.— Ёз ўтди, биз бўлсак деярли чўмилмадик ҳам.

— Юр, кетдик,— рози бўлди Ира,— лекин мен чўмилмайман. Қирғоқда ўтириб тураман.

Улар Тихая дарёси бўйига чиқишди. Лекин бу ерда немислар отларини ювиб тараётган эдилар. Нарироқ ўтишган эди, уёқда ҳам немисларга дуч келишди. Бу ерда улар машиналарини ювишарди.

— Қуриб кетсин, бу фрицлардан чўмилгани жой ҳам қолмаган,— тўнғиллади Серёжа.— Юр, нарироқ ўтиб кўрайлик-чи.

Дарёнинг пастроғида толзор орасида улар бўш, тоза жой топишди.

— Балки чўмиларсан-а!— сўради у Ирадан.

— Чўмилгим келмаяпти. Ўтириб тураман.

Серёжа кийимларини ечиб, сувга ташланди.

— Илиқ эмас!

— Ўзимам айтувдим...

Серёжа дарёнинг ўртасига сузиб кетди.

— Узоқ кетма, сув париси опқочиб кетмасин тагин,— деди Ира. Афтидан, Серёжа эшитмади шекилли, нариги қирғоққа яқинлашиб қолган эди. Ира унинг оёққа туриб, аста-секин сувдан чиқаётганини кўрди. Дарё бўйидаги тикка тепаликка етганда Серёжа таққа тўхтаб қолди. У ниманидир диққат билан синчиклаб кўра бошлади. Бир минут ўтди, беш минут, ўн минут, Серёжа ҳамон қирғоқда қимир этмай турар, оёғи остидан кўзини узмасди. Мана у ўгирилди, Ирага қараб қўлини силтаб қўйди-да, дарёга тушиб кетди. Серёжа хомуш бўлиб қайтди, ҳеч нарса демасди.

— Тинчликми? — тушунолмади Ира.

— Биласанми, у ерда биз қизил аскарлар билан, лейтенант Темиров билан қазиган окопларимиз ҳаммаси остин-устун бўлиб кетган. Кўп жангчиларимиз ҳалок бўлганга ўхшайди...

Улар дарё бўйидан хомуш, ғамгин хаёлларга ғарқ бўлган ҳолда қайтишди. Тарас уларни кутиб турарди.

— Ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Менга бирон бир ухлатадиган дори топиб берсаларинг бўлгани.

— Қанақа ухлатадиган дори? — тушунолмади Серёжа.

— Қанақа бўлса ҳам, кучлироғи. Дадам билан Мария хола кечаси қотиб ухлайдиган бўлсин.

— Нега?

— Нега дейсанми? Бўлмаса гапларимга диққат билан қулоқ солинлар,— деди Тарас.— Уйга келсам, ҳалиги Кудимов ўтирибди. Дадам билан бирга рўйхат тузиб ўтирганлари устидан чиқдим. Гапларидан шунини тушундимки, дадам рўйхатни Клаусга эртага эрталаб топ-

шириши керак. Агар дадам билан Марияни ухлата олсам, кечаси рўйхатни кўчириб олардим.

— Бу яхши фикр, лекин ухлатадиган дорини қаердан топамиз? — Серёжа ўйланиб қолганди.

— Балки Матвей Семёнович? Фельдшер-чи? — эсга солди Ира.

— Балки... Юринглар, олдига борамиз.

Фельдшер ёниб кетган мактабдан уч ҳовли нарида яшарди.

— Матвей Семёнович, кирсак майлими? — деди Серёжа деразани тақиллатиб.

— Киринглар, киринглар! Яна нима бўлди?

Учаласи ҳам уйга киришди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди Серёжа. — Лекин бизга ухлатадиган дори керак. Сизда бирон нарса топиладими?

— Ухлатадиган дори дейсизларми... — Матвей Семёнович хаёл суриб қолди. — Менда хлоралгидрат бор, — деди у, — лекин одамларга қандай таъсир этишини билмайман. Бу ҳайвонларга боп дори.

— Худди ҳайвонга ишлатадигани зарур бизларга! — деб юборди Тарас.

— Ҳозир қидириб кўрамиз, — деди фельдшер ва деворга осифлик кўк ранг хоч шакли солинган тоқча ёнига борди. — Қаердадир мана шу жойда бўлиши керак... — У шишалару пакетларни битта-битталаб кўриб, анча узоқ қидирди, ниҳоят оқ қутичани топиб олди.

— Мана шу бўлиши керак...

Дозаси қанча? — сўради Серёжа.

— Айтайлик, сигирга бўлса ярим қути етади, — тушунтирди Матвей Семёнович. — Эчкига бўлса чорак қути.

— Бизга сигир учун керак, — деди Тарас.

— Унга қулоқ солманг. Эчкига, — деди Серёжа.

— Лекин эҳтиёт бўлинглар! Мен уни ҳеч қачон ишлатмаганман.

Шунақа деб эшитган эдим.

— Нимага аралаштириб бермоқчисан? — сўради Серёжа кўчага чиққанларида.

— У ҳар куни кечқурун ўша сартарош аёл билан ароқ ичади, — тушунтирди Тарас. — Ароқни чойга қўшиб, тасаввур қиласанми! Уларга ўзим қуйиб бераман. Учта рюмкадан кейин қўшаман.

— Эҳтиёт бўл! Йўқса ўзинг ҳам куясан, ишни ҳам барбод қиласан.

— Мен ҳамма ишни қилишга тайёрман, боплаб дадамнинг таъзини берсам бўлгани. Нафратланаман ундан! О, нафратим шундай қайнайдики! — деб юборди Тарас дарғазаб бўлиб.

— Зоя хола қалай? — сўради Ира.

— Буларнинг ҳаммасидан оғир азоб чекаяпти, — деди Тарас, — юрак касали бўлса, назаримда, илгаригидан анча яхши. Сабаби нима, билмадим... Ўзларинг кира қолинглар бизникига.

— Кейин, кейин, — деди Серёжа. — Ҳозирча шубҳа туғдирмаганимиз яхши.

— Мен кирақолай, — деди Ира. — Шундай қилганим яхшидир. Ҳамиша кириб юардик, бирдан ўзимизни кўрсатмай қўйдик. Сен тўғри айтдинг, бирга кирмаганимиз маъқул. Ўзим кираверсам бўлади...

Ира билан Тарас кетишди. Уйда Герасим йўқ эди. Мария ҳақиқий уй бекаси бўлиб олган, полизда нималардир қилиб юарди.

— Ойимга овқат бермадингизми? — расмий оҳангда сўради Тарас.

— Нима, мен оқсочманми унга? — деди аччиқланиб Мария. — Ўзи туриб овқат тайёрласа бўларди.

«Илон» — шивирлади Тарас.

Зоя Андреевна «Том Соьер...»ни ўқиб ётарди.

— Ирочка, Тарасик! — қувониб кетди у. — Кутавериб кўзим тўрт бўлди.

— Қорнингиз очдими, ойи?

— Узим ҳам билмайман, ўғлим...

— Ҳозир тайёрлаб бераман,— деди Ира,— ўт ёқиб қўяй, кейин ги-зиллаб Матрёна холаникига сутга бориб келаман.

Тезда ҳаммаси тайёр бўлди, Ира Зоя Андреевнани овқатлантириб чиқиб кетиши биланоқ Герасим кириб келди.

... Эрталаб барвақт Есинларникига Тарас чопиб кирди.

— Ҳаммаси тайёр! Мана! — у рўйхатни Серёжага узатди.

— Қандоқ қилиб уддаладинг?

— Уддаладим-да.

— Даданг-чи?

— У ҳали қотиб ухлаб ётибди.

— Мария-чи?

— Мария ҳам.

— Тагин уйқу доридан ўлиб қолишган бўлишса-я.

— Йўғ-е, мен қулоқ солдим. Пишиллаб ётишибди, демак тирик.

— Раҳмат, Тарас, ёрдаминг учун, раҳмат.

Энди Серёжанинг кўнглида Тарасга нисбатан шубҳа қолмаган эди. Тарас билан хайрлашгач, Серёжа билан Ира шу заҳотиёқ, Федотовникига жўнашди. Василий амаки уларни кўриб ҳайрон бўлди.

— Наҳотки, уддаладиларингми?

— Ҳаммаси, тўла-тўкис.

— Жудаям тўла-тўкис эмасдир. Қани кўрсатинглар-чи.

— Ун етти фамилия,— деди Серёжа рўйхатни Василий амакига узатиб.

Федотов рўйхатни шошилмасдан текшириб чиқди.

— Аҳмоқлар! Уларнинг мантиқи нуқтаи назаридан қараганда ҳам бу учига чиққан бемаънигарчилик-ку,— деди у.

Шу пайт ташқарида милтиқлар отилди, итларнинг увиллаши эшитилди.

— Шу ерда бўлинглар,— деди Федотов ва ирғиб кўчага чиқди. Кўп ўтмай отишма тўхтаб, Василий амаки қайтиб кирди.

— Елғондакам тревога! Фрицлар ўзларига тир қуришибди! — Федотов яна рўйхатни текшириб кўра бошлади.— Жуда муҳим ишни бажардиларинг! Жуда муҳим! Сизлар анчагина ажойиб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолдиларинг. Бу рўйхатни шу бугуноқ Николаевга топшираман, уёғига нима қилишни келишиб оламиз...

— Николаев ким ўзи?— сўради Ира.

— Николаев ўзимизга қарашли одам. У Шаховнинг партизан отрядига комиссар қилиб тайинланган. Бугун у ўша ёққа боради. Рўйхатни ҳам олиб кетади. У ёқда Колосов ва Шахов билан маслаҳатлашади...

— Аслини олганда,— деди Серёжа,— бу бизнинг хизматимиз эмас. Ҳаммасини Тарас қилди — Герасим Шульганинг ўғли.

— Унга мендан раҳмат айтиб қўйинглар!

— Балки керакмасдир.

— Нега?

— Ахир, сотқиннинг ўғли-ку. Биз унга ҳамма гапни айтаётганимиз йўқ,— деди Серёжа.— Унинг отасига нафрат билан қарашидан фойдаланиб, топшириқ бериб турибмиз. Нимага, кимга эканини айтмаймиз... Ҳарҳолда...

— Эҳтимол, сизлар ҳақдирсизлар,— маъқуллади Федотов— Эҳтиёткорлик ҳозирда ҳамма учун зарур. Сизлар биз учун, яширин партия ташкилоти учун, партизанлар учун, Ватан учун жуда кўп нарсалар қилишингиз мумкин. Лекин ўзларингизда шубҳа туғдирсаларинг, ҳаммаси тамом бўлади. Шуни тушунасизларми?

— Тушунамиз, албатта,— деди Серёжа.

Болалар уйга қайтишди.

— Жуда чарчадим, Серёжа, ётсам майлими?— деди Ира. Каравотга ўзини ташлаб, ёстиққа бош қўйиши биланоқ уйқуга кетди. Уйқусида у ёнидан бу ёнига ағдарилар, нималарнидир гулдирар, қичқи-

риб-қичқириб юборар, кўрпасини очиб ташларди. Серёжа синглисини қулайроқ қилиб ётқизиб қўйди.

— Нима қилди, Ира — такрорларди у.

Ира уйқусида ваҳимали туш кўрди. Тушида кўзойнакли, бошига каска кийган, панжалари узундан-узун фашист уни бўйнидан бўғарди. «Сотқин» деган сўзни ёзганинг учун ўлимга ҳукм қилиндинг, дерди. Жон-жаҳди билан унга қарши курашган Ира «Ким ҳукм қилди?» дея фашистнинг қўлларини тишларди. Фашист эса юзларини буриштириб, кўзларини олайтириб, йўлбарснинг тишига ўхшаш бесўнақай тишларини ғижирлатиб, «Фюрернинг буйруғи билан ҳукм қилиндинг», дер эди. У узун панжалари билан қизни қаттиқ бўғди. Ира овозининг борича: «Бобо!» деб қичқирди. Миша бобо бўлса неварасининг овозини эшитиб, дарҳол ёрдамга югурса ҳамки, сира-сира йўли юришмай, унинг олдига етиб келолмасди. Бундан фойдаланган фашист тобора қутуриб, баттароқ бўғарди. Ира унинг панжасини қаттиқ тишлаган эди, оғриғига чидай олмаган фашист қизнинг юзига шапалоқ билан урди. Шу пайтда Ира уйғониб кетди.

— Ира, Ира деяпман, — Серёжа чала уйқудаги синглисини ўзига келтирмоқчи бўлиб, сочларини сийпаларди, юпатишга уринарди. — Сенга нима бўлди? Қўрқма, мен ёнингдаман.

Ваҳима ичида қизнинг бутун вужуди совқотгандай қалтирарди. Серёжа унга стаканда сув ичирди ва елкаларига қўлини қўйиб, бошини кўтармоқчи бўлди. Бари бир аъзойи-баданининг дир-дир титраши босилмасди.

— Кўзингни оч, Ира, кўрқма, — Серёжа синглисининг икки қўлидан ушлаб, бошини кўксига қўйди, шу ҳолатда бирпас бағрига босиб, титроғини тўхтатди. Анчадан сўнг ўзига келиб, эс-ҳушини йиғиб олган Ира кўрган тушини бир чеккадан акасига айтиб берди.

— Хайрли туш, Серёжа, — деди қиз гапини якунлаб. Серёжа синглисининг изтироб ичида айтган сўзларини эшитиб, ўйланиб қолди.

— Ира, — деди у шивирлаб, — бундан буён ҳаётимиз, ҳар бир кунимиз хавф остида ўтади. Шу хавф-хатарли кунларга ҳаммиша тайёр бўлмоғимиз лозим.

У жим қолди. Сўнгра қўшиб қўйди:

— Шу ишларнинг ҳаммасидан кейин немислар бизнинг изимизга тушишса ажаб эмас. Узимизнинг одамларимиз орасида ҳам аблаҳлар топилиши, қўрқоқлар бўлса пашшадан фил ясаб, ўша Шульга ёки Кудимовга чақишлари ҳам мумкин. Шунинг учун, бобомизнинг айтганларидан чиқмай, ҳар бир қадамни билиб босишимиз, ҳар бир гапни билиб гапиришимиз, ҳар бир ишни бамаслаҳат қилмоғимиз лозим. Умуман, эҳтиёткорлик ва яна эҳтиёткорлик зарур!...

Кимдир деразани оҳиста чертди. Серёжа орқасига ўгирилиб қаради.

— Ким у? Қиравер!

Уйга Слава Қотов деган бола кириб келди. У Серёжадан тўрт ёш кичик эди.

— Нима гап, Славка? — сўради Серёжа.

— Мен сиздан бир нарсани сўрагани кирдим, — деди Слава. — Биласизми, Сергей ака, Тарасларнинг уйи олдидан ўтаётсам, эшикларига плакат ёпиштириб қўйилибди. Плакатга «Сотқин» деб ёзилган. Ўзи плакатмас, қоғоз, лекин ҳарфлари жуда аниқ ёзилган. Билмайман, балки тўғридир-ку, ростдан ҳам Тараснинг отаси староста сотқин. Лекин нимагадир бу менга ёқмади. Ёзган одамни немислар ушлаб олса отиб ташлашади-ку.

— Плакатни олмадингми?

— Йўқ...

— Қани, Славик, юр-чи тезроқ. Ира, сен мени кутиб тур!

Улар югурганларича Шульганинг уйига етиб келишди. Ҳеч ким йўқ эди. Серёжа дарҳол плакатни кўрди. Секингина эшикка яқинлашиб, уни юлиб олди-да, ғижимлади. «Тарас қаерда экан?» — хаёлидан ўтказди у.

— Раҳмат, Славик! Лекин ҳеч кимга лом-мим демайсан. Тушуняпсанми?

— Тушундим...

Серёжа уйга кирди. Ҳеч ким кўринмади. Зоя Андреевнанинг хонасига ўтди.

— Салом, Зоя хола! Тарас қани?

— Бир соатча бўлди, қаёққадир кетиб қолди,— деди Зоя Андреевна.— Кир, кирақол, Серёжа! Тарасик ҳадемай келиб қолар. Қаёққа кетарди!..

Аммо Тарас кечқурун ҳам, кечаси ҳам келмади. Серёжа билан Ира бутун қишлоқни айланиб чиқишди — Тарасдан дарак йўқ эди. Улар қўлларидан келгунча Зоя Андреевнани тинчитишар ва яна кўчага чиқиб кетишарди, лекин Тарасни топишолмасди.

Кечқурун Шульга билан Мария уйга кириб келишди. Кетма-кет Кудимов келди. Улар кечки овқатга ўтиришди. Овқат одатдагича ичкиликдан бошланди. Тараснинг йўқлигидан уларнинг парвои палак эди. Серёжа билан Иранинг ташвишлари борган сари ошарди.

«Демак, «Сотқин» сўзини Тарас ёзибдию, қўрқиб қочибди-да,— ўйларди Серёжа.— Қаёққа? Унинг ғойиб бўлишини тушуниш мумкин. Отасидан қўрққан. Лекин қаёққа кетиб қолдйкин?»

Кечаси кайфи анча ошиб қолган Шульга ҳам тез-тез дераза олдига югуриб қолди.

— Бўлди-да, ҳадеб куйиб бўғилаберасанми,— далда берди Мария.— Арзанда итваччангга бало ҳам урмайди, юргандир санқираб бирон ўртоғи билан.

— Ҳимм... Ўртоқлари шу ерда ўралашиб юришибди,— деди Герасим.— Кўрмаяпсанми! Ўзи-ку, кўргани кўзим йўқ ўша Есинларни. Аммо жон куйдираётганлари, қидиравериб ҳолдан тойганларига қарамай ухламаётганларига қойилман.

Ярим кечада Кудимов кетди. Герасим билан Мария яна бир рюмкадан немис шнапсидан ичиб, ётиб қолишди.

Ира Зоя Андреевнанинг олдида қолди, Серёжа бўлса ҳамон қишлоқ айланарди. У Тихая дарёси бўйидаги ағдарилган қайинга келиб ўтирганида тонг ёриша бошлаганди. Ҳаво салқин, совқотиб гужнак бўлиб олганди. Ҳозир бу ерда немислар йўқ, қишлоқда ҳам ҳаммалари уй-уйларига кириб, бекиниб олишган. Фақат ёнма-ён турган Клаус билан Эбертнинг уйлари олдида икки соқчи якка-якка юришарди.

Серёжани уйқу босди. Шу кечада ҳамманинг тинчини бузгани учун ҳам, «Сотқин» деган сўзни ёзиб, аҳмоқона иш қилиб қўйгани учун ҳам Тарасга ичида лаънатлар ўқирди. Олдида эрталабки туман ичидан ўрмонларга бориб туташган катта йўл кўриниб турибди. Серёжа бирдан сергак тортди. Катта йўлда ўрмон томонидан келаётган кичкинагина якка шарпага кўзи тушди. «Наҳотки Тарас бўлса?» — хаёлидан ўтди Серёжанинг. Шарпа тобора яқинлашиб келар, энди шубҳа қолмаганди. Серёжа Тараснинг қаршисига югурди:

— Ҳой, Тарас!

Тарас ҳайрон қолиб таққа тўхтади. Серёжа қадамини тезлатиб, ниҳоят унга етиб олди.

— Қаёққа ғойиб бўлдинг?

Тарас индамади.

— «Сотқин» деган сўз ёзилган қоғозни уйингга сен ёпиштирдингми?

— Ҳа, мен. Нима бўпти? Сотқин-да!

— Аҳмоқсан! — Серёжа ҳозир Тарасни савалаб ташлашга тайёр эди.

— Қаерда эдинг, сендан сўраяпман?

Тарас индамади. Бир оздан кейин зўрма-зўраки деди:

— Партизанларнинг олдига борувдим...

— Яна бир карра аҳмоқсан! Хўш, топдингми партизанларни?

— Тополмадим,— иқроор бўлди Тарас.

— Тополмайсан ҳам,— деди жаҳл билан Серёжа.— Улар аҳмоқмас, сени кутиб тургани.

— Мен адашдим...

— Бизларга раҳмат дегин, аҳмоқона ёзувингни юлиб олиб ташладик,— деди Серёжа.— Отанг кўрганида, биласанми, нима бўларди? Ҳаммамиз қўлга тушардик!..

— Нега?

— Ҳаммадан олдин сен...

— Шунинг учун кетиб қолдим-да...

— Кетдинг, келдинг... Бошқаларни ўйламадингми? Хўп, гап тамом! Юр, кетдик.

Тарас Серёжага сўзсиз бўйсунди. Улар Серёжаларникига кириб келишди.

— Мен ҳозир,— деб Серёжа ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай бўш саватча кўтариб чиқди.

— Ол! Ҳаммага қўзиқорин тергани ўрмонга борувдим, адашиб қолдим, зўрға йўл топиб қайтдим, шунинг учун ҳам саватим бўш, дейсан. Тушундингми?

— Тушундим,— тўнғиллади Тарас.

Герасим ва Мария ҳали ухлаб ётишган эди. Серёжа билан Тарас лип этиб Зоя холанинг хонасига ўтиб кетишди. Тарас Серёжа ўргатган гапларни айтди. Зоя Андреевнагина эмас, Ира ҳам хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди.

XI

Мария ҳафтада икки марта район марказига, акасиникига кетар, у ерда ётиб қоларди. Унинг бу кетиб қолишлари Герасимга ёқмасди. У Марияга ўрганиб қолган, усиз жонини қўйгани жой тополмай қоларди Зоя Андреевнага у муглақо бефарқ эди, ҳатто ичида, тезроқ ўлсаю қутула қолсам, деб орзу қиларди. Гарчанд Мария ҳам ичкиликни яхши кўрсаям, Герасим унинг олдида ўзини сал тийиб турар, одатидан камроқ ичарди. Мария кетиб қолди дегунча, ўзини билмай маст бўлгунча ичарди. Шу даражага борардики, кейинчалик ўзидан ўзи нафратланарди. Ҳаммасини тушунардию, ўзини тийиб туrolмасди.

Бугун ҳам Марияга ялинди:

— Ҳимм... Бормай қўяқол, жоним, хўп дегин, мени ёлғиз ташлаб кетма!

— Мунча ҳиқилламасанг! Эртага тушгача қайтиб келаман. Айтмоқчи, Дурасоводан озиқ-овқат ҳам олиб келаман.

— Ҳимм... сенсиз яна оч ўтирар эканман-да.

— Нега оч ўтирасан. Иркага буюр, овқат пишириб берсин. Муҳтарам хотинингнинг хизматида юрибди-ку, ундан ҳам кўпроқ сенинг хизматингда бўлиши керак.

Мария кетди. Герасим анчагача кўзларини бир нуқтага тикканича ўтириб қолди, сўнгра кийиниб, кўчага чиқди. У ерда Қудимовни учратди.

— Мен олдинга келаётган эдим,— деди Қудимов.— Гап бор.

— Ҳимм... Юр, яхшиси сеникига борайлик,— таклиф қилди Шульга.— Мария йўғида уйга кирмасам дейман, устига-устак, болалар тинмай ўралашиб юришибди. Сенда ичадиган бирон нарса топиладими?

— Буниси ҳамиша муҳайё,— деди Қудимов.— Эберт менга доимо ўз запасидан бериб туради.

Қудимов ўз уйида эмас, бошқа бировнинг уйида яшарди. Уруш бошланмасдан бир хонани ижарага олган эди. Уй эгаси эвакуация қилинган колхоз молларининг биринчи қисмини жўнатгандаёқ кетиб қолган эди. Қудимов немислар келмасданоқ уларнинг уйини эгаллаб олган. Ўзининг уйида эса ажралган хотини қолган эди.

— Утир, Герасим,— деди Қудимов Шульгага, кичкинагина, ёруғ, янги қурилган ёғоч деворидан смола ҳиди анқиб турган хонага кириш-

лари билан. У немис тилида этикетка ёпиштирилган шиша, тузланган бодринг, карам, пиёз ва яримта буханка қора нон қўйди.

— Нега бунча ҳиқиллаб қолдинг, Герасим? — сўради у.

— Ҳимм... Мария кетди дегунча жонимни қўйгани жой тополмай қоламан, кўнглим бир нимани сезгандай гаш бўлавереди.

— Кетиб қаёққа борарди?

— Ҳимм... Унақа дема, у ҳали жуда ёш...

— Нима, немисларнинг бошини айлантитармиди?..

— Ҳимм... Клаус анчадан бери унга кўз тикиб юрибди,— дилкашлик қилакетди Герасим.— Мен унга атайи Дурасоводан бир жувон ҳам олиб келиб бердим. Мариядан ҳам ёшроқ ва хушрўйроқ. Бир амаллаб турар...

— Рўйхатни оберлейтенантга топширдингми?

— Ҳимм... Топширдим,— деди Герасим.— Нима эди?

— Гап худди ўша хусусда,— деди қатъий оҳангда Кудимов.— Шошилмай турсанг бўлармиди.

— Ҳимм... Нима учун?

— Вазият оғир, Герасим, жуда оғир,— тушунтиракетди Кудимов.— Немисларнинг ҳамма ишлари ҳам мўлжаллаганларидек бўлмаяпти. Москвани ишғол қилиш ҳақида оғиз кўпиртиришган эди, бўлмади. Ленинград ҳам қаттиқ турибди. Бизнинг қўшинларимиз фронтда боплаб уларнинг адабини берапти. Буёқда мана бу партизанлар ҳам, Дурасово ҳақида эшитдингми? Демак, улар анча кучли. Рўйхатни топширишга шошилсанг, иккаламизнинг ҳам бошимиз кетди деявер...

Герасим ўйлиниб қолди.

— Ҳимм... Йўқ,— деди у.— Бекорларни гапираяпсан. Бари бир немислар большевикларни енгади. Ишончим комил!

— Билмадим, билмадим,— деди гумонсираб Кудимов.— Сен билан иккаламиз бу немислардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Ҳар эҳтимолга қарши. Ўзини асраганини худо ҳам асрайди!

Герасим тез маст бўлиб қолди. У тобора ишончсизлик билан гапирарди.

— Ҳимм... Хўш, нима қилиш керак?— у Кудимовга савол назари билан қаради.— Қани, маслаҳат бер!

— Ўйлаб кўриш керак. Уйлаш керак. Рўйхатни топширган экансан, энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди, шошилмаганинда яхши бўларди... Улар яна ичишди.

— Ҳимм... Совет ҳокимиятидан нима ёмонлик кўрганинг ўзинг? — бирдан сўраб қолди Герасим.— Мен-ку, бошқа гап. Ҳаммаси аниқ-равшан. Мен неча марта жабр кўрганман, сен-чи?

Кудимов индамади.

— Ҳимм... Нега жавоб бермаяпсан?— деди ширакайф Герасим унга ёмон кўз билан тикилиб.

— Нима десам экан сенга? — Кудимов қийналиб-қийналиб сўз танларди.— Яйраб яшашим учун эркинлик йўқ эди. Ўша ҳокимият даврида. Ўзимни ўзим яхши биламан, шу арзимаган ўқитувчиликдан кўра каттароқ ишга, мундоқ кўлами кенгроқ ишга қурбим етарди.. Лекин...

— Ҳимм... Лекин деганинг нимаси?

— Немислар менга ана шунақа эркинлик берадиганларданмас,— деди қовоғини солиб Кудимов.

— Ҳимм... Бу нима деганинг?

— Америкаликларми, инглизларми келганида эди,— тушунтиришга уринарди Кудимов.

— Улар келганида нима бўларди?

— Улар шахсий ташаббусни қувватлайди, немислар бўлса... Немислар рус халқини ва халқ билан бирга Россияни ҳам йўқ қилиб юборишмоқчи.

— Ҳимм... Балосан, доносан!— деди сархуш Герасим тўнғиллаб.— Нима демоқчисан ўзинг, тушуниб олиш ҳам қийин. Қани, яхши-си яна биттадан олайлик.

Улар яна ичишди.

— Ҳимм... Қўрқоқ!— Герасим тобора асабийлашиб, арақли стаканни чангаллади, қип-қизариб кетган кўзларини Кудимовга олайтириб, қўлидаги арақни нафас олмай шимирди.

— Оғзингга қараб гапир,— деди Кудимов, бўшатган стаканни тақ этиб қўйиб— Қўрқоқ эмасман. дўстим. Ахир, район жандармерияси деганинг қани бу қишлоқда? Гестапонг қани? Полицайлар-чи? Қорасиям кўринмайди-ку.

Шульга яна жаҳл ичида кўзларини баттарроқ олайтириб унга ўқрайди ва сунъий равишда илжайиб:

— Ҳимм... Ҳушёрсан, Кудимов, балосан.— деди,— Мен ҳам шундай талаб билан Клаусга мурожаат қилувдим, у «Ҳаммаси яқинда бўлади», деб жавоб берди. Лекин коммунистларни эртага эрталаб соат саккизда олиб кетадилар. Жазо отрядининг одамлари саҳарда келишади... Ҳимм... сен билан бизнинг душманларимизни бирма-бир териб станцияга ҳайдайдилар.

— Станциядан қаёққа?

— Билмадим.

— Сўрамадингми, дўстим?

— Ҳимм... Сўраб бўлармиди, Кудимов? Биз эмас, улар биздан сўрашга ҳақли. Бизнинг вазифамиз қўл қовуштириш, буйруқни бажариш! Билиб қўй, Кудимов, коммунистлар ҳукмрон бўлган ер биз учун дўзах... Улар қишлоқдан бадарға қилинсалар, биз осойишта яшамоғимиз мумкин. Ҳимм... Кел энди, Кудимов, шунинг учун бир ичайлик. Бизнинг ҳечам қўрқадиган жойимиз йўқ. Клаус билан Эбертнинг жазо отряди шай турибди, ўшалар ўринлайди ҳамма ишни. Сен билан бизларнинг нима алоқамиз бор?

— Бизларнинг эмас, сенинг алоқанг бор,— унинг сўзини бўлди Кудимов.— Мен рўйхат тузмаганман.

— Ҳимм... Пўписангни қара-я! Тузмаган бўлсанг тузмабсан-да, ёлғиз ўзим жавоб беришим ҳам мумкин. Лекин мен ҳеч нарсадан қўрқмайман,— қатъий ва ғазаб билан қичқирди. Герасим ва овозининг борича йиғлаб юборди:— Мариясиз қолишдан қўрқаман, жуда қўрқаман...

Кудимов уни юпатишга уринди.

— Ҳимм... Бўлди, ҳеч ёққа бормайман бугун! Қуриб кетсин ҳаммаси!— деб юборди бирдан Герасим, юзларидан оқайтган ёшларини арта туриб.— То Мария қайтиб келгунгача ичавераман! Қани, қуй! Умуман айтганда уйқум келяпти!

Кудимов Шульгани ўз каравотига ётқизди-да, ўзи ёнига ўтирди.

— Ана холос... Нима билан тугаркан ҳаммаси?

Герасим уч соатча ухлади, ҳамма ёғи шишиб, кўпчиб уйғонди.

— Ҳимм... Уйимга кетаман! — деди-да, чиқиб кетди.

Уйига келгач остонадан бақирди:

— Ҳимм... Тарас! Ҳой, Тарас! Чой бер!

Уйдан Ира чиқди.

— Тарас Серёжанинг олдида. Ҳозир ўзим сизга чой олиб келаман.

— Ҳимм... Ўзинг бўлсанг, ўзинг! Ҳа, айтгандай, чойни аччиқ қилиб дамла! Тездан бошлиқлар олдига боришим керак!

Герасим столда узоқ ўтириб қолди. У маза қилиб, шошилмасдан чойхўрлик қилар, «қани, яна қуй!» деб такрорлар. Ира унга кетмакет чой қуйиб берарди. Чой ичиб бўлгач, Герасим шошилмасдан, пишқириб-пишқириб ювинди, кейин ҳамма ёғига атир пуркаб, чиқиб кетди.

«Аблаҳ!— деди ичида Ира.— Яна хотинининг аҳволини бир оғиз сўрамади-я!»

Герасим жандармерия бошлиғи оберлейтенант Клаус ҳузурига шошилди. Клауснинг уйи олдида уёқдан буёққа бориб келаётган соқчи Герасимга ғалати бир жирканч билан қарагандек туюлди.

— Ҳимм... Мумкинми?— Шульга секингина эшикни тақиллатди.

Эшикни Клауснинг деншиги очиб, уни ичкарига киритиб юборди.

Клаус ёлғиз эмас, Эберт ҳам бор эди.

— Келганингиз яхши бўлди,— деди у,— сизни қидиртирмоқчи бўлиб тургандик.

— Ҳимм... Хизмат?

— Нима хизмат дейсизми? — Клаус ўрнидан турди.— Сиз ё хизмат қилишни истамайсиз, ё қўлингиздан келмайди,— деди у қатъий ва жиддий оҳангда.

Шульгани кўрқув босди.

— Қани, айтиб беринг-чи, Шульга,— сўзида давом этди Клаус, — қандай қилиб, рўйхатингиздагилардан беш киши қишлоқдан ғойиб бўлибди?

Шульга доврираб қолди, тилига ҳеч гап келмади.

— Сиздан сўраяпманми. ё девордан? — жаҳли чиқа бошлади оберлейтенантнинг.

— Ҳимм.. Билмадим!

— Айтдим-ку сизга, бориб турган галварс, тўнканинг ўзи деб,— гердаиб деди Эберт.

— Асли тўнка ё галварсми, ё бизни лақиллатяптими? Хўш, нима қилиш керак энди сизни? Отиб ташлаш керакми?

— Ҳимм... Раҳм қилинг! Сира ҳам айбдор эмасман. Ҳақиқатан ҳеч нарсани билмайман...— Герасим тап этиб унинг оёғига йиқилди.

— Келиб-келиб, яна худди коммунистлар ғойиб бўлишибди-я,— сўзида давом этди Клаус.— Атайлаб уларни огоҳлантириб қўйгандек.

Ҳимм... Рўйхатни ҳеч кимга кўрсатган эмасман,— ғулдуради Шульга.— Онт ичаман! Ҳеч кимга кўрсатган эмасман! Ўзим туздим, сизга ўзим топширдим. Бу рўйхатдан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

Ниҳоят Клаус сал шаштидан тушди:

— Ҳа, майли, туринг!

Шульга турди.

— Ҳимм... худо ҳақи, онт ичаман, сира айбим йўқ...

— Ахир, Эберт эртага уларни Дурасовога, станцияга жўнатиши керак-ку,— деди қатъий оҳангда Клаус.

— Келишиб қўйганимиздек, эртага соат саккизда,— тасдиқлади жазо отрядининг бошлиғи.

— Сиз, Шульга, уларни кузатиб борасиз,— қўшиб қўйди Клаус.

— Ҳимм. Хўп, бўлади!

— Сизга жавоб!

— Ҳимм... Хўп, бўлади!

Шульга Клауснинг олдидан шалпайиб чиқди. Бу ҳол қандай содир бўлганига ақли бовар қилмасди. «Ҳимм... Ахир, мен Кудимовга фақат рўйхат ҳақида гапирдим, рўйхатнинг ўзини кўрсатмаган эдим-ку»,— ўйларди у.

Эртаси куни Герасим барвақт колхоз идораси биноси олдига етиб келди. Коммунистлар рўйхатидаги ўн икки киши ҳам шу ерга ҳайдаб келтирилган эди. Идора олдида жазо отрядининг солдатлари итлари билан изғишиб юришарди.

Чеккароқда қишлоқ аҳолисидан бир тўда одамлар тўпланишган, бири олиб-бири қўйишарди:

— Қаёққа олиб кетишаркан?

— Лагерга дейишяпти...

— Лагермас, Германияга, ишлашгамиш...

Соат саккизга яқин Клаус билан Эберт етиб келишди. Улар солдатларга охирги топшириқларини беришди. Бир чеккага секингина Кудимов келиб, нарироқда тўхтади. Бирдан кечаги гаплар Шульганинг эсига тушиб, унга яқинлашмади ҳам. Ниҳоят, рўйхатга тушганларни уриб, сўкиб, ҳақорат қилиб бир жойга тўпландилар, иккита-иккитадан сафга тиздилар. Улардан тўққизтаси эркак, учтаси ўспирин эди.

— Нега энди болаларни ҳам?..

— Комсомол улар...

— Ёшларга ҳам раҳм қилишмайди-я, золимлар...

Немислар ўн икки кишилик кичкина колоннанинг боши, охири ва икки томонини қуршаб, катта йўл томон бошлаб кетдилар. Шульга колоннанинг кетидан борарди. Кудимов эса қимир этмай, бир чеккада турганича қолаверди.

Қўриқчи итлар солдатлар билан ёнма-ён жимгина боришар, ҳатто вовулламасди ҳам. Ёвузликда немис-фашистларнинг ўзлари ҳам, итлари ҳам бир-бирларидан фарқ қилмас эдилар. Уларнинг табиати — босқинчилик, йиртқичлик. Мана ҳозир ҳам ҳар бир фашист колоннада бораётган гуноҳсиз кишиларни отишга, осишга, ҳатто пичоқлари билан бўғизлаб ташлашга ҳам тайёр. Бу ўринда гуноҳи борми-йўқми бари бир, улар учун фарқсиз, коммунист бўлса бас. Совет кишиси бўлса бас. Ҳар бир совет кишиси немис-фашистларнинг кўзига коммунист бўлиб кўринарди. Фашистларнинг юраги ҳам, виждони ҳам аллақачон тошга айланган бўлиб, босқинчилик, ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизлик асосий касблари бўлиб қолган эди.

— Зоя холанинг олдига кир, — шивирлади Серёжа Ирага. — Мен... Лекин унинг гапи чала қолди.

Шу пайт Клаус билан Эберт ҳам колонна томон юриб, Шульгага етиб олдилар.

— У ёғига бормай қўя қолинг, — деди Клаус. — Қишлоқдаги коммунистларни олиб кетганимиздан кейин, жаноб староста, сиз зерикиб қолсангиз керак?...

Шульга елкасини қисиб қўйди.

— Ҳимм... Зерикишга вақт бўлмас, — деди ниҳоят. — Бизда ҳеч кимга ишониб бўлмайди.

— Бу гапингиз тўғри, староста, — унинг фикрига қўшилди Клаус. — Шунинг учун ҳам ҳозир одамларнинг олдига боринг, кимки янги тартиботга қарши чиқса, Германияга ишга жўнатилади денг. Ёки ундан ҳам баттар бўлади — концлагерга ташланади, денг!

— Ҳимм... Хўп бўлади, — ишонтирди Герасим.

Қора «Мерседес-бенц» машинасида Клаус билан Эберт жўнаб кетишди. Шульга орқасига қайтиб, секингина правление биноси томон йўл олди. У ерда ҳали халойиқ тарқалмаган эди. Шульга қўлини кўтарди:

— Ҳимм... Эшитинглар, халойиқ!..

Одамлар ҳушёр тортиб, старостага совуққина назар ташлашди. «Кудимов қани, — ўйларди Шульга. — Наҳотки дарров кетиб қолган бўлса?» Шу пайт халойиқ орасида Кудимовни кўриб, кўнгли тинчиди. Узини сал хотиржам сезиб, сўз бошлади:

— Ҳимм... Жаноб оберлейтенант сизларга қуйидаги гапларни айтиб қўйишимни илтимос қилди. Кимки немис қўмондонлигига бирон бир қаршилиқ кўрсатгудек бўлса, қаттиқ жазоланади. Тушундингларми?

— Тушунарли. Тушунмай бўлармиди! — деди кимдир бўшашибгина.

«Концлагерь ҳақида айтсаммикин, йўқмикин? — ўйланиб қолди Шульга. — Ҳозирча айтмай турганим маъқулдир...».

— Ҳимм... Итоат қилмаганлар ҳаммаси Германияга меҳнат фронтига юборилади, — сўзида давом этди у. Бирпас ўйланиб турди-да, тўсатдан қўшиб қўйди: — Партизанлар билан алоқада бўлганлар, айниқса, қаттиқ жазога тортилади! Шунинг унутманглар, қулоқларингга қуйиб олинглар!

Одамлар тарқай бошлашди. Кудимов Герасимнинг олдига келди.

— Клаус сенга нималарни гапирди?

— Ҳимм... Айтарли гап йўқ.

— Янги рўйхат тўғрисида гапирмадимми?

— Ҳимм... Йўқ, нима эди?

— Қизиқ, — деди Кудимов. — Менга у ишончсиз одамларнинг янги рўйхатини тузишни топширди-ку. Лекин олдин ҳаммани диққат билан, синчиклаб қараб чиқинг, ундан кейингина рўйхат тузишга киришинг, деди, бир ҳафта муҳлат берди.

— Ҳимм... Ҳа-ҳа! — афтидан Шульга мамнун эди.— Табриклайман сени!

Кеч кириб, қоронғу тушганда қишлоқда ҳар хил миш-мишлар тарқалди: «Қолонна олдидан партизанлар тўсиб чиққанмиш», «Икки ўртада қаттиқ отишма бўлганмиш», «Партизанлар жазо отрядининг солдатларини ва уларнинг итларини қириб ташлаганмиш». Яшин тезлигида тарқалган бу хабарлар ҳар бир уйда муҳокама қилинар, партизанлар шаънига минг бор таҳсинлар ўқиларди.

Серёжа югуриб уйга келди.

— Ростмикин?— сўради Ира акасидан.

— Ҳаммаси рост! Немислар қириб ташланган, бизникилар хавфхатардан қутқазилган.

Тўсатдан Тарас келиб қолди:

— Эшитдингларми?

— Нимани? — сўради Серёжа ўзини таажжублангандай кўрсатиб.

— Партизанлар ҳақида...

— Йўқ, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Мен ҳам эшитмадим,— деди Ира акасини қувватлаб.

Герасимнинг қувончи узоққа бормади. Эрталаб уни Клаус чақириб, Қудимовга берган топшириқни унга ҳам берди: иккинчи рўйхат тузишни буюрди.

Кечаси билан ёмғир ёғиб чиқди. Эрталабга бориб тинган бўлса ҳам қоп-қора булутлар қишлоқ осмонини қоплаб олган эди. Изғирин шамол қишлоқ кўчаларини кезиб юрарди. Ҳаволар анча совиб қолди. Бу эса яқинлашиб келаётган куздан дарак берарди.

Герасим уйининг тунука томига тақиллаб тушаётган ёмғир томчилари овозидан мизғимамай чиқди. Асаблари шунча тараф эдики, бу томчилар томга эмас, гўё унинг бошига ёғаётгандай, ҳар бир томчисинак бошига қўрғошиндай келиб тушарди. Ярим кечада — ёмғир зўрайганда уйқуси қочганича у безовта бўлиб ухлаёлмай чиқди. Эрталаб каравотдан туриб, ювинишга борганида бошини кўтаролмас, зирқираб оғрирди, кўзлари хиралашиб кетарди. Ўзининг бундай ланж ҳолатини ёмғирдан, тунуканинг така-тумидан кўрардию, аслида кеча бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар денгизда хаёлан битта сомондай сузиб юрарди. Биринчидан, партизанларнинг мана шу қўққисдан қилган ҳужуми. Кўриниб турибдики, шу атрофда партизанлар яхши уюштирилган, улар кўп. Кўп бўлмаса бундай жиддий операцияга жазм эта олишмасди. Иккинчидан, колоннанинг ўрмон ичидаги шу йўлдан ўтиб боришини улар қаёқдан билади? Ким айтган? Берёзовкада яшовчи кимдир айтгани аниқ. Бу фикрлар уни гаранг қилиб, эсанкиратиб қўйди, ўзига-ўзи савол берарди-ю, жавобини тополмай хуноб бўларди, асабийлашарди. Қудимовнинг «халқ биздан ўч олади» деган сўзлари қулоғи остида муттасил эшитилиб турарди.

Герасим стаканни тўлдириб самогон қуйиб шимирди, устидан газак ҳам тотинмади. Бирпас тўхтаб, ўйланиб қолди-да, яна ярим стакан қуйди. «Қудимов ҳам аллақаёққа ғойиб бўлиб кетди!»—кўнглидан ўтказди у. Яна ичди.

«Афтидан партизанлар анча кучлига ўхшайди,— мулоҳаза қиларди Шульга.— Дурасовога ҳужум қилишди — бу бир. Колоннага ҳужум қилишди — икки. Булар чакана гаплар эмас. Лекин партизанлар ўзи қачон ташкил бўлган? Ким ташкил қилган? Ё большевиклар урушга ҳамма нарсани олдиндан тайёрлаб қўйишганмикин? Афтидан, Қудимовнинг халқ қасосидан қўрқиши бежиз эмасга ўхшайди».

Шу пайтда кўча эшик тақиллади. Еқинқирамай, бир чеккаси хавотирроқ бўлиб, оҳиста бориб эшикни очди. Қай кўз билан кўрсинки, унинг қаршисида колхознинг собиқ ҳисобчиси — Шульганинг амакиси Иринархий, кўзлари олазарак, типирчилаб турарди. Шу дақиқада амакиси ҳам Герасимнинг кўзига ёмон кўриниб кетди, ари инидай ғувиллаб турган калласида бир фикр лип этиб ўтди: «Топган вақтингни қараю, турқингга ўхшайди-я...».

Шульга Иринархийни уч ойдан буён кўрмаган эди.

— Қаёқда эдинг? — сўради у.

— Йўқ эдим... Қирсам майлими?

— Кирақол,— деди иккилиниб Герасим. Аслида у Иринархийни ёмон кўрарди. Амакиси сийқа — индамас, писмиқ, одамови эди. Акаси, Шульганинг отаси қамалиб кетгандан кейин у кўп вақтларгача ер ютгандай аллақаяёққа ғойиб бўлиб кетди. Аммо йиллар ўтиши билан акаси ва ўзи тўғрисидаги миш-мишлар босилгач, қишлоққа қайтиб, колхозга ҳисобчи бўлиб ўрнашиб олди. Колхоз бухгалтерининг соясида қўйдаи ювош бўлиб, ими-жимида ишлаб юрди. Бироқ у ҳисобчи бўлиб ишласа ҳам, одамларга қўшилмасди, қишлоқда ва колхозда бўладиган каттаю кичик маъракалардан четда турарди. Қўшнилари билан юзма-юз келиб қолган кезларда, «лаънаги юрак» дея хасталикдан шикоят қилиб, икки букилиб юрарди.

— Озод қилинганинга анча бўлди, шекилли? — сўради Иринархий, расмиятчилик юзасидан. У немислар жиянининг қачон турмадан чиқаришганини ҳам, староста қилиб тайинлашганини ҳам биларди. Бироқ Иринархий жияниникига келишга шошилмас, қулай пайтни пойларди. Мана энди келишга қарор қилди.

— Ҳимм... Анча бўлди, анча,— деди Герасим.— Ўзинг қаёқда ғойиб бўлиб юрибсан?

— Сен бўлган жойда эмасдим, ҳар қалай,— мужмал жавоб берди Иринархий, ҳамон унга тик қарамасдан.— Мен олдинга бир иш билан келувдим... Янги ҳокимият билан алоқам ҳам йўқ. Ёрдамлашиб юбормайсанми?

Шульга олазарак бўлиб, амакисига бошдан оёқ кўз югуртириб чиқди.

— Ҳимм... Қариб қолибсан! — деди у, миясига бошқа сўз келмади.

— Фақат ёшимга қараб қариман, аслида ўзим дурустман. Ҳали тетикман.

— Ҳимм... Ичасанми?

— Ичсам ичавераман.

— Ҳимм... Ичанг, ўтир.

— Хотининг қани? — сўради Иринархий.

— Ҳимм... Қасал ётибди, қўшни хонада, ўғлим ҳам ўша хонада.

Ҳимм... Тарас! — қичқирди у.— Буёққа кел!

Тарас кирди, қовоғини солган ҳолда саломлашди.

— Нима керак?

— Чой бер.

Иринархий ташқи кўринишда Шульганинг тамомила акси эди, у узун бўйли, хипчадан келган, юзлари Герасимникига ўхшаш япалоқ ва семиз бўлмаи, аксинча чўзиқ ва қотмадан келган эди, аллақачон оппоқ оқариб кетган сочлари анча сийраклашиб қолган, шўр ерда кўкарган ўтларга ўхшарди... Соқоли эса эчкининг соқоли эди бамисоли. Овқат еганида ва тез-тез гапирганида ўт чайнаган эчкини эслатарди.

— Худога шукур, кўришар кун ҳам бор экан, жиян,— деди нонушта тайёрланган столга ўтириб.— Бу тақдир дегани гоҳ сени, гоҳ мени у ёқдан бу ёққа итқитаверди, итқитаверди... Ҳа, ёвуз тақдир! Қани, ичамизми?

Улар стаканларини уриштирмасдан ичишди. Ҳозирча гаплари қовушмасди. Тарас картошка аралаш димланган чўчқа гўшти олиб келди, катта мис чойнакда чой келтирди. Чойнакни столга қўяркан, отасининг яғир босиб, тердан қотиб кетган майкасига, қирилмаган соқолига, хира тортган кўзларига ижирганиб қараб қўйди.

— Мен борай.

— Ҳимм... Бор ,ўғлим,— деди Герасим кўпроқ Иринархийни ўйлаб. Яна жим қолишди.

— Ҳимм... Ишга қўл урмоқчимисан? — кутилмаганда сўраб қолди Герасим.

— Ёмон бўлмасди...

— Ҳимм... Бир иш бор. Менга бир ёрдам қилиб юборсанг яхши бўларди.

— Жоним билан.

— Ҳимм... Бўлмасам қулоқ сол,— Герасим шкафнинг устки хонасидан қандайдир қоғозларни олиб, салобат билан жойига ўтирди ва одатдагича кўзларини олайтириб сўзида давом қилди.— Ҳимм... Немислар учун барча коммунистларнинг оила аъзолари, умуман активларнинг рўйхатини олиш лозим. Тайёрмисан?

Иринархий қариб қолган бўлса ҳам, иштаҳаси карнай бўлиб, столдаги ветчинани икки буклаб оғзига тиқарди, бодринг ва пиёзни карсиллатиб чайнади, аммо... араққа келганда меъёрини биларди, ружу қилмасди. Бу ерда эса жиянининг раъйини қайтаролмади. Анча кайфи тарақ бўлгач, жиянига яқинлашиб, кўлоғига шивирлади:

— Нега тайёр бўлмас эканман. Тайёрман. Худога шукур, ҳаммасини биламан, буёғига ҳам ема.

Герасим унга хўмрайиб гўлдиради:

— Ҳимм... Бу немис қўмондонлиги томонидан берилган махфий буйруқ! Буни сен биласану, мен биламан, холос.

— Худо ҳақи тушундим, хотиржам бўл, Герасим,— деди Иринархий оғзи тўла овқат билан.

— Қочирингнинг қўй!

— Фаҳмлаб турибман, совет қўмондонлиги учун эмас...

— Ҳа, айтдим қўйдим-да...

— Ҳимм, бу фақат немисларга керак эмас,— тушунтирди Шульга,— қишлоқдаги барча хавфли кишилардан қутулиш керак!

— Худо хоҳласа, қутулсан, тинчийсан, жиян,— деди Иринархий.

Кўчадан уй олдига келиб тўхтаган машинанинг овози эшитилди. Герасим сесканиб тушди

— Ҳимм... яна ким келди экан?

Клаус, Эберт ва қора кийимда яна бир нотаниш киши Герасимнинг уйига кириб келишди.

— Жаноб Шульга, танишинг, бу киши капитан Мейер, гестаподан.

— Ҳимм... Миннатдорман, жаноб капитан, хуш келибсиз,— деди Герасим ҳаяжон ичида унга таъзим қилиб.— Амаким бўладилар,— тушунтирди у ҳаммаларига Иринархийни кўрсатиб, сўнг шошиб чой қўйишга тарадудланган эди, капитан мезбоннинг хушомадини чўрт кесди:

— Биз чой ичганимас, сизни текширгани келганмиз,— деди-да, кўзойнаги остидан Шульгага олайиб қаради.

Бусиз ҳам ҳаяжонини босолмай турган Герасим капитаннинг совуқдан-совуқ сўзларидан ҳам, мурдага ўхшаган юзларидан ҳам қўрқиб кетди.

— Пистирмадан чиққан партизанлар солдатларимизни қириб ташлаганидан хабардорсиз? Коммунистлар партизанларга қўшилиб ўрмонга кириб кетганидан ҳам хабардорсиз?

Шульга нима дейишини билмай турарди, кайфи тарқаб, бутун вужуди дир-дир қалтирарди.

— Ҳимм... Билмадим... жаноб капитан...

— Билишингиз шарт! — Капитан жаҳли тез, аччиғи зўр, жуда асабий одам бўлганидан қўлини мушт қилиб бор кучи билан столни шундай урдик, столдаги стаканлар жиринглаб, шишалар сакраб кетди.— Ҳа, майли, бу ҳақда кейин яна гаплашармиз,— деди у.— Партизанлар ва коммунистлар билан ўзим шуғулланаман. Сиз ҳозир мен билан қелган терговчиларни ҳамда жазо отрядининг солдатларини жойлаштиринг. Хўш, қаерга жойлаштирмоқчисиз?

— Хотирингиз жам бўлсин, жаноб капитан. Уларни колхоз клубига жойлаштириш мумкин, деб ўйлайман. У ерда мудирнинг катта ка-

бинети бор. Яна колхоз правлениесининг биносига жойлаштира бўлади.

«— «Колхоз клуби», «колхоз правлениеси» — бунима деб тушуниш керак?— тутоқиб кетди Мейер.— Нега оғзингизда нуқул совет иборалари, староста?»

— Афв этинг мени, гуноҳимдан ўтинг.

— Дарров ишга киришинг! — Буйруқ берди капитан.— Сизни ҳам шахсан ўзим...— у сўзини тамомламасдан шартта орқасига ўгирилди-да:

— Кетдик, жаноблар! — деди зарда билан.

Клаус ва Эберт ҳам Шульгага ғазаб билан назар ташлаб, Мейернинг орқасидан чиқишди.

Герасимнинг ҳозирги ҳолатини шунчаки бир аянчли ҳолат деб бўлмасди. Унинг аҳволи эгасининг кўнглини олишга уриниб, думини ликиллашиб, хушомад қилган итнинг ҳақоратлангани, калтак егани ва шу калтак азоби ичида ҳам «мени ҳайдаб юбормасмикан?» деган ваҳима босгани ҳолатига ўхшарди. Бунима ўзи ҳам ҳис этарди, фақат сотқинлик туйғуси билан ҳис этарди. Меҳмонларни кузатди-ю, алампдан бир стакан арақни нафас олмай ичиб, муштининг орқаси билан лабларини артиб, яна ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

— Ишинг осон эмас, жиян,— деди Иринархий жўнаб кетган машина овози узоқлашгач.— Майли, мен борай... Кечқурун яна келарман,— деди Иринархий. Лекин унинг гаплари Герасимнинг қулоғига кирмасди. У оёғини қўлига олиб, клуб билан правление жойлашган катта майдонга шошилди. «Яхши ҳам бомбардимондан зарар кўрмади,— ўйларди у.— Бўлмаса қаерга жойлаштирадим...»

Мейер клуб мудирининг кабинетини кўздан кечирди.

— Ҳаммасини йиғштириб, тартибга солиб тахт қилиб қўйинг. Мен шу хонада тураман. Ёрдамчиларимга бошқа хоналарни танланг.

Шульга терговчилар учун капитаннинг хонасига яқин уч хона топди. Жазо отрядининг ўн икки солдати правление биносига жойлаштирилди. «Қизиқ, жазо отряди қўлга олганлар ҳам ўн иккита эди, ҳозир немислар ҳам ўн иккита,— ўйларди Герасим.— Шунчаки тасо-дифми бу?»

Герасим ишларини тугатмасданоқ уни Мейер чақириб қолди.

— Сиздан бошлаймиз, староста.

Унинг ёнида қора офицер кийимида яна уч немис ўтиришибди.

— Ҳимм... Таржимон керакми? — сўради Шульга хушомадгўйлик билан.

— Ўзим ҳаммасини таржима қилиб берарман,— деди Мейер.— Рус тилини сиздан яхшироқ биламан...— У терговчиларга немис тилида нималардир деди.— Хўш, староста, саволларимизга жавоб беринг! Дангал жавоб беринг!— капитан кўзларини олайтириб Герасимга қаради.— Партизанлар отряди қаерга жойлашган? Командири ким? Отрядда қанча киши бор?

— Ҳимм.. Билмайман, жаноб капитан,— деди Шульга қўлларини ёзиб.

— Сиз бунима билмайсиз деб фараз қилайлик. Лекин бунима, албатта ва иложи борича тезда билиш зарур. Тушундингизми?

— Ҳимм... Тушундим, жаноб капитан!

— Қишлоқда ишончли одамларингиз борми?

Шульга довридаб қолди. Ким ишонган одами? Қудимов, мана энди Иринархий пайдо бўлди. Бошқа ҳеч кими йўқ шекилли.

— Ҳимм... Афсуски, жуда оз, жаноб капитан,— деди у мужмал.

— Бизнинг ишимизда, староста, ўзингнинг одамларингга таяниб иш тутиш керак,— деди насихатомуз Мейер.— Боринг, яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳозирча сизга жавоб.

Капитаннинг дили ғаш, ўй-фикрлари чигаллашиб, боши берк кўчага кириб қолган эдики, ундан чиқиш иложини тополмасди, хуноб бўларди. Мана уч ойдан буён у Россияда. Лекин бу ерда у Польшада ҳам,

Голландияда ҳам, Австрияда ҳам, Францияда ҳам бўлмаган бир ҳолатга дуч келди. Руслар немисларга сира яқин йўламасдилар, қўрқитиб, авраб ҳам уларни бирон ишга солиб бўлмасди ва мана бу староста Шульгага ўхшаганлар камдан-кам учрарди. Капитан табиатан жаҳли тез, аччиғи зўр бўлса ҳам вақт зиклиги, вазият тақозоси уни ўз табиатига терс иш тутишга мажбур этарди-ю, газабини тизгинлаб, жазо қўлларини ушлаб турарди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Шульгага ўхшаганини яна қаёқдан излайдию қачон бунақасини топади, вақт қараб турмайди. Бўлмаса-ку, бунақанги ношуд старостанинг баҳрдан ўтиш нима бўпти унга. Ҳалиям бўлса ўзини ишга солган маъқул, дея хаёлидан ўтказарди капитан.

— Айтгандай,— деди капитан Герасимни тўхтатиб.— Мен сизга яна бир ёрдамчи бераман ёш, ғайратли йигит. Сизнинг ватандошингиз. Унга меҳрибон бўлинг, ёрдам қилинг, у ҳам сизга ёрдам қилар. Тушунарлими?

— Химм... Худди шундай! Жаноб капитан,— деди Герасим.

Арақнинг кучи билан даҳшат ва қўрқувни босиб, сўроққа кирган ва каттароқ жазо кутган Герасим капитаннинг олдидан шалпайиб чиқди ва бир неча қадам юрмаёқ аъзойи-бадани қизий бошлади. Ё ҳозиргача жим турган арақ бир неча қадам юрмаёқ ўз кучини кўрсатди ё бўлмаса қаттиқ шамоллаб қолгану, иситмаси чиққан касал кишидай уйига етиб келди. Хонага кира солиб, ўзини каравотга ташлади.

Ётган жойида узоқ ўйланди, ўйландию бу саволларга жавоб топиш машаққати ичини тимдалай бошлади. Ахир, партизан отряди қаерда жойлашганини, командири ким эканини, колхоз раиси Шаҳов қайси ўрмонга яширинганини староста қаёқдан билсин? Колоннадаги колхоз коммунистлари қаердалигини ким билади, ахир? Староста буларнинг ҳаммасини билса, дарҳол капитанга айтмасмиди! Билмайди. Капитан ҳам, оберлейтенант Клаус ҳам, жазо отряди ҳам, унинг командири Эберт ҳам билмайди. Билишса айтишсин, марҳамат.

У узоқ ўйлади, ўзига ўзи қанчадан-қанча саволлар бериб, унга жавоб қидирди. Юраги ўт бўлиб ёнаётганини сезди. Бу нима? Қўрқувданми ёки хасталикданми? Ҳарҳолда у гестапо томонидан сўроқ қилинганидан қўрққани аниқ эди, оёқлари ва қўллари қалтирарди, боши гаранг бўлиб, кўзлари хиралашди. У оғир хасталикка чалиниб қолиш хавфини ҳам ўйлаб ваҳимага тушди. Наҳотки, шунча йил турмада ўтириб касал бўлмаган одам, энди келиб, озодликда юриб хасталикка учраса. Миясига турли-туман мудҳиш фикрлар кириб чиқарди. Шу ҳолатда ўзи билан ўзи ёлғиз олишиб, каравотида ётганида Мария кириб келди.

Герасим касаллигини ҳам унутиб, Марияга ташланди, уни кучоқлаб ўпа кетди.

— Бўлди, бўлди дейман! Тавба, хотин кўрмаган одамга ўхшайсиз-а!— деганича кучоғидан чиқишга уринарди Мария.

Герасим бўлса ўзича бидир-бидир қиларди:

— Қаёқда эдинг? Қаёқда шунча узоқ қолиб кетдинг? Сенсиз менинг аҳволим ёмон! Жуда ёмон!

Уй совуқ ва бесаранжом эди.

— Ҳеч бўлмаса печкани ёқиб юборайлик, қўйгин,— деди Мария.

Столга ўтиришиб, Мария сумкасида икки шиша рус арағи чиқарганидан кейингина Шульганинг кўнгли жойига тушди.

— Худога шукур-е, борақансан-ку, кони ақлсан-да ўзинг. Мана бу самогонка ҳам, буларнинг немис шнапси ҳам роса жонга теғди-е, — иқроп бўлди Герасим. Шу заҳотиёқ уни ғам босди.— Касал бўлиб қолмасам деб қўрқаяпман, Маша...

— Нима бўлди?

— Суякларим зирқираб оғрияпти, ҳаммаёғим бўшашиб кетаяпти. Ҳароратим ҳам баландга ўхшайди,— деди у.— Худо кўрсатмасин ҳозирги пайтда касал бўлиб қолишни. Иш бошдан ошиб ётибди.

Герасим тузиши лозим бўлган рўйхат ҳақида ҳам, капитан Мейер-

нинг саволлари ҳақида ҳам Марияга оғиз очмади. Фақат амакиси Ири-нархий келиб кетганини айтди, холос. Лекин худди ўша сир сақлаган гап унинг кўнглини ҳозир кўпроқ гаш қилаётган эди.

Шу пайтда Тарас кириб келди. Герасим ўғлига тикилганича бақ-райиб қолди, бошидан оёғигача қараб туриб, бўйи анча ўсиб қолгани-ни кўнглидан ўтказди. Бўйигинамас, афти-ангори, ҳусни ҳам ўзгариб кетган, жуда чиройли эди. Қоп-қора сочлари бежирим, силлиқ тарал-ган, қалин қошлари, ёниб турган кўзлари, нур томиб турган юзлари... Наҳотки шу Герасимнинг ўғли бўлса? Ўғли, албатта.

— Ҳимм... ўғлим,— деди қандайдир ёлборган ва ҳазин оҳангда, — мен ҳам касалга ўхшайман.

— Нима бўлди, дада?

— Ҳимм... Билмадим, бошим айланиб, кўзим тиниб, хираланиб кетаяпти.

— Иссиқ чой ичасизми?

— Ҳимм.. майли,— Герасим ўғлининг меҳрибонлигидан кўнгли юмшаб кетди...

Оз ўтмай Тарас чойнакда чой келтириб, отасининг ёнига ўтирди.

— Кудимов хавфли одам,— деди Тарас отасига қараб, қатъий оҳангда.

— Ҳимм... қаёқдан биласан?

— Юрагим айтиб турибди.

Даҳшат, қўрқувлардан бирпасгина чалғиган Герасим яна хавф-хатарли ўйларга ботди. Тарас бўшаган тақсимчани кўтариб чиқиб кетди.

«Кудимов, Кудимов...— каравотга чалқанча ташланиб, шипга қа-раб ўйларди Герасим.— Ўзи ким? Одам ўлдириб қамалганини, турма-да ўтирганини биламан. Ҳозир-чи? Ҳозир у кимга хизмат қилаёттипти? Нима учун у коммунистларни рўйхат қилаётганимизда «халқ биздан ўч олади» деди? Буни у бирамас, бир неча марта такрорлади. Бу мени қўрқитиш учун айтилган гапми? Ёки ўзи коммунистларга хайрихоҳми? Ичимизга суқилиб кирган партизан бўлсачи? Эҳтиёт бўлмоқ, унинг изи-га тушмоқ зарур...»

Кўча эшик тақиллади. Мария эшик очгани чиқиб кетди.

Эшикдан карабин таққан ёшгина йигит кирди. Бу Юра эди. Йи-гит яқиндагина полицай бўлган эди. У старостанинг ёнига ўтириб, ҳо-зир сўроқдан чиқиб келаётганини, капитан ундан партизанлар қаерда, колхоз раиси Шахов қаерда туриши, шубҳали ва хавфли кишилар тўғрисида ахборот талаб қилганини айтди. Шу билан бирга ўздан олдин Кудимов ҳам сўроқ қилинганини билдирди. У колоннани стан-цияга жўнатиш тўғрисидаги хабарни Сергей партизанларга етказган депти. Капитан «Нима билан исбот қиласан?» деб сўраган экан, «Ўр-монга югуриб кетаётганини ўз кўзим билан кўрувдим», депти.

Саросимага тушган Герасим Тарасни чақирди:

— Ҳимм... ўртоғинг Сергей қаерда?

— У касал, ётипти.

— Ҳимм... қандай касал?

— Оёғига осколка теккан. Юролмайди.

Герасим «эшитдингми?» демоқчидай полицайга тикилиб қолди. Полицай йигит Юра ҳам ҳайрон бўлди ва ўйланиб турган Герасимга тик қараб деди:

— Партизанларга хабар қилган Кудимовнинг ўзи бўлса-чи?

— Ҳимм... эҳти... мол,— Герасим чўзиб гапирди, боя миясида йилт этган шубҳани полицай йигит тасдиқлагандай бўлиб.

Староста нима қиларини билмай ўрнидан турди, керишди, хонада бир-икки қадам у ёқдан бу ёққа юриб, ғовлаган миясини бўшатмоқчи, фикрларини тинитмоқчи бўлди, барибир хавф-хатар гирдобидан чи-қолмади, Юранинг ёнига ўтириб, Кудимовнинг «Халқ биздан ўч олади» деган сўзларини унга такрор қилди. Юра жиддий қиёфада старостани ўзига яқин олгандай уқтирди:

— Бу ерда бир сир борга ўхшайди, Герасим ака, ахир, оёғига осколка теккан бола қандай қилиб ўрмонга югура олсин? У лоақал юролмайди-ку, чўлоқ-ку. Бу бир. Иккинчидан, коммунистларнинг рўйхатини тузган ким? Сиз билан Кудимов. Уларни станцияга жўнатишни ким биларди? Сиз билан Кудимов! Уйда касал бўлиб ётган бола бу сирни қаёқдан билсин. Йўқ, Герасим ака, агар партизанларга кимдир хабар қилган бўлса, у фақат ё сиз, ё Кудимов бўлади. Сиз ўзингизга ўзингиз душман эмассиз деб ўйлайман. Демак, Кудимов.

Шу пайтда деразанинг орқасида кимнингдир боши кўринди. Бу Ира эди. Герасим уни кўрмади. Ира ҳайрон бўлиб, хонага кўз ташлади-ю, енгига оқ тасма тутган полицайни кўриб, ўз кўзларига ўзи ишонмай қолди. Таниш кўзлар тўқнаш келиб, узоқ тикилиб қолишди. Бу ўша ўрмонда дарахт устида соқчилик қилиб ўтирган, Ирани чўчитиб, қўрқитиб юборган йигит экани қизнинг эсига тушди. Юра унга кўзини қисиб қўйди. Ира эса салгина илжайиб, кўздан ғойиб бўлди.

ХIII

Кечаси билан аччиқ изғирин турди. Азонга келиб қишлоқ устида қор учқунлади. Тонг ёришгандан кейин ҳам осмонни қоп-қора булутлар қоплаб турарди. Кузнинг аччиқ-аччиқ совуқлари ғарбдан шарқ томонга илондек ўрмалаб келарди ва Берёзовкадаги ҳар бир уйга захарли нафасини сочарди. Колхоз клубига ўрнашган жазо отрядининг солдатлари ҳам, идорага жойлашган капитан Мейер ва гестапонинг терговчилари ҳам биринчи марта ана шундай аччиқ совуққа дуч келдилар, кечаси билан қалтираб, мижжа қоқмай чиқдилар.

— Бинони иситишнинг иложи йўқми? — сўради капитан Клаусдан.

Клаус Шульгани чақирди:

— Печкаларни ёқинг!

Шульганинг ташвиши бошидан ошиб ётганига қарамай, бўйруқни бажо келтиришга киришди. У партизанларнинг изига тушгандек, назарида. Кеча Иринархий келганида Герасим унга зорланиб:

— Ҳимм... Бу гестапо капитанининг тошширғини қандай қилиб бажаришни билмай хунобман,— деган эди. Иринархий жонланиб кетди:

— Ҳимм... Қишлоқ советининг секретари Федотовни танийсанми?— деб сўради дарҳол.

— Эслайман, нимайди, гап борми?

— Ҳимм... Гап шуки, уни қармоққа илинтирсанг, калаванинг учи топилгани шу бўлади.

Иринархий бир неча ишончли далиллар келтирган эди, Шульга севиниб кетди, Клауснинг ҳузурига югурди.

— Ҳимм... Жаноб оберлейтенант! Федотовни қамоққа олиш керак. Рўйхат тузганимда дарҳол бунини фаҳмламаганимга ҳайронман...

Клаус Герасимнинг сўзларини диққат билан эшитди.

— Яхши, қамоққа оламиз,— деди у.— Капитан мамнун бўлиши керак.

Кечаси Федотов қамоққа олинди. Уни солдатларини эргаштириб келган Эберт олиб кетди. Сўнгра Василий Клаус ҳузурига келтирилди.

— Коммунистмисан?

— ...

— Партизанмисан?

Федотов жавоб бермади. Клаус Василийнинг ёноғига мушт тунди.

— Жавоб берасанми?

— Бераман,— деди Федотов.

— Хўш, партизанмисан?

— Йўқ, партизан эмасман,— очикдан-очик жавоб берди Василий. «Дарҳақиқат мен партизан эмасман, балки партизанларнинг алоқачисман»,— дея кўнглидан ўтказди у ва кулиб қўйди.

Клаус Федотовдан ҳеч қанақа гап ололмай, уни Мейер ҳузурига олиб келди.

Капитаннинг хонаси исиб, ўзи ҳам анча шахтидан тушиб қолганди.

— Яхши, яхши, Клаус! Офарин! Старостангиз ҳам олдин ўйлаганимдек жуда ҳам ношуд эмас...

Мейернинг назарида Федотов ташқи кўринишдан коммунистга ҳам, партизанга ҳам ўхшамасди. Еш эмас, чеҳрасида большевикларга хос вазминликнинг асари ҳам кўринмасди. Ўзини хотиржам, ҳатто алланечук суст ҳам тутарди.

— Урдиларингми?— сўради Мейер Клаусдан Федотовнинг юзидаги кўкарган қонталаш доғларни кўриб.

Клаус нима деб жавоб беришини билмай, елкасини қисиб қўйди.

— Менимча, агар урган бўлсаларинг, яхши қилмабсизлар,— деди капитан ва шартта Федотовга ўгирилиб, илтифот билан таклиф этди: — Марҳамат, ўтиринг!

Василий стулга ўтирди.

— Сиз совет ҳокимиятининг хизматчиси бўлганмисиз? — сўради Мейер.

— Қишлоқ советининг секретари эдим,— тушунтирди Василий.

— Узоқ вақт ишладингизми?

— Биринчи сайловдан бошлаб. Уч йилдан кўп деяверинг.

— Хўш, қанақа вазифаларни бажардингиз?

— Аслини олганда ҳамма вазифани ҳам. Қишлоқ ободончилигига оид ҳамма ишлар, мактаб ва мана шу клуб қурилиши, йўлларни ремонт қилиш ва бошқа ишлар.

— Йўлларингиз ёмон,— деди капитан.— Биттасигина дуруст, бошқалари...

— Улгуролмадик... Уруш халақит берди...

— Уруш халақит бердигина эмас, балки ёрдам ҳам беради,— деди насихатомуз Мейер.

— Бирор нарса дея олмайман.

Капитан Федотовга оёғидан бошигача ёвуз ва совуқ назар ташлаб, анчагача тикилиб турди-да, «сан»лаб гапира бошлади.

— Коммунистмисан?

— Қишлоқ совети депутатлари нуқул коммунистлардангина иборат эмас.

— Хўш, сен коммунистмисан,— жаҳл билан такрорлади капитан. — Коммунистлар билан алоқадамисан?

— Йўқ, алоқам йўқ.

— Партизан отряди қаерда?

— Билмайман.

— Колоннанинг қишлоқдан жўнатилиши ҳақида партизанларга ким хабар қилди?

— Билмайман.

Терговчилардан бири ўрнидан туриб, Мейердан ниманидир сўради. Капитан бошини қимирлатди. Терговчи Федотовнинг олдига келиб, қорнига бир тепган эди, Василий ёғоч оёқларида тебраниб, йиқилиб тушди. Терговчи унинг қорнига, биқинига, ҳатто бошига этикларининг пошnasi билан тепди...

Хона анча исиб қолганди. Лекин Мейер шинелини елкасига ташлади, стаканга коньяк қуйиб, ичди.

Федотов ғинг демасдан жим ётарди.

— Турғизинглар!— бақирди Мейер.

Икки терговчи Федотовни полдан азот кўтариб, стулга ўтқозишди. Василийнинг чеҳрасида на оғриқ, на нафрат ифодаси бор эди. Бирдан унинг ранги ўчиб, бир томонга энгашиб, стулдан полга ағдарилиб тушди. Эшик олдида турган солдат терговчилар билан бирга яна уни кўтариб, стулга ўтқозишди.

— Сув! — деди совуққина капитан.

Солдат ғизиллаб чиқиб бир котелок сув олиб келиб, Федотовнинг бошидан қўйди. Федотов нимжон кўзларини очди. Капитан оёқларини кериб, овозининг борича қичқириб, пўписа қила бошлади:

— Ё партизанлар қаерда эканини айтасан, ёки бу ернинг ўзида отиласан,— капитан тўппончасини қинидан чиқариб, Василийнинг пешонасига тиради.

Василий индамади. Капитан ақли-ҳушини асабига алмаштириб, елкасидаги шинелини улоқтириб ташладию мушлари билан, тўппончасининг дастаси билан ура кетди, Федотов яна ағдарилиб тушгач, энди этиклари билан тепа бошлади. Солдатлардан бири чидаш беролмай орқасига ўгирилди. Мейер ҳансираб, чарчагандан сўнг, солдатларга имо қилди:

— Олиб кетинглар!

Сал ўзига келгач, Мейер буюрди:

— Старостани олиб келинглари! Кудимовни! У айтган.. Есинни ҳам!

Хонага Кудимов билан бирга Серёжа, уларнинг кетидан шалпайиб, Шульга кириб келишди.

— Ҳаммаларинг ўтиринглари, сен тикка тур! — деди Мейер Серёжага.

— Хўш, гапир,— деди капитан Кудимовга, Серёжага имо қилиб.

— Қўлга олинганларни правление олдига тўплаганда унинг ўрмонга чопиб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим,— деди ҳовлиқиб Кудимов.

— Хўш, сен нима дейсан?— капитан Серёжадан сўради.

— Мен ўрмонга эмас, уйимга шошилдим,— деди Серёжа.

— Ярадор бўлганмисан?

— Ҳа.

— Кўрсат.

Серёжа шимининг почасини кўтарди. Сонида катта яра доғи кўкариб турарди.

— Лекин анча яхши юрасан-ку? Шундоқми?

— Ҳа, юраман, лекин чополмайман.

— Билиб қўй, агар сен бор гапни тўғри айтсанг, бутунлай қўйиб юборамиз,— деди капитан.

— Айтадиган гапим йўқ,— деди Серёжа.

— Староста! Сўз сизга!

— Ҳимм... Билмадим, жаноб капитан... Ҳақиқатан билмайман,— иқрор бўлди Герасим.— Есинларнинг ҳаммасини ёмон кўраман. Лекин бу бола ҳақида ҳеч нарса дея олмайман. Ювош, босиқ бола, синглиси билан иккаласи ўғлимга кўмаклашиб юришибди. Лекин шубҳам йўқ...

— Ҳеч кимга ишонманг, ишонманг! — ўрнидан сапчиб туриб кетди Кудимов.— Партизанларга хабар берган ўшанинг ўзи!

Шульга Кудимовга жаҳл билан қараб қўйди. Серёжа ўзини оёйишта тутарди. Кудимов жаҳолат оловида ёниб, қаҳр-ғазаб билан йиртқичдай унга ташланди ва маймуннинг қўлидай узундан-узун қўллари билан Серёжани дўппослай кетди. Шундан кейин Мейер унга коньяк тутди.

— Ҳимм... Бирон нарсани билсанг, айтақол,— маслаҳат қилди унга Шульга.

Серёжадан садо чиқмади. «Сотқинлик қўрқоқликдан келиб чиқади»— кўнглидан ўтказди у Шульга ҳақида, Кудимов ҳақида ўйларкан. Серёжа билан Федотовга нисбатан узоқроқ овора бўлишди. «Қийноққа солиш керак эмас, уриш ҳам,— мулоҳаза қилди Мейер.— Бу қочмайди. Бола билан мулойим суҳбат қилиш,— бола кўнглини топиш лозим. Айбдор бўлса, бари бир охири ҳаммасини айтиб бериши керак».

Лекин Серёжа миқ этмасди. Мейер жаҳолат оловида ёниб, қаҳр-ғазаб билан унга ташланди, ерга ётқизиб, чарчаганича урди. Қорнига,

ярасига тепган эди, ҳали битмаган яра қонаб кетди, бурнидан ва оғзидан ҳам қон келди. Серёжа ҳушидан кетди. Узоқ вақт ҳушсиз ётди.

— Олиб кетинглар! — буйруқ берди ҳориб-чарчаган капитан.

Уни судраб, немисларнинг қоровулхонасига олиб боришди ва ним қоронғи хонага киритиб қўйишди.

Кечга бориб Серёжанинг кўзи очилди. У қонга беланиб ётарди. Оғзи-бурнидан юзига ва иягига, бўйнигача оқиб тушган қонни артмоқчи бўлдию икки қўли ҳам орқасига боғланганидан қимир этолмади. «Лаънатилар,— деди у ичида,— қамоқда ётсанг ҳам қўлингни боғлаб қўядилар». Шу пайтда у ярасидан оқиб, шимини ивитган қонга кўзи тушди. Яраси худди туз сепгандай ачишиб оғрирди. «Бу капитан тепган этик излари»,— ўйларди у боя тепасида қутурган йиртқичдай турган даҳшатли гавдани эслаб. Серёжа урсалар ҳам, тепсалар ҳам «ўҳ» демади. Оғриқ қанча зўр бўлмасин тишини тишига қўйиб бардош берарди, анави аблаҳлар оғриқдан азоб чекаётганини кўриб, хурсанд бўлишларини истамасди. Оғриқ азобларини ичига ютарди.

Эрталабга бориб нимжон кўзларини салгина очганида бошида Кудимов турганини кўрди ва сотқиннинг башарасидан жирканди. Кудимов қонли кўзларини олайтириб, деди:

— Партизанларга хабар қилганингга иқроп бўл...

Серёжа индамади.

— Сен хабар қилмаган бўлсанг, ким хабар қилди? — қайта сўради Кудимов.

— Сен!— деди Серёжа кескин равишда.— «Сен! Сен! Сен!

Унинг жавоби Кудимовни қўрқитиб, саросимага солган эди.

— Нима? Эсингни едингми? Мен сотқин эмасман!

— Бориб турган сотқин ўзингсан,— қатъий суратда такрорлади Серёжа.

Кудимов ўқдай отилиб чиқиб кетди. Кўп ўтмай Серёжанинг олди-га Шульга келди. Серёжа яна такрорлади:

— Кудимов хабар қилган!

Клаусга ҳам Серёжа ўша сўзни такрорлади.

— Кудимов хабар қилган!

Тергов тугамасдан Клаус Шульгани чақиртириб қолди.

— Эшитдингизми, Шульга, партизанлар тош йўлда яна икки топқир қўпоровчилик қилишганини? Озиқ-овқат ортилган битта обозни ва ёнилғи ортилган учта автомашинани ер билан яксон қилишибди.

— Ҳимм... Эшитдим, оберлейтенант.

— Бу хусусда нима дейсиз?

— Ҳимм... Билмадим.

— Қандай қилиб бўлса ҳам, ўша лаънати партизанлар билан боғланадиган ипнинг учини топиш керак.

— Эҳтимол Кудимов орқали топиш мумкиндир?

— Сиз ҳам шубҳа қиласизми?

— Ҳимм... Ҳа, нима десам экан сизга...— мужмал жавоб қилди Шульга.— Очигини айтсам, у ёқмайди менга...

Тергов боши берк кўчага кириб қолганди. Мейер, унинг ёрдамчилари, Клаус ва Эбертнинг уринишлари ҳеч қандай натижа бермади. Капитаннинг сўнгги ишончи янги полицайда эди.

— Янги полицаини чақиринг, оти нима эди, ҳа Юраמיד?

Юрани чақиринг. У капитанга маънодор қараб, тавозе билан таъзим бажо келтирди-да, илтимос қилишга ижозат сўради.

— Марҳамат,— деди капитан энсаси қотиб, асаблари таранг ҳолда бўлса ҳам, сездирмасликка ҳаракат қилиб.

— Марҳаматингиз учун ташаккур, муҳтарам капитан жаноблари.

Мейер бу яқин кунларда бунақанги ёқимли иборани ҳам, самимиетни ҳам эшитмаган, кўрмаганидан сал чигили ёзилгандай бўлдию тагин ўзини тутиб олиб, жиддий тусга кирди.

— Гапиринг, қандай илтимос? — қовоқларини солиб сўради.

— Сиз жанобларига бўлган ҳурматим, садоқатим ҳаққи шу иш билан шуғулланган баъзи бир муътабар ходимларингиз иштирок этишса, зарурат туғилганда уларга савол берсам, шунга рухсат этасизми? Бу билан сизга ҳам, муҳтарам капитан, ҳамроҳларингизга ҳам ёрдам беришдан бошқа муддаоим йўқ

— Айтинг, кимлар?

— Жаноб Клаус билан жаноб Эберт, Шульга билан Кудимов.

Капитан Мейер «Бу найрангнинг тагида бирон гап бўлмасин тагин», деган маънода польцайга шубҳали қараш қилди-ю, аммо илтимосини қондиришни лозим топди. Ҳамма йиғилиб бўлгач, Юра лўнда-лўнда қилиб гапира бошлади:

— Жаноб капитан! Сиз ва сизнинг ҳурматли ҳамроҳларингиз партизан отрядининг қишлоқдаги алоқачиларини қидириб топиш ва уларни тор-мор қилиш устида жонбозлик кўрсатиб, тергов олиб бордингиз. Аммо қаттиқ уринишларга қарамай, тергов натижа бермади. Сабаби: партизанлар ва уларнинг алоқачиси нима биландир бизларни чалғитди. Шу масала юзасидан менга берган алоҳида топширигингиз ва олий ишончингизни оқлаш устида узоқ ўйладим. Қишлоқ кезиб, одамлар билан суҳбат қилдим. Энди сиз жанобларига ахборот беришга рухсат этгайсиз. Жаноб капитан! Коммунистларни станцияга жўнатиш тўғрисидаги буйруқни кимлар билар эдилар? Буни фақат тўрт киши биларди: жаноб Клаус, жаноб Эберт, староста билан полицай Кудимов. Модомики, шундай экан, ана шу тўрт кишидан бири ушбу хабарни партизанларга етказган. Жаноб Клаус билан жаноб Эберт бундан мустасно, албатта. Шульга ҳам мустасно. У сидқидил ходим. Ниҳоят,

Ш. РАШИДОВ ◆ ДИЛ АМРИ ◆ ҚИССА



рўйхатни унинг ўзи тузган-ку. Рўйхат тузган одам ўзи партизанларга хабар қилиши ақлга сиғмаган гап. Энди ўзидан-ўзи кўриниб турибдики...

Юра жим қолди.

— Мен эмас! Мен эмас! Ёлғон! Тухмат! — дея бақирди Кудимов.

— Нима ёлғону нима ҳақиқат, билмадим,— деди Юра. Мана жаноб Шульга ўзи тасдиқласин. Кудимов уни «Халқ биздан ўч олади», деб кўрқитиб, коммунистлар рўйхатини беришга шошилмай туришга кўндирмоқчи бўлганини, кечирасизлар, жаноблар, америкаликлар билан инглизлар, яъни Советларнинг иттифоқдошлари шавкатли немис солдатларидан кўра яхши деганини айтиб берсин.

— Худди шундай,— тасдиқлашга шошилди Герасим. Ҳозир у Кудимовдан нафратланар, уни ҳалок қилиб, ўзи қутулиб қолишни ўйларди.

— Назаримда, бу ишга Сергей Есиннинг алоқаси йўқ,— қўшиб қўйди Юра.— Анқов бола бўлса, яна оёғидан ярадор бўлган, югуролмайди. Айтгандай, қаранглар, жаноблар, Кудимов савалагандан кейин унинг оёғидаги яра очилиб, қонаган...

— Бола қамоқдан чиқарилсин!— буйруқ берди Мейер.— Дарҳол чиқарилсин. Ҳақиқий душман бурнимизнинг тагида турибди-ю, бизлар мишиғини эплай олмаган болалар билан овора бўлиб ўтирибмиз. Кудимов қамоққа олинсин!

Кудимов ҳамманинг оёғига йиқилиб, нималардир гулдирар, ингарар, ҳиқиллаб йиғларди. Солдатлар уни қўлтиғидан ушлаб, судраб хонадан олиб чиқиб кетдилар.

— Сизга айтиш эсимдан чиқибди, жаноб капитан,— Юра Мейернинг олдига келди.— Кудимов немис қўмондонлигига хайрихоҳ бўлган бир оилани қишлоқ яқинидаги жарликка олиб бориб, қириб ташлаган. Энди билсак, бу одамлар ўша Кудимов ўлдирган кишининг ота-онаси, ака-укалари экан. Шу муносабат билан қонуний савол туғилади: нима учун Кудимов бирорта коммунистга қарата ўзи ўқ узмагану немис қўмондонлигига хайрихоҳ бўлган бутун бир оилани қириб ташлаган? Бундан ҳатто староста Шульга ҳам беҳабар. Хулоса қилиб айтганда, жаноб капитан, Кудимов ичимизга яшириниб кирган, партизанларнинг топшириқларини бажариб юрган одам.

— Сидқидил билан қилган хизматингиз учун офарин,— деди капитан.— Шу сабабли Кудимовни отиб ўлдиришни шахсан ўзингизга топшираман. Буйруққа шу заҳотиёқ ўзим имзо чекаман.

— Федотов нима бўлади? — сўради Юра.

— Федотовми?

— Менимча, унинг бу ишга алоқаси йўқлиги энди аниқ-равшан.

— Шундай деб ўйлаймизми?

— Албатта, бундан ташқари мен текшириб кўрдим, ҳақиқатан ҳам у коммунист эмас.

— Майли, буйруқ бераман,— ваъда қилди Мейер.

Хурсанд бўлган Ира, қушдай учиб, Зоя Андреевнанинг олдига келди.

— Серёжани қамоқдан чиқаришди! Лекин уни қаттиқ уришибди. Оёғидаги яраси ҳам очилибди.

— Бечора болакай...

Серёжа бир ҳафтадан кейингина ўзи Зоя холанинг олдида пайдо бўлди. Серёжа ўнг оёғининг ярасига оғир тушмасин деб қўлтиқташққа суяниб юрарди, у Зоя Андреевна билан иссиқ саломлашгач, Ира кўрсатган стулга ўтирдию, ярадор оёғини қўлтиқтаёқ устига қўйиб, Зоя Андреевнага қаради.

— Соғлигингиз яхшими, Зоя хола?

— Болагинам,— деди у хўрлиғи келиб,— мени қўявер, бедаво касал меники. Ўзинг қандайсан, болагинам? Сени қамоққа олганларини қийнаганларини Ира билан Тарасдан эшитиб, юрагим ачишди, жон-

жонимдан ўтиб кетди. Бу қандай зулм, бу қандай мусибат дейман. Болаларда не айб? Урушнинг номи қуриб кетсин, урушни бошлаган фашистларга қирғин келсин.

Серёжа кўзидан тирқираб ёш чиққан Зоя Андреевнани юпатишга уринди.

— Холажон, хафа бўлманг. Мана, ҳақиқат юзага чиқди, Қудимов отиб ўлдирилди, мен бўлсам оқландим. Соғлигим бўлса кундан-кун яхшиланиб бормоқда. Яқинда қўлтиқтаёқни ҳам ташлаб, чопиб-чопиб юрадиган бўламан.

— Кўзларинг киртайиб, кўкариб кетибди. Юзларинг шишган. Қамоқда роса ҳам қийналибсан-да, болагини? Сендай гуноҳсиз болани урган кишининг қўллари синиб, шол бўлсин. Тепган кишининг оёғи синсин, худодан тилагим шу! Герасим сени урмагандир-а?

— Йўқ, у урмади.

— Худога шукур!— сўзида давом этди Зоя Андреевна.— Гарчанд, Герасим...

Улар гаплашиб ўтирганларида Тарас хонага бир-икки марта кириб чиқди.

— Мана сен ҳам шу золимларнинг дастидан икки топқир жабр кўрдинг,— деди Зоя Андреевна.— Менинг Тарасигим ҳам. Унинг кураги ҳалигача зирқираб оғрийди.

Тарас Ирани имлаб қаёққадир чақирди. Ира унинг кетидан кўчага чиқди.

— Сени биров қидираяпти,— деди Тарас.

— Қаерда?

— Юр.

Улар полиздан ўтиб, дарахтзорга чиқишди.

— Ҳозир,— деди Тарас ва шу заҳотиёқ дарахт орқасидан лип этиб чиққан шофер Мартинов Иранинг олдида пайдо бўлди.

— Қулоғим сизда.

— Федотовдан шошнини топшириқ бор,— деди Мартинов.

— Уни қўйиб юборишдими?

— Қўйиб юборишди. Лекин, ўзинг биласан, кетида айғоқчилар юрибди. У энди уйдан чиқолмайди. Серёжанг ҳам ҳали кучга киргани йўқ...

— Ҳа,— унинг фикрига қўшилди Ира.

— Шу сабабли Шахов сенинг келишингни илтимос қилди. Индинга. Ун иккию ноль-нолда келишиб қўйилган жойда сени кутади. Мен бу жойни сенга кўрсатиб қўяман. Маъқулми?

— Албатта, маъқул!— қатъий оҳангда деди Ира.

— Иккинчиси. Шульга иккинчи рўйхатни тузмоқда. Бу рўйхатга тушганлар кўп эмасу, ҳарҳолда йигирмага боради. Тарас рўйхатни кўрибди. Эртага кечқурунгача рўйхатнинг сўнгги вариантыни билиб беришни ваъда қилди. Уни Шаховга топширасан. Тушундингми?

— Тушундим.

— Яна Шахов илтимос қилди, Серёжага айтиб қўй, унинг мардлиги билан ҳаммалари фахрланишяпти.

— Албатта айтаман. Василий амакининг аҳволлари қалай?

— Унинг қовурғасини синдиришибди.

Зоя Андреевна Тарасдан сўради:

— Даданг келдими? Қелган бўлса чақир, айтадиган гапларим бор.

Оз ўтмай хонага Герасим кирди. Қирдию Серёжага қандайдир га-лати, айбдордек назар ташлади, лекин ҳеч нарса демади. Хотинига маънос боқиб ҳол-аҳвол сўради:

— Ҳимм... Аҳволинг қалай?

— Дуруст, дуруст... Сенга айтадиган гапларим бор эди,— у болаларга қараб: сизлар боринглар, азизларим, айланиб келинглар!— деди.

Болалар чиқиб кетгач, Зоя Андреевна гап бошлади:

— Герасим, ишинг кўп одамсан. Ўлим тўшагида ётган хотинингдан ҳам хабар олмайсан. Мана энди қишлоққа келдинг, келдингу, менадан юз ўғирдинг. Икки ой ичида сени иккинчи марта кўряпман. Олдимга киришга ор қиласан. Ахир, одам ўзининг молига ҳам кунига икки-уч марта қарайди-ку, итига ҳам қарайди-ку. Майли, мен сендан розиман, Герасим. Фақат сендан битта илтимосим бор: Серёжа билан Ирага қўл тегизма, уларни ҳам Тарас қаторида кўргин. Агар шулар бўлишмаганида мен аллақачон ўлиб кетган бўлардим. Ҳарҳолда яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш ҳар бир кишининг инсоний бурчи!

Герасимнинг дийдаси қаттиқ эди. Айниқса колхоздан ҳайдалгандан сўнг, жиноят қилиб, узоқ муддатга қамалиб кетгандан сўнг унинг юраги муздек совиб, тошдек қотиб кетган эди. Шунинг учун ҳам эрим деб бору йўғидан ажралган ва эндиликда оғир касалга дучор бўлган хотинига ҳам шафқатсиз эди. Хотинига раҳм қилмаган, яккаю-ягона ўғлига ҳам бегонадан баттар ётсираб қараган одам энди бировнинг болаларига меҳр қўярмиди? Яна келиб-келиб кимнинг болаларига денг? Уша умумий йиғилишда, Герасимнинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда «Қолхоз аъзолигидан чиқарилсин», деган Есиннинг арзандалари Ира билан Серёжагами? Герасим бу аламни юрагининг бир учига тугиб қўйган-ку, ахир. Тўғри, жиноятни Есин эмас, балки Герасим қилган. Бироқ Герасим ўз айбига иқрор бўладиган ва айбидан тегишли хулоса чиқариб, эл танбеҳи билан тузаладиган анойилардан эмас. У ҳамиша ўзини оқ, бошқаларни қора дейишга одатланган. Урганган кўнгил ўртанса қўймаганидек, у ҳам энди шу одатидан қайтармикин? Аммо ҳозир юрагида ўт олиб, тутун ичида бурқсиб ётган фикрларини айтиб, хотинини хафа қилгиси келмади. Шу билан бирга Зоя Андреевнанинг кўз ёши қилиб айтган таъналарига ҳам жавоб бермади. Ҳатто хотинининг касалли оғирлашган мушкул кунларида унинг жонига оро кирган, барча уй хизматларини чин дилдан адо қилган Сергей билан Ирага ҳам миннатдорчилик билдиришни эп кўрмади.

У, қовоғидан қор ёғилиб, «Худо ўзи сенга шифо берсин», дея чиқиб кетди.

Кўп ўтмай хонага болалар кириб келишди. Шипга термулиб ётган Зоя Андреевнанинг ўпкаси тўлиб, хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Серёжа ширин сўзлар билан уни юпатишга уринди. Боланинг ёқимтой илтижоси Зоя Андреевнанинг кўнглини бўшатди, бошини кўтариб, болаларнинг пешонасидан, юзларидан ўпди, ич-ичидан севиб, учаласини ҳам бағрига босди.

— Ҳозиргача болам битта — Тарасгинам бор деб юрардим. Худога шукурки, энди учта болам бор. Соғ бўлсам қарайсизлар, ўлсам кўмасизлар. Жоним болаларим! Ҳамиша менинг руҳим шод бўлсин десанглар, бир-бирларинг билан абадий ака-ука бўлинглар, бир-бирларингга ишониб иш кўринглар, бир-бирларингга мадад, қувват бўлинглар. Ҳамиша бирга бўлинглар. Куч бирликда, дўстликда, содиқликда. Шундагина тақдир юборган азоб-уқубатларни, уруш келтириб чиқарган мусибатларни енгиш мумкин. Фашист газандалардан ва ўзимиздан чиққан мана бунақанги (Герасим кириб кетган хонани кўрсатиб) сотқин. жаллодлардан яхшилик кутманглар. Ширин-шакар болаларим, сизларга қиладиган насиҳатим шу.

Тўлқинланиб кетган болалар ҳаяжон ичида сукут сақлардилар.

— Ирочка, қизим,— деди Зоя Андреевна бирдан эсига тушиб,— эсингда борми, бир сафар менга дадангнинг фотоаппарати ҳақида гапирган эдинг? Уша аппаратинг ўзингдами?

— Ҳа, ўзимда, Зоя хола. У фотоаппаратни дадамга Москвада, қишлоқ хўжалик виставкасида совға қилишган.

— Бизларни суратга ололмайсанми?

— Олишим мумкин, нимаёйди?

— Сизлар билан, Тарасик билан суратга тушишни жуда истардим. Олақол, хўпми?

— Жоним билан. Мен ҳозир,— дедию Ира югурганича уйга чиқиб кетди ва бир зумда фотоаппаратни олиб келди.

— Мен тайёрман.

Ира олдиниға Серёжа билан Тарасни Зоя Андреевнанинг икки ёниға ўтқазиб суратға олди. Сўнгра Тарас Ира ва Серёжани онаси билан суратға олди.

— Энди ўлсам ҳам армоним йўқ,— алланечук ғамгинлик билан деди Зоя Андреевна.— Дўстлигимиз, садоқатимиздан хотира қолади. Ҳозирги оғир дамларда эса бу жуда зарур.

Қўшни хонадан Герасимнинг Тарасни чақирган овози эшитилди. Тарас чиқиб кетди. Уйга эчки соқол Иринархий келган эди.

— Қани, у-бу тайёрлаб, стол тузанглар,— деди Герасим ва ўзи Иринархий билан суҳбатини давом эттирди.

Тарас столға қаради, дастурхонға яхна чўчқа гўшти, бодринг, пиёз, нон ва бир шиша самогон қўйди. Ира унга қарашди. Ира дамланган чойни келтирганида, Герасим унинг бўй-бастига маънодор тикилиб қолди-да, Тарас билан қизнинг дўстлигини кўнглидан ўтқазиб. «майли», деб қўйди ичида. Иринархий ҳурматли меҳмондек тузалаётган дастурхон ҳамда болаларнинг чаққон ҳаракатларини зимдан кузатиб, савлат тўкиб ўтирарди. Шу ўтиришда у аввалги колхоз ҳисобчиси, исқирт Иринархийга сира ўхшамасди. У энди кундан-кун ўзгариб, янгидан-янги кийимларни кияр, галстук тақар, соқол-мўйловини кунига қирдиар эди. Илгариги эски-туски кийимлари-ю, соқол мўйловини ўстириб, энкайиб юришлари қолмаганди. Қадди-қоматини кўтариб, худди ёш йигитлардай ғайрат билан қадам ташларди. Ахир, энди у шунчаки Герасимнингмас, староста Герасимнинг туғишган амакиси, шу билан бирга коммунистлар, уларнинг оила аъзоларини, партизанлар ва бошқа активлар рўйхатини тузишдек махфий иш билан банд одам. Бу ниҳоятда масъулиятли иш. Ана шундай масъул ва махфий иш зўр ишонч билан шахсан унга топширилганидан ич-ичидан шод эди, ўзини қўйгани жой тополмасди. Шунинг учун ҳам, байрамға чиқаётган кишидек, ясаниб-тусаниб, соқол-мўйловини қирдириб, рангоранг галстуклар тақиб, керилиб юрарди.

— Мана рўйхат,— деди Иринархий болалар чиқиб кетгач ва станкаға тўлатиб қўйилган самогонни дам олмасдан ичиб юборди. Сўнгра очкўзлик билан овқатға ташланди.

Герасим ҳам самогонни ичиб, бодрингдан тишлаганича рўйхатға кўз югуртирди.

— Ҳимм... Есиннинг болаларини ҳам ёзибсан-ку,— Герасим бошини кўтариб, кўзини олайтирди. Иринархий эса мук тушиб овқат ейиш билан банд эди. Эчки соқоли худди шамолда силкинаётган қамишнинг попилтиригига ўхшарди.

— Илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён,— деди Иринархий ва шишани қўлига олиб, ўзига яна самогон қўйди-да, нафасини олмай шимирди. Стаканни қўяётганидагина Герасим эсига тушди, стакани бўш турганини кўрди. Шошиб-пишиб унга ҳам қуяркан, биратўласи ўзига ҳам қўйиб қўяқолди-да, сўзида давом қилди:

— Агроном Есин ашаддий душманимиз. Ҳозир у урушда, фронтда деб эшитдим. Бирорта дайди ўқ пешонасидан ёки кўкрагидан тегса, жаҳаннамға кетади. Агар ўша ўқ ёки осколка тегмаса-чи, у отади ҳам, ўлдиради ҳам. Тинчлик вақтида сенга кун бермаган душман, уруш вақтида раҳм қилармиди? Коммунист бўлгани учун бир марта, командир бўлгани учун яна бир марта, шахсан ашаддий душманимиз бўлгани учун яна ва яна бир марта жаҳаннамға юбормоғимиз зарур. Ҳозирча ўзи йўқ. Шунинг учун болаларини қирамиз. Сўнгра ўзи қўлимизга тушса...

— Ҳимм... унинг болалари, ахир, менинг хизматимда-ку,— Герасим хаёл ичида сўради. Иринархий оғзи овқатдан бўшамай, ғўлдиллаб жавоб берди:

— Хизматингда бўлса-чи, нима бўпти, бари бир сен, Герасим, ста-

ростасан. Коммунистларнинг оила аъзоларини жўнатиш вақтида улар менинг хизматимда деёлмайсан. Бунинг устига яна бир Кудимов пайдо бўлиб, коммунистларнинг болаларини ўз уйингда яширганингни гестапога хабар қилса... борми... Гестапога ишинг тушмасин, Герасим.

Герасим ўйланиб қолди. Ўзини оқлайдиган далиллар қидирди. «Ахир, мен уйимда партизанни яширсам, жавобгар қилсин, коммунистни яширсам, жавобгар қилсин. Она сути оғзидан аримаган, бурнини эплаб артолмайдиган гўдаклар учун ҳам жавобгар қилармикин? Буёқда хотиним оғир касал бўлса, бу сир эмас, жаноб Клаус ҳам, жаноб Эберт ҳам билишади. Болалар шу касалга қараб турсалар гуноҳми?» Шу топда Зоя Андреевнанинг «Яхшиликка яхшилик қилиш — ҳар бир кишининг инсоний бурчи» деган сўзлари эсига тушиб кетди ва Иринархийга жавоб қилди:

— Ҳимм... Кудимов бўлганида гестапога эмас, партизанларга хабар қиларди,— эътироз билдирди Герасим.— Кудимовнинг бунга нима даҳли бор ўзи? Менга гестапони кўпам пеш қилаверма. Иринархий! Гестапони ҳам, жандармерияни ҳам сендан яхшироқ биламан. Шунинг унутмагинки, жаноб Клаус ҳам, жаноб Эберт ҳам менинг дўстларим, тушундингми? Сен бўлсанг мени гестапо номи билан қўрқитмоқчи бўласан.

— Гапнинг сирасини айтиб, сени огоҳлантириб қўйдим-да, Герасим,— деди Иринархий.— Рўйхатни туз дединг, туздим. Мана қўлинг-да. Энди билганингни қилавер. Ҳарҳолда менинг сўзларим қулоғингда турсин. Илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён. Вазият оғир келган бир пайтда қўққисдан нишини санчиб қолмасин дейман, холос.

— Ҳимм... «Вазият оғир келган пайтда». Бу нима деганинг, Иринархий? Немис Москва остоналарида жанг қиляпти. Сен бўлсанг «вазият оғир келганда», деб ваҳима солмоқчисан? Иринархий, менга қара, сен менинг жигаримсан-а? Шундайми? Қариндош бўла туриб, наҳотки касал хотинимнинг, ахир, у сенга келин бўлади-я, бирор марта ҳолидан хабар олай демайсан-а? Ҳатто кунора шу ерга келиб турасан-у, кўриш тугул, бирор марта лоақал сўрашга тилинг бормайди-я. Лоп этиб эртага мен касал бўлиб қолсам ҳам танимай қўяркансанда.

— Ундай дема, жиян, худойим унга шифо берсин, сенинг бошинг тошдан бўлсин,— тилёғламалик қилди Иринархий.

— Ҳимм... ўша коммунистнинг она сути оғзидан кетмаган болалари кеча-кундуз касал боқишади, уйнинг хизматини қилишади. Сендай қариндошдан, кўпни кўрган мўйсафиддан кўра ўша етти ёт бегона ва ёш болалар кунимга яради, оғиримни енгил қилди.

— Ҳадеб таъна қилаверма, Герасим. Айбсиз парвардигорнинг ўзи,— дейишдан бошқа чора тополмади Иринархий. У умр бўйи Зоя Андреевнанинг ҳолидан бирор марта бўлса ҳам хабар олмаганига ўзича иқрор эди. Шу билан бирга у Тарасга ҳам бегона эди. Иринархийга қолса, Берёзовкада истиқомат қилувчи ҳар бир инсон хавфли эди. Ҳаммасини гестапога тутиб беришни истарди.

Шу пайтда эшик тақиллади. Герасим қадамларини оғир-оғир ташлаб бориб эшикни очди, ташқарида Эберт, унинг ёнида учта немис солдатни турганини кўрди. Эберт индамай ичкарига кирди, столга ҳам ўтирмай, шошилини равишда топшириқ берди.

— Жаноб староста! Иш чиқиб қолди! Эрта ё индинга олий мартабали меҳмонлар келишади. Улар қишлоқда бир неча кун бўлади-лар. Ишлашлари учун, ётишлари учун жой ҳозирланг... Ҳа, айтгандай, озиқ-овқатлари ўзларидан.

Эберт кетиши биланоқ Герасим болаларни чақирди:

— Ҳимм... Қани, юринглар-чи, мен билан! Менга қарашворинглар! Янги кўрпа-ёстиқлар топиш, жой тайёрлаш, озиқ-овқатлари ўзларидан бўлгани билан бари бир ичимлик ғамлаш лозим,— деди-да, шу заҳотиёқ амакисига нисбатан тулкилик қилди. Хонада гўё Иринархий йўқдек, унга энди кўзи тушиб, ҳайрон бўлгандек деди:

— Ҳимм... Сенмисан, боравер Иринархий, ишингдан қолма! Бор!

Бориб-бориб, охири отрядга Ирамас, Серёжанинг ўзи жўнади.

— Мен соппа-соғман, ўзим бораман!— деб туриб олди у.

Серёжа Берёзовкадан тонг ёришар-ёришмас чиқиб кетди. У босиб ўтган бу сафарги йўл аввалгиларига сира ўхшамасди, бу йўлни Иван Иванович билан Миша бобонинг ўзлари кўрсатиб, тушунтириб беришган ва мўлжалдан четга чиқмасликни қаттиқ огоҳлантиришган эди. Ўрмон ичидаги ёлғизоёқ йўлдан кейин қуюқ қамишзор бошланди, кейин буталарнинг орасини ёриб ўтишга тўғри келди, ҳатто юриш имкони бўлмаган ботқоқликлардан, дарёнинг тик қирғоқларидан ҳам юришга мажбур бўлди. Ҳар қадамда кекса ўқитувчининг «етти ўлчаб бир кес», деган сўзлари ҳамиша қулоғида бўларди.

Партизанлар отрядига қилган сафари аввалгиларига ўхшамади: илгарилари ҳар келганида таниш-билишлар билан учрашар, суҳбатлашар эди. Бу сафар уни ҳаммадан яширдилар. Фақат бобосио қадрдон устози Иван Иванович билан учрашди, холос.

— Биласанми, Серёжа, коммунистларни озод қилишдаги нозик ишимиз фашистларни саросимага солиб қўйди,— деди Иван Иванович соқолини тутамлаб,— шундан кейин отрядимизда айғоқчилар пайдо бўлди. Биттасини тутдик. Фашистлар отрядимизнинг изига тушган, яна кимни юборган. Ҳали бу номаълум. Биласанми, Серёжа, биз доим сени эҳтиёт қилишни ўйлаймиз. Қани, юр, кетдик.

Серёжани қоронғу кечада отряд командирининг ертўласига олиб боришди. Йўл-йўлакай Миша бобо яна неварасига ўрмонга келишда ҳам, кетишда ҳам зинҳор ҳушёр бўлишни такрор-такрор уқтирарди. Ертўлада у кутилмаган воқеага дуч келди. Эски қадрдони Темиров билан учрашиб, қучоқлашиб кўришди. Темиров партизан отрядида штаб бошлиғи бўлиб ишларди.

— Тутинган ўғлингни,— деди Шахов Темировга,— немислар қаттиқ қийноққа солишибди. Офарин, ўзини энг юксак талаблар даражасида мағрур тутибди, азамат! Ҳаммасига бардош берибди, ҳеч кимнинг номини айтмабди! Матонатли бола! Ҳақиқий пионер!

Отряд командирини Серёжанинг ахборотини қунт билан қизиқиб тинглади ва ич-ичидан мамнун бўлиб, отряд номидан ташаккур билдирди. Сўнгра у Серёжани ёнига ўтқазиб, катта мис чойнакдан чой қуйиб, олдига қўйди:

— Марҳамат, ўғлим, сен чойни иссиқ-иссиқ ичабер, аммо қулоғинг менда бўлсин, топшириқни яхшилаб уқиб ол. Биринчидан, старостага яқин бўлабер, қанчалик ишончини қозониб бағрига кирсанг, шунчалик янгиликларни аниқроқ, пухта билиб оласан. Иккинчидан, Иринархий тўғрисидаги таклифнинг тўғри. Иван Иванович ҳамма мулоҳазаларингни айтиб берди. Берёзовкада пайдо бўлгунгача Иринархий немислар томонидан Игнатовкада ташкил этилган ҳарбий асирлар лагеридан анчагина ножўя ишлар қилибди. Шу лагерда шахсан ўзи юздан ортиқ асирнинг ёстиғини қурибди. Отряд ҳарбий трибуналининг қарорига биноан, у сотқин олий жазога ҳукм қилинди. Ҳукмни ижро этиш Юрага топширилди. Учинчидан, қишлоғингга яқин кунлар ичида жуда катта воқеалар бўлади. Бир жаллод, каллакесар бошчилигида алоҳида жазо отряди тузилмоқда. Бу жазо отряди Берёзовкага жойлашади, каттани ҳам, кичикни ҳам, ҳаммани таъқиб қилади.— Командир қалин қошларини чимирди ва чойдан бир қултум хўплаб, салобат билан сўзидан давом қилди:— Серёжа, ўғлим, Шарқий фронтда фашистларнинг тинкаси қуриди. Мана, бир ой мобайнида қанча ҳужум қилса ҳам, бир қадам олдинга силжигани йўқ. Фюрернинг буйруғи билан, қанчадан-қанча дивизиялар ғарбдан Шарққа ташланмоқда. Шу дивизияларнинг бир қисми Берёзовка орқали ўтиш эҳтимоли бор. Ўғлим, ўртоқларинг билан ана шундан хабардор бўлсанг, зудлик билан отрядимизга хабар етказсанг, деймиз. Энди охириги топшириқ. Ҳамма ерда фашист жосуслари изғиб юрибди. Илтимосимиз шуки, ҳушёр бўл!

Серёжа қишлоққа соғ-омон етиб келдию лойга ботган ботинкасини, шудрингда ивиган шимини ечиб, шу заҳотиёқ шилқ этиб ўзини каравотга ташлади.

Серёжа оз бўлса ҳам қаттиқ мириқиб ухлади ва юзига ёруғ тушиши биланоқ, уйқуси бўлинди, ёруғдан қамашган кўзларини юмган ҳолда кўрпага бурканиб ётганича, отряд командирининг буйруқларини бажариш режасини тузди.

Иўқ, бир ўзи тузмади. Юмуқ кўзларида пайдо бўлган қоронғу бир оламда «Қизиқ,— ўйларди ўзича ҳайрон бўлиб,— зимистон бўлсаям, саройдек ёруғ-а?»— рўпарасида Шахов, Николаев ва Темиров турарди. Уларнинг олдида харита, Николаевнинг қўлида кўрсаткич таёқча. «Мана, қаранг, Есин,— дейди Николаев.— Мана бу ерда фашистларнинг позициялари, бу ерда бўлса бизнинг мудофаа линиямиз. Фашистлар Одер, Нейсе, Шпрее дарёлари бўйлаб жойлашганлар. Дарёларнинг нарёғида Берлин. Бизнинг вазифамиз — фашистларни ён томонлардан ўраб, қуршовга олиш ва ер билан яксон қилиш!»

«Берёзовка-чи, Берёзовка қаерда?— сўрайди Серёжа.— Тихая дарёси қаерда?»

«Эҳа, Берёзовка энди жуда узоқда қолди,— тушунтиради Николаев.— Тихая дарёси ҳам узоқда. Лекин сокин Тихая дарёси ҳозир жўшқин Бурная дарёси деб аталади, энди қоқ Сухая дарёси ҳам бу йил сероб дарё бўлиб қолган». Туш бўлиб тушмас, ўнг бўлиб ўнгмас. Ўзи уйғоқ этибди, фақат кўзларини юмиб олган, холос. Очиб юборишдан кўрқарди. Ишқилиб, Ира халақит бермасин-да. И-е, кўзлари юмуқ-ку, қаёқдан биларди у.

Николаевнинг бўйи баланд, қадди-қомати келишган, истараси иссиқ, ҳали ёш бўлса ҳам, мошгуруч қалин сочлари ўзига ярашиб турибди.

Темиров қорачадан келган, жуда ёш, кўзлари қоп-қора.

Шахов тўладан келган, сочлари оқариб кетган, лекин ёш кўринади, кўзлари ёш болаларникидек ярақлаб турибди.

«Олға, ўртоқлар, Берлинга! Ватан учун! Сталин учун! Берлинга!»— дейишади учаласи хор бўлиб.

Ташқаридан югуриб кириб келган Ира акасини уйғотиб юборди: — Тезроқ чиқ! Қара!

Серёжа сакраб каравотдан тушиб, бир зумда ташқарига чиқди.

— Қара!— такрорлади Ира ва осмонни кўрсатди.

Учта самолётимиз бир гала немис самолётларини қувиб келарди. Уларнинг пулемётлари тўхтовсиз ўқ ёғдирарди, осмондан бамисоли зунасига олов ёмғири ёғаётгандай эди.

— Қойил!— деди Серёжа қувониб.

— Қойил!— маъқуллади Ира.

Бирдан Берёзовкадан сал нарида, дарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг яланглик устида битта фашист самолёти осмонда ёниб, қуюқ, қоп-қора тутун ичида қулаб туша бошлади. Қолган бешта «Юнкерс» эса, аксинча, юқорилаб узоқлашди. Бизнинг қирувчи самолётларимиз бирдан бурилиб, шарққа, ўз базаларига учиб кетди.

Уриб туширилган бомбардимончи ўрмонга етиб олди-да, қанотлари билан дарахтларнинг учига тегиб ўтиб, ерга қулаб тушди ва ордан бир дақиқа ўтмай портлаб кетди. Болалар ҳаво жангини мароқ билан томоша қилиб, учувчиларимизнинг чапдастлигига, учқурлигига қойил қолдилар. Бу ҳаво жанги иккала ёш қалбида фахр-ифтихор ҳистуйғуларини қанчалик жўш олдирган бўлса, шонли Совет Армиямиз жангда ерда ҳам, осмонда ҳам душман устидан ғолиб чиқишига шунчалик ишонч, қатъий ишонч уйғотди.

Кечга томон кимсасиз тош йўлда қишлоқ томон келаётган немисларнинг биринчи колоннаси кўринди. Серёжа билан Ира дарё бўйига бориб, баланд қирғоқдан туриб колоннани кузата бошладилар. Танклар, уларнинг кетидан бронетранспортёрлар ва мотоцикллар келарди.

— Константин Петрович айтган янги дивизияларнинг бир қисми шу бўлса керак,— деди Серёжа.— Қани, санайлик-чи.

Улар санашга киришишди. Колонна кетидан турна қатор тизилишиб обозлар ўта бошлади. Яшиклар. Қоплар. Яна яшиклар. Беҳисоб фашистлар чумолидай ўрмалаб келишарди. Уйга бориб, қоғоз ва қалам олиб келишга тўғри келди.

— Ҳисобда адашиб кетиш ҳеч гапмас...

Икки соатдан кейин, қоронғи чўккадагина йўлда ҳаракат тўхтади. Тарас етиб келди.

— Кўрдиларингми?

— Нимани?— сўради Серёжа.

— Йўлдаги ҳаракатни?

— Кўрдик, нима эди?

— Ҳар эҳтимолга қарши, ҳаммасини санаб чиқдим,— деди фахрланиб Тарас.— Елкаларим ҳам зирқираб оғриб кетди.

— Яшавор, Тарас!— уни мақтаб қўйди Сарёжа.— Ира билан бизлар ҳам санадик.

— Айтгандай, ёдимдан кўтарилай дебди!— деди Тарас эсига тўшиб.— Бир нохуш хабар бор.

— Нима хабар?

— Эртага қишлоғимизга алоҳида жазо отряди келармиш,— деди Тарас.

— Ким айтди?

— Дадам. Ўзи ҳам тоза чарчади. Ҳар куни кечқурун меҳмон. Аллақандай янги-янги офицерлар.

— Қулоқ сол, Тарас,— илтимос қилди Серёжа.— Сенга яна бир муҳим топшириқ. Янгидан келган немисларнинг ҳаммасини эслаб қол. Отларини, мансабларини, унвонларини. Тушундингми?

— Ҳаракат қиламан.

— Яхшиси ёзиб ол, лекин эҳтиёт бўл.

— Тушундим.

XVI

Эртасига, дарҳақиқат, жазо отрядининг солдатлари бало-қазодек ёпирилиб, қишлоқни эгаллашди, яна икки кундан кейин эса, янги ўқчи дивизияси келди. Бу дивизияга, Тараснинг айтишича, генерал Шнайдер қўмондонлик қиларкан. Ҳозирча генералнинг ўзини ҳеч ким курмаган. Деярли ҳамма уйларга солдатлар ва офицерлар жойлаштирилди. Уй эгалари эса, бола-чақалари билан саройларга, молхоналарга ҳайдаб чиқарилди. Есинларнинг уйига немис майори ва унинг деншинги жойлаштирилди. Серёжа билан Ира ҳам саройга кўчиб чиқдилар. Берёзовканинг кўчалари, майдонлари машиналар, от-аравалар, қурол-яроғлар, аслаҳалар билан тўлиб кетганди. Бир қарашда қишлоқ чумолининг уясини эслатарди. Солдатлар ва офицерлар кечаю кундуз у ёқдан-бу ёққа чопишиб-югуришар, уйларнинг олдида патруллар юрарди.

Шульга ҳамманинг — немисларнинг ҳам, ўзимизникиларнинг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қилиб тинмай югурар, тунлари мижжа қоқмай ишларди. Унга полицай Юра ёрдам берарди. Юра тиришқоқ, чаққон ва ишчан йигит чиқиб қолди, оғирини енгил қилаётган йигит билан ишлаш унга осон эди, албатта. Лекин немислар кўп ва ҳаммасининг кўнглини олиш қийин бўлганидан бари бир ожизлик қиларди: гоҳ хоналар унча ёруғ эмас, гоҳ томидан чакка ўтар, гоҳ ёш болали оналарни ҳаво зах, қишдагидек совуқ бўлиб турганда қаёққа жойлашини билмасди.

Серёжа билан Ира кузатишларини давом эттиришарди. Немис офицерларининг отлари ва лавозимларини уларга Тарас айтиб турарди. Шуниси яхши эдики, ҳозир Берёзовкада бўлаётган югур-югур, ғала-говурлар уларга жуда қўл келарди.

Бир гал улар кўчада Мартиновни учратиб, қувониб кетишди.

— Бирон нарса борми?— сўради Мартинов.

— Бор,— деди Серёжа.— Ўзимиз Василий амакиникига бормоқчи эдик.

— Ҳозирча Федотовникига бормай тулинглар,— маслаҳат берди Мартинов.— Унинг кетидан кузатиб юришибди. Унга ҳам зиён етказишингиз, ўзингизни ҳам фош қилиб қўйишингиз мумкин. Яхшиси, шундоқ келишайлик. Мен ҳар куни уникига бориб, чақалоққа сут олиб келаяпман. Эртага шу жойда, эрталаб соат саккизда учрашайлик. Маъқулми?

— Биз ҳаммасини олиб келамиз,— деди Серёжа.— Ёзиб олганларимиз анчагина.

Эрталаб улар ёзиб тўлдирилган варақларни Мартиновга топширишди.

Яна Тарас югуриб келиб қолди:

— Ира, менга қарашиб юбор. Бизникига кетма-кет меҳмон келяпти. Бугун кечқурун яна келишади.

— Бу жуда соз,— деди Серёжа.— Мен ҳам ёрдамлашишга борайми?

— Кел, албатта.

Серёжа қулай вазият туғилаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди. «Шульганинг меҳмонларини ўз кўзим билан кўраман, эҳтимол бирон қизиқарли гап ҳам эшитарман»— кўнглидан ўтказди у. Улар Тарасларникига келганларида Мария хола қувониб кетди.

— Кўмакчилар келганидан хурсандман. Анчадан буён кўрмаган эдим сизларни. Ҳаммамиз биргалашиб, бир пасда уддалаймиз!

— Ҳимм... Тарас,— чақирди отаси,— юр мен билан!

— Қаёққа?

— Ҳимм... янги келаётган қисмларни жойлаштириш учун хоналар топишимиз керак, ёрдам берасан.

— Яна келишадими?

— Ҳимм... Яна бир қисм келаяпти.

— Охири борми?

— Ҳимм... Охири Берлинда. Фюрернинг кабинетида,— мужмал жавоб берди Шульга.— Юр, кетдик. Бу ерда бизсиз ҳам ишлари биттар.

Серёжа бу гапларни яхшилаб эслаб қолишни ўйларди. У Зоя Андreeвнанинг олдига кирди.

— Қалайсиз, Зоя хола?

— Дурустман, Серёжа, дурустман,— деди Зоя хола.— Сизлар ишларингиздан қолманглар, менга қараманглар. Ирочка, барака топкур, овқатлангирди, ҳаммаёқни йиғиштирди. Умидим битта. Худойим сенинг ҳам, Ирочканинг ҳам, Тарасикнинг ҳам бошларингни тошдан қилсин, урушнинг бало-қазоларидан ўз паноҳида сақласин. Урушнинг оти ўчсин, босқинчиларга қирон келсин.

Олий мартабали меҳмонлар қоронғи тушганда келишди. Герасим билан ўзига оро бериб ясаниб-тусаниб олган, сепган атири ҳаммаёқни тутган Мария хонадан-хонага чопишиб қолишди. Ҳаракатларидан меҳмонлардан биронтаси ётиб қоладиганга ўхшарди. Аммо келганлар жудаям юқори мансабдагилар эмаслиги кўриниб турарди: улар орасида уч офицер, иккитаси граждан кийимида ва бир таржимон бор эди. Меҳмонлар столга ўтирдилар ва совқотиб келганлари учун ичимиз исинсин, дея ҳаммадан аввал ичкиликка ташландилар. Ҳеч қанақа тост айтмасдан, чурқ этмасдан ичишди. Фақат Шульга бетўхтов гапирарди ва таржимон ҳар замонда унинг сўзларини немис тилида такрорлаб турарди.

Кечасига бориб меҳмонлар тарқалишди. Шульганинг уйида ҳеч ким ётиб қолмаслиги аниқ бўлди. Серёжа билан Ира ҳам уйларига кетишди.

Бир иш бор, болалар,— деди Тарас орқаларидан етиб келиб, Серёжа билан Ира таққа тўхтаб қолишди.

— Қанақа иш?

— Ҳозиргина дадамдан эшитдим, эртага генерал Шнайдер ўз мулозимлари билан бизларникида бўлар экан. Мен ўйлаб қолдим...

— Нимани?

— Ахир, улар қўлларини қовуштириб келишмайди-ку,— тушунтирди Тарас ва ўз планини айтиб берди.

У Ирани саройга беркитиб қўяди. Ё бўлмаса онаси олдида ўтирса ҳам бўлади. Немислар ичиб маст бўлганларидан кейин ҳужжатларини суратга олиш мумкин. Ахир, офицерларнинг планшеткалари ҳамиша ёнларида бўлади-ку.

— Еритғич мосламанг борми?— сўради Тарас Ирадан.

— Бор-у, лекин мен уни ишлатишни билмайман. Дадам билардилар.

— Қўрқма, ўзим ўргатиб қўяман,— сўз берди Серёжа.— Ёрдам бераман.

— Бўлмаса, мен кетдим, эртага соат олтида кутаман сизларни,— деди Тарас.

Эртаси кун Ира Тараснинг олдига келди. Тарас уни онасининг хонасига олиб кирди. Ира фотоаппаратни ўша ерда қолдириб, Марияга қарашгани чиқди.

Бугун Герасимнинг кайфи чоғ эди. Бир соат олдин генералнинг деншиги унга таппа-тайёр озиқ-овқатлар олиб келди. Фақат уларни тақсимчаларга солиш қолган эди, холос. Одатдаги немис шнапсидан ташқари француз коньяги, номи чет тилда ёзилган аллақанақа вино ва тунука банкларда пиво ҳам келтирилди.

Меҳмонлар роппа-роса соат еттида етиб келишди. Генерал Шнайдер ва дивизия штабининг бошлиғи полковник Голлер мўйна сирмали шинелларини ечдилар. Генерал ва полковник билан бирга тўртта адъютант ва таржимон ҳам келишган эди.

— Салом, жаноб мезбонлар!— генералнинг сўзларини таржима қилди қотмадан келган, юзини сепкил босган немис.

Ира генерал ҳам, полковник ҳам планшеткаларини стулларнинг суянчиғига осиб қўйишганини кўрди.

— Мен борай, Мария хола,— деди Ира ва Зоя Андреевнанинг хонасига кириб кетди.

— Ҳимм... Борақол, борақол, керак бўлсанг чақирармиз,— деди нимагадир Мариянинг ўрнига Шульга. Бугун у айниқса тиришиб, елиб-югурди. Ахир, оз эмас, авло эмас, кимсан генерал-а, полковник-а, ҳазил гапми? Атайлаб уникига Дурасовдан келишган, бу катта шараф-ку старостага. Ҳатто ўз дивизиялари жойлашган Берёзовкада қолишни ишташмаган. Бу ерга фақат кундузларигина келиб кетишар, кечаси район марказига бориб ётишарди. У ерда уларга энг яхши уй— немислар келмасиданоқ хотини ва иккита ўғли билан аллақайёқ— Россиянинг ичкарасига кўчиб кетган попнинг уйи ажратилган эди.

— Уйларинг озода!— деди сал тили чучук таржимон, генералнингми ё полковникнинг сўзини таржима қилиб.

— Ҳимм... Бажонидил, хизматлари бош устига!— деди овозининг борица Герасим хушомадгўйлик билан, бир дақиқадан сўнг қатъий оҳангда қўшиб қўйди:— Ҳимм... Марҳамат қилиб, генерал ва полковник жанобларига айтинг, ҳар эҳтимолга қарши, мен улар учун иккита жуда яхши хонани тайёрлаб қўйганман. Озода, иссиқ, жуда шинам. Шошилмасдан ўтиришлари, кейин бизникида ётиб қолишлари, баҳузур яйрашиб дам олишлари мумкин.

Таржимоннинг сўзи тугаши биланоқ генерал Шульгага мамнун:

— Данке!— деди тикилиб.

Герасимнинг қувончи ичига сиғмасди. Зиёфат бошланиб кетди. Шульга биринчи бўлиб тост айтишга ботинмади. Ҳозир бундай қилиш ўринли ҳам бўлмасди. Немислар ўзлари нималардир деб, қадаҳларини бир-бирлари билан уриштиришаркан:

— Гут! Зер гут! Гут!— деб қайта-қайта такрорлашарди.

Генералнинг шофери ташқаридан патефон олиб келиб, Герасимга тутқазди. Бу яппа-янгги совет патефони эди. Пластинкалари немисча экан. Шульга патефон қўйди. Қандайдир тантанавор куй жаранглади.

— Бетховен,— деди таржимон.

Ниҳоят Герасим тост айтишга журъат қилди ва таржимондан рухсат сўради. У генералга бир нима деган эди, генерал мурувват билан кулимсираб қўйди.

— Жаноб генерал қарши эмаслар!

— Ҳимм... Мен, жаноблар, оддий рус кишисиман,— сўз бошлади Шульга.— Лекин рус халқи номидан айтишим мумкинки, бизлар бахтиёрмиз. Шунинг учун ҳам бахтиёрмизки, бизларни большевиклар зулмидан озод қилишди. Биз, руслар, бизга озодлик берилганидан бахтиёрмиз. Мен халоскорларимиз учун, ғолиб герман армияси учун, жаноб Гитлер учун, жаноб генерал Шнайдер учун, жаноб полковник Голлер ва барча меҳмонлар соғлиғи учун ичишни таклиф қиламан.

Немислар оғизлари қулоқларига етгудек хурсанд бўлиб, бир-бирлари билан қадаҳларини уриштириб ичишди.

— Зер гут!— яна такрорлади генерал.

Ира қия очиқ эшик тирқишидан дастурхон устида бўлаётган ҳамма гапларни эшитиб турарди, лекин ҳозирча аҳамиятга молик бирон гапни илғгани йўқ. Соат ўн икки бўлиб қолаяптию дастурхондан туриш меҳмонларнинг хаёлига ҳам келмасди.

— Сиз ухланг, Зоя хола, мен олдингизда ўтира тураман,— деди секингина, раҳмдиллик қилиб Ира.

— Ҳа, ҳозир ухлайман. Ўзинг-чи, нега сен уйингга кетмаяпсан?

— Яна бир оз ўтирай...

Онаизор. Қизнинг жавоби хаёлини ўғлига олиб кетди. Бир лаҳза ширин орзуларга ғарқ бўлиб, кўзларини юмди.

Немислар қандайдир ашулани биргаллашиб айта бошлашди. Ира хунук, бақириқ овоз билан айтилган сўзларни тушунмасди-ю, ич-ичидан қувонарди: демак маст бўлишяпти. Ажабмас уйларига ҳам кетшмаса. Аммо гап-сўзларида на мантиқ бор, на маза-матра! Герасим, Мария ва Тарас ҳам жонларига тегиб зерика бошлагани кўриниб турибди. Мария бир-икки ҳомуза тортиб олди. Ниҳоят генерал таржимонга нимадир деди.

— Жаноб генерал сиздан хоналарни кўрсатишингизни илтимос қиляптилар,— деди таржимон.

— Ҳимм... Марҳамат, марҳамат,— деди Герасим ўрнидан сакраб туриб.

Немислар хонадан торгина даҳлизга чиқдилар. Шульга галма-гал иккита эшикни очди:

— Ҳимм... Марҳамат, жаноблар, кўринглар!

Генерал билан полковник хоналарни кўриб, бошларини мамнун қимирлатиб қўйдилар.

— Жаноб генерал хоналар жуда жойида дедилар,— деди таржимон.— Улар яна бир оз ўтиришмоқчи, кейин дам олишар.

— Ҳимм... Майли, нимани хоҳласалар бош устига,— хушомад қилди Герасим,— ихтиёр ўзларида. Жон деб бажо келтирамиз.

Меҳмонлар яна столга ўтириб олишди. «Планшеткаларини олишмади»— ўйлади ичиди Тарас. Зиёфат яна бир соатча давом этди. Зоя Андреевна ухлаб қолган, Ира зориқиб кутиб ўтирарди. Еритғич мослама билан аппаратни қўлида шай қилиб турарди.

Меҳмонлар шнапс кетидан коньякка ўтишди. Шульга ирғиб ўрнидан туриб, эҳтиётлик билан қадаҳларига коньяк қуяр, полковник Голлер ўрнидан туриб, патефон олдига келди. Пластинкаларни кўздан кечириб биттасини танлади.

— Веберми?

Генерал бошини силкитиб деди:

— Вагнер...

Энди немислар музика эшитишарди. Генерал темир крест тақилган кителининг тугмаларини ечди-да, стулга ёзилиб ўтириб олди. Музика тугагач яна ичишди. Герасим яна тост айтди:

— Сизларнинг рафиқаларинг учун, жаноблар! Сизларнинг фарзандларинг учун! Голибларнинг рафиқалари ва фарзандлари учун!

Генерал билан полковник маъқуллаб бош иргитиб қўйишди.

— Зер гут! Гут! Зер гут!

Мана улар ўринларидан туришди, планшеткаларини олиб, ўз хоналарига кириб кетишди. Сўнгра генерал хонасидан чиқиб, полковникнинг хонасига кирди, унга нимадир деди. Полковник чиқиб, иккаласи ҳам шинелларини кия бошлади.

— Жаноблар ётиш олдидан очиқ ҳавода сайр қилишга одатланганлар,— тушунтирди таржимон.

Адъютантлар ҳам кийиниб, уларнинг кетидан чиқиб кетишди.

— Ира, тез бўл!— шивирлади Тарас.

Ира Зоя Андреевнанинг хонасидан чолиб чиқди.

— Буёққа!— деди Тарас.— Мен шу ердман.

Ҳаммаси бир зумда бўлиб ўтди: мана, Ира қўшни хонада, планшетка очилди, ёритгич мослама шилқ этди. Планшетка қайтиб ўрнига қўйилди.

— Ҳеч ким сезмадим?— Ира лип этиб даҳлизга чиқиб кетди.

— Ҳеч ким. Юр оймларнинг олдида!

Қўрқув ва зўр бериш натижасида Иранинг бутун вужудини титроқ босган, совуқ қотгандек тиши-тишига тегмай қалтирарди. Бир дақиқа ўтди, икки дақиқа, уч дақиқа, ҳеч ким қайтмади. Ира бўлса шошилди. Лип этиб иккинчи хонага кирди, у ерда тўртта эмас, иккита сурат ололди, холос. «Аслида, шошилмасдан олаберсам ҳам бўлардику, ўйларди ўзича».

Энди кун ёришини кутиш керак эди.

Тарас ҳам, Ира ҳам саҳаргача мижжа қоқмай чиқишди. Ира Тарас билан хайрлашганида ҳали соат саккиз ҳам бўлмаган эди.

— Мен секингина чиқиб кетман. Зоя хола ухлаб ётибдилар. Ақлли боласан-да ўзинг, Тарас.

— Сен ақлли қизсан, Ира! Қараб тур, Серёжа бирам хурсанд бўладики...

— Фақат Серёжамики...

Улар хайрлашишди. Ира уйига қайтганида Серёжа ҳам тун бўйи мижжа қоқмай пойлаб ўтирган эди.

— Вой бў... Сени ўйлайбериб жинни бўлиб кетдим, жуда хавотир олдим. Қани гапир, ишларинг қалай?

— Ҳаммаси жойида,— деди Ира.— Лекин бир аҳмоқлик қилиб қўйдим шекилли. Генералнинг планшеткасида нима бўлса, ҳаммасини суратга олавердим, полковникникидан қўрққанымдан иккитагина сурат ололдим. Негадир жуда шошилдим...

— Ҳечқиси йўқ, аммо офарин сенга, синглим! Бу зўр жасорат!

— Э-е, нимаси жасорат бунинг!

— Ҳой, менга қара, кўрсатган жасоратинг мукофотга муносиб жасорат, билдингми?

— Шу арзимас иш учун ҳам мукофотми? Ахир, биз мукофот учун эмас, виждон бурчимизни бажариш учун бу ишни қилдик, холос. Дадамлар ўз хатларида ҳар бир инсон ўзидан «сен фронт учун нима қилдинг?»— деб сўрамоғи лозим деган эдилар. Аммо хатда мукофот тўғрисида бир оғиз ҳам айтилмаган-ку. Яхшиси бу плёнкани қандай қилиб отрядга етказиб беришни ўйлайлик.

— Ўзим бораман!— деди Серёжа қатъий оҳангда.— Қайтараман деб овора бўлма, соппа-соғман. Лейтенант Темировни ҳам жуда кўргим келяпти.

— Қачон кетмоқчисан?

— Кечаси йўлга чиққаным маъқулдир, дейман. Кундуз кунлари немислар кўп, хавфли.

- Ҳа, ўйлаганинг тўғри — маъқуллади Ира.
- Қани, энди озгина бўлсаям ухлаб олайлик,— деди Серёжа.
- Улар бори-йўғи қирқ минутча ухлашди, холос. Тарас келиб уйғотиб юборди.
- Мен ҳозиргина Иринархийнинг олдида бўлдим,— деди у.— Дадам уни айтиб келгин деб юборган эди. Борсам худди рўйхат тузиб ўтиргани устидан чиқдим. Олдида яна биров бор эди. «Дадам сизни чақиряптилар» дедим. Иринархий шу заҳотиёқ, дарров отланди. Мен билан бирга келди. Ҳалиги одам уйда ёлғиз қолди.
- Дадангда рўйхат бор эди-ку, ахир?— ҳайрон бўлди Серёжа.
- Қайтиб берган бўлса керак-да, билмадим тағин, тушуниб бўлмайти...
- Хўп, майли, Иринархий билан ўтирган ким эди?
- Кўриниши совуқ бир одам. Ўрта ёшли. Бўйи паст. Юзлари сап-сарик, силга ўхшайди, сочлари теги билан қирилган...— таърифлаб берди Тарас.— Уни мен бу атрофда кўрмаганман. Сотқинлиги шубҳасиз.
- Демак, Иринархий дадангнинг олдида кетдимми?
- Дарҳол кетди. Рўйхат ҳам қўлида.
- Ундай бўлса, Тарас, сенга бир иш бор,— деди Серёжа. Жуда шошилишч, кечгача қилишинг керак. Тушундингми?
- Тушундим, қанақа иш?
- Кечгача охирги рўйхат менда бўлиши керак. Дадангдан ёки Иринархийдан ўша одамларнинг кимлигини билиб олишга ҳаракат қил. Хўпми?
- Ҳаракат қиламан.
- Ўша одам деразага яқин ўтирибдимми?— сўраб қолди бирдан Ира.— Балким уни суратга оларман?
- Серёжа билан Тарас хаёл суриб қолишди.
- Хавфли эмасми?— иккиланди Серёжа.
- Жуда эҳтиётлик билан оламан. Тарас билан бирга борамиз. Фотоаппаратни саватчага солиб қўяман. Ким билади нимага кетаётганимни.
- Сен нима дейсан?— сўради Серёжа Тарасдан.
- Менимча, мумкин,— деди сал ишонқирамай Тарас.
- Бўлмасам, юр, ҳозироқ кетдик!

XVII

Серёжа тун оғиб кетганда отрядга етиб келди. Плёнкани, рўйхатни, немис офицерларининг фамилиялари, Берёзовкада жойлашган ўқчи дивизия ва сапёрлар батальонининг тахминий состави ҳақидаги ёзувларини Константин Петровичга топширди. У Николаев билан танишди, Қолосов, Иван Иванович, бобоси билан учрашди. Мана энди Темировнинг кичкина, торгина ертўласида чой ичиб, суҳбат қуриб ўтирибди.

— Плёнкалар доридан чиққунча ўтира тур,— деди Шахов.— Эҳтимол яна бирон нарса зарур бўлиб қолар.

Темиров билан у ўз дадасини кўргандек қувониб кўришди. Темиров ҳам худди ўғлини кўргандек беҳад хурсанд эди.

— Омонмисан, Серёжа, жон ўғлим!— дея такрорлар, уни бағрига босганича юзларидан ўпарди Темиров.

«Қизиқ,— ўйларди Темиров.— Мана шу Сергей Есенинни бир неча соатгина кўрдиму бир умр менга ёқди қолди. Ё ҳозирча ўз болаларим йўқлигидан шундоқмикин? Дилором билан биз урушгача турмуш кўриб улгурмадик. Бир чеккаси шундоқ бўлгани ҳам яхшидир, балки мунақанги урушда мен нима бўлишимни ким билади. Лекин омон қолсам биз, албатта турмуш қурамиз, Серёжага, унинг синглиси Ирага ўхшаган фарзандларимиз кўп бўлади...»

Серёжа бўлган воқеалар, кўрганлари, эшитганларини батафсил га-

пириб берди. Диққат билан гапларини эшитиб турган Темиров бир нарсанинг тагига етолмасди. Кейинги кунларда-ку, Серёжа ҳар гал келганида ўзгариб бораётганини, ўзгаргандаям жуда тез ўзгариб, ой сайинмас, кун сайин ўсиб, ақли тиниқ, қуюқлашиб, ўзи жиддийлашиб, тадбиркор, пишиқ, омилкор бўлиб бораётганини сезиб юрарди-ю, аммо, бугунгиси ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. «Урушнинг таъсиридан шундай бўлаётимми, ё бу боланинг ўзи туғма истеъдоду бунини мен фаҳмлаб қолаётимманми?» деб ўйлар ва бари бир ўйининг охирига етолмасди. Икки дўст кейинги кунларда бўлиб ўтган воқеалар юзасидан фикр олишар эдилар. Темиров Серёжани аллақачон «ёш бола»ликдан, «ғайрати ичига сиғмаган пионер»ликдан чиқариб қўйган, у билан анчадан буён турмушнинг оқу қорасини чуқур тушунган, уруш азобларида чиниққан жиддий разведкачи сифатида гаплашарди, муомала қиларди, ҳурматини ўрнига қўйиб, унга ишонарди. Шунинг учун ҳам уларнинг суҳбати ҳамиша бир-бирига содиқ икки дўст ўртасидаги суҳбат тусини оларди. Серёжанинг юлдузи иссиқлиги, кўм-кўк кўзларининг ҳамиша кулиб туриши, сезгирлиги ва ишчанлиги ўша жанг давом этиб турган пайтдаёқ биринчи бор жангга кириб, ярадор бўлганидаёқ Темировга жуда ёқиб қолган эди. Шу-шу ҳар галги учрашув болага меҳрини оширса оширардики, заррача камайтирмасди. Энди у Серёжани ўғлидек севарди, у билан тез-тез учрашишни, шоирона сўзларини эшитишни ёқтирарди. «Уртоқ Есенин», дея ҳазиллашиб қўярди.

Уларнинг суҳбати тобора қизиб борарди. Серёжанинг бу гал келтирган маълумотларигина эмас, балки ана шунга бўлган муносабати, ёндошиши, таҳлили кучлилиги, Ира билан Тарасни оқилона ишга сола билиши, иш бўлгандаям майда-чуйда, икир-чикирларга ўралашиб қолмай, уларнинг диққат-эътиборини муҳим, зарур томонга қаратаётганини, энг муҳими ўзининг дадиллиги, совуққонлиги ва бу фазилатларини синглисига ҳам, Тарасга ҳам юқтираётгани Темировни шунчаки қойил қолдириб қолмай, лол этарди. Бугун у шундай хулосага келиб қўйди: «Ё мен янги истеъдоднинг туғилиши, тез камол топишининг жонли гувоҳи бўлаёпман, ёхуд уруш даҳшати каттагинамас, гўдакни ҳам тез улғайтиради, учинчиси бўлиши мумкинмас. Бордию, бўлса ҳам мен билмасам керак...» Мана, унинг олдида ҳозир партизанларнинг алоқачиси ва ёрдамчисигина эмас, фашистлар қийноғи ва сўроғидан ўтган, лекин кучли ва маккор душман олдида ўзини мардонавор тутган Серёжа ўтирибди.

Темиров икки тирсагини столга тираб, иягини мушти устига қўйиб, болага тикилганча шу хаёлларни миясидан ўтказаркан, Серёжанинг кўзлари ёниб, ҳаяжонланиб айтаётган сўзлари отряднинг ҳар қандай топшириғини бажаришга ўзи ҳам, синглиси ҳам, Тарас ҳам ҳамиша тайёр эканликлари, қўрқоқликдан ҳазар қилиб жирканишлари, пионерлик шарафига садоқатлари ҳақидаги гаплари солдатнинг муқаддас қасамидек қулоғига кириб турарди.

Суҳбат охирида Темиров нима учундир Серёжага ўзи ҳақида гапириб бергиси келган эди, Серёжа ҳам худди унинг бу истагини юрагидан сезиб тургандек бирдан сўраб қолди:

— Урушгача сиз қаерда яшардингиз?

— Менга қара, Серёжа, ичимдагини топдинг-а. Худди ўзим шуни ўйлаб турувдим. Мен асли Тошкентга яқин Сирдарё бўйидаги колхозданман. Ота-онам касби пахтакор. Ўзим ўнинчи синфни тамом қилиб, Тошкентдаги Ленин номли пиёдалар ҳарбий билим юртида таълим олдим. Лейтенант унвони билан ғарбий чегараларимизда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирига хизматга тайинландим. Уруш бошлангач, ўша жойда душман ҳамласига бардош бериб, немисларни уч қечяю кундуз тўхтатиб турдик. Сўнг қанчадан-қанча талафот кўриб, жанг билан чекиниш аламларини кечирдик. Сийракланган сафларимизни янгидан келган қисмлар ҳисобига тўлдириб, яна чекиндик. Ниҳоят Берёзовкагача етиб келдик. Тихая дарёси бўйидаги жангда ярадор

бўлдим. Санбатдан чиққач мени полк командири, майор чақиртирди. Унинг олдида сизларнинг район партия комитетининг секретари Колосов ўтирган эди. У мендан партизанлар билан қолишимни, отряд штабига бошлиқ бўлишимни илтимос қилди. Колосов отрядда ҳарбий мутахассислар камлигини айтди.

Узига бўлган ишонч ва ҳурматдан Серёжанинг қалби фахрланиш ҳис-туйғуларига ғарқ бўлди. Йўл юриб ниҳоятда чарчаб келгани ҳам унутилиб, қушдай енгил, янги парвозга шайдай ўтирарди. Ҳозир ҳамма нарсани унутганди, фақат Темировнинг гаплари сира-сира тамом бўлмаслигини истарди. Майли, тонг отадими, кун чиқадими, ҳеч уйқу-си келмасдан, чарчамасдан тинглашга тайёр. Темиров ҳикоясидаги кўп нарсалар уни қизиқтириб қолганди, ҳаммасини сўраб, билиб олгиси келарди. Фақат уяларди, вақтини олишдан андиша қиларди. Шу туйғу-файли ийманибгина гапирди:

— Сўрасам, майлими?

— Ҳа, вой, сени қараю, дўст деган ҳам шунақа бўладими, сўрай-вер.

— Дадам, ойм пахтакор дедингиз-а?

— Ҳа.

— Пахтакор деганингиз ўзи нима?

Темиров беихтиёр бир зум ўйланиб қолди. Ундан ҳозир «Осмондаги ой нима?» деб сўрашгандай бўлиб туйилди.

— И-е, ҳа, шошма, шошма, пахтани кўрганмисан ўзинг?

— Ҳа, оппоқ, юмшоқ бўлади-да. Буни биламан.

— Билсанг, ана шу пахтани биз томонларда экилади.

— Вой, пахта экиладими? Ердан чиқадими?

Аввалига Темировга ғалати туйилган бу савол, кейинчалик бундоқ ўйлаб қараса, жуда ўринли, тўғри савол экан. Ахир, бу томонларда ғўза ўстирилмаса, бу бола қаёқдан билсин, бола тугул, эҳтимол, катталар ҳам билмаса, ҳеч ажабланидиган жойи йўқ.

— Дўстим Сергей Есенин,— деди кулимсираб Темиров,— тўғри сўрадинг. Пахтанинг ўзи экилмайди, унинг уруғи бўлади, чигит дейлади. Ана шу чигит баҳорда экилади, ундан ғўза униб чиқади, ғўза бутун баҳор, ёз бўйи жазирама офтобда тобланади, бир неча марта сув ичади, парваришланади, озуқа берилиб, бегона ўтлардан тозаланади, қарабсанки, кузга келиб, ҳар тупида ўнлаб, йигирмалаб, ўттизлаб, ҳатто эллик-олтмишлаб гуллари, кўсақлари пайдо бўлади, кўсақлар пишиб, етилиб, чаноқлар очилади, ҳар чаноқда лўппи-лўппи пахталар етилади...

— Вой бў... жуда қийин бўлса керак-а? Ердан пахта ўсиб чиқишини билмасдим.

— Тўғри топдинг. Меҳнати жуда қийин бўлади. Шу пахтадан юз-юз минг тонналаб етказамиз.

— У-хў... юз-юз минг тонналаб дейсизми?

— Ҳа.

— Пахта ўзи жуда енгил бўлади-ю, юз минглаб тоннаси қаёққа сиғади?

Темиров ўзини тутолмай кулиб юборди. Серёжа бўлса ишонқирамай, ҳайрон бўлиб турарди. Ё Темиров унга ҳазил гапни айтиб қалака қилаётипти, ё бўлмаса чинакам мўъжизани тушунтириб берди унга.

— Тўғри, пахтани кафтингга қўйсанг учиб кетади, ғалланинг бўлса оғирлиги сезилиб туради. Худди шу пахтадан юз-юз минг тонналаб етиштирилади, бир миллион тоннага ҳам етган.

Серёжа учун бу мўъжиза эди ва у ҳозир ана шу мўъжизакор оиланинг ўғли билан суҳбат қилиб ўтирганидан фахрланарди.

— Тошкентни мен биламан,— деди болаларга хос қизиқувчанлик билан Серёжа.

— Ростдан-а? Қаёқдан биласан?

— Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» деган китобини ўқиганман.

— Э-э... бундоқ демайсанми? Тошкент чиндан ҳам жуда чиройли, катта шаҳар.

— Мен Салтиков — Шчедриннинг «Тошкентлик жаноблар» китобини ҳам ўқиганман. Сиз боя Тошкентда ҳарбий билим юрти бор дедингиз. Салтиков-Шчедрин бўлса, аҳолиси мунча, ибодатхонаси мунча, кутубхона — қиротхонаси йўқ, билим юрти йўқ, турмаси битта бўлган шаҳарга тушиб қолсангиз, ҳеч иккиланмасдан ўзингизни Тошкентнинг қоқ марказидан деб билаберинг, янглишмайсиз, деган-ку.

Темиров ўзини тутолмай, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Ўрнидан туриб кетди, сира ўзини босолмасди, Серёжа нималигига тушунолмай ҳайрон эди. Анчадан кейин Темиров ёшланган кўзларини арта туриб, тушунтира кетди:

— Шчедрин ёзган пайтларда, тўғри, Тошкент ўшанақа шаҳар бўлган. Энди кўрсанг, тамомила бошқа, дўстим. Яхшиси, уруш тамом бўлсин, бир борсанг ўзим кўрсатаман.

— Раҳмат, албатта бораман. Темиров ака, яна бир нарса сўрасам майлими?

— Ҳа, сўрайбер, оғайни.

— Уйланганмисиз?— Серёжа уялинқираброқ унга тикилди.

Темиров уруш бошланмаганида шу йили кузда тўйлари бўлиши кераклигини, энди уруш ғолибона тамом бўлгач, албатта, уйланишини ва «ўртоқ Сергей Есенин»ни ҳам тўйга таклиф қилажагини айтди.

— Қайлиғингиз кутиб турармикан?— сўради у очиқ кўнгиллилик билан.

— Шунга умид қиламан, «ўртоқ Сергей Есенин».

— Кечирасиз, сўрасам майлими, отлари нима?

— Дилором. Ҳамқишлоғимиз. Ҳозир сиртдан ўқиб, мактабда тил ва адабиётдан дарс беради.

— Бошқага тегиб кетса нима қиласиз?

Темиров саволга савол билан жавоб берди:

— Менинг ўрнимда сен бўлсанг нима қилардинг?

Серёжа шу саволни берганидан ноқулай аҳволга тушиб, анча ўнғайсизланди-ю, бари бир кулимсираб туриб, дилидагини айтди:

— Севгига содиқ, вафодор қизга уйланардим.

Серёжанинг дабдурустдан бундай савол бериши ёшига нисбатан ярашмагандек, ноқулай кўриниб, Темировнинг ғашига теккан эди, бора-бора ўйлаб қараса, ёшимас, ақл-идрокига нисбатан табиий ва ўринли савол бераётган экан, энди тушунди. Шу важдан ҳам ҳамиша ҳаёлини банд қилиб юрган нозик ва мураккаб бу масалада ҳамдари топгандай, тенгқури билан суҳбатлашаётгандек гаплаша бошлади. Мана, кўриб турибсизки, энг нозик, қалтис жойидан тутди «Есенин» тушмагур.

«Бари бир у ҳали ёш, ҳали бошига муҳаббат савдоси тушиб, Мажнуну Тоҳир бўлишига беш-олти қовун пишиғи бор,— дея кўнглидан ўтказиб, ўзини-ўзи юпатиб қўярди,— аммо вафодорлик ҳақидаги фикрлари пишиқ, пухта. Ўзимни қийнаётган ҳам шу-да. Уруш чўзилиб кетаверса, Дилором кутиб ўтирармикин? Йўқ, Дилором ундайлардан эмас, у менга: «Севги вафоси билан, садоқати билан севги» деб қатъий сўз берган. У ўз сўзида туради...» Темиров озгина ўйланиб турди-да, Серёжанинг сўзларини такрор қилди:

— Мен ҳам севги ва вафога содиқ қизга уйланаман. Дилоромим шундай қиз.

Темиров фикрини бошқа ёққа чалғитиш учун шу топта эсига тушган бир шеърни ўқиб берди:

**Ишон неки бордир доимо,
Бейбтидо ва бейнтихо,
Неки ўтган, неки келажак
Ёлғон бўлган, ёлғон бўлажак.**

**Дуч келса бу жаҳонда
Икки ошиқ ёш юрак,**

— Биласанми?— сўради Темиров.

— Лермонтов,— дарҳол жавоб берди Серёжа.

Ертўлага Миша бобо кириб келди.

— Сизлар бу ерда отамлашиб ўтирибсизлар,— ҳазиллашди у.—
У ёқда Константин Петрович сизларни кутиб ўтирибди.

Кексалар: одамлар ич-ичидан қувонишса қувончлари юзларига чиқиб, нуронийлик бахш этади, дейишарди, рост экан. Миша бобонинг юзлари ҳозир шундай тусда, нуроний табассумда эди. Серёжа унга тикилиб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Мени ҳамми?— сўради Темиров.

— Иккалаларингни.

Улар ўрмондаги сал яхлаган ёлғизоёқ йўлдан юриб, кичкина бир майдонга чиқишди. Майдон тўрт томондан барги тўкилган қайинлар ва катта-катта эман дарахтлари билан ўраб олинган эди. Майдоннинг чап ва ўнг томонларида учта ертўла қурилган бўлиб, улардан биттаси командирнинг ертўласи эди.

— Оқ йўл сизларга, мен эса ўзимнинг темирчилик ишларимга қарай,— деди Миша бобо.

Темиров билан Серёжа Шаховнинг ертўласига тушиб кетишди. Ертўлада Константин Петрович билан бирга Николаев ва райком секретари Қолосов ўтирган эдилар.

— Жуда қимматли маълумотлар олиб келибсиз,— деди Шахов Серёжага негадир сизлаб. Унинг ҳайрон бўлганини кўриб, тушунтирди:— Сиз деяётганим сизларнинг ҳаммаларингни кўзда тутаятипман, сабаби шуки, бу маълумотларни ахир сен ҳам Серёжа, синглинг Ира ҳам, Тарас ҳам бирга тўплагансизлар, шундайми? Ҳа, баракалла, харита ва штабга оид маълумотлар жуда муҳим. Бизга немисларнинг планларини, айниқса, янги келган дивизия олдига қўйилган вазифаларни билиб олиш имконини беради. Офарин сизларга, немисларнинг қисмлари ва обозлари ҳақида маълумотлар тўплаб, жуда яхши иш қилибсизлар. Иринархий жўрасининг сурати ҳам жуда ўринли. Биз бу сотқиннинг кимлигини суриштириб билиб оламиз. Қани, энди чой ичамиз! Утиринглар!

— Серёжа, бу сенга!— Николаев қулимсираб, унга иккита сурат берди.— Буларнинг ишга дахли йўқ.

Серёжа суратларни олди. Бу Зоя Андреевнанинг Ира ва Серёжа билан ва унинг Тарас ва Серёжа билан тушган суратлари эди.

— Шошилиб бунга эсимиздан чиқарибмиз,— деди Серёжа.— Уша плёнкада эди.

— Узимиз ҳам шундоқ деб ўйлаган эдик,— деди Константин Петрович. Ва қўшиб қўйди.— Сизлар тўплаган маълумотларни фронт штабига хабар қиламиз.

«Бизнинг маълумотларимиз фронт штабига етиб бораркан-а,— ҳаяжон аралаш фахрланиш ҳис-туйғулари чулғаб олди уни.— Эҳтимол, Москвага, ўртоқ Сталиннинг ўзларига ҳам хабар қилишар?»

Кружкадаги чой аллақачон совиб қолган бўлса ҳам, ҳар замонда ундан бир қултум ичиб, томоғини ҳўллаётган, қанддондаги ҳар хил қилиб чақмоқланган қанддан биттасини бутунлигича оғзига солгиси ё бўлмаса тишлаб-тишлаб чой ичгиси келиб турган бўлса ҳам, раҳматлик онасининг: «Одам деган! Нафсига эрк берса, бурдини йўқотади» деган гаплари эсига тушиб, ўзини тийиб ўтирган Серёжа қуруқ чойдан хўплади-ю, нима бўлишини сабрсизлик билан кутарди.

Чой ичиб бўлишгач, Шахов таклиф қилди:

— Зарбдор группаларнинг командирларини чақирайлик. Вазиятни муҳокама қиламиз. Серёжа, сен ҳам кетмай тур. Бизлар билан бирга бўл.

Бир неча минутда ертўла одамлар билан тўлиб кетди. Улар орасида Иван Иванович ҳам бор эди.

— Сўз сенга, комиссар!— деди Шахов.

Николаев ўрнидан турди.

— Мана ноябрь ҳам келди, ўртоқлар! Немисларнинг ёз ойларига мўлжалланган хуруж қилиш планлари барбод бўлди. Шонли жангчиларимиз битмас-туганмас жасорат, қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатиб, мудофаа жангларини олиб бордилар ва фашизм машинасига зўр талафотлар етказиб, уни тўхтатдилар. Ҳа, тўхтатдилар, холос. Аммо бу деган гап немис фашизмининг тинкаси қуриди, куч-ҳолидан кетди, деган гапмас. Ҳали у кучли. Яна ҳужум қилиши тайин. Кучларини йиғиб, ҳужумга ўтиши тайин. Биз Берёзовкадан олган, Серёжа Есин ва унинг ўртоқлари сингари ватанпарварлар ёрдамида қўлимизга киритган маълумотлар ҳам шу фикрни тасдиқлаб турипти. Немислар фронтга янгидан-янги кучларни тўпламоқдалар. Қўлимизда Берёзовкага келган ва қишлоқ орқали ўтиб кетган янги қисмларнинг сости, Франциядан олиб, бу ёққа юборилган ўқчи дивизиянинг оператив хариталари, немис бўлинмалари командирларининг фамилиялари бор. Маълумотларга кўра, гитлерчилар Москвага ҳал қилувчи штурмга ҳозирлик кўрмоқдалар. Афтидан улар пойтахтимизни Октябрь байрамигача ишғол қилмоқчилар. Аммо улар бунга эришолмайдилар! Чунки ватанимизнинг сиёсий штаби — партия Марказий Комитети Москвада, мамлакатимизнинг стратегия штаби — Олий Бош Қўмондонлик Ставкаси ва Давлат мудофаа Комитети Москвада. Ниҳоят, ўртоқ Сталин Москвада! Аммо пойтахтимиз мудофаасига ёрдам бериш учун, Қизил Армиямизнинг қаҳрамонона курашига ўз ҳиссамизни қўшиш учун биз душманга орқа томондан зарбани кучайтиришимиз лозим. Бунинг учун...

Николаев партизан отрядининг октябрь охирлари ва ноябрь бошларига мўлжалланган барча операцияларини бир-бир айтиб чиқди.

Серёжанинг қишлоққа жўнаш вақти ҳам етди. Николаев ҳам, Темиров ҳам, Шахов ҳам, Иван Иванович ҳам Серёжани бирма-бир бағирларига босиб, хайрлашдилар.

Миша бобо неварасини анча ергача кузатиб қўйди. «Бошинг тошдан, устухонинг пўлатдан бўлсин, олгин, олдирмагин, болам», дея қаттиқ қучоқлаб, пешонасидан ўпди-да, зўрға бағридан чиқарди, қоронғида орқасидан қараб қоларкан, ўпкаси тўлиб, юраги увишди.

Серёжа тонг отар-отмас уйига соғ-омон кириб келди, тун бўйи мижжа қоқмай хавотир ичида акасини кутган Ирага кўзларини ёқимтой қисиб қўйган эди, шунинг ўзи кифоя қилди, гапга ҳам, сўзга ҳам ўрин қолмади, қизнинг уйқусиз мижжалари ёришиб, чарчоғи босилгандай бўлди.

Сўнгра у сингисига суратларни берди.

— Зоя хола билан тушган суратларимиз. Аппаратда қолиб кетибди,— деди ва дарҳол ўзини каравотга ташлади.

Серёжа ҳаммиша ҳар қанча чарчаб, уйқудан қолган бўлганида ҳам кайфи чоғ ҳолда ёстиққа бош қўйса, дарров уйқуга кетар, оз, аммо соз ухларди, қаттиқ, мириқиб ухларди-да, тиниқиб кўз очарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўрнидан туриб, юз-қўлларини юваркан, деразадан ташқарига қараб, қарабинини елкасига осиб юрган Юрани кўриб қолди. Унга тикилиб тураркан, ёнида Ира пайдо бўлди, худди ичидагини билиб тургандек, гап, сўзсиз, тушиндим, деган ишорани қилди-ю, пақирни кўтариб, ҳовлига чиқиб кетди. Дарвозанинг тирқишидан ташқарига мўралади, кўчада Юра билан бирга яна бир нотаниш полицаи юарди. У юриш-туришидан ва кийимларидан жазо отрядидан келган фашистга ўхшарди. Николаев айтгандай, қишлоққа жазо отрядининг каллакесарлари келган эдилар. Ира уни кўрди-ю, бошидан совуқ сув қўйилгандай сесканиб кетди. Полицаи дарвоза билан қудуқ ўртасида бўзчининг моксидаи у ёқдан-бу ёққа бориб келар. Ира Юранинг нотаниш полицаидан ажралишини сабрсизланиб кутарди.

Ниҳоят Юра якка қолди. Ира дарҳол дарвозани қия очди-ю, йўталиб қўйди. Юра ялт этиб шу томонга қаради ва қия очилган дарвоза тирқишидан юзининг ярми кўриниб турган Ирага кўзи тушиб, унга яқинлашди.

— Сени Серёжа сўраяпти,— деди Ира шивирлаб. Юра тўрт томонни кўздан кечириб, лип этиб ўзини ҳовлига урди, оёқ учида юриб, Иранинг орқасидан уйга кирди. Серёжа бошини столга қўйиб, пинакка кетган эди. Ира акасининг елкасига қўлини қўйиб, уни оҳистагина уйғотди ва Юрани кўрсатиб имлади.

— Салом.— деди Юра унга ташвишли оҳангда.

Серёжа Юранинг вазоҳатидан ҳайрон бўлди, Юра лабларига қўлини қўйиб, шивирлаган оҳангда сўради:

— Фашистлар Москвани ишғол қилганмиш, эшитдингми?

— Ким айтди?

— Колхоз идорасини эгаллаган жазо отрядининг солдатлари Фюрер қўшинлари Москвани ишғол қилгани муносабати билан ичкилик-бозлик қилишди. Музика чалиб, маст-аласт ҳолда ашула айтишди, тантана эрталабгача давом этди.

— Ёлғон!

— Ёлғонлигини биламан-у, Герасим ҳам радиодан эшитибди-ку.

— Қайси радиодан?

— Германиядан бўлса керак-да...

— Ёлғон! Фюрернинг Москвани жадал ҳужум билан олиш плаши барбод бўлди. Бундан кейин яна жон-жаҳди билан ҳал қилувчи ҳужум бошлайди. Гитлернинг бу ҳужуми ҳам барбод бўлади. Мана, кўрасан.

— Бутун халқ бир қатра қони қолгунча кўкрагини қалқон қилиб Ватанмиз юрагини ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳам Москва енгилмас шаҳар!

— Менда бир таклиф бор эди,— деди Юра.— ўзим бу иш билан шуғулланишим ноқулай, қалтис, сизлар қилсаларинг бўлади.

— Нима иш?

— Варақалар тайёрлаш керак. Элликтами, яхшиси юзта. Варақада Москва енгилмайди, ҳеч қачон фашистларга таслим бўлмайди, деб ёзиш керак. Варақаларни секин-секин ҳамқишлоқларимизга тарқатамиз. Одамларнинг руҳини кўтариш керак. Ҳақиқатни билишсин ҳаммалари!

— Мен тайёрман,— деди Серёжа.

— Мен ҳам,— унга қўшилди Ира.

— Жуда яхши,— деди Юра.— Лекин ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Босма ҳарфлар билан ёзинглар, немислар кимнинг қўли билан ёзилганини билолмасин. Тушундиларингми?

XVIII

Бир соат ўтар-ўтмас кутилмаганда ака-ука Есинлар учун қувончли воқеа содир бўлди. Немислар уларнинг уйдан чиқиб кетишди. Берёзовкадаги бошқа уйлар ҳам бўшади, афтидан, баъзи қисмлар фронтга жўнатилган эди. Генерал Шнайдер билан полковник Голлер ҳам жўнашди.

Серёжа билан Ира қоғоз ва бўёқ олиб ишга тушиб кетишди.

— Текст қисқа бўлиши керак. Менимча шундоқ ёзсак бўлади,— таклиф қилди Серёжа.— «Фашистларнинг иғвосига ишонманглар! Москва яшаб келди, яшайди, ҳамиша барҳаёт! Яшасин Қизил Армия! Яшасин Ватанмиз! Душман тор-мор қилинади! Биз ғалаба қиламиз!» Маъқулми?

— Маъқул,— деди Ира.

— Шунинг билан қўй, бирон кор-ҳол рўй берса, ҳаммасини дарров клиёнка тагига беркитасан,— деди Серёжа.

Кўчада қор кучайиб, аччиқ изғирин забтига оларди. Ер ялаб, ши-

мол бўрони эсмоқда. Берёзовкада гала-говур анча босилиб қолган немис кўшинлари ва техникасининг бир қисми қишлоқдан чиқиб кетган эди. Қор ёғиб, бўм-бўш қолган уйлар, бомбардимондан кулга айланган харобалар сал оқарди. Кечаси совуқ тушди.

Юра шу совуқда навбатчиликка чиқишни истамасди-ю, лекин чиқиш зарур эди. Бугун-ку бирамас икки карра зарур эди. У иссиқ кийиниб, кўчага чиқди. Бир неча немис соқчилари ёнидан ўтди, улар билан саломлашди, биттаси билан унчалик аҳамияти бўлмаган у-булар ҳақида сўзлашди.

Муздек шамол юзларига игнадек санчилар, ярага туз сепгандек ачитарди. Кўзларидан оққан ёшни рўмолчаси билан артиб, тўхтовсиз одимлар, тўхтаганида тепинарди. Оёғига иссиқ пийма кийиб олган бўлса ҳам тирноқларининг ости зирқирар, чидаб бўлмас даражада оғрир, заҳар сепилгандек ачишарди. У Шульганинг уйида чироқ ёниб турганини кўрди-ю, бир пасгина исиниб чиқишни кўнглидан ўтказиб, ўша томон юра бошлади. Эҳтиёткорлик билан кўча эшигини очиб, деразадан қаради. Стол ёнида Герасим, Мария, Иринархий ўтирарди. «Демак ҳаммаси жойида»,— деди Юра.

Қор бўрони забтига оларди. Аллақаёқдан итнинг увиллаган овози эшитиларди. Юра ўзини муюш панасига олди. Соатига қаради. Чорак кам ўн икки бўлипти.

Эшик ғирчиллаб очилгани эшитилди ва остонада Иринархий кўринди. У кўча эшик томон одимлади. Эшикни очди-да, қайси томонга юришни мўлжаллаб турганида, Иринархийнинг қаршисидан Юра чиқиб қолди.

— Салом, ҳамкасб! Яхши кайф-сафо қилдингизми?

Иринархий кайфи тарақ бўлса ҳам Юрани таниди.

— Сенмисан?

— Белгиланган тартибга мувофиқ постдаман,— деди тетиклик билан Юра.— Юр, кузатиб қўяман.

— Фонарчанг борми? Мен олмаган эдим, ҳаммаёқ зимистон-ку, қуриб кетсин.

— Фонарча топилади.

Улар пастга қараб, Иринархийнинг уйи томон юришди. Елғизоёқ йўл девор ва барги тўкилган буталар бўйлаб ўтарди. Чап томонда урушгачаёқ ахлатхонага айлантирилган чуқур жарлик бошланарди. Юра Иринархийни қўлтиғидан ушлаб, бирдан чапга қайрилди.

— Нега бу ёққа?— сўради Иринархий.

— Юр. Бир нарса кўрсатмоқчиман!

Улар бутазор оралаб жар чеккасига чиқдилар. Юра Иринархийни қўйиб юборди, фонарини ўчирди ва карабинини елкасидан олди.

— Ватаннинг буйруғи билан қотил ва сотқинга — ит ўлими!

Иринархийнинг дейишга улгурмасданоқ Юра тепкини босди. Иринархийнинг гавдасини оёғи билан жарликка итариб юборди. Тақаб отилган ўқ овози секин чиқди, уни биров эшитмаган ҳам бўлиши мумкин. Юра бир нафас тўхтаб турди-да, карабинини елкасига осиб, катта кўча томон юрди.

Эрталаб колхоз идораси олдида иккита қора машина ва унинг атрофида келган тўртта мотоцикл тўхтади. Машинадан тушган амалдорлар шошилганича ичкарига кириб кетишди. Хўжайинларини мотоциклда қўриқлаб келган солдатлар эса шу ерда қолишди. Улар совуқда қотиб, ер тепинар ва ҳув-ҳувлашиб, у ёқдан-бу ёққа чопардилар, «Шошмай туринглар ҳали, газандалар,— деди Юра ичида, ер тепинаётган фашистларга кўз қирини ташлаб — яқинда ҳақиқий рус аёзи бошланиб, чигирткадек қириласанлар».

Шу пайтда ичкаридан чиққан офицер Юрани чақириб қолди. Юра югуриб унинг олдига борган эди, офицер жаҳл ва зарда билан: «Ҳозирок старостани топиб, олдинга солиб кел», дея буйруқ қилди.

Ҳарбийча итоат қондасини ўрнига қўйган Юра ўқдек учиб кетди, уйга кирасолиб, бақирди:

— Герасим, ҳо, Герасим!

Ҳеч ким жавоб бермади. Юра унинг каравоти олдига бориб уйғота бошлади. Аммо Герасимни ҳозир тўп отиб ҳам уйғотиб бўлмасди. Кечаги ичкилик ўз кучини кўрсатарди, ўқ ўтмайдиган қилиб, зирҳлаб қўйганди, жонсиз мурдадек чўзилиб ётарди. Тарас ҳам келиб, отасини уйғотишга уринди. Бироқ Герасим уларнинг бақририб чақирришига хурақ билан жавоб берарди.

Тарас бир пақир совуқ сув келтириб отасининг бошидан қўйди. Герасим ҳушёққандай бир тўлғанди-ю, нариги томонга қараб ўгирилиб ётди. Тарас унинг бошидан яна сув қўйди. Ниҳоят у уйқу аралаш бир кўзини очдию тепасида ким турганини ҳам, бошига ким сув қўйганини ҳам кўрмай, жирканч сўзлар билан сўкина бошлади. Тарас бу сўкинишларни назар-писанд қилмай, яна унинг юзига сув қуя бошлади, ҳеч бўлмагандан кейин қулоғининг остига оғзини қўйиб. «Гестапо» дея қичқирди. Герасим гестапо деса юраги ёрилиб кетгудай кўрқарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди, бу даҳшатли сўзни эшитиб, бошини кўтарди, Юра билан Тарасни кўриб яна шилқ этиб ёстиққа ташлади.

Юранинг сабри чидамади, жаҳли чиқиб, овозининг борича қичқирди:

— Гестапонинг амалдорлари сени сўраяпти. Тур, кийин!

Герасим ўрнидан турмоқчи бўлувди, бироқ зил-замбил боши тарс ёрилгудай оғриб, кўзи тиниб, каравотдан йиқилиб тушди. Юра милтигини деворга суяб қўйди-да, унинг гавдасини бақувват қўллари билан кўтариб ювинтирди, кийинтирди ва, ниҳоят, ёш болани етаклагандай қўлидан ушлаб, ташқарига олиб чиқишдан бошқа иложи қолмади. Ёёқларидап дармон кетган, бошининг оғриғига чидай олмай инграган Герасим кўчага чиқдию, анча нарида, колхоз идораси олдида турган машина ва мотоциклларни кўргач, кўзлари ёришиб, ҳушёр тортди. Юра то идорага етгунча унга меҳрибон бўлиб, насиҳат қилиб борди. «Старостанинг ишончидан чиқмаслик» тўғрисидаги буйруқ шундай қилишни тақозо этарди.

Ҳаво кундан-кун совиб борарди. Тинмасдан ёққан қор оламни оппоқ кўрпага буркади. Дарахтларнинг шохи қор ва муздан қўнғироқлар боғлади. Бунинг устига тез-тез изғирин шамол туриб, юзларга игнадек уриларди, турган гапки, фашистларнинг юзига бигиздек қадаларди. Шундай изғирин шамол кўтарилганда немис қўшинларининг катта бир қисми Берёзовка қишлоғи орқали Шарқий фронтга ўта бошлади.

Колхоз идорасидан латтадай бўшашиб, маъюс бўлиб чиққан Герасим совуқда қотиб, қишлоқдан ўтаётган солдатларни бир зум кузатиб турганди, кўзлари тиниб, гандираклаб кетди. Унинг аҳволини кўриб, ҳаракатларини назардан қочирмай турган Юра, «Роса адабини еганга ўхшайди», дея кўнглидан ўтказди-да, эпчиллик билан ёнига ўтиб олди.

— Ҳимм... Саҳарда жазо отряди келади,— деди у Юрага.— Рўйхатга тушганларни майдонга йиғамиз. Улар ҳаммаси Германияга жўнатилади.

— Улар Германияга бориб нима қилади?

Герасим бу саволга истар-истамас жавоб берди:

— Ҳимм... Жуда ғалати одамсан, Юра. Нима қиларди, қул бўлиб, эшакдай ишлайди.

— Энди тушундим.— деди Юра.

Герасим ерга тикилиб, ўй-хаёлга ботиб келаётган Юрага бир нимани айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтладию, яна тўхтади. Ниҳоят у ҳамроҳига худди ёлборгандай оҳангда сўзлади:

— Ҳимм... Кечаси бир-икки стакан кўпроқ ичилди, Юра. Энди афсус қилаяпман. Ҳимм... Бировга айта кўрма, дўстим. Ҳа, айтгандай, Германияга жўнатиладиган одамлар тўғрисидаги буйруқ қатъиян махфий. Узинг билсанг бас! Уқдингми?

— Сен ҳам ғалати одамсан, Герасим. Ахир, бу қишлоқда сендан бошқа ишонадиган одамим борми? Йўқ. Биров билан борди-келди ҳам

йўқ Фақат яккаю ягона сен билан сирдошман, дўстим. Билиб қўй — оғам ҳам, дўстим ҳам, ўртоғим ҳам ўзинг. Сен билганинг мен билганим, мен билганим сен билганинг. Ахир, шундай оғир уруш иккаламизнинг ҳам тақдиримизни бир занжир билан боғлаган. Мен сен учун жонимни беришга тайёрман.

— Ҳимм... Мен ҳам, Юра, кел, дўстлигимиз ҳурматига бир стакан дан ичайлик. Бошим тарс ёрилгудай оғрияпти.

Улар старостанинг уйига кириб кетишди.

Эртаси куни азонда қишлоқда облава бошланди. Большевиклар ва қишлоқ активларининг қариндошларини ушлашди. Ҳаммаёқни оҳ-воҳ, йиғи-сиғи овозлари тутди. Бори-йўғи саккиз кишини топиб, правлениега ҳайдаб келишди. Клаус чолларга тегмасликни буюрди. Ушланганлар аёллар ва ўсмирлар эди.

Эберт етиб келди.

— Кўз-қулоқ бўлиб туринглар!— деди у соқчиларга қараб.— Ҳозир машина келади.

Ярим соатдан сўнг ушланганларни усти ёпиқ юк машинасига туширишди. Шофер ёнига унтер-офицер, ушланганлар билан бирга кувозга уч солдат ўтирди. Машинани тўртта мотоцикл қўриқлаб борарди.

Герасим бу операциядан хабардор эди. Лекин бу сафар немислар нима сабабдандир уни бу ишга аралаштиришмади, шундан юраги ғаш эди. «Нима, ишончдан чиқдимми?»— деб ич этини еярди. Нима қиларини билмай, ўзини у ёқдан бу ёққа ташларди. Бесабр бўлиб, асабийлашиб турганида, полицаи Юра кириб келди.

— Жаноб староста, жарликда амакингиз Иринархийнинг жасадини топишибди,— деди у.

Кечқурун уни Клаус чақиртирди.

— Партизанлар ушланганлар тушган машинага ҳужум қилишибди. Соқчилар қириб ташланган. Тўққиз киши. Ушланганларни ўғирлаб кетишган. Бунга нима дейсиз, жаноб староста? Умуман нима қилаяпсиз ўзингиз?

Шульга қўрққанидан дир-дир қалтирарди.

— Сиздан сўраяпманми ё девордан?— овози борича бақирди оберлейтенант.

— Ҳимм... Мендан...— ғулдуради Герасим.— Ҳимм... Лекин сиз мени чақирмаган эдингиз, оберлейтенант.

— Бунинг нима аҳамияти бор? Кечаси кимдир сизнинг жигарингизни ўлдириб кетибди. Бундан ҳам хабарингиз йўқми?

— Ҳимм... Хабарим бор...

Клаус уйнинг у бошидан бу бошига бориб келарди. Бирдан унга ўгирилди-да, бақира бошлади:

— Осаман сизни, тушунаяпсизми?

— Ҳимм... Тушундим,— деди зўрға ғулдуллаб Герасим.

— Бутун оилангиз билан!

— Ҳимм... Тушундим...

Ҳеч нарсани тушунмаяпсиз!— деди Клаус. Энди у анча бамайлихотир гапирарди.— Тушунганингизда эди...

Шульга дам у, дам бу оёғини босиб турарди.

— Боринг, қабристонда тўққизта гўр қазитинг. Зудлик билан!— буюрди оберлейтенант.— Мен ҳалок бўлганларнинг жасадларини олиб келиш учун машина юборганман... Арзимаган саккизта рус учун армиямизнинг тўққизта жасур жангчиси ҳалок бўлди. Бу қандай адолатсизлик!

XIX

Зоя Андреевнанинг касали кундан-кунга зўрайиб, оғирлашиб борарди. Мана бир ҳафтадирки, Тарас билан Ира навбатма-навбат унинг бошида парвона, ёнидан жилмайди. Беморга қўшилиб дард чекардилар, касал билан олишардилар. Ира анчадан буён иштаҳадан қолган

беморга турли-туман парҳезли таомлар пиширар, сут қайнатар, чой дамларди. Ранглари заъфарон, кўзлари ич-ичига тушиб кетган Зоя Андреевна шу ҳафта ичида одам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Эти бориб суякка ёпишди, чўпдай озиб, хазондай сўлиб-қуриб, куч-қувватдан қолди. Ира пишириб келтирган товуқ шўрвадан зўрға бир-икки қошиқ ичарди-да, «Кўнглим тортмаяпти», «Кўнглим айниаяпти», дея тарелкани суриб қўярди. Қон босими қийнагандан-қийнарди, тобора кўтарилиб, бошини тарс ёргудай оғриқ берарди.

Шундай дақиқаларда Ира сираям чидолмасди, баб-баравар дард чекарди, тикилиб туриб Зоя холанинг бардошига ҳайрон бўларди. «Наҳотки, давоси бўлмаса, шифо дори топилмаса,— ўзича куйиб-пишиб, юм-юм йиғларди Ира,— нима қилсам экан? Қаёққа борсам бўларкин? Лоақал врачга кўрсатиб, ҳеч бўлмаганда укол билан дардини енгиллатса бўлар-ку, ахир. Шошма, Ира, Герасим амакига ялиниб кўрсанг... Ахир, хотини-ку, ўлибдими шу ҳолидаям ёрдам қилмаса. Истаса ўша хўжайинларининг врачини ҳам чақиртира олади...— Ўз ёғида ўзи қовуриларди Ира.— Ҳалиям ёш бола экансан,— дея ўзига-ўзи дакки бера бошлади,— Герасим одам бўлганида хотинининг олди-га кириб, лоақал ҳол сўрамасмиди? Сен даволатиш, врач чақиришни айтасан-а. Тарас жудаям бекордан-бекорга отасидан юз ўгираётгани йўқ, аслини ўйласанг, Зоя холанинг дардини оғирлаштираётган нарса ҳам эрининг мана шу кирдикорлари, ифлосликлари бўляпти. Шундай бўлсаям Зоя хола «эрим аблаҳ» деб ўзи ҳам айтмайди, «отанг хоин» деб Тарасга ҳам бир оғиз гапирмайди, ҳаммасини ичига ютади, ютган сари дарди оғирлашади. Иложи борича бизларнинг олдимизда эри шаънига бўлган адоватини яширади, болаларнинг ёш қалбини заҳарламай, дейди Зоя хола. Мен билмайманми шуларни, ҳаммасига ақлим етади. Фақат Зоя холага жабр бўляпти-да, Бечора...»

Бугун Зоя Андреевна ётган пастки хонада ўтган тун жуда оғир кечди. Саҳарга бориб юрак оғриғи хуружи кучайиб кетди. Оғриқ азобига чидайолмаган Зоя Андреевна тўхтовсиз инграрди, юрагини ханжар билан тилиб азоб берганида, дод солиб юборарди. Тарас ҳам, Ира ҳам унга қўшилиб йиғлардилар, бедаво дардга қандай шифо топишни ўйлаб, изтироб чекардилар. Аммо қўлларидан нима ҳам келарди? Тонготарга бориб оғриқ сал пасайди, бемор бир оз тинчланди. Бироқ гапиришга ҳам, кўзларини очишга ҳам ҳоли келмасди. Чилпарчин бўлиб ётарди.

Ира чой қайнатиб, яхшилаб дамлади-да, икки қошиқ асални чойда эритиб, кечадан буён туз тотмаган Зоя холага иссиққина тутди, зўрма-зўраки қошиқлаб ичирди. Оғриқ азобидан салгина қутулган Зоя Андреевна кўзларини оҳиста очиб, қизга меҳр билан нигоҳ ташладую, ҳоли келмай, яна кўзини юмиб олди.

— Ирочка, жоним қизим,— дея нимжон қўлини чўзиб, Иранинг билагига қўйди,— бошимга тушган азоб-уқубатларга шерик бўлдинг. Бу олижаноб фазилатларинг худди онангникига ўхшайди. У раҳматлик ҳам кимнинг бошига кулфат ёғилса, кимнинг уйида нотинчлик бўлса, ҳаммадан олдин ёрдамга етиб келарди, каттаю кичик ҳамманинг ғам-аламига шерик, дардига ҳамдард бўларди. Ке, кўз ёшларининг арт, қизим. Мана юрак оғриғи ҳам ўтиб кетди, тинчландим. Лекин мана шу хуружининг ўзиёқ куч-қувватимни олиб кетди. Жоним қизим, сендан ўла-ўлгунча миннатдорман. Бу одамийлигинг учун мендан қайтмаса, Тарасдан қайтар, Тарасдан қайтмаса худодан қайтар, худойим омадингни берсин, бахтингни берсин, болагинам.

Ира оппоқ рўмолча билан беморнинг ярим очиқ кўзларидан оқаётган ёшларини артар экан, илтижо қилди:

— Зоя хола, ўзингизни босинг, жон хола. Уринсангиз тагин ёмон бўлади, рост, кечаси жудаям қўрқитиб юбордингиз. Тарас ҳам, мен ҳам ваҳимага тушиб йиғладик. Яхшиям Юра бор экан, оғриқнинг зўрайиши, хуружи тезда ўтиб кетади, деб бизларга далла берди, юпатди.

— Герасим-чи?— сўради Зоя Андреевна. Ира кутилмаганда берилган саволга жавоб тополмай, ялт этиб Тарасга қаради. Тарас ҳам нима деб жавоб беришни ўйлаб, саросимага тушди ва «уйда йўқ эдилар», деб жавоб берди.

Ташқари эшик тақиллади. Қўлида тугунча кўтарган ҳолда Серёжа кириб келди:

— Зоя хола,— деди у меҳрибонлик билан, каравотга яқинлашиб,— сизга сариёғ келтирдим. Юмшоқ нонга сариёғни асалга қўшиб суркаб есангиз, тезда тузалиб кетар экансиз.

— Қим айтди?

— Бир табиб.

— Баракалла, сенга ҳам, ўша табибга ҳам, болам. Аммо шуни унутмагинки, юрак касалининг давоси одамларнинг меҳри, сизларнинг меҳрларинг,— деди у Серёжанинг кўнглини кўтариб.

Зоя Андреевна бир беморга кўрсатиладиган бу қадар зўр эътибор ва меҳрибонлик учун ич-ичидан қувонарди. Шу билан бирга, бегона боланинг муруватини ўз эрининг совуқ муносабатларига солиштириб, «Бири инсон, бири ҳайвон», дея кўнглидан ўтказарди.

Зоя Андреевнанинг юзлари салгина ёришди, бошини кўтариб, Серёжанинг пешонасидан ўпди ва хасталик азобини бирга тортиб, ҳамдард бўлган болаларга бир-бир миннатдорчилик билдирди. Шу уришнининг ўзи ҳам чарчатди шекилли, беҳол кўзларини яна юмиб олди, орага жимлик чўкди. Болалар ҳам «бемор ором олсин», дегандек бошларини қуйи солиб жимгина ўтирар эканлар, ҳар ким ўз фикри-хаёли билан банд эди, бемор сўрамаган табибни Ира ҳам, Тарас ҳам сўрамади, суриштиришмади. Онанинг ороми — ҳаммаларининг ороми эди ҳозир.

Бироқ бу осойишталик узоққа чўзилмади. Кўча томондан эшик очилиши ва ғовур-ғувур гаплашиб уйга кирган номаълум кишиларнинг шарпаси сукунатни бузди. Зоя Андреевна салгина безовта бўлиб, кўзларини очди-ю, яна нимжон қовоқлари оғирлашиб, юмиб олди. Ира оёқ учига юриб ошхонага кетди. Тарас бўлса уйга кириб келган нота-ниш кишиларни эшик тирқишидан кузатди. Серёжа аллақачон уйга чиқиб кетган эди. «Таниш ва нотаниш одамларнинг кўзидан узоқроқ бўлиш — бу вазиятнинг талаби» — дерди у ўзига ўзи.

Кечқурун Тарас янги хабар топиб келди.

— Мен Иринархийнинг шеригини билиб олдим. Ҳалиги-чи, биргалашиб рўйхат тузган, Ира суратга олган-чи...

— Оти нима экан?

— Дормидонт.

— Дормидонт, Дормидонт... Қишлоғимизда бундай исмли одамни учратганим йўқ эди, ё сен биларминг?— сўради Серёжа.

— Йў-ўқ. Иринархий ўлдирилгандан кейин Дормидонт дадамнинг олдига яна келди. Ўтириб ичишди. Мария хола ҳам Дормидонтни билладиганга ўхшайди.

— Буни тезроқ Мартиновга етказсак яхши бўларди,— деди Ира.

— Қандай қилиб етказамиз,— хаёл суриб қолди Серёжа.— Ушланганлар тушган машинага ҳужум қилинганидан кейин Мартинов ғойиб бўлди. Мен уйига бориб кўрдим, уйда йўқ.

— Хотини нима деди? Унинг чақалоғи бор-ку.

— Билмайман, қаёққадир кетди, дейди.

— Менимча, партизанларга хабар қилган — Мартинов,— деди Ира.

— Тахмининг тўғрига ўхшайди,— унинг фикрига қўшилди Серёжа.— У тажрибали, ақлли ва жасур одам, буниси аниқ. Хотини ҳам билмаслигидан кўриниб турибдики, у жуда эҳтиёткор.

— Ўша Дормидонтнинг кирдикорларини қандай қилиб билиб олса бўларкин?— деди Ира.

— Ҳаракат қилиб кўраман,— деди дарров Тарас,— дадамдан суриштирай-чи...

Тарас уйига чиқиб кетди.

— Ойим ҳеч нарса емаяптилар...— деди у отасига.

— Ҳимм... Нима демоқчисан.

— Кўнгилларига ёқадиган бирон нарса топсак бўлармиди...

Шульга ўйланиб қолди:

— Ҳимм... Дормидонтдан илтимос қилсакмикин?

— Яхши бўларди.

— Ҳимм... Мен унинг ўзини унча яхши билмайман-да,— иқроп бўлди Герасим.— Иринархий бўлганда бошқа гап эди, афсус ҳалок бўлди.

— Иринархий амаки уни қаёқдан биларди?

— Ҳимм... Игнатовкада бирга бўлишган экан.

— Асирларнинг лагери жойлашган ердами?

— Ҳимм... Эҳтимол ўшандайдир. Ҳа, мунча суриштириб қолдинг уни?— ҳушёр тортди Герасим.

— Ўзим,— бепарво елкасини қисди Тарас.

Герасимнинг кўнгли ғаш эди, кейинги кунларда. Клаус билан Эбертнинг назаридан қолаётгандай, ишончларини оқлолмаётгандек туюларди. Иринархийнинг ўлдирилиши ва партизанларнинг немис машинасига ҳужуми уни саросимага солиб қўйди. Буёқда қишлоқда тарқатилган варақалар дарди устига чипқон бўлди. Балки Москвани олганлари ҳақидаги хабар чиндан уйдирмадир, ким билсин тағин. Кудимов воқеасидан сўнг у эшигининг ғижирлаши-ю, кўчадаги ҳар бир шарпадан шубҳаланадиган, одамларга ишонгиси келмайдиган бўлиб қолди. Биттаю битта ишонадигани Иринархийдан ҳам айрилди. Дормидонтни ҳали яхши билмасди, шу ваздан ишонмасди. Унга фақат Юра ёқарди: ўз кишиси, ишончли, ишчан, немислардан ҳам, партизанлардан ҳам ҳайиқмайди. Фақат бир томони Шульгага ўхшамайди, аниқроғи ёқмайди. Ичкиликка тоби йўқ.

Еш йигит бўла туриб, ичмайди. Ичиш тугул оғзига ҳам олмайди. Энсангни қотиради. Эркак деган номга иснод келтиради. Кўрсам кўнглим айнийди, дейди-я...

Бу ёқда яна янги ғалва.

Немислар Берёзовкада аввалги сафар ушлаёлмаган большевикларнинг қариндошларини қидиришарди. Клаус билан Эберт бу гал Шульгани ҳам жалб этишганди. У немисларнинг жазо отрядида солдатлар билан бирга уйма-ўй юриб қишлоқ айланарди, ҳадеб қўлидаги рўйхатига қарарди, қарамаса ҳам ёд бўлиб қолганди. Ҳар қалай уч кун деганда беш кишини топишга муваффақ бўлишди. Турган гап, Клаус норози эди бундан. Бари бир қанча уринишмасин, шундан сўнгги қидиришлар натижа бермади Тутқунликдаги беш киши правление биносига қамаб қўйилган, уларни жўнатиш вақти келган эди.

— Ишонаман, булар энди ўрмонга, партизанлар ҳузурига эмас, Германияга жўнашади,— деди Эберт.— Нима дейсиз, староста?

— Худди шундай бўлади!— эс-ҳушини йиғиб, рапорт берди Герасим.

Шу орада у Юрани кўриб қолди ва унинг ёнига борди.

— Партизанлар ҳақида нима хабар бор?

— Мени партизанлар безовта қилаётгани йўқ,— деди Юра.— Шу ердаги ишбузуқиларни эплаб турсак ҳам катта гап.

Қишлоқ аҳолиси, ҳақиқатан ҳам, немисларнинг фармонларини менсимасди— тош йўлнинг қорини тозалашдан тортиб, то герман армияси солдатлари учун иссиқ кийимлар тўплашгача бўлган топшириқларни бажаришмасди.

Шульга Юранинг осойишталиги ва сабот-матонатига ҳаваси келарди. Ушланган беш киши ҳамон жўнатилмай турарди. Герасим нима бўлаётганига тушунолмасди.

Бирдан уни Клаус чақиртириб қолди. Унинг олдида Эберт ҳам бор эди.

— Жаноб староста! Вазият ўзгарди,— деди анча мулойимлик би-

лан Клаус.— Энди биз қишлоқдаги барча аҳолини тўплашимиз керак, тушундингизми — барчасини! Ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини Германияга жўнатамиз. Майиблар, қарилар, ёш болалар керак эмас. Сизга бунинг учун қанча вақт талаб қилинади?

— Химм... Ҳаракат қиламан,— деди Шульга.

— Сизга уч кун муҳлат!— қатъий оҳангда деди Клаус.— Танлаб олинган кишиларни кетма-кёт ўша тутқунликдаги беш киши ёнига, тўпланиш пунктига етказиб боринг. Ҳаммаси тушунарлими?

— Худди шундай, жаноб оберлейтенант!

— Лейтенант сизга ўз одамлари билан ёрдам беради,— деди Клаус Эбертга ишора қилиб.

Ёшига нисбатан анча семиз бу офицерни у ич-ичидан ёқтирмасди. Унинг ҳаддан ташқари сергаплиги, маҳмадоналиги, мақтанчоқлиги гашига тегарди. Лекин на чора? Хизмат — хизмат-да!

XX

Мартинов аслида Берёзовкадан ҳеч қаёққа чиқмаган, немисларнинг тумшуғи тагида — вайронага айланган ҳаммомда жойлашиб олган эди. Ҳаммомнинг яхши сақланган ярмида яшаса бўладиган хона бор эди. Хотини кунига икки маҳалдан унга овқат олиб келарди.

Бир гал кечаси олдига Юра кириб келди.

— Шульганинг ўғли берган маълумотларга кўра, Дормидонт Ири-нархий билан бирга Игнатовкадаги ҳарбий асирлар лагерида хизмат қилган. Лекин муҳими бу эмас. Қишлоқда янги киши пайдо бўлиб қолди. Ганс исмли немис. У граждандан кийимида юради, аслида офицер бўлиши керак. Мен уни икки марта жазо отряди солдатлари билан ўрмон яқинида кўрдим. Сенинг уйинг атрофида ҳам, Есинларнинг уйи атрофида ҳам. Ҳатто менинг уйим атрофида ҳам ўралашиб қолди. Жудаям эҳтиёт бўлишинг керак.

— Эртага бормоқчи эдим. Николаев кутяпти.

— Ҳа, айтгандай, Ганс русча тоза ва равон гаплашади.

— Огоҳлантириб қўйганинг учун раҳмат.

Мартинов тонг ёришишини кутмасданоқ қоронғи тунда ўрмонга чиқиб олишга қарор қилди. Соат икки яримда эҳтиётлик билан ҳаммомдан чиқиб яхлаган дарё бўйига тушди ва кимсасиз қирғоқ бўйлаб ўрмон томон юриб кетди.

Оёқ босганида қор ғирчилламасин деб этикларининг тагчармига бир дастадан пичан боғлаб олди. Мартинов қирғоқ бўйлаб юрганда ҳаммаёқ тинч эди. Лекин нишаб қияликдан далага чиқиши билан олдинда осмонни ёритиб ракета учди. Мартинов ўзини таппа ерга ташлади. Бир-икки минут ўтгач ер бағирлаб судралиб кетди. Ўрмонга бори-йўғи бир неча қадам қолганда орқа томондан осмонни ёритиб учган сарғиш ракета чирсиллаб парча-парча бўлиб кетди-да, ерга етар-етмас ўчиб қолди. Яна тўхтаб, кутиб туришга тўғри келди. «Шошма! Шошма! Ошиқма! Сабр қил!» дерди у ўзига. Унинг йўли бора-боргунча ёритилиб турди деса бўлади, ўн қадам юради-ю, ялт этиб тепасида ракета ёришиб кетади, таппа ерга ташлайди ўзини, эллик-олтмиш қадам юрадими-йўқми, тағин шу аҳвол. Хуллас, фашистлар бора-боргунча тўхтовсиз ракеталар отиб, йўлини кундуздай ёритиб туришди, назарида топшириқ муҳимлиги, вақт зиқлигини билиб, ракетачи менга раҳм қиляпти деб ўйларди.

Мартинов яна ер бағирлаб судралиб кетди. Лекин шу пайт ит во-вуллагани ва яқин атрофда қорнинг ғирчиллаши эшитилди. Ўрмонга бир қадамча қолганда бир сакраган эди, қандайдир сойликка йиқилиб тушди. Итларнинг вовуллаши яқинлашиб келарди. Ўзини билдириб қўймаслик учун Мартинов нафасини ичига ютиб ётди. Тун сокинлигини бузиб, анча олисдан эшитилган немисча гаплашган овозлар сал ўтмай тиниб қолди. Мартинов яна бир неча минут сабр қилиб, қулоқ солиб ётди-да, ўрнидан туриб, таниш ўрмон йўлини қидира кетди.

Энг хавф-хатарли йўл орқада қолган эди. Лекин Мартиновни бошқа нарса шубҳага соларди. Партизанлар лагерини қидираётган немислар аста-секин ўрмонга яқинлашиб келишаётган эди. Бу эса отряд билан алоқани минг бор қийинлаштирарди. Лагерга келгач Мартинов шу шубҳаларини Николаевга айтди.

— Тўғри, алоқа қийинлашиб боряпти, лекин бу ҳол бизларнинг ҳаракатимизга халақит бермаслиги керак,— деди Николаев.— Қани, менинг ертўламда бирон соат дамингни ол-чи, кейин Шаховнинг ҳузурига борамиз.

Шахов Мартиновни самимий кутиб олди.

— Сен немислар кучли, дейшинг мумкин. Бу тўғри,— деди у.— Аммо энди биз улардан унчалик қўрқмасак ҳам бўлади. Тўрт юз партизанамиз бор. Шундан уч юзи фаол жангчи. Биз, қандай қилиб бўлмасин, ҳамқишлоқларимизни фашистлар тутқунлигидан қутқазимиз керак. Хўш, айт-чи, улар Германияга қанча одам юборишмоқчи?

— Бизнинг ҳисобимизга кўра элликдан ошиқ,— деди Мартинов.

— Демак, операцияни ўтказиш учун биз камида юз киши ажратишимиз керак бўлади. Хўш тутқунлар қамаб қўйилган жой Клаус, Эберт ва бошқа офицерларнинг уйдан қанча масофада?

— Клаус ўттиз метрча масофада, Эберт сал нарироқда яшайди. Лекин унча узоқ эмас. Ҳаммаси бир жойда.

— Уларни неча киши қўриқлаяпти?

— Соқчилар эртаю кеч навбатчилик қилишади. Ҳар уйга биттадан соқчи.

— Правление биноси олдида-чи?

— У ерда тўртта соқчи.

— Жуда соз. Демак...

Шахов асосий планни таърифлаб бўлгач, Темировга сўз берди:

— Қани, лейтенант тафсилотлари билан айтиб бер.

Темиров Берёзовка харитасини ёзиб қўйиб, гап бошлади:

— Биз бир вақтнинг ўзида иккита зарба беришимиз керак. Бири колонна катта йўлга чиққан пайтда, тўппа-тўғри колоннанинг ўзига. Мана бу ерда, йўлнинг чап томонида тошлар бор, шундан фойдаланишимиз керак. Бу иккинчи зарба бўлади. Биринчиси Клаус билан Эбертнинг уйларига, майдондаги соқчиларга қаратилиши, немисларнинг эътиборини асосий зарбадан чалғитиб, ўн-ўн беш минут олдин бошланиши керак. Биринчи зарбага мен раҳбарлик қиламан. Бевосита тутқунларни озод қилиш билан Николаев шуғулланади. Яна битта группа ташкил этиш керак. Шартли равишда уни ҳимоячи группа деб атайдик. Бу группа ўрмон ёқасида жойлашади ва лагерга қайтишда бизни ҳимоя қилиб туради. Бу ишни Константин Петрович ўз зиммасига олади.

— Қандай мулоҳазалар бор?— сўради Шахов.

— Эҳтиёт шарт, аниқлик учун менда бир фикр бор,— деди Мартинов.— Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, немислар колоннани жўнатиш вақтини бошқа муддатга кўчиришлари мумкин. Емельянов билан биз энг сўнгги дақиқаларда ҳаммасини қайтадан текшириб кўрамиз. Юра полицаи сифатида бари бир майдонда бўлиши зарур, у сигналга сигнал беради. Сигнал ўрнида карабинини боши узра кўтаради. Пистирмада ўтирган биринчи ва иккинчи группалар бу сигнални аниқ равшан кўриб олишлари керак.

— Маъқул,— деди Константин Петрович.

Кечаси Шахов Мартинов билан хайрлашди.

— Омадинг келсин.

— Раҳмат.

— Худо ўзи асрасин.

Шу пайтда Темиров билан Николаев ҳар бири ўттиз кишидан иборат ўз группаларини тўпладилар ва белгиланган операцияни мукамал ўрганиб чиқдилар.

Қишлоқ аҳолисини жўнатиш учинчи ноябрь, эрталаб соат саккизга тайинланган эди.

Группаларнинг лагеридан жўнаши ўша куни тонгга — соат тўртга белгиланди. Эрталаб ҳаво совиб кетди. Партизанлар изғирин тун шамолида ташқарига чиқиб, сафга тизилдилар.

Тонг ёришмасданоқ правление олдидаги майдонда итлари билан жазо отрядининг солдатлари ва ўнта резина ғилдиракли арава пайдо бўлди. Мотоциклчилар етиб келишди. Соат ўн минути кам саккизда майдонга Клаус, Эберт, Ганс, Шульга келдилар. Юра ҳам шу ерда эди.

Шу пайтда Темировнинг группаси полизлар оралаб, билдирмасдан қишлоққа етиб келди ва Эбертнинг уйи яқинида пистирмага жойлашиб олди. Клауснинг уйи сал нарироқда эди. Партизанлар немисларнинг кўчага чиқиб майдонга кетаётганларини пистирмадан кўриб туришарди. Уйларнинг олдида фақат соқчилар қолганди.

Николаевнинг группаси ўрмондан катта йўлга чиқиб тошлар орқасидаги пана жойдан йўлни кузатарди. Шаховнинг группаси улардан нарироқда, ўрмон ёқасида қолди.

Немислар тутқунларни майдонга олиб чиқдилар ва араваларга жойлаштирдилар. Юра карабинини боши узра кўтарди. Темиров ҳам, Николаев ҳам буни дарҳол пайқаб олдилар.

Эберт солдатларга қандайдир кўрсатмалар берарди. Клаус Шульга билан гаплашиб турибди. Эғнида барра ёқали қора чарм пўстин, бошига папоқ кийиб олган Ганс Юранинг олдига келиб, унга папирос узатди, кейин зажигалкасини ёқиб, олдин Юрага тутди. Сўнг ўзи тутатди. Шу орада колонна саф тортди. Колоннанинг олдинида ва охирида мотоцикллар, икки томонини соқчилар қуршаб олган, ёнларидаги баҳайбат итлар эса эринчоқлик билан аравалардан кўзларини узмай туришарди.

Ниҳоят Клаус олдинга ўтиб, қўлини кўтарган эди, Колонна қўзғалди.

Темиров бутун вужуди билан ҳужумга шай бўлиб турарди, аммо бир оз сабр қилиш зарур эди. Олдинда кетаётган иккита мотоцикл тош йўлга чиқиб олди. Уларнинг кетидан аравалар эргашди. Биринчи, учинчи, бешинчи, еттинчи, ниҳоят ўнинчи арава ўтди. Охирида келаётган учта мотоцикл ҳам тош йўлга чиқди. Шу пайт Темиров ўз группасига хитоб қилди:

— Олға!

Майдонда бир неча солдат ва қоровулдан бўшаган соқчилар юришарди. Бирдан майдонга қарата автоматлардан ўқ ёмғири ёғилди. Эберт билан Клауснинг уйларига ёнилғи солинган шишалар ва гранаталар ташланди.

Колонна бир неча дақиқа тош йўлдан олдинга қараб юра берди, бироқ харсанг тошларга етганда тўхтаб қолди. Мотоциклчилар ва жазо отряди солдатлари нима қилишларини билмай орқаларига ўгирилдилар. Итлар вовуллай бошлашди. Тутқунлардан бири аравадан сакраб тушди. Харсанг тошлар орқасидан Николаевнинг жангчилари ёпирилиб чиқиб, немисларни ўққа тута бошладик, тўхтовсиз ёғилаётган ўқ соқчиларни тутқунлардан ажратиб қўйди.

Майдонда Клаус ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб, югуриб юрар, Эберт нималардир деб бақирарди. Ганс ер бағирлаб ётиб олганича мўлжалсиз, тахминлаб ота бошлади. Немис офицерлари жойлашган уйлар аланга ичида ловуллаб ёнарди.

— Орқага қайтилсин! — Команда берди Темиров ва ўз группаси билан полизлар оралаб Берёзовкани айланиб ўтди. Улар Николаев группаси билан бирлашишлари керак эди. Энди Темиров тош йўлда нима бўлаётганини кўрмасди, аммо эшитилаётган отишма овозлари ва қий-чувдан у ерда ҳамма иш жойида эканлигини бехато билиб турарди. Темиров ўз группасини ўнг томондан тош йўлга олиб чиққанида, Николаевнинг жангчилари озод қилинган тутқунлар билан бир-

га ўрмонга чекинмоқда эдилар. Фақат учта партизан немисларнинг сўнгги араваларидан отларни чиқармоқда эди. Йўлда йигирмага яқин солдатнинг жасади, учта от ва иккита итнинг мурдаси ётарди. Афтидан тирик қолган солдатлар итлари билан қишлоққа чекинишган эди.

Куёш анча баланд кўгарилиб, совуқ туман орасидан хира ёруғлик сочиб турибди. Шахвнинг группаси шошилмасдан ярадорларни араваларга жойлаб, ўрмонга кириб кетишди. Ярадорлар тўрт киши эди.

XXI

Клаус билан Эберт икки кундан буён ғазаб ўтида ёниб, Шульга билан Юрани кўз очиртирмас, негадир кўпроқ ўз юртдошлари Гансдан аламларини олардилар. «Мен адашганга ўхшайман,— дерди ичида Юра.— Ганс ҳеч қанақа мансабдор шахс эмас, арзимаган одамга ўхшайди. Бўлмаса немислар уни бунчалик оёқ ости қилишмасди».

Дарҳақиқат, бир томондан Ганс ҳамманинг, шу жумладан Юранинг ҳам пайида юрар, полицайлар ва жандармлар билан бирга ўрмон ёқаларида изғиб, партизанларнинг изини қидирарди, иккинчи томондан, Клаус билан Эберт олдида хушомадгўйлик қиларди. Бир қарасанг граждан кийимида юрар, қоровул хизматини ўтамасди, кеча бўлса Клауснинг деншиги билан биргалашиб уйига ўтин ташиб, печкасини ёқиб юрди. Юра Гансни маст-аласт ҳолда ҳам кўп учратган, аёллар масаласига келганда-ку, диди пўстак. Берёзовкадаги энг ярамас бир аёл — ишратпараст тегирмончининг қариб қолган қизи Нина гарчанд Гансдан ўн беш ёшларча катта бўлса ҳам у билан топишиб олди.

Ҳозир Ганс Шульга билан бирга оберлейтенантга янги уй қидириб, қишлоқ айланиб юрибди. Клаус староста билан Ганс топган учта уйни ёқтирмади. Оберлейтенант униси бўлмайди, буниси ёқмайди деб инжиқлик қилавергач, Шульга ўз уйини таклиф этган эди, Клаус қатъиян рад этди.

— Йўқ, Эберт билан биз ҳув анави уйда яшаймиз...— деди қўли билан бир уйни кўрсатиб.

Бу уй унча катта бўлмаса ҳам, анча янги, уруш бошланишидан сал олдин қурилган, илгари кимсан колхоз раиси Шахвнинг ўзи яшаган эди.

Клаус буни билармиди, билмасмиди Шульга бу ёғига бошини қотириб ўтирмади, Мария билан Тарасни ёнига олиб, уни саранжом-саришта қилиб қўйишга шошилди. Герасимни шуниси ажаблантирардики, у ўша тўс-тўполондан кейин ўтган вақт мобайнида Дормидонтни кўрмаган эди, ҳатто ўша кун — учинчи ноябрда ҳам у йўқ эди. «Ё кўрққандан қочиб кетди,— ўйларди у,— ёки бекиниб ётибди?» Жаноб офицерларни жойлаштириб бўлиши биланоқ Дормидонтнинг олдига бориб, хабар олишга қарор берди.

Клаус, бахтсизлик аламини баб-баравар тортган дўст сифатида Эбертга нолий кетди.

— Ҳамма ҳужжатларим ёниб кетди...

— Мен сақлаб коллодим. Худди кўнглим сезгандек ўзим билан олган эдим,— деди Эберт.

— Ҳа, толеингиз баланд,— деди оберлейтенант қовоғидан қор ёғиб.

Герасим офицерларни жойлаштириб, Мария билан Тарасни уйига юборди. У ҳали майдонга ҳам етмаган эди, кимдир чақириб қолди. Орқасига ўгирилди. Олдида капитан Мейерни кўрди.

— Мен сизни қидириб юрибман, староста.

Мейер анчадан буён қишлоқда кўринмай қолганди. Ҳарҳолда терговни тамом қилганидан буён Герасим уни кўрмасди. Бировлар уни ҳаракатдаги армияга кетибди деса, бошқа бировлар район марказида эмиш дейишарди. Мана энди Мейер бу ерга таширф буюрибди. Утган кунги воқеа муносабати билан келмадимикин?

— Химм... Қулоғим сизда, жаноб капитан.

— Юринг менинг ҳузуримга, ҳозироқ!— буюрди Мейер.

Ўзининг клубдаги илгариги кабинетида капитан бир неча варақани чиқариб старостанинг олдига қўйди.

— Бу нима деган гап?

«Яшасин Улуғ Октябрнинг XXIV йиллиги!»— ўқиди Герасим. Варақалар қўлда ёзилган эди. Очигини айтганда Герасим индинга байрам эканлигини ҳам эсидан чиқарган экан. Мана энди келиб-келиб...

Мейер унинг ёнгинасига келиб, қулочкашлаб шапалоқ туширди. Герасим зарбани чидам билан кўтарди, лекин капитан кетма-кет яна уч марта шапалоқ туширди. Шульга столга ноқулай қоқилиб кетиб, йиқилиб тушди.

Капитан энди уни ётган ҳолида оёғи билан тепа бошлади.

— Химм... Химм... Қайси гуноҳим учун? Қайси гуноҳим учун? Қайси гуноҳим учун, ахир?— зор қақшарди қонга беланган Герасим.

— Ҳаммаси учун! Ҳаммаси учун! Аблаҳ, ҳайвон рус!— дея уни баттар саваларди Мейер.

Бирдан ҳаммаси жимиб қолди. Капитан кабинетидан чиқиб кетди, Шульга туришга ҳоли келмай полда ётарди. Ҳатто кўзи ҳам илинган-дек бўлди-ю, лекин икки солдат кириб, уни судраб олиб чиқишди.

Герасим уйдагина ўзига келди. Кўзини очиб, пешонаси, боши бинт билан танғиб ташланганини ҳис этди. Аъзойи бадани зирқираб оғрирди. Мария, Тарас ва Ира унинг атрофида ўралашиб юришарди.

— Химм... Тирикманми ўзи?— сўради Герасим.

— Сенга қўлини кўтарган ким экан?— йиғларди Мария.

— Химм... Бунинг аҳамияти йўқ,— деди қийналиб Шульга.— Тирикманми, бас, шунинг ўзи етади.

Эрталаб аҳволи сал энгиллашди, лекин бир бало-қазо иккинчисини эргаштириб келаркан, кўча томондан кимларнингдир югур-югури, овозлар ва итларнинг вовуллаши эшитилди.

— Химм... Тарас, қара, нима бўлаяпти у ерда?

Тарас кийиниб кўчага чиқиб кетди. Анчагача ундан дарак бўлмади. Ниҳоят у кириб келди.

— Химм... Нима гап?

Тарас индамади. Герасимнинг назарида унинг чехрасида билинар-билинемас кулумсираш кўрингандай бўлди.

— Химм... Қани, гапир,— деди бақариб Шульга.

— Клубда, тепасида байроқ...— деди сўз тополмай Тарас.

— Химм... Қанақа байроқ?

— Қизил, катта, ўроқ-болға ва беш қиррали юлдуз шакли солинган байроқ,— деди Тарас.

— Химм... Бир ками шу эди!— деб юборди Герасим.

Тарас сўзида давом этди:

— Немислар байроқни олишга роса уринишяпти-ю, лекин иложини қилишолмаяпти. Том сирпанчиқ. Улар кўпчилик, итлари ҳам бор. Клаус ҳам, Эберт ҳам, ҳаммалари тўпланишган... Яна бир қора кийимдаги офицер бор. Илгари кўрганману...

— Химм... Қора кийимдагиси Мейер,— фаҳмлаб олди дарров Шульга.— Яхшиям ҳозир мен у ерда эмасман? Оғриқдан, аламдан, ожизлигидан ва қаҳр-ғазабдан инграб юборишга сал қолди.

Герасим бир неча кун ётиб қолди. Олдига Юрадан бошқа ҳеч ким келмади. Немислар уни унутиб қўйгандек эди. Дормидонтдан ҳам домдарак бўлмади. «Тузалганимдан кейин Дормидонтникига бориб келиш керак», деди ўзига ўзи.

Охири яра- чақалари тузалиб, бинтлари ҳам олинди.

— Химм... Бир айланиб келай,— деди у Марияга,— энди кўчага чиқсам ҳам бўлади.

У ўғринча кўчага чиқаётгандек атроф-теваракка олазарак алангларди. Мана Иринархийнинг уйига ҳам етиб келди. Дормидонт шу

ерда яшарди. Герасим эшикка қўл узатган эди, бемалол очилиб кетди. Герасим биттаю битта бўлса ҳам анча кенг хонага кирди.

— Химм... Шу ердамисан?

Дормидонт стол ёнида баҳузур чой ичиб ўтирарди.

— Салом,— деди у Шульганинг олдига келиб.

— Химм... Қаерларда йўқолиб юрибсан,— сўради Герасим.— Бутун қишлоқни айланиб чиқдим, тополмадим...— ёлғон ҳам қўшиб қўйди.

— Шу ерда эдим, қаёққа кетардим. Уқ ёмғирида қолишни хоҳламадим, мени ҳеч ким чақирмади ҳам,— деди Дормидонт.— Ўтир, чой ич. Балким ўткирроғини кўнглинг тусар? Унисидан ҳам бор...

— Химм... Йўқ демайман,— деди Шульга.— Иш бошдан ошиб ётибди. Кейинги кунларда анчагина ғалвалар ҳам тушди бошга...

— Биладан, биладан, хўп гап эшитиб олибсан. Бориб кўрмаганим учун хафа бўлма... Ўтир, қани, ўтир!

Дормидонт буфетдан бир шиша очилган «Московская» ароғи билан газак бўладиган ниманидир олиб столга қўйди.

— Химм...— Қара-я, ҳали сенда ўзимизникидан бор экан-а?— таажжубланди Шульга хушёқиб,— очигини айтсам, чет элдан келтирилганини ёқтирмайман, ҳарҳолда ўзимизникидан яхшиси йўқ. Сен қаёқдан топа-қолдинг ўзи?

— Бу ўша Игнатовкадан. У ёққаям немислар аллақайси ўзимизнинг заводимиздан олиб келишган эди.

Улар узоқ ўтиришди, шшилмасдан ейишди, ичишди, чойхўрлик қилишди, лекин Дормидонт бирон марта Берёзовкада содир бўлган воқеа ҳақида сўрамади. Шульга эса ўзича гап бошлашни истамасди, кейинги кунларда ҳаддан ташқари кўп ғалваларни бошидан ўтказган эди.

— Ҳа, Герасим, Москвада ҳар қачонгидек мажлис ҳам бўлибди, парад ҳам. Биласанми?— кутилмаганда сўраб қолди Дормидонт.

— Химм... Бўлмаган гап! Қаёқдан биласан?

— Ҳа, биладан,— мужмал жавоб берди Дормидонт.— Мана шунақа гаплар, оғайни...

Шульга ҳайратда қолди. Анча вақт ўтгандан кейингина сўради:

— Химм... Билганларингни айтиб бер. Батафсилроқ.

— Нимасини батафсилроқ дейсан. Парад қизил майдонда бўлибди. Бир кун илгари мажлис ўтказилибди. Сталин нутқ сўзлабди. Парадда ҳам нутқ сўзлабди.

— Химм... шунақа дегин,— Дормидонтнинг сўзларини маъқуллаб турди Шульга.— Охири нима бўларкин, нима дейсан!

Дормидонт жим қолди.

— Агар немислар ғалаба қилмаса, сен билан менинг кунимиз битди деявер,— деди ниҳоят у.

Эшик тақиллади. Домидонт очди. Остонада Тарас турарди.

— Дада, мен сизга келувдим, Серёжанинг аҳволи ёмон. Зотилжамга ўхшайди. Бирон дори топишга ёрдам беринг.

— Мен ёрдам бераман,— деди отаси ўрнига жавоб бериб Дормидонт,— менда бор...

У шкаф томон юрди, қандайдир порошок ва таблеткалар олди.

— Мана, ўғлим...

— Вой, раҳмат!— деб юборди Тарас.— Хўп, мен кетдим, унинг аҳволи жуда оғир...

Тарас уйдан чиққанида муюлишда бекиниб турган Гансни пайқамади.

XXII

Серёжанинг аҳволи ҳақиқатан ҳам оғир эди. Навбатдаги топшириқдан қайтаётиб, у ўрмондан чиқди-да, таниш ёлғизоёқ йўлдан юриб борди-ю, ўрмон этагида, қишлоққа кираверишда таққа тўхтаб қолди. Бир неча қадам орқасига қайтиб, катта қарағай панасида биқиниб,

қишлоқни кузата бошлади. Урмон ичида унчалик сезилмаган изғирин шамол бу ерда бўралаб юзга урар, бурнини учириб кетгудай бўлар, қалин қор ичида ер тепкилад туришдан бошқа чораси йўқ эди.

Қишлоққа бир неча соатда вазият гамомила ўзгариб, қадам бошиш ҳам амри маҳол, хавфли бўлиб қолганди. Бутун қишлоқ жазо отрядининг солдатлари ва уларнинг итлари билан тўлиб кетганди. Серёжа қоронғи кечада тинтув қилинган уйлардан чиқаётган қий-чув, йиғи-сиғи, дод-вой овозларини, гўдакларнинг бағри-дилни эзиб, юракларни ларзага соладиган чинқириқларини, фашистларнинг қутириб, бақириб сўкишлари, ҳақоратларини, итларнинг увиллашини эшитиб, қор ичида биқиниб ётарди. Тонг яқинлашган сари унинг учун хавф-хатар ҳам ортиб борарди, нима қилишни, қандай қилиб уйга етиб олишни ўйлаб саросимага тушар, йўл ахтарарди.

Қишлоққа бир томондан, фақат дарё томондан етиб олиш мумкин, деган қарорга келди Серёжа. Қор қалин, қирғоқ, қиялик, юриш ниҳоятда қийин бўлишини билса ҳамки, бошқа чора йўқ эди. Эҳтимол ҳали юришмас, эмаклаб, судралиб юришга тўғри келишини ҳам ўйлаб қўйганди. Бунинг устига тонг ёриша бошлагани ёмон эди. Қимирламай ётиб, увишиб қолган оёқлари ҳадеганда ёзилавермади, унга сари асабийлашиб, тез ҳаракат қиларди. Қиялик тик келган жойларда бир-икки марта сирғаниб, пастга тушиб кетди. Шунда кимдир ўргатган усул эсига тушиб, қорга юмалаб силжий бошлади. Шу йўсинда анча ергача борди. Ҳовлиси шундоқ кўриниб қолганида, бирдан оёқлари ости ўпирилиб, қорнинг остига тушиб кетди, додлаб юборишига сал қолди, бўйнигача қорда турганича, чиқмоқчи бўлиб уринган эди, бирдан қудуқ бўйида бўйнига автомат осган фашист у ёқдан, бу ёққа бориб келаётганини кўрди.

Серёжа қор остида анча ётиб пайт пойлади. Унинг қайноқ нафаси, юрак ҳовури билан қор ҳам эриди, ер ҳам илди. Энди нима қилсин? Нафасини чиқармай қор остида ётаверсинми? Ёки фашистнинг орқасидан бориб, ўзини унинг остига ташласин-у, бўғиб қўяқолсинми? Серёжа шу хаёлда бутун вужудида қаҳр-ғазаб билан мардлик-жасорат жўш уриб турган дақиқада фашист солдати Герасимнинг уйига кириб кетди. Серёжанинг фикри-ўйи яшиндек тез ўтди-ю, қулай фурсатдан эпчиллик билан фойдаланишга ундади. Қушдай учиб уйига кириб кетди ва... буёғини ўзи билмайди, Ира билади, у ҳаммасидан воқиф, ҳаммасига балогардон. Серёжа эшикдан кира солиб ўзини каравотга ташлаганича, олов-оташдай ёниб ётибди. Боя қор ичида турганида ер ҳам, қор ҳам исигандай туйилгани ҳаммаси иситманинг хуружи экан. Мана ҳарорати тобора кўтарилиб, бетоқат бўлаётибди, кўрпасини очиб ташлайди, тугмаларини ечаман деб узиб юборди, ўзини билмайди, бўғилиб-бўғилиб алаҳлайди, инграйди, тишларини ғижирлатади. Томоқлари қақраб кетгани бўғиқ овозидан билиниб турибди-ю, сув деёлмайди. Ира бошини кўтариб, бир-икки ҳўплам сув ичирди. Ира жуда мушкул аҳволда қолган мана шу дамларда Тарас жонига оро кирди. Қаёқдандир дорилар топиб келди. Иранинг назарида акаси ана шу доридан кейин анча энгил тортгандек бўлди.

Эртасига Тарас Серёжага говуқ шўрва олиб келди.

— Ойим бериб юбордилар. Ойимларга дадам Дормидонт орқали топиб келтирибди,— деди Тарас.

Ира шўрвани иситиш учун ошхонага чиқиб кетди:

— Қандайсан, яхши бўлаяпсанми?

— Сенинг ёрдаминг билан,— кулиб қўйди Серёжа.

Шу пайт кимдир деразани тақиллатиб қолди. Тарас дераза олди-га келиб, сал ях тортган ойнадан ташқарига қаради.

— Ганс-ку,— деди ҳайрон бўлиб Тарас ва форточкани очиб сўради:— Сизга нима керак?

— Ирага айт, чиқсин,— деди Ганс совуқда ер депсиниб.

— Ира, сени сўраяпти,— уни чақирди Тарас.

Ира ҳайрон бўлиб дераза олди-га келди.

— Бу ёққа чиқ, жуда зарур иш бор,— деди Ганс.
— Ҳозир,— жавоб берди Ира ва кийиниб ташқарига чиқди.
— Галати-ку, унга нега Ира керак бўлиб қолдийкин?— ҳайрон бўлди Серёжа.

Тарас яна деразадан ташқарига қаради.

— Қўринишмаяпти. На Ира, на Ганс.

Серёжа бирдан ҳушёр тортиди:

— Эшитяпсанми? Менимча, Ира додлаяпти...

Тарас эшитишга эшитмади-ю, лекин бари бир шапкасини кийиб яшиндек отилиб, ташқарига чиқиб кетди. Ҳаммом томон кетган оёқ изларини кўрди ва ўзини ўша томонга урди. Ҳаммом эшигини қаттиқ тортиб очиб юборган эди, бўрдоқига боқилган чўчқадай гавдаси билан Иранинг устига миниб олиб, қўли билан унинг оғзини ёпишга уриниб кийимларини юлиб ечаётган Гансни кўрди.

— Аблаҳ!— дея бақриб ичкарига ташланди Тарас.

Ганс пишиллар, ҳеч нарса қулоғига кирмаётгандек эди. Ира унинг кўкрагига ёпишиб олиб, жон-ҳолатда чинқирарди, унга қаршилик кўрсатарди. Тарас жаҳл ва ғазаб оташида қўлига дуч келган болтанинг сопи билан фашистнинг бошига шундай урдик, Ганс қонга беланган ҳолда шилқ этиб ерга йиқилди, ҳушидан кетди. Тарас чақ-қонлик билан унинг автоматини елкасига тақиб олди-да, Ирани тургазди. Рангида ранг қолмаган Ира маст одамдай гандираклаб кетди.

— Нима бўлди?

— Кўрмаяпсанми, ёпишиб олди.

— Юр, кетдик! Қани, қўлингни бер!— Тарас уни қўлтиқлаб олди.

— Энди нима бўлади?— Ира даҳшат ичида Гансга қараб қўйди. Улдириб қўйдингми уни — а? Тасаввур қилаяпсанми...

— Улдирдимми, ўлдирмадимми — бари бир гўр,— деди дарғазаб бўлиб Тарас.

— Ундай дема. Ахир, биз...— Ира жим қолди.— Қараб кўр-чи, балки тирикдир?

— Кейин бир гап бўлар,— деди Тарас.— Юр, бу ердан кетайлик.

Тарас дарҳол кўчага чиқиб, Юрани чақриб келди. У келганда Ганс ҳамон ҳушсиз ётарди. Унинг олдида нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган Юра фашистнинг бошидан бир пақир совуқ сув қуйди. Шундагина унинг кўзи очилди. Юра уни деворга суяб, юзларидан оқиб тушган қонни артди ва бошининг ярасига бир парча латта қўйди. Ганс ҳамон маст эди. У Юрани кўрган сари қўрқиб кетарди. Чунки Юра унинг жирканч қилмишларини бошлиғи Эбертга етказгудай бўлса уни жаҳаннамга, жилла бўлмаганда фронтга юборишига ақли етарди.

— Қани, сенлар уйга бориб ўрин тайёрланглар,— деди Юра Тарасга.— Ароқ борми?

— Ароқ нима қилсин бизда, йўқ. албатта...

— Бўлмаса, Тарас, сен ғизиллаб қаёқдан бўлса ҳам ароқ топиб кел. Ҳозирча уни бу ёққа кўчириб ётқизай. Кейин бир гап бўлар.

— Дадамга бориб кўрайми,— деди Тарас.

— Дадангга бўлса дадангга бор, лекин нимага кераклигини айтма,— маслаҳат берди Юра.— Бунинг автоматини бер. Ҳозироқ!

Тарас арақ қидириб юрганда, Юра Ганснинг гавдасини ҳаммомдан судраб уйга олиб келди. Ганс нималарнидир гулдирар, кўзини очолмасди.

— Бунча оғир, тўнғиз,— деди Юра Гансни полдан кўтариб каравотга ётқизаркан. Серёжа билан Ира унга ёрдамлашдилар.

— Латта билан совуқ сув олиб кел,— деди Юра Ирага.

Ира ғизиллаб ошхонага чиқиб кетди. Юра у олиб келган латтани кувачадаги сувда хўллаб. Ганснинг пешонасига қўйди. Ганс сал қимирлаб кўзини очди-ю, яна юмиб олди.

— Энди, Ира, шошилмасдан, нима бўлганини бир чеккадан айтиб бер,— деди Юра.— Энг муҳими у сенга нима демоқчи эди...

— Биласизми, у мени чақирди. «Муҳим иш. Сергей қалай?.. Ундоқ бўлса, сенга Шаховдан топшириқ бор», деди. Мени ҳаммомга олиб кирди. Айғоқчи у, ифвогар! Ўзини отряддан келган ўзимизнинг одамимиз қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Мен унинг ифвосига учмадим. Ҳайрон бўлган кишидай унга тикилдим. У жуда маст эди. Буни менга ёпиша бошлаганидан кейингина пайқадим. Мени ушлаб олди, пальтомни юлиб олмоқчи бўлди... Чинқириб дод солдим. Шу пайт, Тарас...

— Хўш, хўш,— дерди Юра,— ушлаб оладиган қалтис жойи чиқиб қолди. Демак, ўзини Шаховнинг одами қилиб кўрсатибди. Жуда соз. Николаевнинг номини ҳам тилга олибди. Федотов ҳақида ҳам энди у яшириниб юришга мажбур дебди...

Тарас икки шиша немис шнапси олиб келди.

— Дадамдан сўроқсиз олдим. Ҳеч ким кўрмади. Оз эмасми?

— Нима деяпсан, оз эмас, кўплик ҳам қилади.— Юра Ирадан сувни янгилаб беришини илтимос қилди:— Совуғроқ бўлсин,— деди. Ганснинг пешонасидаги латтани қайта-қайта янгилаб, ярасини артиб турди.

Ганс зўрга кўзларини очди.

— Қаердаман ўзим?

— Қаерда бўлишингизнинг аҳамияти йўқ, кимлар орасида бўлишингиз муҳим,— деди Юра.— Хўш аҳволингиз қалай?

— Емон,— иқрор бўлди Ганс ва болаларга кўзи тушиб сўради:— Булар шу ердамиди?

— Улар бизга халақит бермайди,— деди Юра,— мана сиз ғоят катта хато қилиб қўйибсиз.

— Қанақа хато?— тушунмади Ганс.

— Сирингизни фош қилиб қўйибсиз-ку...

— Қанақа сир?

— Майли, ҳозирча бундан гапирмайлик. Яхшиси, ичайлик,— таклиф қилди Юра.— Ира, марҳамат қилиб, бизга қуйиб беринг-чи!— Йўқ, рюмкагамас! Яхшиси стаканларга қуйинг...

Ганс ётган каравот ёнига Ира иккита стакан, Тарас шиша олиб келишди.

— Яна, яна,— деб турди Юра.— Бунақа ишдан кейин тўлатиб ичса ҳам бўлади.

У тўлатиб қуйилган стаканни Гансга тутди, уриштирди, ўз стаканини охиригача ичди.

— Қани, Ганс, ичиб юборинг!

Ганс стаканини бўшатди.

— Оҳ, закуска ҳам бўлганда эди!— деб қўйди.

Ира унга бир бурда қора нон узатди. Юрага ҳам тутган эди, у олмади.

— Хўш, қандай қилиб мен сиримни фош қилиб қўйган эканман?

— Қандай қилиб дейсизми? Чакагингиз очилиб. Шаховнинг топшириғи ҳақида айтиб қўйибсиз,— деди Юра қатъий суратда.

— Ахир, мен... мен...

— Сен эканингни кўриб турибман!

Ганс болаларга кўз қирини ташлади-да, тутақиб гапирди:

— Тушунсангиз-чи, ахир, мен ҳаммасини ўшаларни... Есинларни фош қилиш учун тўқиганман. Назаримда улар...

— Қани, яхшиси яна ичайлик, иш ҳақидаги гаплар қочмас,— таклиф қилди Юра.— Ира! Стаканларга қуйинг.

Ира унинг илтимосини бажо келтирди.

— Сизнинг хотиржамлигингиз учун!— деди Юра, яна уриштирди.

Ганс юзларини буриштириб, стаканни бўшатди, лекин нонга қўл урмади. Юра бўлса, аксинча, бир бурда нондан тишлаб олди.

— Буларнинг олдида гапиришни истамайман, чиқиб кетишсин,— илтимос қилди Ганс.

Юра кулумсираб қўйди.

— Қани, болалар, бир айланиб келинглари! Серёжа, сен қўшни хонага чиқиб туратур. Сен касалдан кейин ташқарига чиқишинг...

Тарас билан Ира кийинишди, Серёжа хонадан чиқиб кетди.

— Ана энди ёлғиз ўзимиз қолдик, Ганс,— биринчи бўлиб сўз бошлади Юра.— Қани рўй берган аҳволга ўзингиз тўғри баҳо бериб кўринг-чи. Бордию сизнинг Есин билан бўлган суҳбатингизни Клаус билиб қолса, у нима деб ўйлайди? Аввало сиз Шаховнинг агенти экансиз деб ўйлайди...

— Лекин мен тушунтириб бераман!— ялинди Ганс.— Мен вермахт солдатиман!

— Нима, Германияда антифашистлар йўқми? Германия армиясида ҳам антифашистлар йўқ дейсизми?— сўради Юра.— Шунга кафилик бера оласизми?

— Эҳтимол бордир ҳам...

Ўзингизнинг агент эмаслигингизни қандай қилиб тушунтириб берасиз? Ахир, Клаус ҳам, Эберт ҳам сизга бунақа топшириқ беришмаган-ку. Сиз ўзингиз немиссиз ва немисларнинг ишда пухта одамлар эканлигини яхши биласиз. Хўп, айтайликки, сиз ҳақиқатан ҳам Шаховнинг агенти сиз...

— Шунга ишонасизми?— унинг сўзини бўлди Ганс.

— Фараз қилайликки ишонмайман, лекин шубҳа қиламан,— тушунтирди Юра.— Эҳтимол сиз ростдан ҳам агентдирсиз! Партизанлар ҳийлагар бўлади!

— Бекор гап!— деб юборди Ганс.

— Бекор гап эмас, Ганс, ҳақиқат шу. Клаус билан Эберт партизанларнинг ҳаракатларидан шу даражада дарғазаб бўлаётдиларки, сиз ўз ташаббусингиз билан иш тутганингизга ишонишдан кўра, сизнинг агент эканлигингизга кўпроқ ишонишади.

— Аҳмоқ эканман!— деди ғамгин оҳангда Ганс.— Қанақа аҳмоқман-а!

— Эй, жуда ҳам ошириб юбордингиз-ку,— кулумсиради Юра.— Мен сизнинг дўстингизман ва буни амалда исбот қилаоламан.

— Қандоқ?

— Бу жуда осон. Биринчидан, сиз билан содир бўлган воқеа ҳеч кимга етиб бормайди. Мен қизчани кўрқитиб қўяман. У ҳам ғинг демайди. Бирон ҳодиса юз бериб қолган тақдирда сиз менга ёрдам берасиз.

Юра Гансга диққат билан тикилди. Ганс гап нимада эканлигини тушуниб олишга ҳаракат қилар, лекин тагига етолмасди.

— Мен нима қилишим керак?— юраги дов бермасдан сўради у.

— Ҳозирча ҳеч нарса — тушунтирди Юра.— Лекин ҳаммамиз худонинг бандасимиз. Мен мушкул аҳволга тушиб қолишим мумкин. Ана ўша пайтда сизнинг ёрдамингиз зарур бўлиб қолиши эҳтимол. Сизни билмадим-ку, ўзим баъзан Клаус билан Эбертдек офицерларнинг чўрткесарлигидан кўрқаман. Улар у ёқ-бу ёғини суриштирмай иш туттишлари мумкин.

— Мен ҳам улардан чўчийман.

— Қани, учинчисини кўтарамизми? Бизда учта бўлса худога ёқадиган гап бор.

— Майли...

Юра Гансга ва ўзига яна ярим стакандан қуйди.

— Менга кўпроқ бўлса ҳам майли,— деди Ганс.— Бошим тарс ёрилай деяпти.

— Қани, кўтардик!— деди Юра, унинг стаканига яна қуйиб.

Охиригача ичишди. Юра столдаги нонни олиб, баравар икки бўлак қилиб кесди-да, Гансга тутқазаркан деди:

— Демак, келишдик-а?

— Ялинаман, ёлвораман, менинг сиримни фаш этманг!— илтимос қилди Ганс.

— Сўз бераман,— деди Юра.— Энди, қани туроласизми? Мен кузатиб қўяман.

XXIII

Ноябрнинг бошларида Дурасово, Берёзовка, Игнатовка ва райондаги бошқа қишлоқларнинг кўчаларида бино деворларига ёпиштирилган, дарахтларга қоқилган эълонлар пайдо бўлди:

«17 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркакларнинг тош йўллар ва қишлоқ йўлларида юришлари ман этилади. Йўлларда қўлга тушган кишилар лагерга жўнатилади. Қўлида қуроли бўлган шахслар эса партизан сифатида отиб ташланади.

Партизанларга қай йўл билан бўлмасин кўмаклашган, уларни яширган ёки уларга бошпана бериб, озиқ-овқат билан таъминлаб турган шахслар ўзлари партизан ҳисобланади.

Армияга ва ҳарбий маъмуриятга қарши қаратилган ёвуз ниятлар ҳақида, ишбузуқчилик ниятлари ва бу ниятларни амалга ошириш, айрим партизанларнинг ёки партизанлар тўдасининг, парашютчиларнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумотга эга бўлиб, бу ҳақда энг яқин жойлашган немис ҳарбий қисмига хабар бермаган шахслар ўлим жазосига тортилади, уларнинг уйлари бузилиб, ер билан яксон қилинади».

13 ноябрда Гитлер армия группалари қўмондонларини Орша шаҳрига тўплади. Москвага янги ҳужум бошлаш ҳақида буйруқ берди. Бош штабдаги баззи олий офицерларнинг Москва остоналарида немис қўшинларининг 1942 йил ёзигача мудофаага ўтиши ҳақидаги фикрларини қатъиян рад этди. Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони Браухич, бош штаб бошлиғи Гальдер ва «Марказ» армия группасининг қўмондони Бок Гитлернинг фикрини ёқлаб чиқдилар.

Гитлер Москвани шундай қамал қилиш керакки, битта ҳам рус солдати, Москва аҳолисидан бирон киши — хоҳ эркак, хоҳ аёл, хоҳ бирон бола ҳам шаҳардан чиқолмасин, деди. Фюрер Москвани ва шаҳар атрофидаги жойларни махсус иншоотлар ёрдамида сувга бостириш учун зарур тайёргарлик ишлари кўрилганини маълум қилди. Москва ўрнида катта денгиз ҳосил қилиниб, Совет давлатининг пойтахти ер юзидан абадий йўқ қилиб юборилади, деди. Гитлер тобора тутақиб-тутақиб гапирди-да, бирдан кайфи бузилиб, бошқача қарорга келди, қамалдагиларнинг шаҳардан чиқиб Шарққа кетишлари учун қамал ҳалқасида йўлак қолдириш, ўзлари Москвани ишғол қилиб, шу тарзда миллионлаб кишилар учун озиқ-овқат сарфлаш заруратидан халос бўлишга қарор қилди. Гитлер Москвани айланма темир йўл бўйлаб қўшинларнинг зич ҳалқаси билан қуршаб олиш ҳақида кўрсатма берди. Гитлернинг буйруғига кўра, то бўм-бўш қолган шаҳарни эгаллаш ҳақида команда берилмагунча биронта немис солдати ана шу қуршов чизигини кесиб ўтмаслиги лозим эди.

Москванинг шимоли-ғарбида Волоколамск-Клин ва Истра-Солнечногорск томонларида ўн уч дивизиядан иборат иккита танк армияси ҳужумга ўтиши лозим. Тула—Қашира томонида шаҳарнинг жануби-ғарбида тўққиз дивизиядан иборат танк армияси зарба бериши керак. «Марказ» армия группасининг ҳаракатдаги кучлари шимолда ва жанубда махсус ажратилган иккита армияни ҳимоя қилиши зарур эди. Ғарбий фронтнинг асосий кучларига рўпарадан ҳужум қилиб, уларни бўлиб-бўлиб юбориш ва яксон қилиш тўртинчи армияга юклатилди.

Немислар бир неча танк дивизиясини фронтнинг бошқа томонларидан олиб, Москва томонига кўчирдилар, армия корпусларига мадад учун қўшимча танклар ва авиация ажратдилар.

Райком секретари Колосов тўплаган бу маълумотларнинг ҳаммасини дарҳол партизан отряди қўмондонлигига хабар қилди. Немисларнинг Москвага янги ҳал қилувчи ҳужуми бошланган кунларда душманга қарши бир неча жиддий операция ўтказишга қарор қилинди.

— Эсингиздами,— деди Шахов Колосовга,— берёзовкалик болалар

старостанинг ва қатл этилган Иринархийнинг дўсти Дормидонт ҳақида ахборот беришган эди. Биз бунни аниқладик, у ҳеч қанақа Дормидонт ҳам эмас, Соболяк ҳам. Унинг асл фамилияси Дитрих Густав Дитрих. У руслашиб кетган немислардан. Отаси революциягача Литвада, Волга бўйида ва Тошкент яқинида, Чирчиқ бўйида катта ер-сув мулкига эга бўлган серфарзанд помешчик ўтган. Утгиз еттинчи йилда Дитрих жиноят билан қамоққа олинган, лекин лагердан қочган ва қирқинчи йили немислар томонидан босиб олинган Польшага бориб қолган. У ёқдан Германия армияси билан бизнинг мамлакатимизга келган. Немислар уни яширин иш олиб боришга, аниқроғи Игнатовкадаги ҳарбий асирлар лагерида иввогарчилик ишига жалб этмоқчи бўлишган. Лекин асирлар уни фош қилиб, ўзлари қочиб кетганлар. Айтгандай, шулардан учтаси бизга келиб қўшилди. Дитрих дўсти Иринархий билан топишиб, Берёзовкада жойлашиб қолган. Уни қатл этиш зарур деган фикримиз бор.

— Жуда тўғри фикр,— қувватлади Колосов.— Операциялардан бирини Игнатовкада ўтказишни мўлжаллаганингиз ҳам тўғри. Гарчанд Игнатовка бу ердан анча олисда бўлса ҳамки, асирлар лагерига ҳужум қилиш кечиктириб бўлмайдиган иш.

XXIV

Стул устидаги шамчироқ хирагина ёниб турарди. Серёжа ўз оловида ўзи эриб, умри тугаб бораётган, нури биргина хонани ҳам ёритишга ожиз бўлган шамчироққа тикилиб, ғамгин ўтирарди. Зоя Андреевнанинг ғариб умрини ана шу ўчиб бораётган шамчироққа ўхшатарди. Уйнинг бошқа хоналари, даҳлиз ва айвон ҳам қоп-қоронғи, уй ичи оғир сукунатда эди. Тарас билан Иранинг кўзлари жиққа ёш, бошларини қуйи солиб, оғир мусибатда овозларини чиқармай, юм-юм йиғлар эдилар. Дўстлар энг яқин, энг қадрдон, энг мўътабар кишиларидан жудо бўлдилар.

Болалар кечаси билан Зоя Андреевна ёнидан жилмай, касаллик билан олишиб чиқдилар, кўчма госпиталь доктори қолдириб кетган дорилардан ичирдилар, ҳушидан кетган пайтларида нашатир спиртдан ҳидлатдилар. Бемор дам-бадам ўзига келиб, ўзидан кетиб турди, тонг ғира-ширасигача оғриқ азобидан инграб чиқди.

Герасим билан Мария қўшни хонада ётишарди. Афтидан яхши ухлолмадилар. Шульга бир неча марта эшикни қия очиб, болалардан сўради.

— Қалай?

Болалар елкаларини қисиб қўярдилар. Зоя хола ухламади, лекин кўзлари юмиқ, жим ётарди, тез-тез бўғилиб йўталарди. Эрталабга бориб кўзларини катта-катта очди-да,— ўғлини чақирди.

— Тарасик, Марфа холангни айтиб келсанг-чи. Танийсан-а, уйи ҳув қирғоқ қиялигида...

— Нимага, ойи?

— Зарур ишим бор, ўғлим.

Ярим соат ўтар-ўтмас Тарас қадди-қомати келишган, ҳали қаримаган, катта-катта кўзлари қизариб кетган, қўллари кирчиникига ўхшаган Марфа холани бошлаб келди.

— Ўтир, Марфуша, сўзларимга қулоқ сол,— деди зўрға-зўрға Зоя Андреевна.— Вақти қазойим етиб, оламдан кўз юмсам, ўзинг ювиб, ўзинг кийинтиргин мени. Попимиз кетиб қолган, салоти жанозамни ҳам ўзинг ўқирсан. Эрингдан илтимос қил, тобут ясагин. Ўзинг биласан. Герасимга ишониб бўлмайди. Мана болажонларим сенга қарашар... Мана, сарф-харжим, ўлимлигим...— У қийналиб қўлини ёстиқ тагига суқиб кўрсатди. Мен сендан розиман.

Тарас секингина ўқиб йиғларди. Серёжа билан Ира тош қотиб ўтиришарди.

— Қақшаб, йиғлаб ич-этларингни еманглар, болажонларим! Сиз-

ларнинг ҳали ўн гулларингдан биттаси ҳам очилмаган. Мен бўлсам, худога шукр, азобдан қутилдим...

Соат саккиз яримга бориб, Зоя Андреевна кўзларини юмиб, олди, ҳушидан кетди, қайта ўзига келмади, кўзларини ҳам очмади, оламдан ўтди.

Совуқ қишнинг узоқ кечасини бетиним оққан кўз ёшлари билан ўтказган Тарас эрталаб отасининг олдига кириб, унга даҳшатли хабарни етказди. Герасим ўғлига лом-мим демай, имирсилаб ўрнидан турди-ю, пастки хонага тушиб, хотинига совуқ назар ташлади, бир дақиқа унинг бошида туриб, видолашди, сўнгра орқасига ўгирилиб, Тарасга ҳам, Серёжа билан Ирага ҳам қарамай, қовоғини солганича чиқиб кетди. «Тошюрак», деди ичида Тарас. «Хоин», деди ичида Серёжа. Ира бўлса қаҳр-ғазаб билан унинг орқасидан бақрайганча қараб қолди.

Мария Дурасовога жўнашни мўлжаллаб қўйган эди. Зоя Андреевнанинг вафоти ҳам унинг режасини ўзгартирмади. Герасим ялиниб-ёлворарди:

— Ҳимм... Кетиб қолма, Мария! Утинаман!

— Ўзинг биласан-ку, бормасам бўлмайди. Сўз берганман вассалом!— деб туриб олди Мария. Отни аравага қўшиб, жўнаб қолди. Тобутни чанага солиб, қабристонга олиб бораётганлар орасида Герасим кўринмади. Шу пайтда у дала госпиталини жойлаштириш билан овора, қишлоқни гир айланиб юрарди. Берёзовкага ярадор немислар ортилган обоз келган ва фашистларнинг дафн маросими билан ишлари йўқ эди. Маросимда қатнашган ёшу қари ич-ичидан Герасимга лаънатлар ўқиди.

Кўпчилик рус қишлоқларидагидек эски, оддийгина, унча қаров кўрмаган қабристонда бори-йўғи бир нечагина қабртош бўлиб, кўп қабрларнинг устида қийшайиб чириб кетган, бўялган ва бўялмаган, ёғочдан ясалган ва занг босиб кетган темир хочлар кўзга ташланар, онда-сонда атрофи панжара билан ўраб олинган қабрлар учраб турар, баъзи қабрлар чўкиб кетганди. Ёлғизоёқ йўлларни оппоқ қор босиб ётибди. Уруш бошлангандан буён бу ерда яна йигирматача янги қабр пайдо бўлганди. Улар ҳаммаси қабристон қиялигининг энг чеккасида жойлашган бўлиб, Серёжа билан Иранинг оналари ҳам шу ерга дафн этилган эди. Ўнг томонда, эллик метрча нарида бутунлай бошқача қабристон — устига рандаланмаган қайин ёғочларидан ясалган хочлар ўрнатилган, ҳаммаси парадда саф тортиб тургандек қатор тизилган бир хил қабрлар — янги немис қабристони жойлашганди.

Дафн маросимида қатнашувчилар унча кўп эмас эди. Улар қабристонга яқинлашиб қолишганди:

— Шнайдер эсингдами?— сўради Юра шивирлаб Серёжадан.

— Бўлмаса-чи!

— Ўтган куни ҳалок бўлган, тўғрироғи ярадор бўлиб ўлган.

— Тўнғиз қўпсин!— деди хурсанд бўлиб Серёжа.

Майдалаб қор учқунлаб турибди. Зоя Андреевнанинг заъфарон бўлиб кетган мумдек юзларига қўнган қор учқунлари эримасди. У тобутда одатдан ташқари кичкина, озғин, қуруқ суяк бўлиб, буришиб ётарди. Тарас чанада тобут ёнида ўтирганича онасининг юзларидан кўзини узолмасди. Қабристонга яқинлашиб қолишганда Серёжа кутилмаганда янги қазилган қабр ёнида Мартиновни кўриб қолди.

«Нега бу ерда юрибди?— ўйларди у хавфсираб.— Ахир, бу жуда хатарли-ку».

Аммо Мартинов, ҳеч нарса бўлмагандек, тобутни чанадан туширишда ёрдамлашди, Тарасни бағрига олиб ўпди:

— Ўзингни бос, оғир бўл, дўстим! Уруш!..

Юра Мартинов билан нималар ҳақидадир бир-икки оғиз гаплашиб олди. Ира уларнинг гапини у ер-бу еридан эшитиб қолди.

— ...Бу ерда сен ҳокимиятнинг бирдан-бир вакилисан! Немислар ўзлари билан ўзлари сервор! Демак, ҳаммаси жойида бўлади!

Марфа хола эшитилар-эшитилмас салоти жаноза ўқирди. Унинг сўзларини ҳеч ким эшитмасди. Тарас, Ира, Серёжа Зоя Андреевнанинг пешонасидан ўпдилар, сўнгра Марфанинг эри тобутнинг қопқоғини ёпиб, михлаб қўйди. Тобутни қабрга туширишди, тупроқ тортиб кўмиб, устини қорақарағай новдалари билан ёпиб қўйишди.

Ира ва Серёжа хомуш одимлаётган Тараснинг икки ёнида боришарди. Қайдан пайдо бўлганини ҳеч ким пайқамай қолган Мартинов тўсатдан ғойиб бўлди.

— Ота-боболаримиздан қолган удумга кўра, марҳуманинг хотирасини ёд этмоқ керак эди...— деди болаларнинг кетидан етиб келган Юра, чўнтагидан кўриниб турган шишага ишора қилиб.

— Ойимни ёдга олишни уйда ўтказишни истамайман!— деди қовоғи солинган Тарас.

— Бизникига кирамиз,— деди Ира.

Тўртовлашиб Есинларникига йўл олишди. Тарас қайтиб келганида отаси уйда эди.

— Дафн маросимида қатнашолмадим. Иш, иш бошдан ошиб ётибди!— тушунтиришга уринди у.— Хотирасини ёдласак бўлармиди, а?

— Биз ёдга олиб бўлдик,— деди Тарас.— Ташвиш тортманг!..

Шу тобда Тарас ўзини отасидан анча устун сезарди. Бу ҳис ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кучли жўш урарди. Ҳозиргина Юра уларга фронтдаги аҳвол ҳақида сўзлаб берган эди.

Немислар 15—16 ноябрда ҳужум бошлашибди. Уларнинг иккита танк группаси Ғарбий фронтнинг ўнг қаноти қўшинларига ёпирилибди. Икки кун ўтгач Тула шаҳрининг жануби-шарқида душманнинг танк армияси яна ҳужумга ўтибди. Немислар Клин ва Волоколамск томонларидан Москвага интилишибди. Олий Бош Қўмондон Ставкаси Москва — Волга каналида, Яхромо, Красная поляна, Звенигород, Серпухово ва Тула остоналарида Қизил Армия қисмларини мустаҳкамлабди. Қўшинларимиз душманнинг ҳамласини муваффақият билан даф этиб, унга катта талафот етказмоқда. Москвадан 35—40 километр масофада немислар тўхтатиб қўйилибди. «Душманга қақшатғич зарба бериб, уни тор-мор қилиш Москва остоналарида бошлансин!» деган буйруқ берилибди.

Буларнинг ҳаммасини Юра амаки Мартиновдан билиб олибди.

— Қачон гаплашиб улгуролдиларинг ўзи,— деб ҳайрон бўлди Тарас.

— Ҳа, улгурдик...

XXV

Бобоёр Омонов ҳали ёш. Лекин шу ёшида бошига шу қадар иш тушар деб хаёлига ҳам келтирмасди. Урушнинг биринчи куниёқ армияга чақирилди. Ғарбий чегаранинг шундоққина ўзидан то Россиянинг марказигача, Москва бўсағасигача бўлган йўлни ўз батальони билан эсон-омон босиб ўтди. Севимли командири капитан Есин билан биргаликда олиб борилган оғир жангларда на фақат эсон-омон қолди, ҳатто ярадор ҳам бўлмаган эди.

Берёзовкада Есиннинг болаларига ёзган хатини топширганидан кейин, фашист танклари колоннасига қарши олиб борилган жанг ҳаётмамот жанги бўлди, тинимсиз бир кеча-кундуз, яна эртасига куни бўйи давом этди. Батальонлари жудаям сийраклашиб қолди, лекин улар жонларини аямай, она Ватанни ҳимоя қилдилар. Немислар янгидан-янги кучларни жангга ташлаб, қандай қилиб бўлса ҳам, уларнинг мудофаасини ёриб ўтиш ва уруш ҳаракатларини кенг миқёсда авж олдириш учун катта имкониятларга эга бўлиш йўлида ҳеч нарса ни аямасдилар, аммо уларнинг атакалари даф этилиб турди. Жанг борар экан, Омонов капитаннинг «Бир қадам ҳам орқага қайтилмасин!» деган командасини эшитиб турар, ҳар гал шу командани

эшитганида ўзида битмас-туганмас куч ва ғалабага ишонч ҳис қиларди.

Улар мадад кутишарди, яна бир-икки соат душман ҳамласига бардош берсалар кифоя эди. Ҳаммаси ана шу бир-икки соат мобайнида рўй берди.

Омонов осмонда даҳшатли ғувиллаган товушни эшитди, бир зум кўзи тиниб, чаккасида қаттиқ оғриқ сезди. Ўзига келганида эса ҳаммаёқ жим-жит, ҳеч нарсани эшитмас, қулоғи битган эди, контузия бўлган эди. Шу ҳолда немислар суяб тургазиб, судраб, ҳайдаб қаёққадир олиб кетдилар. Шу боришида атрофи тикан сим билан ўраб олинган яланглик, станция, эшелон, яна номи ғалати «Дурасово» деб аталган станция ва ниҳоят ҳарбий асирлар лагеригача бўлган анча олис йўлни босиб ўтди. Аниқроғи, юрибмас судралиб ўтди деса тўғрироқ бўларди. Ҳолдан кетиб йиқилар, немислар уни милтиқ найзаси билан олдинга итаришар, мажруҳга бўлаётган бу муносабатларга чидолмаган Бобоёр ўзини бўғиб ўлдириб ташлашга тайёр эди-ю, афсуски, бундай қилишга ҳоли етмасди. Ниҳоятда лоқайд ҳолда зўрға судралиб номаълум ва мажҳул қисмат сари боришга мажбур эди.

Лагерь олтита енгилгина тахта-ёғочдан қурилган баракдан иборат бўлиб, атрофига сим тикан тутилган баланд девор билан ўраб олинган, кузатиш вишкаларида кечасию кундузи соқчилар турарди. Яхшики, толеига тақдир уни лагерда ўзига ўхшаб асир олинган врачга йўлиқтирди. У, Омонов билан ёнма-ён ётарди. Унга ҳар куни муолажа қилиб, боқиб тузатди, тезда оёққа бостирди. Бир ойдан кейин Омоновни, бошқа асирлар қатори торф қазिशга ҳайдадилар. Улар эрталаб соат саккиздан кечқурунги соат саккизгача торф қазирдилар, еганлари ёвгон бўлганидан қўл-оёқларида мадор қолмаган эди. Аммо немислар қистовга олишар, итларини қўйиб гижгижлатар, оғизлари, юз-кўзларига қарамай мушт туширишар, карцер билан, отиб ташлаш билан пўписа қилишарди. Ана шуларга бардош берган, чайир асирларни ажратиб олиб қаёққадир юборишарди. Бировлар Германияга ишга олиб кетишяпти деса, бошқа бировлар немис концлагерига юборишяпти дердилар. Лекин бу қисмат ҳам ҳеч кимни қизиқтирмасди: «Қаерда ажалнинг етади, бу ердами, Германиядами — бари бир гўр...»

Лагерьда яширин ташилот бор, асирларнинг қочиб кетишини уюштирармиш, деган гаплар Бобоёрнинг қулоғига чалинди-ю, шунча уннаб унга йўл тополмади. Кейинчалик бу ташкилот уюштирган икки гуруҳ асирларнинг тақдири фожиаги тугалланганини эшитди. Қочқинларни ушлаб олиб, яқиндаги Игнатовка қишлоғи аҳолисининг кўз олинди дорга олишибди. Фақат учинчи гуруҳ асирларнинг қочиши муваффақиятли тугабди. Қочганларнинг ҳаммаси эсон-омон қутилиб, баъзилари ҳатто партизан отрядига қўшилганмиш, деган хабарлар бутун лагерга тарқалди.

Бобоёр кўп азоб тортди, ич этини еб озиб кетди, туриб-туриб юраги эзилар, ўзини сусткашликда, ношудликда айблар, вақтида ўзини ўзи отиб ташламагани учун ўзига ўзи лаънатлар ўқирди.

«Қандай даҳшат! Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган номус-ку бу! Бордию соғ қолганимда ҳам қариндош-уруғларим, ёру дўстларимнинг кўзига қай юз билан қарайман?— ўйларди у.— Лекин бу ердан омон чиқиб ҳам бўлмайди!»

Барвақт бошланган серёмғир куз, унинг кетидан келган қаҳратон қиш лагердагиларнинг турмушини чидаб бўлмайдиган қилиб қўйди. Бараклари деярли иситилмас, уст-бошлари эскириб ишдан чиққанди. Қишлик кийимлари йўқ эди. Лагерда ёппасига шамоллаш, зотилжам, плеврит касаллари тарқалиб, ҳар куни асирлардан қанчасининг ёстиғини қуритарди. Энди Омонов ҳатто дардга йўлиқишни орзу қиладиган бўлди, ҳарҳолда у иқлими иссиқ ўлкадан келган, зора бирон дардга чалиниб қолса. Аммо касаллик ҳозирча уни четлаб ўтарди.

Ниҳоят ноябрнинг охирларига бориб у ётиб қолди ва ўзи ўйланганча орзусига эришганидан чексиз хурсанд эди.

— Доктор, мени касалдан қутқазиб қолишга уринманг, илтимос қиламан! Керак эмас! Истамайман!

Аммо асир унга қулоқ солмади, аксинча бутун чораларни кўришга ҳаракат қилди, қандайдир гиёҳларни мўъжиза билан излаб топилган ароқда эритиб, дори тайёрлади, шу билан даволади. Сўнгра Бобоёрни санитария барагига кўчиришга муяссар бўлди. Немислар охири шундай баракни ташкил этишган эди. Атала аталалигича қолса ҳамки, санитария барагидагиси сал қуюғроқ, маза-матраси бордек эди. Бундан ташқари санитария барагида рус қизлари санитар бўлиб ишлашарди, улар қараб турган асирларини хуфия едириб-ичиришарди. Бобоёр анчагина кучга кириб қолди. Назарида ана шу қизларнинг меҳри унга мадад бергандай ҳис қиларди. Бир гал санитар қизлардан бири Омоновга:

— Дадил бўл! Яқинда немисларнинг куни битади! Москва остонасида ҳали уларнинг таъзирини беришади!— деб қолди.

Ноябрь охирида қолган эди. Бир куни эрталаб, саҳарда санитария барагидагилар кўчада бетартиб отишма овозлари, итларнинг вовуллаши, немисларнинг қий-чуви ва асирларнинг бақириб-чақирганларини эшитишди. Отишма овозлари тобора яқинлашиб келарди. Барак эшигида турган соқчи бирдан жуда қаттиқ бақирганича, ташқарига отилиб чиқиб кетди. Сўнгра эшик ланг очилиб, баракка граждон кийимидаги қуролли кишилар ёпирилиб киришди.

— Салом, оғайнилар! Туринглар!.. Бизлар билан юринглар!— деб қичқиришарди улар.

Одамлар орасида бирдан-бир ҳарбий кийим кийган қорачадан келган ёш лейтенант лип этиб Омоновнинг олдига келди ва таажжуб билан унга тикилди:

— Ҳамюртимми дейман! Урта Осиёданмисиз?

Бобоёр шошиб қолди, томоғига бир нима тикилгандай бўлди. Ётган жойидан сакраб туриб, лейтенантнинг бағрига ташланди.

— Юра оласизми?— сўради лейтенант.

— Ҳа,— дея олди зўрға Омонов.

— Қани, кетдик!

Омонов аёз ҳовлидан, дарвоза томон югуриб бораркан такрорларди:

— Урта Осиёданман! Ўзбекман! Тушунаёпанми, ўзбек!

— Билдим, жуда яхши, тезроқ,— деди лейтенант кетаётиб,— ҳамюрт эканмиз. Мен ҳам ўзбекман, тошкентликман, тушундингизми?

Ҳовлида Омонов немисларнинг жасадларини ва яна кўпдан-кўп граждон кийимидаги қуролли кишиларни, озод қилинган асирларни кўрди. Ҳамма югуриб, дарвоза томон интиларди. Дарвоза ланг очик, кузатиш вишкалари эса бўм-бўш, кейинги бир неча ой мобайнида биринчи маротаба кузатиш вишкаларида соқчилар турмасди.

XXVI

«Қиш ҳам бизга хизмат қиляпти» деган эди Миша бобо невараси билан хайрлашар экан. Чиндан ҳам бу йилги қиш ўзининг изғирин шамоли билан, қаҳратон совуғи билан, ёққан қори билан аввалги йиллардаги қишдан фарқ қилар эди. Ноябрьнинг ичидаёқ мўл-кўл қор ёғди, қорнинг қалинлигидан дарахтларнинг шохи синиб кетгудек эгилди. Паст-паст бутазорлар, ўтлар, ботқоқлик жойлардаги қамишлар қалиндан-қалин қор остида қолиб кетди. Неча кунлаб тўхтовсиз ёққан қор оқибатида Берёзовка қишлоғидаги қанчадан-қанча молхоналар, саройлар босиб қолди. Уйларнинг томидаги қор сира кўрилмаган даражада қалинлашди.

Бу йил совуқ ҳам эрта тушди. Эрта тушди-ю, кундан-кун зўрайиб, кундан-кун кучайиб борди. Қаҳратон совуқ изғиринлари немис босқинчиларининг юзларига бигиздек санчиларди, кўзларидан тирқиратиб ёш оқизарди. Елкалари ва оёқлари қаттиқ ачишар, қўллари қурол

ушлашга қовушмасди, безилларди. Оберлейтенант Клаус ҳам, лейтенант Эберт ҳам эртадан кечгача печкани қучоқлаб ўтирар, ташқарига чиқишдан қўрқар эдилар. Совуқ шунча қаҳрига олдики, натижада староста ҳам, полицаёлар ҳам ўз постларида бир неча дақиқа туриб, сўнгра дарҳол печка бор жойга кириб кетишди.

Қаҳратон қиш заптига олиб, кучли бўрон кўтарилган кечаси Тарас пастки хонада онасининг суратини столга қўйиб, у билан суҳбатлашиб ўтирарди. Меҳрибон онаси кечирган таҳқир-қаҳоратлар, хасталик азоби, отасининг староста бўлиб келиши, ўз халқига, Ватанига нисбатан хоинлиги, онасини хўрлаганлари, уйда Мария пайдо бўлгандаги мусибатлар — ҳаммаси-ҳаммаси кўз олдида гавдаланди. Кўз ёшлари юзларини ювиб, хазон бўлган ёш умр, оёқ ости қилинган умид ва орзулар, заҳар-заққумга кўмилган бахт-саодат тўғрисида ўйларди. Қанча ўйласа, онасига шунча раҳми келар, отасига лаънат ҳис-туйғулари юрагида туғён урарди. Шу ҳолатда ўтирганида ичкаридан отасининг овози эшитилди.

— Ҳимм... Тарас, Тарас дейман!

У аста-секин ўрнидан туриб, ғазаб ва нафратини ичига ютиб, юқори кўтарилиб, эшикни очди.

— Иссиқ чой дамла,— буюрди отаси.

Герасимнинг табиатида зийраклик, синчковлик, бир нарсани тез пайқаб олишга ўхшаш аломатлар унча кучли эмасди. Кўп нарса унинг онгига ҳаммадан кейин етиб борарди. Аммо ҳозир у Дормидонт билан ароқхўрлик қилиб ўтираркан, унга тез-тез разм солар, унинг ким эканлигини билиб олишга уринарди. Бу, албатта, унинг ақли ўт-кирлашганиданмас, балки ҳаётда бир-икки панд еганидан эдики, сўтдан оғзи куйиб, қатиқни пуфлаб ичарди. У Дормидонт немис эканлигидан беҳабар, умуман унинг ҳақида ҳеч нарса билмасди. Дормидонтнинг ўзи ҳам старостага бундоқ юрагини очиб гапирмасди-ю, лекин муносабати ёмон эмасди. Ҳарҳолда Клаус, Эберт, Мейер, Ганслардан кўра яхши муносабатда эди. Аммо ҳаммаларидан кўра Герасимга Юра кўпроқ хайрихоҳ муносабатда эди. Аслида Юра алоҳида тоифадаги одам, ўзлигини билган, қадрлайдиган мустақил эди, немислар унга қанча ишонч билдиришларига қарамай, улар олдида ўзини паст тутмасди. Дормидонт бўлса бошқа гап. Шульга Дормидонтнинг немислар билан тез-тез учрашиб, улар билан нималар ҳақидадир узоқ-узоқ суҳбатлашиб туришини, немислар унга алоҳида илтифот кўрсатаётганлигини пайқаганди. Ҳатто Герасим немислар уни ўзи ўрнига староста қилиб тайинлашмоқчи эмасмикин деган шубҳага ҳам борганди. Кейинчалик у бу фикрдан қайтди. Дормидонтнинг кўнглида Герасимга нисбатан ҳеч қанақа фириб, ғараз йўқ эди, у билан иноқлашиб олганди. Шульгани ўз уйида ҳам очиқ кўнгли билан кутиб олар, уникага ҳам жон-жон деб ташриф буюрарди. «Дормидонт билан тағинам яқинроқ дўстлашиб олишим керак,— дерди ичида Герасим.— Клаус олдида обрўси бор. Дормидонт билан қанча дўст бўлсам, қанча сирдош бўлсам, Клаус олдида менинг обрўйимни ҳам шунча ошириши мумкин».

Шульга Дормидонтнинг уйига тез-тез бориб турарди, хотини вафотидан кейин эса уни тез-тез ўз уйига чақирадиган бўлди.

Ҳозир иккала дўст жуда яхши суҳбатлашиб ўтиришибди. Ташқарида қор бўрони кўз очирмайди, совуқ забтига оляпти, уйда эса булар баҳузур маишат қилиб ўтиришибди, дастурхонда ҳамма нарса муҳайё. Герасим кейинги кунларда анчагина озиқ-овқат жамғариб олди. Дормидонт ҳам қуруқ қўл келмади. Рус ароғи, чўчқа боласининг яхнаси, колбаса, сир, галета олиб келибди.

— Очиғини айтсам, Герасим, қўлим қичиб юрибди,— деди Дормидонт.— Уша Шаховни, унинг одамларини ўз қўлим билан тутгим келяпти Шаховга ўхшаганлар чакана кулфат солмади бошимизга. Фақат менга эмас, дадамга ҳам.

— Ҳимм... Отанг ким бўлган?— сўради Шульга.

— Яхши одам эди, бадавлат одам эди. Катта ер-сув мулклари бор эди. Россияда ҳам, Литвада ҳам, ҳатто Ўзбекистонда ҳам. Отам мустамаккачилардан бўлган...

Тарас чой олиб келганида Шульга билан Дормидонт анча қизишган бўлиб, нималарнидир бир-бирига маъқул қилишарди. Тарас уларнинг суҳбатига қулоқ солди.

— Очиғини айтсам, Дормидонт, Совет ҳокимияти роса жонимга теккан,— сўзида давом этди Герасим.— Жуда ёмон кўраман, нафратланаман! Мақсадим Совет ҳокимияти йўқ қилинса, бошимизга шунча кулфат солган большевиклардан ўч олиш.

— Ҳимм... Мен ҳам большевикларни ёмон кўраман,— иқроор бўлди Шульга.— Аламим, дардим ичимда. Шу колхознинг ярим давлати ва ери бизники бўлган аслида. Отамни қулоққа чиқариб, отишга ҳукм қилишди-да, мол-мулкимизни тортиб олиб колхозга беришди. Немислар ғалаба қилишса, давлатимизни қайтиб беришармикин?

— Беришлари керак! Бўлмаса, биз уларга бекорга хизмат қилиб юрибмизми?— деди очикдан-очик Дормидонт.— Айтгандек, сен ўғлингни ўзингга яқинлаштир! У орқали кўп нарсаларни билиб олишинг мумкин. Унинг дўстлари ҳақида ҳам. Есинларга айниқса эътибор бер. Ишонгинг, уларнинг партизанларга алоқаси бор, мени айтди, дерсан...

— Ҳимм... Шунга ишонсанми?

— Ишончим комил! Ўзим ҳам баъзи нарсаларни пайқаб олдим, лекин улар ўзларини мендан четда туттишади. Сенинг уйингга кириб-чиқиб юришади, Тарас билан дўст. Умуман, шуни айтишим керакки, сен билан иккаламызга катта ишни ишониб топширишган, бу ишонч-ни оқлаш — немис қўмондонлиги олдидаги бурчимиз! Мен сенга айтсам, Герасим, немислар жуда кучли! Партизанларми, баломи — бари бир, совет ҳокимияти ўрмонларга биқиниб олган, немислар-чи, ҳам-манинг кўз олдида, бутун дунёнинг кўз ўнгиди! Буни тушуниш зарур!

Улар ичиши ва Дормидонт сўзида давом этди:

— Тарасни алдаб-алдаб, кўнглини кўтариб ўзингга яқинлаштир, ахир ўғлинг-ку, кейин унга иш топшир, ётиғи билан у ёқдан-бу ёқдан гапир, Есинлар кимлар билан учрашади, боболари қаерда, отасидан хат борми, умид ва ишончлари нимада деб суриштириб кўр, қараб-санки, ҳаммамизни қийнаётган чигал ечилиб турибди-да... бола бола-да.

— Ҳимм... Гапларингда жон бор,— унинг фикрига қўшилди Герасим.

— Қариган чоғимизда бир толеймиз очилса!— деди орзуларга фарқ бўлиб Дормидонт.— Большевиклар мусодара қилган барча давлатга эгалик қилиш, йигирма тўрт йил ичида шу давлатдан келган фойдани ундириш... Сўнгра ўз ватаним буюк Германияга хизмат қилсам дейман!

Шульга ҳушёр тортди. Хато эшитмадимикин? Дормидонт Германияни ватаним деди-я! Аммо Дормидонт бошқа ҳеч нарса демади.

— Ҳимм... Гапларинг ҳақ, дўстим, жуда ҳақ гапларни айтдинг!

— Ҳозир Москвага янги ҳал қилувчи ҳужум бошланди,— деди Дормидонт.— Ишончим комилки, энди большевикларнинг куни битади!

— Ҳимм... Менинг ҳам ишончим комил,— уни қувватлади Герасим.— Қани, яна биттадан кўтарайлик!

Шу куни улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Дормидонтни кузатгандан кейин Шульга Мариянинг олдида кирди. Зоя Андреевнанинг вафотидан кейин Мария унинг хонасига кўчиб олган эди.

— Тарасга сал ширинсўз бўл. Ишимиз шуни тақозо этади.

Кечкурун у ўғли билан суҳбатлашди.

— Ҳимм... Хўш, ўғлим, аҳволларинг қалай?

— Тузук...

— Ҳимм... Мен бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сен бобонг ҳақида ҳамма гапни биласанми?

— Менми?— ажабланди Тарас.— Ҳеч нарса билмайман. Нима, у ҳам турмада бўлганми?

— Ҳимм... Мен бошқа нарсани айтаяпман... Бобонг жуда яхши киши эди, уни тушунишмади, унга тухмат тошлари ёғдиришди. Бегуноҳ отиб ташлашди.

— Айби бўлмаса бекорга отишармиди,— деди қатъий оҳангда Тарас.

— Ҳимм... Ҳамма гап шундаки, бекордан-бекорга!

Герасим гаплари қовушмаётганини сездди. Уғлини қайириб олиш, унда Совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик туғдириш осон иш эмас эди. Шу топда, мана бу гапдан кейин, Есинларни суришгириш сираям ёпишмасди. «Яхшиси, бошқа сафар бу тўғрида гап очарман».

— Ҳимм... Ҳа, майли, бор, ўғлим, бора қол,— деди мулоимлик билан Герасим.— Кейин бафуржа гаплашармиз.

Болалик қилибми ёҳуд онаизорнинг бевақт оламдан ўтиши хаёлига келмаган, ҳамиша парвонам деб билганиданми, Тарас ортиқча она-сига суйканмас, суйканса ҳам бунақанги гапларни айтишдан, ўзининг ҳис-туйғуларини очишдан тортинарди. Энди бўлса онасининг ўрни шундай билиняптики, на кўз ёши, на оҳу фиғони кўнглини кўтара оларди. Мана ҳозир ҳам отаси олдидан чиқиб, оғир вазиятда пастки хонага тушиб, бирдан-бир дардкаши, меҳрибон онасининг сурати қаршисида ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни чуқур таҳлил қилди.

«Ойижон, мени кимга ташлаб кетдингиз? Сиз оламдан ўтдингиз, мана дадам, ўша сотқин соппа-соғ юрибди... Бу адолатли ишми, ахир?— онасининг суратига тикилганича, энг олдин ўзини лаънатлади Тарас.— «Хоиннинг ўғли» бўлиб яшашдан нафратланаман,— дерди у. Шум тақдир дарёсининг даҳшатли оқимлари уни фарқ қилаётгандай туйилди.— Ойлар ўтар, йиллар ўтар, ҳақиқат юзага чиқар, сотқин, ёвуз, жаллод дадам билан ичган ошим заҳар бўлсин. Сени «дада» деган тилим кесилсин... Нега энди мен унга қарши курашмаяпман? Яна пионер деган номим бор-а?! Тўғри, мен ўзимизникиларга ёрдамлашмаяпман. Лекин бу кифоя эмас. Одамлар учун, мамлакат учун кўпроқ иш қилишим керак». У фикран онасидан маслаҳат сўрарди.

«Гапларинг рост, Тарасик,— дегандай эди онаси.— Лекин сен кучлисан, қийинчиликка бардошинг етади. Фақат ўз қалбингга, дўстларингга, Ватанингга ишониб иш тут! Отанг кимлигини билиб турибсан. Унинг измидан юрма, сенинг йўлинг бошқа. Шу йўлда сенга омад тилайман, Тарасик!»

Ташқарида самолётларнинг ғувиллаган овози эшитилди. «Наҳотки яна немислар? Наҳотки яна бомба ёғдиришса»,— ғамгин ўйларди Тарас. Бироқ орадан дақиқа ўтмай немисларнинг зенит артиллерияси ўт очаётганини аниқ эшитди. «Демак, ўзимизникилар!— деб овозининг борича қичқириб юборишига сал қолди. Тараснинг қувончи ичига сиғмасди. Осмонда кетма-кет зенит снарядлари ёрилиб, ҳаммаёқни ларзага келтирарди. Бизнинг бомбардимончи самолётларимиз эса ҳеч нарсани писанд қилмай шарқ томонга учиб кетишди. Уларнинг бу тантанавор ва мағрур парвозида алоҳида бир куч сезилиб турарди. Бир неча дақиқадан сўнг Тарас қаердандир узоқ-узоқлардан келган кучли портлаш овозларини эшитди ва осмонни яшиндек ёритиб юборган шуъаларни кўрди. Афтидан самолётларимиз темир йўл станциясида душман эшелонларини бомбардимон қилишаётганди.

«Зўр, жуда зўр!— ўйларди Тарас уйқуга кетаётиб.— Қизил Армиямиз немислардан кучли. Минг марта кучли! Биз, албатта, ғалаба қиламиз! Мартинов ҳам «Душманни тор-мор қилиш Москва остоналарида бошланиши керак» деган эди-ку.

XXVII

«Мен нима деган одамман ўзи?— хаёл сурарди Герасим. Илгарилари ҳеч қачон бу ҳақда ўйлаб кўрмаган одам, келиб-келиб энди ўйлашга мажбур эди.— Миям ғовлаб кетяпти. Есенни ҳаддан ташқари ёмон кўришим аниқ. Ёмон кўриб тўғри қилияпман ҳам. Аммо арзан-

далари-чи? Нега мен уларга раҳм қилдим? Айниқса, Сергейга нега раҳм қилдим? Кудимов айтди, ишонмадим, Иринархий гапирди, ишонмадим. Энди Кудимов ҳам йўқ, Иринархий ҳам. Уларнинг ўрнига Дормидонт бор, унга ишондим. Нега энди келиб-келиб унга ишониб ўтирибман? Эҳтимол, у чиндан ҳам немисдир, рус эмасдир? Бордию немис бўлса, демак унинг кўзлаган мақсадлари ҳам бошқа. Большевикларни, Совет ҳокимиятини қанчалик ёмон кўрсам ҳам, бари бир мен русман-ку!»

Герасим капитан Мейернинг қаҳри-ғазабига учраб, қаттиқ шапалоқ егандан буён кўнгли вайрон, бошидан кечган воқеаларни бирмабир эслаб хаёлидан ўтказарди. У қанча ўйласа, кўнгли шунча қоронғилашиб кетарди. Партизанлар қишлоқдан бадарға қилинган коммунистлар ва активларни жазо отряди занжиридан икки марта қутқаздилар. Бунинг учун старостага раҳмат дейишмади, албатта. Немис қўмондонлигига хайрихоҳ бўлган Иринархий бўлса ном-нишонсиз йўқолди. Староста ўз жигарининг ғойиб бўлишидан бутунлай беҳабар қолди. Бунинг учун ҳам унинг елкасига қоқишмади, албатта.

«Оҳ, бу лаънати партизанлар! Бошимга битган балои қазоларнинг ҳаммаси ўша партизанлар дастидан. Кимлар ўзи бу партизанлар? Райком ходимлари, совет активлари-ку, тушунарли, уларга партия аъзолари сифатида буйруқ берилган. Лекин Мартиновга ўхшаганлар-чи? У оддий бир шофёр, партиясиз, мулойим, босиқ йигитдек кўринади-ку. Энди бўлса партизанларнинг катта разведкачисимиш. Партизанларнинг разведкачилари тун қоронғисида қишлоққа келиб, бемалол ишларини битириб кетаверадилар. Мартиновнинг келиб кетиши-ку бутун бир сирли воқеа, ҳайрон бўларли ҳол. Худди кўринмас одамга ўхшаб ҳаракат қилади. Энди бўлса қишлоқдан ғойиб бўлди-қўйди. Шунча полицайлар кетига тушиб, соқчилик қилиб юрсалар ҳам уни ушлай олмаяптилар. Унинг келиб-кетишини кимдир кўриб, кимдир сезиб қолади-ю, бироқ бирортаси келиб-кетганинг кимлигини билолмайди, қўлидан тутиб келишга-ку овора бўлади. Шундан кейин жумал ахборот бериб, миш-мишлар билан чекланади. Дормидонт ҳам Мартиновни қидириб юрибди, бу ҳақда унга айтмаса ҳам Герасим билиб турибди буни. Нима сабабдан Клаус Мартиновни қидиришини унга топширмадикин? Ишонмаяптими? Бу ёқда қишлоқда тарқалган варақалар... Турган гапки, бунинг учун ҳам староста гуноҳкор. Октябрь байрами куни клуб томига қизил байроқни ким ўрнатди? Партизанларми ёки қишлоқдагиларми? Қандай қилиб ўрнатди? Том баланд, нарвони йўқ, клуб ичида бўлса немис солдатлари истиқомат қиладилар, атрофда соқчилар изғиб юришибди. Ким ва қандай қилиб томга ўрмалаб чиқаолди? Қандай қилиб байроқни ўрнатди? Шундан буён уч ҳафта ўтди. Ҳалигача байроқ қадаган кишининг изи ҳам топилмади, исми ҳам маълум эмас. Албатта, бу беғамлик учун энг олдин ўзлари гуноҳкор. Ўзлари яшаб турган бинони ўзлари қўриқламасалар, бунгаям староста жавобгарми? Шунча полицайлар соқчилик қилиб юришса ҳам пайқашмабди-ку? Бари бир староста ҳам айбдор. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Аммо капитан Мейердан еган шапалоғининг заҳридан ҳали-ҳали Герасимнинг қулоқ чаккаси ёниб турибди, юрагини безовта қилаётибди. Энг ёмони, капитаннинг ишончидан чиқди, ғазабига учради. Ана шуларни ўйлаб, хаёл денгизига фарқ бўларди-ю, ўз тақдири қандай бўлиши тўғрисида чуқур ташвиш тортарди. Буёғи уйда ҳали тинчи йўқ, ҳаммаси алғов-далғов. Шукрки, Зоя ўлиб кетди. Уни Мария билан таққослаб бўлармиди. У Герасимни турмадан чиққангача кутиб ўтирди. Гарчанд Герасимни банд этган ўй-хаёллар, кечинмалар ҳақида ҳеч нарсани билмаса ҳамки, у ўзиники эди. Суриштирмасди ҳам, худди унинг учун ҳаммаси бефарқдай. Тарас-чи? Уни силаб-сийпаш керак эдию... жуда ичидан пишган бола чиқди-да. Ўзининг ўғли-я...

Шульга ўйлаган сари ноаниқ саволлар кўпайиб, биронтасига жавоб тополмай ожиз эди. Ниҳоят у кўчага чиқиб кетди.

Қишлоқ кўчаларида ҳаммаёққа босмахонада босилган эълонлар ёпиштирилган эди. Герасим биринчи дуч келган эълон олдида тўхтади. «Кимда ким хавфли жиноятчи З. К. Мартиновнинг туриш жойини билса, бу ҳақда немис қўмондонлигига хабар қилиши лозим. Хабар қилган киши катта мукофотга сазовор бўлади...»

Яна Шульга четда қолибди! Мартинов Берёзовкага келиб турса керак. Бўлмаса уни қидиришмасди. Қани энди ўша Мартиновни топиб олса. Немисларни бир бопларди, мукофот ҳам оларди!

Герасим қишлоқ кўчаларини айланиб совқотгач, уйига қайтди.

— Ҳимм... Уғлим, сен Мартиновни биласанми?— гап орасида сўради у Тарасдан.

— У ким ўзи?

— Ҳимм... Колхознинг шофёри-чи, ҳозир қишлоқда яшаяпти...

— Эшитгандайман.

— Ҳимм... Сергейданми?

— Йўқ, кимдир бошқа бировдан.

— Ҳимм... Уртоғинг Сергей қандоқ?

— Нимаси қандоқ?

— Ҳимм... Нималарни ўйлайди, нималар ҳақида сўзлайди, умуман...

— Ҳамма билан баравар...

— Ҳимм... Буни нима деб тушуниш керак?

— Бирга ўйнаймиз, бирга юрамиз, деб тушунса бўлади.

— Ҳимм... Партизанлар ҳақида-чи?— Герасим тўғридан-тўғри сўрашга қарор қилди.

— Партизанлар ҳақида ҳамма гапиради, лекин Серёжа билан мен бу ҳақда гаплашмаганман.

— Ҳимм... Ира билан-чи?

— Вой, Ира қиз бола-ку!..

— Йўқ, Тарасдан гап олиш амримаҳол!

Бир соатча вақт ўтказиб, Тарас Есинларникига чиқди.

— Серёжа, жуда эҳтиёт бўлишинг керак!

— Нима гап?

— Дадам сени суриштириб қолди. Дормидонт яна бизникида искаланиб, гап кавлаб юрибди.

— Дормидонт ҳақида хабарим бор. Дадаң нима деди?

Тарас ҳалигина бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

— Асл одамсан, Тарас,— деди Серёжа.

Акасининг даҳшатли сўзларидан ҳаяжонга келган Ира сўзга аралашди.

— Серёжа, эсингдами, ҳув анавинда, старостанинг деворига «сотқин», деб ёзилганида, бундай ишларда маслаҳат қилиш зарурлигини эслатиб, қаттиқ огоҳлантирган эдинг. Биз иккимиз унга, «бундан кейин ўзбошимчалик қилма», деб қатъий танбеҳ берган эдик.

— Эсимда,— деди Серёжа жиддий тусда.

— Қасамингни айт энди, Тарас, яширма,— деди Ира Тарасга ўгирилиб.

Тарас бошини кўтарди, Серёжанинг катта-катта очилган кўзларига бир қарадию дарҳол ундан кўзини олди. Орага оғир сукунат чўкди. Тоқати чидамаган Ира ўтирган жойида қўлини кўтарди, акаси бош эгиб розилик берганидан кейингина одатдагидек ҳаяжон билан сўзлади:

— Тарас отасини чавақлаб ташлашга қасд қилипти. Уйига ҳам ўт қўймоқчи, ўзини ҳам ўлдирмоқчи. Онасининг порлоқ хотираси, руҳи ҳақи шундай қилишга қасам ичган. Онасининг суратини бағрига босиб, қасам ичиб ўтирганини ўзим кўрдим.

Серёжа кўзларини катта-катта очиб, сўради:

— Тўғрими, Тарас?

— Тўғри.

— Отангни ўлдирш, уйингга ўт қўйиш — буни фақат отряд ҳал

қилади. Ҳозирга ғозинг суиқасд қилсанг — бу қўрқоқлик бўлади. Хоинлик ҳам қўрқоқликдан келиб чиқади. Қўрқоқликдан ҳазар қилиш, нафратланиш тўғрисидаги гапларим қулоғингда турсин.

— Шундай қабих отанинг фарзанди бўлишдан кўра ўлиб кетган афзал эмасми?

Серёжа қаттиқ эътироз билдириб, қўлларини Тараснинг елкасига қўйган ҳолда гушунтирди:

— Йўқ. Энди сен отангинг ўғли эмас, балки Ватаннинг ўғлисан, халқнинг ўғлисан. Отанг ўз халқига сотқинлик қилди, сен бўлсанг умумхалқ озодлиги, Ватан озодлиги йўлида курашга сафарбар қилингансан. Шунинг учун ҳам отангга қарши исён кўтармоқчисан. Биласанми, дўстим, бу зўр жасорат!

Павлик Морозовни Тарас ҳам билади, албатта, — ўйларди ўзича Серёжа. — Бироқ иккаласининг ҳам тақдири бир-бирига ўхшаб кетишини Тарас ҳозир хаёлига ҳам келтирмаётгандир. Ахир, ҳаммамизга бу аллақачонлар бўлиб ўтган воқеа...

...Бу воқеа коллективлаштириш вақтида содир бўлган. Қишлоқ советининг раиси Трофим Морозовнинг икки ўғли бўлган. Қаттаси Павлик ўн уч яшар, актив пионер бўлган. Укаси Федя саккиз ёшда бўлиб, ҳамиша акасига тақлид қилиб юрган. Шу қишлоқлик қулоқ Арсентий Игнатъевич Қулуканов Павликнинг отасидан «Қамбағалҳол деҳқон» деган қалбаки ҳужжат олиб, Совет ҳокимияти томонидан камбағалларга бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланиб, ниқоб остида душманчилигини давом қилдираб берган. Бундан ўз вақтида хабар топган Павлик тегишли ташкилотларга маълум қилган. Текшириш натижасида Павлик берган маълумотлар тасдиқланиб, отаси Трофим Морозов қамоққа олинган. Ёш пионернинг бу ишларидан қулоқ Қулуканов ва унинг дўсти — Павликнинг бобоси Серёга қаттиқ ғазабга келган ва уни ўлдиришга қарор қилишган.

Қишлоқ чеккасидаги ботқоқликда клюква ғарқ пишган пайт эди. Қишлоқ болалари учинчи сентябрь, якшанба куни клюква теришга чиқадилар. Павлик билан Федя ҳам куни бўйи клюква териб, чарчаб-ҳориб қишлоққа қайтаётганларида, қайинзорда боболари Серёгани, унинг ёнида келаётган Данилани учратадилар. Болалар салом бериб, Серёга бобога яқинлашадилар, хурсанд бўлиб, терган меваларини кўрсатмоқчи бўлганларида, Серёга бобо Павликни маҳкам ушлайди. Пионер унинг қўлида ярқираб кетган пичоқни кўради-ю, укасига қараб қичқиради:

— Федя, қоч! — У ўлим олдида ҳам ўзини эмас, укасини ўйлайди. Федя кучи борича тирақайлаб қочади, аммо Данила унинг орқасидан қувиб етади. Павлик ҳам, Федя ҳам чавақлаб ташланади. Икки ўғлидан жудо бўлган Татьяна қаттиқ касалга йўлиқади ва декабрь ойига-ча гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб ётади. Сал тузалиб, ўзига келганида кечаю кундуз тепасида парвона бўлиб, навбатчилик қилиб турган пионерлардан қотилларни сўрайди. Болалар унга қотиллар ўлдирилганини хабар қиладилар. Татьяна ўрнидан туриб, дераза олдида келади ва қўшниси Кулуканов уйининг пештоқида «Павлик Морозов номи колхоз правленияси» деган ёзувни ўқийди.

Совет ҳукуматининг қарори билан Павлик Морозовга пойтахтимиз Москвада ҳайкал ўрнатилди. Шундай виқорли ҳайкал Павликнинг қишлоғида ҳам қад кўтарган. Эндиликда бутун мамлакатимизда минглаб пионер отрядлари Павлик Морозов номи билан аталади. Ҳа, у Ватан ўғли эди.

Гарчанд Тарас бунга хаёлига ҳам келтирмаётган бўлса-да, аслида у Павлик Морозовнинг жасоратини такрорлаб турибди — у фақат фашист-босқинчиларигагина эмас, балки сотқин отасига қарши ҳам курашга отланди. У, албатта, ғалаба қозонади! Турган гапки, ҳаммаларимиз ғалаба қозонамиз!..

Серёжа Тараснинг олдида келиб, уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Клуб томига тикилган қизил байроқ эсингдами?

— Эсимда, албатта.

— Варақалар-чи?

— Эсимда бўлганда қандоқ!

— Энди сенга айтиб қўяқолай,— деди Серёжа,— буларнинг ҳам-масини ўзимиз қилганмиз! Бас, энди ҳадеб диққинафас бўлиб, ич этингни еяверма.

Курашмоқ керак. Бошқа йўл йўқ. Энди жангга кирамиз. Бу аёв-сиз жанг бўлади! Мана кўрарсан, биз, албатта, ғалаба қозонамиз. Ишончим комилки, сен ҳали бизлар билан бирга бўласан. Сен бизлар-га жуда кўп иш қилиб бердинг, лекин бундан ҳам кўпроқ иш қили-шинг мумкин. Келишдикми?

— Келишиш ҳам гапми, шундай қилишни жуда-жуда истайман!— деди Тарас қатъий оҳангда.

XXVIII

Есинларникида рўй берган воқеадан сўнг Юра билан бўлган суҳ-батдан қути учган Ганс Клаусдан Дурасовога бориб госпиталда даво-ланишга рухсат сўради, ҳарна гуноҳдан нарироқ бўлишни истади. Оберлейтенантга ярадор бўлишининг сабабини ҳаддан ташқари жон-бозлик кўрсатганидан деб таърифлади.

— Бу воқеа ўрмонда содир бўлди. Сира кутилмаганда. Сизнинг топширигингизга мувофиқ ўрмон босқинчиларини қидириб айланиб юргандим. Хабарингиз бор. Кеча қалин қор босган ўрмон ичидан ке-таётсам, устимга дарахт ағдарилиб тушяпти. Шамол ағдарганга ўх-шарди. Мен ўзимни бир чеккага олишга улгуролмадим, бошим ёрил-ди. Чалажон бўлиб қолдим. Хийлагача беҳуш ётибман...

Клаус Ганснинг гапларига ишониб, шахсий машинасида уни рай-он марказига жўнатди. Ганс икки ҳафтадан кейин тузалиб, қайтди-ю, дарҳол Клаус ҳузурига келди.

— Муҳим маълумотлар бор, жаноб оберлейтенант. Биринчидан, сизга капитан Мейердан кўпдан-кўп салом. Дурасовода муҳим тер-гов олиб бораётгани сабабли Берёзовкага келиш имкониятига эга эмас. Ун тўққизинчи ноябрда темир йўл узелида катта диверсия бўлган. Шарқий фронтга жўнатилаётган эшелон кўприк устида портлатилган, унга юкланган яп-янги танклар муз остига чўкиб кетган, эшелонни кузатиб келаётган соқчилар ҳалок бўлган. Капитан бу диверсияда рус темирйўлчиларининг қўли бор деб шубҳа қилмоқда. Бир неча кундан буён кечасию кундузи ўшаларни сўроқ қилмоқда...

— Салом олиб келганинг учун раҳмат. Хўш, қанақа муҳим маъ-лумотлар бор сизда?— сўради Клаус.

— Маълумотлар, аниқроғи кузатувлар ва мулоҳазалар шулардан иборат. Сизнинг буйруғингизга асосан, мен партизанларнинг изига тушганман. Менинг кузатишларим қандай хулосаларга олиб келади? Гап шундаки, партизанларнинг айғоқчиси ҳар куни кечаси қишлоққа келади ва ўз одамлари билан учрашиб, уларга махфий топшириқлар бериб кетади. Кузатишимча, учрашув фақат бир жойда — Сергей Есиннинг уйида бўлади. Сергей уларнинг алоқачиси.

— Учрашув ҳар куни бўладими?

— Ҳа-да,— сўзида давом этди Ганс.— Мартинов ҳам, бошқа одам-лар ҳам ўша ёққа келишади. Шу уйни кузатишни кучайтириш зарур. Эберт билан Шульга келганда Клаус Гансга жавоб бериб юбор-ган эди.

— Жаноблар! Есинларнинг, аниқроғи Сергей Есиннинг уйини ку-затишни кучайтириш керак. Маълумотлар бор...

У ҳамма гапни тушунтириб берди.

Уша куниеқ кечқурун Серёжа билан Ира ўзгариш рўй берганини пайқадилар. Уларнинг уйдан сал нарида иккита полицаё билан не-мис солдати юришибди. Сал ўтмай Дормидонт билан Шульга ҳам етиб

келишди. Улар гўё ҳар қайсиси ўз иши билан банддек якка-якка юришарди.

— Энди уйдан ҳам чиқолмайсан киши,— деди маъюсланиб Серёжа.

Эртасига уйни кузатувчилар олдида полицай Юра пайдо бўлди. Серёжа қудуқдан сув тортишга чиқиб, гўё тасодифан Юрани учратиб қолди.

— Бу нима ўзи?

— Эътибор берма,— хурсанд бўлиб шивирлади Юра.— Энг муҳим янгилик — Москва остоналарида немислар тор-мор қилинибди. Тафсилоти кейин. Бугун-эрта муҳим воқеалар бўлишини кутинглар. Ҳа, ҳа, бугун-эрта! Тушундингми?

Серёжа хушхабардан тўлқинланиб, қувончга тўлиб-тошган ҳолда уйга кириб келди.

— Ира, ажойиб бир фикр бор. Қани, туғилган кунингни нишонлаймиз.

Ира ҳайрон бўлиб акасига тикилганича қотиб қолди, сабабини сўрамоқчи бўлиб, энди оғзини жуфтлаганида, Серёжа деди:

— Аҳамияти йўқ. Эртага туғилган кунинг деймиз. Тарасни ҳам, отасини ҳам қақирамиз. Москва остоналарида немисларни тор-мор қилишибди. Сенинг туғилган кунинг деб ана шунини нишонлаймиз.

— Хўп, жуда яхши,— маъқуллади Ира.

Серёжа Марфа холанинг эрига бориб, ундан икки шиша самогон сўраб олди. Ира ертўладан қолган-қутган ейдиган нарсаларни олиб чиқди.

— Камроқ,— деди Серёжа.— Мен Тарасга учрашиб келай-чи. Бирон нарса сўраб кўрай, биратўла уни отаси билан эртага меҳмонга таклиф ҳам қиламан. Соат еттига айтаман.

Эртаси куни кечқурун стол ясатилди. Тарас келди-ю, «гуноҳдан узоқ» бўлишни ўйлабди шекилли, староста келмади.

— Дадам қўрқаяпти шекилли,— деди Тарас.

— Майли, келмагани яна яхши. Очиқроқ гаплашаверишимиз мумкин.— Серёжа Тарасга кўз қисиб қўйди.— Биласанми бугун қанақа туғилган кунни нишонляяпмиз? Москва остоналарида немислар тор-мор этилишини.

— Йўғ-е!

— Рост!

Шу кечаси Шульга уларнинг уйи атрофида кўринмади. Икки мартагина Дормидонт кўзга чалинди-ю, нарироқда бояги-боягидек иккита полицай билан бир солдат бориб-келиб юришди.

— Туғилган кунни нишонлаш ўз йўли билан-у, менда битта иш ҳам қилсак деган таклиф бор. Келинглар, ҳеч бўлмаса ўнтагина варақа ёзайлик. Мазмуни шундоқ: «Ака-укалар, опа-сингиллар! Москва остоналарида душман тор-мор қилинди! Она Ватанимизнинг шон-шухрати, бахт-саодати, озодлиги ва мустақиллиги учун охиригача курашишга онт ичайлик!»

Немис-фашист босқинчилари томонидан вайрон қилинган шаҳар-қишлоқларимиз ҳақи, уруш оловларида куйиб, кул бўлган уй-жойларимиз, завод-фабрикаларимиз, гўзал боғларимиз, ўрмонларимиз ҳақи онт ичайлик. Евузларнинг қадами етган ерларда тўкилган муқаддақон учун, отиб, осиб ўлдирилган ва зулм зиндонига ташланган бегуноҳ ота-оналаримиз, ака-укаларимиз ҳақи, таҳқир ва ҳақорат қилинган акаларимиз, опаларимиз ҳақи, ёшлиги қонга беланган, қалбидаги қувончи, лабидаги кулгиси тортиб олинган, мисли кўрилмаган азоб-уқубатларга йўлиқтирилган болалар ҳақи онт ичайлик! Қизил Армия жангчиларига ваъда бериб айтамызки, охири нафасгача босқинчиларга қарши курашамиз, лаънати душман устидан ғалаба қозонишимиз учун кучимизни ҳам, жонимизни ҳам аямаймиз! Қонга — қон, жонга — жон! Йўқолсин уруш!»

— Жуда яхши!— дейишди баб-баравар Ира билан Тарас.

Улар дераза пардаларини ёпиб, деразадан узоқроққа ўтиб ўтиришди. Серёжа қоғоз, сиёҳ, бўёқ олиб келди.

Шу пайтда партизанлар Берёзовкани штурм қилишга ҳозирлик кўрардилар. Ҳамма нарса икир-чикиригача ўйлаб қўйилган эди. Шахов, Николаев ва Темиров қўмондонлигида уч группа бўлиб, ҳар группада бир юз элликтадан партизан қишлоқни штурм қилиши керак эди. Икки группа полицай кийимида қишлоққа саҳар-саҳарда биринчи бўлиб кириб боради.

Операция ўнинчи декабрга тайинланган эди. Унинчига ўтар кечаси лагерда ҳеч ким ухломмади. Биринчи бўлиб Николаев ва Темировнинг группалари штурмга тайёргарлик кўришди. Узларига ёт бўлган полицай кийимларини кийиб олиб, роса ўзаро ҳазиллашишарди, ҳангома қилишарди. Фақат командирлар ўз кийимларида қолишган эди.

Биринчи бўлиб Темировнинг группаси қишлоқни ғарб томондан айланиб ўтди-да, клуб олдидаги майдонда пайдо бўлди.

— Ким келаяпти?— немисча сўради соқчи.

— Узимизникилар,— деб жавоб берди русча Темиров, полицай кийимидаги партизанларни олдинга бемалол ўтказаркан.

Соқчилар полицай кийимини кўриб, уларни бемалол ўтказиб юборишди. Николаевнинг группаси қишлоққа шарқ томонидан кириб келди. Бу ерда ҳам партизанлар ими-жимиде қишлоққа ўтиб олдилар. Шахов ўз партизанлари билан сигнални пойлаб турарди. Ниҳоят, Темиров отган ракета осмонни ёритиб юборди.

— Олға!— деди у.

— Олға!— деди Николаев.

— Олға!— ўз партизанларини штурмга кўтарди Шахов.

Немислар бундай ҳужумни сира кутмаган эдилар. Клаус ички кийимида кўчага югуриб чиқди. Эберт ўрнидан ҳам туриб улгуролмади. Партизанлар Шульга билан Дормидонтни қўлга олишди. Герасим партизанлар орасида Юрани кўриб:

— Ҳимм... Юра, сен кимлар билансан ўзинг?— дея бехосдан сўраб қолди у.

— Менми? Сизлар билан эмас, албатта,— деди кулиб Юра.

Қишлоқ аҳолиси уйларидан югуришиб кўчага чиқишди, немисларни асир олишда партизанларга кўмаклашишди. Ганс ҳам ўз уйдан чиқиб, катта кўчадаги одамлар орасига урган эди ўзини Юра унинг орқасидан етиб олди.

— Бунча ҳам бераҳм одамсиз-а! Айтдим-ку сизга, мен билан бирга бўлинг деб! Сиз бўлса жуфтакни ростламоқчисиз.

— Сен ҳам ўшалар биланмисан?— ғазаб билан сўради Ганс.— Сотқин!

— Шошилманг. Ким кимни сотганини аниқлаб оламиз ҳали,— бамайлихотир деди Юра.— Қани, олдимга тушинг-чи!

Серёжа билан Ира аллақачон кўчада эдилар.

Эрталаб қуёш кулиб чиқди, бутун олам ёришди. Тиниқ осмон қуёш нурида товланарди.

— Шошманглар, шошманглар, танишга ўхшайсизлар-ку,— деди партизанлардан бири, бўйи баланд, қорачадан келган йигит Серёжа билан Ирани тўхтатаркан.

Серёжа кўзларига ишонмай қичқириб юборди.

— Омонов? Бобоёр ака! Ростданми-а!

Иван Иванович етиб келди.

— Мана, болаларим, ўғлимни ҳам ёнимда бирга олиб келдим.

— Ҳаммасини кейин гаплашамиз,— деди Бобоёр,— кўришганимизда.

Клуб ва колхоз правлениеси бинолари устида қизил байроқ ҳил-пираб турарди. Байроқлардан бирини партизанлар, иккинчисини Серёжа билан Ира тайёрлашган эди.

Клаус, Эберт ва Ганс тирик қолган солдатлар билан бирга майдоннинг бир томонида, Шульга билан Дормидонт иккинчи томонида

туришарди. Шульга олдидан ўтаётган Шаховни таниди. Шахов ҳам тўхтади.

Николаев қўлини кўтариб, қий-чувни тинчитди.

— Иккинчи хушxabар,— сўзида давом этди Николаев,— бизнинг ҳамқишлоғимиз майор Есин муҳим жанговар операцияга муваффақиятли раҳбарлик қилгани учун жанговар Қизил Байроқ орденига сазовор бўлибди...


У гапини тугатолмади. Шу пайтда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Бошини қўйи солиб турган Шульга пимасининг қўнжидан катта пичоқ чиқариб, бир қадам нарида турган Шаховга шердай ташланди, кўкрагига пичоқ суқди. Юра старостани тепиб юборган эди, қўлидаги пичоқ ерга тушди. Тарас жон ҳолатда пичоқни олиб Шульгага суқди.

Майдонни оҳ-воҳ овозлари тутди. Партизанлар сукут ичида Константин Петровичнинг жасади устида бош эгиб турардилар. Иван Иванович келди, тиз чўкиб, оҳиста Шаховнинг кўзларини юмиб қўйди.

Николаев, Темиров ва Иван Иванович Константин Петровични қўлларига кўтариб кетишди. Серёжа билан Ира уларнинг ёнида боришарди.

Бутун берёзовкаликлар гап-сўзсиз, чуқур қайғуда, бошларини қўйи солиб уларнинг кетидан ғамгин одим ташлашарди.

Совуқ декабрь шамоли эсиб турарди. Бу алам шамоли, кураш шамоли, умид ва ишонч шамоли эди.





Хусниддин Шарипов



Жаҳоннинг жони

Елдирим йилларнинг баридан ушлаб
Асаблар тортилса тобора таранг,
Шошган магнитофон сасига ўхшаб,
Сўзлар ҳам касб этар ўзгача жаранг.
Шекспир

заррадан мангу пурзиё
Офтоблар яратиб этса-да мафтун,
Тилим айланмайди
У билан:

«Дунё —
Томошахона!»

деб айтмоққа бугун.
Кўриб уфқларни атом чангида,
Чехов ҳам демасди бугун, эҳтимол:
«Шартдир ўқ узмоғи ўйин сўнгида
Михга илк пардада осилган қурол».
Синаб кўрмоқчидай башар бардошин,
Ҳаёт

ўз ҳукмини солиб пайсалга,
Фашист

ёғдирмоқда ҳамон қўрғошин,
Нишон бўлаётир араб ажалга.
Тингласа бу элнинг дарду доғини,
Қорайиб кетмасми мисоли тутун
Фаластин хурмосин ҳар бутоғини
Бир дoston айлаган Лермонтов бугун?!

Улуғ устозларнинг жонсарак руҳи
Яшар бу оламда сизу биз бўлиб.
Бизнинг танзимизга ботса ёв ўқи,
Уларнинг жонида қолар из бўлиб.
Уларнинг жони-ла тирикдир жаҳон
Ва жаҳон

юз тутмас асло заволга

Бугун

ўқ узиш-чун бермасак имкон
Телбалар қўлида турган қуролга.

«Шарқ юлдузи»га

Эллик йиллик юбилейи муносабати билан

Уғлим кемирарди «фан тошин» хушҳол
Зўр олим бўлмоқнинг иштиёқида.
Бобосин саволга тутибди дарҳол
Попга борганида таътил чоғида:

«Бува, сўйлаб беринг,
Бахтлисиз роса —
Инқилоб жангларин кўрган экансиз.
Аввал босмачидан қочиб жар оша,
Сўнг қувлаб,

тоққача йўртган экансиз.

Қолхозни муштумзўр тиғидан қўриб,
Утгансиз неча бор қалтис зинадан.
Ростми Аччиқўлда чивиндан қўрқиб,
Ваъз айтганингиз пашшахонадан?
Ўша маҳалда ҳам,

мисоли денгиз,

Бедор яшармиди ошиқлар бўзлаб?
Қизил чойхонада қизил тўйингиз
Қандай ўтганин ҳам беринг бир сўзлаб...»

Отам фарқ бўлибди сукутга узоқ,
Тарихни титкилаш эмас-да ўйин:
Албатта, хотира ҳозир сал чатоқ,
Умрни бир йўла эслаш ҳам қийин.
Олиб қочмабди у лекин кўзини,
Дебди бир чайқалиб илиқ тўлқинда:

— Бўтам,

Варақлаб боқ «Шарқ юлдузи»ни,
Ҳаммаси бирма-бир ёзилган унда.
Сатрида —

Йилларнинг ҳам гул, ҳам ниши.

У даста қоғозмас —

замондан садо.

Ундан

халқи билан пайваста киши
Топгай таржимаи ҳолин бехато.
Офтоб юришига қараб одамзот
Соатин минг йиллар тўғрилаб келган.
Сайёҳ юлдузлардан изларди нажот,
Йўлидан адашса денгизда елкан.
Сен ҳам қолмагайсан йўлларда толиб,
Очгунг фан булоғин янги кўзини,
Бўтам,

бораверсанг мўлжалга олиб
Қалбларда порлаган «Шарқ юлдузи»ни.

ҲАМЗА ҲАҚИДА

УЧ ШЕЪР

1. Изланиш

Ўзин излаб яшар ижодкор халқи,
У ўзин излади созу навода
Ва куйга қоришиб чарх урди қалби
Инқилоб титратган оташ ҳавода.

Фақат бир куй билан нурли эртага
Етиб ҳам бўлмасди томирдай тўлиб,
Шунинг-чун жарчидай тушди ўртага
Гоҳ Ғофир,
Гоҳ эса Жамила бўлиб.

Қифтга юк оларкан тобора кўпроқ,
Бели майишмасдан мисоли тўсин,
У аччиқ ва нафис,
Тиғдор ва янгроқ
Шеърий мисраларда излади ўзин.

Уни излаб топиб қотилнинг тоши,
Еру кўк

олислаб нураган лаҳза,

Эҳтимол:

«Бу, ахир...

фақат йўл боши...»,

Дегандир

армон-ла қулаган Ҳамза.

Йўқдир бу дунёда ушалмас армон!
Бугун тўқилса-ю йилларнинг гарди,
Тирилиб,

боқса у,

Ўзин бегумон

Халқнинг юрагидан топган бўларди.

2. Ҳамза шахрига

Ўтар бевақт қариб зол «мерган» шоир,
Ҳатто ўтар-кетар бол терган шоир.
Қисқа яшаса-да, ўлим билмагай
Умрини шаҳарга қолдирган шоир.

Бу одил ҳаётнинг шарти бор битта:
Кичикроқ бўлса ҳам, бўлса ҳам катта,
Шаҳар ё шоирни босолмагай қум,
Кенг карвон йўлидан қолмаса четда.

3. Ҳамзадек майдондамен

Қўқон Давлат педагогика
институтини студентларига

Тортқилаб илҳом бу тонг, «Ёз!» деб буюрган онда мен
Қўз очиб сездимки: ҳа, дўстлар, демак, Қўқондамен.

Ўзни бир боғ ҳўл ўтин янглиғ туярдим, эҳтимол,
Марзариддек термасам завқ бу яшил уммонда мен.

Бунда эркан барча юлдуз, оҳ, қилибман соддалик,
Сизни излаб чарх урибман шунча йил осмонда мен.

Қўзга кўз тушганда дейман бахтиёрлик ҳис этиб:
«Не қилай, дўстлар, ҳаётни сиз билан ҳижронда мен?»

Гул ва булбул ҳамнафас, ёндош бугун ой ҳам қуёш,
Қолмангиз ул ёнда сизлар, қолмайин бу ёнда мен.

Қалбингиз офтоб бўлиб, бахш айлагач кўкламга жон,
Қонда туғён этса ашъор, жўш урарман жонда мен.

Ғунча ёзмоқ чоғи қўрқманг, безаволдир ҳуснингиз,
Сизни айлай деб ҳимоя, Ҳамзадек майдондамен.

Онажоним ~ жонажоним

Она билан қиз дуэти

Куйла, қўнгил, куйламоқнинг чоғидир,
Куйга тўлган умримизнинг боғидир,
Ҳам суянчиқ, ҳам азиз ўртоқдир
Онажоним, жонажоним, онажон,
Жонажоним, онажоним, жонажон.

Йўлга чиқсам, интизорим сен менинг,
Эл ичинда ифтихорим сен менинг,
Бахтли бўлсам бахтиёрим сен менинг,
Онажоним, жонажоним, онажон,
Жонажоним, онажоним, жонажон.

Сенга ҳатто бир совуқ ел тегмасин,
Тоза қаддинг ҳеч маломат эгмасин,
Ўхшатарман сенга офтоб чеҳрасин,
Онажоним, жонажоним, онажон,
Онажоним, жонажоним, онажон,

Бўлса уфқинг манглайингдай ярқироқ
Учмагай ҳеч дилда ёнган шамчироқ,
Бу жаҳонда яхшилардан яхшироқ
Онажоним, жонажоним, онажон,
Жонажоним, онажоним, жонажон.

Менинг ёрим вафоли

Қиз қўшиғи

Атир гул орасида
Ўқир булбул қасида
Менинг оташли севгим,
Менинг ёрим ҳақида.

Менинг ёрим вафоли,
Вафонинг йўқ заволи.
Ёзар гул даста-даста
Муҳаббатнинг ниҳоли.

Наволар шўх ҳаволаб,
Бўлуру завқим лаболаб.

Асил бахт мисли офтоб,
Уни бўлмас баҳолаб.

Агар ёр боқса ширин,
Ўтар ҳар лаҳза ширин.
Баҳор айлайди эъзоз,
Муҳаббатнинг асирин.

Атир гул орасида
Ўқир булбул қасида
Менинг оташли севгим,
Менинг ёрим ҳақида.

Кимдир...

Кимдир бош уради меҳробга йиллаб,
Худодан бир янги пойафзал тилаб.
Кимдир.

намозидан қўзғолиб тезроқ,
Мачитдан чиқади
кавшин янгилаб.

Беҳадик

Жиним ёқтирмайди ўғри қавмини,
Жодидан ўтказсам дейман жамини.
Еттинчи осмонга етади бошим,
Агар ёмон кўрса улар ҳам мени.

Ўғридан мол учун олмайман ҳадик,
Унвону ҳамёним эмас кўп йирик.
Менга алам қилар
Улар
Халқимнинг
Покиза номига бўлганда шерик.

Отанинг кўнгли болада

Шарафлидир волида бўлиш,
Она йўқдан бор қилар!
Бироқ
Оталик ҳам жуда масъул иш.
Ишонмасанг,
Мана,
ўйлаб боқ.

«Адажон, — деб тамшангач бир зум,
Ўғлинг айлар дардини баён, —
Нега йўлдан ҳаттоки бир сўм
Топмай қўйдим анчадан буён?»
Маҳтал бўлса сўзингга фарзанд,

Тилни тишлаб ўлтирмоқ қийин.
Бир муаммо ўйлатар фақат —
Жиддийми бу ва ёки ўйин?!
Нурсиз бўлса жавобинг, балки,
У чиқариб қўяр сўтакка.
Шунинг учун нимтахир кулги
Сўзларингни олар шатакка:
«Ўғлим, дейсан аста йўталиб,
Айта қолай гапнинг ростини,
Юрган бўлсанг бурун кўтариб,
Кўрмайсан-да оёқ остини!»
Ўғилнинг ҳам ақли жойида,
Бир зарбадан тушмас тўкилиб:
«Не қилай, — дер, —
Ақча пайида
Юрайинми энди букилиб?»
Ана холос!
Боланг тушмагур
Мунча ўзин урар қармоққа,
Уни ахир ким қипти мажбур
Ундай ёки бундай юрмоққа?
Қолаверса, асрлар бўйи
Нақл этгандек ақли расолар,
«Бўй эгганинг узилмас бўйни»
Ва ҳоказо, ва ҳоказолар...
Бу хаёлий нутқингдан ер-кўк
Дазмол каби турганда қизиб,
Шумтаканинг кўзида бир чўғ
Йилт этганин қоласан сезиб.
Хушёр тортиб бу чўғдан дарҳол,
Ифтихор-ла дилга тугиб қўй:
Демакки, сен яратган ниҳол
Ўзинг билан ўлчашмоқчи бўй!
У сен ёққа чўзилган сайин
Интиласан сен ҳам у томон
Ва суҳбатни боягидайин
Истеҳзо-ла этасан давом:
«Ҳақ гап, ҳаёт йўлидан яккаш
Топмоқ учун сўм ёки танга
Ярашмас ҳеч қад букиб яшаш,
Ҳа, арзимас эгилганингга.
Лекин, мағрур яшаб, эй ўғлон,
Боқмасанг ҳам чап билан ўнгга,
Йўлда ётса бир халта червон,
Топарсан тез...
қоқилиб унга!»
Бу лутфингдан очилиб гул-гул,
Тан бериб дер ўғлинг ўша дам:
«Бўлмасмикан яна-да маъқул,
Ўзингизга ўхшаб яшасам?!»
Ҳазилмас бу.
Издошдан бурун
Ўзлигингни, дўстим, билиб ол.
Кимсан ўзинг?
Жавоб бер бугун,
Шунга боғлиқ энди истиқбол.



РОМАН

— Шундай қилиб,— давом этди Эшони Судур,— аъло ҳазрат Қашқарга жўнашлари олдидан Англиё элчиси Эссертоннинг махсус отряди Помир йўлига чиқиб кутиб тургани ҳақида Кўктошга бир чопар келиб, хабар бериши лозим эди. Чопар ҳам келди... Шунда аъло ҳазрат Иброҳимбекка: «Ҳисордаги қарвон биздан олдин кетаверсин. Биз қарвоннинг изидан борамиз», дедилар. Амирнинг мулоҳазасида жон бор эди: Помирда қадимдан ўғрилар, йўлтўсарлар кўп. Каттақон қарвонни кўрса, қизиқиши аниқ. Бунинг устига, ўша қарвонда аъло ҳазратнинг бўлиши албатта, қизиқишни оширар эди... Хуллас, Помирга яқин турган бизнинг қарвон олдинроқ кетаверадиган, аъло ҳазрат ўз қарвони билан унинг изидан тушадиган бўлди. Ҳисордаги қарвонни кўриқлаб бориш учун Тўғайсари баҳодир қирқ йигити билан жўнатилди... Кейин биз ҳам кўшимча беш-олти туяга сомон ортиб, фақир-ҳақир қиёфасида йўлга равона бўлдик. Тўрт кун йўл юриб, Томчибулоқ деган жойга етдик... Қарасак, Тўғайсари баҳодир йигитлари билан давра қуриб ўтирипти. Бари хафа. Хўрсинишади. Суриш-тирсак, бирламчи, мулло Урганжий оламдан ўтган экан. Жойлари жаннатда бўлсин!.. Уқнинг жойи йиринглаб, қони бузилган экан. Хўш, Тўғайсари нечук бу ерда? «Биз Помирга чиқдик, жаноб олийлари! Эссертон отрядидан иккита милтиқ билан анави уст-бошни топдик, холос. Йўлтўсарлар қириб ташлашган экан. Кўрган чўпонлар айтишди... Шунда улар бизга ҳам ҳужум қилишди. Қочиб тушишга мажбур бўлдик», деди. Бошқа йигитлар ҳам унинг гапини тасдиқлашди. Энди нима қилишимиз керак? Аъло ҳазрат зудлик билан орқага қайтишга фармон бердилар. Яна Кўктошга қайтиб келдик. Энди аъло ҳазрат-

Давоми. Боши ўтган сонларда.

нинг Кобулга ўтишдан ўзга иложи қолмаган эди. Кобулга алоқачилар йўлладик. Асланхон у тараф амирни сабрсизлик билан кутаётганини маълум қилди. Панж дарёси саёзроқ. Чубекка етдик. Аъло ҳазрат билан хўшлашув бўлди.

Алқисса, аъло ҳазрат кемага ўтирдилар. Жавоҳир сандиқлари, қимматбаҳо гиламлар, нодир газмол, яна кўп лаш-лушлар кемаларга ортилди. Аъло ҳазратни нари бетга ўтказиб қўйиб келган йигитлар у соҳилда Саид Олимхонни карнай-сурнай, дап-ногора билан кутиб олинганини айтишди..

— Чўх яхши,— деди Анвар пошшо.— Билиниз: Афғон амира-да Бухара теграсинда айланмиш итпашшадур!

— Лекин аъло ҳазратнинг бу ёққа ўтгани яхши бўлди..

— Тўғайсари ёдиниздан чиқти!

— Ёдимда, жаноб олийлари! Гап шундаки, Тўғай бизга ёлғон гапирган экан..

Эшик қаттиқ тортилди. Дарвешнамо киши мўралади.

— Бемор шу ердами?

Қурбон туриб кетди. Эшони Судур ҳам қўзғолди.

— Қўзларимиз тўрт бўлди-ку, табиб!

— Бу — зубтурум,— деди табиб қўлидаги тугунчани кўрсатиб.— Қишдаям ўстириб, устига сандал ёпиб қўйгич эдим. Бачалар очиб, совуққа олдирипти. Кенжамнинг уйдан топиб келяпман... Бекорчилар чиқсин.

Болохона айвонида иккита йигит. Урта эшикни очишга ҳаракат қилишяпти. Иброҳимбек четдаги устун ёнида. Қўзига дурбин тутиб, кунчиқардаги адирларга қарайди. Байроқ кўтарган навкар Қурбоннинг олдидан чолиб ўтиб, зинага тирмашди. Иброҳимбекнинг олдига борди. Саркарда унга ўгирилди-ю, назари Қурбонга тушди. Қурбон унинг нигоҳида қандайдир савол аломатини пайқади.

— У ёққа обор, сутумга қоқ!— деди Иброҳимбек байроқ кўтарганга.

Қурбон яқин бориб, қўл қовуштирди.

— Қалайсан, йигит?

— Шу, ҳазратнинг изларидан..

— Бир-бирига таниш чиқшди, чамамда?

— Жаноб олийлари, фаҳмимча, ғойибона танишар экан-у... фикрлари бир ердан чиқяпти.

— Нима хусусда?

— Аниқ бир нарсани англайолмадим... Бухородан Эшони Судурга бир улуғ одам салом деб юборипти..

— Оти?

— Анвар пошшо айтмади... Кейин мендан қизил қўшин бошлиғи Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳақида сўрашди.

— Балки Анварни Бухородан чиқарган ҳам ўшадир?

— Йўғ-э, жаноб олийлари. У одам Бухоро ҳукуматининг энг катталаридан!

— Амирликнинг тагига сув қуйганлардан?

— Шундай.

— Тўғрисини айт... Эшони Судурнинг аъло ҳазратга эътиқодни жуда баландми?

— Жаноб олийлари, ғийбат бўлмасин... унчалик эмас.

— Яхши... Пиримизнинг нима учун Афғонистонга ўтгани... дастлаб ўша ёққа ўтмоқчи бўлгани сабабини билдингми?

— Бир оз айтиб бердилар.

— У киши қочиб кетмоқчи эканлар. Аъло ҳазрат айтган эдилар..

— Ё, тавба!

— Айтганингдек, лашкари ислом учун иш қилишга келганинг рост бўлса, биз сени қадрлаймиз.

— Куллуқ, жаноб олийлари!..

— Анварнинг аъло ҳазратга муносабати қандай?

— Шу... аъло ҳазрат у кишидан анча-мунча сирларни бекитган эканлар.

— Масалан?

— Англиёга ўтмоқчи эканларини.

— Бу тўғрида гап бўлдими?

— Ҳазрат ҳикоя қилаётганда эшитдим.

Қаердандир туя қўнғироғининг жиринг-жиринг этган овози келди. Иброҳимбек кўксидаги дурбинни олиб, яна қаради.

— Сенга раҳмат... Ҳали яна гаплашамиз.

— Ҳўп бўлади, жаноб олийлари!

Қурбон изига қайтди. Ерга тушганда, Иброҳимбекнинг овози янгради.

— От!

Чодир атрофида юрган йиғитлар шошиб қолнишди. Чодирдан Тўғайсарни чиқиб, Иброҳимбекка қаради.

— Келишяптими?

— Ҳа.

Саркарда ёғоч зинани гурс-гурс босиб тушгунча, уй муюлишидан бодомгулли отни етаклаб чиқишди. Иброҳимбек узангига оёқ қўяр-қўймас юриб кетган отга сакраб минди. Жонивор устида бало-қазо ўтиргандек, нишоб эниб, ғойиб бўлди.

Қурбон такхона айвонига кирди. Мулозим мулозамат билан жилмайди.

— Ким келар экан?

— Билмадим.

— Бойсун — Бухоронинг ўн икки дарвозасидан бири дейишади, шундайми?

— Кечирасиз, Тошкентдан Бухорога қандай келиб қолдингиз?

— Чақириб олишди... Тошкентдагилар айниб қолди,— хўрсинди у.— «Миллий иттиҳод ва тараққий» жамиятимизни Шўролар тарқатиб юборди. Шунда Бухородан кишилар бориб, бизни олиб келишди.

— Қимлар?

— Бу ҳозирча сир...

— Анвар афанди билан Бухорода учрашдингларми?

— Тошкентдаям учрашган эдик.

— Узингиз ҳарбий киши-я?

— Бизда зиёлиларнинг ҳарбий бўлиши шарт.

Турсун мерган тутзордан отларни етаклаб чиқди. Қурбон мулозимдан узр сўради.

...Мерган йўғон, ўқловдек бармоқлари орасида оқариб турган нарсаларни кўрсатди.

— Бойчечак очилипти.

Қурбон бойчечакларни ипдек бандидан чимдиб олиб, қаради. Ҳидлади. Қор совуғини ёдга соладиган нозик бўйи бор эди. Оппоқ гулбарглар ўртасида йўл-йўл қора чизиқлар. Гулкосасида учи сарғиш найчалар.

Турсун мерган шимолга — Боботоққа юз бурди. Унинг чўққилари ўзра кир булутлар шошиб, пастлаб келмоқда эди.

— Бир қўйиб ўтади. Тоғ булути-да... Иброҳимбек билан гаплашиб турган эдингиз, Ойпарчани кўришга рухсат олдингизми?

— Рухсат беради.— деди Қурбон.

Адир устидан ёпирилиб тушган шамол отларнинг ёли, думларини тўзитди. Шувоқ ҳиди анқиди. Тўриқ бошини кўтариб, кўзини қоплаган ёллар орасидан атрофга аланглади. Мерганнинг пакана оти кишнаб юборди.

— Юртдошлар!

Майдонни тўлдирган кишилар тинчиб қолди. Шамол ёмғир томчиларини сепди.

— Ўзларингга маълум, лашкари исломнинг иши қурол билан би-тади!— деди Иброҳимбек ўйчанлик билан.— Мана, илк карвон келди! Ўқ-дори, қуроллар келди! Йиғиндан кейин кўрбошиларга улашилди. Улар ўз навкарларига тақсимлайди. Бу қуроллар олисга отади. Акса-ри диссермент, Англия милтиқлари! Тўхтовсиз ўн бир ўқ чиқиши мум-кин!.. Биз яна шу нарсани биламизки, бундай қуролларга эга бўлмоқ учун фақат пулдор бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ушбу қурол эга-лари, Англия каби улуғ давлат арбоблари ила гаплаша билмоқ ҳам керак!.. Энди амиримизнинг бу ғамхўрликлари учун у кишига ўзимиз-нинг чин миннатдорчилигимизни билдирайлик.

Пастда турганлар:

— Амиримизнинг умрлари боқий бўлсин!

— Ташаккур,— деди Иброҳимбек,— энди карвонни бошлаб, неча кун, неча тун йўл босиб келган ҳурматли меҳмонимиз, амиримизнинг ишончли мулозимлари Нуриллахон сўз айтадилар!

Эшони Судурга ёндош турган, зар ёқали чопони этаги ерга текку-дек, юзи оппоқ ва сергўшт, мошгуруч соқолли киши аста юриб, пан-жара олдига келди.

— Бисмиллоҳи раҳмони раҳим!..— Ингичка, ёқимли овоз тарал-ди.— Аҳли Қўктош! Қалом аввали шулки, сиз, азизларга пушти-пано-ҳимиз, тахтимиз эгаси Мир Саид Олимхон ҳазрат олийларидан дуои салом!

— Саломат бўлсинлар!

— Дуюм¹, зоти олий сизлар ила тезроқ дийдор кўришмакка муш-тоқларки, висол дамлари сиз — соҳиби қурол, соҳиби жанг ўғлонлар-га, сизларнинг тожу тахт, дину имон учун нечоғлик фидойи бўлишлар-рингга боғлиқ эканини тайинладилар!

— Омон бўлсинлар!..

— Энди онҳазратнинг баъзи бир туҳфаларини ўз эгаларига топ-ширамиз!

Эшони Судурнинг кетида турган беқасам чопонли йигит устига зарҳал муқовали китоб қўйилган матони кўтариб чиқди. Нуриллахон китобни олиб кўзига суртди ва жойига қўйиб, муқовасини очди. Икки букланган қоғоз олди. Кўзига яқин тутиб, ўқиди:

— «Ҳазрат олийлари Сизни ўзларининг олий қўмондони сифатида кўриш баробарида Сизнинг ватан, тахт ва дини ислом йўлидаги иш-ларингизга кушойиш тилайди ва ушбу муқаддас қуръон ҳамда жой-намаз ила тақдирлайди!» Бу сўзларни котибга айтиб ёздирганлар. Мана ўзларининг дастхати.— Қуръоннинг илк саҳифасини очди.— «Беқиёс ҳурмат эгаси, енгилмас саркарда, лашкарбоши ва тўпчибоши Муҳаммад Иброҳимбек тўқсобага. Саид Олимхондан».

Йиғилганлар гувиллаб кетди.

— Яшасин Иброҳимбек!..

Нуриллахон Иброҳимбекка тикилди. Иброҳимбек вазмин юриб келиб, жойнамаз ва қуръонни олди. Тавоф қилиб, йиғилганларга юз-ланди.

— Амиримиз учун бир эмас, минг жоним бўлса ҳам садақа!

Иброҳимбек жойига қайтди.

— Аҳли Қўктош!— Нуриллахон тағин мурожаат қилди.— Қўлоқ берингиз!.. Шу нарсани минбаъд тушуниб олмоқ керакки, олдимизда турган улуғ жанглар наинки Шарқий Бухоро ёҳуд Бухоронинг озодли-ги йўлида бўладурғон жанглардур, балки Самарқанд, у ёғи Фарғона, Тошкент, нариёғи — Хоразм учун, уларнинг-да тупроғидан кофирлар

¹ Иккинчидан (форсча).

оёғи узилмағи учун бўладурғон жанглр ҳисобланадур! Сўрасанғиз, курашнинг моҳияти бундан-да буюк!.. Улуғ ақл соҳиблари, тажрибали давлат арбоблари айни шу тўғрида ташвиш тортишмакда! Демокчиманки, бизнинг бу муқаддас ҳарбу зарбимиз оламнинг покизалиғи, ҳатто бир замонлар бизга ғайир кўз ила қараган давлатлар муҳофазаси учун ҳам бошланган курашдур! Шунинг учун, азизларим, лашкари исломнинг гарданига мислсиз вазифа тушди! Уз-ўзидан маълумки, бу ишнинг нечоғлиқ тез ҳал этилмағи, аввало, лашкари исломнинг сардорларига боғлиқ! Уларнинг ана шу давлат арбоблари ила сиёсат ва иқтисод бобида сўзлаша билиш иқтидорига боғлиқ!.. Хўш, лашкари исломнинг садтори Иброҳимбек жаноб олийлари қандоқ саркарда эканлари ҳаммамизга кундай равшан!.. Энди бир мулоҳаза: бу улуғ саркардамиз шу хусусларда бир холис ёрдамчига муҳтожлик сезмасмиканлар?

Иброҳимбек тухфани Гўппонбойга бериб, мулозим олдига келди.

— Юртдошлар!— у аста сўзлагани билан ҳамма эшитди.— Лақайнинг эгаси Чақабой мироҳўр сизларга ҳеч қачон ёлғон сўзламаган! Мен ҳам сизларга ёлғон сўзламай келдим.

— Рост!.. Рост!— дея бақаришди пастдан.

— Эса, Нуриллахон топиб айтдилар: ҳалиги имкониятларга эга бўлган бир кишига муҳтож эканимни пайқаб юрибман.

— Балли!— деди Нуриллахон.— Ана шунини аъло ҳазрат ҳам сезиб бир тадбиркор, дунё кўрган, манман деган давлат арбоблари ила теппа-тенг туриб гаплаша оладиган, ўтган жаҳон муҳорабасида юз минглаб қўшинга бош бўлиб, мислсиз зафарларни қўлга киритган, ўз қавмимиз, комил мусулмон... Анвар пошшо жаноб олийларини юбориб эдилар! У киши Иброҳимбек жаноблари ҳузурига кенг қўламли фикр ва мулоҳазалар ила келмоқ учун нақ Русияни айланиб, Бухорон шариф орқали Қўктошга қадам қўйдилар!.. Қарангки, пошшо жаноблари етиб келган чоғда биз ҳам етиб келдик. Қўнғилнинг тўғрилиғи-да!

— Қани ўзи?.. Чиқсин!.. Ҳалигимиз?

— Жаноб Анвар пошшо!

Зинапоя томондаги кишилар орасидан қалами камзулининг тугмалари қадалган, бошига ихчам оқ салла ўраган Анвар пошшо қизил этикдаги оёқларини шаҳдам босиб, ўртага чиқди. Унг қўлини пешонасига тегизиб сукут сақлаб турди.

— Жаноб Нуриллахон!— деди Иброҳимбек.— Модомики Анвар пошшода шунча ақл, шунча қудрат бор экан... саркардаликни бу кишига топшириб, ўзим ёрдамчи бўлишга розиман!

— Е, раб!— деди Нуриллахон.

— Юртдошлар!— хитоб қилди Иброҳимбек.— Лозим вақтда саркардаликни қайтиб оламан! Қўнғилларинг хотиржам бўлсин!

— Офарин! Офарин!— деди Нуриллахон.— Бу каби мардликни дунё кўрмаган!..— Нуриллахон Иброҳимбекнинг қўлларини қўшқўллаб ушлаб силкитди. Яна оломонга юзланди.— Бу хабарни аъло ҳазратга етказамиз!.. Расмийат учун Анвар пошшо жаноб олийлари номига бир ёрлиқ ҳам биттириб юборадилар...

Нуриллахон Анвар пошшога табассум қилди.

— Сўз айтасизми?

Анвар бир қадам олдинга чиқди.

— Мусулмонлар! Азиз кардашлар!— деди.— Маним ким ўлдуғини сизларга ҳазрат Нуриллахон сўзлаб вермиш! Ман бу кишига, дағи буюк эмир Саид Алимхана, дағи улуғ Иброҳимбек жанобларне мана билдирмиш ишанчлари учун буюк ташаккуримни билдириюрум! Азизлар! Сизин башинизе дўшмиш ташвиш башарият башина дўшмағи мумкин ташвишларни башланмасидурким, бу иша барҳам вермак ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидур! Шунинг сабабиндан ман Олмонёда сафарда юриб, кўп алам чекмиш эдим... Мани Қобула чорлашмишлар. Келдим. Аҳвални билдим!.. Ибраҳимбек разилик верса, бу иша

баш қўшажакман, дедим... Мана, ақибати! Иброҳимбекка яна бир қарра ташаккур билдируюм... Энди, сўзнинг қисқаси, ман ўзумни бир мусулмон, бир турк фарзанди сифатинда бурчимни ўтаб, бу азиз тўрпақни озод кўрдигим замон сизлар ила хўшлашиб кетажакман!

— Тасанно! Тасанно!— хитоб қилди яна Нуриллахон ва Эшонн Сударга қаради.

Ҳазрат салобат тўкиб, панжара қошига келди.

— Панода пизулмати ло илло ҳа иллобло инна кунтум миназ золиман! Юртимиз бошига соя солган қора булутлар, бахтимиз кўкини қора қилмоқчи бўлганлар яксон бўлғай!.. Муқаддас саркардаларимиз Анвар пошшо ҳазрат олийлари ила Иброҳимбек жаноб олийларининг қиличи кескир, ақллари ўткир, ўзларига худо ёр, пирлар мадаккор бўлғай!..

— Омин!

— Оллоҳу акбар!

24

— Менимча, йиғилганлар гангиб қолди, мерган ака.

— Мен ҳам ҳайронман... Иброҳимбек бундай одаммас! «Эна қорнидан бий бўлиб тушган», дейишарди. Лақайга эгаллик қилиш учун энг яқинларининг ҳам уйини куйдирган экан! Амирнинг назари тушсин, деб нима ишлар қилмаган!

— Сиз ҳам тек юрмаганга ўхшайсиз-а?

— Э, Қулмат калта айтади. Билмаган нарсаи йўқ.

— Бу ерда макр билан иш тутишмадимикан?

— Айтмоқчи, Анвар ёрлиқ келади деётганди.

— Ҳа-да.

— Бўпти-е! Биз ҳам тамадди қилайлик.

— Рост. Шунга етадигани йўқ.

— Камарда овқатланамиз .

— Бўпти!

Отларни миниб жўнашди.

... Қурбон пастликка энаётганда, кун йилтираб туришига қарамай, яна ёмғир ёға бошлади. У отини тезлаб сўқмоққа етди. Қоя орқасига ўтказиб, жойига боғлади. Айилни бўшатди-да, сувлиқни оғзидан чиқариб ғарам қилиб қўйилган бедадан бир боғ келтириб ташлади. Устбошига ҳамон ўрганолмаётганини ҳис қилганча камар ўртасига борди. Бу камарнинг шифти ҳам ўт кўп ёқилганидан қорайиб кетган эди.

Қарс-қарс қанот қоқиб каптарлар учди. Камардан чиққанда, ёмғирга дуч келиб, яна изларига қайтишди. Чипор доғлар оқиб тушган тоқчага қўниб, думалоқ кўзларини Қурбонга тикишди.

Камарнинг тўрида тўртта текис тош бор. Уртада учта тошдан ўчоқ ясалган. Бурчакда қий, қуруқ таппи, чалма уйилиб ётипти. Гоҳо шамол камар ичига ҳам ёмғир савалайди. Кўпчиган тупроқдан чанг кўтарилади. Қўй ҳиди анқийди.

Камарнинг қаршисида юксалган чағат остида сап-сарик қамишлар шатир-шутур этади; сув жимирлайди. Оралиқдан ўсган тутнинг малла танасидан ёмғир сизиб тушади. Унинг қуйи шохларида оқ, қизил қийқимлар.

Турсун мерган ҳам етиб келди. Отини тўриқ ёнига боғлади.

— Эски кийимларингиз ҳам шунда.— дея қўлидаги тугунни Қурбонга берди. Илдамлаб тезак уюлган жойга борди. Желлагининг ўнгирига аллақанча тезак, чалма солиб қайтди. Ўчоққа қалади. Чопонининг йиртиқ жойидан пахта юлиб олди-да, четидан тешиб ип ўтказилган чақмоқтош чиқариб, тошни пахтага яқин тутган ҳолда, ўзи ўтирган харсангга ура бошлади. Пахта тутай бошлади. Уни ушатилган тезак тагига тиқиб, уч-тўрт пуфлаганида пахтадан аланга кўтарилди.

Қурбон мерганнинг тепасида завқланиб кузатиб турарди. Ниҳоят, тугунни тошга қўйиб очди. Шол дастурхон чиқди. Остида аскарча кийим-боши. Уни олиб, ўрнидан турди.

— Мерган ака, шу кийим-бошни ёндириш шартмас-а, менимча? Нима бўлгандаям менга хизмат қилди. Анави... бетдаги ёриққа тиқиб қўйсам-чи? Балки яна иш бериб қолар.

Мерган Қурбоннинг қўлидан кийимларни олиб, кўл бўйига борди. Тисланмай ҳатлади — қамишлар устидан ўтиб, қия тошга бориб тушди. Тутнинг танасидан ушлади. Сўнг кийимларни қоянинг дарз кетган жойига тиқиб, яна бир ирғишда бу бетга ўтди.

— Чаққон экансиз.

— Ов кўп нарсага ўргатади кишини... Мен туғилган қишлоққа чиқиш қийин эди. Қишлоқ чўққининг устида-да. Чўққининг атрофи силлиқ «девор». Одамлар бетни ўйиб, қозиқ қоқиб, устига шох-шабба босиб, ёлғизоёқ йўл қуришган. Тепадан тушадиган одам ҳам, пастдан чиқадиган одам ҳам олдин овоз беришар эди. Бир-бирига дуч келишса, йўлга сизмай қолишди-да... Қадимда ёв босиб келаётгани маълум бўлса, бир киши пастга эниб, қозиқларни суғуриб ола-ола қайтиб чиқар экан. Ёв пастда қоп кетаркан.

Қамар адоғида от кишнади. Кимдир чақирди. Ёввойи тол тагида уч отлиқ бу ёққа қараб туришарди. Қурбон орқадаги тулки телпакли отлиқни таниди.

— Жабборбек-кү?

— Олдингиси — Давлатманбий. Душанбега жўнашганди, чоғи.

Давлатманбий узангида кўтарилиб бақирди:

— Ҳазрат қаерда?

— У ёқда!— деди Турсун мерган.— Иброҳимбек тушлик қилайлик деб опкетди меҳмонлар билан.

Отлиқлар ўзаро гаплашишди. Давлатманбий яна бақирди:

— Анвар пошшо келдимми?

Шунда Жабборбек қамчисини бошига кўтариб, ҳайқирди:

— Мундай келсанг-чи, берироқ!

Мерган катта-катта қадам отиб жўнади. Қурбон ҳам унга эргашди. Тол тагига етиб боришди.

Учинчи отлиқ мунча абгор бўлмаса! Эгнида увода тўн. Сарғиш соқоли ўсиб кетган. Кўзлари ўрадай чуқур, қорачиқлари оч ялтирайди. Ранги заҳил. Остидаги оти қорабайир аргумоқ.

— Анвар пошшо келди,— деди Турсун мерган.— Иброҳимбекнинг ўрнига саркарда бўлди.

— Нима?!— чинқириб юборди Давлатманбий.

— Ҳа, бегим, Иброҳимбек унга ёрдамчи бўп қолдилар.

Давлатманбий иягини ҳовучлаб тек қолди. Жабборбекнинг йилтироқ юзи фавқулудда ёришиб кетган эди.

— Аттанг. Энди ҳаммамизнинг инон-ихтиёримиз ўша келгиндининг қўлига ўтипти-да!— деди Давлатманбий.

— Лекин Иброҳимбек хоҳлаган куни саркардалиқни қайтиб оларкан.

Сариқ соқол қиққиқлаб калта-калта йўталар эди. Ниҳоят, чуқур нафас олиб:

— Мен нима дегандим сенларга!— деб хириллади.

Давлатманбий елкаси оша қамчи силтади. Қамчи қорабайирнинг бошига тегиб, от сапчиб кетди.

— Қараб тур, кўрасан ҳали!

Қурбон ҳайрон қолди: «Бу исқирт ким бўлди? Қўрбошига сенсираяпти».

Давлатманбий ўз отига қамчи тушириб, ёнбағирликка ўрлаб кетди.

Мерган билан Қурбон камарга қайтишди.

— Мулла, мен шу кўксонни бир ерда кўргандай бўламан.

— Дарьоқе!

— Сиз ҳамми?

— Йўқ-йўқ.

— Анавиларга зулм ўтказаетгани қизиқ-а?

- Мен ҳам шунга ҳайрон бўлдим.
- Бу одамда бир сир бор.
- Борликка бор. Анварнинг саркарда бўлишиниям каромат қилган экан.
- Ҳа-я.
- Одам одамга ўхшайди-да...

25

Анвар пошшо оврупоча безатилган хона ўртасида миз қиррасига қўлини тираганча нимадир деяётган экан, Қурбонга қаради. Қурбон Анварнинг ўнг ёнида ўтирган Эшони Судурга, сўнг сўл тарафга — Иброҳимбекка кўз отди. Иброҳимбек:

— Кир, кир,— дея Анварга тушунтирган бўлди:— Ҳазратнинг шогирди.

Қурбон таъзим қилиб, девор тагида бир тах юк йиғилган сандиққа суяниб, турган Тўғайсари томонга ўтар экан, ёнидан узатилган қўл унинг биллагидан тортди: Гўппонбой. Қурбон унинг биқинига тисланиб, Анвар пошшога кўз тикди.

— Сўзини қисқаси,— давом этди Анвар,— биз аввало халқни ўзимизга қаратмоғимиз лозим. Шўралар халққа наларни ваъда этади? Азадлик, тенглик, эрк!.. Тўқ турмуш! Биз-да бул нарсаларни ваъда этмағимиз керак! Бунда буюк ҳикмат вар... Ман бу йўруғда Сеид Алимхан ила-да, бир битишуве гелмиш эдим... Ўтмишда эмирликда талай хаталар ўтгани сизлара сир эмас. Шуларни ақибатинда наразиликлар кўпмуш! «Яш бухараликлар»дан коммунистлар етишиб чиқмиш!.. Нима дединиз, эшан ҳазратлари?

— Мен... фаҳм-фаросатингизга қойилман, афандим!— деди Эшони Судур.— Бу — энг муҳим муаммо, жаноблар! Кураш энди бошланяпти. Анвар афанди, сиз ҳеч биримизнинг миямизга келмаган фикрларни ўртага отдингиз... Бизнинг кунимизга халқ асқатади!.. Аъло ҳазрат ҳам рози бўлсалар, айни муддао!

— Ташаккур!— деди Анвар пошшо.

У миллий адоватни кучайтиришга қаратилган тарғибот олиб бориш зарурлиги ҳақида узундан-узоқ ваъз айтди.

— Тасанно!

— Сиз на дейсиз, Иброҳимбек?

— Қарши эмасман.

«Ана холос!.. Анвар боягидай шиорлар билан ўз халқиниям алдаган-а! Маккор!»

Қурбон хаёлланиб қолди...

Бухоро инқилоби аниқ, шаҳар тўфонда қолган кемадек чайқалиб турган кунларда Қурбон кўчаларда сочилган варақалардан бирини олиб ўқиган, эсдалик учун шинели киссасига солиб қўйган эди. Варақада шундай сўзлар ёзилганди:

«Бухоро меҳнаткашлари! Озодликка чиқадиган кунинг келди! Сени асрлар бўйи эзган, жаҳолатда сақлаган зулмкорлардан қутуладиган кунинг келди! Ўз меҳнатинг, ор-номусинг эгаси бўладиган кунинг келди!.. Бухоро Муваққат Шўролар ҳукумати, Бухоро фирқалари Русия Ишчи-Деҳқон ҳукуматидан амирликни йиқитишда ёрдам сўради. Улар байналминаллик бурчи тақозосида хўп деди. Ҳадемай Русия Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси қисмлари ёрдамга келади! Уларни ўз оғаларингдек, дўстларингдек қарши ол!»

Улар билан бир сафда туриб, амир истибдодига барҳам бер!»¹

— Суваллар вар?

— Жаноб пошшо!— деди Тўғайсари.— Сўзларингизни эшитдим... Халққа айтиш лозим бўлган гапларингиз ҳам чакки эмас. Афв этасиз, ватанларинг озод бўлгач, қайтиб кетаман дедингиз... Қаерга кетасиз?

¹ Ушбу варақадан Бухоро шаҳрида 60 минг мусха тарқатилган эди.

Анвар пошшо ихчам, кичкина соқолини силади.

— Ман дўғримда ул-бул нарсани билар экансан... Айт-чи, ватан-дан бадарға этилмиш кимса қай йўсунда шунча ишлара, мартабая қодир ўлмиш?

— Ҳайронман!

— Ман сани фикринги ўзгартмакчи эмасман. Ман дўғримда на фикрда бўлсанг, шу фикрда қал!

— Лекин...

— Фитналара ишон!

— Ишонаман, тақсир. Чунки ўзимга ишонмай қолганман.

— На дардин вар, ўғлон? Сўзла.

Тўғайсари Иброҳимбекка қаради. У баҳодирнинг гапиришини ис-тамаган қиёфада бошини четга бурди.

— Йўқ!— деди Тўғайсари.— Ҳозир ҳаммасини айтаман. Нима бўлса, бўлди!

Дам Анварга, дам қўрбошиларга қараб ўтирган Эшони Судур ҳам:

— Сўйланг, бек!— деди.

— Хуллас... мен йигитларим билан аъло ҳазратнинг карвонини Помирга опчиқиб Эссертон отрядига қўшишим, кейин ўзларининг бори-шини кутишим керак эди!.. Йўлда мулла Урганжий қазо қилди. Раҳ-матли ўлиш олдида мени ёнларига чақирди. «Сен мард йигит экан-сан,— дедилар.— Бир сирни айтмасам, армонда кетаман. Саид Олим-хон мамлакатни ўтқазиб қўйган эди. Буям кам экан» дедилар. Жаноб Анвар пошшо, мен эшитган гапларимни айтаман!

— Дувам эт.

— Кейин, «Саид Олимхон нима учун Англиёга кетаётир?» деб сўрадилар. Мен: «Қурол-яроғ жўнида деб ўзлари айтдилар-ку?» де-дим. «Бу гаплардаям жон бор,— деди у киши.— Бироқ яна битта сир борки, уни мендан бўлак зот билмайди». «Нима сир экан у?» «Шуни айтиб қолиш учун сени чақирдим. Бу сирни, Қўктошга қайтганин-дан кейин фақат Иброҳимбек билан Эшони Судурга айтиб бер», дедилар.

— Хўш?

— Амиримиз Бухорони Англиёга эллик йилга сотиб қўйган экан.— Тўғайсари Анварга тикилди.— Қушбегининг гапи бу... Бошқа киши айтганда, тилини суғуриб олардим!

— Шуми гапинг?

«Нега ҳаяжонланади? Боя Эшони Судур амирнинг Англияга ўт-моқчи эканини айтганда: «А?» деб бақирган эди?— Шошма! Мен чи-қиб кетдим-ку? Ҳазрат бу гапларни унга айтган...».

— Шу!— Тўғайсари алам билан жилмайди.— Бу кичкина гапми, жаноб олийлари? Ватанни сотиб бўлар эканми, биродарлар? Ахир, амиримиз деб жонимиз ҳалак эди! Кўксимиз қалқон эди!.. У киши бўлса...

Анвар чимчалоғига тикилиб, бир муддат ўйланди.

— Ўғлон, Бухара, Қўқон, Хива, Туркистон яқингача кимин тасар-руфинда эди?

— Э-э. Оқпошшонинг-да.

— Ҳа.

— Лекин, оқпошшо бизнинг ишимизга аралашмасди.

— Аралашмас эди? Унинг ижзатисиз биран харижий ўлка ила мунасабат қила билармиди амирлик? Бухара атрафинда, бутун чегара бўйлаб неча истеҳқўмлар қурилмиш эди?— У бурилиб, яна калта ба-қувват қўлларини столга тиради.— Душундинг?

— Бухорони аллақачон сотиб бўлинган эди, дейсизми?

— Энди Англияга гелсак, ул явуз давлат бу ватанга эга бўлмакни ҳаммавақт ўйлаган!— У даврани кўздан кечирди.— Сизлар-да билиб қўйиниз: Урта Асия ерия бир оқпошшо эмас, бир Англия-да эмас, бел-ки Америка-да кўз тикади! Ҳа, Америка! Ул эн буюк ва қудратли дав-лат саналмиш бу кунда... Унинг президенти Вилсон-да Сеид Алимхан ила алоқа ўрнатмак учун ўзунин кишиларини аллақачон Бухарая са-

фарбар этмиш эди. Тадуэлл деган элчиси Тошкентда турурди. Уларни ўн тўрт мададан ибарат шартнамаси ила Кабулда таншмишам. Ҳали бу ҳақинда сўзлашажакмиз... Бу сўзлардан хулоса шу: биз, ислам лашқари юлбашчилари, бугунги кунда чўх эҳтиёт ила иш тутмагимиз лозим! Мақсад — ватанни азад этмак! Бунин учун барча йўллар биза қўл гелади... Тўғайсари ўғлон! Амирнинг мамлакатни Англияга эллик йила сатмакчи бўлганина гелсак... у сатмакчи бўлди, холос. Хайрият, бу тадбир амала ошмай қалди... Аъло ҳазрат Кабула ўтди! Шу сафарнинг ўзи ул режани барбод этди... Азизлар, Кабулда Сеид Алимхан жанаблари ила кўп суҳбат қурмишам. Ул киши Англия ҳақинда ётсираб сўзламишлар...

Тўғайсари гамгин кулимсиради.

— Билмадим, ўша ерда мен бўлмасам...

— Сан на қилдинг?

— Йигитлар билан Помирга чиқиб бориб, Эссертон отрядни қириб ташладик. «Мана сенга эллик йил!» дедик... Кейин аъло ҳазратга ёлғон гапирдик... Эшон бобо билан Иброҳимбекка ростини айтдим. Булар мени уришишди, албатта.

Анвар жимиб қолди.

— Сана ташаккур.

Тўғайсарининг кўзида ёш йилтиради.

— Яна бир саволим бор, жаноб олийлари. Бухоро Шўролари, унинг раҳнамолари орасидаям «олди-сотти» бўлиши мумкинми?

— Албатта.

— Рости билан-а?

— Сан маним Бухарадан қай йўсунда чиқиб келганима-да қизиқарсан балки?

— Э!.. Билсак ёмон бўлмас.

— Муҳиддин! Дарвешни чорла!

Эшони Судур орқага бурилди.

— Шу бадбахтнинг юзини кўрмайин!

«Ким у? Дарвеш? Наҳот бояги одам... Йўқ. Бу ерда бошқа киши тўғрисида гап кетяпти. Уша «буюк»...

26

— Аслимни сўрасанглар, Бойсун беги Ғозибек бўламан!— шаниллади сариқ соқол.— Ғазабга учрадим. Мана, Эшон ҳазратлари айтиб туриб ёздирган арзнома «ёрдами» билан зиндонга тушдим!.. Нимага ўқраясизлар? Айбимни бўйнимга оляпман! Қўрғонимга Пасурхилик бир сўфининг аёли тўққиз яшар қизи билан кеп кетар эди. Бекоийимнинг кирчиси эди шу аёл. Мастлик-да, кўнгил кетипти. Қизчани бузиб қўйибман.— У Иброҳимбекка тикилиб, тек қолди. Собиқ саркарданинг баркашдек кафти ханжар сопини қисиб турарди.— Саккиз ой ётдим-э!— деди у.— Э, беш йилу саккиз ой зиндонда банди бўлдим! Энди ўзимни оқлай, деб юрибман, жаноб олийлари!

Ҳа, Қурбоннинг эсида: ўша воқеадан кейин сўфининг уруғлари — бутун Пасурхи халқи келиб, қўрғонни ўраб ётган, Ғозибекнинг чиқишини талаб қилишган эди. Икки кундан кейин дарвозани бузиб киришди: Ғозибек бола-чақаси билан қўрғоннинг хилват йўлагидан чиқиб кетган экан.

Сўнг Эшони Судур айтиб биттирган арзнома жебачи¹ Бўри тўқсоба орқали Бухорога жўнатилган, тўқсоба бир ой деганда қайтиб келиб: «Ғозибек Қаршида тутилди. Бир умрга зиндон қилинди!» деган эди.

Ушанда... Айниқса, арзнома жўнатилган кун Эшони Судур мадрасага қайтиб келиб, ҳужрасида ғоят мутаассир бўлиб ўтирган Қурбонга ҳаром амалдорлар, нодон бойлардан роса нолиган эди.

¹ Амирлик билан беклик ўртасидаги воситачи амалдор.

— Ўзингни оқлай олмайсан,— деди Иброҳимбек.— Ундан кўра Анвар пошшонинг айтганини қил.

— Таништир дедилар, таништиряпман-ку!— У йўталиб қолди. Тупуриш учун атрофга аланглади-да, яна Иброҳимбекка кўзи тушиб, ютинди.

— Зиндондан ким сани азад этмиш?

— Қизиллар! Айтдим-ку... Уғри борми, тўғри борми — барини озод қилиб юборишди! Мен ҳам чиқиб қолдим. Кейин, «фақир эдим, ноҳақдан қамалганман», дедим. Улар афтимга қараб, сўзимга ишонишди. Кейин мени бир отрядга йўлқўрсатувчи қилиб олишди. Уч-тўрт ой Бухорода юрдик. Кейин бу ёққа жўнадик. Отряд Бойсунга етиб қолди. Кейин катта мени бу ёққа жўнатди... Ҳамма иш жойида, ҳадемай етиб борамиз,— деди.— У Давлатманбийга зарда билан қаради.— Мана бу пакана бўлса, ёқамдан ушлаб: «Нима мақсадда келаяпсан?» дейди. Индамасам, отимни тортиб оладиган. Жим ўтир! Жаноб Анвар пошшо, бу хунукка жазо беринг!

— Бас!— деди Анвар пошшо.— Биз томона ўтар эканми у?

— Мен нима деяпман?

— Бошлиғи нечук адам?

— Бухоронинг энг каттаси!

— Отряди?

— Унга содиқлар.

Анвар пошшо Тўғайсарига юзланди.

— Бу сўзлардан бир нимарса англадин?

— Сизниям ўша одам... Бухородан кузатиб қўйганми?

— Ҳа!.. У бу ера гелиб, ҳатто... Бухара жумҳуриети наmidан чўх ишлар кўрсатиюр.

— Э. у тоза зўр!— деди Ғозибек.— Ҳозир Бухородаги бари қизил аскар ҳам унинг қўлига қарайди!..

Иброҳимбек Қурбонга киши билмас кўз отди. Қурбон шу тобда ўзини йўқотиш даражасида эса-да, собиқ саркарданинг нигоҳини «тутиб», ўзи ҳам маъноли қараш қилди.

«Наҳотки Пўлатхўжаев? Йўқ-йўқ! Балки буларга тузоқ қўйган-дир? Қизил аскарларни Русияга қайтаргани учун ҳижолатда ўзи... Унда Анвар пошшони анави турклар, афғонлар отлар билан таъминлаб, Бухородан чиқарган киши яна ким бўлиши мумкин? Ушандай одамнинг қўлидан келади-ку бу иш!.. Бу иблис келмасидан бурун Анвар пошшо билан Эшони Судур... «Вей, Усмонхўжа-ей!» деб гапирдиям, а? Шошма. Бу ерга келгач, қандай қилиб жумҳурият номидан...»

...Обхона томи отхона бўлгани учун шифтдан отларнинг шалтоғи сирқиб туради. Зимзиё хона қўланса ҳидга тўла. Азамат эшик яқинига бўйра тўшаб қўйилган. Ташқарига олиб чиқиб калтакланган маҳбуслар олиб кириб ўша бўйра устига ташланади. (Бўйра жароҳатнинг заҳрини олар эмиш.)

Шуниси ғаройибки, ўша ойларида обхонага ташланган бандиларнинг аксари ўз айбини билмас эди.

Қурбон хонанинг сассиғига кўника бошлаган, аниқроғи, уни сезмас даражасига етган кунларнинг бирида эшик очилиб, иккита башанг кийинган йигитни киритиб юборишди.

Кечаси қайси маҳал экан, Қурбон билмайди (бу ерда тун билан кунни фарқлаш қийин), битлаб кетган қўшнисидан нарига силжиб, ўзи сезмаган ҳолда, кундуз киритилган бойваччасифат кишиларга яқинлашиб қолди. Уларнинг босиқ, асабий суҳбати қулоғига кира бошлади.

— Бизга Анварлар керак!

— Ундай бўлса, Анварларнинг ёнида у сингари офицерлар ҳам керак.

— Аттанг. Сен ҳақсан.

— Бу ердан чиқсам, Тошкентга кетаман.

— Мен ҳам Истамбулга ўтолмасам, Тошкентга бораман. Сен фирқага ўтасанми?

— Бошқа йўл йўқ.

— Балки мен ҳам ўтаман.

— Сени тушуниш қийин. Майли, бу ердан бир амаллаб қутул-
сак эди.

— Чиқамиз! Пулнинг қудратига ишонаман! Ўртада воситачи бўл-
са, амирга ҳам пора бериб, бу сағанадан чиқиб кета оламан!

— Секин.

— Қўрқадиган даврдан ўтдим... Жамият барбод бўлди. Йигитла-
римиз ҳам жой-жойини топиб кетади! Тўғри айтасан, амирни эмас,
амирликнинг тагига ўт қўйиш керак!

— Секин.

Бир маҳал ташқарида қулф шиқирлади. Оғир эшик гижиллаб
очилди. Қимдир:

— Усмон ака,— деб чақирди.

Икковлон туриб эшикка қараб юришди-да, чиқиб ҳам кетишди...

— Хув, ҳақиқат қони? Осмонга! Норбони қони? Червонга!— бур-
чакдан минғирлади биров.

Алам қилиб ўтирган Қурбон тўнғиллади:

— Нималар деяпсиз?

— Ҳолиги киши Пўлатхўжабойнинг ўғлу Усмонхўжабой бўлади!
Бухорога карақўлчи бойларнинг энг зўри. Тиллотангани курак би-
лан шипираду. Кўрдингиз, чиғиб кетишду. Ахчанинг кучи шундоқ,
бачам...

Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг обхонада айтган сўзлари маъноси-
га Қурбон кейинчалик етган, унинг шериги Олимжон ака эканини ҳам
кейин билганди.

«Анварлар керак деганди... Мана Анвар! Бироқ ўшанда баъзи
«ёш бухороликлар» Анварни яхши кўришган. Кейинчалик эса... Ахир,
Пўлатхўжаев ҳам фирқага ўтган-ку! Кейин кимсан Бухоро халқ Шў-
ролар Жумҳурияти Ижроия Қўмитасининг раиси бўлган... Наҳотки
яна?— Қурбоннинг кўзи Ғозибекка тушиб, жирканди.— Яхши одам-
нинг элчиси эмас бу!.. Ҳали нима деди? «Бари қизил аскар унинг қў-
лига қаради!..» У одам Пўлатхўжаев бўлмаса, ким? Тавба, у киши
амирнинг, амирликнинг душмани эди-ку? Бу одамлар эса, у кишининг
акси...»

— Жавоб олдим... Тушундим,— деди Тўғайсари.

— Сан энди йигитларингни йиғна. Курбаши деган наминг вар!

Тўғайсари қўлини кўксига қўйди.

— Жоним билан!

Анвар пошшо Жабборбекдан (Қурбон уни энди кўрди) сўради:

— Сани на сўзин вар?

— Ҳалиги...

— Шаҳрисабз?

— Ҳа,— Жабборбек Иброҳимбекка тиржайди.— Жаноб олийлари.
Йўлига бир...— У Анвар пошшога илтижо қилди.— Шунга нима дей-
сиз, пошшо жаноблари?

Анвар Иброҳимбекнинг кифтини силаган бўлиб:

— Бу ҳақинда ўйлаб кўражакмиз!— деди.— Белки ўзунгни Шаҳ-
рисабза бек этармиз. Бу сана бағлиқ. Лашкари ислома хизмат этмиш
фидойи ўғлонлар албатта тақдирланажак!

Жабборбек белидан шарт кесилгандек таъзим қилди.

— Ўлгунимча сизга садоқатда бўламан!

— Гўппонбой, маним йигитларима емак верилди?

— Ҳа, жаноб олийлари!

— Иброҳимбек, рази эсаниз, шу уйни ўзима ятақ этсам. Гўппан-
бай, маним хўржуними келтир. Тақсир, Нуриллахан ялғиз қалди-ку?..
Эшони Судур қўзғолди.

— Дарвоқе!

Қурбон энди ўзини бу ерда ортиқча билди. Аста сурилиб, ташқарига чиқди. Турсун мерганни излади. У кўринмади. Ҳазратни кутди. Чиқавермади. Сипо мулозимга илжайиб қўйиб, зинага қараб юрганида ёнидан Жабборбек шошиб ўтди. Зинага етганида панжара оша сакраб тушди.

«Буниям болади!— ўйлади Қурбон.— Айтмоқчи, Ойпарча билан гаплашишим керак-ку? Бу ярамас унга Шаҳрисабз ҳақида гапириб қолса!..»

Орқадан шарпа эшитилди. Иброҳимбек экан. Қурбон четланиб қўл қовуштирди.

— Ҳм,— деди собиқ саркарда.— Менга гапинг йўқми?

— Бор. Арзимас бир гап,— деди Қурбон.

Иброҳимбек билинар-билинмас бош ирғаб, жилди. Зинадан тушди. Уни қўриқлаб юрадиган хос навкарлари ярим доира олишганди, уларга «керакмас» дегандек қўл силтаб, уй орқасига ўтди.

Тош зина пастида, бостирмада от кишнади. Иброҳимбек йўлка билан пастак бодом остига етганда тўхтади.

Ундан орқада қолмай келаётган Қурбон яна таъзим қилди.

— Хўш, бугунги ўзгаришлардан ҳайронмисан?

— Ҳоятда, жаноб олийлари!

— Ҳечқиси йўқ. Биз ишимизга ёрдами тегадиган ҳар қандай йўлдан фойдаланишимиз керак.

— Сизга аён...

— Нима демоқчи эдинг?

— Ҳалиги қиз... Шўрликнинг кўнглини кўтариб қўйсам дегандим... Ҳамшаҳарлик.

— Майли.— У йўлак адоғига қаради.— Бу тун Нуриллахон Эшони Судурнинг ўтовида тунайди. Нуриллахон эсли одам. Лекин бу келишида менга ёқмади.

— Тушунолмадим?

— Тушунишинг шарт эмас.

— Хўп.

— Улар сирдош дўст... Ҳазрат Кобулга ўтмоқчи бўлганда шу одамнинг уйига боришни ўйлаган.

— Ҳа-а.

— Демоқчиманки, йиғинда айтилмаган баъзи гаплар ўша ерда айтилади.

— Тушундим, жаноб олийлари!

У уй биқинида кўринган йигитни чақирди:

— Тонготар!

Бўйи икки газдан ошадиган навкар орадаги масофани тўрт-беш қадамда босиб келди.

— Бу йигитни бизнинг кампирнинг уйига олиб бор.

— Бош устига!

— Ҳамшаҳарини кўради.

27

Қизғиш тошдан ясалган уй. Тош зинадан чиқилади. Рўпарадаги эшик тепасига хонгул кийигининг шохи ўрнатилган. Кийик ичкарида-ю, шох деворни тешиб чиққанга ўхшайди.

Айвоннинг чап тарафи — одам бўйи девор. Девор тагида — сандал, кўрпача. Сандалнинг оёқ томонида пўстак. Айвоннинг ўнг тарафини тўсган девор тагида — ўчоқ, қозон. Берироқдаги устунга тулум¹ илиглик. Сиртига сизиб чиққан ёғга чанг-чунг қўнган, кир. Тулумдан томган зардоб супанинг четини ўйиб юборган.

Қурбон юраги гурс-гурс тепганча Ойпарчанинг чиқишини кутади.

— Тиниқ мома-а!— Тонготар зинадан чиқиб, ўчоқбошига борди.

¹ Ошланган тери халта. Қатиқ солинади.

Девор оша у томонга қаради.— Э, бормисиз-е!— Тонготар энгашди. Ким биландир гаплашди. Сўнг бошини сарак-сарак қилиб, пастга тушди.— Келяпти!

Тош бостирма орқасидан лорсиллаган кампир чиқди. Эғнида қизил духоба камзул, бўйнида хапабанд,¹ қулоғида почали тилла сирға. Шол рўмолни бошига шундай ташлаб олган.

Тонготар унга пешвоз юрди.

— Ассалом алайкум!

Кампир энгини силкиб тушириб, унга узатди. Тонготар қўл учини тегизиб қўйди.

— Салом, онахон!— деди Қурбон.

— Алекум... Қани, айвонга тортингизлар!— Кампир жилди.— Бекнинг кайфи жойидами ўзи?

— Ҳамишагидай!— жавоб берди Тонготар.

Кампир зинадан чиққанда, кескин бурилди.

— Анвар дегични ўзинг кўрдингми? Қандай бало у ўзи?

— Кўккўз, қорача, ўртаяшар бир киши. Аммо-лекин, ўглингизнинг иши ҳаммани ҳайрон қолдирди.

— Ҳали келсин ўзи! Бир гаплашиб қўяман!.. Қани, меҳмон йигит, чиқинг бу ёққа! Биз сипогарчиликни билмаймиз. Юртдошингиз ҳозир келади. Телегай² пиширишяпти.— Кампир девор бошига бориб қичқирди.— Ойпарча!..

Тонготар билан Қурбон бир-бирига «ўтинг-ўтинг» қилишиб, айвонга чиқишди. Кампир кўрпача билан пўстакни қоқиб ташлаб қайта тўшади. Сўнг ўзи пойгакда чўккалади. Қурбон ҳам четда омонат ўтира қолди.

— Омин!.. Иброҳимбекнинг ишига кушойиш бер! Мартабасини бундан ҳам баланд қил! Бизга қасд қилганлар паст бўлсин! Юрт обод, тахт мустақкам, имонимиз бақувват бўлсин!

— Омин...

— Хўш, Бойсундан бўласизми, меҳмон?

— Бойсунданман, онахон,— деди Қурбон.— Ойпарчаойнинг оталари бизнинг валинеъматимиз эди!..

— Лекин қизни опкетаман, деб овора бўлманг. Менинг қизим бўп қолди!

— У кишининг ихтиёри ўзида, онахон! Бироқ сиздек кишининг қўлига тушгани — ҳаммамизнинг бахтимиз!

— Ҳалиги ҳўкиз... Жабборбек бугун ҳам сув бўйида бир-икки кўринди. Яқинлашсин, деб кутиб турдим, яқинлашмади. Мен ҳозир... Тонготар, меҳмон зерикмасин!

Кампир уйга кириб кетди.

— Хў-ўш, Кўктошда илгари бўлмагансиз?— деди Тонготар. Қурбон бош ирғади.— Кўктош ҳам катта мамлакат!— давом этди у.— Ҳе-е, жуда катта!

— Бу ерда фақат лақайлар яшайдими?

— Фақат!.. Лекин лақайнинг оёғи етмаган жой йўқ!

— Сиз навкарлик қиласизми?

— Бизда ҳамма навкар. Лекин ҳар кимнинг рўзғори бор, моли бор, бола-чақаси.

Кампир дастурхон кўтариб чиқди-ю:

— Ана, ўзиям келяпти!— деди.

Бостирма биқинидан чиққан Ойпарча айвондагиларни кўриб, тўхтади-да, бошини эғди. Олмагули шол рўмоли четини пешонасидан пастроққа туширди.

Қурбон аста ўрнидан қўзғолди.

— Мана, меҳмонни танийсанми? Юртдошинг экан!— Ойпарча зи-

¹ Учбурчак шаклидаги майда мунчоқ тизими.

² Оғиз сутини сутга қўшиб тайёрланадиган таом, яъни елагай.

надан кўтарилганча, кампир шу сўзлар билан қаршилади.— Иброҳим-бекнинг ўзи юборипти!

Ойпарча чўчиб, Қурбонга қаради. Ҳша чақноқ кўз... Қорачиқлари кенгайиб кетди. Ранги ўчинқиради. Сўнг алланечук қимирлаб, Қурбонга бошдан-оёқ разм солди. Ниҳоят, ҳушёр тортиб салом берди..

— Ваалекум,— деди Қурбон.— Сизга қариндошлар салсм айтди.

— Қайси?

— Холангиз... Иқлима холангиз!— Ойпарча бақрайиб қолди. Қурбон юрагини ҳовучлаб давом этди:— Сойбўйига йўлимиз тушган эди...— Кулимсиради.— Жабборбекни қарғаб ётиптилар!

— Бу ёққа...— Ойпарча сўзини бўлиб, кампирга қаради.— Энажон, биз ичкарида гаплашсак... Бу ер...

— Майли-майли!— Рози бўлди кампир.— Уғлим гаплашсин деб юборган-да!.. Қани, мулла йигит, ичкарига! Қизим, сен кириб, кўрпача сол!

Ойпарча уйга кириб кетди. Кампир томоқ қириб, сандалга йўналди.

— Қўлли-оёқлигина экан!.. Бойларнинг қизи тўрсайган, тегма-нозик бўлар эди. Аммо-лекин,— Қурбонга қараб жилмайди,— феълиям яхши... Узимизникидай!.. Шаддодлигим бор кўз тегмагурнинг... Киринг, ўғлим! Лекин, ҳой!.. У менинг қизим бўлди-я!

— Фақат сизнинг қизингиз,— деди Қурбон.

Даҳлизга кирди. Этигини ечаётган эди, ўнгдаги очиқ эшикдан овоз келди:

— Кираверинг. Артсангиз бўлар.

У этигини чанги чиқмай қотирмачоқ бўлиб кетган кигиз парчасига артиб ва қўнжларини чакмон этагига суртган бўлиб, ичкарига кирди. Узун хона. Дим. Зира ва ялпиз ҳиди анқийди.

Ён томондаги милтиқ ва пўстин илинган жойда турган Ойпарча:

— Утинг,— дея рўпарасидаги дарчага ишора қилди-да, сўнг ўзи бир тиззасида чўккалаб ўтирди.

Унинг юзига дарчадан ёруғ тушганига кўзларидаги ҳаяжон аниқ кўриниб турибди.

Қурбон фотиҳа ўқиб, унга тикилди. Юраги яна жизиллаб, тотли, азобли оғриқни туйди. Шунга бўла қизга раҳми келиб кетди: «Унга чикора бундай юришлар? Айби қиз — заифалигимми? Боёқиш!.. Балки лашкари исломнинг марказига келиб қолганидан ифтихор қилаётгандир? Уни мажбуран олиб келган Жабборбек... Қизнинг кўнглини «ғазовотчи кўрбошилар»дан қолдирган бўлиши ҳам мумкин?..»

— Сой бўйида бўлдингизми?

Қурбон бош ирғади.

— Жабборбек ўз галаси билан этакдаги Чўнтоқ қишлоғини ҳам қақшатган экан... Ундан аввал Ялантоғ устида... икки аскар йигитни отиб ўлдирди, кетидан қувдик, етказмади. Сой бўйига келиб билсак... Иқлима опа...

— Менинг гапимни айтдимизми?— деб қолди Ойпарча ғалати уятчанлик билан.

— Ҳа... Мен ўзимни таништирганимдан кейин.

Ойпарча бошини эгиб, лабини қимтиди. Сўнг хўрсинди.

— Кейин ҳайё-ҳуйт деб бу ёққа жўнадим.

— Каттангиз рухсат бердимизми?

— Йўқ!..— деди Қурбон.— Ўзим, ўз ихтиёрим билан келдим.

— Менинг ўша гапим учунми? Ёлғон!

— Ишонмайсиз-да.

— Албатта!— У жимиб, деворга суянди.— Сиз-а?! Менинг учун?..

Йўқ! Гапни қаранг!.. Сиз ўз йўлингиз, Шўронгиз учун менга ўхшаганнинг мингидан ҳам кечасиз!..

— Тўғри эмас.

— Бўлмаса уларга хиёнат қилдингизми? Булар қандай қилиб қабул қилишди-я? Яна Иб-ро-ҳим-бек сизга рухсат берипти?! Қизиқ!

— Шунақа бўп қолди... Ҳазратнинг шогирди эканим асқатди!

— Демак, ҳазратни алдадингиз?

— Йўқ... Ростини айтдим.

— Нима дедингиз?

— Қизиллар орасидан келдим... дедим.

— У киши «баракалло» дедилар?

— Ойпарча!.. Сиз келишимни истармидингиз, йўқми?

Қиз индаёлмай қолди.

— Биласизми, ўша вақтда... Нимадир дегим келди. Аҳволимни бировга билдиргим келди... Атрофимда кўп ожизлар турган эди... Ким билади яна... Ушанда «сизни топаман!..» деганингиз ҳам кор қилди-ми. Билмайман... Лекин сизни келади деб...

— Хўш?

— Тепамда худо бор, ёлғон айтсам... ишонган эдим.

— Раҳмат, Ойпарча.

— Йўқ, сиз ҳар хил хаёлга борманг. Мен ўзим...

— Қандай туш кўрган эдингиз?

Ойпарча ўнглашиб ўтирди. Қурбоннинг наздида, қизнинг ранги оқариб кетди.

— Емон туш. Айтмайман.

— Тушга ишонасизми?

— Қўйинг, омон-эсон келдингиз-ку.

Қурбон чуқур нафас олди ва Ойпарча билан одамга ўхшаб гап-лашаётганидан хурсанд эди.

— Ойпарча.

— Ҳа.

— Шундай ерда учрашамиз деб ҳеч ўйлабмидингиз?

— Қўйсангиз-чи!.. Хўш, Шўронгиз қачон бу ёққа юриш бошлайди?

— Мен кичкина одамман...

— Ҳа, муғамбир.

— Хўп.

— Отамга хабарчи юборишиптими?

— Сўрамадим... Сизлар биздан сал олдин чиққан экансизлар. Биз йўлда тунамаганимизда қишлоқда учрашармидик.

— Уф...

— Ойпарча, Турсун мерган «кетайлик» деса, нега «сабр қилинг» дедингиз?

Ойпарча ўйчан бош ирғади.

— Қўрқдим... Уни, бола-чақасини омон қўйишмайди, қочсак. Қурбон ака, нега исмингиз Қурбон, а?

— Раҳматли отам қўйганлар. Сабабини билмайман.

— Лекин сиз кўп нарсани биласиз. Энг муҳими — ишонасиз..

— Сиз ҳам... Ишонинг!

— Нимага?.. Шўронгиз қолиб кетди-ку.

— Мен унинг бу ердаги жонли вакили бўлсам-чи?

— Ҳа-я, айтмоқчи...

— Ойпарча... бу ерга келиб турсам майлими?

— Қурбон ака! Юрагим торс ёрилай дейди!.. Уйдаям аҳволим яхшимасди. Гангиб қолгандим... Бойсун, юртим... Лекин у энди менга ҳаром.

— Нима?

— Босмачи олиб қочган қизнинг овозаси Сойбўйдан чиқмай қолармиди? Ҳар хил майда-чуйда гаплар...

— Сиз ўзингизга ишонинг!

— Қандай қилиб бунчалик ўзгара қолдингиз-а, сиз?

— Айтиб беролмайман.

— Демак, мен ҳам сизга ўхшаб... Тавба! Баъзан сизга ҳавасим келади.

Қурбон қизга тикилди: унинг чеҳрасида меҳр эмас, самимият барқ урарди.

— Ҳе,— деди Қурбон.— Ғалати қизсиз!

Ойпарча мунгланди.

— Баъзан,— деди яна.

— Мен кеп тураман.

— Хўп.

Шу пайт суҳбат адо бўлганини билгандек, эшикда кампир кўринди.

— Чой ичмайсизларми?

— Йўқ, энажон.— Ойпарча ўрнидан турди.— Гаплашдик. Эсон-омон юришипти экан...

— Кўнгилни кенг қилинг, қизим. Насиб бўлса, Бойсунгаям борамиз ҳали. Ўзим отангиз билан гаплашаман... Э, Тиниқ кампирни билмайсиз!

— Раҳмат сизга, онахон,— деди Қурбон.

— Ҳазратни сўраб қўйинг, эмасам.

— Хўп бўлади.

Ташқарига чиқишди.

— Кетар бўлди меҳмонимиз, қуруқ оғиз,— деди момо Тонготарга.— Уста эсингдан чиқмасин-а!

Тонготар таъзим қилди.

— Ҳозир бориб, юбораман.

— Авғондан келган карвонда милтиқдан бошқа нарса йўқ эканми?

— Совғанинг катгаси ўғлингизга тегди-ку!

— Амир ўғлимни ҳар қанча сийласа арзийди!

28

Ям-яшил товланаётган ёнбағирга кўклам келиб қўнгандек эди. Майсалар бир текис: кузаб қўйгандек. Баргчалар учи шу қадар ўткир — ерни тешиб чиққани рост. Мана бу, уч қулоқ бўлиб нишлаётган гиёҳ — қушқўнмас. У ҳам дастлаб қиёқгулдек ингичка барг чиқаради. Кейин ўсиб, ғовлаб кетади. Пиёланинг оғзидек пуштиранг гулкосаси жозибали бўлиб кўринса-да, кишини чўчитади: жиқ-жиқ тикан.

Мана булар — оқ бойчечаклар.

Қурбоннинг болалиги... шундай пайтлари тенгқурлар билан Пойгабоши қирларига тушиб кетишар, бойчечак териб келишар эди. Йўлда учраган одамлар улар қўлидаги ё дўппилари тагидан осилиб турган сариқ, нозик гулларга суқланиб қарашганда, болалар ҳам хаслик қилмай иккита-учтадан улашар, улар чечакларни кўзларига суртиб, баҳорга чиқиб олганларига ниҳоят ишонишгандай, шукрона айтишар эди.

— Кўктошда одам кўп экан-а, Тонготар ака?

— Шу кунларда кўпайиб қолди... Аслида элимиз ёмон эмас, мулла! Лекин ур калтак-сур калтак маҳаллари Содиқ банги нима — у нима, фарқи қолмайди. Шундай одам бор-да. Қорадорини уриб олса, милтиғини ўқлаб: «Майдонга чиқадиган мард борми?» деб ҳайқириб юради. Аммо ўзи уста қиличбоз!

Қорамол ва ушоқмол излари қолган сувлоқда химич минган, бўз иштонли бола: «Ҳайё ҳуйт!» деб у ёқдан-бу ёққа чопар, айланиб келиб, қумда ялтираб ётган ниманидир олмоқчи бўларди.

Тонготар рапидадек кафтини қошига қўйиб, болага тикилди.

— Ҳа шўтаноқ¹,— деб қўйди-да, чақирди:— Тошбой! Бир нарса бераман!

Бола ерда ётган тасманамо нарсани олиб, тепа орқасига ура қочди.

— Танишми у?— сўради Қурбон.

— Э, бир беванинг қурсоғи... Давлатманбий Душанбедан бир қизил аскарни ушлаб келган эди. Йигитлар уни кўпқари қилишди. Шу

¹ Шўх бола. Шўх тойлоқ (бўталоқ).

йигитнинг қайиши тушиб қопти бу бачанинг қўлига. Белига боғлаб юради денг, дайис! Катталарнинг кўзи тушиб қолса, биласиз-ку...

«Қўпқари қилинган қизил аскарнинг камари...— Қурбоннинг дили вайрон бўлди.— Бу камар, ахир, табаррук камар-ку! Э, болажон-ей, билмайсан-да... Сенинг ҳам истиқболнинг учун курашиб, панжмурда бўлган навқироннинг камари».

— Сиз ҳам чопдингиз?— кулимсираб сўради Қурбон.

— Емон кўраман бундай ишларни,— деди Тонготар.— Иброҳим-бек билан бурундан танишмисиз?

— Мен у кишини болаликдан биламан...

— Бек одам танлашни билади. Тиниқ момониям бекорга она демаган. Бу кампир юз йигитга даф айтади. Ҳали менга, аравани созлаб берасан, деди. Тўй йўқ-ку десам, ишонасизми, қизилларга бостириб борганларингда мен ҳам бораман дейди.

— Ғайратли эканлар!

— Иброҳимбек ана шундай одам.

Дўнгликлар ораси. Дарё «қисилиб» ўтаяпти. Йўғон хари кўндаланг ташланган. Харининг сув оқиб келаётган томонига тақаб ходалар туширилган, уларнинг учи сув остида. Бу ёғи харидан одам буйи баландда.

Ходалардан ушлаб, харидан юриб ўтишди.

Қурбоннинг хаёлида Бойсундаги қайсидир тегирмон нови, парраги гавдаланди. У Тонготардан ортда қолмай тепаликка қиялаб чиқаётиб, ўрқачдан тушган узун сояга назар солди. Юқорида отлиқ Турсун мерган турган экан. Тўриқни ҳам етаклаб олибди.

— Раҳмат, мерган ака!— Қурбон қўлидан жиловни олди.

— Кетаётганларингда кўриб қолиб эдим.

Қурбон унинг елкасида ёғи йилтираб турган янги «Диссермент»га ишора қилди.

— Қутлуғ бўлсин!

— Алай бўлсин!

— Милтиқ улашаяптими?

— Ҳа.

— Мулла, зув бориб-зув келаман!— деди Тонготар ва туя қадамлар билан Сўхтачинор томонга шошиб кетди.

— Энди нима қилар экансиз, мерган ака.

— Навкар тўпласин-чи.

«Тўғайсарини Анвар йўлга солиб олди. Йўқ, Тўғайсарининг кўнглини топиб гапирди.— Қурбоннинг ёдига баҳодирнинг Қоракамарда айтган эртаги тушди: «Отамдай ота топсам, онамдай она топсам...» «Қизилларнинг катталаридан ҳам сотқин чиқадими?» деб сўраганда яна.— Усмонхўжа Пўлатхўжаев чиқди!..»

— Қаердан тўплайди навкарни?

— Ўғрига мол қаҳатми, мулла.

— Ғозибек қаерда?

— У чини билан Ғозибек эканми?

— Худди ўзи экан, мерган ака!.. Бухорода бандиларни озод қилишганда, Ғозибекка ўхшаганлар ҳам чиқиб қолган экан.

— Дунё бузилди... Ойпарча билан гаплашдингизми?

— Ҳа.

— Мен Жинкамарга кетаман. Оқшом Нуриллахон ҳазратнинг ўтовида тунар экан. Мол сўйишим керак.

— Мен жаноб олийларига бир қуллуқ деб қўйсам...

— Майли. Муртоз отингизга ишқибоз. Боянаям шунга гапирди. Оёғини бир кўрай деди. Яна гапирсанг, оғзингни чориқ қилиб кияман дедим.

— Сиз олийжаноб одамсиз, мерган ака!

¹ Раҳмат дегани.

— Отингизни яхши одати бор экан. Бегонани миндирмайди дейман?

— Рост.

Қурбон тўриқни етаклаб, Тонготарнинг изидан тушди. Чинор тагида отлиқлар, бир-бирининг милтиғини олиб кўришар, чодир ичида ҳам одам ғужғон, ола-говур эди.

Иморат томондан Нуриллахон билан Эшони Судур чиқиб келишди. Оломондан ҳазар қилгандай тутзорга бурилишди. Иккиси ҳам маг-рур, босиқ, салобатли.

Қурбон таққа тўхтади-да: «Нима қилай? Борсамми уларнинг ол-дига?— деб ўйлади.— Бориш керак. Ҳозир барибир кўради».

Қурбон улар олдидан чиқишни мўлжаллаб қайрилди.

— Ассалом алайкўм, пирим!

— Йўл бўлсин?

— Шундай...

— Жаноб Нуриллахон, бу йигит — менинг шогирдим. Мадрасада мукаррар эди... Сўнг Бухорога обориб, Кўкалдошга қўйиб эдим.

Нуриллахон Қурбонга тикилди.

— Тузукмисиз, чироғим?

— Қуллуқ, тақсир!

— Балли-балли. Кўкалдошда сабоқ ололдингизми?

— Сабоғим чала қолди, тақсир...

— Мадрасаларга от боғланипти, деган гаплар бор?

— Тақсир... Бухорои шарифда бундай гаплар йўқ!

— Ҳа-а. Ўзим ҳам ёлғондир деб эдим.

— Гапиринг, бўтам, Бухоро ҳақида гапиринг,— деди эшони Судур.— Нуриллахон она шаҳарларини соғинганлар!

— Тақсир, шаҳар ўз жойида, фақат...

— Жойида бўлса, бас!— Нуриллахон кифти кўтарилиб нафас олди. Хаёлчанлик билан:— Бачалар соғинади,— деди.— Уларга қараб эзилиб кетаман, биродар... Бу йил олиб келмоқчи эдим.

— Бола — пошшо! Кўнгли нозик!— Ғудранди Эшони Судур.— Уларга ватандошлари нима ташвишда, нима ҳасратда эканини айтган бўлсангиз керак?

— Кўнгилларини чўктиришни истамадим.

— Лекин тушунтириш фойдадан холи бўлмас эди.

— Тақсир, кў-ўп нарсаларга ўзимнинг ҳам кўз юмгим келади. Оламнинг келди-кеттисини ўйласанг, тақдирга тадбир чикора, деб ҳам ўйлаб қоласан.

Қурбон қандайдир ҳаяжонга тушди. Нуриллахон янада «очилган-дек» туюлди. Ҳали йиғинда лашкари ислом хусусида айтган сўзлари, Шўроларни ёмонлашию Иброҳимбекнинг саркардаликдан тушиши асносидаги устакорликлари — бари ўша айвонда қолиб кетгандек эди.

— Сиз мени ҳайрон қолдирыпсиз, биродар.

— Начора.

— Маъзур тутасиз, жаноб Нуриллахон,— деди Эшони Судур овози хиёл титраб.— Фаҳмимча, хориж, ёт ўлка сиздек кишининг ҳам руҳингизга ботинан таъсир этипти! Биз — руҳи тушмаслар авлодидан-миз, биродар! Мазкур вазият — ҳар биримиз учун ҳам бир буюк синовдир...

— Бе-е!— деди Нуриллахон тап тортмай.— Кобул ҳам, Ҳирот ҳам бизга ёт ўлка эмас. Худойимга шукр, руҳимиз ҳам тетик! Йлло, ана ўша руҳ бизни очиқ сўзламакка даъват этади. Мен кўп нарсани кузатдим, тақсир. Сиз айтган бу синов кунларида биздан улуг зотларнигина эмас, мозию истиқболнинг ҳам нималиги ўз-ўзидан очилиб қолар экан... Оқибат, киндигинг қони томган бир кафт тупроқ, пушти камарингдан бино бўлган фарзандларинг, холос... кўзингга тўтиё бўлиб қолар экан!

Эшони Судур:

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз,— деди.— Бола нималиги отага маълум...

— Биродар, узр... Уйланмаганингиз боисини айтмадингиз?

Эшони Судур ғамгин кулимсиради.

— Майли. Жуда қизиққан экансиз, айтиб бераман.

— Пирим,— деди Қурбон.— Балки мен...

— Йўқ!— кесди Эшони Судур.— Сиз ҳам эшитиб олинг, ўртамизда сир йўқ... Бизнинг тортувлида,— давом этди ҳазрат,— ҳар тупнинг ўз эшони, эшонзодалари бўлади, жаноб Нуриллахон! Қадим удумимизга амал қилиб, қизларимизни фақат ўз қавмимизга берганмиз. Ўғилларимизни фақат эшонзода қизларга уйлантирганмиз... Шу боис ўртага ўзга қон қўшилмаган. Гаштида¹ бу — бизнинг фожеамиз экани маълум бўлди. Авлодимизда ногиронлар кўпайди. Бу ҳолни кўра-билиб турган киши — мен нима қилишим даркор эди? Тагин бир-икки нотавонни дунёга келтириб наслини бузиш нега? Бундан ташқари, менинг табиатимда, ўзи, хотин зотига қизиқишдан кўра, дунёнинг бордикелдиси, ҳаётнинг йўриқларига қизиқиш устун эди. Яширишга не ҳожат, улуғ бир ўзгаришни кутиш — менга танграмнинг улуғ неъматиди!

— Туронни қўмсаш?

— Ўзингиз олифаҳм одамсиз, Нуриллахон.

— Ширин хаёл!— Кулимсиради Нуриллахон. Айниқса, хилват ҳужрада шам ёруғида ўтириб ўйласанг.

— Нуриллахон, менга азоб беряпсиз!

— Узр, узр... Хўш, гапимиз чала қолган.— Нуриллахон бирдан Қурбонга тикилди.— Қизиллар ичида... бўлгансиз?

Қурбон сергак тортди.

— Ҳа. тақсир!

Нуриллахон Эшони Судурга бурилди.

— Усмонхўжани шогирдингиз мабодо...

— Йўқ. Уни мен яхши биламан!— деди ҳазрат.— Уларнинг даврасига ҳар ким ҳам киролмасди.— Сўнг Қурбонга қараб уқтирди:— Усмонхўжа Пўлагхўжа билан ҳали албатта учрашамиз. Шунинг учун у киши ҳақида у-бу нарсани билиб қўйсангиз, зиён қилмайди.

— Хўп бўлади, пирим!

Эшони Судур Нуриллахонга тикилди.

— Биродар, келишиб олайлик: аввало Анвар пошшога ишонмоқ керак!

Нуриллахон ғамгин жилмайди.

— Уни сизу бизга қараганда аъло ҳазрат яхшироқ билсалар керак.

— Албатта, албатта!

— Биламан унинг сизга нимаси ёқишини.

— Биродар...

— Ерлиқнинг кечикиш сабабини нимада деб ўйлайсиз?

— Дарвоқе... Ўйлаб ўйимга етолмадим!

— Шу-да.

— Шундоқ экан, нега уни...

— Ҳе-е, гуядан катта филлар бор!— У ўйланиб, Қурбоннинг кифтига қўл қўйди.— Чирогим, бу гапларнинг сизга қизиғи йўқ.

Қурбон шошиб таъзим қилди. Боядан бери жилловини тортаётган тўриқни етаклаб кетаётганида чинор ёқдан халлослаб келаётган Тонг-отарни кўрди. Белида нимадир кумушдек ярқирай эди.

— Сизга теккан шу ханжар бўлдими?

— Э, мулло, шу билан ҳам кўп иш қилиш мумкин.

— Бир кўрсам.

¹ Охирида.

Тонготар ханжарни қинидан суғуриб, учини ўзига қаратиб узатди. Қурбон салмоқлаб кўрди. Залварли. Узун. Белида ариқчалари бор. Сопи яқинида ўйма расм: орқа оёғида тик турган айиқ. Гардишли қалпоқ кийган овчи ҳайвоннинг бағрига тиг санчиб турипти. «Тешиб ўтгандир... Буям хорижнинг яроғи».

— Аломат экан,— мақтади Қурбон.

Тонготар ханжарни қинига солиб қўйди.

Эшони Судур билан Нуриллахон отланиб олишган экан, навкарлар қуршовида адоққа елиб кетишди.

— Сиз қолдингизми?

Қурбон сир бермади.

— Ҳа. Иброҳимбек жаноб олийларига ташаккур деб қўйсам дегандим.

— Йўғасам, сиз чинор тагида туринг. Мен билиб келаман!

Чодир бўшаб қолган, иморат олдида ҳам одам санжоб эди.

Чинор ортидан Гўппонбой билан сипо мулозим чиқиб қолди. Гўппонбой Қурбонни кўриб илжайди.

— Милиса дегани — миршаб деганими?

— Милиса... Бухорода ташкил бўлди,— деди Қурбон.— Тартиб-интизом соқчиси. Миршабдан фарқи йўқ.

Мулозим ҳам табассум қилди.

— Али Ризо афандини танирсиз?

...Инқилобдан кейинги кун. Арк майдони. Шовқин-сурон. Оломон.

Қурбон билан Қилич бир-бирининг қўлларидан маҳкам ушлаган ҳолда туришар эди: ичкаридан Шўро раҳнамолари чиқиши керак, гапириши керак; сал олдин бир қилтириқ киши: «Йигин бўлади!.. Ижроқўм раиси билан инқилоб қўмитасининг раиси ваъз айтади!» деб жар солганди.

Ўша одам яна дарвозада кўринди. «Кимки Шарқий Бухородан бўлса, кела берсин! Шарқий Бухородан бўлса!!!» дея қичқирди. Қурбон унга интилди: «Мен ўша ёқлиқ! Мен Бойсундан!» «Мен ҳам Бойсундан бўламан!» бақирди Қилич. Уларни итар-итар қилиб, ичкарига киритиб юборишди.

Бу дарвозахонадан Қурбон бултур ўтган. Обхонадан жавоб беришганда. Ўшанда қоронғидан чиққанигами, кўзи кўрмай, деворни пайпаслаб тўхтаб туришга мажбур бўлган эди. Йўлак кенг, ҳайҳотдек. Ер — тош. Босган қадамнинг акс садо беради.

Зиналар. Қилич билан кошинли айвонда гаплашиб турган кишилар олдида боришди.

Улар ўртасидаги банорас чопонли, вазмин киши (Олимжон Арслонов) булар билан битта-битта гаплашди. «Қаердансан?» «Бойсундан». «Йўлини унутганинг йўқми?» «Кўзимни боғлаб қўйиб юборсангиз ҳам топиб бораман». «Сен-чи?..» У киши қизил аскарлар билан сўзлашаётган чарм камзулли одамнинг олдида борди. (У Усмонхўжа Пўлатхўжаев экан.) Нимадир деди. Кейин ўймакор устун ёнида қотиб турган ҳожидўппили ориқ йигитга: «Йўл кўрсатувчи бўлади, ҳисобга олинг, Али Риза!» деб тайинлади. Ҳа, Али Ризани ўшанда кўрган...

— Соғ ўлунг!— деди мулозим.— Мана, биродар, гап шундай.

— Бойсунга сафар қилишимиз арафасида Али Ризо афанди Бутун Бухоро милицияси нозира бўлди, деб эшитгандик.

Гўппонбой бурнини жийирди.

Бухорода илгари турклар йўқ эди-я?

— Билак! Саид Олимхоннинг сара қўшинлари ичида юздан ошиқ эди! Кўпчилиги алоҳида илтимос ила чақирилган ҳарбий мутахассислар эди, афандим.

— Кейин Шўро хизматига ўтишгандир-да?

— Сиз бизни яхши билмас экансиз.

— Эҳтимол... Билганда, Анвар пошшони бошқача кутиб олармидик.

— Ҳақ сўзингиз учун ташаккур.

«Нима гап ўзи? Али Ризо — милиция нозир! Уям... Олимжон ака, қаердасиз?»

— Хўп!— деди Гўппонбой.— Бироқ, айтиб қўйинг, Анвар пошшо бизни тирсакламасинлар. Бизлар — лашкари исломнинг ишончли одамларимиз. Айбимиз — Иброҳимбек амалдан тушди... вақтинчага.

— Ахир, мен ҳам Анвар афандининг ишончли одамиман,— деди мулозим ўпкалаган тарзда,— Мени ҳам чиқариб юбордилар-ку?

— Бари бир! Уша тилло тангаларни биз тўплаганмиз, биз! Уни... санаб олаётганларида, биз ҳам бўлишимиз керак эди.

— Иброҳимбек ўзлари агар...

— У киши Анвар пошшонинг қовоғига қаради! Анвар пошшо буни сезмадилар.

Чодир биқинида телпагининг қулоғи пешонасига қараб қолган киши кўринди.

— Нима гап, Қиём?

У Гўппонбойни излаб юргандек етиб келди.

— Кўкқияда эллик кишини асир олдик, тўрам! Қўтанга қамадик! Нозир афанди бўламан, дейди каттаси. Термиз милисасининг нозириман дейди. Анвар пошшога оборинглар, муҳим гап бор, дейди!.. Тўйқусдан бошлаб келабермадим. Ана, Анвар афандини сўрсам, банд эканлар.

— У киши жуда муҳим иш билан бандлар!

— Афандиман депти, сиз танирсиз?— Гўппонбой мулозимдан сўради.

— Йўқ. Пошшо у тўғрида гапирмаган эдилар.

— Қурооллариям борми?

— Барида бешотар, опқўйдик.

— Мол-поли йўқми?

— Остидаги отларини айтмаса, мол йўқ... Э, одамни писанд қилмайди у!

— Афандиларнинг замони келипти!— Гўппонбой Қурбонга қошини учирди.— Тилмоч керак эмасми, Қиём?

— Э, у ўзбек! Афанди деяпти-да ўзини! Ўзбекчани балодай билади!

— Хўш энди, афандим, мана, бизнинг ини билан овуниб турасиз.

Шунда унинг чап томонидан Тонготар лапанглаб чиқди. Қурбонни кўриб:

— Ҳазрат билан бирга бўлар экансиз, мулла,— деди.

Қурбон отини миниб, мулозимга бош ирғаб хайрлашган бўлди. Йўлда Гўппонбойнинг «афандилар замони келипти» деган сўзини эслади.

Хаёлида олис кунлар «уйғонди»: Эшони Судурнинг ҳужрасида гоҳо: «О, Турон!» дея чайқалиб ўтиришлари, туркий халқлар тўғрисида айтган мулоҳазалари, сўнг Олимжон ака айтган — Анвару ёш туркларнинг шиорлари эсига тушиб кетди-ю, ҳазратни қайтадан кашф этгандек бўлди: «Нуриллахон ҳам билар экан... Ажабо! Анвар пошшо ҳамон ўша фикрдами? Айтмоқчи, амир унга ишонмаса, нега юборади? «Тўядан катта филлар» дегани ким? Уша... Анварнинг орқасида кимлар турипти? Олимжон ака нима деганди?.. Айтмоқчи, Нозир афанди нимага кепти? Милиция нозир бўлса? Нималар бўляпти ўзи?»

Ўтов оғзида иккита навкар оёғини кериб турарди. Учоқбошида уч-тўртта йигит, чопон-чакмонлари барини белбоғларига қистириб олишган. Нарироқда Турсун мерган ердан бир газ кўтарилган қўлбола тандир сиртини панжакаш қилиб сувапти.

Қурбон тўриқдан тушди. Гулмихга боғлаб, айилини бўшатди. Навкарларнинг саломига алик олиб ўтаркан: «Ичкарида суҳбат бўляпти,— деб ўйлади.— Булар атай қўйилган».

Құйған ёғ-гүшт ҳиди анқир эди. Учоқ томонда Турсун мерган куй маниб юрарди. У:

— Берироқ келинг,— дея имлаб чақирди.

Қурбон яқин борди.

— Капага кириг,— шивирлади у.— Утовга тиралиб турган жойида тешик бор. Қулогингизни тутинг-а...

Қурбоннинг юраги гурс-гурс уриб бир нафас қотиб турди-да, бурилди. Капа оғзида тўхтаб, йигитларни зимдан кузатди. Кейин ичкарига аста кирди. Тезгина ён томонга ўтди. Ерга палос, унинг устига кўрпача ёзиб қўйилган эди. Ундан нарида пўстин йигилиб ётибди. Ортида — напрамач¹.

Қурбон кўрпачага ўтирмоқчи бўлди-ю, ифлос экан, пўстинни олиб тўшади. Сўнг ташқарига яна бир пас қараб тургач, чўзилди. Юз тубан бўлди-ю, кигиздан қийиб олинган жойни кўрди. Чойнак сиққудек тешик. Утовнинг кигизи ҳам йиртилган. Қурбон тикилди. Ёғоч сандиқнинг пояси кўриниб турибди. У ёқ — қоронғи.

Қулоқ солди. Юк остида қолган отдек инқиллаб хуррак отарди биров.

«Ҳазрат хуррак отмасди-ку? Кечаям тинч ухлаганди. Нуриллахонми?»

Қурбон ташқарига чиқди. Масжид қоровули Қулмат ака — ияги чўзиқ манглайи орқага тортган, кўзи чуқур киши унга ялт этиб қаради.

— Мулла, Бойсунда Хўжақўчқор ота деган азиз жой бор-а?.. Чорвадорнинг пири ўша киши!

Қурбон тек туриб қолди: нега билмасин? Уша мазор остига кўмилган «ўғирлик» донни кавлаб олаётганларида икки бегуноҳ қизил аскарнинг жони узилмадими. Жабборбек отган ўқдан!

— Билар экансиз,— деди Қурбон.— Майли. Мен отга ем берай.

— Шундай қилинг! Асл чорвадор олдин молига қарайди.

Қурбон отини етаклаб ёна бетдан энар экан, мерган ҳам етиб келди.

— Бирон нарса эшитдингизми?

— Ухлашяпти.

— Менимча, ҳазрат уйғоқ.

— Нимайди? Нега у ерни тешиб қўйгансиз?

— Ҳазрат ўтовда ётадилар, мен қапада. Керак бўлсам, ўша ердан чўп тикиб турадилар.

— Нима бўлди ўзи?

— Э-э!

— Айтинг-да энди.

—Амиримиз ҳалиги мулозимга бир хат берган экан, Иброҳимбек-ка деб.

— Хўш?

—Бойсунни олгандан кейин Анвар пошони ўлдиринг, деб ёзган эканлар.

— Наҳот?

— Ўзим эшитдим.

— Овоз чиқариб ўқишмади. Гапларидан билдим.

— Кейин?

— Ҳазрат ташқарига соқчи қўйиб кирди. Кейин шивирлашиб гаплашишди. Эшитолмадим.

— Ҳм... Бу гапни бировга оғзингиздан чиқарманг!

— Улибманми... Сизни дўст деб айтдим-да. Атай эшитай деб чўзилганим йўқ, мулла, худо бор. Ўзи, тешик қулоққа гап кирар экан-да.

Нуриллахоннинг жийрон оти ҳам шу ерда экан. Мерган Қурбоннинг отини камар тўрига ўтқазиб, тош оралиғидан осилган ёввойи ток

¹ Дағал матодан тикилган тўртбурчак халта. Ичига кўрпа-тўшак тахланса, сандиққа ўхшаб қолади.

зангига боғлади. Олдига беда ташлади, Сўнг Қурбон ўзи тўриқнинг эгарини олиб, жулини ёйиб ёпди.

Сўнг Турсун мерган билан бир муддат ариқ бўйида чўнқайиб ўтирди. Қоронғи тушиб келар, кўлда ёлғиз қурбақа қурилларди.

— Мерган ака, бир чўмилсам нима дейсиз?

— Қўлга тушманг... Қулмат пакананинг айтишича, таги йўқмиш. Кимнингдир туяси чўкиб кетганда, тўқими бошқа кўлдан чиққанмиш.

— Тоза маҳмадона одамга ўхшайди-я?

— Тоза! Мана, ариқ бор-ку.

Улар тепага қайтиб чиқишганда, ўчоқбошида катта машғала ёнар, майдонда от кўпайиб қолган, ҳовли томонда ҳам навкарлар кўринар эди.

— Э, мерган, тандирингиз куйиб кетмадими?— деб қарши олди Қулмат.

— Куймайди.

— Ҳали яна битта қўйни осинингизга тўғри келар-ов.

— Шунча мечкаймисиз?

— Ҳе, одамнинг чимхўри менман... Ана, ўтовга қаранг! Иброҳим-бек дейсизми, Анвар пошшо дейсизми, ҳамма улуғлар йиғилган.

«Бунақа гап йўқ эди-ку? Қирсаммикан. Бир уриниб кўрай...» Қурбон ёқасини тортиб қўйиб, ўтовга йўналди.

— Ҳай-ҳай!— деди Қулмат.

— Ҳа?

— Тўғайсари билан Гўппонбой ҳам ҳовлига ўтишди!

— Совқотибсиз. Ундан кўра ўтга исининг!

— Тўғри айтасиз... Мерган ака, чиндан ҳам совқотяпман. Қапага кириб ётсам-чи?

— Кира қолинг. Пўстин бор.

— Раҳмат.

ИБРОҲИМБЕК: Гап бунда эмас, Анвар пошшо... Гап Пўлатхўжаев билан алоқа қилиш керакми, йўқми — шунда! Пўлатхўжаевнинг кимлиги аён. Шундай киши билан алоқа қилишдан олдин аъло ҳазратнинг олдидаридан ўтиш керак, дейман! Ахир сиз, жаноб пошшо, Кобулда бўлганингизда бу тўғрида аъло ҳазрат билан келишмагансиз-ку?

АНВАР ПОШШО. Ман Усмонхўжа ила учрашиб калишими, они биз тарафда ўлдурғисини туш кўрибмидим, бек!

ИБРОҲИМБЕК. Демак, унга ишонмаслик керак!

АНВАР ПОШШО. Дахи ман уни бурундан билиюр эдим!.. Хўш, жаноб Нуриллахон, сиз на дейсиз?

НУРИЛЛАХОН. Биродарлар, жаноб Иброҳимбек, сизгаям эсла-тиб қўйишни бурчим деб ҳисоблайман: Анвар пошшо ҳазрат олийларининг ҳозирги даражалари бу кишига ҳадсиз ваколатлар беради: инчунин бу кишининг сўзларига қулоқ осинга мажбурмиз!.. Демак, Пўлатхўжаев таклиф қилаётган ушбу қалтис режанинг оқибат-натijasи учун ҳам Анвар пошшо ҳазрат олийлари барча масъулиятни ўз гарданларига оладилар.

АНВАР ПОШШО. Ташаккур!

ИБРОҲИМБЕК. Сиз уни қаердан танийсиз ўзи? Истамбулда ўқиганми?

АНВАР ПОШШО. Уқиган.

ИБРОҲИМБЕК. Сиз, «ёш турклар» билан алоқаси бўлган-да?

АНВАР ПОШШО. Жаноб Иброҳимбек, ман Пўлатхўжаев ила илк марта Бокуда танишдиги эдим. Ун саккизинчи йилда. Учинчи интернационал санжага астинда чўх бир қурултой ўлмуш эди. Анда ман Африка мемлекетлари — Миср, Сомали ва ҳоказолар номиндан делегат — вакил ўлмуш эдим. Дўғри, анда фирқалар-да вар эди. Алар тарафиндаги Бела Кун мажлис раиси мана сўз вермади. Ама сўзим яз-

ма ҳалида делегатлара тарқатилди. Ушунда Усманхўжа тижорат йўригинда Бакуе вармиш экен... Мани отелдан тапди. Сўзлашдик. У амирдан нарази эса-да...

ИБРОҲИМБЕК. Бас! У амирликнинг тагига сув қуйганлардан... Энди келиб-келиб ўша билан алоқа қилиш, бунинг устига хавфли режаси билан иш тутиш... ақлга сиғмайди! «Қўшиннинг йўлини тўсманглар. Душанбе қўрғонига кириб олсин!» Қўрғондаги қирқта қизил аскар бир ойдан буён Давлатманбийни овора қилади...

АНВАР ПОШШО. Жаноб Иброҳимбек, унинг мақсади, мақсади бўлакча-ку?

ИБРОҲИМБЕК. Эшитдим. Анвар афанди, майли... Нуриллахон айтганларидек, биз сизга бўйсунишга мажбурмиз! Балки Пўлатхўжаев билан, биз билмаган гапларинг ҳам бордир... Майли! Аммо мен бетарафман... Ана, етти қўрбоши — Фузайил махсум ҳам, Темирбек ҳам, Тўғайсарию Давлатманбий ҳам ўз навкарлари билан сизнинг ихтиёрингизда бўлади! Менинг навкарларим — ўзимники.

АНВАР ПОШШО. Кофирнихон бўйига чиқмайсизми?

ИБРОҲИМБЕК. Нега? Чиқаман... Иш у киши айтгандек чиқса, тўғри Бойсунга кириб боришга тайёрман! Бироқ...

АНВАР ПОШШО. Каромат қилмайлик, бек!

ИБРОҲИМБЕК. Хўш, Эшони Судур ҳазратлари нима дер эканлар?

ЭШОНИ СУДУР. Мен Нуриллахоннинг фикрларини қўллайман: ҳозирги пайтда Анвар афанди ҳатто аъло ҳазрат номидан иш кўришга ҳақлилар!

ИБРОҲИМБЕК. Бўпти. Гап битди... Лекин, афандим, Душанбега бормаيمان! Бу тўғрида бошқа гапирманг!

АНВАР ПОШШО. Хўп...

ИБРОҲИМБЕК. Айтмоқчи, Пўлатхўжаев билан бошқа учрашмаганмисиз?

АНВАР ПОШШО. Бек, биза азоб веришдан на фойда сиза?.. Ахир, мани Бухородан чиқарган ҳам, от, невкер ила таъминлаган ҳам ўша-ку?.. Белки сиз уни Бухарадан қандай топганима қизиқарсиз? Ман Тошкентда «миллий иттиҳод» ташкилотинин аъзаларини изладим. Ҳажи эфенди ила Бартинли Муҳиддинни топдим. Алар мана юлдаш ўлуб, Бухарая келдик. Бухара жумҳуриятни милиция назари — маңим дўстим Али Риза эфенди экен. Усманхўжа амала кўтерилгеч, барча муҳим идаралара бизим турк офицерларидан қўйган экен. Али Риза ила сўзлашдим. Ул мани Пўлатхўжаеве дуч қилди... Шунинг сабабиндан Бухарада бир фурсат туриб калдим. Сўзлашдик... Ҳатта ҳужжатларимиз тепасига язилмиш шиарни-де ўзгартмакка келишдик. Яъни, «Бутун дуня мусулманлари бирлашингиз!» бўлади энди...

ИБРОҲИМБЕК. У-ў!.. Ҳали бутун дунёга эгалик қиламиз денг?

АНВАР ПОШШО. Бек, ҳар бир миллетнин ўзи ва башарият алдинда вазифаси бўлади!

ИБРОҲИМБЕК. Ундай бўлса, «Бутун дунё туркий халқлари, бирлашингиз!» деган шиор яхшимасми?

АНВАР ПОШШО. У ҳозир хавфли шиар саналур...

Белки кейин... Онин миллионлаб армияси вар. Шунин учун ул ила ихтият ўлуб сўзлашмак лазим. Ҳа!.. Пўлатхўжаевнин бул режасида-да шу ихтияткарлик чўх!

ИБРОҲИМБЕК. Бу режаниям бирга тузганмидиларинг?

АНВАР ПОШШО. Бе-ек! Уни Незир эфенди алиб гелди-ку!.. Биз Бухарада у киши ила, жумладан, тезда биз томон ўтиши дўғрисида сўзлашганмиз. Бироқ у большевиклара кўпроқ зиян етказиш чорасини кўраман деген эди.

Чий ораларидан нур сизиб ўтганига қапа ичи ёришиброқ қолган эди.

Қурбон туриб ўтирди... Саҳарга яқин кўзи илинибди. Ташқарига чиқди.

Қуёш найза бўйи кўтарилиб қолибди. Ҳавода намлик, рутубат бор. Кеча ёмғир қуйиб ўтганга ўхшайди. Қурбон ўчоқ бошида искаланиб юрган итни ҳайдаб, атрофга қаради. Масжид тарафдан қитир-қитир этган товуш келди. Қулмат ака узун супурги билан от тезакларини супуради.

Қурбон ювиниш, тўриқдан ҳам хабар олиш учун Жинкамарга тушди. От оғзи-бурнидан ҳовур таратиб кишнади. Каптарлар учиб айланди. Қурбон кўлнинг у бетига — девор ёриғига кўз ташлаб қўйиб, кўлдан оқиб чиқаётган сувда юз-қўлини ювди. Белбоғига артиниб, тепага қайтиб чиқди.

— Ассалом алайкум, Қулмат ака!

— Валекум. Қалай?

— Бир навн... Улар кетишдимиз?

— Ҳазрат яқинда кетдилар. Сиз тамадди қилиб олинг.

Утов. Сандалда дастурхон очик: яхна гўшт, патир нон, косада қаймоқ. Қулмат бўсағадан ичкарида чўнқайиб:

— Пиёладаги мойни ҳуртлаб¹ юборинг,— деди.— Суғурнинг мойи.

Қурбон пиёлани қўлига олди. Бир замонлар суғур ёғини излаб бўзлаганлари! Балки тез топилганда... У таваккал қилиб симирди. Қуюқ, тахирроқ.

— Учоқдан чойнакни олинг. Овқатнинг кучига ишонинг, мулла.

Бирпасдан кейин Қурбон тўриқда. Қулмат эшакда масжид орқасида қулоч отган сайхонликда кетиб боришарди. Чап тарафда қишлоқча кўринади. Унинг ёнбошида отлиқлар.

— Лақай, лақай!— ҳикоя қилади Қулмат.— Нега лақай? Номалум. Аммо лекин қадимий эл! Биз қорлиқларнинг келиб чиқишимизни ҳамма билади. Вақти замонда ер юзини қалин қор босади. Жонли-жонивор қор остида қолиб кетади. Шунда беш-олтита эркак-хотин қордан суғурилиб чиқади. Ушалар — бизнинг боболаримиз, момоларимиз: қордан чиққан — қорлиқлар. Ана, ёбонда туришади.

Қишлоқча қолди.

— Машқ бўляпти-ку!

Ялангликда икки қатор тол хивичлари қадалган. Ўртадан бир отлиқ елиб келяпти. Қўлида қилич ярақлайди. Дам ўнг, дам сўл томонга оғади.

Тўғайсари баҳодир тўрт-бешта навкар билан соя бетда туришган экан. Қурбон улар ичидан Муртоз билан Тонготарни таниди.

— Ассалом алайкум, жаноб олийлари!

— Э, мулла! Кел...

Тўғайсари баҳодир тўрт-бешта навкар билан соя бетда туришган монни эгнига ташлаб олган. Ўкчаси баланд ағдарма этигининг қўн-жигача лой сачраган. Қўш ўғил кўрган отадай мамнун эди.

— Қулмат ака шу ёқдан йўл тортдилар...

— Миянгни қоқиб қўлингга бергандир?

— Йўқ. Гурунглари яхши... Ўзингизнинг кайфиятингиз?

— Ҳа-ҳа!.. Эртақ эсингиздами? Биз ҳам отамиздай ота, энамиздай эна топгандан бери оёғимиз ерга тегмай юрибмиз!

«Гап бу ёқда экан-да».

Шунда Қурбон Турсун мерганни кўрди. У уч-тўртта навкарни оғзига қаратиб, алланима дер эди. Тўғайсари ҳам у ёққа қаради-ю, яна кулди.

¹ Ҳўплаб маъносида.

— Қулматбой, мерган нишонни кўз билан эмас, қўл билан чоғлаш¹ керак, дейди. Қадимда шундай одамлар ҳам ўтганми?

— Ўтган-ўтмаганини билмайман-у, мерган бир қаргани кўзлаб, кўзини юмгандан кейин отиб йиқитганини ҳам кўрдим.

— Навбат пойгага!— бақириб юборди Тўғайсари.

Баҳодирнинг ёнида турган пучуқ йигит шу заҳоти шанғиллаб такрорлади:

— Навбат пойгага!.. Хў, чўгирма, эшитдингизми?

Этакдаги тўпдан ўн чоғли отлиқ ажралиб чиқди. Арна бўйида қундуздек қорабайирнинг думини тугаётган чўгирмали йигит ҳам турган жойидан сакраб отга минди.

Шунда адоқдан ерга қадалган новдаларни чопиб келаётган отлиқ ҳамманинг диққатини тортди. Отининг чап қулоғи йўқ, юзидан қон оқар эди.

— Муртоз! Пиёда қилиб қўй!— деди Тўғайсари.— Тонготар, ўн қамчи ур!— Сўнг чўгирмали йигитга қаради.— Ўзиб келсанг, ўнбоши бўласан!

— Бўлие,— деди у. Унинг бир юзи шишиб кетганми, иягини қулоқдан чаккаси аралаш қийиқ билан боғлаб олган эди.

— Ё олдин кўпкарида синашасанми?

— Бўлие!

— Чопиб келиб, шу болани тақимингга босиб кет-чи!— Тўғайсари Қулматни кўрсатди.

Қулмат ерга ўтириб олди.

— Йўқ-йўқ. Ўлдириб қўяди бу ёввойи туркман.

Йигит унинг жонига оро кирди:

— Бул этли. Ат гўтармие.— Қурбонга қаради.— Они олием.

Тўғайсари ишшайиб, Қурбонга тикилди.

— Розимисан?

— Ҳм. Агар сиз...

Тўғайсари жиддий тортди.

— Агар шу йигитнинг бир жойи лат еса,— деди туркманга,— сениям ўша жойинг майиб бўлади!

— Бўлие.

Қурбон қотиб қолди. Туркман отини тислантириб бир чинқирди. Шунда барча отлар чўчиб тушди. Унинг қорабайири бирдан орқа оёғида туриб, ўқдай учиб кетди. Қурбон беихтиёр Муртознинг панасига ўтмоқчи эди, улгурмади. Қуюндек етиб келган чавандознинг панжаси шаппа унинг елкасига тушди. Қурбоннинг оёғи ердан узилди.

Қорабайир ялангликда елдек уча бошлади. Туркман қамчисини сопидан тишлаб, Қурбонни эгарга ўнгарган. Бир маҳал от кескин айла-ниб тўхтади. Қурбон ўзини чакалакзорда кўрди. От яғринидан сирғалиб тушиб, ўтириб қолди.

— Қийналмадингизми?— деди туркман ва бошидан чўгирмасини олди.

Қурбон қайси кўз билан кўрсинки, у — Қарим Раҳмон эди.

— Оббо!

— Уч кун ёғли овқат емайсиз энди.

— Нима?

— Буларда куч кўпми?

— Кўп,— Қурбон бош ирғади.

— Ҳе-е!.. Бойсунга Пўлатхўжаев келди. Катта отряд билан. Узимизнинг кўнгиллилардан ҳам қўшиб олди. Термиздан Еттинчи Туркистон полкиниям тортди. Эрталабга яқин Душанбега етиб келишади..

— Пўлатхўжаев — хоин!

— А?— Қарим Раҳмон анграйиб қолди.

— Али Ризо ҳам хоин... Термизлик Назир афанди деганни юборган экан. Пўлатхўжаев қандайдир режа тузган. Унинг Анвар пошшо

¹ Нишонга олиш, кўзлаш (шева).

билан тили бир... Эрта шу режани амалга оширишмоқчи!.. Бу томондан Душанбега элчилар боришади... Кеча келишди... Кўрасиз, Душанбега бемалол кириб келасизлар. Қўрғонда бир рота аскар бор. Уни Давлатманбий қўрбоши бир ойдан бери қамаб ётган эди... Оқшом навкарларини қайтаради деб келишишди... Сизларга йўл очиш учун... Сизлар қўрғонга киргандан кейин лашкари ислом Кофирниҳон бўйига бориб туради. Нимага, билмайман... Бор гап шу. Яна: Анвар пошшо Бош қўмондон бўлди. Амир тайинлаган экан... Кобулдан ўқ-дори ортган карвон келди. Хорижнинг яроғлари... Гап катта, ака!

— Қисталоқ!.. Назир афандини милисалари билан қочипти дейишганди.

— Сиз қандай қилиб чиқдингиз?

— От ўғирлайман деб. Ҳа-ҳа! Олимжон ака — валий одам! Иложини қилиб, олдинроқ Қурбон билан учраш, дегандилар...

— Энди нима қиласиз?

— Сизга раҳмат, ука... Унинг отрядидаям уч-тўрт йигитнинг раисга ола қараганини сезиб келдим...

— Эҳтиёт бўлинг!.. Айтмоқчи, дастлаб у ўз отряди билан тўппатўғри бу ёққа ўтиб олишни ўйлаган экан.

— Отрядиям ўтаверадими?

— Ўйлаб кўриш керак, лекин қалтис иш. Шошманг, отряддаги рус командирларни огоҳлантирсак-чи?

— Қалтис иш...

Карим Раҳмон Қурбонни яна отга ўнгарди-да, чинқириб юборди.

...Турсун мерган Қурбонни қўлтиғидан кўтариб турғизди.

— Бегим, бу туркман отишга қалай экан? Мен билан синашсин!

— Сабр қил,— деди Тўғайсари ва эълон қилди:— Пойга! Қўшгаза¹дан қайтасизлар!

— Қўшгазадан қайтиш!— бақирди сарғиш йигит.— Бас!.. Туркман, эшитмадингми?

«Туркман» қорабайирни қайтариб келаркан, гап нимадалигини, ниҳоят, фаҳмлади. Бурила солиб чавандозлар кетидан от қўйди.

— Бари бир бу ўзади!— деди Муртоз.

Тўғайсари Қурбоннинг қошига келди.

— Хафа бўлмайсан-да.

— Лекин қўли қаттиқ экан.

— Йигит-да!— деб қўйди Тонготар, ерда ётган чопон остидан чойнак олди-да, пиёлага чой қуйиб Қурбонга тутди.

— Танглайни ҳўлланг, мулла. Сиз келгунча биз ҳам иш кўрсатдик.— У жилмайиб, юз тубан ётган йигитни кўрсатди. Унинг яғрини, қамчи билан савалашган кўринади, моматалоқ бўлиб кетибди.— Айтмоқчи, ҳазрат сизни Сўхтачинорда кутаман, дегандилар.

Қўшгазага етган отлиқлар бир он пароканда бўлиб қолишди-да, яна бу ёққа қараб от қўйишди. Улар орасида фақат қорабайирли «туркман» йўқ эди. Орқада келган навкар қўлидаги жилов халқасини Тўғайсарининг оёғи остига ташлади.

— От опқочиб кетди туркманингизни.

— Туркманни от опқочиб бўпти! Чарчатиб, қайтариб келади,— деди навкарлардан бири.

— Жаноб олийлари,— деди Қурбон,— ҳазратга йўлиқишим керак экан.

— Мени суриштиришса, оқшом Кофирниҳон бўйида бўлар эканлар-де.

Қурбон таъзим қилди.

Йўл. Қурбон — тўриқда, Қулмат — эшақда.

— Кофирниҳон,— яна ҳангома бошлади Қулмат.— Нимага Кофирниҳон?.. Бир замонлар дарё тошса, халқ қон чиқарар экан. Шу билан сув пасаяр экан. Бир йили ҳаддан зиёд тошипти. Халқ: «Дарё

¹ Қўштепа. Газа — тепа (шева).

қонталаб бўлди», деб яна мол сўйипти, қонини сувга оқизипти. Тағин мол сўйиб, сувга ташлапти. Пасайиш қайда! Уймали¹ларни ҳам босиб кета бошлапти. Охири оқсоқоллар: «Бу одам қонига ташна бўпти, одамни қурбон қилиш керак», дейишипти. Хўш, қани ўша қурбонлиқ? Ўйлаб-ўйлаб, қишлоқнинг чеккасида яшайдиган бир кампирнинг ёлғиз ўғлини танлашипти. Бориб, кампирга воқеани айтишипти. Бечора кампир ҳам рози бўлипти. Болани сўйиб, сувга ташлаптилар. Шунда она тоқат қилолмапти. Уям ўзини сувга отипти. Худонинг қудратини қаранг, шундан кейин ҳам сув пасаймапти. Сўнг халқ: «Бу дарё — қонга тўймас дарё. Бунда кофир яширинган, яъни кофир ниҳон экан», деб, қишлоқларидан кўчиб чиқиб кетган экан... Ҳақиқатан ҳам ҳозир дарё жиягида вайроналар кўп. Э-э, кейин унинг кўп жойлари қароқчиларга макон бўлиб кетди.

31

Тушдан кейин ёмғир ёғди. Ер кўпчиб, ботган оёқ ботмон лой кўтарадиган бўлган чоғда ҳам Кўктош атрофида ҳар ер — ҳар ерда от пойгалари тинмади. Қоронғи тушганда ҳам милтиқ овозлари эшитилиб турди.

Қишлоқ кўчасидаги темирчилик дўконлари ярим тунгача гавжум: биров қиличини қайратиб чарх тортади, биров фонус кўтариб, отини тақалатади.

Эрта тонгда бир неча отлиқ қишлоқдан чиқди.

Олдинда Эшони Судур борарди. Ҳазратнинг бошида оқ салла, эғнида ҳам оқ тивит чакмон. У киши хомуш, узоқларга лоқайд қарайди.

Қурбон ҳазратнинг чап томонида. Тўриғини тислатиб ҳайдаяпти; жонивор макони ўша кунчиқар тарафда эканини сезганми, учиб кетгиси келади.

Гўппонбой билан Муртоз мурут ҳазратнинг ўнг томонида — хачирдек икки отда боради.

Ғозибек улардан четда. Гоҳ олдинга ўтиб кетади, гоҳ орқада қолади. Муртоз қулай пайт туғилди дегунча, Ғозибекнинг қорабайири сағрисига ёки бошига қамчи туширади. Ғозибек уни сўкади ва Гўппонбойга тархашлик қилади: «Бунингни йиғ! Ҳе, мўйлабингга!..» Муртоз қачон собиқ бекка бу хил муомала қилишни ўрганди? Лекин Қурбон бир нарсани ҳис қилади: унинг ўзига эмас, отига ғаш келяпти Муртознинг.

Гоҳо Гўппонбек ўзи Ғозибекни сўкиб кетади, шунда Эшони Судур инжиқланиб орага тушади.

Анвар пошшонинг сипо мулозими орқада.

— Мулла! — деб қолди Гўппонбой Қурбонга. — Қизиллар нима учун отининг думини кесар экан? Дум яхши-ку, қизнинг сочидай!

— Улар қизининг ҳам сочини кесади! — бақириб тушунтирган бўлди Ғозибек. — Агар ёнингиздаги олакўз уларнинг қўлига тушиб қолса, бисмилло деб, бунинг муртиниям кесишарди!

— Билолмадим, — деди ниҳоят Қурбон — Бизда отнинг думини туғишади, лой бўлмасин деб.

— Мулла Қурбон!

— Лаббай, тақсир. — Қурбон отини ҳазратга ёндаштирди.

— Рамазонбойнинг қизидан ҳол сўрагани борибсиз?

Қурбон ўзини уялгандай кўрсатиш учун ерга қаради. У қизга қай даражада муносабатда эканини Эшони Судурга айтишни йўлдаёқ ўйлаб қўйган эди.

¹ Хонадон.

— Ҳа,— деди Қурбон.— Шу, бойнинг уйларига кўнган эдик... Унинг холасини кўрдим... Шунинг учун кўнглини кўтарай, деб...

— Яхши... яхши қилгансиз. Мергандан, қизнинг ҳолидан хабар олиш — сизу бизнинг вазифамиз. Унинг шайнига теккан гапнинг бир учи, пироварди, сизу бизгаям тегади.

— Раҳмат, пирим. Сиз бўлмаганда, ким билади...

— Лекин Иброҳимбекдан қандай қилиб рухсат олдингиз?

— Сўрадим. Йўқ демадилар.

— Қандай қилиб сўрадингиз?

— Очиғини айтайми?

— Ҳа.

— У киши ўзлари мени чақириб гаплашдилар... Анвар пошшо билан ораларингиздаги муносабатлар қизиқтиради уни...

— Ҳа-а. Яна?

— Бор гап шу... Бирон янгилик бўлса, менга айтасан деди.

— Шунисига эҳтиёт бўлинг!

— Ақлим етади, пирим.

— Юзта Иброҳимбек Анварнинг бир тола сочига арзимади. Билдингизми?

— Тушундим. Лекин... бошқа бир нарсани тушунолмадим, пирим. Иброҳимбек ўзлари саркардаликни Анвар пошшога бердиларми? Ёки... кўп гамгин бўлиб қолдилар.

— Ҳе, болам, ундан саркардаликни сўраманг, жонини сўранг!.. Ноилож қолди-да. Амирнинг фармони!.. Биз ҳалиям унинг иззатини жойига қўйдик.

— Лекин Анвар афандиям доно одам эканлар!

— Камтарликнинг намунаси! Тўғри, душманингни пахта билан бўғизла, деган гап ҳам бор... Тавба дейман ўзимга. Худонинг ўзи етказди уни! Шуниси таажжубки, худди мен орзу қилган одам-а! Ғоялари, ақидалари, армонлари!

— Пирим, афв этасиз, Турон дегани нима?

— Билмайсизми? Мамлакатимизнинг энг қадимий номи!

— Ҳозир ўша ном билан атаб бўлмайдимиз?

— Йўқ. Туркий халқлар бирлашиб, бир ота-онанинг фарзандларидай бўлганда бу ном ярашади!

— Энди тушундим.

— Анвар афанди бежиз айтмади «Большевиклар бостириб кирди», деб... Бизнинг курашимиз пировард-натижада большевикларга қарши курашдир.

— Утган оқшом кучимиз кам дегандингиз!..

— Орқамизда кимлар турипти ҳозир? Бундай фурсат бир марта келади... Сезиб турибман! Шундай фурсат ҳозир келди.

— Тушундим... Хориж ёрдам беради.

— Албатта.

— Ҳақиқига нима талаб қилади? Юртимизга кўз олайтирмайдими кейин?

— Ажаб йигит экансиз! Анвар пошшо уларни кўз олайтиришга қўяр экан-да! Биз ҳозир лўлини яхши деб, юкнимизни дарёдан ўтказиб олишимиз керак — мақсад шу! Кейин уларнинг ҳам жағини эзиб қўямиз, насиб бўлса...

— Шундай денг.

— Шундай... Бироқ кўнглим хижил, ўғлим. Иброҳимбек ичи қора одам. Ундан хавфим бор.

— Кўнглини топиш, тинчитиш... мумкин эмасми?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Жуда мумкин-у, хавфли! Қўйинг, ўйламайлик! Худо инсоф бериб турипти.

— Нарн тур! Нафасинг тегади, сил касал!— бақириб юборди Гўппонбой.

Ғозибек кулиб, отини олдинга ўтказди.

— Бойсунни олайлик, қучоқлаб оғзингиздан ўпаман!

— Худо урсин, ўлгиси келяпти бунинг! Майли,— деди Гўппонбой.— Кейин сенинг кимлигингни бойсунликларга айтаман! Кейин тошбўрон бўлганингни томоша қиламан!

— Ҳа-ҳа-а! Тошбўрон нималигини кўрсатиб қўяман уларга!.. Яна менинг даврим келяпти, бойбачча!

Эшони Судур юзини тескари ўгирди.

— Худо-ё тавба!.. Шундай пайтда Нуриллахоннинг айрим гап-рига тан беринг келади!

— У киши бугун Кобулга қайтиб кетадиларми?

— Ҳа... Ғалати бўп қопти. Хўп найранг кўрсатди-я. Шу ҳолига қарамай.

Гўппонбой сипо мулозимдан сўради:

— Муҳиддин ака, нега овозингиз чиқмайди, гап ўғирляяпсизми дейман?

— Томоша қиляпман, гўзал юрт,— деди мулозим.— Бир шарқи ёдимга тушди:

**Равзат Сафо ёнида
Туркнинг қони тўкилди.
Оҳ-воҳ, интиқом!
Оҳ-воҳ, интиқом!**

— Қўшиқми бу?

— Ҳа. Талабаларга ўргатар эдим. Тошкентда... Денг, болаларга сўқишиш, жанг ҳадислариниям ўргатар эдим. Ур, йиқ, санч!.. Бир кунни бир тараф — турклар бўлди, бир тараф — англизлар. Уриштирдик. Ҳе, «турклар» «англизлар»ни қонга белади...

— Сизларни тушуниш қийин.

— Сизларки тушунмасангиз, ҳолимиз хароб, бек!

— Жанглар тугаса, сиз ҳам юртингизга қайтиб кетасизми?

Мулозим синиқ жилмайди.

— Жанг қандай тугашига боғлиқ.

... Сийрак туман ичида Душанбе қўрғони кўринди. У муаллақ турганга ўхшарди. Қалъа деворини айланиб ўтган бўтана сувли сойга яқинлашиб борарканлар, Эшони Судур Гўппонбойга:

— Яловни кўтариш керак,— деди.

— Кўтар!— деди Гўппонбой Муртозга.— Баландроқ кўтар!

Муртоз хуржундан халачўпдек калтакка бойланган ярим газ сурп олди. Боши узра кўтарди.

Ёғоч кўприкдан ўтган йўл тўғридаги катта дарвозага бориб тугайди. Дарвозанинг икки ёнида икки соқчи мезана қаққайиб турибди.

— Ҳазрат, нима қилдик?

— Одам бор экан.

Давоми бор.



ҚҰРИҚ ВОҲА ИСТИҚБОЛИ

(Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё
область комитетининг биринчи секретари,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ
Р. Ғ. Ғойибов билан «Шарқ юлдузи» жур-
нали бош редакторининг сўхбати)

— Ҳурматли Рўздат Ғойибович! Бу йил Совет халқи, жаҳондаги барча прогрессив кишилар СССРнинг 60 йиллигини катта тантана билан нишонлайдилар. Одатда бундай байрамларда босиб ўтилган йўлга назар ташланади, бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади.

Жонажон Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, Совет ҳукуматининг кундалик амалий ёрдами туфайли Қашқадарё областида ҳам катта ишлар амалга оширилди, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксалишларга эришилди. Ана шу муваффақиятлар тўғрисида қисқача гапириб берсангиз.

— Утаётган ҳар бир кун бизни шонли сана — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тобора яқинлаштирамоқда. Совет кишилари бу қутлуғ байрамга севиқли Ватанимиздан фахрланиш ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда зўр кўтаринки руҳ билан қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Октябрь инқилобининг халқлар тақдирига кўрсатган буюк таъсирини, тенг ҳуқуққа эга бўлган турли миллат ва элатларнинг ягона қардошлик оиласида яшаб, коммунистик жамият қурилишида улкан ютуқларга эришаётганликларини областимиз намунасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадар Қашқадарё Бухоро амирлигининг энг қолоқ, чекка жойларидан бири эди. Воҳада на фабрика, на завод бўлган, темирчилик ва косибчилик каби майда ҳунармандчилик устахоналари мавжуд эди, холос. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланган. Лекин бу тармоқлар ниҳоят даражада қолоқ бўлиб, етиштириладиган маҳсулотлар халқнинг кундалик эҳтиёжини ҳам қондира олмасди. Ибтидий мактаб ва мадрасаларни ҳисобга олмаганда ҳеч қандай ўқув юрти йўқ эди. Октябрдан кейинги ижтимоий тараққиётнинг социалистик йўли ўзбек халқи ҳаётини тубдан ўзгартириб, унга порлоқ истиқбол сари йўл очиб берганлигига Қашқадарё воҳаси тарихи ҳам жонли мисолдир.

Бухоро республикаси Марказий Ижроия Комитетининг Декретига мувофиқ 1924 йил 1 январда вилоятлар жамланиб, Қашқадарё области тузилди. Ушанда область территориясида 280 минг аҳоли бор эди. 1924 йил декабрь ойида Қаршида биринчи область партия конференцияси ва Советларнинг область съезди бўлиб ўтди. Қашқадарёда хў-

жаллик ва маданий қурилиш соҳасидаги ишлар авж олдириб юборилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг доимий гамхўрликлари туфайли мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг, энг аввало рус халқининг беғараз ёрдами билан Қашқадарё саноати, социалистик қишлоқ хўжалиги ривожланган, фан ва маданияти беқиёс юксалган ўлкага айланди. Эндиликда областимиз территорияси 28,4 минг квадрат километри, аҳолиси эса 1 миллион 200 мингдан ортиқ кишини ташкил этади.

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида Қашқадарё саноати тез суръатлар билан ривожланди. Тикувчилик ва кондитер маҳсулотлари, ип газлама ва шойи газламалар, қурилиш материаллари ҳамда пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этила бошланди. Пахта тозалаш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари вужудга келди. Ишчилар синфининг янги авлоди вояга етди.

Кейинги беш йилликлар мобайнида областда табиий газ ва нефть конларининг очилиши муносабати билан саноатнинг янги — нефть ва газ тармоғи жадал ривожланмоқда. Бебаҳо табиий бойликларни қайта ишлайдиган янги-янги корхоналар қурилмоқда. Муборак ва Шўртан йирик газ комплекслари ишга туширилди. Қашқадарёда Иттифоқимизда ягона бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводи маҳсулот бермоқда.

Умуман ҳозирги пайтда областда бир юз элликка яқин саноат корхонаси ишлаб турибди. Саноат ходимлари бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмини бир миллиард сўмга етказиш учун курашмоқдалар.

Областда электрлаштириш соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Бухоро — Қарши, Навоий — Қарши юқори кучлинишли электр узатиш линиялари, Қарши ва Ғузор подстанциялари қурилиб, ишга туширилиши натижасида шаҳар ва қишлоқларимизни ёппасига тўлиқ электрлаштириш имконияти вужудга келди.

Саноат корхоналари, қурилиш механизмлари, чўлда барпо этилган қудратли насос станциялари электр қуввати билан ҳаракатга келмоқда. Регар — Ғузор электр узатиш линияси ишга туширилганлиги областимизни Бутуниттифоқ ягона электр узатиш ҳалқасига улаш имконини берди.

Областимиз саноатининг истиқболи янада порлоқ. Ўн биринчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 1,9 марта ошади ва беш йиллик охирига бориб ялпи саноат маҳсулоти 5,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида областда транспорт ва алоқани ривожлантириш аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Кўплаб янги автомобиль йўллари, темирийўллар қурилганлиги юк ва пассажирлар ташиш ҳажмини тобора ошириб бориш имконини бермоқда. Ҳаво транспорти тез суръатлар билан ривожланипти. Эндиликда Қарши аэропортидан мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Минводи ва бошқа шаҳарларига ҳаво лайнерлари учмоқда.

— Рўздат Ғойибович! Қашқадарёда қишлоқ хўжалиги, хусусан унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик жадал суръатда тараққий этаётганлигидан хабардормиз. Масалан, 1965 йилда областда 144 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, 1981 йилга келиб Ватанга 575 минг тонна «оқ олтин» топшилди. Область хўжаликларида ингичка толали пахта етиштириш ҳажми ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бундай ютуқларга қандай эришилганлиги тўғрисида гапириб берсангиз. Областда ингичка толали пахта етиштиришнинг истиқболлари қандай?

— Қашқадарё аҳолиси азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келганлигини эслатиб ўтган эдик. Лекин илгари етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ниҳоят даражада оз эди. Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Колхоз ва совхозларнинг техника билан

қуролланиш, минерал ўғитлар билан таъминланиш даражаси ошди. Деҳқончилик маданияти юксалди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳажмини йил сайин кўпайтириб бориш имконини бермоқда.

Пахтачилик, сиз эслатиб ўтгандек, етакчи тармоқ. Ҳозир қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг умумий структурасида пахтачиликнинг улуши олтинчи беш процентга тенгдир. Унинг беш йилликда областимиз меҳнаткашлари Ватанга тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравар, саккизинчи беш йилликдагига нисбатан эса икки баравар ортиқ — 2 миллион 514 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. 1976—1980 йилларда пахта етиштириш ҳажмининг йиллик ўсиши 45 минг тоннани ташкил этди. Бунга асосан ҳосилдорликни ошириш, пахтачиликни интенсив тарзда ривожлантириш ҳисобига эришилди.

Пахтачилик бундан кейин ҳам халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолаверади. Лекин биз эришилган муваффақиятлар билан чеғараланиб қола олмаймиз. Янада олға қараб боришимиз учун мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Бизда бундай резерв ва имкониятлар оз эмас.

Ҳамма бригада, хўжалик ва районларни илғорлар даражасига етказиб олиш ана шу резервлардан биридир. Бунинг учун пахтачилик агротехикасини сабот билан такомиллаштириш зарур. Пахта етиштиришнинг «Тошкент технологияси»ни ҳамма жойда кенг жорий этиш бу ишнинг энг муҳим соҳасидир.

Алмашлаб экишни тезроқ ўзлаштириш, уруғчилик соҳасидаги ишлар ҳам пахтачиликни ривожлантиришдаги муҳим омиллардир. Бизга янги, серҳосил, тезпишар ва толасининг сифати юқори бўлган навлар керак.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси «Қаршицелинхлопок», «Муборакцелинхлопок» трестлари, СоюзНИХИ Қашқадарё филиали олимлари пахта уруғчилигидаги ишларни янада яхшилаш учун чоралар кўрмоқдалар. Биз бошқа жойдан бирон кишининг янги навни таклиф этишини кутиб ўтирмасдан ўзимиз шароитимизни ўрганган ҳолда янги уруғларни топишни ҳам амалга оширишни назарда тутаяпмиз.

Энди, ингичка толали пахтага келсак... Бу масала КПСС XXVI съездида ҳам кўрилганди. Съезд Қарши даштида ингичка толали пахта етиштириладиган янги йирик район барпо этишни вазифа қилиб белгилади. Область партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари бу вазифани ҳал этиш йўлида изчил иш олиб бормоқдалар. Даштдан ўзлаштирилган ерларда ташкил этилаётган хўжаликларда асосан ипак пахта етиштирилмоқда.

Қашқадарёнинг табиий иқлим шароити ингичка толали пахта етиштириш учун жуда қулайдир. Шунинг учун ҳам воҳанинг қуйи зонасида жойлашган Қарши, Косон, Ульянов, Баҳористон, Муборак, Усмон Юсупов, Нишон районларидаги кўпчилик хўжаликлар ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. Сўнгги йилларда амалга оширилган катта тадбирлар натижасида ипак пахта етиштириш ва тайёрлаш ҳажми тобора ошиб бораёпти. Унинг беш йиллик мобайнида областда ингичка толали пахта етиштириш қарийб эллик минг тоннага кўпайди.

Ўтган йили область колхоз ва совхозларида 105 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Кўпгина районларда ипак пахта ҳосилдорлигини ошириш соҳасида яхши натижаларга эришиляпти. Ўтган йили Қитоб районида ҳар гектар ердан 32,6 центнер, Ульянов районида 27,1 центнердан ипак пахта олинди. Ингичка толали пахта ҳосилдорлиги Косон районидаги Ленин номи колхозда 44,2 центнер, Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» колхозда 39,6 центнер, Қарши районидаги «Москва» совхозда 34,5 центнер, «Октябрь 60 йиллиги» совхозда 32,4 центнерни ташкил этди. Айрим бригадалар ўртасида мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бул-

тур 68 бригадада ҳар гектар ердан 45—55 центнердан ипак пахта етиштирилди.

Бизда ингичка толали пахта етиштиришнинг ўзига хос агротехникаси ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Шу нав пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда механизациядан кенг фойдаланилаёпти. Утган йили етиштирилган жами 105 минг тонна ҳосилнинг 74 минг тоннаси ёки 70,4 проценти машиналар билан териб олинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Ленин орденини топширишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида пахта толасининг сифати пасайиб бораётганлиги ҳақида гапирди. Бу бизнинг областимизга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ялпи ҳосилни, ҳосилдорликни ошириш билан бирга толанинг сифатини яхшилаш учун ҳам мунтазам иш олиб боришимизга тўғри келади. Бунинг учун энг аввало ҳосилни эрта этилтириш чораларини кўришимиз керак. Шунинг ҳисобга олиб, область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари пахтачиликни ривожлантиришдаги мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга интиломоқдалар. Оғир иш жараёнларини тўла механизациялаштириш, бу тармоқни химиялаштиришни жадаллаштириш, алмашлаб экишни кенг жорий этиш, сарф-ҳаражатларни камайтириш йўли билан хом-ашё таънарини арзонлаштириш бўйича собитқадамлик билан иш олиб борилаётир.

Кўпгина юқори ҳосилли бригадалар амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Юзлаб пешқадам бригадаларнинг коллективлари «60 йилликка — 60 центнерлик ҳосил!» шиори остида бошланган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб ишламоқдалар ва ғўзанинг аъмолини тезлатишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Областимиз пахта етиштиришда, хусусан, ингичка толали пахта етиштиришда катта истиқболга эга. Қимматбаҳо хом ашё етиштиришни йил сайин кўпайтириб бориш тадбирлари белгиланган. Бу йил пахтакорларимиз СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, 700 минг тонна, шу жумладан 145 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Юбилей йилида областимизнинг ҳамма районларида ипак пахта ғўзаси ўстирилмоқда. 1985 йилга бориб ингичка толали пахта етиштириш ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 3—3,3 баравар кўпаяди ёки 180—190 минг тоннани ташкил этади.

— Пахтачиликни ривожлантириш биринчи навбатда Қарши чўлини ўзлаштирилиши, қўриқ ерларга сув чиқарилиб, қишлоқ хўжалик оборотиغا киритилиши билан боғлиқ. Бу соҳада областда жиддий муваффақиятларга эришилганлиги аён. Келгусида янада каттароқ ишлар қилинишига ишончимиз комил. Қарши чўлини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

Дарҳақиқат, областимизда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан Қарши даштини ўзлаштириш билан боғлангандир. Область партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари, барча меҳнаткашларни КПСС XXVI. съездининг «Қарши даштини ўзлаштириш ва суғориш ишлари давом эттирилсин» деган кўрсатмасини амалга ошириш учун сабот билан иш олиб бормоқдалар.

Яқин вақтларгача Қарши чўли қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган кимсасиз жой эди. Партия даъвати, халқимизнинг шижоатли меҳнати туфайли чўл ўз қиёфасини ўзгартириб, гуллаган водийга айланиб бормоқда. Асов Амударё жиловланиб, унинг суви асрий дашт бағрига оқизилганидан кейин бу ерда яшил экинзорлар, кенг пахтазорлар пайдо бўлди. Илгариги қум барханлари ўрнида эндиликда Таллимаржон, Нишон каби кўркам шаҳарчалар, ўнлаб замонавий посёлкалар қад ростлаб турибди.

Партия ва ҳукуватимиз Қарши даштини ўзлаштириш ва суғоришга жиддий эътибор бериб, бу ишни жадаллаштириш учун барча чора-

ларни кўрмоқдалар. Ана шу мақсадлар учун ажратилган 1 миллиард 300 миллион сўм маблағнинг ҳозирга қадар 1 миллиард 109 миллион сўми ўзлаштирилди. Чўл забткорларининг фидокорона меҳнати туфайли дашт бағрида ўнлаб ноёб гидротехника иншоотлари барпо этилди. Бу ерда қурилган 6 та насос станцияси Амударё сувини 132 метр баландликка кўтариб, магистрал канал орқали экинзорларга етказиб бермоқда. Жаҳон ирригация қурилиши тарихида бундай иншоот ҳали қурилмаган эди.

Қарши чўли бағрида ҳозирга қадар ўзлаштирилган 172 минг гектар қўриқ ерларда айни пайтда кўплаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Кейинги ўн йил ичида янги ерларда 7 та район, 33 совхоз тузилди.

Ҳозир Қарши чўлини ўзлаштиришнинг иккинчи навбати қизғин давом эттирилмоқда. Шу мақсадда «Қаршистрой» территориал бошқармаси базасида «Қаршиирстенстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш билан шуғулланувчи ана шу йирик икки ташкилот составида ўнлаб трестлар, юзлаб қурилиш ва монтаж ташкилотлари бор. Уларда турли миллат ва элатларнинг вакиллари ягона мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Яқин келажакда Қарши чўлида қарийб 1 миллион гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши мўлжалланмоқда. Бу ерда янги районлар, кўплаб совхозлар ташкил этилади. Қарши чўли тўла ўзлаштирилгач, йилга 1 миллион тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

Қарши чўлини ўзлаштиришда коммунистларимиз ажойиб ташаббускорликлар кўрсатмоқдалар. Улар раҳбарлик қилган хўжаликлар, бригадалар мўл пахта ҳосили етиштириб шуҳрат қозонишди. Нишон районидан М. Ҳазратқулова ва С. Пардаева, Таллимаржон районидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А. Носирова, Қарши районидан Ш. Примова, Уल्याнов районидан Т. Шарипов ва М. Оллобердиев, Усмон Юсупов районидан Р. Қўчқоров бошлиқ бригадалар ҳар гектаридан 40—50 центнер «оқ олтин» олишмоқда. Қўриқ совхозларда гектаридан 50—60 центнер пахта олиш учун курашаётганларнинг сафи тобора кенгаймоқда.

Ана шу сардорларимиздан бири бўлган Адолат Носирова ҳақида батафсилроқ тўхталмоқчиман. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Адолат Носированинг номи қўриқда янги очилган бутун бошли бир совхознинг тарихи, қўриқ пахтасининг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Носированинг асл касби олий маълумотли иқтисодчи бўлган. Қишлоқ хўжалик техникумида дарс берган, совхозда катта экономист бўлиб ишлаган. Партиянинг ўрта звенони — яъни пахта бригадасини бошқаришга ўтиш ҳақидаги чақирғига биринчилар қаторида лаббай деб жавоб берган. Бригадага ўтгач, Носирова ишга шиддат билан киришди. Эндигина очилган қўриқ ерда пахта ўстиришдек мураккаб ишнинг қийинчиликларини муваффақиятли енгиб ўтиб, унинг етти кишидан иборат байналминал бригадаси қўриқда биринчи бўлиб ҳосилдорликнинг 50 центнерлик маррасини ҳатлаб ўтган. Шуни айтиш керакки, қўриқдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш кўпинча шахснинг ўз тажрибасига, ўз билимларига, қанчалик собитлилигига боғлиқ бўлади. Адолат Носирова ана шу дастлабки қийинчиликларни енгиб ўтиб, ютуқни қўлга киритгач, янги ташаббусни бошлади. Яъни 180 гектар пахта майдонида 1000 тонналик ҳосил кўтариш ташаббуси эди. Коммунист аёл бу сафар ҳам ғалаба қозонди.

1980 йилда КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроғини республикамизга топширилиши муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда эса, Адолат Носирова сўз олиб, яна ташаббус билан чиқди. У янги очилган районнинг янги совхозига ишга ўтажагини ва шу совхоздаги бригаданинг ҳосилдорлигини областдаги энг илғор даражага кўтаражагини айтди. Бу ишни Адо-

лат Носирова ўша пайтда халқимиз кўтаринки руҳда кутиб олаётган Партиямизнинг XXVI съездига совға этажагини таъкидлади.

Ҳа, Қарши чўлининг гуллаб-яшнаганида мана шу каби коммунистларнинг роли катта. Биз келажакда ҳам шундай кишиларимизга ишонамиз.

— Сув — ҳаёт, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, ҳамма нарса сувдан бошланади. Рўзмат Ғойибович, область партия, совет ташкилотлари, сув хўжалиги ходимларининг воҳада сув танқислигини баргараф этиш соҳасидаги ишлари, галдаги режалар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Мамлакатимизда сув учун курашнинг бошланиши доҳиймиз В. И. Лениннинг табаррук номи билан бевосита боғлангандир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ улуғ доҳиймиз Туркистонда суғориш ишлари учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги декретга имзо чеккан эди.

Эндиликда ирригация мелиорация ишлари партия аграр сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди, умумхалқ иши даражасига кўтарилди. Мелиорация партиямизнинг коммунизм моддий техника базасини яратишдан иборат программ мақсадини амалга ошириш соҳасидаги муҳим тадбирлар қаторида турибди.

1963 йилнинг декабрини Қарши чўлидаги ишларнинг бошланиши даври деб ҳисоблаш лозим. Худди мана шу вақтда СССР Министрлар Совети Қарши чўлининг биринчи навбати ерларини суғориш ва ўзлаштиришга доир ишларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йили «Қаршистрой» бошқармаси ташкил этилди.

Областимизда кейинги йилларда ўз бағрига 500 миллион кубометр оби ҳаёт сиғдира оладиган Чимқўрғон, сиғими 260 миллион кубометр бўлган Пачкамар сув омборлари, Қарши, Ғузор ва Яккабоғ гидроузеллари қурилди. Ўнлаб янги каналлар барпо этилди. Уларнинг умумий узунлиги 5000 километрни ташкил этади. Шу жумладан 1200 километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилди. Булар орасида секундига 175 кубометр сув ўтказиш қувватига эга бўлган Қарши магистрал канали, секундига 50—60 кубометр сув ўтказувчи умумий узунлиги 100 километр бўлган «Москва» канали, Ульянов номи, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» каналлари ва бошқа йирик гидроиншоотлар бор. Кейинги йилларда Китоб районидаги Макрит, Шаҳрисабз районидаги Мўминобод, Яккабоғ, Қамаш, Ғузор районларидаги Ўнқирғоқ ва Чапқирғоқ каналлари, Ульянов районидаги Обиҳаёт, Чироқчи районидаги Ворошилов номи, Косон районидаги Косон, Бўлмас — Пўлоти каналлари сингари ўнлаб ирригация иншоотлари асосан умумхалқ ҳашари йўли билан қурилди. Бизда ҳар йили каналларни бетонлаштириш ишларида 25—30 минг киши қатнашмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам сув иншоотлари қурилиши кенг кўламда давом эттирилмоқда. Чўл бағрида 1,6 миллиард кубометр обиҳаёт сиғдирадиган йирик Таллимаржон сув омбори, Оқсув дарёсида эса Ҳисорак сув омбори қурилиши қизгин олиб борилаётир.

Сўлим Мироқи қишлоғининг юқорироғида, Оқсувнинг белига камар бўлиб боғланаётган тўғон сувга ташна ерларга обиҳаёт тўплаб бериши билан бирга, ҳар йили қайталаниб турадиган, халқ хўжалигига кўплаб зарар етказадиган селларнинг ҳам йўлини тўсади. Агар қурилиш олиб борилаётган жойдан эллик-юз метрларча тепага кўтарилиб, атрофга назар ташласангиз, Оқсув воҳасидаги улкан иш кафтагидек яққол кўринади.

Тўғоннинг марказий қисмида симпатерна — сув сизиш хавфининг олдини олиш учун бетон қопламали ер ости тоннелини қуриш тугалланди. Шартли равишда бош назорат йўлаги деб аталадиган бу мосламанинг вазифасини бирдан тушунтириш қийин.

Мамлакатимизда қурилган кўплаб сув иншоотлари тажрибасидан маълумки, сув йўлида айниқса тоғ суви йўлида тикланган тўғон жуда ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Чунки, тўғон узоқ вақт давомида катта

ҳажмдаги сувни сақлаб туради. Ҳисорак сув омбори тўғонининг ба-
ландлиги 140, узунлиги эса 545 метрдир. Кенглиги ҳам бир неча юз
метрни ташкил этади. Лойиҳачилар тўғоннинг сув емиришига қарши
хусусиятларини кучайтиришнинг ҳамма имкониятларини кўзда тут-
ганлар. Шунинг учун тош, шағал, тўпроқ аралаштириб ётқизилаётир.
Аммо вақт ўтиши билан тўғондан оз бўлса-да сув сизиши эҳтимоли
ҳам назарда тутилган. Лойиҳада бунинг ҳам олди олинган. Яъни тў-
ғон остида махсус йўлак қолдирилади. Узунлиги 240 метр бўлган бу
йўлакнинг усти бетон ва махсус темир қопламалар билан беркитилая-
ти. У тўғоннинг орқа қисмидаги ўн километрлик тоннел билан бирлаш-
тирилган. Йўлакнинг остида эса 70 метр чуқурликдаги мингта қудуқ
қазилади ва улар юқори босим остида 60 минг погонometr цемент би-
лан тўлдирилади. Тўғон битгандан кейин бу йўлак назорат учун хиз-
мат қилади. Агар жиндаккина сув сизиши сезилса ҳам, юқорида ай-
тилган қудуқлар орқали цемент қоримаси юборилиб турилади.

Бу муҳим объектда қурилиш ишларини «Ўзгидроспецстрой», «Қир-
гизгидроспецстрой», «Гидромонтаж» трестларининг махсус бўлимла-
ри, «Ҳисоракгидростепстрой» бошқармасининг 2-қурилиш участкаси
бунёдкорлари бажармоқдалар.

Чўл қиёфаси йил сайин ўзгармоқда. Бу ерда Таллимаржон, Дўст-
лик шаҳарлари, Нишон, Ульяновск, Баҳористон, Мўборак, «Усмон
Юсупов» каби район марказлари бунёд этилди. Сув ҳўжалиги ва са-
ноат-граждан қурилишини янада индустрлаштириш учун Қарши шаҳри
яқинида йилга 650 минг кубометр қурилиш материаллари ва кон-
струкциялари ишлаб чиқарадиган йирик комбинат тугалланмоқда. У
Қарши чўлидаги қурилишларнинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди.

Амударё суви илк бор Қарши чўлига оққан вақтдан буён орадан
атиғи 9 йил ўтди. Аммо кенг кўламда олиб борилган чўлни ўзлашти-
риш ишларининг салмоқли натижасини ҳозирдаёқ кўриш мумкин.

1981 йил Қарши чўлининг янги қўриқ совхозларида 200 минг тон-
на пахта етиштирилди ва давлатга сотилди. Бу область бўйича тайёр-
ланган жами пахтанин 35 фоизини ташкил этади. Ҳозир қўриқ сов-
хозлар 1964 йилда бутун Қашқадарё области бўйича тайёрланган миқ-
дорда пахта топширмоқда.

Қарши чўли умумхалқ қурилиши, қардошларча дўстлик, ўзаро ёр-
дам, СССР халқлари бузилмас бирлигининг рамзи бўлиб қолди. 60
минг кишилик қурувчилар отрядига бирлашган Совет Иттифоқидаги
53 миллат ва элат вакиллари мураккаб иқлим шароитлари, аҳоли
пунктларининг узоқлиги, ичимлик сувнинг йўқлиги билан боғлиқ бўл-
ган кўплаб қийинчиликларга қарамай, чўлни бўйсундира олишди.

Қарши чўлининг бугуни ва келажаги билан ўз тақдирини боғ-
лашган меҳнат қаҳрамонлари сув учун, янги ерларни ўзлаштириш
учун курашда чиниқишди. Бугунги кунда улар «Қаршистрой»нинг ўза-
гини ташкил қилишади. Улар орасида СССР Давлат мукофотининг
лауреати, бульдозерчи Аъзам Азимхонов, Ленин ордени кавалери,
бульдозерчи Тўхтамурод Қўлдошев, комплекс бригада бошлиғи Ва-
лентина Гвоздевая, экскаваторчи Вадим Ким, шофёрлар бригадири
Виктор Бабийчук ва бошқалар бор.

Улар ёзнинг жазирама, қишнинг қаҳратон кунларида ҳам шамол,
чанг-тўзонли бўронларга қарши мардонавор курашиб, ажойиб фидо-
корлик намуналарини кўрсатдилар.

Ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашни янада ривожланти-
риш сув таъминотини ошириш, пахтачиликни юксалтириш ва КПСС
Марказий Комитетининг Озиқ-овқат программасини бажаришда ҳал
қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу беш йилликда сув ҳўжалиги қурилиш-
ларига янада кўпроқ капитал маблағ ажратиб беришимизга тўғри ке-
лади. 100 минг гектар янги суғориладиган ерни ўзлаштиришимиз,
Таллимаржон ва Ҳисорак сув омборлари, қатор селхоналар ва канал-
лар, насос станциялари қурилишларини тугаллашимиз керак. Мавжуд
сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш тадбирларини

амалга ошириш, суғориш ва дренаж тармоқларини эксплуатация қилувчиларнинг ишини аниқ ва пухта уюштириш лозим. Эндиликда сув тахчиллиги тобора ошиб бораётган, сувнинг ҳар томчисини тежашимиз, сарфланган ҳар кубометр сув учун имкони борича кўпроқ маҳсулот олишимиз лозим бўлган ҳозирги шароитда шундай қилиш айниқса муҳимдир. Суғориш системаларини комплекс қайта қуриш, ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш, суғориш техникасини янада такомиллаштириш ҳисобига суғориш системаларининг фойдали иш коэффицентини оширишга интилоқдалар.

— Рўздат Ғойбович, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми Озиқ-овқат программаси ҳақидаги қарорини амалга оширишда чорвачиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. КПСС XXVI съездида бу тармоқ зарбдор меҳнат фронти деб эълон қилинди.

Партияимизнинг Озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилган шу йил май ойида бўлиб ўтган пленумида эса Сиз шахсан иштирок этгансиз. Ана шу пленум қарорлари асосида областингиз бўйича қилинадиган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Май Пленуми қарорлари КПСС XXVI съездининг мамлакат бутун халқ хўжалиги самарадорлигини, совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган йўлнинг мантиқий давомидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган катта кўламдаги Озиқ-овқат программаси энг мураккаб ва муҳим халқ хўжалик проблемаларидан бирини комплекс ҳал этишнинг намунасидир. Бу программдан кузатилган мақсад — мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан имкони борича қисқа муддатларда етарли таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг июнда Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги Пленумида КПСС Марказий Комитети май Пленуми якунлари ҳамда республика партия ташкилотининг ўртоқ Л. И. Брежневнинг Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги докладидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида алоҳида таъкидландики, Озиқ-овқат программаси мамлакатимизда барпо этилган ва КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумидан кейин айниқса интенсив ривожлантирилган мустаҳкам негизга таянади. Шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси сифат жиҳатдан янгиланди, кўплаб малакали кадрлар ўсиб етишди, қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшиланди.

Ўзбекистон эришган ютуқларни бизнинг областимиз мисолида ҳам кўриш мумкин, март Пленумидан кейин ўтган давр мобайнида областда 176 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси пахта етиштиришни 3 баравар, донни 3,2 баравар, сабзавот етиштиришни 9 баравар, гўшт етиштиришни 2 баравар, сутни 4 баравар, тухум етиштиришни 12 баравар кўпайтириш имконини берди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга ўртоқ Ш. Р. Рашидов пленумда жуда тўғри қайд этиб ўтганидек, биз эришилган натижалардан қаноатлана олмаймиз, озиқ-овқат проблемаси ҳали ҳам тўла ҳал этилмаганлигини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Бизда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига, картошка ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Бошқа бир қанча товарлар билан савдо қилишда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси область қишлоқ хўжалиги олдига янги, масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Беш йиллик охирига қадар аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражасини анча ошириш

мўлжалланмоқда. Шу мақсадда дон етиштириш 500 минг тоннага, сабзот маҳсулоти 230 минг тоннага етказилиб, гўшт 1,8 баравар, сут 1,9 баравар, тухум 2,5 баравар кўпайтирилади. Бу марраларни эгаллаш учун агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, техника, ер, сув ва бошқа ресурслардан янада тўлароқ ва яхшироқ фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш зарур.

Конкрет бир мисол:

Қарши — Таллимаржон магистралининг етмиш бешинчи километрида йўлнинг ўнг тарафига катта панно ўрнатилган. Унда «ҚПСС XXVI съезди» номидаги сабзавотчилик ва полизчилик массиви, картошка — 600 гектар, полиз экинлари — 600 гектар, деган ёзув кўзга ташланади.

Ўтган йили эса, чўл бағрида картошка етиштириш тўғрисида гап кетганда, кўпчилик ишонмаганди. Чунки Қарши чўли шароитида бирон марта ҳам картошка экиб кўрилмаганди. Лекин воҳамиз меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг озиқ-овқатни кўпайтириш лозим деб қўйган талабларига жавобан бу масалани ҳал этишга биринчи марта дадил қўл урдилар. Тез орада ҳамма майдончаларга картошка экиб, катта меҳнат қилиб, бир текисда ҳосил ундириб олинди. Чўл шароитида картошка етиштириш агротехникасини деҳқонларимиз ўзлари яратдилар. Қатор оралари олти марта культивация қилинди, беш мартагача суғорилди, минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди, ниҳоят чўл картошкаси етиштирилди.

ҚПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ҳамда ЎзҚП Марказий Комитетининг VI Пленуми қарорларини изчил амалга оширишда деҳқонларимиз собитқадамлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Область партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари партия ва ҳукумат кўрсатмаларини бажара бориб, чорвачиликни жадал ривожлантириш, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни кўплаб етиштириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқиндан кўрсатаётган ёрдами туфайли областда бу муҳим ҳаётий тармоқ жадал тараққий этмоқда. Чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, уни саноат негизига кўчириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Кўплаб чорвачилик комплекслари қурилди, моллар ва паррандалар сони кўпайтирилди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Натижада, ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдагига қараганда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 40 процент, меҳнат унумдорлиги 16 процент ошди. Гўшт ишлаб чиқариш тўққизинчи беш йилликдагига қараганда 32 процент, сут 54 процент, тухум етиштириш 87 процент кўпайди.

Чорвадорларимиз ўтган йили ҳам ёмон ишламадилар. Олдинги йиллардагига нисбатан қорамоллар сони 5 процент, қўй ва эчкилар 7 процент, чўчқалар 26 процент, паррандалар 39 процент кўпайди. Натижада, ўтган йили давлатга 31 минг тонна гўшт, 63 минг тонна сут, 62 миллион дона тухум, 4670 тонна жун, 500 минг дона қоракўл тери сотилди. Ҳар бир сигирдан ўртача 2520 килограмм, олдинги йилдагига нисбатан 123 килограмм кўп сут соғиб олинди. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача вазни 420 килограммни ташкил этди.

Чорвачиликни интенсив ривожлантириш чорвачилик объектлари қурилишини бутун чоралар билан гезлаштиришни тақозо этади. Бироқ бу мақсадлар учун ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаяпти. «Қаршистрой» бошқармаси, «Қаршиирстепстрой» бирлашмаси қурилиш бўлинмалари чорвачилик биноларини жуда суст қурмоқдалар. Шу беш йилликда чорвачилик объектлари қурилишига олдинги беш йилликдагига қараганда 2 марта кўп маблағ сарфланади. Бу эса қурилиш ишларини бутун чоралар билан жадаллаштиришни талаб этади. Очиғини айтишимиз керакки, катта ишларни бажаришда жиддий қийинчиликларга ҳам учрамоқдамиз.

Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли лалмикор ерлар-

да буғдой яхши битмади. Областимиз маккажўхорикорлари бунн чуқур ҳис этган ҳолда иш тутдилар. Эрта баҳордаги дон экинларидан бўшаган ерларга маккажўхори экиш билан ҳам донни кўпайтириш, ҳам чорва учун етарли миқдорда озуқа тўплаш учун чоралар кўрилди, айрим жойларда такрорий экишга тўғри келди.

Полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида Нишон, Қосон, Баҳористон ва Муборак районларида полиз массивлари ташкил этилган. Уларда гектаридан йил сайин 160—170 центнердан қовун ва тарвуз ҳосили олиб келинмоқда. Утган йили давлатга сабзавот сотиш планимиз 117 процент, полиз маҳсулотлари 104 процент, картошка 117 процент, мева 136 процент, узум сотиш эса 105 процент бажарилди.

Областда кейинги йилларда мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган 23 та совхоз, кўплаб бўлимлар ва бригадалар тузилди.

Бироқ, қишлоқ хўжалигининг бу турдаги маҳсулотларини кўпайтириш, аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш соҳасида ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Қатор районларда, колхоз ва совхозларда сабзавотчилик, полизчилик билан етарли шуғулланилмаётир. Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли область аграр саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси совхозларида сабзавот, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги имкониятлардан қониқарсиз фойдаланмоқда.

Бу йил область бўйича 119 минг тонна сабзавот, 68 минг тонна полиз маҳсулотлари, 18 минг тонна картошка, 25 минг тонна мева, 30 минг тонна узум етиштириш ва давлатга 100 минг тонна сабзавот 41700 тонна полиз маҳсулотлари, 11 минг тонна картошка, 51100 тонна мева ва узум сотилиши планлаштирилган.

Бунга эришиш учун колхоз ва совхозларда сабзавот ва полиз экинларига энг яхши ерлар ажратилди, бригадаларга ишбилармон кишилар, коммунистлар, тажрибали мутахассислар раҳбар этиб тайинланди. Ҳар бир хўжаликда 30—40 гектар ерга помидор, 20—25 гектар ерга картошка экилди, парник, теплица, лимонарийлар қурилиши тезлаштириляпти. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда катта резерв ҳисобланган ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётир.

— Областда фан, маданиятни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар, келажакда қилинадиган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Совет ҳокимияти йилларида воҳамизда халқ маорифи, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Бу масалалар партия ва совет ташкилотларининг доимо диққат-марказида бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳозирги кунда областда 700 дан ортиқ умумий таълим мактаблари мавжуд. Уларда 333,5 минг ўқувчи таълим олмақда. Бир вақтлар аҳолисининг аксар қисми саводсиз бўлган ўлкада бугунги кунда 24 мингдан ортиқ ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бермоқда. Қарши Давлат педагогика институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Қарши филиали, 13 ўрта махсус ўқув юрти ва кўплаб ҳунар-техника билим юртлари ёш авлодни илмдан ва ҳунар сирларидан баҳраманд этмоқда. Боғча ва яслиларда 65,5 минг бола тарбияланмоқда.

Республикадаги бир қанча олий ўқув юртларининг консультация пунктлари, илмий текшириш институтларининг филиаллари областимизда иш олиб бораётир. Қашқадарёликларнинг неча минглаб ўғил-қизлари Иттифоқимиз ва республикаимиз илм даргоҳларида таълим кўрмоқдалар. Воҳадан етишиб чиққан олимларимиз, шоирларимизнинг номлари фақат республикада эмас, балки Иттифоқда ҳам танилгандир.

Областда соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи йил сайин кўпаймоқда, даволаш ва профилактика ишлари муттасил яхшиланмоқда.

бораяпти. Ҳозирги пайтда воҳамизда 95 касалхона, 177 амбулатория ва поликлиникалар, 35 та қишлоқ участка касалхоналари, 560 фельдшер-акушерлик пунктлари, 113 дорихона ва бошқа қатор медицина муассасалари ишлаб турибди.

Мулла-тўйчи Тошмухамедов номидаги область музыкали драма театри ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида совет ва жаҳон драматургиясининг энг яхши асарларини саҳнага қўйиб, маҳорат мактабини ўтади. Бизда халқ ҳаваскорлик театрлари тобора кўпайиб бормоқда. Шаҳрисабз, Қамаш районларида ташкил этилган «Бўстон», «Шодиёна», Қарши районларида «Марҳаб», Деҳқонобод районларида «Тоғ гўзали» ва бошқа ашула ва рақс ансамбллари республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам меҳнаткашлар эътиборини қозонган. Кези келганда воҳамиз маданий ҳаётидаги бир янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Бу йил область драма театримиз ўз ишини янги бинода, уч ярим асрдан зиёдроқ вақт мобайнида инсоният ақлини лол қилиб келаётган асар — Шекспирнинг «Гамлет»и билан бошлади. Театрнинг бош режиссёри Қарим Йўлдошев саҳналаштирган «Гамлет» Қарши воҳасида биринчи марта ўзбек тилида жаранглайди.

Бугунги кунда областда 280 клуб ва маданият уйи, 481 оммавий кутубхона, 211 кинотеатр ва киноустановакалар меҳнаткашларга хизмат кўрсатамоқда.

Келгусида областимизда фан ва маданият янада тараққий эттирилади. Яқин йиллар ичида Қаршида бир нечта янги ўқув юртлари очилиши мўлжалланмоқда. Мактаблар, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари тармоғи янада кенгайтирилади. Маданият муассасалари сони кўпаяди. Меҳнаткашларга маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш юқори поғонага кўтарилади.

— Қашқадарё ёзувчиларимизнинг, санъат аҳлларининг севиб куйлайдиган ўлкаларидан бири. Областининг социал-иқтисодий соҳадаги ютуқлари, дондор кишиларининг меҳнати Фағур Ғулум асарларидан тортиб Абдулла Орипов шеърларигача мадҳ этилган. Адибларимиз Қашқадарёга, унинг чўлқуварларига, мард пахтакорларига, ғаллакорларига, ишчиларига бағишлаб қандай асарлар ёзишларини, журнал саҳифаларида қандай мавзуларни кўтариб чиқишларини истайсиз?

— Қашқадарёнинг такрорланмас табиати, бу ерда амалга ошириладиган улғувор ишлар, меҳнаткаш кишилари ёзувчи ва шоирлар, санъаткорларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу воҳа ҳақида академик шоиримиз Фағур Ғулум шеърлар ёзганлиги қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотади. Ҳар йили областимизга кўплаб шоир ва ёзувчилар ташриф буюрмоқдалар. Ҳозирги пайтда областда Ўзбекистон ёзувчилар союзининг бўлими, бадий адабиётни пропаганда қилиш бюроси иш олиб бормоқда. Қашқадарё шу ерда яшаб ижод этаётган кўпгина ёш қаламкашларга илҳом бағишлаётганлиги табиий. Юртдошларимиз Абдулла Орипов, Самар Нуровлар воҳамиз кишилари, уларнинг қаҳрамонона меҳнати ҳақида бир қанча яхши бадий асарлар яратдилар.

Областимиз меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида қаҳрамонона ишлаб, инсон меҳнати қандай мўъжизалар яратишига қодир эканлигини амалда намойиш этмоқдалар. Биз ҳурматли адибларимиз, санъаткорларимизнинг областимизга тез-тез келиб, кишиларимиз ҳаёти ва меҳнати билан танишишларини истаймиз. Саноат корхоналаримизда, қурилиш объектларимизда, қишлоқ хўжалигимизда катта бадий асарларга мавзу бўла оладиган улкан ишлар, меҳнатда жасорат кўрсатаётган кишилар кўп. Ана шулар ҳақида бадий асарларда, кинофильмларда мароқ билан ҳикоя қилиб берилса, айни муддао бўлур эди. Бизнингча, Қарши дашти чўлқуварлари ҳақида киноқисса яратишнинг пайти келди. Бу жуда қизиқарли, замонавий мавзудаги асар бўлур эди. «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида областимизнинг социал-иқтисодий ва маданий соҳаларида эришяётган ютуқлари ҳақида қизиқарли мақолалар, очерклар ўқишни истаймиз.

Бир нарсани эслатиб ўтишни ўринли деб билардим. 1983 йилда Қарши чўлининг ўзлаштирилиши бошланганига йигирма йил бўлади. Бу санани биз катта тантана билан нишонламоқчимиз. Адиб ва санъаткорларимиз ҳам бу тўйга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишса, айни муддао бўларди. Боз устига, биз Қарши чўли ҳақида яратилмаж асарлар конкурсини ташкил этмоқчимиз. Конкурсининг шарт-шароитлари ишлаб чиқилмоқда. Яқин кунларда у республика матбуотида эълон қилинади.

Сўзимнинг охирида бутун мамлакатимизда бўлганидек, областимизда ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш ва маданиятини юксалтириш соҳасида эришилаётган ютуқлар СССР халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликнинг ажойиб самараси эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз совет халқлари аҳил оиласининг, аввало улуғ оғамиз рус халқининг беғараз ёрдами, партия ва ҳукумати-мизнинг чексиз ғамхўрлигини кун сайин сезиб турибмиз. Халқлар дўстлиги жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг бири, Коммунистик қурилишни жадаллаштиришнинг қудратли омилидир.

Буюк ва ғолибона куч — халқлар дўстлигини коммунистик партия тарбиялаб вояга етказди. Партиямиз халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализмини кўз қорачиғидек авайлаб-асрамоқда ва ардоқламоқда.

Область партия ташкилотлари жонажон партиямизнинг кўрсатмаларини бажара бориб, меҳнаткашларни қардошлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни тобора такомиллаштирмоқда, Ватанга, Коммунизм бунёдкорларининг қардошлик оиласига мансублик ҳиссини янада кучайтириш учун бутун чораларни кўрмоқда. Ташкилотчилик, ғоявий-тарбиявий ишларнинг бутун кўлами ана шу мақсад сари йўналтирилаяпти.

Улуғ Ватанимизнинг ҳамма жойида бўлганидек, қашқадарёликлар ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари областимиз меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активликларини янада ошириб, уларни янгидан-янг зафарларга руҳлантирмоқда.

Шубҳа йўқки, областимиз меҳнаткашлари юбилей йили вазифаларини, умуман ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини тўла ва ошириб бажарадилар, севикли Ватанимизнинг шонли юбилейи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигини муносиб кутиб оладилар.





ТЕРАНЛИК

(АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ ВА МУНАҚҚИД ҲОМИЛ ЁҚУБОВ 75 ЁШГА ТЎЛДИ)

Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги на фақат илм-маърифатимиз, балки маданиятимизнинг ҳам муҳим тармоғи. Бугун унинг сафи жуда тифиз. Ана шу сафдаги олимлар орасида таниқли адабиётшунос ва танқидчи Ҳомил Ёқубов ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳомил Ёқубов 1907 йилда Тошкентда боғбон оиласида туғилган. Дастлабки маълумотини Раҳимия мактабида олиб, кейинчалик «Намуна» мактабида, 1921—1925 йилларда эса Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида таҳсил кўрди. 1932 йилда Куйбишев номидаги Ўрта Осиё планлаштириш институтини тугатиб, ўрта мактаб ва техникумларда, турли хил курслар ва ишчилар факультетларида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Ниҳоят, 1934 йилда ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академиясининг тўнғич ячейкаси — Фанлар комитети ташкил этилиши билан Ўзбек тили ва адабиёти илмий-текшириш институтига ишга кирди. Шундан бери Ҳомил Ёқубов ушбу институтда — у ҳозир А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти деб аталади — дастлаб илмий ходим, 1958 йилдан буён эса ўзбек совет адабиёти секторининг бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Бўлажак олимнинг илмий-танқидий фаолияти Ойбекнинг биринчи шеърлар тўплами — «Кўнгил найларига» ёзилган тақриз (1929) билан бошланган. Шундан кейин унинг мунтазам суратда бирин-кетин янги-янги тақриз ва мақолалари эълон қилиниб боради.

Ҳомил Ёқубов 30-йилларнинг бошларида ихчам тақризлардан умумлаштирувчи илмий мақолаларга, адабий ҳаётни кузатишдан адабиёт майдонидаги муҳим ҳодиса ва воқеаларни таҳлил этишга ўта бошлади. Шу маънода илмий-текшириш институтидаги дастлабки йиллар учини танқидчилик фаолиятида бурилиш даври бўлди.

Ҳар бир санъаткорнинг ўз мавзуи бўлганидек, ҳар бир адабиётшуноснинг ҳам ўз қалбига, дидига, эстетик дунёсига, истеъдодининг характерига яқин мавзуси бўлади. Ёш олим «Уйғун ижодиёти» (1934), «Ғафур Фулом ижодиёти (1934), «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли» (1935) сингари дастлабки илмий ишларида ўзининг эстетик принципларини белгилаб олди. Сабаби Ойбек, Ғафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ижоди, уларнинг ижодий изланишлари Ҳомил

Ёқубовга яқин эди. Эстетик қарашларнинг ана шу яқинлиги танқидчининг бу ёзувчилар ижодининг ўзига хос томонларини, қолаверса ўзбек совет адабиётининг шаклланиш тарихи масалаларини тўғри текширишига имкон берди.

20-йиллар ўзбек танқидчилигидаги ноинчлик 30-йилларга келиб Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн, Ойбек сингари олимларнинг хизмати туфайли бартараф этила бошланди. Бу соҳага кириб келаётган Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Ҳоди Зариф каби ёш адабиётшунослар танқидчиликнинг диққат-эътиборини ўзбек совет адабиётининг етакчи назарий ва амалий масалаларига қаратди, ўзбек адабиётшунослигининг фан сифатида шаклланишига муҳим ҳисса қўшди. Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар қаторида фаол меҳнат қилган танқидчилардан бири Ҳомил Ёқубов бўлди.

Илм-фан ўз муҳитидан кенг ва ҳар томонлама билимни талаб этади. Лекин билимнинг ҳар томонламалиги унинг теран бўлишига путур етказмаслиги керак. Шундагина ҳақиқий илм самаралари вужудга келади. Ўзбек совет ёзувчилари ижодини тадқиқ қилган Ҳомил Ёқубов 40-йилларда ўзбек классик адабиёти масалалари билан шуғулланар экан, ўзининг ана шундай ҳар томонлама ва пухта билим соҳиби эканини намойиш этди. У Навоий, Бобир, Гулханий, Турди, Муқимий ва бошқа классиклар ижодига бағишланган тадқиқотларида Октябрга қадар бўлган ўзбек адабиёти тарихининг беш асрли, авжи гуллаган даврларини мукамал билишини кўрсатди. Олим «Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ҳаёти ва ижоди», «Ўзбек шоири Турди ижоди» (1940) рисолаларида, «Турди ва унинг адабий муҳити» (1944) деган кандидатлик диссертацияси ҳамда Гулханий (1951) ва Муқимий (1953) ҳақидаги илмий ишларида классик меросни марксча-ленинча таълимот асосида ўрганиш учун курашди, ундаги илғор ғояларнинг социалистик давр учун хизмат қилишини кўрсатиб, классик адабиётдаги реалистик анъаналарнинг социалистик реализм адабиётининг шаклланишидаги ролини ёритиб берди.

Ҳомил Ёқубовнинг ижодий йўлини кузатар эканмиз, унинг ниҳоятда серқирра ва саҳий истеъдод соҳиби эканлиги кўзга ташланади. У Шекспир ва Сервантес, Бе-

линский ва Гоголь сингари жаҳон адабиётининг доҳий намояндалари ижоди билан ҳам жуда жиддий суратда шуғулланади. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилига таржима этиш, мактаб дарсликлари ва хрестоматияларини яратишда иштирок этди. Унинг ана шундай серқирра, кенг илмий мушоҳадаси ва бой эрудицияси илмий фаолиятидаги энг асосий нарса — ўзбек совет адабиёти тарихининг мураккаб даврлари ҳамда йирик ўзбек ёзувчилари ижодини ўрганишида аиниқса қўл келди.

Ўзбек совет адабиётининг Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Яшин, Зулфия, Уйғундек улкан санъаткорларга эга бўлиши, улар кўламига яраша танқидчи ва адабиётшунослар плеядасини вужудга келтирди. Шу маънода Ҳомил Ёқубовнинг Ойбекдек буюқ адиб билан инсоний ва ижодий муносабатлари ибратли кўринади.

Бўлажак олим билан техникумда таълим олаётган кезларидаёқ танишган Ойбек ўзининг бутун ҳаёти давомида унга самимий дўстлик кўлини узатиб келди, унинг олимлик виждонига, иқтидорига ишониб, илмий қарашлари ва ақидаларига шерик бўлди. У Ҳомил Ёқубовнинг 50 ёшга ўлиши муносабати билан ёзган табрикномасида бундай деган эди: «Ҳомил зийрак, ўткир ҳофизали, зеҳнли, фикри югурдак эди... У қалин дўстим, юракдан оғайни эдик, ҳали ҳам дўстимиз. САҒУга иккимиз иқтисод факультетига кирдик, лекин адабиётни жондан зиёда севардик. Икковимиз ҳам адабиёт соҳасини танладик. У кучли, пишиқ мақолалари билан адабиётга хизмат қилмоқда. Унинг танқидий ўлчови ўткирдир. Танқиднинг нозик нуқталарини, чизиқларини яхши билади. Унинг қобилияти зўр, мақолалари теран, мазмуни ва одилдир».

Илмий фаолиятини Ойбекнинг биринчи шеърый китобига тақриз ёзишдан бошлаган Ҳомил Ёқубовнинг кейинги изланишлари марказида Ойбек ижоди турди. Ойбек билан «қалин дўст, юракдан оғайни» бўлган олим унинг ижодини чуқур ўрганди. «Ойбек ижоди» (1955), «Ойбек» (1959), «Ғоявийлик ва маҳорат» (1963), «Адибнинг маҳоратил (1966) каби монографиялари ва бир қатор мақолаларида Ойбек ижоди асосида ўзбек совет адабиётининг халқ ва қаҳрамон, тарих ва замонавийлик, анъана ва новаторлик, ўтмишдаги ижодий методлар ва социалистик реализм, халқчилик ва ғоявийлик, бадий маҳорат ва эстетик идеал каби ўзак масалаларини кўтариб, уларни ҳал этишга ҳисса қўшди. У 1966 йилда «Ойбек ижодида ғоявийлик ва маҳорат» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. У ўзбек адабиётшунослигининг бугунги кунда ойбекшунослик деб аталувчи муҳим бир тармоғига асос солди. Унинг ўзбек фани ва маданияти олдидаги катта хизматларидан бири ҳам худди шундадир.

Олимнинг Ойбек ижоди бўйича билимдон эканлиги адиб «Мукаммал асарлар тўплами»нинг илмий нашрини тайёрлашда аиниқса қўл келди. Ҳомил Ёқубов Урта Осиё халқлари маданияти тарихида биринчи марта нашр этилган ушбу йигирма жилдлик нашрнинг юзага келишида илмий раҳбар сифатида иштирок этди.

Чорак аср мобайнида Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг у раҳбарлик қилаётган ўзбек совет адабиёти сектори ходимлари республикамиздаги бошқа пешқадам олимлар ёрдами билан адабиётимиз тарихида биринчи бор икки жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари» (1961—1962), Москвада рус тилида чоп этилган бир жилдлик (1967) ҳамда Тошкентда босиб чиқарилган тўрт жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1967—1972) монументал тадқиқотларини яратдилар. Ҳомил Ёқубов бу йирик ишларнинг пайдо бўлишида раҳбарлик қилибгина қолмай, уларнинг етакчи муаллифларидан ҳам бири бўлди. Адолат юзасидан шу нарсани айтиш керакки, бу тадқиқотларнинг майдонга келишида 30-йиллардаёқ Ҳамид Олимжон, Уйғун, Иззат Султонов каби шоир ва олимлар бошлаб берган иш муайян пойдевор вазифасини ўтади. Ҳомил Ёқубов бу нашрларда ўзбек совет адабиётининг 20 ва 30-йиллардаги тараққиёт даврларини ҳамда Ойбек, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжонга бағишланган бобларни ёзишда иштирок этди. Унинг 30-йиллар ўзбек адабиётига бағишланган тадқиқоти «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи»нинг 2-жилдидан ҳам ўрин олди (М., 1971).

Олимнинг 70-йилларда эълон қилган ишларига ёхуд илмий анжуманларда қилган докладларига назар ташласак, ана шу рангбаранглик, кенглик ва кўла аиниқса кўзга ташланади. Олимнинг бу давр илмий фаолиятида Ҳамза ижодида социалистик реализм методининг шаклланиши, ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётининг асосий босқичлари, ўзбек адабиётида миллийлик ва интернационализм, ҳозирги ўзбек романларидаги услубий изланишлар, шунингдек Пушкин ва ўзбек адабиёти, Маяковский ва ўзбек адабиёти, Шолохов ва ўзбек адабиёти, Шароф Рашидов романларининг пафоси, Ҳамид Олимжон ва Уйғун лирикаси, бундан ташқари Турди ижоди каби хилма-хил мавзулардаги ишлар етакчи ўрин эгаллайди.

«Улкан мунаққид ва ўткир зеҳнли тадқиқотчи Ҳомил Ёқубов,— деб ёзган эди Мамарасул Бобоев,— бирор бадий асарни қўлга олиб таҳлил қилганида китоб атрофида эмас, китоб муаллифининг аини юрагидан туриб гапиради. Қалбдан шундай ҳис қилиб гапиради ва ёзадики, бу асар ижод қилинаётганида, танқидчи муаллиф ёнида ўтирган эканми, деб ўйлайсан киши». Таниқли шоирнинг бу сўзлари Ҳомил Ёқубовнинг на фақат Ойбек ижодида бағишланган асарларига, балки биз юқорида фикр юритган барча тадқиқотларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ҳар бир киши қалбида у мансуб бўлган халқнинг кичик бир тимсоли мавжуд бўлади. Бу киши қанчалик ўткир ақл ва чуқур билим соҳиби бўлса, тимсол ҳам халқ ақли ва ҳикматини шунчалик яққолроқ ва тўлароқ акс эттиради. Назаримизда, етмиш беш ёшга тўлган забардаст адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубов ҳам шундай бахтли кишилар тоифасидандир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.



Адиб Собир ТЕРМИЗИЙ

(ТУҒИЛГАНИГА 900 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Рубоийлар

Гар кўрдим эса жабру жафо гардундан,
У сочди, қаранг, сочимга оппоқ ундан.
Таҳқир назари-ла айлама менга нигоҳ,
Бир қарчиғай афзал юз қаро қузғундан.

* * *

Зулфингни кўрарди ишқ деган туйғу келар,
Хуснингни кўрарда ойга ҳам кўзгу келар.
Рухим очилур гул каби чеҳрангни кўриб,
Билдингми, кўнгилга не ажаб орзу келар.

* * *

Дилбарки, мудом эрди дилимга марҳам,
Жон олди, машаққатимни ҳеч этмади кам.
Дил мотами ичра хўб эмиш сабру қарор,
Мен қайдин олай сабрни, кўп эрса ситам.

* * *

Жабрингни чекиб, фалак, нетай паст бўлдим,
Тупроққа қоришдим, хор ила хас бўлдим.
Эй соқийи ғам, майинг ичиб, маст бўлдим,
Дерманки, кўлингни чек, етар, бас, бўлдим.

* * *

Ғамзанг ўқидин бало пайконлиғ бўлди,
Номингни битиб, жафо унвонлиғ бўлди.
Ҳар неки шафоки сендан ўрганди фалак,
Хўб бўлмади бу ишинг, ёмонлиғ бўлди...

* * *

Бул кеча умид тошига тошимни қўяй,
То лабингга лаб, қошингга қошимни қўяй.
Сен ёшли кўзимга қўй оёғингни, санам,
Мен эрсам эшик тубига бошимни қўяй.

Адиб Собир Термизий ўз даври шоирларининг сардори бўлган. Асли бухоролик бўлса-да, Хуросонда ўсган. Донишманд шоир, фозил инсон тақдир сўқмоқлари орқали Султон Санжар зомонида Термиздан Марвга келиб қолган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумотига кўра, у 1151 йилда Хоразмшоҳ Отсиз томонидан жосусликда айбланиб, қўл-оёғи боғланиб Жайхунга чўктириб юборилган. Адиб Собир Термизий форс тили гўзалликларини шоён этган ғазал, рубоий, қасида жанридаги асарлари билан етук ижодкорлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган. Ўз асарларининг маъзига шоир маъшуқа васфини мадҳ этган ҳаяжонларини, даврининг нопокликларидан шикоят, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг тенгсизликларидан туғилган ранжиш туйғуларини сингдирган. Унинг «Мен қайдин олай сабрни, кўп эрса ситам», дея қилган фиғони жабр-ситамларга кон замонининг манзарасини гавделантиради. Шоир фозилу фузало аҳлининг қадр-қимматини, уларнинг шоҳлар давлатидан аъло бўлган бой хазинаси — илмини ҳам ҳаёт йўлида, ҳам ижодий фаолиятида қаттиқ ҳурмат билан улуғлаган. Унинг асарлари равонлиги ва жозоба сеҳри билан, покиза туйғуларининг хушсуханлиги билан ўзгача жилоланиб туради.

* * *

Кўнглим тилаб ул лаъли шакарбор, кетди,
Боз истади, дил қуввати такрор кетди.
Умрим бўйи ҳосил этганим илму хирад
Лаълингни тилаб, ҳаммаси бир бор кетди.

* * *

Ҳар неки тилармен, у қадар имкон йўқ,
Дилтанг эрурманки, анга поён йўқ.
Дил танглигининг қутилмоқ осон эрмас,
Дармони сабр эмиш, вале дармон йўқ.

* * *

Ҳуршидки, жило бериб шафақнинг ўтига,
Ёқут ясади, боқиб лабинг барқутига.
Ҳар кимки лабингга етди, ёқут тиламас,
Ёқут дағи қул эмиш лабинг ёқутига.

* * *

Душман-ку дилозор, қолишмас дўст ҳам,
Ким иккисидин етар менга ранжу алам.
Тан ташвишу ғам чекар эса, жонга чибоқ,
Пўст ташвиш агар чекар эса, мағзга не ғам...

* * *

Кўнглинг-ку вафо билан қовушмас ҳаргиз,
Наздингда яна душману дўст ҳам фарқсиз.
Бас-баски, шикоятинг сира жоиз эмас,
Бор-борки, хикоятинг дағи ножоиз...

* * *

Чун оташ ўлиб ҳавода гар учгаймиз,
Ҳам оби равон каби оқиб кечгаймиз.
Тупроқ бўламыз, агарчи биз гавҳар эдик,
Бас, шундоқ эса, бодани бер, ичгаймиз.

* * *

Ёдинг била тилга нолаю ун келади,
Кўз кипригининг ҳазор Жайхун келади.
Билдингми, кўзимдин не учун қонлар оқар,
Ким кўзимга кўнглим саридан хун келади.

* * *

Дўстлар, келингиз, тўйиб-тўйиб май ичамиз.
Кундуз куляшиб, кулгада кечсин кечамиз.
Токай юрамиз куйиб шу олам ғами деб,
Олам эли ичра биз ахир бир нечамиз...

* * *

Соқий менга тутса ул майи гулгунни,
Гулгун этайин фироқидин Жайхунни.
Ер устига кўз: ёшим ила бода бериб,
Сўнг маст этайин ер остида Қорунни.

* * *

Эй, кундузинг айламыш макон тун ичра,
Зулфинг дағи тунга соябон тун ичра.
Ҳал этмаса кундузинг туним мушқулини,
Сендин чекайин нола-фигон тун ичра.

* * *

Не бўлди фироқ ичра зиёним, сўрама,
Не чекди куйиб ғамингда жоним, сўрама.
Нелар куйида учди фиғоним, сўрама,
Шу бўлди ишим, шудир жаҳсним, сўрама.

* * *

Ҳарчандки фақир эрур агарчи доно,
Кўргил уни бойи бахиррадин аъло.
У бойлиги йўқ эди, давлатманд бўлди,
Бу дониши-ла ҳамиша давлатманд шоҳ.

* * *

Мен сенга боқарман. Сенга боққанда, санам,
Гўё сира қолмас бу кўнгил мулкида ғам.

189

Мен сен-ла ичарман, ўша ичганда, санам,
Кўрқмай ўтаман кўйи маломатдин ҳам.

* * *

Воҳ, бўйла қиёмат этмаса нетди санам,
Ки кўзимни ёш айладию кетди санам.
Бир азми сафар-ла ул азиз чеҳрасини
Жон бирла кўзимдан ҳам азиз этди санам.

Форсчадан Жамол КАМОЛ таржимаси.

ЗАЛИЛИЙ

[ТУФИЛГАНИГА 200 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН]

Туркман классик адабиётининг ривожидан ватанпарвар, гуманист, улуғ шоир Залилийнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг шеърляти ва бутун ҳаёти халққа хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Шоир бир умр ўз халқининг тақдирига шерик бўлиб, унинг орзу-умидлари, интилишлари, ташвишларини ҳис этиб яшади. «Жаҳон шеърлятининг Эльбрусларидан бири» — буюк Махтумқули ижодининг аънаналарини давом эттирган Залилий асарларида жоҳиллик ва ҳақсизликка қарши нафратини ифода этди. Шоир XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида туркман юртида содир бўлган суронли тарихий воқеаларни ўз кўзи билан кўрди. Хива хони ва Эрон ҳукмдорларининг босқинчилиги туфайли юз берган жабру жафоларни меҳнаткаш халқ билан биргаликда бошидан кечирди. Ана шу драматик воқеалар ижодкорни босқинчиларга қарши ҳам қалам, ҳам қурол билан курашишга ундайди. Мазкур воқеалар чуқур тафсилоти ва реал манзараси билан шоир асарларида акс этган. Залилий замондоши сатирик шоир Камина сингари шеърларида маҳаллий бойларнинг нопок қилмишларини, ўз ниятларини амалга ошириш йўлида диний ақидалардан востита сифатида фойдаланишларини аёвсиз фош қилган. Шоир туркман адабиётида демократик ғояларни куйлаган, меҳнаткаш халқ қизиқишларини ҳимоя қилган ижодкор сифатида намоён бўлади.

Туркман заминининг Қорақўш қишлоғида таваллуд топган шоирнинг асл исми Қурбондурди бўлиб, Залилий унинг адабий тахаллусидир. Ижодкор ҳаётининг кўп қисми Атрак дарёси водийсида ўтган. Шоир доимо ўз даврининг илғор фикрли кишилари билан мулоқатда бўлган. Унинг ватанпарвар шоир ва саркарда Саидназар Саидий билан дўстлиги шу жиҳатдан ибратлидир. Шерғозихон мадрасасида таҳсил кўриб юрган чоғларидан бошланган танишув ҳар иккала ҳамфикр, ҳамқадам ижодкорнинг ҳаёт йўлида алоҳида қиммат касб этган. Бу танишув келгусида уларни қалин дўстлаштиради, ниятларини ягона мақсадга бирлаштиради. Бундай бирлик туркман халқининг ички ва ташқи босқинчиларига қарши курашда ҳар икки ижодкорни бир хил тугенга келтиради. Уларнинг ҳаёти ва

фаолиятидаги мослик шу ўхшашликдан вужудга келган бўлса керак.

Залилийнинг адабий мероси асосан лирик асарлардан ташкил топган. Улар рангбаранг мавзуларда, хусусан ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, дидактик, ватанпарварлик, фалсафий руҳда ва муҳаббат темасида ёзилган. Унинг ижтимоий-сиёсий сирага мансуб асарларида эзувчи синф вакилларининг нопокликлари, қилмишлари, ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик, ҳақсизлик ҳамда инсоннинг инсон томонидан хўрланиши ҳақида фикр юритилган. Ижодкор меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Шунинг учун ҳам асарларида ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий манзарасини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Ватанпарварлик руҳидаги шеърларида эса у кўпинча шахсий ҳаёти билан боғлиқ кечинмалар хусусида сўзлайди. Дидактик мавзудаги шеърларида шоир инсон характерида мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатларни қаршилантириш борасида мазкур хусусиятларга нисбатан ўзининг хайрихоҳлигини ёки нафратини билдиради.

У асарларида меҳнатсеварлик ва фидойилик, самимийлик ва ростгўйлик, оқибат ва садоқат, ҳурмат ва иззат, ақллилик ва донолик сингари инсоний фазилатларга қайта-қайта муурожаат қилиб, уларни улғайди. Шоирнинг фикрича, ҳаёт мактабининг бу хил сабоқларини ўз кўнглининг мулкига айлантирмаган инсон мукамал бўла олмайди. Залилийнинг ахлоқий-маънавий сирадаги шеърлари ҳам ватанпарварлик, дидактик руҳда ёзилган асарлари каби ижодкор қалбига туғён урган кечинмаларнинг акс-садоси тарзида яратилган. Бу тоифадаги шеърлари ёш авлодга муурожаат сифатида жаранглайди. Шоирнинг муҳаббат лирикларини кўздан кечиран эканмиз, унда ижодкорнинг кўнгил юртида макон тутган маъшуқа бутун сеҳру жозибаси билан кўз ўнгимизга келади. Залилий муҳаббатни бутун ҳаётга тот бəхш этадиган ишонч туйғуси сифатида талқин қиладди. Худди ана шу жиҳатлар ижодкорнинг туркман адабиётдаги мавқеини белгилаши билан бирга уни туркман классик адабиётининг атоқли вакиллари қаторига олиб чиқади.

ШОИР ҲАҚИДА БИР ОҒИЗ СЎЗ

(ГРУЗИН ШОИРИ ГАЛАКТИОН ТАБИДЗЕ ТУФИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛДИ)

Грузияда, Кутаиси шаҳри яқинида кичик-кина Чквиши номли бир қишлоқ бор. Бу — Галактион Табидзенинг она қишлоғи. У 1892 йил 6 (18) ноябрь куни шу ерда қишлоқ муаллими оиласида дунёга келди. Бир яшар бўлганда отаси вафот этиб, онаси қўлида тарбия кўрди. Аввал Кутаиси диний билим юртида ўқиди, кейин Тбилисидаги диний семинарияда сабоқ олди.

Унинг илк китоби 1914 йилда йигирма икки ёшида босилиб чиқди. Китобдаги шеърлар Бараташвили ва Церетели таъсирида яратилган бўлиб, уларда романтик-ватанпарварлик руҳи кучли жарангларди.

Галактион Табидзе жаҳонни ларзага келтирган Октябрь кунларида тақдир тақозоси билан Москва ва Петроградда бўлди.

Инқилобнинг юраги бўлган, ҳуррият учун курашга гупириб турган шаҳарлар, замоннинг суронли воқеалари шоирни катта мавзулар билан бойитди. Натижада у грузин шеърлятида биринчи бўлиб Владимир Ильич Ленин образини яратиб берди («Даланд кемаси» шеъри).

Грузин шеърлятида янги инқилобий оҳанглар кашф этган, том маънода инқилоб шоири бўлиб етишган Галактион Табидзе ижодида 1919 йилда нашр қилинган «Ҳайноқи гуллар» китобининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлайдилар. Китобга кирган шеърларида шоир ҳам сиёсий-ижтимоий, ҳам психологик қарашлар аниқ, ҳаётий бўлгандагина шеърлят ўзининг буюк вази-фасини адо этиши мумкинлигини исботлаб берди. Айни пайтда у шеърый шаклнинг мукамаллиги борасида ҳам қаттиқ изланди. «Ҳайноқи гуллар»ни грузин шеърлятининг олтин бобларидан бири дейилса муболаға бўлмас, зеро у реал воқеалар — Октябрь воқеалари заминиде яратилган,

инқилобнинг ўтли нафаси уфуриб турган шеърлар мажмуасидир.

«1928—1930 йилларда,— деб ёзган эди у, — «Мнатоби» журналида «Давр», «Инқилобий Гуржистон»... туркумларим эълон қилинди». 1931 йилда «Инқилобий Гуржистон» алоҳида китоб ҳолида Грузия ССР-нинг ўн йиллигига тўхфа сифатида нашр этилди. Буни шоирнинг ўзи туркум деб атайти, лекин тадқиқотчилар уни поэма деб ҳам юритадилар. Бундай дейишларида жон бор. У алоҳида-алоҳида шеърлардан иборат бўлиб, жамулжам бўлганда яхлит бир манзарани — Грузияда инқилобий ўзгаришлар манзарасини, «Инқилобий Гуржистон» манзарасини гавдалантиради. Бу асар Владимир Маяковскийнинг «Ҳайқирик», Фафур Фуломнин «Кўкан», Хамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» сингари совет шеърлятининг дурдонә асарлари билан ҳамоҳангдир.

Шоир қаерда бўлмасин, замоннинг олдинги марраларида юришга, давр қалбининг уришларини илғаб, шулардан шеърларига оҳанг олишга ҳаракат қилди, чинкам шоирнинг вазифаси шу деб билди. 1935 йилда Грузия ССР халқ шоири Галактион Табидзе (бу унвон унга 1933 йилда берилган эди) Парижда бўлди. У совет делегацияси сафида бу ерда бўлиб ўтган урушга қарши бутунжаҳон конгрессида иштирок этди. Шу сафар таъсири ўлароқ публицистик руҳда битилган шеърларидан иборат «Европа йўлларида» китоби дунёга келди. 1940 йилда «Лирика достони» деган йирик поэтик асарини ёзди.

Шоирнинг шуҳрати ҳам тобора орта борди. 1936 йилда унга юксак Ленин ордени берилди, 1944 йилда эса Грузия ССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланди. Шоир «Ватан» номли бир шеърда шундай ёзган эди:

Шабнамли майсаларда юрмасам
ялангоёк,
Ватаннинг борлигига келтира олмам

имоч;

Ана шундай шабнамли майсаларда кезиб юриб Ватаннинг чўнг меҳрини қалбига солган шоир Ватан довуғини дунёларга ёйди, ўз халқининг бақувват сасини олис-олис ўлкаларга ҳам етказа олди.

Галактион Табидзе 1959 йил 17 мартда дунёдан ўтди.

Таниқли грузин адиби Симон Чиковани Галактион Табидзенинг шахсиятию шеърлятининг моҳиятини шундай таърифлаб берган эди: «Бутун Грузия унинг учун бир иссиқ уй, суюк оиладай гап эди... Дунёдаги бор даъватлар ичиде у Ватан даъватини баридан ортиқроқ кўрар эди... У келажак учун курашчилар сафига жуда ҳам эрта кириб келди ва ҳамиша бахту саодатда ҳам, бало-офатда ҳам халқ билан елкама-елка, ҳамсаф бўла олди. Шу нарса унинг қўлидан келди, таҳсинлар бўлсин унга!.. У шоир эди».

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофотининг лауреати.



Тегирмон тошлари

Бу тегирмон тошлари,
Бу тегирмон тошлари...
Хотирда ғурбат ўйлар
Боз тирила бошлади.

Доим офтоб нурлари
Остонада мудрарди,
Келтирди бир кун бобом
Бу тегирмон тошларин.

Кўкларга учсам дейман,
Куйласам, жўшсам, дейман,
Бироқ йўлда тўғаноқ
Бу тегирмон тошлари.

Чўққиларда ўйнар нур,
Назар соламан мағрур,
Эзар бўйинтуруқдай.
Бу тегирмон тошлари.

Дедим:
— Олға, елдай уч!
Синдиролур кучни куч!
Мега тош боғлаб олди
Бу тегирмон тошлари?

Эй, бу ёққа шитоб эт,
Денгизларнинг итоби!
...Энди айлана бошлар
Бу тегирмон тошлари.

Қаттиқ тошлар — беомон,
Болакайлар кутар нон...
Айланади, елади
Бу тегирмон тошлари.

Кенг увалар узра соз,
Еллар ғувлар нағмасоз,
Жўр бўлади елларга
Бу тегирмон тошлари.

1952

Уйдан чиқди,
аммо келмади қайтиб

Бурчакда ёнар шам..
Тун-кеча пайти...
Сиймонг ғойиб бўлди
Тунда,
Шу ондан
Хира шам ёнади
Шаби ҳижронда —
Уйдан чиқдинг,
Аммо келмадинг қайтиб.

Жарангли,
Рухафзо
Кулгулар саси,
Кўз ёшлар,
Кўзларнинг ёғду, шуъласи,
Шодлиги,
Қувончи,
Ғаму ғуссаси —
Уйдан чиқди,
Аммо келмади қайтиб.
Бебаҳо кўзларда
Порлаган слов,

Ки зулмат-зулматни
Ёндиргай лов-лов,
Бир ўқ ёғдусидай
Сўнди беаёв —
Уйдан чиқди,
Аммо келмади қайтиб.

Чоғи
Ўлим
Ўшал кўзлар-ла тайин
Олди дард, қўшиғим,
Қасосим — барин,
Ортидан
Ҳаётим кетди,
Найлайн, —
Уйдан чиқди,
Аммо келмади қайтиб...

1940—1955.

Муҳаммад АЛИ
таржималари



НАВҚИРОН ШЕЪРИЯТ

(УСМОН НОСИР ТУФИЛГАНИГА 70 ЙИЛ ТУЛДИ)

Ўзбек совет адабиёти, хусусан, шеърятини турфа хил рангли бир чаманга ўхшатсак, шу чаманнинг сўлим гўшаларидан бири, шаксиз, Усмон Носир ижодидир.

Усмон Носир шеърятда бир сеҳр, бир ғалати маҳриғиё бор. У киши шуури ва шукуҳини жуда тез забт этади. Бу шеърларни қайта-қайта ўқиб, ана шу сеҳр, ана шу забткор кучнинг боиси, манбаини беихтиёр излагинг, топгинг кела беради. Ниҳоят, ҳис этиладикки, бу кучнинг манбаи ҳаётсеварликда, самимиятда экан!

Усмон Носир шеърятдаги ибратли нуқталардан бири эътиқодда собитқадамлик ва фидойилиқдир. Бу туйғу шоирнинг илк шеърларидан тортиб энг сўнгги асарларига қадар яққол сезилади.

Шоир 1929 йилда ёзган «Ленин сағанасида» шеърдаёқ ўз ҳаёт йўлини, шоирлик бурчини, вазифасини аниқ белгилаб олганди:

Эй буюк, муборак, севимли сиймо,
Йўлингдан қайтмайин босамиз илгари!
Революция чавандозлари, йигирманчи
йиллар қаҳрамонлари, янгича турмуш қуриш
романтикаси билан тўла қайноқ ҳаёт,
жўшқин давр руҳи шоирни ўз оқимига
тортиб кетди.

Куни кеча шоир «дард ели сочини тўздирган», осмонга қарашгаям мадори йўқ, «киприги оғирлик қиладиган», бири — қарол, бири — чорикор, бири — дайди, бири — нонсиз, кўзи оч кишиларни, одамнинг фақат ўзинимас, ҳиссини ҳам хароб қилган даврни кўрган бўлса, бугун эса ҳаёт ўзгача, ўша қарол, ўша кўзи оч кишилар ўз эрки ва бахтини топаннинг гувоҳи бўлади. Энди у кишилар кўнглига «бинафша териш», «тоғларга сайр этиш», муҳаббат шавқи сигганини ҳис этади ва бу ҳол, шубҳасиз, ҳаёт тарзи ўзгарганида деб билади. Усмон ўзига хос фаоллик, жўшқинлик билан бу йилларнинг бадий манзарасини яратишга интилди. «Қуш билан суҳбат», «Хотин», «Оқ ювиб, оқ тараб», «Шу кунларнинг талаби», «Трактор-обод» «Терим зарбдори», «Пахтакор», «Сеникими бу бўй!», «Коммунага состав шундан ўтади!», «Бодом гуллаган кечаси» каби қатор шеърлари ана шу манзаранинг узвий қисмларидир. Шоир «Оқ ювиб, оқ тараб» шеърда икки давр, икки болаликни муқояса қилиб, янги тузум болалар тарбиясига алоҳида эътибор бераётганини кўрсатса, «Хотин» шеърда эса асрлар давомида эзилган, камситилган, бутун ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган аёл, эндиликда озодликка чиққанини, ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқига эга бўлганини куйлайди:

Хотин граждандан,
Ҳақли киши,
Қани ким айтадур
«Заиф» деб...
Ана кўз оч,
Кўр тузуккина,
У — бир аскар,
Ишчи,
Курашчи,
Қурилишда муаллима...

Хотин граждандан,
На қуллик,
На алам ва бошқа —
У граждандан билан келиша олмас.

Бундай сафарбар руҳдаги шеърлари орасида «Қуёш билан суҳбат» ажралиб туради. Бунда шоир болалиқдаги энг ёши улғу — ҳаёт ва нур манбаи бўлмиш қуёшга юзланади. У, «инсоният тарихининг гувоҳи», «дунёнинг тарихшуноси», «ҳаммадан қари» қуёшга ҳали у кўриб эшитмаган янги бир дoston айтади. У, «инсоният тарихининг гувоҳи», «дунёнинг тарихшуноси», «ҳаммадан қари» қуёшга ҳали у кўриб эшитмаган янги бир дoston айтади. Бу дoston янги ҳаёт ҳам шу ҳаёт туфайли ўз эркини, ўз ҳақини қўлга олган, озод меҳнат туфайли мўъжизалар яратаётган кишилар ҳамда аста-секин бўй кўрсатаётган йирик қурилишлар — «социализм қўрғонлари» ҳақида! Шоир бу янги дostonни шундай шавқ, шундай ифтихор билан сўзлайдики, бу шавқ ва ифтихор руҳингизга ўтиб қолганини ҳис этасиз.

Усмон Носир шеърятдаги бундай ифтихорга асос бўлган омиллардан бири, сўзсиз, граждандлик туйғусидир.

Шоир бўлди ҳаёт иқлими
Ҳаққим билан туғилганимдан —
деб ёзади шоир кейинроқ. Ана шу ҳақини таниш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш ва халққа, даврга садоқатли фарзанд бўлиш шоир лирик қаҳрамони йўлари, орзу ва интилишларининг бош меҳвари эди, десак хато қилмаймиз. Бу лирик қаҳрамон суст, кузатувчан ҳаёт оқимига илашиб юрган хасдек ўрни йўқ, вазни йўқ кимса эмас, аксинча, у фаол, қуришга, яратишга шай, ҳаёт жабҳаларининг олдида юрадиган,



бугунидан шод, эртасини ўз қўли билан қураётган абжир, ўз ўрни ва ўз вазнига эга. У қўлга киритган ҳақ-ҳуқуқининг боқийлигига ишонади, унга даҳл қилувчиларга қарши курашади. У ўтмиш хўрлигини кўп чеккан, шу боис:

Эсга солма муштумзўр

У ҳўжаларни:

Мени кўп қийнади,

Жоди олиб қўлларимни.

Қонларимни кеткизди, — дейди!

Ўтмишни, қўликни ҳатто эслашни ҳам истамайди. У ахир эрк, озодлик тотини тотиб кўрган, шу озодликни берган доҳий, партиядан миннатдор, бугунги куни билан фахрланади:

Бас қил! Йиғи кўзни бузади,

Қара, деразанинг кўзида

Бахтли кунлар ойи юзади...

Унга энди ҳаёт гўзал кўринади:

Гулзор — чаман. Юр, боғларга

Элтай етаклаб.

Бинафшалар териб берай

Сенга этаклаб...

Табиатдаги кўркам, оний ҳолатларни ҳис эта бошлайди:

Барг узилди, барг бетидан —

Ой парча ҳам узилиб кетди.

ёки:

Юрганмисиз бирга ой билан
Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?
Майсаларга шабнам қўнганда
Шундай яхши, тинч бўлар экан!

Кўрамизки, ана шу тарзда лирик қаҳрамон ўсиб, бора-бора ҳаёт жабҳаларида чиниқиб, маънавий бойиб ҳамда янги дунё — социализм қуриш ишига бутун лаёқати, сидқу дилини сафарбар этади.

Ҳар бир зарра,

Ҳар бир майда,

Кичик нарсадан

Инқилобий хусусият

Ишлашга ўрган!

Бу,

Кунларнинг талаби, бу

Чиқар юракдан.

Лирик қаҳрамон улкан тарихий ишларни бажараётгани — колхоз қуришда қатнашгани, мўл ҳосил яратаётгани, саноатни тиклаётгани, маданий инқилоб қилгани билан қаноатланмайди, куни кеча бўлиб ўтган революцион жангларда, жабҳаларда қатнаша олмаганидан, кейинроқ туғилиб қолганидан армон қилади.

У «фронтларда ўқчи», «шонли подполлага даҳлдор», «ёшлигини бир бомбадай ростлаган», «қизил матрос бўлиб, байроқ тутган», «Смольнийда постда турган», «Қольчакларга қарши от солган» кишиларга ҳавас билан қарайди. Шу билан бирга ўз идеали, ўз қарашида мустаҳкам туради.

Кеч туғилдим. Аммо,

Қола олмадим —

Икки бўлак йўлнинг

Аросатида.

Ҳар бир сўзим — синфий,

Фалсафий фард,

Синфий онг ётади

Фаросатимда...

Усмон Носирнинг қаҳрамонлари ана шунақа, ўз ҳаёт йўлини аниқлаб олган, ёруғ келажак қураётганини яхши билади.

Шу билан бирга, улар қора кечмишни, куни кеча ким бўлганлигини ҳам унутмайди. Умуман, икки дунёни муқояса этиш ва шу йўл билан бугуннинг бутун моҳияти, қамоллини гавдалантириш Усмон Носир шеърятининг яна бир таъсирчан омилидир. Ана шу омилнинг имконияти, айниқса, «Нил ва Рим», «Исроил», «Қора сатрларга ўхшаш шеърлар-у», «Нахшон», «Норбўта» каби поэмаларда ёрқин намоён бўлган. «Нил ва Рим» бизни олис ўтмишга, миср маликаси — Клеопатра, фиръавнлар даврига, Рим қўлдорлиги паллаларига бошлаб кетади. Дарвоқе, эрк учун кураш, асли, ўта қадимий. Инсоният кўп асрлар давомида ўз эркини қўлга олиш ниятида кураш олиб борди. Ниҳоят, мана, янги ҳаёт, эркин турмушга етишди. Шоир бугунги ёруғ кун моҳиятини очиш учун кураш тарихидан, инсоният солномасининг энг аёвсиз давридан, инсон эрки поймол бўлган қўллик давридан гап очади ва ўша эркам ташна қўллар авлоди бугун ёруғ кунга — озод турмушга етишганини зўр ҳаяжон билан тасвирлайди:

Кўз ёшидан, дил тошидан қурилган

Ҳайкал
Мағрур турар, мағрур боқар, ҳеч бирон
маҳал

На одамдан, на замондан қўрқмас

асту у,
Ҳазабини ютиб ўлган қўллар дасти бу!
Қўллар... (менман у қўлларнинг ўлмас
авлоди,

Мана менман, у қўлларнинг ҳеч сўнмас
ёди.

Мана менман, фалакларга лов-лов ўт
қўйиб

Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб
Озодлигим обидасин қурган инсонман!
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша
шонман!)

— дейди лирик қаҳрамон.

Шу билан бирга у, бугунги янги ҳаёт қуришда ўша олис қўлларнинг маънавий ҳиссаси борлигини қайд этаётгандек туюлади.

Усмон Носир шеърятининг жозибадор қудратини яратган унсурлар, омиллар жуда кўп, ниятимиз шу омилларни қайд этишгина эмас, балки, шу қудратни эл, юрт хизматига бора олган шу асов ҳис, туйғуларга, мавжуд ҳаёт хушнудликларига ранг ва мазмун берган шоир зақоси, қалб ва шуурини улуғлаш ҳамдир.

Усмон Носир ҳаёт бўлганда ҳозир етмиш ёшга қиради, ишончимиз комилки, унинг қайноқ ижоди янаям тиниқар, янаям бойир ва тийраклашган бўларди. Ҳали ҳам у адабиёт саҳнида ўз ўрнига, ўз гулшанига эга. Бу гулшан доим ҳаёт, ёшлик, тириклик атрини уфуриб яшнаб беради. Унинг навқирон шеърятини халқимизнинг талай-талай авлодини коммунистик руҳда тарбиялар экан, шоир тирикдир, у ўлмас сўзи, буюк эътиқоди, пок қалби, гўржданлик ифтихори билан шу буюк Ватан, халқ хизматига доим камарбаста десак, янглишмаймиз.

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим...

Раззоқ АБДУРАШИД



Ўткир Ҳошимов,
Умарали Норматов

ҚАЛБ ИНҚИЛОБИ

(Ёзувчи — танқидчи сўхбати)

ТАНҚИДЧИ. Чингиз Айтматов «Известия» газетасида босилган «Шоирнинг ботиқий кўёши» мақоласида шеъриятни «қалб инқилоби» деб атайди. Чиндан ҳам ҳақиқий шеър қалбдаги чуқур инқилобий жараёнларнинг самараси, ҳосиласидир. Бу гап, менимча, фақат шеъриятгагина эмас, балки бадий ижоднинг ҳар қандай тури, шаклига, барча яхши намуналарига, жумладан проза асарларига ҳам даҳлдордир. Китобхонни ларзага солган, ўйга толдирган жами яхши ҳикоя, қисса, роман борки, барчаси адиблар қалбининг инқилобидир...

ЁЗУВЧИ. Модомики, гапни Чингиз Айтматовдан бошлаган эканмиз, ана шу адибнинг «Бўронли бекат» («Асрга татигулик кун») романига эпиграф қилиб олинган сўзларни эслагим келади. Ёзувчи ўз асарини «Ушбу китоб менинг танимдир, ушбу сўзлар менинг жонимдир» деган ибора билан бошлайди. Назаримда ҳар бир виждонли ёзувчи ўзининг энг яхши асарларига бу сўзларни бемалол эпиграф қилиб олса бўлади... Айрим адибларимиз «биз илҳом келишини кутиб ўтирмаймиз, хоҳлаган пайтда асар ёзаверамиз» дейишади. Эҳтимол бу гап тўғридир. Эҳтимол бундай иш услуби ёзувчини меҳнат интизомига ўргатар, адибнинг маҳсулдорлиги ошар. Лекин мен қаламқаш сифатида бу фикрга қўшила олмайман. Ахир ҳар қандай асар учун ҳам фақат ҳаётий материалнинг ўзи етмайди-ку! Бадий асар жонли организмдек гап. Унга аввало жон ато қилиш лозим. Ёзувчи ўша ҳаётий материални ўз қалбининг дардига, ўз виждонининг бурчига айлантира олиши, мана шу воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини юрак-юракдан чуқур ҳис этиши керак. Ушандагина асардаги образлар тирик одамга айланади, асардаги воқеалар ўқувчини ҳаяжонга солади. Эҳтимол адибнинг «қалб инқилоби» дегани шудир. Албатта, қаламқаш ҳам тирик одам. Бир нарсадан қувонади, бир нарсадан нафратланади, бир нарсани тасдиқлагиси, бошқасини рад этгиси келади. Лекин буям ҳали кам. Ёзувчи ўзи тасдиқлаётган ёки рад этаётган нарсаларнинг ижтимоий моҳиятини чуқур ҳис этмоғи, мана шу ҳисни қаҳрамонлар қисматига сингдириб, шу орқали китобхонга юқтирмоғи керак. Шундагина адибнинг «қалб инқилоби» китобхонни ларзага солиши мумкин. Ҳар бир қаламқашнинг ўз ижодий принциплари, ўз кредоси бўлади. Жумладан, менда ҳам шундай принциплар бор. Аввало, ўзим катта ҳақиқат деб билган нарсани, ягона ҳақиқат деб билган нарсани, ўзим ниҳоятда чуқур ҳис этган, қалбимнинг дардига айланган нарсани ёзишни хоҳлайман. Бундан ташқари уни шундай тарзда ёзгим келадики, асардаги биронта саҳифа, биронта жумла, ҳатто биронта сўз китобхон назаридан четда қолмас. Ҳар бир сўз оловдек лавиллаб, китобхон қалбини иситиб, шуурини ёритиб турса. Бу албатта, маҳорат масаласи. Бунга қанчалик эриша олганимни билмайман. Лекин яхши ният билан доим шунга ҳаракат қиламан.

Яна бир гап. Кўпинча дўстларим менга тайёр ҳикоя ёки ҳатто тайёр повесть бўла оладиган сюжетларни айтиб беришади. Бир қарашда бу воқеаларда ҳамма нарса етарлидек. Фақат қоғоз-қалам олиб ёзилса бас. Лекин нима учундир уларни ёзолмайман. Кейинчалик бунинг боисини билдим. Уша нарсалар қалбимни қаттиқ ҳаяжонга солмагани учун ёза олмаган эканман. Эҳтимол «қалб инқилоби» дегани шуям бўлса керак. Ҳали айтганимдек, адиб ўз виждонини ғалаёнга солган нарсанигина ёзмоғи керак. Бу жиҳатдан сизнинг фикрингизга қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Гапларингиздан кўриниб турибдики, «қалб инқилоби» тушунчаси бадий ижоднинг кўпгина туб масалаларини, жумладан ёзувчи позицияси муаммосини ҳам ўз ичига олади. Санъат ва адабиётнинг асл табиати ижодкор ҳаётда ҳамиша актив позицияда туришини такозо этади. У теварак-атрофда юз бераётган ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайди. Лев Толстой сўзлари билан айтганда, жим туролмай-

ди. Айниқса бизнинг кунларимизда... Бугунги адабиётимизнинг пешқадам вакиллари публицистик жанрларга кенг мурожаат этаётганлиги, кундалик ҳаёт ва ижод муаммоларига фаол аралашаётганликлари шундан бўлса керак.

ЁЗУВЧИ. Табиийки, ижодкор ҳеч қачон ёлғиз ўзининг ташвиши билан яшолмайди. Ўзгаларнинг қувончини ҳам, кулфатини ҳам ўзиники деб қабул қилади. Шундагина унинг асарларидан ҳар ким ўз шодлиги ва ташвишини топгандек бўлади. Ҳаётга актив аралашуш масаласи ҳам шундан келиб чиқади. Мамлакатимизнинг улкан адиблари Шолохов билан Эренбург ҳам, Ғафур Ғулум билан Ҳамид Олимжон ҳам, умуман барча авлод вакиллари кундалик ҳаётнинг долзарб масалаларидан четда туришмаган. Бугунги адиблар ҳам бундан мустасно эмас. Ахир «шоир бўлишнинг шарт эмас, гражданд бўлишнинг шарт» деган гап бежиз айтилмаган. Бир вақтлар жамиятимиз бундай бемаъни қарашга тамомила чек қўйди. Эсингизда бўлса «Литературная газета»да атоқли грузин адиби Нодар Думбадзе билан чет эл мухбирининг интервьюси босилиб чиқди. Чет эл мухбири шундай савол беради: «Одатда камчиликларни кўрсатган ёзувчиларни унчалик ёқтиришмайди. Сизга эса Ленин мукофоти беришди. Ўзингиз бу масалага қандай қарайсиз?». Нодар Думбадзе бу саволга шундай жавоб қилади: «Бизнинг жамиятимиз шу қадар улғувор ва қудратлики, унинг ривожига ҳалақит бераётган айрим сояларни кўрсатиш билан жамиятимизнинг ўзига соя тушмайди. Аксинча, бу билан биз — ёзувчилар жамиятимиз тараққиётига ёрдам берамиз».

Бу гапларда чуқур ҳақиқат бор. Албатта, қай йўл билан бўлмасин, ўзига қўйилган ҳаққоний айбномани четлаб ўтишга ҳаракат қиладиган демагоглар йўқ эмас. Масалан, «Нур борки, соя бор» романи эълон қилинганида ўртачароқ бир «савдогар» жуда жиддий қилиб «нима учун бунга илғовор ёзувчини судга беришмайди» деган экан. Начора, модомики асардаги гаплар ўшанақа ўртача «савдогар»ларни чийиллатган экан, демек бунга қувониш керак. Публицистика масаласига келсак, ҳақиқий адиб жамият ҳаётидан четда туролмайди. «Ёзувчи халқ тилининг таржимонидир», «ўз даврининг вижонидир», «партиянинг солдатидир», «партиянинг фарзандидир» деган гаплар шунчаки айтилган эмас.

ТАНҚИДЧИ. Шу ўринда шоир Егор Исаевнинг бир гапи ёдимга тушди.

«Публицистика шундай бир учқунки, — дейди у, — истисносиз барча жанрлар ундан аланга олади. Публицистика бу — ҳаммадан бурун ҳаёт ҳодисасига акс-садо, илк муносабат, боринги, истъоднинг граждандлик асаби».

ЁЗУВЧИ. Яхши айтилган. Дарҳақиқат, публицистика — истъоднинг граждандлик асаби; талант табиатининг ўзи, ёзувчининг граждандлик бурчи уни беихтиёр публицистика томон етаклайди.

ТАНҚИДЧИ. Чинакам публицистика ҳаёт ҳодисалари туфайли ёзувчининг граждандлик асаби туғёнга тушган, алангага айланган, билнобарин инқилоб тусини олган пайтдагина туғилади. Энг яхши публицистик асарлар шу тариқа майдонга келган. Сир эмас, бизда худди шу хусусиятдан махрум, турли-туман ҳодисалар, маросимлар муносабати билан битилган, баландарвоз, олди-қонди гаплар билан тўлиб тошган дардсиз-эҳтироссиз публицистик «асар»лар ҳам баъзан чиқиб туради. Кўнглингизга келмасин-у, сиз ҳам баъзан «публицистика» номи остида жўнроқ нарсалар битгансиз... Кейинги пайтларда эълон этилган «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг олпоқ дафтари» асарларингизни публицистиканинг намунаси деса бўлади.

ЁЗУВЧИ. Ўз асарларим ҳақида гапириш ноқулай. Лекин сиз «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг олпоқ дафтари» ҳақида сўз очган экансиз, уларнинг яратилиши тўғрисида озгина тўхталиб ўтай. Йўқ, мен бу билан асло ўз «тажрибам»ни рўқач қилмоқчи эмасман. Модомики, публицистика табиати устида сўз бораётган экан, бу икки мақоланинг туғилиш тарихига оид шарҳлар, эҳтимол, биз баҳслашаётган назарий масалаларга бир қадар ойдинлик киритиш учун хизмат этар... Бу икки мақоланинг туғилиш сабаби ҳам ўша «қалб инқилоби», «граждандлик асаби» билан боғлиқдир.

Кунлардан бирида редакцияга оддий кийинган ўрта ёшлардаги аёл йиғлаб келди. Айрим врачларнинг бепарволиги, аниқроқ айтганда, инсон боласига нисбатан беписанд муносабати туфайли аёлнинг боласи кўр бўлиб қолган. Аёлнинг бошида эри йўқ, якка-ю ёлғиз умиди шу боладан бўлган. Қолбуки боланинг кўзини сақлаб қолиш учун врачлар нари борса беш минут синчиклаб текширишса, олам гулистон эди. Муштипар бир аёлнинг кўз ёши менинг хотирамда кўндан бўён тўпланиб ётган бошқа воқеаларни ўйғотди. Ўзим ҳам шундай врачларга озми-кўпми рўпара келганман. Одам, эҳтимол янги уй олиш учун, янги машина олиш учун, қимматбаҳо ҳолатда тақинчоқ олиш учун пора берар (аслида бунинг ўзи ҳам жиноят). Лекин одам соғ яшаши учун ҳам бировга нимадир узатиши керакми? Ахир бу бизнинг жамиятимизга ҳеч қанақасига тўғри келмайдиган ҳодиса-ку! Наҳотки бундай ҳолатга чидаб бўлса?! Биламан, «Муқаддас қасамни бузганлар» мақоласи хиёл кескинроқ, хиёл шиддатлироқ чиқди. Бироқ, инсоф билан айтганда, бу мақолада мен ажойиб врачларимизни, фидойи докторларимизни унутганим йўқ. Бундай врачлар мамлакатимизда жуда кўп. Бироқ таъмагир врач битта бўлса ҳам — кўп. Асосий мақсад шундайларга зарба бериш эди. Табиийки, мақола эълон қилинганидан кейин авторни айблаб гапирадиган, «бу одам врачларга тўхмат қияпти» деб аюҳаннос соладиган шахслар бўлди. Имомним комилки, худди шу шахсларнинг ўзи бориб турган таъмагир ёки порахўр. Бўлмаса мақола уларга бунчалик аламли таъсир қилмасди. Ҳалол врачларнинг ҳаммаси мақолани тўла қўллаб-қувватлашди. Демак, мўлжалга беҳато урилган экан.

«Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласидаги масалалар ҳам кўпчиликка маълум. Орадан кўп ўтмай «Учительская газета»да СССР Маориф министри Прокофьевнинг мақоласи эълон қилинди. Қизиғи шундаки, министрнинг мақоласида ҳам худди шу масалалар кўтарилган эди. Қисқаси, у мамлакат бўйича кўпчиликни ўйлантириб турган гаплар экан.

ТАНҚИДЧИ. Публицистика бу аслида жуда муҳим, долзарб ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳозиржавоблик ва дадиллик билан кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш демокдир. Шу хил руҳда битилган асар, табиийки, жамоатчилик орасида жиддий қизиқиш уйғотади. «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Маориф министрлиги коллегияси шу мақола юзасидан махсус кенгайтирилган қарор қабул қилди. Бу қарор республикадаги барча область, шаҳар, район халқ маорифи бўлимларида, ҳамма педагогика институтларида, барча мактаблар педагогика кенгашларида ишлаб чиқилди.

ЁЗУВЧИ. Мақола чиққач, дастлабки пайтларда айрим кимсалар бир оз ғашлик қилиб турганида республика Маориф министрлиги уни қўллаб-қувватлаганлиги мен учун энг катта мукофот бўлди. Бунинг учун республика Маориф министрлигидан чуқур миннатдорман. Ҳозир республиканинг қайси чеккасига бормайлик, оддий ва ҳалол заҳматкаш ўқитувчилар шу ҳақда қувониб гапиришади. Демак, адибнинг қалбидан чиққан сўзлар одамларнинг қалбига етиб борибди. Мен буни мақтаниб эмас, қувониб айтганман.

Афсуски, элга танилган ёзувчиларимиз айрим пайтларда бундай ҳаётий масалаларга аралашшни ўзлари учун хиёл ортиқча, иккинчи даражали иш деб биладилар...

ТАНҚИДЧИ. Шу ерда гапигизни бўламан. Чиндан ҳам баъзан публицистикани иккинчи даражали нарса деб билиш, уни бадий ижодга қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Публицистикани кундалик ҳаёт учун керакли, лекин ўткинчи, мавсумий нарса, публицистика билан ортиқча банд бўлиб кетиш бадий ижодга, бадийликка монелик қилади, деган гапларни ҳам эшитишга тўғри келади. Шунингдек, бир вақтлар публицистик талқини бадийликдан холи деб қараш кенг тарқалган эди. Ҳозир ҳам шундай фикр тарафдорлари йўқ эмас. Айти пайтда бадий публицистика ҳам адабий ижоднинг, аниқроғи прозанинг тенг ҳуқуқли мустақил тури, публицистик талқин ҳам бадийликнинг бир кўриниши, бадий таҳлил воситаси эканлиги айтилмоқда. Жумладан, публицист Александр Кривицкий «Правда» газетасида босилган «Публицистика уфқлари» мақоласида (1981 йил 28 июнь) шундай фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Публицистика жанрларининг ҳаётда, бадий ижодда ўз ўрни, публицистик талқиннинг бошқа адабий жанрларда, чунончи, поэма, драма ёки романда ўз функцияси — вазифаси бор. Уларнинг ўрни ва функциясини камситиш ҳам, ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди.

ЁЗУВЧИ. Публицистиканинг жанр сифатида ўз фазилатлари, ўз имкониятлари бор. Бироқ публицистиканинг ҳикоя ёки романдан жиддий фарқ қиладиган томонлари ҳам мавжуд. Одатда, бадий ижодда — ҳикоя, повесть роман, шеър ёки достонда асосий образ, асосий таҳлил маркази инсон, инсоннинг қалби бўлса, публицистикада фикрнинг ўзи образга айланади. Шу боисдан публицистикада катта ақл, чуқур фикр билан бирга кўплаб фактлар булмоғи керак. Бироқ эдибуларнинг ҳаммасини улкан қалб эҳтироси билан тасвирлаши лозим. Ҳикоя услубида ёзилган публицистик мақола ҳам, публицистик усулда ёзилган ҳикоя ҳам эриш туюлади. Бироқ бадий асарда публицистик элементлар, публицистикада эса, айтишлик, ҳикоянинг айрим элементлари бўлиши мумкин. Бу ерда гап меъерга, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Симонов ва Эренбург, Шароф Рашидов ва Ғафур Ғулом публицистикасининг миллионлаб китобхонлар қалбини ларзага солишининг боиси шундан.

Энди публицистик асарнинг «мавсумий», «ўткинчи» нарса эканлигига тўхталсак. Горький бундан кўп йиллар илгари «янги типдаги совет ёзувчиси уч бошқичи — кечани, бугунни, эртани жуда яхши билиши керак» деган эди. Агар публицистик асар фақат бугунги кунга хизмат қилса, у ўз-ўзидан ўткинчи нарсага айланиб қоларди. Мен бунга эриша оляпманми — йўқми, билмайману бироқ ўз машқларим, жумладан ҳали сиз тилга олган публицистик мақолаларимда ҳам фақат бугуннинг эмас, эртанинг ҳам жуда жиддий ташвишларини кўраман. Бўлмаса, уларни ёзмаз эдим.

ТАНҚИДЧИ. Бу ерда бутун гап ёзувчининг истеъдод йўналиши, маҳорати, санъатига боғлиқ. Публицистик талқин, чекинишлар бир ёзувчида асарнинг бадиятига монелик кўрсатиши, уни оддий журналистик мақола ҳолига тушириб қўйиши, бошқа бир истеъдодли ёзувчи қўлида эса кучли таъсирчанлик касб этиши, асар бадиятини оширишга хизмат қилиши мумкин.

ЁЗУВЧИ. Афсуски кўп асарларда биз публицистиканинг ҳозир сиз айтётган биринчи таъсирини тез-тез учратамиз. Баъзи асарларни ўқийсиз. Жиддий ҳаётий муаммолар бор. Мавзу янги, актуал, тасвир объекти ҳам янги, муҳим қурилишлар, муҳим изланишлар акс этади. Лекин асарни ўқиб, бари бир, ҳаяжонга тушмайсиз. Китобда одам билан одам эмас, проблема билан проблема олишади. Албатта, асарда янги мавзу бўлиши жуда муҳим. Бироқ бунинг ўзи етмайди. Минг марта бўлса ҳам такрорлашга тўғри келади, бадий асарнинг тадқиқ объекти аввало инсон бўлиши керак. Ёзувчи ҳаммадан бурун инсон қалбини кашф этмоғи лозим. Акс ҳолда ҳар қандай муҳим мавзуда ёзилган катта ёки кичик китоб ҳам оддий газета материалидан фарқланмай қолади.

Публицистик элементлардан фойдаланиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ, деганда тамомила ҳақлисиз. Бунинг исботи учун кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Шолоховнинг «Тинч Дон» романида ғалати ҳолат бор. Аксинья баҳор кун-

ларидан бирида кечаси далада келаётгани тасвирланади. Ёзувчи ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ шундай луқма ташлайди: «Апрель туни эртақдек гўзал!» Бир қарашда бу хитобнома ортиқчадек туюлади. Бироқ шу жумланинг ўзида Аксиянинг қалбидаги жиповсиз тўлқинлар ифодаланганини чуқур ҳис этасиз. Ёки Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини олайлик. Кумушнинг ўлимини тасвирлар экан ёзувчи ҳитоб қилади: «Бечора ота, бечора она!» Навжувон қизининг жасади устида ўтирган ота билан онанинг ҳолатини тасвирлаш учун мана шу биргина жумланинг ўзи kifоя. Гарчанд буни ёзувчи атайлаб айтгандек туюлса-да, бизнинг шу тобдаги ҳаяжонимиз сусаймайди, аксинча кўпаяди. Расул Гамзатовнинг «Доғистоним» китобидаги ёки Чингиз Айтматовнинг асарларидаги публицистик ҳолатларни кўз олдимизга келтирайлик. «Эҳ, Жамила, Жамила!» «Эҳ, Иссиқкўл, Иссиқкўл!» сингари хитоблар Чингиз Айтматов асарларининг кучини сусайтирадимми? Ёки «Оқ кема» қиссасининг охирида адибнинг Болага мурожаат қилиб «Сен кетдинг, болажон...» деб бошланадиган хитобномаси-чи? Йўқ, булар публицистик элементлардан ўринли фойдаланиш нақадар эмоционал таъсир кучига эга эканлигини исботловчи мисоллар. Бундай мисолларни Шароф Рашидов, Комил Яшин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон сингари қатор ёзувчи ва шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Бинобарин ҳамма гап ёзувчининг маҳоратида. Жумладан, Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ёқубовнинг «Излайман» асарларида публицистик руҳнинг асар ғоясини очишда катта хизмат қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу асарларда ёзувчилар уч авлод вакиллари қалбини ёрқин тасвирлайди. Фақат кеча ёки бугунни эмас, эртанинг ҳам муҳим муаммоларини ҳаётий ва ҳаяжонли тарзда ўртага ташлайди.

ТАНҚИДЧИ. Публицистикага мойиллик, журналистикага яқинлик оқибати бўлса керак, бу ҳодисанинг бадий ижоднинг бошқа турлари, жумладан, ёзувчининг ҳикоя, қисса, романларига таъсир доираси кенгайиб борапти. Журналистикага хос фикрлаш тарзи қандайдир кўринишда ўша тур асарлар қурилмаси ва поэтикасига, қаҳрамонлар руҳи, табиати, ҳатто касб-корига ҳам кўчиб ўтмоқда. Бу ҳол кўплар қатори сизнинг кейинги йилларда яратилган асарларингиз — «Узун кечалар», «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари»да яққол кўринади. Ҳар учала асарда ҳам ҳодисалар, ҳаёт муаммолари журналист-ёзувчи образи нигоҳи орқали ифода ва талқин этилади.

ЁЗУВЧИ. Умуман ижодкорни, жумладан ёзувчи ёки журналистни қаҳрамон қилиб олиш, ҳаёт ҳодисаларини шу қаҳрамон кўзи, қалби орқали тасвирлаш адабиётда янгилик эмас. Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романида, Симонов, Чаковский, Думбадзе асарларида шу ҳолни кўрамиз. Ўзбек адиблари — Ойбековнинг «Навоий», Зулфиянинг «Қуёшли қалам», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», ёш шоир Усмон Азимовнинг «Қуёшли олам» каби асарлари... Албатта бундай асар қаҳрамонлари ҳаёт ичига активроқ кириб боради, бу эса ёзувчига ўзини ҳаяжонга солган ҳаёт воқеаларига муносабатини акс эттиришда бирмунча қулайлик туғдиради. Асар қаҳрамони ёзувчи ҳам, ишчи ҳам, истаган бошқа касб эгаси ҳам бўлиши мумкин. Лекин, яна қайтараман, ҳамма гап қаҳрамоннинг инсон сифатида ўқувчи кўз ўнгига жонла-ниши ва инсоний фалсафаси нақадар салмоқли бўлишидадир. Масаланин иккинчи томони ҳам бор. Умуман ёзувчи ҳаётга актив муносабатда бўлса, фақат ютади. Шахсан мен хонасига беркиниб олиб асар «тўқийдиган» ёзувчига нисбатан ҳаёт ичиди бўладиган қаламкашни чуқурроқ ҳурмат қиламан. Лекин бу ўринда ҳам ўзига хос мураккаблиklar бор. Ёзувчи ҷумолига ўхшаб ҳамма нарсани ташмалаб келиб ўртага ташлайвермаслиги керак. Яъни у ҳаётда кўрган ҳар бир воқеани асар қилиб ёзиб ташлаверса, ўқувчининг ундан ихлоси қайтади. Бироқ ёзувчи ўргимчакка ўхшаб ҳамма нарсани ичидан тўкиб чиқармаслиги ҳам керак. Ёзувчи боларига ўхшаши зарур. Қизиқ, болари юз грамм асал тўплаш учун миллионга гулга қўнар экан; шунча гул шарбатини инига келтириш учун 46 минг километр масофани учиб ўтаркан. Бу эса ер шарини экватор бўйлаб айланиб чиқишдек гап. Бундан ташқари болари ҳар бир томчи гул шарбатини ҳартумчасидан 240 марта тўкиб, яна ютиб, қайта ишларкан. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Шундан кейин тайёр бўлган ярим маҳсулотни махсус катакка жойлаб бир неча соат мобайнида қанот силкитиб тозаларкан. Шу боисдан ҳам асал ниҳоятда тоза маҳсулотга айланиб бир неча йиллар мобайнида бузилмасдан тураркан. Ёзувчининг меҳнатини шунга қиёслагим келади. У хом-хатала материални қоғозга тўкиб ташласа ҳам ёки «ичидан чиқарган» нарсани ёзиб ташласа ҳам ҳақиқий асар дунёга келавермайди. Қаламкашнинг асари узоқ йиллар инсонлар қалбиди сақланиб қолиши учун худди боларидек ҳаёт материални қайта-қайта ишламоғи, онгининг, қалбининг призмасидан ўтказмоғи керак. Бадий асарнинг оддий журналистик мақоладан фарқ қиладиган муҳим жиҳати шунда, асар қаҳрамонининг касбида эмас.

ТАНҚИДЧИ. Бу ерда гап фақат асар қаҳрамонининг касби, унинг журналист-ёзувчи экани устида бораётгани йўқ. Мени ташвишга солаётган ҳолат шундаки, кўпчилик асарларда, хусусан айрим ёшларнинг ҳикоя ва қиссаларида журналистикага хос фикрлаш тарзи устунлик қилиб кетаяпти; чинакам бадий таҳлил, инсон характери, тақдири тасвири ўрнини ҳодисалар, масалалар шарҳи эгаллаб оляпти; оддий репортажни эслатувчи ҳикоя, қисса, роман ҳатто поэмаларни ҳам ўқияғимиз... Энг ёмони, қатор асарлардаги публицистик ўринлар оддий, қуруқ, бетаъсир шарҳлардан иборат бўлиб қоляпти. Ахир улкан санъаткорларда, сиз эслатиб ўтганингиздек, публицистика қандайдир шоирона рух, сирли-сеҳрли, лиро-романтик кайфият, фалсафий ўй-мушоҳадалар билан йўғрилган бўлади. Публицистика гўё ижодкор қалбининг, қалбидиғи хилма-хил кечинма, туғёнларнинг таржимонига айланади. У гоҳ сирли-сеҳрли ҳайрат, тушунтириш мушкул бўлган ғаройиб, нафис кечинмалар, қувноқ ёки кўтаринки романтик кайфиятлар, кўнгилдаги ададсиз аламлар, изтироблар, ошқора

хайрихоҳлик ёки кескин нафрат туйғусини ифода этувчи восита ролини ўтайди. Жумладан, моҳир прозаик Саид Аҳмад асарларида шундай. Сизнинг ижодингизда ҳам бу жиҳатдан устоз адиб билан қандайдир муштаракликлар мавжуд.

ЁЗУВЧИ. Умуман бадий ижод, бадий тасвир қандайдир сирли-сехрли ҳодиса. Одий сўзлар, жўнгина кўринган фикрлар санъаткор қўлида сирли-сехрли хусусият касб этади. Бу гап публицистикага ҳам тааллуқли. Аминманки, публицистик талқин ҳам чинакам санъаткор қўлидагина сехрли кучга айланади; асарга публицистика зўрлаб киритилса, сунъий ямоқдек кўринади. Публицистика табиий равишда ижодкор қалбидан отилиб чиқиши лозим. Айрим ёзувчилар «гапи тамом бўлиб қолганида» нима қилишни билмай «публицистика»га мурожаат қиладилар. Яъни ўқувчига ниманидир эзмаланиб шарҳлашга тушиб кетадилар. Шу ерга келганда китобхон асарни улоқтириб юборгиси келади. Яхши адиблар ижодда эса бутунлай бошқача ҳолни кўрамыз. Ёзувчининг хитоби қалбидан отилиб чиқади. Уша сатрлар китобхонни «тормозламайди», аксинча унинг ҳаяжонига ҳаяжон қўшади. Саид Аҳмад ижодда худди шундай. Шу боисдан ҳам устоз адибнинг асарларини китобхонлар катта эҳтирос билан ўқийдилар.

ТАНҚИДЧИ. Шу ўринда диққатингизни бошқа бир жиддий муаммога қаратмоқчиман. Ўзимизда машҳур бўлган лиро-публицистик руҳ билан йўғрилган, миллий туйғулар жилоси товланиб турган асарларнинг бошқа тиллардаги, жумладан, рус тилидаги таржимаси ҳар доим ҳам кўнгилдагидек чиқмаётир. Саид Аҳмад ҳикоялари, «Уфқ» трилогияси таржимасини эсланг. Оригиналдаги лиро-публицистик талқин, туйғулар жилоси деярли йўқ таржимада. Сизнинг рус тилига нисбатан яхши ўгирилган «Муҳаббат», «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор» асарларингизга хос ранг-баранг туйғулар гаммаси ҳам таржимага тўла-тўқис кўчиб ўтган деб бўлмайди. «Нур борки, соя бор» таржимасини олайлик. Биламизки, бу асарда публицистик талқин жуда кучли. Айни пайтда бу хилдаги талқин лиризм, поэтик руҳ билан йўғрилган. Роман таржимасида эса ўша жўшқин публицистик талқин, танқидий проблематик пафос маълум даражада сақлангани ҳолда айни ўша публицистик талқиннинг иккинчи бир қаноти, балки жони саналмиш ундаги жозибатор шоирона руҳ заифлашиб қолган. Шунинг учун бўлса керак, «Литературная газета»даги баҳс пайтида ромanning оригинал нусхасидан беҳабар танқидчи В. Бондаренко уни соф публицистик роман, ҳатто памфлет деб атайди. Ҳолбуки, бу роман ўзбек китобхони кўнглини, бошқа фазилатлари қатори айни шу шоирона поэтик руҳи билан ҳам мафтун этган эди.

ЁЗУВЧИ. Ростини айтсам, асаримни бошлаб таржима қилишибди, деган биронта ижодкорни кўрмадим. Умуман таржима жуда жиддий масала. Таржимада фикрни бериш мумкин, ғояни бериш мумкин, борингки, қаҳрамоннинг характери, ҳолати қиёфасини чиройли ўғириш мумкин. Бироқ бадий асар таржимасида руҳни бериш жуда қийин масала. Шукшин ҳикояларини таржима қилганимда ўзим ҳам буни яна бир марта ҳис этдим. Шукшиннинг қаҳрамонлари чинакам рус характерини ифодаловчи одамлар. Шу руҳиятни ўзбек тилига тўла кўчира олдим, деёлмайман. Бошқа тилларга, жумладан рус тилига таржима қилинган ўзбек адибларининг кўп асарларида ҳам шундай ҳолатни кўрамыз. Биламан, «Нур борки, соя бор»ни таржима қилган В. Турбина жуда ҳалол ишлади. Бироқ асардаги шоирона руҳни таржима қилолмади. Ахир руҳ дегани сўз эмас-да. Шунинг учун ҳам асар таржимасида публицистик талқин сақланиб қолгани ҳолда шоирона руҳ яхши чиқмади. Эҳтимол шунинг учун ҳам В. Бондаренко романи баҳолашда шундай фикрни айтгандир.

Яна бир оғиз гап. Русларда «модомики «А» дедингми, «Б» сини ҳам айт» деган ибора бор. Модомики, «Литературная газета»даги баҳсни эслатган экансиз, бир нарсани айтишга тўғри келади. Бондаренко-ку қандай фикрни ўртага ташлашидан катъи назар, ромanning керакли асар эканлигини, ўқувчини ҳаяжонга солиши шубҳасиз эканини айтган. Машҳур мунаққид М. Пархоменко ҳам «Литературное обозрение» журналининг 1982 йил 3-сонига эълон қилинган «Бадий талқин» сарлавҳали мақоласида бу асар ҳали кўп синовларга бардош беришини таъкидлаган. Норбой Худойберганов эса «Литературная газета»даги баҳсда «Нур борки, соя бор»ни роман ҳам, асар ҳам, умуман ҳеч нима эмас, деб баҳолаган. Эҳтимол шунинг учундир, Бондаренко Худойбергановни «эмпирик» деб атайди. Эҳтирос этишим керак, бу сўзнинг маъносини яхши билмас эканман. Энциклопедиядан топдим. «Эмпирик» дегани ўзим ўйлагандек «гўл» деган маънони англатмас экан. Эмпирик дегани мендан бошқа ҳамма ноҳақ, битта менинг галим тўғри, дейдиган одам бўларкан. Албатта, мен Норбой Худойбергановни ҳурмат қиламан. Дадиллигини қадрлайман. Лекин ҳурматли танқидчимизнинг битта хусусиятини ҳеч тушунолмайман. Жамоатчилик бир овоздан маъқуллаб турган асарни Норбой Худойберганов албатта «уриб» беради. Нимага шунақа қиласиз, ахир хамманинг фикри бошқача-ку, десангиз, бу менинг шахсий фикрим, дейди. Шахсий фикр қургур ёзувчининг ўзига айтилади, қўлёзма устида, уйда айтилади, борингки чойхонада айтилади, лекин ўн минглаб нусхада чиқадиган матбуотда айтилган фикр қанақасига шахсий фикр бўлсин! Ахир бу жамоатчилик фикрини чалғитиш эмасми? Яна қайтараман, Норбой Худойбергановга ҳеч қандай хусуматим йўқ. Лекин ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарларнинг кўп намуналарини Норбой Худойберганов «шахсий фикри» билан аксарият пайтларда унчалик объектив баҳоламади.

ТАНҚИДЧИ. Норбой Худойберганов — баҳс-мунозарарага ўта ўч танқидчи; бадий ижодга, конкрет асарга юсак бадий кашфиёт талаби билан танқидий ёндошиш, камчиликларга, адабий жараёндаги ҳар қандай қусурларга муросасизлик, ҳамisha безовталиқ унинг шахсияти ва услубига хос хусусиятлардан. Шахсан мен ҳам Норбой Худойбергановнинг кўп яхши асарларга берган танқидий баҳосига асло қўшила ол-

майман, айна пайтда у тутган йўлни тамомила нотўғри ҳам деяолмайман; унинг баҳс-мунозараларини қадрлайман, мулоҳазалари кескинроқ, бирёқламароқ бўлса-да, ҳарҳолда улар кишини ўйлашга, баҳсга чорлайди. Асосий гапга қайтайлик. Бадий ижодда ошкора публицистик талқиннинг кўп фазилатларини эътироф этган ҳолда унда учраган баъзи ожиз томонларни ҳам кўрмаслик хато бўлур эди. Биламизки, публицистик талқин кўпроқ асарда ҳодисага ошкора муносабат билдириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Етук реализм эса ҳодисага ошкора муносабат билдириш, унга ҳайрихоҳлик кўрсатиш ёки уни рад этиш билан кифояланмай, ҳодисани бадий тадқиқ ва таҳлил этиш, масала моҳиятини очиб беришни ҳам тақозо этади. Сиз ижодда публицистик талқиннинг бадий таҳлилий монелик қилганини ҳис этганмисиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳали айтганимиздек, бадий асар жонли организмга ўхшайди. Асар руҳининг ўзи баъзан воқелик моҳиятини ич-ичидан ёритишни, баъзан эса ошкора муносабатни талаб қилиши мумкин. Агар публицистик талқин асар руҳига ҳалақит берса, унинг реалистик, холис тасвирига монелик қилса, бундай йўлдан ўша ҳақотиёқ аоз кечишга тўғри келади.

Умуман, сиз айтган изчил реалистик, объектив-холис тасвир билан лиро-публицистик тасвир услубини бир-бирига ажратиб қўйиш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Ҳаётда ҳамма нарса қоришиқ бўлганидек, асарда ҳам тасвир воситалари аралашиб келиши мумкин. Л. Толстой, Ф. Достоевский, С. Цвейг сингари холис-объектив тасвир услубларининг асарларида лиро-публицистик жилолар йўқ дейсизми? Ёки лирик услубга мойил адибларнинг асарлари холис-объектив услуб хусусиятларидан холими? Бу ўринда асар услубини асарнинг ўзи ёзувчига «диктовка» қилади.

ТАНҚИДЧИ. Сиз айтгандай холис-объектив тасвир билан лиро-публицистик тасвир услубини бир-бирига зид қўймаслик керак; бу икки услуб ижодда ёндош келиши, бири иккинчисини бойитиши, тўлдириши мумкин. Гарчи шундай бўлса-да, ҳарҳолда, амалда ё лиро-публицистик талқин ёки холис-объектив талқин устун турадиган асарлар бор. Урмишда бўлгани каби ҳозирги кунда аҳм ҳодисаларни, характерларни холис-объектив тарзда ифодалаш йўли қатор адибларимизда муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда... Шуни ҳам унутмаслик керакки, бир ёзувчи умрбод бирор услубий йўналиш доирасида қолмайди. Масалан, сизга тенгшоҳ ёзувчилардан бири Шукур Холмиразев кўпроқ холис тасвир йўлига мойил. Бироқ у ҳам баъзан лиро-публицистик руҳ барқ уриб турган асарлар яратган. Шунингдек, лиро-публицистик услуб соҳиб бўлган сизда холис, объектив тасвирнинг кўп яхши намуналарини учратиш мумкин. «Муҳаббат», «Деҳқоннинг бир кунини», «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларингиз, «Баҳор қайтмайди» қиссангиз бу жиҳатдан характерли. Шахсан мен танқидчи сифатида адабиётда, ёзувчи ижодида услублар, шакллар ранг-баранглиги қонуний ва табиий бир ҳол эканлигини эътироф этганим ҳолда, оддий китобхон сифатида холис-объектив тасвир йўлида битилган етук асарларни хуш кўраман. Улар менга ҳаёт ҳақиқати, мураккабликлари, инсон ва унинг қалби ҳақида кўпроқ нарса беради. Бу хил асарлар ўқувчини фаолроқ бўлишга, фикрлашга, қаламга олинган ҳодисалардан ўзича хулосалар чиқаришга ундайди...

ЁЗУВЧИ. Шошманг, сиз нима учун ўзингизни-ўзингиз иккига бўляпсиз? Ўқувчи сифатида бир хил, олим сифатида иккинчи хил туйғуни ҳис этиш керакми? Ҳаёт ҳақиқати, мураккаблиги қайси услубда тасвирлангани билан эмас, қай даражада тасвирлангани билан муҳим-ку!

Бадий асар — аввало санъат асари. Албатта, у ўқувчига маълум ғояни сингдиради. Лекин китобхон маълум ғояни ўрганиш учун илмий асар ўқиса ҳам бўлаверади. Бадий асарнинг санъатлиги шундаки, у китобхоннинг онгига таъсир қилади, бироқ қалби орқали таъсир қилади. Шундай бўлмаган тақдирда ҳар қанча «ақлли» асар ҳам етук бўлолмайди. Шунинг учун ҳам холис тасвир деган иборани «совуқ» тасвир деган ибора билан алмаштириб юбормаслик керак. Гарчанд ёзувчи ўз ҳаяжонини пинҳон тута ҳам ўқувчи уни ҳис этиб турсин. Ушандагина холис тасвир ўзини оқлайди. Бир вақтлар холис тасвир билан самимий тасвирни қарама-қарши қўйиш ҳоллари бўлган эди. Ҳўё ёзувчининг самимияти унинг ўжизлигидан дарак берадигандек. Ҳолбуки, бадий ижодда самимиятни шубҳага олишнинг ўзи жуда шубҳали нарса.

Ҳар гал янги асар машқ қилаётганимда оқил, ҳалол китобхон билан суҳбатлашаётгандек бўламан. Шу боисдан туйғуларни жиловлаб турганда ҳам, ошкора айтганда ҳам (бунақа пайтда «ошкора айтиш» мутлақо атайлаб қилинмаслиги керак) ўқувчи менинг қалбимни тушунишдан, туйғуларимга шерик бўлишдан кўрқмайман. «Дунёнинг ишлари» эълон қилинганида янгийўллик бир инженер йигит ниҳоятда ранжиб хат эди. «Сиз кўнглингизни бунчалик очиб ташлаб, ўқувчининг олдида ўз обрўйингизни туширдингиз, ўзингиз қилган хатоларни шунчалик дoston қилиш шартмиди» деб эътироз билдирди. Чинозлик бошқа бир китобхон эса «Сизнинг асарларингиздаги энг катта фазилат самимиятда» деб ёзади. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам асарнинг энг катта ютуғи унинг самимийлигида эканлигини, муаллиф ҳеч нимани яширмай китобхон билан энг азиз туйғуларини баҳам кўрганлиги жиддий фазилат эканлигини баён этади.

ТАНҚИДЧИ. Менинг холис-объектив тасвир йўлида битилган асарларга шахсий майлим учун койинмасангиз ҳам бўлаверади. Ёдингиздами, Ф. Энгельс адабиётдаги ошкора тенденцияли асарлар фазилатини инкор этмаган ҳолда: «Лекин, менинг фикримча, тенденция асарда тасвирланаётган вазиятдан ва воқеадан ўз-ўзидан келиб чиқиши лозим, асарда бунга алоҳида уқтириш шарт эмас», — деб ёзади. Бошқа бир ўринда «Авторнинг қарашлари қанчалик яширинган бўлса, санъат асари учун шунчалик яхши бўлади», — дейди. Демак, Ф. Энгельсдек даҳо ҳам санъат ва ада-

биётдаги услублар ранг-баранглигини маъқуллагани ҳолда, ҳолис-объектив тасвир йўлини хуш кўрган...

Сизнинг тасвир самимияти ҳақидаги мулоҳазаларингиз ўринли, аммо самимиятга фақат дилдагини ошқора тўқиб солиш, илмий қилиб айтганда, лиро-публицистик йўл билангина эришиш мумкин деб ўйлаш тўғри бўлмаса керак; бунинг учун устозлардан далил келтирмай қўя қолай; сизнинг, масалан, ҳолис тасвир йўлида битилган «Дехқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларингиз самимийлиги жиҳатидан лиро-публицистик руҳ жўш уриб турган «Нур борки, соя бор» романидан заифроқ деб ким айтади?! Ҳеч ким!

ЁЗУВЧИ: Кечирасиз, «Нур борки, соя бор» ўша ҳикоялардан заифроқ, деб ким айтади! Қолаверса, роман билан ҳикояни таққослаш...

ТАНҚИДЧИ: Йўқ, мен бошқа нарсани айтмоқчиман.

Ҳодисалар ҳолис-объектив тарзда ифода этилган асарларда ёзувчининг позицияси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳушёр китобхон бу хил услубнинг яхши намуналарида, гарчи пинҳон тугилса-да, автор қалбидаги инқилобий тугёнлар садосини ҳис этиб, сезиб, эшитиб туради. «Дехқоннинг бир куни» «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларини ёзиш жараёнидаги руҳий ҳолатингизни эслайсизми? Ўша кезларда қалб тугёнларингизни тийиш, ҳолис туриб гавадлатирилган ҳодисалар бағрига кўчириш қандай кечган?

ЁЗУВЧИ: Нима десам экан... Ўша пайтда шу ҳаяжонлар китобхонга кўчиши аниқлигини ҳис этиб турганман. Бу асарлар тўқимасининг ўзи (асар жони, асар тани деса ҳам бўлади) биронта ортиқча сўзни кўтаролмасди. Медицинада «инородное тело» деган ибора бор. Асарда шунақа «инородное тело» бўлмаслиги керак. Баъзан «Ёзувчи ҳаётнинг фалон қатламини акс эттирмади, масалан индизини очиб бермади», деганга ўхшаш эътирозлар бўлади. Машҳур америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг яхши бир гапи бор. «Ҳақиқий асар айсбергга ўхшайди. Айсбергнинг саккиздан бир қисмигина сув устида кўриниб туради. Лекин денгизчилар унинг тагида яна етти қисми борлигини билишади», дейди. Чиндан ҳам шундай. Ёзувчи ҳар бир гапнинг индизини қовлаб эзмаланиб ўтириши шарт эмас. Воқеаларни шундай драматик чўққиларда кўрсатиш мумкинки, ўқувчининг ўзи ўша чўққининг тагида каттақон тоғ борлигини ҳис этади. Фақат сиз юқорида санаб ўтган ҳикоялардагина эмас, бошқа машқларимда ҳам доим шунга ҳаракат қиламан. Бунга эришиш анча мушкул. Бироқ эришиш керак.

ТАНҚИДЧИ: Кейинги йилларда ўзимизда, шунингдек жаҳон прогрессив адабиётида яратилаётган қатор йирик эпик асарларда ўзига хос синтезлашув тенденцияси юз бермоқда. Г. Маркес, Ч. Айтматов, В. Астафьев, Н. Думбадзе. А. Мухторларнинг қисса ва романларида бу тенденция яққол намоён бўлмоқда. Сизнинг «Дунёнинг ишлари» қиссангизда ҳам шу хусусият кўзга ташланди. Бир асарнинг ўзида ҳам бугунги кун, ҳам яқин ўтмиш, ҳам ҳолис-объектив тасвир, ҳам лиро-публицистик талқин, фалсафий мушоҳадалар, ҳам ҳаётнинг иқир-чиқирларигача изчил кўрсатилган ўта реалистик манзараси, ҳам шартли романтик лавҳалари, ривоят, афсоналар, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий-ахлоқий таҳлил, ҳам кундалик ҳаётнинг долзарб масалалари, ҳам мангу, анъанавий муаммолари, ҳам оддийгина этюдлар мукамал, мустақил ҳикоя, баъзан эса ихчам қисса даражасига етган боблар... Унда мемуар-автобиографик хусусиятлар ҳам анчагина... Хуллас, бир асарда ғоят хилма-хил тасвир, услуб хусусиятлари, адабий тур, жанр элементларининг қўшилган-чатишган ҳолда келиши ғалати ҳодиса.

ЁЗУВЧИ: Мана энди мени қизиқтирадиган муҳим бадий муаммога келдик. Аслида, сиз айтётган тенденция энди пайдо бўлаётгани йўқ. Жаҳон адабиётидаги энг яхши йирик асарларда аввал ҳам ранг-баранг услубий йўналишлардан фойдаланилган. Аслида инсон қанча мукамал, хилма-хил томондан тасвирланса, тасвир услуби ҳам ранг-баранг бўлаверади. Шунинг учун ҳам тасвир услубини бўлиб-бўлиб ажратиб олиб текшириш унча тўғрима.

ТАНҚИДЧИ: Тўғри, сиз айтгандай бир асарда турли хил услубий хусусиятларнинг синтезлашган ҳолда келиши авваллари ҳам бўлган. Бироқ бугунги адабиётдаги синтезлашув ўзгача тарзда намоён бўлмоқда. Ҳозирги ўзбек прозасидаги бу ҳодиса эса жиддий янгилик... Шу йўлда битилган асарлар услубини бўлақларга ажратмай яхлит ҳолда ўрганиш кераклиги ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.

ЁЗУВЧИ: Бу мулоҳазани айтётганда мен қуйидаги ақидага таянаман: бадий асар ёзилади эмас, туғилади деганлари тўғри. Масалан, она боласининг қулоғи қанақа бўлиши, оғзи қандай бўлиши, қошининг қанақалигини олдиндан башорат қилолмайди. Бола тирик организм бўлиб туғилади. Асар ҳам шундай. Албатта, қаламкаш бўлажак асарини тахминан тасаввур этади, лекин олдиндан анави ерини бундай қилиб бошлаб ташлайман, манави ерини бундай қиламан деб мақтанолмайди. «Дунёнинг ишлари» нима учун ёзилганлиги маълум. Лекин у ёзилган, дейиш унчалик тўғри бўлмаса керак. У... нима десам экан, қалбимдан нидо бўлибми, қўшиқ бўлибми, отилиб чиққан. Аввал шунчаки хотирага ўхшаш нарса сифатида ёзилган эди. Кейин туркум ҳикоялар пайдо бўлди. Ундан кейин ҳикоялар ўртасида руҳий ва мантиқий боғлиқлик борлиги туфайли қиссага айланди. Синтезлашув жараёни масаласига келсак, бу, ёзувчи маълум ҳаётий ва ижодий тажриба тўплагач, ҳаммада ҳам пайдо бўлса керак. Асардаги услубларнинг ранг-баранг ва мураккаблиги ўша китобда тасвирланган ҳаётий жараён билан боғлиқ. Ижодкорларда баъзан шундай ҳолат бўлади: асар воқеаси, ундаги одамларнинг ўзи «мен бошқача эмас, айнан шу тарзда қозоғга тушаман» деб туриб олади. Эҳтимол ижод жараёнининг муқаддаслиги, сирли-сехрли экани ҳам шундандир.

Қизик бир гап. Кунлардан бирида машхур кинорежиссёр Бондарчук Шукшиннинг ҳикояларини ўқиб қувониб кетибди. Шукшиннинг елкасига қоқиб: «Баракалла, Вася, ҳақиқий санъат асарлари яратибсан» деганда, Шукшиннинг капалаги учиб кетибди. «Нима учун мен санъат асари яратар эканман, ахир мен ҳаётни тасвирладим» дебди. Бир қарашда кулгили туюладиган бу ҳолатда катта ҳақиқат бор. Ёзувчи ҳеч қачон мен санъат асари қилишман деб олдиндан кўксига урмаслиги керак. Асар яхши бўлса, ёзувчи қалбининг инқилоби бўлиб туғилса, ўз-ўзидан у санъат асарига айланиши мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Сухбатимизнинг бошида тилга олинган масалага яна қайтиб, публицистика билан бадий ижоднинг бошқа турлари орасидаги ўзаро алоқага доир яна бир муаммога этиборингизни тортмоқчиман. Публицистикага мойиллик, журналистикага яқинлик поэма, қисса ва роман жанри намуналари услуби, шаклигагина эмас, шу жанрларда қалам тебратаётган муаллифларнинг ҳаёт ва унинг жумбоқларига ёндашувида ҳам намоён бўлмоқда. Кундалик ҳаётнинг хилма-хил, долзарб масалаларини кўтариш, ҳаётда юз бераётган янгиликларни тезкорлик билан адабиётга олиб киришга интилиш тобора кучайиб бормоқда. Шу тўғрисида баъзан оддий публицистик, журналистик жанрлар адо этиши мумкин бўлган вазифа баъзан драма, поэма, ҳикоя, қисса ва ҳаттоки роман зиммасига юкланаётир. «Қабул соатлари», «Турсуной», «Табаррук тупроқ» сингари дostonларда, «Дамир Усмоновнинг икки баҳори», «Тилла чанок», «Раис» каби қиссаларда шу ҳолни кўриш мумкин. Қисман сизнинг «Нур борки, соя бор» романингизда ҳам шундай хусусият мавжуд.

Публицистикага, журналистикага хос ҳозиржавоблик, тезкорлик ҳикоя, қисса, роман, поэма, драма табиатиға ҳар доим ҳам мос бўлиб тушади деб ўйлайсизми? Публицистикага, журналистикага хос тезкорлик ва ҳозиржавобликнинг бадий ижодда ижобий томонлари билан баробар оғир томонлари ҳам борлиги хусусидаги фикрларға қандай қарайсиз? Масала кўтариш бобида, айтилик, роман ёки дoston билан публицистика жанрлари орасида фарқ борми?

ЁЗУВЧИ. Бадий жанрлар билан публицистика ўртасидаги услубий фарқ хусусида юқорида гаплашган эдик. Масала кўтариш бобида публицистика билан ҳикоя, қисса, роман, поэма, драма ўртасидаги фарқ масаласини текшириш сиз мунаққидларға ҳавола. Мен фақат шуни айтишим мумкинки, кундалик масалаларни шошилиб адабиётга олиб кириш, пала-партиш асар ёзиб ташлаш ёзувчининг обрўсини оширмайди. Чунки бундай асар китобхонни ҳаяжонға солиши қийин. Асарда масала бўлиши мумкин, лекин жонли одам бўлмайди. Юқорида номлари саналган асарлар ҳақида мен эмас, сиз танқидчилар гапирганингиз яхши. Умуман бу вазифа, такрор айтаман, қилни қирқ ёрадиган мунаққидларнинг иши.

Кўнглингизға келмасину, шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидлашға тўғри келади. Эҳтимол, сизда бу фикр йўқдир (мен шунга ишонгим келади). Бироқ оддий китобхон (фақат «оддий» эмас, «мураккаброқ» китобхон ҳам) сизнинг гапларингиздан шундай хулоса чиқариши мумкин: гўё менинг кўп асарларимда «журналистикаға хос фикрлаш», оддий публицистик мақола бажариши мумкин бўлган масалаларни ҳикоя, повесть ёки романға юклаш хусусияти мавжуддек. Мен, оддий публицистика билан бадий асарни фарқлай олмайдиган даражада гўл эмасман. Публицистик жанрнинг қимматини ерга урмаган ҳолда публицистик мақола билан роман ёки ҳикоянинг жиддий фарқи борлигини ҳам биламан. Журналистикаға хос фикрлаш бошқа. лиро-публицистик руҳнинг ҳикоя, повесть ёки роман қон томириға жонбахшлик билан сингиб кетиши бошқа. Бу икки тушунчани аралаштириб юбориш менимча тўғри эмас. Айтилик, «Нур борки, соя бор» романида публицистик элемент қаерда ортиқчалик қилган? Қаерда ўқувчининг энсаси қотади? Қаерда муаллиф атайлаб кучангани кўрилади? Қаерда «масала: биринчи планға чиқиб, инсон қисмати орқаға ўтиб қолган. Қаерда лирик руҳ «инородное тело» бўлиб қолган? Агар шундай жойлари бўлса, бу — асарнинг камчилиги. Агар шундай ўринлар бўлмаса, демак, асар ёмон эмас.

Тўғри, ҳозирги замон жаҳон адабиётида илмий техника инқилоби билан боғлиқ бўлган, бадий тафаккурға салбий таъсир қилаётган жараён ҳам рўй берапти. Айрим ёзувчилар (айниқса капиталистик мамлакатларда) рўй берган бирон бир воқеа-ҳодиса ҳақида китоб ёзиб ташлапти. Бироқ бадий асар фақат воқеани ифодаламайди. Шу боисдан бундай асарлар бугун ўқилиб, эртаға есдан чиқиб кетади. Совет адабиётининг энг муҳим фазилати унинг гуманизмида, инсонни тадқиқ этишида. Бинобарин ҳар қандай воқелик ҳақида ёзилган роман марказида ҳам инсон турмоғи керак. Бу вазифани ҳал этишда лиро-публицистик луқмалар, оҳанг, руҳ асар тўқимасиға нафосат билан сингиб кетса, ундан албатта фойдаланиш зарур.

«Дунёнинг ишлари» асарида ҳам муаллиф сифатида мен ўз ҳаяжонимни яширолмаган ўринлар кўп. Масалан, «Имон» деган бобда сўнги абзац хитобнома билан якунланади. Уни асарға киритмаслик ҳам мумкин эди. Лекин шундай қилинса, ўша бобнинг қиммати пасаяр эди деб ўйлайман. Негаки, сўнги абзац атайлаб ёпиштирилган жумлалар эмас, қалбимнинг фарёди эди. Менимча, ўша сўзлар «Имон» бобидаги энг юксак нуқта. Улар китобхонни ҳаяжонға солади. Бунақа пайтда ёзувчи ҳадеб ўзини ўзи бўғаверса, асари «халис» эмас, «совуқ» нарсаға айланиб қолади. Бинобарин ҳар қандай тасвир асардаги ҳолатнинг ўзидан келиб чиқади.

ТАНҚИДЧИ. Масала кўтариш, ҳозиржавоблик устида гаплашмоқчи эдик, яна услуб масаласиға ўтиб кетдик чоғи...

ЁЗУВЧИ. Публицистикаға хос ҳозиржавоблик, масала кўтариш муаммосиға келсак, юқорида айтганларимға шуни илова қилишим мумкин. Ёзувчи информатор эмас. У санъаткор. Бадий асар — ҳикоя, роман, повесть ёки дoston артиллерияға ўхшайди. У фронт чизигидан орқада туриб снаряд отади. Унинг зарбаси узоққа кетади, сал-

моқли бўлади. Публицист эса сапёрга ўхшайди. (Бу ўринда публицистик асарнинг ўзини назарда тутялман). У олдинда юради. Фронтнинг энг олдинги чизиғидаги хатарли ва керакли вазифани бажаради. Хуллас, адабиёт учун ёзувчи ҳам, публицист ҳам керак. Негаки, сапёрнинг ҳам, артиллеристнинг ҳам мақсади битта. Бироқ замбарак билан мина изланмаганидек, сапёр ҳам орқасига замбарак эмас, мина изловчи аппарат осиб юради. Демоқчиманки, публицистикадаги ҳозиржавоблик, долзарблик, масала кўтариш хусусиятлари бадий асарга кўр-кўрона кўчирилса, ўзини оқлай олмайди.

ТАНҚИДЧИ. Шу гапни давом эттириб, адабиётдаги «долзарб масалалар», «актуал масалалар», «умуминсоний муаммолар», «мангу, анъанавий мавзулар» ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим...

ЁЗУВЧИ. Ижодкор хоҳлайдими-йўқми, ўз замонасининг йилномасини яратади. У қайси мавзуда ёзишидан қатъий назар, даврнинг нафаси асарларида сезилиб туради. Лекин бунинг учун қаламқаш ҳаққоний асар ёзмоғи керак. Ана шунда юқоридаги тушунчаларнинг ҳаммаси уйғунлашиши мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Сухбатимизда бир гапни кўп такрорлаяпмиз: бадий ижоднинг асосий вазифаси инсонни тушуниш, унинг қалбини, қалб ҳақиқатини кашф этиш, инсон тақдирини тадқиқ ва таҳлил этишдан, инсон ҳаётининг маъносини очиб беришдан иборат. Ёзувчи қалбининг заковати, инқилоби, оқибат-натихада у кашф этган инсон образида намоён бўлади. Инсонни тушуниш, инсон қалбини кутилмаган томондан кашф этиш борасида бугунги адабиётимизнинг, хусусан сизга тенгдош ёзувчилардан Худойберди Тўхтабоев, Ўқтам Усмонов, Темур Пўлатовларнинг ютуқлари, бу борада улар ижодида кўзга ташланаётган янги тенденциялар, шунингдек камчиликлар, қийинчиликлар, рўёбга чиқмай қолаётган имкониятлар ҳақида қандай фикрда-сиз? Инсонни тушуниш, кашф этиш бобида бугунги прогрессив жаҳон адабиёти, кўпмиллатли совет адабиёти эришган ва эришаётган энг жиддий ютуқлар билан қиёс этганда ўзбек адабиётининг, тенгдошларингизнинг кашфиётлари, сизнингча, қандай ўринда туради. Уларнинг ижодида нималар етишмайди?

ЁЗУВЧИ. Бугунги ўзбек прозасини Ўлмас Умарбеков, Худойберди Тўхтабоев, Ўқтам Усмонов, Саъдулла Қароматов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Темур Пўлатовларсиз тасаввур қилиш қийин. Худойберди Тўхтабоевнинг ижодидаги бир хусусиятга жуда ҳавас қиламан. Унинг китобини ўқиганда киши баъзан йиғлаб туриб кулади, баъзан кулиб туриб йиғлайди. Ишонинг, бунга эришиш жуда қийин. Тўғри, ҳаётнинг ўзида кўз ёши билан табассум кўпинча ёнма-ён юради. Бироқ, мана шу ҳолатни китобхонга сингдириш учун катта маҳорат керак. Шукур Холмирзаевнинг асарларидаги одамлар ҳам ўкувчи кўз ўнгида манаман деб туради. Темур Пўлатов эса инсондаги мураккаб руҳий ҳолатларни тасвирлашга уста. Албатта, ижод деганининг ўзи изланиш дегани. Масалан, Худойберди Тўхтабоев болалар ҳақида кўп асарлар ёзган. Шу боисдан бўлса керак, катталарга мўлжалланган жиддий прозага ўтишда ижодкор маълум қийинчиликларни бошидан кечирган бўлиши керак. Негаки, катталар прозасида қаҳрамон изчил тадқиқ этилиши лозим. Бу адибнинг кейинги асарлари унинг маҳорати кун сайин юксалиб бораётганидан дарак беради. Шукур Холмирзаев эса баъзан туйғуларини жиловлайман деб қаҳрамонлари ҳиссиётига керагидан ортиқ «хасислик» қилади. Темур Пўлатов ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мен унинг рус тилида ёзишига доим ҳавас қиламан. Негаки, рус тилида ёзилган асар тўғридан-тўғри катта минбарга чиқади. Бу эса адиб олдида кенг уфқлар очади, айни пайтда уни катта масъулиятга ўргатади. Умуман мамлакатимиздаги қардош халқларимиз адабиёти эришаётган ютуқлар олдида бугунги ўзбек совет прозасининг эгаллаётган марраларини ошириб ҳам, камситиб ҳам юбормаслик керак. Тўғрисини айтсам, бугунги ўзбек совет прозасида бутуниттифоқ миқёсида кўз-кўз қилгудек асарлар бор. Бу асарлар яхши таржима қилинса, прозамиз эришган ютуқлар иттифоқимизга, қолаверса жаҳонга ҳам кўриниши мумкин.



БОР БЎЛ, ЁРУҒ БЕЗОВТАЛИК

Сўз аввалида диққатингизни қизиқ бир рақамга жалб қилмоқчи эдим: 1981 йил давомида 170000 мисра атрофида шеър эълон қилинибди. «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат», «Совет Ўзбекистони санъати» журналларида, «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида ва Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат, «Еш гвардия» нашриётларида! Лекин бу ҳисобга нашриётларидаги кўп томликлар, дарсликлар ва классик адабиёт намуналарини эълон қилувчи редакциялар маҳсулотлари, таржима шеърят, бошқа — республика, область, район газеталари эълон қилган шеърлар кирмаган. 170000 мисра! 400 дан ортиқ шоир! Маҳсулот тайёр, манзара аён, лекин сифат қандай? Гап шунда. Халқимизнинг азалдан шоир халқ эканлигини, на фақат шахсий, ижтимоий муносабатларида ҳам шеърый воситалар етакчи роль ўйнаганини эслаб, кўнглимиз сал таскин топади.

Маълумки, шеърятдаги йўналишларни асосан турмушдаги воқеалар, меҳнат усули, шароитлар белгилайди. Республикамиз аҳолисининг катта қисми қишлоқда яшайди. Иши — деҳқончилик, пахта, чорва. Мен мутлақо юқоридagi меҳнат ўша 170000 мисра шеърда насиҳат ва мақтов риторикаси кўпайганига сабабчи демайман! Аксинча, шеърда дидактиканинг кўпайганлиги, балки баъзиларимиз шеърни кўп ҳолларда ташвиқот-тарғибот воситаси деб тушунганимиздан эмасмикан? Демак, шоир бугун ҳодисотлар гирдобиди ўз идрок локаторларини энг сезгир каналларда ишлата билиши зарур бўлиб қолди. Шеър доим, мутлақо санъатдир. Биз ундан у ё бу томонга чекинсак, санъатда айб йўқ. Демак, ўз принципларимизда мустаҳкам тура олмабмиз.

Коммунистик идеаллар одамзод асрлар бўйи йиққан гуманистик ғоялар нурларини ўзида жамлади. Бу ғоялар моҳиятини ранг-баранг шаклларда, оҳангларда, сўзларнинг оҳорли товланишларида очиб беришимиз керак. Олам кўзимизга рангин ва сирли кўринишига уни муқаддас биламиз. Эйнштейн олимлар меҳнатининг ягона қизиқ жойи унинг сирлилигида деб таъкидлаган эди. Шоирлик асли сир, сеҳр мутахассислигидир. Демак, шоирдан талаб минг чандон каттадир.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, ҳарҳолда йил сайин шеъримиздаги юксак ихтировий қудрат ва буни қўлловчи кишилар ҳам кўпаймоқда. Шеъримиз атроф оламга янги-янги нурли кузатиш нуқталаридан қарай бошлади. Вақтни, замонни ўлчаш тезлиги ошди, одамлар қалбидаги яширин, улкан маънавий қувватларни ишга сола бошлади. Лаҳза сайин бош узра пайдо турган ғафлат, жаҳолат, ёвузликка

қарши очиқ жангга ўтди. Шарпаларнинг, ёлғоннинг озгина шитирлаш овозини ҳам дарров сезадиган соқчига, огоҳ қилувчи бонгчига айланди.

Шеър кун-тун бедор. Мураккаб табиат манзарасидами, оний кайфият жо мисралардами, шоирнинг юраги ёруғ бир безовталикка ошуфта. ЁРУҒ БЕЗОВТАЛИК! Ёруғлиги учун кўрамиз, безовталиги учун ҳис этамиз, фикрга бериламиз. Шоирнинг улғу қудратга алоқадор эканини англаймиз:

Кел, баҳор, инқилоб сингари
Итқит қиш қобиғин жонлардан.
Кўйма у дарзларни сингани,
Пайвандла энг жасур ранглардан...

Парча Зулфиянинг «Тонг ва шом аро» номли янги туркумидан.

Шоирда безовталик бор экан, демак бунга муайян сабаблар бор! Бу безовталикнинг баъзи қирраларига диққат билан разм солиб кўрайлик-чи:

Набирам қадамлар!

Ёш дорбозсимон,
Лангардай елпийди икки қўлини.
Аср! Қопқаларинг борлигича оч,
Бу кекса заминда яна бир Инсон
Тонг билан бошлабди буюк йўлини...
Менинг набирамса, кекса дунё-ла
Тиллашмоқни бошлар қушдай ҳижжалаб,
Гўдак, тонг — ибтидо асл маъно-ла,
Бизлардан ҳимоя, фаросат талаб.

Одам қайси ёшда бўлмасин, қандай ҳаётий тажрибаларга эга бўлмасин, эртанги отаётган тонг унга янги муаммоларни кўндаланг қўяберади. Оғирлик яна тафаккурга, виждонга тушади. Одам оқилона ва фаросатли кўмак истайди! Бекорга аллақимларнингдир тажрибаларининг ғофил қурбони бўлиб кетишини истамайди.

Келажак деган сўзнинг мазмуни жуда содда. Бу — бугун биз қилаётган ишларимизнинг самари. Ғофил қурбонлар деган сўзни бекорга ишлатганим йўқ — атрофда нималар бўлаётганлигини сезмай, идрокидан ўтказмай, ўзи ва тупроғи бераётган мевалардан тўла ҳисоб ололмай, «қорним тўйди — қурбон ҳайит» деб яшайвериш ҳам ғофил қурбонлиқнинг кескин бир кўринишларидандир. Халқимиз асрлар давомида шукр қилишга қарши, ғафлатга қарши курашиб келди. Миянинг бўш ва ташна ётган шудгорларида яшил камалакли оламлар кўкаришини истади! Эркин Воҳидов «Шарқий қирғоқ» номли китобидаги «Ғафлат» шеърда бугун ҳам дунёдан беҳабар кишилардан истеҳзо билан шундай кулади:

Табиатга дейлик ташаккур,
Бош эгайлик унга албатта.
Ноқуслиги учун тафаккур,
Бўлганимиз учун ғафлатда.

Шоир давом этиб:

Не эканим алдамчи дунё
Англамаймиз — бу ҳам бахтимиз,—

дейди.

Уйлайманки, бу шеърлар «Рухлар исёни» достонидаги ҳам кувноқ, ҳам гамнок туйғуларнинг давомидир.

Кўряпмизки, шеъримиз инсон ҳақида, унинг жамиятдаги мавқеи ҳақида кўпроқ ўйлайди. Рухидаги ёруғ портлашлардан қувонади, тушкун лаҳзаларида ларзага келади. Ғафлатни сўқади. Шоир Шухрат бу муҳим мавзуни шундай давом эттиради:

Табиат инъоми — ҳар битта одам,
Шоирлар ҳам унинг кўз қорачуғи.
Шоирлар қўлига олганда қалам
Ёришиб кетади бу кўҳна олам.

Бир қараганда бу ерда масала жўнгина ҳал қилиб қўяқолинганга ўхшайди — шоир қўлига қалам олдим, дунё чароғони! Йўқ, муаллиф ижодкорни дунёнинг ҳар қандай масалаларига ёндошганда нур томонли бўлиб, катта ёғдулар томонида туриб баҳолашни талаб қилаётир.

Гулчехра Нуруллаева фаол, кескин, рангинг шеърый чиқишлар қилди. Гап унинг яқинда нашр этилган «Пахта ҳиди» номли ажойиб китобида ҳам эмас. Гап — шоира ижодида мақталса арзийдиган фаолликда. Фаоллик — фамилиянинг тез-тез кўриниб туриши эмас, албатта, юракнинг, виждоннинг тез муносабат, тез изҳор, тез ҳукм бўлиб ишлай бошлаганидадир!

Шоирнинг граждандлиги унинг масалани нечоғлик тўғри ва тик қўя билиши билан ўлчанади. Шоирнинг безовталигида асос бўлса, ишонарли бўлса, у кўпчиликка ўтимли бўлади. Гулчехра Нуруллаева «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилган битта туркумининг ўзида икки марта Пушкинни эслайди. Биринда «Ҳар Пушкиннинг Дантеси бўлади...» деса, иккинчисид:

«Шоир қалб боғига тошлар отдилар,
Ёвузлик кучига қўйганча илхос...»

дейди. Демак шоирлар тақдир учун ҳар доим қайғуриш керак. Чунки ҳақиқий шоир жамиятнинг маълум қарашларини ифодаловчи кишидир. Шоира оналик сезгиси билан, аёл қалби билан сезяптики, дантеслар ўтиб кетгани йўқ, улар бошқа шаклу шамойилларга ўралиб ҳамон иш кўрмоқдалар. Шоира бениҳоя дадил айтади:

Кўриб эзгуликнинг ҳужжатини
ушлаб олган қабоҳатни,
Кўриб адолат кўксидagi қонли
жароҳатни,
Юзига меҳрдан парда тутиб олган
ёвузликни таниб,

Қоврилиб,
Ўртаниб,
ёниб

ўйлаяпман;
Энди шоир бўлсам керак!

Шеърятнинг улкан мушоирасида бир қанча китоблари билан эл меҳрини қозонган тажрибали шоирларимиз ҳам жўровоз қатнашмоқдалар. Бу шоирларнинг кўпчилиги аввалги ўз оҳанглари ва ёзиш йўсинларига содиқ, самимий ва очиқсўз ижодкорлардир. Улардан ҳар доим шеърят-

нинг ёқимли ва жозиб садоларини эшитамиз, халқимиз кўнглида яхшилик, ишонч туйғулари буюк эканига иқрор ва амин бўламиз. Шеъримизнинг ҳозирги баланд ва кўп овозли симфониясини тасаввур қилиш учун Охунжон Ҳақимнинг но-зик лутф, ўзбекона майин киноя бисёр шеърларини, Эркин Самандарнинг титрат-ма созини, Ҳусниддин Шариповнинг майин шакли, донишмандлик уфуриб турган лавҳаларини эсласак бас. Ёки Нормурод Нарзуллаевнинг «Севги сеҳри» номли китобидаги меҳнат ва севги ҳақидаги ўйиқчи кўшиқлар, Олимжон Холдорнинг андижоний, ёшлик кўшиқлари, Рўзимат Отаевнинг янги, қизиқарли туркуми, Анвар Ҳожирийн «дараза кўзидан юмалади ёш, дил шув этди куздан дарак топгандек...» каби кўримли, тўғри ҳисли шеърлари, Анвар Исроилнинг равон фалсафий рубойилари, «Булбуллар ва одамлар» китоби, «Замин, ёрлақанган гўшаларингда ғазал ёзилди, ёпилади нон» каби чархнинг азалий нолишларини илғовчи шеърлари, Анвар Эшоннинг замон ҳақидаги эҳтиросли нутқлари ўқиган кишиларни бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман.

Энди шоирнинг жамиятдаги ўрни ва давр воқеа-ҳодисаларига муносабати масаласидан келиб чиқувчи, маҳорат, истеъдод билан боғлиқ қирраларни қузатсак. Яъни, шеъримизда манзаралар қай даражада кўримли. Миллий бўёқлар ва оҳанглар илғамлими? Жаҳон шеърятининг таъсири қалай? Шеъримизнинг қайси жиҳатлари бойиди-ю, қайси томони заиф тортиб қолди? Кўряпсизки, бу мавзуларнинг ҳар бири улкан илмий ишларни талаб қилади. Ҳар қалай бир неча мисоллар билан шу масалаларга иллюстрациялар бериб ўтайлик.

Оқсоқол шоиримиз Уйғун бултур эълон қилган туркум шеърлар ичида «Уста Ширин саройи» анача кучли чиққан. Бунда шундай жонли манзара — картина кўзга аниқ босилади:

Ганч билан гул солган ойна устига,
Шу қадар ажойиб, на қадар нафис.
Девордаги гуллар шу қадар жонли:
Тарқатаётгандай димоғингга ис.
Ҳарир тўр тутилган каби деворга,
Пуфласанг қимирлаб кетаётгандай...

Таъсирли мисралар! Демак, шоирдан талаб ягона: у ўз юрагини, шеърятини ҳар куни янгилаб турмоғи керак. Шоир ошиқ бўлмай қолдими, романтик, сеҳргар бўлмай қолдими, шеърдан нур қоча беради. Демак, шоир кучли шахс даражасига кўтарилсагина ўзини янгилай боришга қодир. Ёш ўтган сайин шоир учун тобора оғирроқ кеча бориши аниқ. Пушкинни эсланг! «Йиллар прозага мойил этмоқда». Лекин табиат умрнинг ҳар фаслига, бўлагига мос нурлар ато қилган. Ҳаётнинг жозибаси ҳам шунда.

Рамз Бобожон талай янги шеърлар эълон қилди. Буларнинг кўпчилиги инсон маънавий қийматларини асраш, фидойилик ҳақида. Бу шеърлар ўз интернационал лафоси билан ҳам бўриб туради. Марксистик таълимот интернационализмини миллатларнинг тенг бирлиги деб таъриф беради. Адабиёт, санъатда бу қандай кўри-

нади? Менимча, турли миллатларнинг муайян маънавий қийматларга интилишларининг ўзи интернационализмнинг бошланишидир.

Л. И. Брежнев XXVI съездга қилган ҳисобот нутқида: «Мамлакатимизда миллий ҳис-туғулар, ҳар бир кишининг миллий қадр-қиммати ҳурмат қилинади»,— деб таъкидлаган эди. Бугун жаҳонда мустамакчиликнинг янги-янги, ниқобланган-ниқобланмаган турли шакллари кўпайган даврда, ўз идеологиялари, ўз ахлоқларини бошқа халқларга турли йўллар билан, ҳатто қонунлаштириб, тазйиқ ўтказётган пайтда партия раҳбаримизнинг юқоридаги сўзлари алоҳида аҳамият касб этади, ҳушёрликни бирон лаҳзада кўздан қочирмасликка чақиради.

Шахсан мен миллатчиликнинг, маҳаллийчиликнинг ва шовинистик ғурурбозликнинг ҳар қандай кўринишларини ёмон кўраман, бу хил ҳислатларни қайси одам, қайси миллат олдинроқ намоён қилса, унга нисбатан кўнглимда ғашлик пайдо бўлади. Лекин миллатчилик билан миллийликни фарқ қилолмайдиган одам миллатчидан ҳам кўра хавфлироқдир. У шубҳакор одамдир. Менимча, ҳар бир асл миллий шоир томир-томири билан интернационалистдир ҳам. Миллий яхши тажриба ва анъаналарни интуитив тарзда ўзлаштирган ва шундан бугун дунёдаги турли кишиларга тааллуқли ва даҳлли ҳулосалар чиқара олган шоир ҳақиқий миллий шоирдир. Акси бўлса, у ё космополитизм лабиринтларида қолиб қойиб бўлади ёки кенг истеъмолчиликнинг совуқ стандартларига аралашиб кетади.

Абдулла Орипов шеър мухлисларини «Сурат ва сийрат» китоби билан қувонтирди. Айниқса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган янги туркуми ўз юртига бедилона муҳаббати бор юракни янгидан намоён қилди. Бу туркумда Абдулланинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Темир одам», «Аёл», шунингдек «Арманистон туркуми»даги нурли садолар янада жозибалироқ оҳангларда эшитилди. Гарчи бу шеърларнинг баъзиларида маъносиз оҳанглари илғанилсада, бу — ўша биз юқорида айтган, эзгуликни асраб қолишга чақирилган нидодан бошқа нарса эмас! «Қирқ ёш» шеърдан парча келтираман:

Шу мўъжаз уйимда ёнсин деб чироқ,
Не азиз жонларга ёндошим гоҳи.
Бирни ака дедим, бировни ўртоқ,
Баъзан ном чиқардим: даврон маддоҳи!
Ким алам чекмабди умрда бир бор —
У мени англамас, англамас асло!
Ким ҳаққа ташнадир, ким меҳрга зор,
Мен унга умримни этгумдир фидо...

Шеър заминда, шубҳасиз, шоирнинг ўз чехрасини, унинг мурасасиз юрагини кўриб турибмиз. Айни пайтда бу чехра, бу сиймода дунёдаги барча ҳаққа ташна ва уни ёқловчи, уни деб курашувчи кишиларнинг прототиби ҳам кўринмоқда. Агар шоир шеърда ўз тақдирини, ўз шахсий табиатини биринчи планга чиқармаганда эди, шеър бунча кучли овозга мушарраф бўлмасди. Нима кўп — киши бошидан кечирган воқеалар кўп. Лекин шоир ўша ҳодисотлар ичидан энг асосийси, энг ке-

рақлигини роз этадики, биз уни дарров таниймиз, тушунамиз.

Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова, Гулчеҳра Жўраева каби нафис, қаққон ва ҳозиржавоб шоирларимиз яхши меҳнат қилмоқдалар. Турли воқеалар, саналар муносабати билан бу ижодкорларнинг тезу саз чиқишларига ҳавас қилса бўлади. Ойдин Ҳожиева ўз нәжиб торига яна содиқ турди. Янги майин садо, бўртма, назокатли лирик шеърлар яратди.

Юраklar айланар яшил куртакка,
Лол бўлиб шу ёмғир айтган эртатка.
Бир ёғи осмонга, бир ёғи ерга
Илдиз отар менинг ишқли ҳаётим
Жўр бўлиб баҳорга,
нурга,
ёмғирга.

Бу хуш кайфият, бу собитлик шоиранинг «Бўзтўрғай» номли лирик достони персонажлари тақдирга уйқаш кўринди.

Эътибор Охунованинг «Мен тонгни уйғотдим» номли янги шеърлар китоби нашр этилди. Янги деган сўзга урғу бераётганимнинг сабаби — кейинги йилларда кўпчилигимиз қайта нашрларга мойиллик кўрсатяпмиз. Бу эса дилчимиздаги янги шеър соғинчини бир оз сусайтириб қўйиши мумкин. Мазкур тўпламида Эътибор Охунова яхши оҳангли, муסיқабон манзумалар, юртимизнинг илғор кишилари ҳақида сўзловчи қатор асарлар билан чиқди.

Гулчеҳра Жўраеванинг янги шеърларида ҳам биз мавзу, мундарижа доираси анча янгиланганини, географик қамров кенгайганини кўраимиз. Аёлларимиз шеъриятида бу кутбнинг пайдо бўлгани ҳар ҳолда ижобий ҳодиса. Бу борада Зулфиянинг тажрибалари катта мактаб бўлиши мумкин. Мен Жамол Камол билан Муҳаммад Алининг ҳам шеърда, ҳам шеърини таржимада, ҳам эпик полотнолар устида қилган улкан заҳматларини таъкидлаб ўтишни истар эдим. Булар эълон қилган туркумларда ўша катта ишларнинг таъсирлари яққол сезилди, кўп ибратли манзумалар дунёга келди. Бу икки шоир тилида форс ва араб тили ёки эски ўзбек тили унсурлари кўпплаб учрайди. Лекин бу ҳол улар шеърларига ярашиб ҳам туради.

Жамол Камолнинг «Улуғбек» шеъри кучли монолог қувватига эга шеър. Шоир шеър устида кўп ишлайди. Натижада қўлланилган сўзлар ва образлар ўртасида, шеърнинг архитектуроникасида уйғунлик юзга келади. Асар охиригача қониқиш билан ўқилади. Овоз чиқариб, ё ичдан ўқилганда ҳам таъсирини йўқотмайди:

Ҳар гал дилшод келиб, қайтаман дилхун,
Кўнглим басир бўлиб, кўзларим битил.
Бу ерда Улуғбек шахиддир ҳар кун,
Муртад Абдуллатиф ҳар куни қотил...

Кейинги байтда сўзларнинг ишлатилишига эътибор қилайлик: «Бу ерда» сўзида таъкид кучли. «Улуғбек» баланд жаранглайди. «Шахиддир» — маънос, ҳазин, «ҳар кун» — аллақандай етиб бўлмас, қайғули, оғриқли. Охириги мисрадаги «муртад», «Абдуллатиф!» сўзларида нафрат оловлашиб туради. Абдуллатифни камситиш учун битта «л» ишлатиб ёзиши ҳам мумкин эди, лекин муаллиф икита «л»ни бўрттириб, қўшимча урғу, нафрат билан кел-

тиради. Бу «л» энди мисрани тугатаётган «қотил» сўзидаги «л» билан қўшилади.

Бу шеър кишини сергаклантиради, юракка безовталик солади.

Мазкур мақолада Маъруф Жалилнинг «Мен сув ичган дарёлар» номли лирика китобини ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдим. Маъруф Жалил сўзни қадрлайдиган, халқ ҳаёти ва кайфиятини нозик илғаб, фикрлайдиган шоир. Унинг қаҳрамони меҳр талаб, бир оз ўжар, лекин тўғрисиўз, адолатсевар кишидир.

Ҳозирги шеъриятимизда Шукрулло, Зоҳиджон Обидов, Барот Бойқобилов, Душан Файзий, Тошпўлат Ҳамид, Раззоқ Абдурашидов, Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Ҳалима Худойбердиева, Ҳабиб Саъдулла, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Асқар Қосимов, Тилак Жўра каби қатор шоирларимиз ҳам фаол ишлаб, ўз юракларининг нурли тўлғонларини яна бир қарра намойиш этмоқдалар.

Кўпчилик шоирларимиз проза билан, таржима билан, эпик асарлар ёки ўз юбилей кўп томликларини тузиш ва нашр этиш каби хайрли юмуш билан банд бўляптилар. Шу боисдан уларнинг катта шеърли туркумларини ёки айрим янги шеърлар тўпламларини кузата олмадик. Биз Асқад Мухторнинг умуминсоний саховат ва изтироблар солномаси бўлган шеърларини соғиндик. Туроб Тўланинг жайдари ва жўмард зарбли шеърларини кутаямиз. Жуманиёз Жабборовнинг самимий, фалсафий тиниқ назмиётдан янги лавҳалар ўқиш истаймиз.

Энди баъзи жанрлар бўйича қарасак, арузда Ҳамид Ғулум, Ҳайдар Ҳўнинг янги ўйноқи ғазаллари ва Восит Саъдулланинг айрим шеърларидан ташқари силжиш ва кашфиётлар унча кўзга ташланмади.

Масал ҳақида икки оғиз. Аслида энг иши юришган кишилар бизда масалчилар бўлиши керак эди. Қаранг, газеталаримиз ва журналларимизнинг ҳаммасида махсус саҳифалар, «Муштум» ва унинг кутубхонаси шуларга мунтазир. Лекин бу борада бирон-бир янгилашти кузатилмапти. Сиёсий сатира, памфлет ва фельетонлар деярли йўқ. Бунинг устига, масалани ўрганувчи олимлар бунга қандай қарайдилар, билмадик, бизнинг кўпчилик масалчиларимизнинг асарларини ўқишга одам қийналади. Тили, сўз қурилиши, шу қадар кегайли, гупчакли бўладики, бир вазнда икки-уч вазн аралашиб кетади, гап қурилишида кераксиз инверсияларга кўп йўл қўйилади.

Юқорида айтилган 170000 мисра ичидан нари борса қониқиш билан 30 минг мисрачасини ўқиш мумкин дур. Қолганлари такрорлар, шакл, мазмун такрорларидан ташқари, оддий ҳақиқатлар такрори бўлиб қолаётган шеърлар — кексаларга салом бер, баҳорда кўчат эк, дўстингга вафо қил ва ҳоказо. Менимча, сифатга жиддий эътибор бериш пайти келди. Асосий ҳал қилувчи кучлар — адабий ходимлар ва нашриёт редакторларидир! Шеърни нашрларнинг режиссёрлари шулар экан, босилиб чиққан нарсалар сифати ҳақида шулардан қаттиқ сўралиши керак ва ҳаммамиз бу ишга ёрдам беришимиз керак. Иккинчидан, ё қилган хизматларини, ё ше-рафли касбини, ё хасталигини рўқач қилиб, нашр органларига турли нуқталардан таъ-

сир ўтказишга ўрганиб олган кишилар кўпайиб кетди. Нашр органлари социал-таъминот идорасининг филиаллари эмас, бу масалага жиддий ёндашиб, бундай кишиларга кўрқмасдан, асосий критерий — сифат деб, адабий ходим ёки редакторнинг хулосаси бош мезон деб, жавоб беравериш керак!

Мен шеъримиз сифатига салбий таъсир кўрсатаётган баъзи омиллар ҳақида айтмоқчиман. Аввало, кўпчилигимиз шеър устида, унинг тили устида ишлашни сўсаятирган кўринамиз. Сўзнинг маълум сюжетда тўлақонли яшашига эриша олмай қол-япмиз. Иккинчидан, шеърларимизда не мукамал композиция, ва мукамал шакл бўлади. Вазн-туроқ бузилишлари ҳаддан беҳисоб. Оҳанг зичлиги йўқ. Қофиялар сийқалашиб кетаяпти. Агар қофиясиз ёзаётган бўлсак, марҳамат, бу бошқа масала. Лекин қофиялими, қофия мазмунни тўлдириб келиши керак, шеърга янгича нафас бериши керак.

Мен вақтли матбуотда эълон қилинган баъзи шеърлар устида озроқ бахшлашни истар эдим. Мавзуга тўғри ёндошиш масаласида, сўзларни тўғри ишлатиш масаласида. Мен учратган баъзи бандлар, мисралар, сўзлар андак мунозаралидай бўлиб туюлди.

Масалан, Шукруллонинг жуда яхши мавзуни, паришонхотирликнинг, инсон кайфиятининг, умрининг қизиқ палласини эста олувчи чиройли ёзилган «Паришонлик» деган шеъри бор. Шеър ўртасида, бирданнига тарновда чирқиллаётган қуш пайдо бўлади. Мавзу ўзгаради. Бу ҳарф терувчининг ё техредакторнинг хатоси бўлиши мумкин. Лекин шеър хулосасида яна ўша паришонликка оид шундай банд бор:

Булар ҳеч гап эмас,

баъзилар ҳатто

Узин кексайганин унутиб қўяр.

Ишқ кўчасида довдираб юрар.

Бу паришонликдан асрасин худо.

Биринчидан, менинг назаримда, паришонлик — севги фаслини сифатлаш учун ярайдиган тушунча эмас. Иккинчидан, севги қайси ёшда пайдо бўлмасин, у доим ёшлик, яшариш тимсоли. Бунда бировни айблаб бўлмайди. Қолаверса, Ғетенинг кексалик давридаги муҳаббатини, Нозим Ҳикматнинг ишққа мубтало даврини эслаб кўрайлик. Ё Гауфтманнинг «Ҳаёт шони» пьесаси бош қаҳрамонини ёки Чингиз Айтматовнинг янги романидаги бахши чолнинг изтиробли муҳаббатини ўйлаб кўрайлик. Масала, қайси ёшда севишда эмас, бу севги инсонни қандай маънавий юксалишларга элта олишидадир.

Бошқа бир таниқли шоиримиздан мисол: Зоҳиджон Обидовнинг «Муҳаббат» шеърида жуда актуал мавзу — ёшларнинг ахлоқидаги салбий бурилишлар, севгининг поклиги, собитлигини сақлаб қолиш мўаммолари вазминлик билан гапирилади. Лекин бу шеър хулосаланмагандек туюлди. Хулоса бўлса ҳам ноаниқ қолгандай:

Демак, даврон дориламон, унда йўқ

гуноҳ,

Давронки соз, демак бу дам одамлар

ҳам соз,

Шошманг, жиндек феълимизга

ташлайлик нигоҳ,

Эркаланиб кетмадикми бу эрдан бир оз!

Менимча, шеър ҳали давом этиши ва проблема тўлароқ ҳал қилиб берилиши керак эди. Акс ҳолда ўз-ўзидан савол туғилади: «хўш, даврон дорилламон бўлса, одамлари соз бўлса, мушкулликлар қаердан чиқяпти? Эрк айбдорми?»

Гулчеҳра Жўраеванинг ғоят эҳтирос билан ёзилган «Низомийни ўқиб» шеърисида шундай бир байт бор:

Муҳаббат қасрининг чодрасин очдим,
Аламнок лолалар эди тугунча.

Не афсус, нур эмас, қора қон сочди
Ширин қисматидан тугилган ғунча.

Бу бандда менимча, сўзлар бир-бирининг мантиғига тенг эмас. Айтайлик, қаср ҳақида гап бордимиз, унда чодра нима қилади? Бўлади ҳам дейлик, лекин қаср ичидан долазорнинг чиқиши табиий эмас. «Не афсус» деган хитоб ўз тўғри маъносида ишлатилганми?

Эйтибор Охунованинг баҳор, наврўз келиши ҳақида чиройли шеъри бор. Кишига яхши кайфият, хуш руҳ беради. Лекин бирдан шундай банд келади:

Ҳайратига солаётир тоғ бошин,
У гулобдай тутаётир қуёшни,
Иштибога кўмди кексаю ёшни,
У келдию шодлик алёрлар чошдир,
Гул очгиси келар ҳаттоки тошнинг,
Оддий таёқни ҳам шамшод айлади.

Биринчидан, бу бандда феъл замонлари анча чалкашган — «кўмди», «келдию» «келар» шакллари изма-из келаверади. Қофиялар ҳам мукамал эмас. Иккинчидан, нима учун юртга алёрлар, қўшиқлар келтирган наврўз кексаю ёшни иштибога кумади? Иштибоҳ сўзи янглишмасам «гумон», «шубҳа» деган маънони беради, холос.

Бу чалкашликлар балки адабий ходимнинг бир қалам туртиши билан тузалиб кетиши мумкин эди. Лекин мана шу кичик қусурларимизни ҳам таъкидлаб айтганнинг сабаби, шеърхонлар, ёшлар жуда сезгир халқ, улар айниқса улкан шоирларнинг ҳар бир нафасини диққат билан тинглаб туришибди. Мана шу кичик бўлса-да, гидирларга йўл қўйилмаса, ёшларга ундай қилма, мундай қилма деб айтишга ҳам осон бўлади.

Ёшлар учун, менимча, бугун нашриёт муаммоси деярли ҳал этилди. Нашриётларда китобларнинг чиқиш муддатлари бундан беш-ўн йил бурунгига қараганда анча қисқарди. Мана энди янги журнал ҳам бор. Ёшларимиз, менимча, бу имкониятга муносиб жавоб беришяпти. Улар шеърда чўзиқлик, кўп сўзлик, дидактика ё риториканинг истибодидан анча халос бўлиб кетдилар. Уларнинг асарларида жаҳон шеъриятининг кескин нафасини сезяпмиз, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва бугунги кўплаб устоз шоирларимизнинг энг яхши анъаналари уйғунлашганини кўряпмиз. Сўз аввалида устоз шоирларимизни бугун безовта этаётган нарсалар ҳақида гапирган эдим. Мен ҳозир келтирмакчи бўлаётган мисралар катта авлод билан ёшлар маънавиятида узлиш йўқлигини,

аксинча авлодлар бир-бирлари билан муқаддас, пишиқ ипак арқонлар билан боғлиқлигини, шеърият кемаси соловини баланд-паст қирғоқдан бирга торта бошлаганликларини кўрсатади.

Хуршид Даврон «Тунги боғлар» китобини эълон қилди. Менимча, бу кейинги йиллардаги энг яхши тўпламлардан. У бир шеърисида шундай дейди:

Энг кучли сукунат —

на кўз сукути
На соқов сукути, на тош сукути.

Энг даҳшатли сукунат — шоир жим юрса...

Дастлабки қадамлардаёқ бир умрлик бурчларни белгилаб олишлик — яхши хислат. Бу фикрни кўп яхши тўпламлар эълон қилган, ғоятда ўзига хос шоир Муҳаммад Солиҳ шундай давом эттиради:

Сенинг ишинг эмас — кулиб мулойим,
Битмоқ қасидалар, замон тўйхати.
Ҳақиқий шоирнинг ижоди — доим
Сўнгги нарсаларнинг эрур рўйхати.

Сўнгги нарса шоир учун нима! Бу — эзгулик! Бу — нафосат! Бу — адолат! Ана шуларни кўзда тутаяди шоир. Мана сўз аввалида айтганим нурли безовталиқнинг нур толалари қаерга келяпти! Унинг йўли узун. Узун, олис бўлгани сари одамлар йўлини шу қадар равшан этади, умид, қанот беради.

Кейинги йилларнинг яхши китоблари орасида Шавкат Раҳмоннинг «Юрак қирралари» тўпламини, шунингдек, Муҳтарама Улуғова билан Қутлибека Раҳимбоевнинг «Бойчечакнинг тушлари» ва «Юрагимда кўрганларим» каби қатор тўпламларини айтиб ўтиш мумкин.

Биринчи тўпламларини нашриётимиз чиқарган, бугун ҳам ҳар бир қадамлари назаримизда турган шитоб сўз шоир Усмоҳ Азимов, камтар, тийрак Муҳаммад Раҳмон, ҳаяжонқалб Шўкур Қўрбонов, баланд авж Азим Суюн, хуштабиат Садриддин Салимов, нозик ва нафис калом Мақсуда Эгамбердиева, оқила ва билимдон Уллибиби Отаева, ёруғ фикр Ҳабиб Саидғани, меҳнатқаш Мирпўлат Мирзаев, Ҳосият Бобомуродовлар ҳақида ҳам кўп илиқ гаплар айтиш мумкин.

Шу ўринда ёшларга бир истак билдиргим келади:

— Ҳали мавзуларингизнинг қамрови анча тор. Кўринг, юринг, саёҳат қилинг, кишиларимиз характерини яратинг! Юртимизнинг, шеърларингизни бир зум тарқатмасин. Атрофимизда улкан ўзгаришлар бўляпти, мислсиз қаҳрамонликлар, фидоийликлар содир бўляпти, парвозингизга ана шу замин, шу маснад шоҳсупа бўлиши керак. Узилган битта япроқ устиде ўтириб олиб навҳа қилиш шарт эмас, чунки япроқ балки ўзи узилгиси келгандир, ерни соғингандир?! Дерзангизнинг кўзига дарз тушиб ё муз қоплаб оламни кўришингиз қийинлашиб қолса, хуноб бўлманг, ташқари томон чиқинг. Олам ўзини-ўзи янгилашдан бир зум тўхтагани йўқ ва тўхтамайди ҳам.

ҚАҲРАМОННИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Кимдир бадий асарни эрмак учун, кимдир шунчаки вақтини ўтказиш учун, ким-^У дир ўзини маданиятли қилиб кўрсатиш учун ўқийди, лекин кўпчилик ўқувчилар ҳар бир шеър ёки ҳикоя, қисса ёхуд романдан битмас-туганмас завқ-шавқ, маънавий маъ- дад, ғоявий-бадий сабоқ олиб, ўзининг онгу тафаккурини бойитишга, ижтимоий-маъ- навий тараққиётнинг ғоята муҳим, долзарб муаммоларини ҳал қилишга интилади. Шунинг учун ҳар бир ёзувчи ўзининг халқимиз, эл-юртимиз ва партиямиз олдидаги муқаддас бурчини қойиллатиб ўринлатиш учун фақат етук, баркамол, ҳаққоний асар- ларни яратишга, замондошларимизнинг барча жабҳаларда кўрсатаётган мислсиз ма- тонатларини, уларнинг мураккаб, зиддиятли туйғулари, кечинмаларини рўйи рост ёри- тишга эришмоғи даркорки, бу реал воқелигимиз тақозосидир. Зотан, тажрибали адиб- ларгина эмас, балки ёш ёзувчиларимиз ҳам ижодий фаоллик билан қалам тебратиб, ижтимоий-маънавий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатадиган даражага муттасил кўтарилиб бормоқдалар. Нағижанда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган ҳаракат тобора авж олмоқда. Мана шу ҳаракатга қўшилиб, мен тўрт қисса ҳақидаги мулоҳазаларим, кузатишларим- ни ўртага ташламоқчиман. Гап Саъдулла Сиёевнинг «Яхшиларга ёндошим», Ғаффор Ҳотамовнинг «Қайтиш», Нусрат Раҳматовнинг «Дашт», Норкул Ҳайитқуловнинг «То- ми» қиссалари тўғрисида кетаяпти.

Бу қиссаларнинг муаллифлари, табиийки, бир хил савияда эмас. Саъдулла Сиё- ев бир неча йиллардан бери ҳажвичи ижодкор сифатида ишламоқда, у қулгини қурол қилиб олиб, ўқувчиларнинг дардига малҳам топиб бериш борасида муайян натижа- ларни қўлга киритган, Ғаффор Ҳотамов кўпроқ ҳикоячиликда ўз қаламини синая кел- аяпти. Нусрат Раҳматов билан Норкул Ҳайитқуловлар анчадан бери асосан очерк- чилик билан шуғулланаётдилар. Қўраяпсизки, улар ижод бобида анча-мунча тажри- ба тўплаган, бадий-эстетик савияси, диди кундан-кунга ўсиб бораётган талабчан ўқувчилар қалбини тўлқинлантириб, ҳаёт ҳақидаги тасавурларини бойитадиган, дар- ду ҳасратларига малҳам бўладиган асар яратмасдан ижодий муваффақият ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини яхши билишади. Хўш, шу нуқтаи назардан қараганда бу ёзувчиларнинг мазкур қиссалари бизни қаноатлантирадики? Уларда бу- гунги ижтимоий-маънавий тараққиётнинг муҳим масалалари чуқур, ҳаққоний ёритил- ганми? Қандай образлар кашф этилиб, улар орқали давр ва замон руҳи қандай ифо- даланган? Нималари билан эътибору ишончимизни қозонади, нималари билан баҳс- ларга даъват этиб, нималари эътироз туғдиради?

Шу саволларга жавоб топиш мақсадида тўрт қисса билан яқиндан танишиб чиқарканмиз, биринчи навбатда уларнинг қаҳрамонлари асосан ёш замондошларимиз, муаллифларнинг тенгдошлари эканлигини кўрамиз, бу ҳол ушбу асарлар ҳаётий за- минга эга эканлигидан далолат беради.

Диққат қилинг: «Яхшиларга ёндошим»даги Шавкат катта корхона раҳбарлари- дан бирининг фарзанди. Уничинчи амал-тақал қилиб битирган. Бир неча институт- ларга эгри-бугри йўллар билан қириб чиққан, бироқ олий маълумот ололмаган. Узига ўхшаш ишёқмаслар, тақасалтанглар билан кайф-сафо қилишдан бошқа нарсани бил- майди. Меҳнатсиз яшаб, даврон суришга шу даражада берилиб кетганки, оқибатда безорилик қилиб, текканга тегиб, тегмаганга тош отишни одатдаги фаолиятга айлан- тиради. Буни Шавкатнинг ўзи эътироф этади: «Милицияхонага боравериб, кўзимиз пишиб кетган. Тўйга боргандай бемалол кириб бордик».

Қиссада Шавкат ўз ўртоқлари билан милицияхонага неча бор тўйхонага бор- гандай ташриф буюргани аниқ айтилмайди, лекин уларнинг охириги ташрифига ало- ҳида тўхтаб ўтилади. Нима учун? Чунки, бундан кейин Шавкат ҳаётида жуда кескин бурилиш рўй бергани маълум қилинади. Хўш, кескин бурилиш қандай қилиб, нима- нинг таъсирида рўй берибди?

Муаллиф таъкидига қараганда Шавкат ўз ҳамтовоқлари билан ресторанда кайф қилиб чиққандан кейин меҳмонхонага бориб қолибди ва у ерда бир гўзал жувонга шилқимлик қилибди, пировардида ўша аёлдан қуйидаги сўзларни эшитибди: «Сен эр- какмисан?! Путинг айри, бошинг думалоқ бўлсайла эркак бўлиб қоласанми? Сен эр- как эмас, эркакка пародиясан! Бизнинг чўлда сендака хезимкашларнинг бир бой- ламига бир боғ пиёз ҳам бермайди!.. «Ну погоди»даги бўрига ўхшаймай ўл!»

Саъдулла Сиёев, бу сўзлар қаҳрамоннинг эт-этидан ўтиб кетди, она сутини оғ- зига келтиргандай таъсир кўрсатди деб, оқибатда қуйидагича вазият вужудга кел- ганлигини уқтиради: «Дадам ишга кетди. Юзтубан ётиб олдим. Меҳмонхонадаги полвон хотинни ўйлайман, капитанни ўйлайман. Гўё иккови икки биқинимга мушт ту- ширгандай бўлади. Ростданам «Ну погоди»даги бўрига ўхшайманми? Бир боғ пиёзча- лик қадрим йўқми? Капитан айтмоқчи, беюз, беандиша, бебурдманми? Нега шуна- қаман?».

Мана энди шу бебурд, беюз, беандиша йигит бундай қарорга келади: «Бир

тўхтамга келдим. Кетаман! Хоразмга кетаман. Авазбекларникида ижара турадиган хоразмлик болалар оғизлари бўшаса, Туямўйинни мақташди. Шу ёққа кетаман».

Қиссада Шавкатнинг ҳақиқатан ҳам Туямўйинга кетгани ва бир йил ичида унинг чинакам инсон бўлиб қайта тарбиялангани, замонамиз қаҳрамонлари сафига қўшилгани сўзланади. Бу ҳақда қаҳрамоннинг тилидан шундай дейилади: «Тошкентдан қайтаяпман. Бир йил деганда уйга энди боришим. Бултур Питнакка биринчи келганимда сарсон йўловчидай лол эдим, қарахт эдим. Олдинда мени нима кутишини ҳам билмасдим. Энди маъшуқасидан тўйга розилик олган ошиқ йигитдай сармастман. Биламан, Питнакда мени иссиқ ўрним, тайинлик ишим, Оллоназардай, Аҳмаджондай дўстларим кутиб туришибди».

Бу сўзлар самимий айтилган, Шавкат бир йилдаёқ чин инсон бўлиб қайтадан туғилган, деб тасаввур қилайлик, бироқ унинг чин инсон бўлиб қайтадан туғилиши ҳаққоний кўрсатилганми, қаҳрамон ҳаётидаги бурилиш асосланганми?

Афсуски, Шавкатнинг Туямўйинда ишлагани, у ерда дастлаб қийналгани, лекин бора-бора мавжуд тўсиқларни енгиб, меҳнатда чиниққани, ўз вазифасини сидқидилдан моҳирона адо этиб, илғорларга тенглашгани, Гавҳар исми қизни севиб қолгани, бебурдлик, беандишалик, беюзликдан тез вақт ичида батамом халос бўлгани фақат айтиб, изоҳлаб, тавсифлаб берилади, бадий таҳлил орқали қалбларни тўлқинлантирувчи, ғоятда таъсирчан, ҳаётини, заррача шубҳалантирмайдиган манзараларда кўрсатилмайди. Шунинг учун ўта салбий тип сифатида таърифланиб, бебурдлик, беандишалик, беюзликда анча-мунча безорилардан ўзиб кетган, нуқул ота-онасининг ҳисобига кайфу сафо, айшу ишратини суриб юрган такасалтанг, ишёқмас йигитнинг бир «юмалаб» ижобий қаҳрамон даражасига кўтарилишига ишонмайсиз. Ишонтирмайдиган яна бир ҳолат мавжуд: «Шундай қилиб, мана, туямўйинлик бўлиб ўтирибман. Кичик поччам айтмоқчи, ўзимни излаб юрибман. Поччам мактабда ўқитувчи, адабиётдан дарс беради. У киши ҳар сафар менинг ғалвали саргузаштларимни кўрганда Навойини сал ўзгартириб: «Эл нетиб топкай сениким, сен ўзингни топмасанг» деб шеър ўқиб кўяди. Мен ҳам ўзимни, ўзлимни топа билармиканман? Тополмасам керак. Нега десангиз, менда ирода йўқ. Иродаси йўқ одам ўзини қандай топарди?»

Агар шу рост бўлса, чиндан ҳам Шавкатда ирода бўлмаса, у қандай қилиб бирданига Хоразмдаги қурилишга борди? Қандай қилиб ўз характери, ўз тақдири, ўз ҳаётини ўзгартирди? Қандай қилиб ўзидаги дарду балолар, «касал»лардан қутулди? Ахир, бебурдлик, ялқовлик балосидан, кайфу сафо, айшу ишрат деган дарддан тозаланиб, инсоннинг янгидан туғилиши учун биринчи навбатда жуда кучли ирода керакмасми?!

Қуринаяптики, Шавкатнинг тездэ ўз дардига шифо топиб, бутун маънавияти, руҳиятини барча маразлардан тозалагани бадий жиҳатдан исботланмаган. Ҳа, инсон характери, ҳаётини мавзу, муаммоларни чуқур ёритиб, уларни бадий ишонтириш кучи билан кўрсатиш, реал воқеликдаги ўсиш-ўзгаришларни юксак маҳорат билан далиллаб тасвирлаш тўғрисида сўз кетаяпти. Чунки, турмушнинг ўзида ёмонларнинг ўзгариб яхшилар сафига қўшилишини, аксинча, яхшиларнинг салбийлашиб кетишини ҳеч ким инкор этолмайди. Ижобий шахсларда салбий хусусиятлар, ёмон одамларда муайян фазилатлар аралаш-қуралаш бўлиб кетиши ҳам ҳаммага аён, бироқ инсоннинг интим ва ижтимоий фаолиятида, умуман, табиатида, реал борлиқда нималар туғилиб, авж олмасин, ўсиб равнақ топмасин, нималар инқирозга юз тутиб, нималар бартараф этилмасин, ҳар қандай ўзгаришлар, бурилишлар рўй бермасин — барча-барчасининг ўз сабаблари, асослари, заминлари бўладики, буларнинг моҳияти мавжуд мураккабликлари, чигалликлари, зиддиятлари билан ёритилмаса, адолат ва ҳақиқатни аниқлаш асло мумкин эмас.

«Яхшиларга ёндошдим» қиссасида масаланинг шу жиҳатига етарли даражада эътибор берилмайди. Унда Шавкат меҳмонхонада тасодифан учраб қолган бир полвон аёлдан дакки егандан кейин Туямўйинга жўнаб кетди, деб айтилади, таъкидланади, уқтирилади. Туямўйинда яхши одамлар билан бирга яшаб, меҳнат қилиб, яхшиларга қўшилди, замон қаҳрамонлари сафидан ўрин олди, деб айтилади, уқтирилади. Лекин шунинг ўзигина етарли эмас. Айтилган, уқтирилган фикрлар, мулоҳазалар, кузатишлар ҳаётни тадқиқ этишга уланиб кетиши керак. Тўғрироғи, ғоя образнинг жонию қонига айланмаса, бадийлик тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Шу жиҳатдан қараганда Гаффор Ҳотамовнинг «Қайтиш» қиссасида бир қанча хусусиятларни кўрамиз. Асарнинг биринчи саҳифалариданоқ қалбларимизни ташвишу ҳаяжонга тўлдирувчи драматик лавҳалар яратилиб, ёш олимнинг Бекобод металлургия комбинатини қайта қуриш, реконструкция қилишга бағишланган кандидатлик диссертациясининг қизгин муҳокамаси муваффақиятсиз яқунлангани, бу қаҳрамон руҳий оламида кучли бўронлар, хилма-хил «ағдар-тўнтар»лар келтириб чиқаргани ошкор этилади. Англашиладики, кандидатлик диссертациясини жиддий илмий кузатишлар, ҳўкм-хулосаларни ўз ичига қамраб олади, лекин унинг асл моҳияти бутунлай четда қолиб, айрим нуқсонлари бўрттирилиб, қўлга киритилган натижалар йўққа чиқарилади. Чунки, илмий ишни ёзган ёш олим Акрамини, айниқса, унинг илмий раҳбарини ёқтиришмайди. Илмий раҳбари катта истёвдод эгаси бўлиб, жуда салмоқли ютуқларни қўлга киритаётганлиги учун ёқтиришмайди, шогирдни, устоз анъаналарини ривожлантираётгани учун ёқтиришмайди, оқибатда ноҳақлик билан адолат, истёвдод билан қобилиятсизлик, янгилик билан эскилик, яхшилик, эзгулик, ҳалоллик билан ифлослик, ҳаромлик, виждонсизлик ўртасидаги кураш юзага келади.

Борди-ю, фавқуллода шиддат билан бошланган бу кураш қандай давом эттирилгани, унда қайси томон нима учун устун келиб, ғолиб чиққани, қайси томон нима сабабдан муваффақиятсизликка юз туггани мантиқий изчиллик билан чуқур

тадқиқ этилиб, қаҳрамонлар руҳий олами, ички дунёсида рўй берган хилма-хил ўзгаришлар чуқур ёритилса, балки янги, оригинал типлар, ҳаққоний образлар яратилармиди, деб қоласиз. Афсуски, Ғаффор Ҳотамов қаҳрамоннинг олимлик соҳасидаги тўқнашувларини бирданига тўхтатиб қўйиб, бутун диққат-этиборимизни унинг интим муносабатларига қаратади. Тўғри, бу муносабатларнинг тасвирида ҳалоллик билан виждонсизлик, ифлослик, маънавий мусаффолик, соғломлик билан қабиҳлик ўртасидаги тўқнашувлар етакчи ўринни эгаллайди. Агар бу тўқнашувларга Акрамнинг илм соҳасидаги изланишлари, курашлари, курашлари, олишув-тортишувлари қўшилиб, чагишиб кетгандан кейин пайдо бўлган зиддиятлар, мураккабликлар, чигалликлар қаламга олинса, қиссадаги драматизм кучайиб, чинакам бадиий кашфиёт учун қулай имкониятлар туғилармиди, деб қоласиз. Ахир, асарнинг дастлабки бўлирида Акрамнинг ҳузур-ҳаловатдан, ҳатто муҳаббат лаззатларидан воз кечиб, ўзини илмга бағишлагани, жуда муҳим ишларни амалга оширгани, обдан қийналгани аммо қалбга севинч уққунларини олиб кирадиган натижаларни қўлга киритгани, истеъдодли, изланувчан, заҳматкаш олим бўлиб етишишига умид туғдиргани таъсирчан манзараларда ифодаланмади-ку! Ахир, муаллиф ўз қаҳрамонининг муҳолифлари билан биринчи тўқнашувда мағлуб бўлгани, аммо келажакада ғолиб чиқишига, ўзлигини кўрсатишга қодир эканлигига маълум даражада ишонтиради-ку!

Хуллас, Акрамнинг ижодий фаолиятидаги зиддиятлар, мураккабликлар, курашларнинг чуқур ёритилмагани учун унинг характери тўлақонли, ҳаққоний, теран ва оригинал бўлиб гаўдаланмади. Бундан ташқари, ёш ёзувчи қаҳрамоннинг интим муносабатларини қаламга олиш жараёнида ўзи сезиб-сезмасдан, билиб-билмасдан диққат марказига Акрамни эмас, маъшуқаси Хосиятни олиб чиқади. Шундай вазият пайдо бўладики, Акрам кўпроқ рўй бераётган воқеаларнинг қатнашчиси, иштирокчиси эмас, балки кузатувчиси сифатида майдонга чиқади, фақат айрим ҳоллардагина ўз фикрлари, эътиқоди, характери, қиёфаси билан ўзгалардан ажралиб турадиган шахс тарзида ҳаракат қилади, унинг севгилиси Хосият эса моҳият эътибори билан асар бош қаҳрамонига айланади. Майли, Хосият бош қаҳрамон бўлсин, эътироз билдиришнинг ҳолати йўқ, лекин Акрам кўпинча сояда қолади. Борди-ю, унинг характери, тақдирига оид воқеалар бевосита тадқиқ этилганда, бу ёш олим ва унинг севгилиси образлари янада оригиналроқ, ҳаққонийроқ, тўлақонлироқ даражага кўтарилиши мумкин эди. Шунга қарамасдан, «Қайтиш» қиссаси анча қизиқчи билан ўқилади, унда кўтарилган ахлоқий муаммолар муҳим аҳамият касб этадики, бу Хосият образининг анча ҳаётий ва таъсирчан чиққанлиги билан изоҳланади.

Хўш, Хосият образининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги нималарда кўринади?

Гал шундаки, Ғаффор Ҳотамов ўз қаҳрамони бошига тушган ташвишлар, ҳар хил савдоларни жуда ачинаиб тасвирлайди, унинг қайғу-аламлари, ғам-ғуссаларига шерик бўлганлигини махсус шарҳларсиз англашиб боради, айни чоқда нимани маъқулламаса, ёқтирмаса, шуни ҳам табиий равишда кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Энг муҳими, Хосиятнинг қандай хусусиятларга эга эканлигини воқеалар ривожига, ҳаёт оқимидан келтириб чиқаришга ёш ёзувчи қиссанинг кўп ўринларидан муваффақ бўлади. Чунки, Хосият институтни битириб, Намангандаги магазиндан бирида дастлаб сотувчи, сўнгра мудар бўлиб ишлаб юриб, инсон қадр-қимматини фақат пул, бойлик билан белгилайдиган ифлос, чиркин дунё қаърига чўкиб бораётганлигининг сабабларини тўғри илғаб олади. Шунга урғу берадики, табиат томонидан бўлакча ҳусн, латофат, назокат билан тақдирланган бу қизда шон-шухратга, ўйин-кулгига ўчлик хусусияти тобора кучайиб, кенг қулоч ёзиб, бора-бора уни бутунлай домига тортиб кетади. Аммо шон-шухрат, ўйин-кулги, мезишт инсонни бузуқлик кўчасига олиб боради-ми? Умуман яйраб-яшнаб юришни қоралаш керакми? Йўқ, ўйнаб кулиш, яйраб-яшнаб юриш билан даврон суриш, вақтни ўйин-кулги билан ўтказишнинг фарқи бор. Борди-ю, пайтида пешона терини тўкиб, заҳмат чекиб, ўз бурчи, вазифасини муваффақиятли ўтаган ҳар бир одам маълум бир вақтни ўйин-кулги, хурсандчилик билан ўтказишга ҳақлидир, лекин бу нарса яшаш шартига айлантирилса, меҳнат қилмасдан, заҳмат чекмасдан яйраб-яшнаб даврон суришга ружу қўйилса, шодлик, хурсандчилик ҳалол, мусаффо манбадан келиб чиқмаса, нуқул ҳаромлик, ифлослик, қабиҳликка, хиёнатга асосланса, буни қўллаб-қувватлаш асло мумкин эмаски, «Қайтиш»да вазиятнинг шу жиҳатини Хосият яхши тушунади. Тушунади-ю, бироқ беғубор, пок бўлиб яшаш, виждонан турмуш кечирिशга бир неча бор уриниб кўради-да, муттасил равишда изчил кураш олиб боролмасдан мағлубиятга учрайди, вақтинчалик қайғу сафо, айш эвазига номуси, қизлик ифратини қурбон қилади. Муаллиф бу билан қаноатланмасдан шундай вазиятни юзага келтирадики, пировардида Хосият машинага урилиб кетиб, қаттиқ жароҳатланади, ногирон бўлиб қоладики, қаҳрамоннинг бундай «жазоланиши» етарли даражада исботланмаган, кўпроқ тасодифан рўй бергандай таассурот туғдиради. Тўғри, қаҳрамон ўзининг маънавий жирканч, даҳшатли, ифлос муҳитга тушганини обдан англаб етгандан кейин довдираб, ўзини йўқотиб, қўяди, худди шундай ҳолатда маънавий — руҳий инқироз жисмоний ҳалокатга олиб келиши мумкин, деган фикр ифодаланаяптики, бунинг ҳаёт ҳақиқатига қисман мос келишини эътироф этмоқ даркор. Аслида эса «Қайтиш»даги Хосият қизлик назокати, латофати, ҳалоллигидан ажралиб, даҳшатли фожиага юз тутган эдики, бунинг устига уни ногирон қилиш ортиқчадир. Ҳатто шуни айтиш керакки, қаҳрамоннинг ногирон бўлиши унинг руҳий — маънавий жиҳатдан эзилиши, қийналиши, тўлғонишини ўта таъсирчан қилиб чуқур ёритишга ҳалақат беради. Қизнинг ҳалокат ёқасига келиб қолгани табиий равишда ёритилганда, қаҳрамон характери янада ҳаққонийроқ, тўлақонлироқ бўлиб чиқарди. Ҳозирча Хосият ва Акрамнинг руҳий оламидаги хилма-хил ўзгаришлар, «ағдар-тўнтар»лар, руҳий бўронлар аксари

муаллиф «буйруғи»га кўра рўй бераётгандай таассурот туғилади. Бу образларни Гаффор Ҳотамовнинг ижодий кашфиёти деб айтиш қийин. Негаки, қаҳрамонлардаги дарду ташвишлар, изланиш — интилишлар, кечинмалар, ички тўлғонишлар руҳий ўсиш-ўзгаришларнинг айрим жиҳатлари, айрим қирралари, аломатларигина ёритилади, холос. Гап қиссани «семирткириб» ҳажмини ошириш, «резинкадек чўзиш» ва шу билан қаҳрамонлар ҳаёти, фаолиятига оид воқеалар, фактларни батафсил баён этиш тўғрисида эмас, балки тасвир, образ яратиш воситаларидаги маънолар, фикрларнинг салмоқли, «тиғиз» бўлиши ҳақида кетаяпти.

Гаффор Ҳотамов айрим шахслар энгил, осон йўллар билан юзага чиқарилган ҳузур-ҳаловатнинг оқибати яхшилик билан яқунланмаслигини кўра-била туриб, маънавий чиркинлик, руҳий инқироз сари қадам ташлайдилар, бироқ бари бир фожиа, ҳалокатдан қочиб қутулолмайдилар, деган фикрни Хосият характерига сингдириб юборади. Шу фикрни ифодалашга қаратилган мана бу парчани ўқиб чиқайлик: «Балиқчининг тўридан қутулган балиқ жон ҳолатда сувга қандай шўнғиса, Хосият ҳам топар-тутарларига ҳаволи, бошқа ҳеч нимани бир пақирга олмайди деган мана шу тоифага — ўзи кўнликкан оламга сингиб кетишга ҳаракат қилди. Фақат бағрида зиррачининг ўрнидагина бир жойига игна санчилгандай бўлди».

Қаранг-а, қалбининг зиррачадай жойига игна санчилгандай оғрийди. Чунки, бошқа жойларини фирромлик, ифрослик, ҳаромликдан ҳосил қилинган кайф-сафога интилиш эгаллаб олган. Қиссада қаҳрамон ички дунёсидаги соф туйғулар, мусаффо кечинмаларнинг ўз ўрнини қора ниятлар, қора кучларга қандай бўшатиб бераётгани синчковлик билан кузатилади:

Хосиятнинг олғирлар, муттахамлар дунёсини бир неча бор тарқ этишга уриниб кўргани, лекин ҳаммавақт шон-шухрат, ҳузур-ҳаловат, кайфу сафодан воз кечолмасдан эзгу ниятини амалга оширолмагани, айни чоқда дилида қандайдир соф, ҳалол, туйғу сўниб, гоҳ мавж уриб тургани муттасил равишда кўрсатиб борилади. Шу туйғулар қаҳрамоннинг маънавий чиркинлик қаърига чўкиб кетаётганлигини, аммо ҳали ўзида инсоний туйғуларни сақлаб қолганлигини ҳис қилиб, гоҳ ачинасиз, гоҳ нафратланасиз. Хосиятга ўхшаш айрим қизлар ҳам ўйнаб кулиш эвазига ўзларидаги энг гўзал туйғуларни қурбон қилишадикки, уларнинг фожиясини муаллиф қўйидагича изоҳлайди: «Цирқдаги ёқимтой айиқчаларга ўхшашади-я. Улар-ку, ўйна-тувчининг қамчинидан чўчишади. Йў-ўқ, гап қамчинда ҳам эмас. Шўрликлар ширинликка ўч. Шунга ўрганишган-да. Булар-чи? Адҳам Воҳидовичга мунчалар истиғно қилишмаса? Унинг эркалатишига, бир оғиз ширин сўзига бунчалар маҳтал бўлишмаса? Тўғри, дугоналаридан фарқли ўлароқ, Хосият қандай дардга чалинганини билади, давосини излаб топиш учун бир-икки бор уриниб кўради-ю, астойдил курашишга қодир эмаслигини англаб, мағлуб бўлади. Адҳам Воҳидович анойи мухолифлардан эмас! У Хосиятнинг шон-шухратга, даврон суришга мойиллигини тезда сезиб олади-да, бутун маҳоратини ишга солиб, қизни ўз қўғирчоғига айлантиради. Қиссадан англашиладики, Адҳам Воҳидович қинғир-қийшиқ йўллар билан район матлубот жамиятига бошлиқ бўлиб олган, беқисм бойлик, пул тўплаган, қора ниятларини юзага чиқариш учун ҳеч нарсадан тап торгмайди деган одам. У Хосиятни батамом ўзига тобе қилиб, гаҳ деганда қўлига қўндириш учун у мудирлик қилаётган бўлимда усталик билан камоматни келтириб чиқариб, қизни қамоқ жазоси билан қўрқитади ва пировардида ниятига эришади-ку!

Бу шахснинг ўз қилмиш-қидирмишлари, найрангларини моҳирона яшириб юриши, ўзлигини ниқоблаб яшаши ишонарли чизилган, лекин Адҳам Воҳидович фақат баъзи ўринлардагина ўзига хос такрорланмас хусусиятлари, индивидуал қиёфаси билан кўзга ташланади, холос. Аксари ҳолларда у муаллиф фикри, мақсади, ниятини ифодаловчи воситага айланади, ўз характер мантиқи, ҳаёт мантиқига мувофиқ ҳаракат қилмайди. Ахир, Адҳам Воҳидович қанчалик ифлос, қабиҳ тип бўлмасин, у биз билан бирга яшаб турган одам-ку! Жуда оз бўлса ҳам унда инсонийлик хусусиятлари, қандайдир фазилатлар топилмайдими! Асарда эса Адҳам Воҳидович асосан қора бўёққа чапланиб, ўта салбийлаштирилган ҳолда тавсифланган. Пировардида унинг меҳмонхонадаги Хосиятнинг номерига кириб, айш-ишрат қилиши, шарманда-ю, шармисор бўлиши, Акрам томонидан калтакланиши кўпроқ воқеалар ривож, ҳаёт тақозосига кўра эмас, балки муаллиф истагига мувофиқ рўй берганга ўхшайди. Борди-ю, Адҳам Воҳидович ўз характери мантиқига мувофиқ фаолият кўрсатиб, ўз ихтиёри билан иш олиб борганда, қиссада тасвирлангандек, жиддий олишувларсиз, тезда ва осон таслим бўлмасди.

«Яхшиларга ёндошдим», «Қайтиш», «Томчи», «Дашт» қиссаларида ёрқин образлар яратиш, ҳозирги замон руҳини ифодалашга, жуда ўткир муаммоларни кўтариб чиқишга интилиш сезилади. Бу асарларнинг айрим саҳифаларида ўзларидаги нуноқлик, ишёқмаслик, меҳнатсиз роҳат кўриш, даврон суриш каби «касал»лардан қутулиб, пешона тери билан яшашга, ўз тақдирини ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам коммунистик эътиқод, инсонийлик, адолат ва ҳақиқат асосига ўзгартиришга ҳаракат қилаётган ешларни кўргандай бўламиз. Ҳа, фақат кўргандай бўламиз. Афсуски, улардаги ёш қаҳрамонларнинг қандай ишларни ўринлатиб, нималарга эришгани, кимларни энгиб, кимларни мағлубиятга учратгани характер мантиғи, реал воқелик тақозосига мувофиқ эмас, балки муаллифларнинг истагига кўра олдиндан белгилаб аниқлаб қўйилганга ўхшайди.

Такрор айтамыз: ниманидир айтиш, ижодда тасдиқлаш, ёки инкор қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ана шу фикр, ғоявий ниятнинг асл маъзи, моҳиятини ҳаққоний, таъсирчан образларда ёрита олган ижодкоргина ҳақиқий санъаткор даражасига кўтарилади. «Дашт» билан «Томчи»да ҳам бу талаб эътибордан бир мунча четда қолган.

Биринчи қиссанинг қаҳрамони партия сафидан ўчирилгани учун, иккинчисиники эса ўз ихтиёри, қалб даъвати билан чўлга келди, дейилади-да, шу билан бу гапга нуқта қўйилади, фикр давом эттирилмайди. Лекин «Дашт»даги Тельман нима учун Жиззах даштини танлайди? Нега энди Қарши чўлга ёки Туямўйинга эмас, худди шу ерга отланади? Бу муаммолигича қолаверади. Яна шуниси борки, Тельман ўзини партия сафидан нотўғри ўчирилган, деб ҳисоблайди. Агар шундай бўлса, нима учун ўзининг ҳақлигини исботлаш учун курашмайди? Ахир, қаҳрамон «тўғри, хатоларим бор. Аммо шунчалик бешафқат бўлиш керакмиди? Йўқ, тақдирга тан бериб, сафдан индамай ўчиб кетаверадиганлардан эмасман!» деб очиқ таъкидлайди-ку! Бироқ бу гап гаплигича қолиб кетаверади. Аслида эса Тельман қалб даъвати, характер мантиқи билан эмас, балки муаллифнинг истагига кўра дастлаб мени ноҳақ жазолаганларга қарши курашаман, дейди-ю, яна ёзувчининг «буйруғи»га мувофиқ курашдан воз кечиб, ўша «буйруққа» биноан чўлга жўнайди. Қаҳрамоннинг бу хатти-ҳаракатини ҳам муаллиф белгилаб берганлиги сезилиб турибди. Хўш, «Дашт» қаҳрамони қайси жинояти учун партия сафидан ўчирилади?

Маълум бўлишича, Тельман кишлоқ хўжалиги институтини тугатиб, дастлаб бригадир, сўнгра агроном, ундан кейин кишлоқ хўжалик бошқармасида ишлайди. Нусрат Раҳматов унинг Баллосон кишлоғида ишлаб юрган кезларда Чаман деган қизни севиб қолгани, қизнинг ота-онаси бунга қарши чиққани, аммо севишганлар хуфёна никоҳдан ўтиб, пировардида бир-бирларига қовушганларини барча тафсилотлари билан баён этади. Аммо буларнинг ҳаммасини таъсирчан манзараларда гавдалантирмайди. Бундан кейин нима бўлади денг? Тельман ўз суюкли Чамани билан яшаб, бахт-саодат нашъасини суради, бир ўғил, бир қиз кўришади, аммо шу алфозда бахтиёр эр Чаман деган бошқа бир журтнинг учратиб қолиб, у билан элакишиб кетади, ўз Чаманидан совиб, янги ёр орттиради. Буни қаҳрамон қўйидаги изохлайди: «Бошқармага ишга ўтдим у қозоларга ўралашиб қолдим. Бу вақтда ота-онадан ажралгандим, Чамандан бўлак ҳеч кимим йўқ эди. Унинг колхозга — агрономликка қайтиб келишим борасидаги илтимосларига қўлоқ солмадим, Зерикадиган, кўпроқ шаҳарга — ресторанларга тушадиган бўлдим».

Қиссада таъкидланишича, қаҳрамон иккинчи ёрини, иккинчи Чаманини ресторанда учратади. Борди-ю, у ресторанга тушмаса, зерикмаса, биринчи Чамани, биринчи ёри билан яшайверармиди? Ахир, одам ресторанларга тушганда хиёнат кўчасига кириб, оиласини, фарзандлари, севган хотинини учутади, деб фикр юритиш ғалати-ку!

Сирасини айтганда, «Дашт»да Тельман ҳаёти, тақдиридаги кескин ўзгариш, жиддий бурилишни асослайдиган, исботлайдиган бошқа на фактик, на психологик далил бор. Аслида Тельман муаллифнинг ҳоҳиши билан ресторанга боради, ёзувчининг «буйруғи»га мувофиқ янги ёр орттиради, хотини, оиласи, болаларига хиёнат қилади. Ҳаётда, оиласи, бола-чақаси бўла туриб, бошқа бировни севиб қолган кишилар учраб туради. Бироқ инсон ҳаёти, интим дунёсида қандай ўзгариш рўй бермасин, барчасининг ўзига хос заминин, жуда мураккаб, ҳатто мантиққа бўйсунмайдиган омиллари бўладикки, «Дашт»да масаланинг шу жиҳати ҳисобга олинмайди. Нусрат Раҳматов қаҳрамоннинг ўз Чаманидан юз ўгириб, иккинчи Чаманга кўнгил қўйгани, оиласининг бузилгани, партия сафидан ўчирилгани ва ниҳоят даштга боргани, қаҳрамонларча меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиргани, яна партия сафига қабул қилингани, аввалги хотини томонидан кечирилганини ҳаёт мантиқи, реал воқелик тақозосига мувофиқ чуқур очиб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи ўз қаҳрамонининг қандай дардга мубтало бўлганини ўзи белгилайди, унинг тану жони, руҳи, қалбида нимадир «қасал»лангани-ю, қандай воситалар орқали тузалиб, соғайиб кетгани билан астойдил қизиқмайди. Тўғрироғи, қаҳрамоннинг барча хатти-ҳаракатлари ҳақида ахборот беришдан нарига ўтмайди.

«Дашт»даги Тельман оқибатда муаллифнинг фикрлари, мулоҳазалари, ҳукмулосаларини тасдиқловчи восита вазифасини ўтайди, холос.

«Томчи»даги Собир ҳақида ҳам худди шундай мулоҳазаларни билдириш мумкин. Бу қаҳрамонни муаллиф «жиловлаб» олиб, хоҳлаган ишини амалга оширтиради, чстаган фикрини изҳор эттиради, ҳар қандай «буйруғи»ни бажартирадики, бу ҳол қиссанинг бошидан то охиригача яққол сезилиб туради. Қаҳрамон ўзининг чўлдаги биринчи қадами тўғрисида шундай гапирди: «Чўлга келган биринчи куним! Июнь. Якшанба. Ҳеч унутолмайман ўша кунни! Жазирама иссиқ чор-атрофни тандирдек қиздирган... Менга «ўртадаги палаткада турасиз» дейишди. Ишим энгил кўчиб, тезгина жойлашиб олганидан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Кўрпа-ёстиқни ёйдим-да, оёғимни чўзганча керишиб, иссиқ ҳаводан энтикиб нафас олдим. Юзимни қиздириб, бошимни қисаётган ҳарорат ҳам кўнглимга ёқиб тушаётган эди».

Хўш, Собир ўзи яхши кўрган даштда қандай ишларни амалга оширади? Муаллифнинг тасвирига кўра, у келган кунидек Аливой деган безори, ишқмас йигит билан бирга араққа тўйиб, обдан маст бўлади, эртасига берилган вазифани уйдалай олмайди, боши оғриб, ўзини қўярга жой тополмай юради, пировардида ўша безори, шахс билан ёқалашиб, уни енгади. Бу воқеаларни барча тафсилотлари билан тавсифлашга қиссанинг деярли ярми ажратилган. Қолган ярмида нималар ҳақида сўзланади? Дастлаб қаҳрамон ўз ҳаётида рўй берган қўйидаги ўзгаришни маълум қилади: «Аливой билан опоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Сирдош топдим ишқилиб».

Қизиқ, қаҳрамон Аливой ифлос, қабиҳ шахс эканлигини билган, уни енган эди-ку? Нега энди у билан оғиз-бурун ўпишиб қолди? Ахир, ўзи оқ бўлса, Аливой қора, ўзи иссиқ бўлса, Аливой совуқ, муз, ўзи яхши бўлса, Аливой ёмон эди-ку? Қандай қилиб қарама-қарши қутблар бирлашиб кетди?

Қиссада уқтирилишича, Аливой мажлисларда Собир ёлчитиб ишламаяпти, ҳеч нарсага ярамайди, «бир мирилик иш: қўлидан» келмайди, деб танқид қилади ва бу танқиддан қутулиш учун қаҳрамон муҳолифига ён босади, ҳатто у билан дўстлашиб кетади. Наҳотки шундай бўлса? Ахир, тўғри одам танқиду дашномлардан қўрқмайди-ку? Собир эса соф, ҳалол, матонатли киши деб таърифланиб унинг Аливойни даф қилгани айтилган эди-ку?

Асарда ўт билан сувдай бир-бирларидан фарқ қилиб турган бу йигитларнинг бирлашиб, иттифоқ бўлиб кетиши етарли даражада исботланмаган. Собирнинг Аливой билан бирга бўлиб, берилган топшириқларни сидқидилдан бажармагани, унинг ялқовлик, ишёқмасликини авж олдириб, яши ишчилардан ажралиб қолгани ҳам ҳаққоний тасвирланмайди. Пировардида қурилишда Ақида деган ҳурилиқо пайдо бўлади-ю, уни Собир севиб қолади, янги ошиқ-маъшуклар бир жойда ишлашади ва бу қаҳрамон номидан қуйидагича изоҳланади: «Ақида мени кузатиб турарди, унинг қошлари қовоғининг устига миниб олган, бир-бирига яқинлашиб қолган эди. Мен шал тўкилган жойга етмай, харининг оғирини тобора кўпроқ сеза бошладим. Хари қадам сайин зилдек оғирлашиб, елкамдан босарди... Қувватим етмай қолаётир... Йўқ, харининг залвари босиб кетди. Ён томонга гандираклар кетдим». Оқибатда Собир жароҳатланади ва касалхонага тушади. Тузалиб чиққандан кейин шофёрликка ўтади, аммо машина тасодифан унқир-чўнқирдан ўтолмасдан қийшайиб қолади, ишдан чиқади ва ёзувчи қаҳрамоннинг ҳар бир қадамини барча тафсилотлари билан баён қилиб, эринмай тавсифлайди. Аммо буларнинг барчаси қанчалик эҳтирос, сәммимият билан тасвирланмасин, бари бир Собирнинг руҳий дунёсида рўй берган ўзгаришлар етарли даражада кўрсатилган деб бўлмайди. Қисса хотимасида Собирнинг безори, ярамас шахслар даврасидан чиқиб, ҳалол ишчилар сафига қўшилгани, Аливой билан ҳамтовоғи эса жиноят устида қўлга тушиб қамалгани, Ақиданинг қаҳрамонга кўнгил қўйиб, у билан ҳаётда бахт сарй илгарилаб боришга тайёр тургани қайд этилади ва пировардида ижобий персонажлардан бири Собирга шундай деб муурожаат қилади: «Сен энди бир вақтлар одамлардан ажралиб қолган Собир эмассан-ку. Энди сенинг чинакам дўстларинг, маслаҳатдошларинг бор. Ха, ука, сен томчи бўлиб денгизге интилдинг. Тўғри, кўпдан бир четлашдингми, яна қайтиш учун, бошқаларни ишонтириш учун кўп меҳнат сарфлаш керак. Аммо сен ана шундан чўчимадинг. Сен кўпга интилдинг, энди йўлинг кенг, энди адашмайсан...».

Бу сўзларни Собирга қурилишдаги бригадир Турсунбой ака айтаяпти, дейилади қиссада, лекин аслида улар ёзувчининг гаплари эканлиги шундоққина сезилиб туради. Йўқ, муаллиф оддий ишчи, тажрибали мутахассис, яши одам деб таърифлаган Турсунбой аканинг шундай фикрларни худди шу тахлитда айтганига китобхоннинг ишонгиси келмайди.

Қаҳрамоннинг бу тарзда кечаю кундуз фақат меҳнатни ўйлаб, ҳатто севгилисини ҳам инсонийлиги, қалб ҳарорати билан эмас, балки меҳнати билан мафтун этиш тўғрисида мулоҳаза юритишига хайрихоҳлик билдириш қийин. Чунки инсон фақат меҳнат билангина тирик эмас. У кимларнидир севади, нималардандир нафратланади, ҳаяжонланади, ғам чекади, қувонади, курашади ва ҳоказо. Ёзувчи инсон ҳаётининг барча мураккаб қирраларини ижтимоий-маънавий тараққиётнинг жуда муҳим, долзарб муаммоларига жипс боғлаган ҳолда чуқур ёритиши керак. Айни чоқда шуниси аёнки, ҳар бир шахс характери, тақдирдаги хилма-хил ўзгаришларни гаъминловчи жуда кўп омиллар ичида меҳнат муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, «Дашт», «Томчи», «Яхшиларга ёндошдим» ва «Қайтиш» қиссаларидаги қаҳрамонларнинг ҳар хил қусурлардан қутулишида меҳнатнинг ҳал қилувчи восита сифатида талқин этилиши табиий ва қонунийдир. Масала шундаки, реал ҳаётдаги Собир, Тельман, Шавкатлар ўз ихтиёрлари билан чўлу саҳролардаги қурилишлар, пахтазорларда мардонавор меҳнат қилиш даражасига етгунларича жуда кўп машаққатлар, қийинчиликлар, тўсиқларни бошларидан кечирганлар, ўзлари билан ўзлари ҳам, ўзгалар билан ҳам узлуксиз равишда муттасил олишганлар, курашганлар, тўқнашганларки, «Дашт», «Томчи», «Яхшиларга ёндошдим» қиссаларида мана шундай тўқнашувлар, олишувлар, курашлар бир-бирларига чамбарчас боғлиқ ҳолда олиниб, ҳозирги замон равнақи, маънавий-ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан чуқур ёритилмайди. Бунинг ўрнига ёш ёзувчиларимиз ўз қарамонларини фақат меҳнат қилиб, фақат меҳнат ҳақида ўйлашга, қандай айбу гуноҳлари, хато-ю, нуқсонлари бўлса, барчасини фақат пешона тери билан ювишга даъват этиб, уларнинг ўзига хос характери, дунёқараши, эътиқоди билан яшайдиган, нафас оладиган тирик, жонли шахслар сифатида гавдалантириш устида жиддий бош қотирмаганлар. «Қайтиш»да эса Ғаффор Ҳотамов ўз қаҳрамонларини бир қанча ўринларда реал шахслар сифатида кўрсатишга эришади, лекин уларнинг фожиасини барча мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур тадқиқ этмайди. «Томчи», «Дашт», «Яхшиларга ёндошдим» қиссаларида кўпроқ очеркчи журналистнинг услубини кўра-миз, фақат баъзи саҳифаларда қаҳрамонлар характерларининг баъзи қирралари, ҳусусиятларини учратамиз, холос. Шунинг учун уларнинг муаллифларидан ҳаёт муаммоларини санъаткорона тадқиқ этиб, тирик, жонли қаҳрамонларни яратиш талаб қилинадими, бусиз чинакам ижодий муваффақиятни қўлга киритиш мумкин эмас. Ёзувчилик дарди, санъаткорлик ташвиши янги, оригинал услуб яратиш, янги оригинал образлар, характерлар орқали замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёсини бойитиш, уларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, битмас-туганмас завқ-шавқ, салмоқли сабоқ беришдан иборатки, бу талаб тажрибали, машҳур истеъдод соҳибларига ҳам, ёш ижодкорларга ҳам барабар тааллуқлидир.

Мейлибек Норбоев

Хонанда

Хонанда даврада жўшиб куйласа,
Севинчдан, завқ-шавқдан ёниб сўйласа,
Норози пичирлар баъзи бир одам:
«Наҳот завқ-севинчдан иборат олам?»

У мунгли куйласа ғамдан, кулфатдан,
Оҳ уриб нолиса дўсту улфатдан,
Норози пичирлар баъзи бир одам:
«Наҳот ғам-кулфатдан иборат олам?»

Шундан сўнг хонанда йўқолди беиз.
Балки у саргардон ўртанар эсиз,

Менимча, қайдадир юргандир бўзлаб,
Ушалар истаган қўшиқни излаб...

Бақатерак

Ёнида бир митти ниҳол борлигин
Хаёлга келтирмай, бўй чўзар мағрур.
Шу митти ниҳолнинг нақ чинорлигин
Билсайди, сал пастроқ келарди қурғур.

КОНВЕРТЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

* * *

Номусга қўриқчи эмасдир ажал.

* * *

Уят, таъма отлиғ жирканч қусурни
Олий тилакларга ёндош сақласам.

* * *

Бошим — ўз фойдамнинг рамзидай гўё.

* * *

Олислардан келар кемтик бир садо.

* * *

Сипо юрагимда ғалати алам,

Эшикнинг қулфидай олди қадалиб.

* * *

Боши тошдан қаттиқ чайир одамман,
Бас, четлаб ўтибди севги гултожи.

* * *


Тонг кечанинг касофати,
Ёрим кўзлари юмилар эди.

* * *

Юлдузларга қарайсан сен термулиб,
Кўзларингда уйқу билан мўлтираб.

* * *

Шеърларим базмининг шифокориман.



— Ана энди спектакль ту-
гагунча ҳеч ким ўрнидан
жилмайдиган бўлди.

А. ХОЛИҚОВ расми.



* * *

Атоқли француз ёзувчиси Андре Стил бир неча кун Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турди. У Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, пойтахт аҳлининг ҳаёти ва меҳнат самаралари билан яқиндан танишди. Адибни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимов қабул қилди.

А. Стил диёримизнинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам бўлди, тарихий обидалар, янги қурилишлар, ишчилар ва пахтакорларнинг бунёдкорона меҳнат самаралари ёзувчида катта таассурот қолдирди.

* * *

10—20 август кунлари Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Дурмондаги Ижод уйида республика ёш адибларининг семинари бўлиб ўтди. Унда республикамаизнинг барча областлари ва ҚҚАССР вакиллари бўлган 60 ёш қаламкаш қатнашди.

Ёш адиблар семинари Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимовнинг кириш нутқи билан очилди. Ёшларнинг асарлари ўн кун мобайнида проза, поэзия, драма-тургия, рус адабиёти, адабий танқид секцияларида муҳокама қилинди, секцияларни бошқарган ва бевосита иштирок этган тажрибали адиблар ёшларга катта сабоқ бўладиган фикр-мулоҳазаларни билдиришди. Ёш ижодкорларнинг атоқли адибларимиз — Уйғун, Назир Сафаров, Зулфия, Саид Аҳмад, Шукрулло, Одил Ёқубов, Улмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тўлепберген Қайлберген, Пўлат Мўмин, Суннатилла Анорбоев, Уткир Ҳошимовлар билан бўлган учрашувлари эса унутилмас таассурот қолдирди. Шубҳасиз, Ўзбекистон ёш адибларининг бу семинари ёш ижодкорларга партия ва ҳукуматимизнинг яна бир ғамхўрлиги бўлиши билан бирга, адабиётимиз тараққиётига, хусусан, ёшлар ижодининг янада ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

* * *

«Детская литература» адабий-танқидий журналининг август ойи сони ўзбек совет болалар адабиётига бағишланди. Журнал саҳифаларида атоқли адибларимиз Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Туроб Тўла, Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, танқид муннаққидларимиз Пирмат Шермухаммедов, Салоҳиддин Мамажоновларнинг ўзбек совет болалар адабиётининг тараққиёт йўли, ютуқлари, ўзига хос муҳим ижодий муаммоларини теран, атрофлича таҳлил этган мақолалари эълон қилинган.

Шунингдек, унда рус адабиётшуноси Игорь Мотяшев ва белорус шоири Василий Витьканиннинг ўзбек болалар адабиёти ҳақидаги мақолалари ҳам босилган. «Детская литература» журналининг бутун бир сони адабиётимизнинг муҳим жабҳасига бағишланиши, шубҳасиз, болалар адабиётимизнинг кейинги ривожига катта таъсир кўрғазди.

* * *

Адабиёт соҳасидаги 1982 йилги Литва ССР Давлат мукофотлари билан А. Поцюзнинг «Ошёнидан учиб кетганлар» ҳикоялар тўплами, А. Зурбаниннинг болаларга атаб ёзилган «Қафасларни улоқтиринг» китоби ва «Интеграл» романи, шунингдек, адабиётшунос Р. Пакальнишкиснинг «Литва достони» китоби тақдирланди.

Шу йил озар адабиётининг улкан намояндаси Мирза Фатали Охундов таваллудининг 170 йиллиги мамлакатимизда кенг кўламда нишонланди. Октябрь, ноябрь ойларида Бокуда, ватанимиз пойтахти Москвада улғу иқтилобчи ва маърифатпарвар ижодига бағишланган тантанали адабий кечалар, адибнинг туғилган юрти — Шекида эса илмий сессия ўтказилди. Мирза Фатали Охундовнинг «Танланган асарлари», «Сайланмаси, фалсафий асарларининг юбилей нашрлари, шунингдек, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий рисоалар чоп қилинди.

* * *

Мамлакатимизда рус тилига қизиқиш орта бораётгани билан биргаликда русча луғатларга бўлган талаб кучаймоқда. Унинг беш йилликда 3 миллион 796 минг нусхада 36 та рус сўзлиги нашр этилган эди. «Русский язык» нашриёти ўн биринчи беш йилликда умумий тиражи 4 миллион 838 минг нусхадан иборат 55 та рус тили луғатини чоп қилишни режалаштирди

* * *

Жаҳон денгизлари ва океанларида сузиб юрган улкан кемаларнинг баъзилари атоқли ижодкорлар номи билан аталади. Польшанинг Шчецине шаҳрида қуриб битказилган «Константин Симонов» кemasи яқинда Қора денгиз бўйлаб суза бошлади. Кемада Константин Симонов музейи бор. Шунингдек, унда атоқли совет адаби ҳақидаги кинофильмлар мунтазам намойиш қилинади.

* * *

Венгер ёзувчиси Янош Силадьи 7—11 августда Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Уни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениясининг биринчи секретари Сарвар Азимов қабул қилди.

Силадьи венгер халқини мамлакатимиз ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида СССР ҳақида очерклар туркуми яратмоқчи — у шу ниятда ва СССР Ёзувчилар союзининг таклифига биноан Совет Иттифоқига ташриф буюрган. Аввал Москва, Ереван каби шаҳарларда бўлган Я. Силадьи диёримизнинг Тошкент, Самарқанд каби қадимий шаҳарлари, халқимизнинг ўзига хос ҳаёти билан танишди.

* * *

19 августда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг навбатдаги секретариат мажлиси бўлди. Сарвар Азимов раислигида ўтган бу йиғилишда КПСС МКнинг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» чиқарган қарори муносабати билан республикада адабий журналлари ва адабларимиз олдида турган вазифалар муҳокама этилди. «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Йилдиз», «Ёшлик» журналларининг бош ре-

дакторлари Ҳафиз Абдусаматов, Александр Удалов, Шомиль Алядин, Эркин Воҳидов ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Одил Ёқубов ўртоқлар КПСС МКнинг ушбу қарорини амалга оширишда бажариладиган ишлар, режалар хусусида сўзладилар. Мажлис сўнггида Сарвар Азимов яқунловчи нутқ сўзлади.

Секретариат йиғилишида ёш ижодкорлар — Мирза Кенжабоев, Алишер Ибодинов, Венера Иброҳимова СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР НОВАБРЬ ОЙИДА

**Звезда
Востока**

Журналнинг бу сони Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг «Чодрали аёл» қиссаси билан очилади. Наср ихлосмандлари бу сонда Б. Пармузиннинг «Узилган ришта» повести билан ҳам танишадилар.

Шеърят бўлимида Туроб Тўла, Муҳаммад Али, М. Маргарян, Ш. Орифий, В. Стринковский, В. Алейников шеърлари, шунингдек, классик шоиримиз Машраб асарларидан намуналар берилган.

Журналнинг публицистика, санъат, адабий танқид бўлимида ҳам қизиқарли материаллар босилган.

Ёшлар

Журнал ёш адиб Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси билан очилади. Олмоснинг «Ов» ҳикояси, шунингдек Дўрмонда бўлиб ўтган республика ёш ижодкорлари семинари қатнашчилари — бир гуруҳ ёш шоир ва носирларнинг асарлари ҳам шу сондан ўрин олган.

Журналда И. Ғафуров, Э. Бозоров, О. Отахоновларнинг адабиётшуносликка оид мақолалари, «Устозлар бисотидан» рубрикаси остида А. Қодирийнинг «Ёзишгучиларимизга» мақоласи, А. П. Чеховнинг «Хамелеон» ҳикояси А. Қаҳҳор таржимасида берилган.

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУ-ҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ФУЛОМ.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1982.

Рассом **О. Арутюнов** Тех. редактор **М. Аҳмедов.** Корректор **А. Билолов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 30.09.82 й. Босишга рухсат этилди 19.10.82 й. Р-032425. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186134. Заказ № 4153.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.